



Франц
Кафка

Жараён




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(4Нем)

К – 30

Кафка, Франц

Жараён. Франц Кафка / Роман. Таржимон ва сўнгсўз муаллифи В.Файзуллоҳ. Сўзбоши муаллифи Х.Дўстмуҳаммад. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 448 б.

ISBN 978-9943-27-696-3

Нашриётимиз номига келган мактублар орасида Франс Кафка ижодига қизиқувчилар талайгина эканлиги, очиги, бизни ҳайратга солди. Демак, ўзига хос фавқулодда истеъдод эгаси бўлган, ёзганларини англашга интилишимиз мутолаага қайта ва яна қайта «мажбур» қиласидан адаб асарлари ўзбек китобхонининг ҳам қалбига яқин. Бундан бошимиз кўкка етди.

Вафо Файзуллоҳ таржимаси асосида нашрга тайёрланган мазкур китоб Кафканинг дунё китобхонлари қалбини ларзага солган икки асари – «Жараён» ва «Отамга хат»ни ўз ичига олган.

Ҳар иккала асар ҳақида ўқувчига қисқача маълумот бериш жуда қийин ва айни пайтда жуда масъулиятли иш. Чунки улардаги моҳиятни бир қолипга сифдириб бўлмайди.

Инсониятнинг қисмати, яшаш ҳуқуқи, эрки, қадр-қиммати, даҳлсизлиги тўғрисида унинг ўзи билганларидан ташқари яна ҳам мураккаброқ, яна ҳам чигалроқ мулоҳазалар борки, улар ҳақида тақдим этилаётган ҳар иккала асарда ўқиймиз.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(4Нем)

Таржимон

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

ISBN 978-9943-27-696-3

© Франц Кафка, «Жараён». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ХАРАКАТДАН ТҮХТАГАН ЖАРАЁН ҚИССАСИ

Эссе-муқаддима

«Афтидан кимдир Йозеф К.га түхмат қилган чоги, ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, бирон-бир ножүя иш ҳам содир этмаганди, шунга қарамай уни ҳибсга олишиди».

Кимдир ҳибсга олиндими, демак, ҳадемай суд жараёни бошланади. Суд жараёни асносида, одатда қандайдир ҳақиқатларга ойдинлик кири-тилади. Асарнинг номланиши ўқувчини биринчи навбатда шундай хаёлга ундейди. У ўзини суд жараёни ҳақидаги тафсилотларни ўқишга чоғлайди. Бироқ...

Йозеф К.нинг ҳибсга олиниши ҳақидаги хабар билан бошланган «Жараён» биринчи марта 1925 йили нашр этилган бўлса-да, айрим маълумотларга кўра, у 1914–1915 йилда, бошқа маълумотларга қараганда эса 1918–1919 йилда ёзилган. Ҳарқалай, Франц Кафка «Жараён»ни ёзганида 30–35 ёш орасида бўлган. Шу ёшдаги одам ҳаётнинг бу қадар мураккаб синоатларини қандай қилиб бир роман қаҳрамони тимсолида мужассам қила олди экан, – деган савол ҳали-ҳануз дунёдаги кўплаб адилларни, мутахассисларни, адабиёт ихлосмандларини қизиқтириб келади, ўйга толдидиради. Баҳсга чорлайди. Мунозарага ундейди.

Тугал ечим, тугал хулоса эса топилмайди.

Борди-ю топилганда, борди-ю роман бир ўқишида кўнгилга, шуурга тўласича жо бўлиб қўя

қолганида, уни иккинчи, бешинчи, еттинчи марта ўқиши ҳожати қолмаганида «Жараён» деган асар Франц Кафка деган исмга қўшилиб аллақачон унутилиб кетган бўлар эди.

«Жараён» бир ўтиришда, бир кечада ўқиладиган роман эмас. Уни ўқиши хийла қийин. Бир боб ўқиб, орқага қайтишингиз, хаёл қочиб, ўқиётган тафсилотларингизни тушунмай қолишингиз, гап нима ҳақда бораёттанини илғашга қийналиб, калаванинг учини йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Жумла тузилиши, гап қурилмаси, фикрни ифода этиш услуби эзмаликка, ҳатто мижғовликка мойил. Бошқача, ўзгача, ғалати.

«Ўзгача», «ғалати» сифатлари «Жараён» гагина эмас, адиднинг бутун ижодига энг ихчам ва лўнда таъриф дейиш мумкин (адиднинг кундакликларида «Ёзганларим ҳам ғалати», деган жумла келади). Файритабиий тасвир, файритабиий одамлар образи. Чунки адиднинг, адид шахснинг, Франц Кафка деган инсон зуваласининг ўзи файритабиий. Шуларнинг маҳсули ўлароқ, ёзувчининг бадиий тафаккури ғоятда файритабиий эканлигидан ажабланмасак ҳам бўлади.

Романнинг бошламасига эътибор бердингизми? Ҳеч бир кимсага ёмонлик қилмаган, ҳеч бир ножӯя ишга қўл урмаган Йозеф К.ни нима сабабдан ҳибсга олишибди? Шунинг ўзи ғалатиликнинг бошланиши эмасми?

Шу ғалатилик ўқувчини мафтун этади, у мазкур савол жавобини топаман, деган хаёлда ўқийверади, ўқийверади. Жавобдан эса дарак йўқ. Устига-устак саҳна ошгани сайин саволларнинг сони ортаверади.

«Жараён» – савол, «Қалъа» – савол, «Америка» – савол, бири-биридан ноёб новеллалар, Франц

Кафканинг ўзи, унинг ижоди яхлит бир савол. Ҳар бир давр, ҳар бир ижтимоий ҳолат, ҳар бир тафаккур тарбиясида тарбия топган авлод китобхонлар ўзича, ўзгача жавоб топадиган, лекин сира тутал тўхтамга кела олмайдиган саволлар мажмуаси.

Роман мутолаасига киришган китобхон, ҳадемай бошланажак жараёнга руҳан ҳозирлик кўради. Ҳозирча муқаддима. Қаҳрамон ўзини ҳимоя қилиш ҳаракатида юрибди. Бу табиий ҳол. Фақат... фақат Йозеф К.нинг дам меҳмонхона бекаси Фрау Грубахга, дам фройлейн Бюстнерга, дам фройлейн Монтагга йўлиқиб, ўзининг ҳибсга олинганилиги ҳақида гап қўзғашлари, нималарни дир сўраб-суриширишлари, алланималарни уларга уқтиришга уринишлари ўзини ҳимоя қўлмоқчи бўлган одамнинг безовталикларига ўхшамайди.

Жараён бошланишидан эса ҳамон дарак йўқ.
Сабаб?

Кафканинг асарлари ҳужайра-ҳужайрасигача саволлардан тўқилган дедик. Аввало, қалашиб келадиган катта-кичик саволларнинг ҳаммасини батафсил илғаш қийин, қолаверса, ўзингиз илғаган, тушуниб етган саволларга жавоб тошиш, улар ҳақида мулоҳаза юритиш китобхондан етарли даражада билим, малака ва жасорат талаб қиласди. Зоро, ҳаётда одам ўзи у ёки бу даражада билиб-англаб етган ҳақиқатлари юзасидан ҳам очиқ-оидин мушоҳада юритишдан, тайинли хулоса чиқаришдан ўзини тийиб туради, кўпинчча. Бунга юраги бетламайди. Кафканинг қаҳрамонлари эса ўзини тиймайди, улар ҳар қандай аччиқ ҳақиқатлар ҳақида юрак ютиб мулоҳаза юритаверади. Энг изтиробли, энг қалтис ҳолатларга мардонавор кириб бораверади ва муҳими, ҳеч бир жойда кўз ёши қилиб ўтирумай-

ди. Дарвоқе, Кафканинг қаҳрамонлари ҳеч бир жойда йиғлоқилик қилмайди, улар китобхонни бўлар-бўлмас кўз ёши тўкишга «мажбурламайди».

Франц Кафканинг асарлари фақат саволлардан иборат десак янглишамиз. Саволлар адаб асарларининг алоҳида бир маъно қатламини ташкил этади, холос. Бу маъно қатламидан кейин жавоб ва ҳукм қатламлари ҳам келади. Савол-жавоб, ҳукм ва яна савол қоришиб кетади.

Романнинг бошлангич жумласини ўқидик. Ҳеч бир ножӯя иш қилмаган одамнинг ҳибсга олиниши галати туюлди, шунаقا ҳам бўлар эканми, деб кўнгилда савол туғилди ҳам. Саволнинг бир «чеккаси»дан мўралаб турган жавоб – ҳукм ҳам мавжуд. Яъни, ҳа, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, одам ҳеч нарсадан ҳеч нарса қамоққа олиниши ҳам мумкин!

Зиёли инсон борки, бирор аниқликдан хабар топса, индамай қўя қолмайди. Нега, нима учун, нима сабабдан дея суриштиришга киришади. Шу боис у Йозеф К.нинг ҳибсга олинишини тушунолмайди. «Ия, – дейди у ажабланганини яширмай, – бу юртда қонун-қоида, тартиб-интизом борми, ўзи?» деб баралла сўрайди. Шундай деб турганида биринчи бобнинг ўзидаёқ саволига аниқ-лўнда жавоб ҳам келади. «Ахир у (Йозеф К. – Х.Д.) ҳамманинг ҳуқуқлари кафолатланган, осоиштилик ҳуқмрон давлатда яшапти-ку, бунда қонунлар бузилмаслиги даркор эмасми?» Афсуски, воқеалар оқими хатарли тус олади. Қаҳрамонимиз жиддийроқ ҳаракатга тушади. Анчадан буён кўринмай кетган амакиси унинг жонига ора киришга тутинади. Ахир у Йозефнинг устида ўлиб қолишга шай, бунинг устига у ўзини Йозефнинг валинеъмати деб билади. Пи-

ровардида, амаки жиянини мактабдош дўсти бўлмиш бообрў адвокат Гульднинг ҳузурига етаклаб боради.

Гульд кўпни кўрган, суд маҳкамасидаги ка зо-казолар орасида таниш-билишлари сероб. Шу ўринда ўзбек китобхони кўнгли бирдан хотиржам тортади, чунки шу қадар тажрибали адвокат ишни босди-босди қилиб юборишига умид боғлайди. Демак, жараён бошланмай тугайди, ношуд Йозеф К. бошига тушган кулфатлардан халос бўлади-қўяди. Бироқ «Адвокат. Фабрикачи. Рассом» деб номланган бобда адвокатга боғланган умидлар шу қадар рўёга айланадики, асти қўяверасиз. Ушбу бобдаги адвокатура хизмати, адвокатлар номаъи аъмоли ҳақидаги ҳикояни романнинг энг гўзал саҳифалари дейиш мумкин. Шу ўринда адибга хос аччиқ киноя, пичинг-писанда авж пардага кўтарилади.

Адвокатлар идораси бир ҳолатда, бу идора соҳибларининг суд жараёнларида кўрсатадиган кароматлари ҳам шундан афзал эмас аслида, лекин улар ўзларини соҳибкаромат одамлар деб кўз-кўз қиласидилар. Йозеф К. адвокатлар дунёси билан ичдан таниша боргани сайин бу тоифа кимсалардан у дунёю бу дунё ёруғлик чиқмаслигини ёрқинроқ англай боради, шу ерда дуч келган фабрикант, сўнг рассом йигит унинг кўзини мошдай очишади. «Қонунда айбсиз киши оқланади, деб ёзиб қўйилгани билан, – дейди рассом, – бироқ мен ўз тажрибамдан шуни яхши биламанки, ҳаммасининг тескарисини қилишади».

Йозеф К. хаёлга берилиб, суд девонхонасининг бурнига келиб қолганидан хавфсирамайди, уни бошқа нарса – «суд ишларида жаҳолат, нодонлик даҳшатга солар эди». Рассом йигитнинг:

«Менимча, бу ёргө оламда бирорта ҳам одам ўз таъсир кучи билан мутлақ оқланишига эриша олмаса керак», деган гапи Йозефни ўйлантириб қўяди. У кўп ўйланади, ҳардамхәёл бўлади. Ўзининг аҳволидан тегишли хулоса ясайди. «Иккиланиб турган одам ҳеч қачон адолатли ҳуқм чиқариши мумкин эмас».

Лекин у нима қиласин?

Қаҳрамонимиз шу саволга жавоб тополмайди, дам «Гўё у бу ёргө оламда ёлгиз ўзи қолгандай...» бўлса, дам «Омон қолиши учун фақатгина курашиши керак», деган қарорга келади.

Курашиш учун эса... жараёндан дарак йўқ, жараён бошланадими-йўқми, ўзи? (Ахир муаллиф романни «Жараён» деб атаган-ку, қани, ўша жараён?!)

Йозеф К. лоақал ўзининг вазиятини англаб етолмай хуноб, қаерда қандай макон, қандай мұхиттда, оғини қаерга қўйиб турибди у? Шуларни билиш, ҳис этиб туриш ҳар бир инсон учун мұхим эмасми?

У шулар хусусида бош қотираётib бошқа жиддийроқ муаммога дуч келади: у-ку, битта одам, холос. Жамият-чи, жамиятнинг ўрни, қиёфаси, шакл-шамойли аниқми? Фуқаро вазиятининг аниқліги жамият вазиятининг аниқлігидан бошланмайдими?

Шу тариқа Йозеф К. саволлар, жумбоқлар гирдобига гарқ бўла боради. Юзаки қараганда, у мужмал вазиятлардан қутулиб кетиш чорасини излаётгандек туюлади, аслида у жасоратда favvос янглиf ҳеч қандай мушкүлотдан тап тортмайди, балки жонини тикиб энг хатарли ҳолатларга тиккасига кириб боради.

Йозеф К. ҳаддан ташқари фикрчан одам. Мабодо у фикрга бу қадар ташна бўлмаганда,

гўдакларча билиш мақсадида ҳар ерга тумшуғини суқавермаганида шунча балога гирифтор бўлмасди ҳам. Афсуски, у ақллилик балосига учраган. Ваҳоланки, воқеаларнинг бошланишидаёқ, яъни Йозефга қоровулликка қўйилган соқчилардан бири унга энг «доно» маслаҳатни беради. «Ҳа, бизнинг сизга берадиган маслаҳатимиз шу: күчингизни бемаъни мулоҳазалар юритишга сарфлаб ўтируманг, яхиси, имкон қадар, бирон-бир фикр юритишдан тийилинг. Сиздан талаб қилинадиган энг катта вазифа шу», – дейди у. «Яна ўзингизнинг айбисизлигингишни пеш қиласвериб, ҳуда-бехудага қичқираверманг», – дейди бошқаси.

Кўряпсизми, соқчилар учун маҳбуснинг фикрламагани маъқул, улар учун мулоҳазакор одам хавфли.

Худо ақл-идроқдан қисмаган бўлса, миядаги тафаккур чўглари сўнмаган бўлса, қандоқ қилиб фикр юритишдан тийилади одам? Қандай қилиб ва нима учун айбисизлигини пеш қилмаслиги керак? Айбдор киши ўз кирдикорларини достон қилмайди, буни тушуниш мумкин, лекин ҳеч бир асоссиз ҳибсга олинган ҳақсиз одам ўзининг айбисизлигини пеш қилишдан ортиқ нимага ҳам ярайди? Яна қандай бошқа чора қолади унда? Ёхуд айбсиз ўзининг айбисизлигини пеш қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрумми?

Йозеф К. нажотни фикрлашда деб билади. Унинг фикрлаши ҳақсизликни маҳв этиш учун қилич яланғочлаб чиқмайди. У ҳеч кимсага, ҳеч бир калондимоғликка, ҳеч бир кибр-ҳавога, ҳеч бир ёлғонга очиқдан-очиқ зарба бермайди. У яна шундай разолат манзаралари мавжудлигидан одамларни огоҳ этади, уларни фош этади. Унинг фош этиши исёнга, чорага айланади.

Эҳтимол, ана шу фош этиш биз кутган жараёндир? Фош этиш жараёнидир?

Устоз Озод Шарафиддинов кўплаб китобсеварларнинг онахони Баҳри Гуломовани хотирлаб ёзган мақоласида 30–40 йил муқаддам дўконлардан керакли китобларни излаб, суриштириб юриш одати борлигини ёзибди. Уни ўқий туриб ўзим «Жараён»ни излаганларим ёдимга тушиб кетди.

Ўрта мактабни битираётган кезларим уч-тўрт кутубхонага аъзо эдим, кўзимга ёқимли кўринган китобни ўқийвергандман. Эндиликда уларнинг жуда ози ёдда қолган. Мен учун китоб тўла жавондан гўзалроқ манзара йўқ эди. Кўчамизнинг юқорирофига ҳар сафар йўлим тушганида пастак деразадан бирига мўралаб ўтишни канда қилмасдим. Яқин-атрофда шу хонадон соҳибидан кўра баҳтироқ, бадавлатроқ инсон йўқ эди, назаримда.

Журналистика факультетида жаҳон адабиётини ўқиганмиз, лекин модернизм ва унинг атрофидаги хилма-хил оқимлар, уларга мансуб шоир ва адиблар, файласуфлару психологлар номи тилга олинганми-йўқми зинҳор эсимда йўқ. Эҳтимол, домлаларимиз бир қур экспурс қилиб ўтса ўтгандир, лекин талабалик кезлари экзистенциализм, сюрреализм ва ҳоказо «изм»ларни тушунадиган аҳволда бўлмаганмиз. Кейинроқ сездимки, шу ва шу сингари оқимга мансуб санъат асарларидан таъсиранадиган хос бир кайфият туғилмагунича улар сизга ёт ва бегона бўлиб қолаверади.

Таъсиранмаган одам ҳазми оғир асарни илғашга уриниши у ёқда турсин, тушунишни ҳам истамайди. Вақт-соати келганда эса... бир хил хасталикка учраган беморларгина бир-бирини осон ва тўқис тушунадилар, деган гапни ўқигандим.

Ёдимда йўқ, дўстларимиздан бирининг қўлида «Превращение» деб номланган ҳикояни кўриб қолдим. Муаллифи Франц Кафка.

– «Превращение» нима дегани? Ўзбекчада нима бўлади? – деб сўрадим тушунмай.

– «Эврилиш», – деди у.

Ҳикоя матни машинкада кўчирилган, биринчи жумласи сира ёдимдан чиқмайди. «Проснувшись однажды утром после беспокойного сна, Грегор Замза обнаружил, что он у себя в постели превратился в страшное насекомое».

Эртакларимизни, афсонаю ривоятларимизни ўқиб улғайганлар учун бундай гапларнинг фавқулоддалик жойи йўқ. У ҳолда не боисдан «Эврилиш» дунё ҳикоячилиги тарихида фавқулодда воқеага айланди? Нимаси билан у ҳикоянавислик маҳоратини янги поронага кўтара олди?

Энг муҳими, Франц Кафка инсондан ҳашаротга айланиб қолиш ҳодисасига эртак, афсона, фантастика деб эмас, реал воқелик сифатида ёндашди. Бу ҳолатни сира иккиланмай том маънодаги ҳаётий воқеа сифатида реалистик ҳикоя тарзига олиб кирди.

Хуллас, машинкада терилган ҳикояни бир кунга, аниқроғи, эрталаб қайтариш шарти билан олиб кетдим.

– Ҳар кимга кўрсатаверманг, – деди дўстимиз.

Шу огоҳлантириш сабаб бўлдими, биринчи жумладан таъсирандимми, туни билан ҳижжалаб ўқиб чиқдим «Эврилиш»ни. Ҳозир ҳар қадам, ҳар идорада муҳайё нусха кўчириш ускунаси юртимизга энди-энди кириб келаётган пайтлар эди, эрталабдан шуларнинг бирига бориб, юз таваллою ёлвориш билан «Превращение»дан бир нусха кўчиртириб олдим.

– Ҳеч кимга қўрсатмадим, – деб ёлғон гапирдим, олган нусхани эгасига қайтараётиб.

Франц Кафка билан биринчи танишув шу тариқа юз берган. Сўнг бу адид ижодига доир ни маики мақола бўлса, топиб ўқишга ҳаракат қилдим. «Жараён» романини ернинг тагидан бўлсам топаман деб ўзимга аҳд қилдим. Бироқ у ма на-ман деган китобийгарлардан ҳам, ернинг тагидан ҳам топилмади. Ўзиям Франц Кафканинг рус тилида бор-йўғи битта китоби нашр этилган экан, у ҳам кейин қўрсам, адади қўрсатилмаган. Чамаси, шўро ҳукумати мафкурасига зид деб ҳи собланган бу адиднинг китоби хорижликлар на зари учунгина номига чоп этилган. Лекин қани, ўша китоб?

Кунларнинг бирида автобусдан тушиб кўчамизга бурилсам, икки қўлидаги оғир ип тўрвани инқилаб қўтариб келаётган аёлга қўзим тушди. Юрагим «жиз» этиб кетди. Ўйламай-нетмай аёлга этиб олдим, бир қўлидаги тўрвани олдим. «Йўлимиз бир, мен ҳам шу ёқقا боряпман», – дедим. Аёл ҳайрон. Мен эса иккинчи тўрвани ҳам қўтаришга жон деб турибман. Аёлнинг ҳайронлиги баттар ошди.

– Сизни танийман, – дедим. – Кўшниман. Нарироқда яшаймиз. Сизнинг уйингизга деразадан кўп қарайман.

– Да-а... – деди опа ажабланиш-ажабланмас-лигини билмай. Сўнг сўради: – Нимасига қарай-сиз уйни?

– Китобларга. Ҳавасим келади.

– Ҳавасингиз келса, марҳамат, уйга киринг. Китобларни кўринг.

Опа шу қадар самимий гапирдики, нақ бир йилдан буён излаб юрган китобимни қўлга ки ритгандек қувониб кетдим. Орадан ўн дақиқа

ўтар-ўтмас Франц Кафканинг қора жилдли, семизгина китоби қўлимда турарди! Янги танишган қўшни аёл – Тамара Сергеевна Никоноровани ўпид олай дедим!

– Бемалол ўқийверинг, кейин қайтарарсиз, – деди хонадон соҳибаси.

Ўша дамда мендан баҳтли инсон йўқ эди, атрофимда!

Орадан чорак аср ўтди, мана бугун «Процесс» ўзбекчага «Жараён» деб ўтирилиб, ниҳоят китоб ҳолида чиқиб турибди! Марҳамат, уни ўзбек тилида ўқиш имкони туғилди. Бу – ўзбек адабиёти тарихида алоҳида воқеа! Ҳамонки, адабиёт инсоншунослик экан, «Жараён» ҳар қандай миллий адабиётнинг маънавий мулки ҳисобланади. Ҳар қандай миллий адабиётнинг нуфузи «Жараён» ўша тилга ўтирилган-ўтирилмаганлиги билан ҳам белгиланади, десам муболага бўлмайди. Жаҳон адабиёти тарихи Франц Кафкагача ва ундан кейинги даврга бўлинади, дейишади. Миллий адабиётлар ҳам Кафканинг асарлари ўша тилга ўтирилгунига қадар ва ундан кейинги даврга ажралади.

Адабиётимиз «Жараён» она тилимизга таржима қилингандан кейинги ўзбек адабиёти деган шарафли номга сазовор бўлди! Истеъдодли шоир ва заҳматкаш таржимон Вафо Файзулоҳ саъй-ҳаракати билан Йозеф К. ўзининг бутун мураккаб дунёси билан ўзбек адабиётига кириб келди. Ваҳоланки, қаҳрамонимизнинг бошига тушган ташвиш оламшумул муаммо ҳам эмас, кўрсатадиган қаҳрамонликлари муҳокама қилиб ўтиришга арзимайди ҳам. У бор-йўғи ҳибсга олинган, ўзи шуни тушуна олмай, гарангсиб юрибди, холос.Faқат ғалати ва қизиқ жойи шундаки, Йозеф К. қамоқча олингану хизмат вазифасини давом эттириши мумкин.

Буни қандоқ тушунамиз. Ижарахона бекаси Фрау Грубахнинг таъбирига қаранг: «Сизнинг қамоққа олинишингизда эса қандайдир ҳикмат бордай», – дейди у Йозефни юпатиб.

Гарчи Йозеф К. ўзининг ҳибсга олинишида ҳикмат тутул оддий тайинли мантиқнинг ўзи йўқ деб ҳисобласа-да, Грубахнинг фикрига кўшилмай иложи йўқ. Зеро, Йозеф К. қисматини, мана, салкам бир асрким, китобни ўқиган киши турлича талқин этмоқда, талқин эса тугайдиганга ўхшамайди. Шу эмасми, романдаги, аниқроғи, роман қаҳрамонининг ҳибсга олинишидаги ҳикмат?! XX асрнинг улкан файласуфларидан Эрих Фромм Йозеф К.нинг ҳибсга олинишини рамзий маънода «тўхтаб қолиш» деб талқин этади. Яъни, Йозеф К. жисман эмас, фикран тўхтатиб қолинди. У энди ҳаётий жараёндан мосуво. Аслида ҳам у ўтакетган диққинафас ҳаёт кечираётган эди – кунлари туссиз, бефайз – номигагина ётиб-туришлар, хўжакўрсинга хизматга бориб-қайтишлар, «йилт» этган равшанликдан дарак йўқ. Оддинда рўшнолик йўқ. Ҳамма нарса тўхтаб қолгандек эди, мана, Йозеф К. ҳам тўхтади, уни тўхтатиб қўйишди. Франц Кафкага хос аччиқ ва тагдор киноя романнинг атамасида мужассам, яъни, гарчи асар «Жараён» деб аталса-да, ҳаётда ҳеч қандай жараён аломати сезилмайди. Жараён дегани ҳаракат дегани-ку, романда эса буткул ҳаракатсизлик, маҳдудлик. Фикр ўлган, мушоҳада чекланган тубан муҳитда жараён кечмоқда деийшининг ўзи бориб турган сурбетлик. Романда ана шундай жараёнсизлик, яъни тўхтатиб қўйилган вақтнинг тўхтаб қолган воқеалари тасвирланган. (Адабиётшунос дўстларимиздан бири роман атамасининг энг аниқ мазмуни ўзбек тилида муаллиф ўйлаганидан ҳам мукаммалроқ жаранглайди, бу-

нинг учун «Жар аён» деб ўқилиши керак, деганида ҳам чукур мазмун бор.) Кафканинг бетакрорлиги ҳам шунда!

Эрих Фромм «Жараён»ни энг узун туш, деб таърифлаган. Бундай тўғри хулоса бежиз эмас эди. Зоро, Йозеф тўхтаб қолган вақтнинг ҳараланиши, яъни жонланиб, чинакам жараёнга айланишида нажотни тушдан излайди ва топади. Франц Кафка ҳам, унинг қаҳрамонлари ҳам туш ва хуш оралиғидаги реалликда яшайдилар. Ўзининг ҳибсга олинганини «Бу қанақа маҳбуслик?» деб тўла тушуниб етмаган асар қаҳрамони ўзида туғилган бу саволга жавобни ҳаёт реаллигидан эмас, туш реаллигидан излайди. Франц Кафка ана шу икки реалликдан-да, боқий реаллик – ўзининг уч романи, ҳикоялари ва кундаликлиарида акс этган бадиий реаллигини яратади!

Ёзувчилар уюшмасидаги йигинлардан бирида дурустгина адиларимиздан бири: «Ҳа, энди Кафка деганлари касал бир одам-да», – деган эди бурнини жийириб беписандлик билан, аслида бу жуда топиб айтилган таъриф эди, ахир, чиндан касал бўлмаган одам ёзувчилик қиласидими, қўлидан қаламни қўймай ҳеч кимни книга ўхшамаган ўз бадиий дунёсини яратадими? Кафка сингари ижодкорларни жоҳилларча пессимистликда, хастиликда, бемаънилике айблашлар шўро даврида оддий ҳол эди. Афсуски, тафаккуримиздаги бундай чекланиш «Жараён»дек роман ўзбек тилида эълон қилинган бугунги дориломон кунларга келиб ҳам бутқул унтилганича йўқ. «Декаденс, модернизм фарёд санъати», – деб ёзади ажойиб адабиётшунослардан бири Игор Гарин мана шундай қарашларга жавобан. – Чорасизлик ва фарёднинг қалбни ўртовчи ҳайқирифи.

Буни санъат кризиси деб талқын әтмаслик керак. Зеро, бу кризис санъатидир. Декаденс, модернизм шу!»

Шу маънода Франц Кафка дунё адабиётида энг оғир «беморлардан» саналади.

Кўплаб адабиётшунослар, психологлар унинг ва унга ўхшаш адиларнинг асаларини абсурд адабиёт сифатида тадқиқ этганлар. Бундай мунозара га ўзбек мутахассислари ҳам бош қўшишга уриниб кўришди. Ваҳоланки, Франц Кафка абсурд адабиёт яратиш хаёлида роман ёзмаган, у – ҳаётнинг ўзини, инсон умрининг ўзини абсурд деб тушунган.

Йозеф К.нинг бесабабдан-бесабаб ҳибсга олиниши ҳам абсурд. Унинг назарида, ҳар банда ҳибсга тушиш эҳтимоли бор, ўша бандада шўрлик шунга лойиқ гуноҳга йўл қўйганми-йўқми, бу бошқа масала. Ҳар неки бандани ҳибсга оловчи қаттол куч ҳам бор, ўша куч бундай қабиҳликка нечоғли маънавий ҳақ-ҳуқуқи бор – бу ҳам бўлак муаммо.

Йозефнинг ҳолати, иш фаолияти, ётиш-туриши, атрофидагилари – ҳаммасининг турган-битгани мужмал, дардисар. Китобхон «Йозеф К.ни нима учун ҳибсга олишиди?» деган саволига романни ўқиб тутатгунга қадар жавоб излайди, лекин жавоб... Жавоб излашга уриниш жараёни китобхоннинг қалб ва шуурига кўчади! Роман номининг моҳияти, фалсафаси, унинг таг-заманинига яширилган қуввати мана шу!

Йозеф К. бошини не-не эшикларга урмади, кимлардан нажот кутмади! Жуда кўпчилик унинг мушқулини осон қилмоқча чоғланди, ёрдам қўлинни чўзгандек бўлди, илло, бирор кимса амалда унинг жонига ора кирмади, киролмади. Инсон – ўз тақдиди, қисмати олдида ёлғиз!

Йозеф К. образи, умуман Кафка яратган кўпгина қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, ҳаёт йўлида кашф этган фалсафаси, ҳаётий ақидаси мана шундай фоятда аччиқ, лекин ўта ҳаққоний хуло-сага келтиради кишини!

Ҳаётда шундай ҳолатлар юз берадики, инсон ўзи дуч келган муаммоларнинг асл сабабларини ташқаридан ёки ўзгалардан эмас, ўзидан, ўз қалби ва онгининг шу вақтига қадар назар ташлаб кўрмаган, назар ташлашга юраги бетламаган туб қатламларидан излаб топгиси келади. Лекин уммон қаърига ўнгийдиган гаввосликнинг ўзига яраша асбоб-анжоми, маҳорат сирлари бўлгани каби, ўз қалбининг нигоҳ илғамас пучмоқларига сафар қилиш учун ҳам маҳсус анжомлар, услублар, воситалар даркор.

«Жараён» сингари романлар, Франц Кафка тоифасидаги адиллар яратган боқий асарлар эса худди шундай маънавий сафар анжоми, воситаси вазифасини ўтайди.

Қадимги итальян мутафаккирларидан бири Худо инсонни яратгани билан киши ҳақиқий инсон мақомига етишмоғи учун ўз-ўзини кашф этмоғи, қайта яратмоғи керак деган. Франц Кафка қаҳрамонлари ўзини қайта яратишга мубтало инсонлар образи. Унинг қаҳрамонлари учун ўз «мен»идан ўзга дунё йўқ, улар дунёни фақат ўз «мен»лари орқали кўрадилар, дунё савдоларини ўз «мен»лари манфаатига бўйсундирадилар ва шу йўл билан дунёни, инсон ҳақидаги шу вақтгача бўлган тушунча ва билимларни ўз «мен»лари ҳисобига бойитадилар. «Мен – уйғониш даври яратган янги миф», деган эди А. Лосев. Франц Кафка қаҳрамонларининг ҳар бири ўзича мифга айланган. Дарвоқе, рус файласуфи готика санъати фалсафаси

ҳақида сўз юрита туриб айтган қуидаги таърифи «Жараён» қаҳрамонини тушунишга ёрдам беради: «Воқеликдан изтироб чекиб, табиий ечимлар топа олмагач, у янада олийроқ воқеликка, ўта таъсирчан дунёга интилади. Ба шу тариқа қандай бўлмасин, ўз шахсияти, нафсонияти поймол этилишига маҳкум эмаслигини, ўткинчи мустабид тузум иморати қурилишига ишлатилаётган бир гиштчадан кўра қадрлироқ бўлишга ҳақли эканини кўрсатади». Яна бир холоса шуки, Йозеф К. ҳукм суроётган жараёнсизлик учун айбни муҳиттга ағдармайди, балки ўша муҳиттга қаршилик кўрсата олмаган ўзидаги заифликка тавқи-лаънат ўқийди. Жирканч ва тубан муҳитда ўзининг инсон сифатида мавжудлиги учун ўзини айбдор, гуноҳкор ҳисоблайди. «Жараён»нинг бош маъноси шу» (А. Гарин).

1991 йил «Ёш куч» журналининг б-сонида эълон қилинган «Инсон изтиробларига таъзим» мақоласи Франц Кафка шахси ва ижодига бағишлиланган ўзбек тилидаги биринчи чиқиши эди. (Ўтган йиллар мобайнинда адабнинг ҳикоялари, хатлари тилимизга таржима қилинди. Бу борада айниқса фидойи олим, профессор Акмал Саидов томонидан тайёрланган ва чоп этилган «Эврилиш» ҳамда «Кафка – юрист» китоблари ўзбек кафкашунослигига алоҳида воқеа бўлганини эътироф этмоқ зарур.) «Жараён»га қисқача таъриф талаб қилинса, мен уни совуқ ҳокимиятга нафис қалбнинг оташин лаънатномаси деб атаган бўлар эдим», деб ёзган эди мақола муаллифи Мирзакалон Жўраев. Бу ҳам фикр, мулоҳаза. Роман ва унинг қаҳрамони ҳақида яна кўп-кўп мулоҳазалар туғилаверади, мунозаралар давом этаверади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Жараён

Роман



БИРИНЧИ БОБ

ҲИБС. ФРАУ ГРУБАХ, СҮНГРА ФРОЙЛЕЙН БЮРСТНЕР БИЛАН СУХБАТ

Афтидан кимдир Йозеф К.га түхмат қилган чоғи, бирөвгә ёмонлик қымагани, бирон-бир ножүя иш содир этмаганига қарамай, уни ҳибсга олишди. Ҳар куни соат саккизга яқын унга нонушта олиб кирадиган ижараҳона бекаси Фрау Грубахнинг ошпази ҳам, бугун негадир қорасини кўрсатмади. Бунақаси ҳали бўлмаганди. К. ўрнидан қўзғалмасдан шу алпозда рўпарада яшайдиган кампирчани кузатди – кампирча ҳам шу пайтгача кўрилмаган ажабтовур қизиқиш билан ойнадан уни томоша қиласарди – охири бир қадар таажжуб ва очлик ҳиссидан толиқиб, қўнфироқни чалди. Айни шу дамда эшик тақиллаб, хонага аллақандай киши кирди. К. уни бу хонадонда аввал сира кўрмаганди. У ориқ бўлишига қарамай чайиргина, эгнидаги қоп-қора, йўл кийимиға ўхашаш, ҳисобсиз чоклар билан бежалган, ҳолбуки, нимага кераклиги но маълум, орқасини белбанду турли-туман тўқалар, чўнтаклар ва пистонлар қоплаган костюми ўзига ёпишиб, соҳибига ишchan қиёфа бағишилар эди.

– Ким бўласиз? – дея сўради К. каравотдан қаддини ростларкан.

Нотаниш киши ташрифи мутлақ қонунийлигига ишонганидек савонни жавобсиз қолдирди ва эснаш оҳангидага деди:

– Сиз құнғироқ чалдингизми?

– Анна менга нонушта келтирисин, – К. ўтган ишга салавот қабилида, шундай деди-ю, ким ўзи бу, турган-битгани шуми, дегандай нотаниш кимсага разм солиб, нималарнидир чамалади, гап nimada эканини англашга уринди. Бироқ «мәҳмон» ўзини миридан-сиригача разм солишларига йўл бермади, эшикка йўналди, уни қия очиб, афтидан, шундай оstonада турган бирорга қарата:

– Анна унга нонушта киритиб берсинмиш, – деди.

Қўшни хонадан қисқа кулги эшитилади; қўшни хонада бир киши ми ёки кўпчиликми – овозга қараб фарқлаш амри маҳол эди. Нотаниш киши ў ёқдан ўзи учун янги бирон-бир тайинли гап эшитганига қарамай, расмий оҳангда К.га шуни маълум қилди:

– Бунга ҳаққингиз йўқ!

– Шу янгилик етмай турувди! – дея каравотдан иргиб турган К., апил-тапил шимини кия бошлиди. – Қўшни хонада қанақа кишилар юрибди ўзи, ҳозир кўриб оламан. Кўрамиз, бу босқинчиликни Фрау Грубах қандай изоҳлар экан!

Ногаҳон у, қўнглида кечганлари овоз чиқариб айтишга арзимайди-ку, деган хаёлга борди ва бу билан нотаниш кимсанинг ўзи устидан назорат қилиш ҳуқуқини қай бир даражада тан олгандек бўлишини тушуниб қолди. Айни пайтда бундай андишага ўрин бўлмаса-да, киши унинг хаёлидагини худди шундай ўқиб олиб, дарров сўз қотди:

– Шу ерда тура турсангиз сизга дурустмиди?

– Кимлигингизни айтмас экансиз, бу ерда қолиши ҳам, сиз билан гаплашишни ҳам истамайман.

– Беҳудага аччиқданяпсиз, – дея нотанишнинг ўзи бориб эшикни очди.

К. ўлганнинг кунидан қўшни хонага судралиб ўтди ва биринчи бор қараганда, хона кечагидай,

ҳеч нимаси ўзгармагандай кўринди. Бу Фрау Грубахнинг мебеллару гиламлар, чиннилару суратлар жой талашгудек тирбанд меҳмонхонаси эди; бир қарашда пайқаш қийин ҳолат, хона саҳни анчайин кенгайгандек кўринар, энг ҳал қилувчи, ўзгарганига асос берадиган фавқулодда ҳодиса – хонада аллақандай бир киши турарди. Кўлида китоб ушлаганча, очиқ дераза олдида ўтирган бу кимса К. хонага кирган заҳоти нигоҳини узиб деди:

– Сиз ўз хонангиздан чиқмаслигингиз керак!
Хали Франц сизга ҳеч нарса демадими?

– Гапни чўзгим йўқ, сизга ўзи нима керак? – дер экан, К. дам Франц деб атаган янги танишига (у эшик ёнида турарди), дам биринчи кимсага аланглаб қаарди. Очиқ деразадан эса ҳамон ҳалиги кампирчанинг хатти-ҳаракати кўзга ташланиб турар, у кексаларга хос жазавали томошаталаблик билан бир деразадан иккинчисига ҳовлиқиб ўтар экан, охири нима билан тугаркан, дегандек, кўзлари олмакесак терар эди.

– Ҳозироқ буларнинг барини Фрау Грубахдан суриштириб биламан, – тутақди К. У ногаҳон тутқун сингари, ҳалигиларнинг қўлидан қутулмоқчилик, шиддатли бир ҳаракат қилганди, эшик олдига бориб қолди.

– Бунақаси кетмайди, – дераза ёнидаги кимса шундай деркан, китобни столга улоқтириди ва жойидан сакраб турди. – Кетишингиз мумкин эмас. Тушунсангиз-чи, ахир, ҳибсга олингансиз.

– Шунга ўхшаб қолди, – гулдиради К. – Айбим нима экан?

– Тушунтириш беришга бизнинг ваколатимиз йўқ. Хонангизга ўтинг-да, сабр билан кутинг. Ҳозизир сиз учун бундан яхши йўл йўқ. Пайти келса, ҳаммасини ипидан-игнасигача билиб оласиз.

Мен шундай ҳам, сизга дўстона муносабатда бўлиб, хизмат тартибига хилоф иш тутдим, берилган ваколат доирасидан чиқиб кетдим. Францдан бўлак ҳеч ким гапимизни эшитмайди, деб умид қиласман, унинг ўзи бўлса, ҳар қанақа амру фармойишларга қарамасдан, сизни жуда сийлаяпти. Ишингизни давомида ҳам бизлардек яхши одамларга дуч келиб қолсангиз, омадингиз чопгани шу. Унда бирор ташвишга ўрин қолмайди.

К. қаергадир ўтиришни хоҳлар, бироқ хонада дераза олдидағидан бошқа оромкурси кўринмас, унга ўтиришнинг эса ҳеч иложи йўқ эди.

– Нақадар холис сўзлаётганимизни тушуниб етасиз ҳали.

Франц шундай деркан, бирданига шериги хамроҳлигида ташлангудек унга яқинлашди.

Францнинг шериги К.га нисбатан анча найнов эди. У К.нинг елкасига қоқиб-қоқиб қўйди. Улар К.нинг тунги либосларини пайпаслаб чиқишиди ва кийимлари унга энди асқатмаслиги, у ёқда қўпол энгилбошлар эгнига илишини иш билан банд бўлгандай ўзларини кўрсатиб, гапларига қистириб ўтишди, охири булар қаторида бошқа кийим-кечакларини ҳам йифиб олишлари лозимлигини ва фақат иш фойдасига ўзгарсагина латта-путталари қайтариб берилишини маълум қилдилар.

– Бу кийим-кечакларингизни омборга топширгунча, бизга бера қолинг, – дейишиди улар. – Омборхонада кийимларни алмаштириб қўйишиди, ҳатто жараён тугаши ё тугамаслигидан қатъи назар, уларни пуллаб юборишади. Бундай жараёнлар, қанчалар узоқ чўзилишини билсангиз эди, айниқса, ҳозирги замонда! Албатта, омбордагилар ҳеч бўлмаса сизга нарсаларингиз баҳосини тўлашса, ажаб эмас. Лекин аввало, уларга арзи-

маган сариқ чақа тўлашади, чунки баҳолашда кийимнинг қиймати эмас, бериладиган поранинг мўмайлиги ҳисобга олинади. Йиллар давомида кийимлар неча-неча қўлдан ўтади, оқибат уларнинг пули сувга тушган тошдек йўқолиб кетади.

Ҳозир К.нинг қулоғига ҳеч нарса кирмасди, нима ҳақида гапиришмасин, лоқайд, гүё ҳали нарсалар ўзига тегишилдай, идора қилиш ҳуқуқи кимда бўлиши унинг учун муҳим эмасди; унга ҳозир ҳаммасидан муҳими ўзининг мажхул ҳолатини аниқлаштириб олиш эди; бироқ бу кутилмаган меҳмонлар олдида фикрини ҳеч жамлай олмасди: ким ўзи булар, ҳеч ҳам қўриқчига ўхшамайди-ку! Иккинчи қўриқчи қаппайган қорни билан К.ни дўстона туртар, бироқ К. нигоҳини ердан узган заҳоти бунинг тамомила акси бўлган, қоқсуюк, бурундор ялпоқ башарага дуч келар, у ҳар гал шериги билан унинг боши оша кўз уриштириб, вазиятни муҳокама қилиб ўтирганига гувоҳ бўларди. Булар қандай одамлар ўзи, нима ҳақда бунчалик куйиб-пишиб гапиряптилар? Улар қайси маҳкамадан келган бўлишса экан? Ахир у ҳуқуқлар кафолатланган, осойишталик ҳукмрон давлатда яшаяпти-ку, бунда қонунлар бузилмаслиги даркор, шундай экан, дабдурустдан ётогига бостириб киришга кимнинг ҳаққи бор? У ҳамиша кутилмаган вазиятларда осонгина мослашмоққа уринар, иш чатоқлигига иқрор бўлганда ҳам, ҳатто таҳдид қилишганда ҳам, хотиржамлигини йуқотмас, ўйламай, шошма-шошарлик билан бирон-бир ножӯя хатти-ҳаракат қилмасди. Айни дамда эса буларнинг бари унга англашилмовчиликдай туюлар, шунданмикан, рўй бераеттган воқеаларнинг ҳаммаси қалтис ҳазилга ўхшар, ҳақиқатан ҳам жуда ҳам беўхшов-да, балки

ўттизга тўлгани муносабати билан банкдаги ҳам-каслари у билан ўйнашмоқчи бўлишдимикан? Тўғри, худди шундай; унда нега бу қўриқчиларни чеҳрасини очиб, юзида шунчаки кулги билан қаршиламади; шундай қилса улар ҳам унга қўшилиб кулишармиди; шундай, булар бор-йўғи хабарчилар-да, қойил, жуда ўхшабди, лекин нега унда К. Франц деганига биринчи қараашдаёқ, буларга сира ён бермайман дея кўнглига тугди? К. ҳозир ҳазилни тушунмайдиган тантиқча ўхшаб қолишдан қарийб қўрқмасди. Ҳолбуки, у ўз тажрибасидан билар эдики, айрим арзимас воқеаларни ҳисобга олмагандан, эҳтиётсизлик оқибатида дўстларидан ажralиб қолар, улардан илтифотсизлик кўрар, бу оғир ботиб, ўз ёғига ўзи қоврилар эди. Агар бу ростдан ҳам янги бир комедия бўлса, у ҳам анавиларга қўшилиб, сал-пал муқом қилди, бўлди, етар, энди уни ортиқча давом эттиришнинг ҳожати қолмади. Қолаверса, у ҳозирча озод.

– Рухсат этсангиз, – К. шундай деб, уларнинг ёнидан яшин тезлигига ўтиб, хонасига йўналар экан, орқасидан шу сўзлар янгради:

– Фалчалигини қаранг.

У хонасига кирибоқ стол ғаладонларини тит-килашга тушди; унда ҳамма нарсаси тартибига гап йўқ, жой-жойида, фақат ҳозир ҳаяжонданми шахсий гувоҳномасини ҳеч топа олмасди. Ниҳоят гувоҳномани велосипед сумкаласидан топди-да, чопиб бориб кўрсатмоқчи бўлди ва бирдан ўйланиб қолди, шу бир парча қофоз унга ишончсиз, шахсини тасдиқлаш учун етарли эмасдай туюлди, яна анча-мунча уриниб, туғилганлик ҳақида-ги гувоҳномасини топиш пайида бўлди.

У ортга қайтиб қўшни хонага кираётганда рўпарадаги эшик очилиб, Фрау Грубах чиқди.

Бироқ аёл К.ни күргач, талмовсираб эшиклар орасида түхтади, кечирим сўраганча жуда эҳтиёткорлик билан эшикни қия берkitди.

– Кирсангиз-чи! – К. унга аранг шу сўзни айтишга улгурди.

Сўнг, ёпилган эшикка умидвор термилиб, қўлидаги қофоз билан хона ўртасида узоқ туриб қолди. Фақат қўриқчиларнинг овози уни ҳушига келтирди – улар очиқ дераза олдидаги стол теварагида ўтириб, К. нинг нонуштасини паққос туширишар эди.

– Нега у кирмади? – сўради К.

– Рухсат этилмаган, – найнов жавоб қилди. – Сиз ахир ҳибсга олингансиз-да.

– Бу қанақа ҳибс бўлсин? Сира ўхшамайди-ку?

– Сиз яна ўзингизникини маъқуллайсиз-а, – найнов унга сўзлар экан, қўлидаги нонини асалли идишга ботирди. – Биз бунақа саволларга жавоб бермаймиз.

– Жавоб беришингизга тўғри келади, – деди К. – Мана, менинг ҳужжатларим. Сизники қани? Аввало, марҳамат қилиб ҳибсга олиш рухсатномасини кўрсатсангиз.

– Ё Раббий, хоҳиш-иродангдан-эй! – деди найнов. – Нега ўз ҳолатингизни тушунай демайсиз? Қўрслик билан бирон-бир натижага эришиб бўладими, беҳуда чиранишдан нима наф? Ҳозир, билсангиз, дунёда биздан яқинроқ кишингиз йўқ.

– Худди шундай, – деди Франц. – Менга ишонаверинг, – у қўлида қаҳвали финжонни ушлаганча юқоридан К.га сермаъно, шу билан бирга, мавҳум нигоҳ билан узоқ тикилиб турди. К. ҳам бу нигоҳга мажхул, аммо тагдор жавоб қилди. Ва ҳужжатларига имо қилганча деди:

– Мана менинг ҳужжатларим.

– Буларингизни бошимизга урамизми?! – ўшқирди найнов. – Яшанг-е, ўзингизни бир мишиқи боладан ҳам баттар тутяпсиз. Нима истайсиз, ўзи? Наҳотки, қўриқчилар билан талашиб-тортишиб, ҳар қанақа ҳужжат-пужжатни, ҳибсга олиш ҳақидаги қоғозларни кўрсатишни дастак қилиб, бошларини қотираверсам, шундай даҳшатли даҳмаза осонгина ниҳоя топади, деб ўйлаяпсизми? Билиб қўйинг, бизлар жуда кичик одамлармиз, ҳужжат ғалваси билан ишимиз йўқ, вазифамиз ҳар куни ўн соат сизни қўриқдаш, бизга шунинг учун ҳақ тўлашади. Биз шунга ваколатлимиз, албатта, қолаверса бутунасига имонимиз комилки, қайсики, амрини ижро этадиганимиз юқори ҳокимият ҳибсга олиш учун фармойиш беришдан олдин сабабини ва ҳибсга олинувчининг шахсини ипидан-игнасигача ўрганадилар, аниқ-тиниқ биладилар. Бунда ҳеч қанақа хато қилинмайди. Бизнинг идора – менинг фикри ожизимча, зеро, унда кичкина амалдорчалар орасидагина таниш-билишларимиз бор-да, – етган маълумотларга кўра, аҳоли орасидан ҳеч қачон айбдорлар изламайди: қонунда ёзиб қўйилганидек, содир этилган жиноятнинг ўзи ўзини адолатли суднинг эътиборига ҳавола қиласди, шундан сўнггина ҳокимият биз қўриқчиларни йўллайди. Бу қонун билан белгилаб қўйилган. Бунинг қаерида хатолик бўлиши мумкин?

– Мен бундай қонунни билмайман, – деди К.

– Бу сиз учун яна ҳам ёмон, – жавоб қайтарди найнов.

– Ҳа, буларнинг бари сизнинг бошингизга ўрнашиб олган тасаввурлар, холос, – кесатди К. У қўриқчилар фикридан ниманидир билиб-илғаб олишни, уни ўз фойдасига ўзгартиришни жуда

хоҳлар, лоақал ўзи шуни чуқур ҳис қилишни дилига туккан эди. Бирок найнов лўнда қилиб қўяқолди:

– Қонун кучини ҳис қилганда биласиз.

Баҳсга Франц аралашди:

– Кўрдингми, Виллем, у қонунни билмаслигини тан олди. Яна ўзича айбсизлигини исботламоқчи ҳам бўлади.

Ёнидаги унинг гапини қувватлади:

– Сен мутлақо ҳақсан, тушунмаса нима дейсан!

К. улар билан ортиқ тортишиб ўтирумади; наҳотки, мен мана бу, ўзларини майда амалдорлар деб атаган лақма шотирларга бутун эмин-ихтиёrimни бериб ўтирсам, деб ўйларди у. Ахир улар билмаган нарсалари ҳақида, кўр-кўrona сўзлаяптилар-ку! Кеккайишлари эса шунчаки, нодонликларидан. Ўзимга мос тузукроқ одамлар бўлса экан, масала бир қадар равшанлашармиди? К. шу ўйлар билан хонанинг у бошидан бу бошига бориб келар экан, қарама-қарши уйдаги кампирча энди мункиллаган бир чолни зўrlагудек судраб дераза олдига олиб келганини кўрди. Бу томошага чек қўйиш зарур эди.

– Мени бошлиқдарингиз олдига олиб боринг, – талаб қилди К.

– Faқат бошлиқлар чақирганда борасиз, – де-ди қўриқчиларнинг Виллем деб аталгани. – Энди бўлса, сизга берадиган маслаҳатим битта: ими-жимида хонангизга ўting-да, қисматингиз нима бўлишини хотиржам кутинг, шу сиз учун кони фойда бўлади. Ўзингизни бемаъни мулоҳазалар билан зўриқтирманг. Каллангизни жойига қўйинг, илло, бошингизга бало орттирасиз. Яхшиси, бирон-бир фикр юритишдан тийилинг. Худди ножўя бир иш содир этгандек бизга бу-

нақа муомала қилманг. Сизга қилган чиройли муомаламизга жавобингиз шуми? Афтидан унуган кўринасиз, биз ким бўлишимиздан қатъи назар, сизга солиштирганда, эрки ўзида бўлган озод кишилармиз, бу эса ҳазилакам устунлик эмас. Шунга қарамай, пулингиз бўлса, нонушта учун рўпарадаги ошхонадан бирон-бир егулик келтириб беришга тайёrmiz.

К. бир мунча вақт жим қолди, аммо бу таклифга жавоб бермади. Агар у қўшни хона эшигини очса ёки даҳлизга юзланса, бу иккиси уни тўхтатиб қолишга журъят қилмаслиги мумкин; ёки тиккасига соливорсамикан? Бирдан ёпишиб кетишса-чи? Кейин иззат нафсиға тегишганида ҳам чидашга тўғри келади ва оқибатда улар олдидаги руҳий устунилигига путур етиши тайин. Кўриниб турган муомала-муносабатга кўра, ҳозирча иззати ўзида деса бўлади. Энг тўғриси, оқибатини кутиб, сабр қилгани маъқул, воқеаларнинг табиий маромига қараб улар бирор-бир қарорга келадилар-ку. К. шундай ўйлар билан соқчиларга бир сўз демасдан, хонасига ўтиб кетди.

У қўл ювгич устидаги ял-ял олмани олиб, ўзини каравотига отди, бу олмани кеча кечқуруноқ нонушта учун захирага асраб қўйганди. Қолаверса, ҳозирча унга бошқа бирор егуликнинг ўзи ҳам йўқ, К. олманинг катта бўлагини қарсиллатиб тишлиркан, қўриқчиларнинг марҳамати билан қаршидаги исқирт тунги майхонадан олиб келинадиган нонуштадан унинг минг карра ортиқлигига амин бўлди. У ўзини бардам ва хотиржам ҳис қилди, тўғри, банкка ярим кун кечикиб борадиган бўлди, бироқ унинг анчайин нуфузли лавозими, керакли ходимлигини ҳисобга олишиб, кечикишини кечиришар. Ишхонасига ҳақиқатни

бидирсамикан? Бўлди, шундай қиласди. Мабодо унга ишонишмасалар-чи, буни кутса бўлади, унда Фрау Грубахни ёки иккала дераза ортидан мўралаб юрган мана бу қарияларни гувоҳ қиласди. К. қўриқчиларнинг муносабатларидан жуда ажабланди, ажабланишга ҳақди ҳам эди. Улар қайси калла билан уни нариги хонага ҳайдаб, ўзини ёлғиз ташлаб қўйишиди, ахир К. жонига қасд қилиш учун юз фоиз имконият-ку бу! Аммо шу лаҳзада қай сабабга кўра жонимга қасд қилиш иммокин, деб ўйлади у. Икки безбет илтифотсизларча нонуштасини тортиб олгани учунми? Ҳар не бўлганда ҳам жонига қасд қилиш ҳаддан ташқари ақлсизлик, у бундай бемаъни ишни қилиши душвор. Ҳа, аён бўлганидек, қўриқчилар шунаقا нодон бўлмаганларида бу каби хавф-хатарларни ҳисобга олган бўлишарди, афтидан бундай фикр уларни ташвишга солмаганки, К. нинг ўзини ёлғиз қолдиришиди. Энди улар К.нинг шкафчадан аъло навли конъякни қандай олганини, кетма-кет икки қадаҳ: бирини нонушта ўрнида, иккинчисини эса дадиллик учун кўтарганини кўришганда эди, дарвоҷе, дадилликнинг ҳам ўрни бор, аммо бу ерда бирон-бир иш чиқариши даргумон.

Бироқ шу пайт у қўшни хонадаги ўкириқдан тиши ойналардек фижирлаб, қаттиқ чўчиб тушди.

– Сизни назоратчи чорлайди!

Уни айнан ана шу лўнда, буйруқ оҳангидаги ҳарбийча қичқириқ қўрқитди, ҳолбуки, у Францнинг овози бунаقا йўғон деб ўйламаганди. Илло, унинг ўзи шундай хабарга интиқлигидан шодланниб кетди.

– Хайрият-э! – К. ҳам беихтиёр ҳайқириб юборди ва шкафча тавақасини ёпиб, меҳмонхонага

шошилди. Бироқ унинг йўлини икки соқчи тўсди, тартиб шундай чофи, шу заҳоти ўз хонасига қайтаришди.

– Нима бало, ақддан озганмисиз?! – ўшқиришди улар.

– Назоратчининг олдига ҳеч бўлмаса кўйлак кийиб чиқилади-да! Бу қилифингиз учун у сизни савалашга амр этади, бизни ҳам қуруқ қўймайди.

– Ўз ҳолимга қўйинг-е мени, жин ургурлар! – бақирди К. Бу пайт қўриқчилар уни кийимлари илинганд шкаф олдигача сиқиб боришган эди. – Кишининг ётогига бостириб киришади-ю, яна фракда бўлиши кераклигини талаб қилишади!

– Нима ҳам қилардинг! – вишиллади бараварига иккиси ҳам, шунга қарамай, К. шовқин кўтарганда, улар бутунлай хотиржам эмас, ҳатто қанақадир ғамгин бўлиб қолишиб, уни куч билан уриб чиқарадигандек эдилар, ҳарқалай, охир-оқибат ўзларини қўлга ола билишди.

– Бу қандай масхарабозлик! – у шундай дея стул суюнчигига ташланган камзулини олиб, қўриқчиларга, шу маъқулми, дегандек намойиш қилди. Улар бош чайқаб рад этишди.

– Қора камзул кийиш керак.

К. камзулини полга иргитди ва нима мақсадда гапираётганлигини ўзи ҳам билмасдан шитоб билан деди:

– Ҳарқалай ҳозироқ иш тингланмаса керак?

Қоровуллар иршайиб қўйишли, аммо ўжарлик билан яна аввалги гапларини қайтардилар:

– Қора камзулни кийиш зарур.

– Шу билан иш жадаллашиб кета қолса, мен қарши эмасман, – деди К. ва ўзи шкафни очиб, кийим-кечагини узоқ титкилади, охири улар орасидан энг кўримли бўлган бир жуфт қора ранг-

лисини танлади – аломат, танишларининг кўзи-ни ўйнатор даражада ярашиб тушиши бегумон эди – у даставвал гард юқмаган қўйлагини олди ва берилиб кийина бошлади. Энди ушлаб туриш, куттиришлар бўлмайди, қўриқчилар ўзини тамоман унтишган чоғи, ҳатто ваннага кириб чиқишига ҳам зўрлаб ўтиришмади, дея хуфёна ўйлади у. К. уларни кузатаркан, ҳали замон эслаб қолишлари тайин, деган хаёлга борди, эҳтимол, бу каллаларига келмаган чиқар, ҳолбуки, Виллем К.нинг кийина бошлагани хабарини етказиш учун Францни назоратчининг олдига юборишни унутмаганди.

К. оби-тобида кийиниб бўлгач, Виллемнинг орқасидан соядай эргашди, у уни бўм-бўш меҳмонхона орқали, аллақачон эшиклари ланг очиб қўйилган қўшни хонага олиб ўтди. Яқингинада бу хонага аллақандай машинкачи қиз, фройлейн Бюрстнер қўчиб кирганини К. аниқ биларди; қиз саҳармарданда ишига кетиб, алламаҳал уйга қайтар, у қиз билан тузук-қуруқ танишиб ҳам олмаган, муносабатлари салом-алиқдан нарига ўтмаган эди. Энди эса унинг тунги столчаси тергов учун хонанинг ўртасига сурилиб, олдида назоратчи ўтиради. У оёқларини чалиштирганча, бир қўлини ўриндиқ суюнчиғига ташлаб олганди.

Хона бурчагида уч йигит деворга осиқ гиламга қадалганларича, фройлейн Бюрстнернинг фотосуратларини томоша қилишарди. Очиқ дераза дастагида эса қизнинг оппоқ блузкаси осилганча турибди. Қарама-қарши ўйнинг ойнаси олдида турган ҳалиги қариялар гавдаларининг ярмидан қўпини ташқарига чиқаришганча ҳангоматалаблик қилишар, томошабинлар сони ҳам ортган эди; қариялар орқасида тоғдай бир эркак кўк-

рагини керганча, ёқавайрон турар, пайдар-пай қирмиз соқолини пастдан юқорига, юқоридан пастга силагани силаган эди.

– Йозеф К. деганлари сизми? – деб сўраркан, афтидан назоратчи паришонхотир К.нинг диққатини ўзига қаратмоқчи бўлди.

К. сомеъларча бош эгди.

– Албатта, сизни бугун эрталаб юз берган воқеа ҳайрон қолдирган бўлса керак? – деб у иккала кўли билан столдаги нарсаларни – гутурти билан бирга шамни, китобча, тўғнағичлар учун ёстиқчани ўзига бир оз тортди, гўё бу арзимас лаш-лушлар тергов учун сув ва ҳаводай зарур эди.

– Албатта, – К. шундай деркан, уни ёқимли бир кайфият чулғаб олди: мана, ниҳоят у бамаъни бир кишига йўлиқиб турибди, энди ўзининг ишлари борасида муфассал, юракдан гаплашиб олса бўлади. – Албатта, мен ажабланмадим десам ёлғон бўлади, бироқ, нафси замрини айтганда, бу воқеа мени унчалик ҳайрон қолдиргани ҳам йўқ.

– Унчалик ҳам, деганингиз нимаси? – назоратчи шамни столчанинг ўртасига суриб қўйди ва қолган анжомларни унинг теграсига териб чиқди.

– Мени яхши тушунмадингиз чоги, – шошилиб деди К. – Мен фақат шуни айтмоқчиманки... – унинг гапи оғзида қолди ва бирдан ўтириш учун жой излаб, атрофга олазарак қаради. – Мумкинми ўтирсам? – сўради у.

– Буни хаёлингизга ҳам келтирманг, – жеркиб берди назоратчи.

– Мен фақат шуни айтмоқчи эдимки, – К. пайдар-пай гапира кетди, – албатта, қўққисдан юз берган воқеа мени жуда ҳайратга солди, бироқ бу ёруғ оламда ўттиз йил яшаганингдан кейин, айниқса, ҳаётда турли қийинчиликларга дуч кела-

вергач, одам чор-ночор ҳар қанақа тасодифларга ҳам одатланиб қолар, ҳар нарсадан сиқилмаслик, юрагига яқин олмаслик пайида бўлар экан. Айниқса, бутунгига ўхшаганини.

– Нима учун айниқса бутунгига ўхшаганини?

– Йўқ, буларнинг барини ҳазил, деб айтмоқчимасман, менимча, унинг ҳазиллиги қолмади. Пансионда яшовчиларнинг бари, устига-устак сизларнинг иштирокингиз бу ҳазиллар энг сўнгги нуқтага етганини қўрсатади. Шунинг учун ҳам мен буни шунчаки ҳазил деб ўйламайман.

– Тўгри ўйлабсиз, – назоратчи шундай дея гурт қутисига, қанча дона қолганини билмоқчи бўлиб разм солди.

– Бироқ бошқа томондан эса, – К. бу ерда ҳозир бўлганларнинг барчасига мурожаат қилиб, сўзини давом эттириди, айниқса, у фотосуратларни томоша қилаётган анави уч йигитнинг диққатини ўзига қаратишни истарди, – ҳа, бошқа томондан барига алоҳида маъно бериб ўтириш шарт эмас. Булардан англаганим шуки, нима учундир мени айбдор ҳисоблашяпти, аммо мен ўзимда заррача ҳам айб борлигини ҳис қилаётганим йўқ. Майли, бунинг аҳамияти йўқ, – асосий муаммо бошқа – ким мени айблаёттир? Қайси идора бу ишни ўз зиммасига олган? Сизлар эгнингизда форма ҳам йўқ-ку; агар сиз менинг камзулим-чи, демоқчи бўлсангиз – шу ерда у Францга юзланди – Мени кечирасизу, бу ҳам форма ўрнига ўтмайди, тўғриси ундан қўча-кўйда киядиган коржома беҳроқ. Мен ана шу масалада ойдинлик бўлишини талаб қиласман ва буларнинг бари аён бўлгач, биз ҳеч шубҳасиз, тил топишиб, дўстлашиб кетишимизга астойдил ишонаман.

Шу пайт назоратчи «тақ» этказиб гугурт қути-
сини столга қўйди.

– Сиз қаттиқ янгишаётирсиз, – чўрт кесди у.
– Мен ҳам, мана бу жаноблар ҳам – ҳеч қайсимиз
сизнинг устингиздан қўзғатилган жиноий ишга
алоқамиз йўқ. Қолаверса, биз бу ҳақда қарийб
ҳеч нарса билмаймиз. Бизнинг ҳақиқий форма-
ни тақиб келишимиз қийин эмас, аммо бу билан
ишингиз жўнашиб қолармиди. Мен ҳатто нима-
да айбланаётганингизни айтиб беришим душвор,
тўғриси, бу ҳақда менга ҳеч нарса маълум эмас.
Гапнинг пўскалласи, қамоқقا олинганингизни
биламан, холос, бошқаси менга қоронғи. Эҳти-
мол, сизга қўриқчилар у-бу деб лақиллаб қўйган
бўлишлари мумкин, лекин буларнинг бари беҳу-
да сафсатадан бошқа нарса эмас. Мен сизнинг
саволларингизга жавоб қиласасам-да, биргина
маслаҳат бера олишим мумкин: биз ҳақимизда,
у ёқда сизни нима кутаётгани ҳақида камроқ
ўйланг, яхшиси, ўзингизни қандоқ тутишингиз
хусусида чуқурроқ мулоҳаза қилинг. Айбсизли-
гингизни ҳуда-беҳудага пеш қилавериб, қичқи-
раверманг, бу сиз ҳақингиздаги умумий, дуруст-
гина, таассуротга соя солади. Умуман, гапдан
тийилироқ турганингиз тузук. Сиз бўлсангиз,
офзингизга келганини қайтармай, сўзлаб ётиб-
сиз, ҳолбуки, шуларсиз ҳам икки оғиз гапингиз-
дан феъл-атворингиз маълум, шундай, экан бу-
ларнинг барчасидан сизга нима наф.

К. назоратчига таажжубланиб қаради. Кўнг-
лидагини очиқ-оидин тўйкани учун уни мактаб
болани койигандек койимоқда, яна ким дeng?
Ёши ўзидан кичик, она сути оғзидан кетмаган
бир тирранча. Уни нега ҳибсга олишди, ҳибсга
олишга ким буюрди – бу ҳақда бир оғиз гап йўқ.

У ташвишга тушиб, хонада у ёқдан-бу ёқقا бориб келаркан, ҳеч ким бу билан иши бўлмади. У қадама енгларини тортиб, тўғрилади, очилиб қолган кўксидаги тутгмаларини ўтказди, соchlарини текислаб, уч йигитчанинг ёнидан ўта туриб: «Қандай бемаънилик!» – деганида улар ўзига ярқ этиб, аммо афсуслангандай қараганларига кўзи тушди-ю, бурилиб, назоратчининг столчаси олдига бориб тўхтади.

– Прокурор Гастерер эски ошнам бўлади, – деди у, – унга қўнфироқ қиласам бўладими?

– Албатта, – жавоб қилди назоратчи, – лекин билмадим, шахсий ишингизни биз билан гаплашмоқчи бўлиб турганингизда, бунда қанақа маъно бўлиши мумкин?

– Қанақа маъно дейсизми? – К. аччиқланиб ҳай-қирди, бир зум ўтмай ўрнини ночорлик эгаллади. – Кимсиз ўзи? Ўйлаб-нетиб ўтирумай, аллақандай бемаъни бир даҳмазани чиқарасиз-да, ундан мантиқ ҳам излаб топмоқчи бўласиз. Бунақада тош ҳам дод деворади-да. Аввалига бу жаноблар хонамга бостириб кириб, менинг ҳаловатимни бузишди, энди эса чалаётган ногорамизга қандай ўйнап экан деб бир жойда тўдалашиб олганча, қизиқсиниб қараганларингиз қараган. Сиз ҳибсга олиндингиз деб айтасизу яна прокурорга қўнфироқ қилайми десам, нима учун деб сўраб-сuriштирасиз ҳам. Бўпти, мен қўнфироқ қилмайман!

– Нега энди? – назоратчи шундай деркан, қўлини олдинга – телефон гўшаги осилган жойга чўзди. – Марҳамат, қўнфироқ қилаверинг.

– Йўқ, энди буни ўзим ҳам хоҳламайман, – К. шундай деб дераза олдига борди.

Шунда қаршидаги ўйнинг деразасида терилиб ўтирган томошаталабларнинг тинчи бузилди. Қа-

риялар ўринларидан қўзғалмоқчи бўлишди, бироқ орқаларида турган эркак уларни тинчлантириди.

– Мана, буларга қаранг, томоша қилиб ётишибди? – у назоратчига қараб бақирди ва бармоги билан деразани урди:

– Қани, бу ердан йўқолинглар, – дераза тавақасидан бошини чиқариб ўшқирди у.

Учовлари ҳам ортга тисарилиб, ўзларини ичкарига олишди, ҳатто қариялар бесўнақай кишининг гавдаси ортига панаlamaқчи бўлдилар. Эркакнинг лаби-лабига тегмасдан уларга ниманидир тушунтираётгани билиниб тураг, лекин оралиқ узоқ бўлгани учун нима деяётганини фаҳмлаб олиш жуда ҳам мушкул эди. Бироқ улар кетиб кетишмади, ҳали замон уларга эътибор берилмай қўйилгандан кейин яна дераза олдига келиб, воқеани маза қилиб томоша қилмоқча ҳозирланиб туришарди гўё.

– Шунаقا ҳам шилқим, беандиша бўладими одам дегани? – К. аччиқланганча деразадан нари кетди.

К. назоратчига илинж билан қараган эди, гапига у ҳам қўшилгандай кўринди, ҳеч бўлмаганда унга шундай туюлди. Аслида эса бу пайтда назоратчи уни эшитмаган бўлиши ҳам мумкин, чунки у бутун столни маҳкам қучоқлаб олганча, гуё столнинг узунлигини қулочи билан ўлчаётгандек эди. Соқчилар эса сандиқ устида ўтирганларича, гиламчадаги гўзалликни пана қилишган тиззаларини уқалашарди. Уч йигитча ҳам қўлларини белларига тираб, аланг-жаланг тўрт томонга бемақсад термилишарди. Пансионат фариб бир идорадай сокин бўлиб қолди.

– Қани бўлмаса, жаноблар! – К. хитоб қилар экан, унга ҳаммаси учун ўзи жавоб бериши ке-

ракдай туюлди. – Сизларнинг бу ўтиришларингизга қараб, ишмни хотималаб қўйса ҳам бўлар дейман. Менимча, келинглар, яхшиси, сизлар содир этган бу воқеа ўзини оқладидими ёки йўқми, ҳеч нарсани мухокама қилиб ўтирмасдан, бир-бири-мизга дўстона қўл ташлайлик-да, тинчгина тарқалиб қўя қолайлик. Агар бу таклифга рози бўлсан-гизлар, сизлардан шуни сўрайманки... – К. столга яқинлашиб, назоратчига қўлини узатди.

Назоратчи нигоҳини ердан кўтариб, лабларини тишлаганча, узатилган қўлга разм солди. К. ҳозир у қўлимни сиқади, деб хаёл қилди. Аммо назоратчи дик этиб ўрнидан туриб, фройлейн Бюрстнернинг тўшаги устида ётган думалоқ дағал шляпасини қўлига олди ва жуда ҳам эҳтиёткорлик билан, гўё янги матоҳни ўзига лойиқлигини ўлчаб кўраётгандек икки қўли билан бошига оҳиста қўндириди.

– Сиз буларни намунча жўн тасаввур қилмасангиз, – деди, – демак, сизнингча, биз жимгина тарқалишимиз керак, шундайми? Йўқ, йўқ, бу билан иш битмайди. Аммо умидингизни узверинг, демоқчи ҳам эмасман. Йўқ, ҳеч ҳам бунақа эмас. Сиз бор-йўғи ҳибсга олиндингиз, холос, бошиқа ҳеч нарса юз бергани йўқ. Мен сизга буни маълум қилиб қўйишим керак эди, мана айтдим ҳам, уни қандай қабул қилганингизнинг гувоҳи-ям бўлдим. Бугунча етар, энди биз сиз билан хайрлашсак ҳам бўлади, фақат вақтинча. Эҳтимол, сиз ҳозир банкка бормоқни истарсиз?

– Банкка? – ҳайрон қолиб сўради К. – Қанақасига, мен ахир ҳибсга олинганман-ку!

К. бу сўзни бир оз даъваткорона руҳда айтди, айниқса назоратчи ўрнидан тургач, майли, қўлини сиқиб дўстона хайрлашишни рад этишган

бўлишса-да, у ўзини ҳаммадан кўра мана шу кишиларга камроқ тобелигини ҳис қилди. Бу одамлар билан бир ўйнашса, ўйнашибди-да. У ҳатто, агар бу одамлар кетадиган бўлса, дарвозагача улар ортидан югуриб бориб, ўзини қамоқقا олиб кетишларини таклиф қилмоқни ҳам дилига тугди. Шунинг учун ҳам сўроғини яна қайтарди.

– Ҳибсга олинган эканман, қандай қилиб банкка бораман?

– Вой, буни қаранглар! – қарийб эшик ёнига бориб қолган назоратчи таажжубланди. – Афтидан, сиз мени умуман тушунмабсиз. Ҳа, сизнинг ҳибсга олинганингиз рост, аммо бу хизмат вазифангизни адо этишга халақит бермаслиги керак. Ва, умуман, бу сизнинг кундалик ҳаётингизга монелик қилмаслиги лозим...

– Демак, унда бу ҳибсга олишнинг ҳеч қанақа даҳшатли жойи йўқ экан, – К. шундай деб назоратчига астойдил яқинлашди.

– Мен ҳам бошқача ўйлаётганим йўқ, – деди назоратчи.

– У ҳолда ҳибсга олинганиликни маълум қилиш ҳам ҳеч нарсага арзимайди. – К. янада назоратчига тақалиб борди.

Қолганлар ҳам уларга яқинлашиб келишиди. Ҳамма шундоқ эшик олдида уймалашиб қолди.

– Буни маълум қилиш менинг вазифам эди, – деди назоратчи.

– Галати вазифа, – К. бўш келмади.

– Эҳтимол, – қўшилгандай бўлди назоратчи, – аммо вақтни бундай лақиллаб ўтиришга сарфлаш ярамайди. Менинг тахминимча, сиз банкка боришини хоҳлайсиз. Ҳар бир сўзга шундай аҳамият берәётган экансиз, гапимга яна шуни қўшимча қиласман: сизни банкка боринг деб зўрлолмайман,

ҳа, бу сизнинг ихтиёрингиз. Ишқилиб, бу кўзга ташланмас хатти-ҳаракатлар сизга монелик қилмаса, енгиллик туғдирса дейман, дарвоҷе, сизга қараб юришни ҳамкасбларингиз бўлган мана бу уч жанобнинг зиммасига юкламоқчиман.

– Нима дедингиз? – К. ҳайратли нигоҳ билан йигитларга разм солиб қаради.

Бирор назарига илмайдиган нимжон йигитчаларни у шу пайтгача бегона кишилар деб хаёл қилган, ҳолбуки, фотосуратларни кўриб ўтирганлар ҳақиқатан ҳам унинг банкида ишлашарди; бироқ ҳамкасбларидан эмас, бу жуда оширилган таъриф бўлиб, – назоратчи уларнинг ишларини чуқур билмаслигини исботлаган, – шунда ҳам гапида жон бор, булар у фаолият кўрсатаётган банкнинг кичик хизматчилари – югурдакларидан эди. К. уларни қандай қилиб таниёлмай қолди-я. У назоратчи ва кўриқчилар билан суҳбатга шу даражада андармон бўлганидан бу учовини таниёлмаганди! Булар – қоқчакак Рабенштейнер, кўзлари ичига ботган, ҳамиша қўлларини бир-бирига чалишириб юрадиганmalla Куллих ва ҳуда-бехудага оғзининг таноби қочиб, иршаяверганидан юзининг эти титраб турадиган Каменер эди.

– Хайрли тонг! – деди К. Дақиқа ўтмай, учови ҳам баодоблик билан эгилиб, унга қўл узатишиди.

– Сизларни ҳеч ҳам танимабман. Буни қаранг, энди биргаликда ишга отланар эканмиз-да?

Учови ҳам гўё буни кутиб ўтирганларидек, хандон-хушон муомала қилишди. К. ўз шляпасини излаб тополмаганида эса – у ўз хонасида қолганди, – улар бирин-кетин ўша ёққа оёқларини қўлларига олиб чопишиди ва англашилганидек бир оз довдираబ қолганликларини ҳам кўрсатишди. К. жойида турганича уларни тавақалари ланг

очиқ икки эшик оша кузатди, албатта, охирида ландовур Рабенштейнер борар, унинг нимадандир саросималангани қадам олишидан аён эди. Каменер шляпани келтирганида, банкда бу болапақирнинг, атайин қилмайдиган, аммо беўхшов иршайишлари К.нинг ёдига тушди.

Даҳлиздаги эшикни очиб, бутун тўда олдида пайдо бўлган Фрау Грубахнинг тусида ҳеч бир ўзгариш, бирон-бир айборлик излари, бесаранжомлик кўринмасди, К. одатига кўра, аёлнинг кўнгилни суст кеттирадиган белига чирмашиб турган пешбанди боғичига суқланиб қараб қўйди. Кўчага чиққан К. соатига кўз ташлаб, такси ушлашга қарор қилди, у яна ярим соат кечикишини истамасди. Каменер такси тўхтатиш учун бурчакка югурди, қолган икки хизматчи ҳам К.нинг кўнглини олишга интилаётгани аниқ кўриниб турарди. Тўсатдан Куллих каттакон уй тарафдан ҳозиргина чиқиб келган баланд бўйли, тилларанг соқолли кишини кўрсатаркан, киши бўйи бастига мос келмаган хижолатли алпозда орқага чекинди ва ғовга суюниб олди. Афтидан, қариялар ҳали зинапоядан тушиб бўлганларicha йўқ эди. К. Куллихдан ранжиган бўлса-да, бутун диққатини бу одамга қаратди, уни ҳали дераза олдида кўргандай ўтиб олади. Афтидан, қариялар ҳали зинапоядан тушиб бўлганларicha йўқ эди. К. Куллихдан ранжиган бўлса-да, бутун диққатини бу одамга қаратди, уни ҳали дераза олдида кўргандай ўтиб олади.

– У ёққа алангламанг, – узиб-узиб олди у, гапи катта кишиларга мурожаатда бир қадар ўринсиз эканлигига эътибор ҳам қилмай.

Кутилмаганда пайдо бўлган автомобиль, уни изоҳлашга имкон бермади, ҳаммалари унга ўтириб, жўнаб қолишиди. Фақат шундагина К. яна бир хатога йўл қўйганини тушунди, у назоратчи ўз қўриқчилари билан қаёққа фойиб бўлганидан бехабар қолибди: аввал у назоратчи билан бўлиб,

бу уч хизматчини кўрмай қолганди, энди эса бу хизматчиларга хаёли кетди-ю, назоратчини бой бериб қўйди. Бу унинг руҳи парокандалигидан дарак берарди. К. айни шу борада ҳушёр бўлиши кераклигини дилига қаттиқ тутди.

Айни пайтда таксидан файриихтиёрий тарзда бошини чиқариб, назоратчи ва шерикларининг кетган-кетмаганлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди. Аммо беҳуда уринди холос, бор-йўғи бир чеккага кўзи тушди, аммо ҳалигиларни кўришнинг сира имкони бўлмади. Афтидан билинмаса ҳам, у айни шу дамда ким биландир дардлашмоқ истарди. Ҳамроҳлари эса ҳаддан ташқари ҳолдан тойган: Рабенштейнер ўнгга, Куллих эса чапга қараб олган, фақатгина Каменер ўзининг ҳамишаги ҳиринг-ҳиринги билан гап сотишга тайёрдай турагар, афсуски, унинг шўрига шўрва тўкилган, шу пайтда инсонпарварлик юзасидан бирор нарсанинг устидан жўнгина кулишнинг – тегажоқдик қилишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ эди.

К. бу баҳор оқшомларининг аксар қисмини шу тарзда ўтказарди: ишдан кейин яна бирпас вақти бўлса, жа чўзилиб кетса, кеч тўққизларгача идорада бўлар, бир ўзи ёки хизматчилардан бирортасини олиб айланиб юрагар, сўнгра эса пивохонага йўл олар, қариялар тўдаси ўз улфатлари билан доимий банд қилган столнинг бир четида ўн бирларгача ўтирагар эди. Гоҳо бу тартибни бузиб туришга ҳам тўғри келар, масалан, банк директори К.ни иқтидорли ва умидли ходим деб билгани учун, буни қадрловчи бошлиқ сифатида уни ўз автомобилида сайдрга ёки дала ҳовлисида кечки овқатга таклиф қиласар эди. Бундан ташқари, К. ҳафтада бир марта Эльза исмли куйдирмажон бир ойимтиланикига ҳам тушиб турагар, Эльзахоним бутун тун – токи

тонггача ресторанда кельнерлик хизматидан тинка-мадори қуригани боис, кундузлари ҳеч бир андишага бормай, меҳмонларини ўз тўшагидан қўзғалмай қабул қиласарди.

Бу оқшом – бутун кун босимли иш ташвишлари, боз устига туғилган куни муносабати билан изҳор қилинган ҳар турли дилга ёқадиган қутловлар билан билинмай ўтганига қарамай, – К.ишидан кейин тўғри уйга боришга қарор қилди. Иш орасидаги бир зумлик танаффусларда у қайта-қайта эрталабки воқеани ўйлаб кетарди: хаёлида эрталаб юз берган нохуш воқеа Фрау Грубах хонадонида ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб юборганидек ва буни ўзи бориб тартибга солиши керакдек туюларди. Тартиб тикланар экан, эрталабки воқеа изларидан асар ҳам қолмайди ва ҳаммаси асли қадимги ҳолига қайтади. Уч хизматчидан эса хавотирланишга ҳожат йўқ, улар банкнинг сонсиз хизматчилари уюми ичида зарра каби йўқолиб кетдилар ва эътиборга олса бўладиган бирор-бир ножўя хатти-ҳаракат содир этишмади. К. бир неча бор уларни синаб кўриш учун биргаликда ва якка-якка ҳолда чақириб кўрди ва ҳар сафар улардан бутунлай кўнгли тўлиб, ҳеч бир гумони қолмагач, жавобини берди.

У тўққиз яримларда уйига қайтаркан, йўлакда оёқларини кериб, тишлари орасига муштук қистириб олган бир йигитчага дуч келди.

– Сиз ким бўласиз? – К. унга яқин келиб ўсмоқчилаб сўради, ярим қоронғи йўлакда бирор-бир нарсани кўриш ниҳоятда мушкул эди.

– Мен эшик оғасининг ўғлиман, афандим, – деди йигит ва трубкасини оғзидан олиб, К. ўтадиган томоннинг йўлини бўшатди.

– Эшик оғасининг ўғлымисиз? – К. қайта сўраркан, сабрсизланиб ҳассаси билан ерни дўқиллашиб уриб қўйди.

– Эҳтимол, сизга бирор нарса керакдир? Отами ни чақириб келайми?

– Йўқ, йўқ, – дер экан, гапи марҳамат кўрса-таётгандек бир оҳангда чиқди, гўё йигитча бирор ножўя иш содир қилгану у кечираётгандек эди. – Ҳаммаси жойида, – қўшимча қилиб К. олдга юрди. Аммо зиналардан кўтарилиш олдидан бари бир яна бир қур орқасига қараб қўйди.

У тўғри ўзининг хонасига йўл олса бўларди, бироқ унга Фрау Грубах билан гаплашиб олиш муҳимдай туюлди ва шу заҳоти хонимнинг қўнғирофини босди. У қўлида пайпоқдар билан стол ёнида ўтирас, олдида ҳам эски пайпоқлардан бир уюми ётарди. К. алламаҳалда безовта қилгани учун қизариб-бўзариб кечирим сўраган бўлди, Фрау Грубах эса уни очик юз билан қаршилаб, хижолат чекишга ўрин қолдирмади. К. учун хонимнинг эшиги ҳамиша очик, барча ижарачилари ичида энг яхшиси, энг севимлиси ўзи эканини К. жуда яхши билар эди. К. хонага зимдан разм солди: ҳамма нарса ўз жойида, дераза олдидаги столда эрталаб нонушта учун қўйилган идиш-товоқлар ҳам йифишириб олинниб, саранжом-саришта қилинган эди. Аёл қўллари ҳамма нарсани сездирмай ҳозирлашга қодир, деб ўйлади у; эҳтимол унинг ўзи барча идиш-товоқни тезроқ йифишираман деб уриб-сурниб бир ишкал чиқарар, аммо уларни бекаму кўст жойлаштиришнинг ҳеч эпини қилолмасди. У Фрау Грубахга миннатдорчиллик туйғуси ила термилди.

– Алламаҳал бўлди-ку, нега дам олай демай-сиз? – қизиқсиниб сўради у.

Ниҳоят иккови стол ёнида бақамти ўтириб олишди. К. вақти-вақти билан пайпоқ уюмини пайпаслар эди.

– Иш бошдан ошиб ётибди, – ёзғирди аёл. – Бутун күн ижарачиларга кетади, фақат тундагина ўз буюмларимни саришта қилишим мумкин.

– Устига-устак бугун мен ҳам сизга яна анча-мунча ташвиш орттирудим-а?

– Нимани айтяпсиз? – у шундай дер экан, жонланиб олди, пайпоқларни ҳам тиззалари устига ташлади.

– Эрталаб келган ҳалиги одамларни айтаман-да.

– Э, уларми, – аёл аввалгидек хотиржам овозда деди, – ўпкалангудек бирон-бир күнгилсизлик бўлгани йўқ-ку.

Аёл яна пайпоқлари билан машғул бўлар экан, К. унга индамай разм солиб турди. Назаримда, бу ҳақда гап очганим уни ажаблантириди, ҳа, менинг бу ҳақида гапирганимни у нотўғри деб ҳисоблайди, ўйларди К. Ҳаммасидан ҳам муҳими буларнинг барини унга тўкиб солмоқ. Баҳтга қарши мен бу қари аёлга барчасини айтолмайман.

– Йўқ, улар сизга беҳуда ташвиш орттиришди, – овоз чиқариб деди К. – Роса дардисар бўлишди. Аммо бу воқеа энди қайтарилмайди!

– Ҳа, бундай воқеа қайта содир бўлиши мумкин эмас, – аёл К.нинг гапини қўллар экан, унга фамгин табассум билан қараб қўйди.

– Ростдан ҳам сиз шунаقا деб ўйлайсизми? – ўсмоқчилади К.

– Ҳа, албатта, – оҳиста жавоб қилди аёл. – Бироқ энг асосийси сиз бу воқеаларни кўнглингизга яқин олиб юрманг. Бу ёруғ оламда нималар бўлмайди дейсиз! Жаноб К. сиз мен билан бу-

нақа даражада юрагингизни очиб дардлашаёт-
ган экансиз, у-бу эшитган-билганиларимга иқрор
бўлсам бўлар: эшик ортида туриб баъзи гапларни
эшитдим, қолаверса, қўриқчилар ҳам бу ҳақда
менга жиндайгина гапнинг бир учини чиқа-
ришди. Сиз ҳақингизда сўз борганда, қалбим
шунаقا тирналдики, сўраманг, ҳолбуки, бу иш
учун бошимни қотирмасам ҳам бўлади, ахир мен
сизнинг ҳеч кимингизман, бор-йўғи ижараҳона
бекасиман, холос. Ҳарқалай, эшитганларим жуда
ҳам нохуш хабарлар экан деб айттолмайман. Йўқ,
йўқ, мен бундай ҳам демоқчи эмасдим. Тўғри, сиз
ҳибсга олингансиз, аммо бу бошқача, уни ўғрилар
қўлга туширилиб, қамалишига ҳеч ҳам солишти-
риб бўлмайди. Ўғрилар қўлга тушдими, бу ёғига
улар бирон-бир омонлик кутишмаса ҳам бўлади.
Тамом, ишларининг пачаваси чиққани шу, бироқ
сизнинг қамоққа олинишингиз эса... нима десам
екан, унда қандайдир ҳикмат бордай. Тўғри, мен
бунаقا нарсаларга кам тушунаман, бироқ, меним-
ча, буни тушуниш учун кўп нарса керак ҳам эмас.

– Мен ҳам фикрингизга қисман қўшиламан,
Фрау Грубах. Ҳа, буни ҳаддан ташқари густоҳ-
лик деб бўлмайди. Лекин мен бу ҳақда мулоҳаза
юритаётганда, албатта, сизга қараганда унга ҳад-
дан ташқари жиддий қараганим учун бу ҳибсга
олишда бирор-бир ҳикматгина эмас, балки оддий,
тайинли мантиқнинг ўзи йўқ, деб биламан. Бор-
йўғи менга қўққисдан таҳдид қилдилар, холос.
Агар уйғонганимдан, шу заҳоти жойимдан турга-
нимда, Анна мени йўқламаганига эътибор бермай,
ҳеч нарсанинг ташвишини қилмасдан, бировга
дуч келишимни ҳам ўйламай, тўғри сизга юзлан-
ганимда, бу сафар мустасно сифатида ошхонада
нонушта қилиб, кийимларимни хонамдан келти-

риб беришингизни ўзингиздан илтимос қилардим, шу билан бошимизга тушажак барча балолар илдизи билан суғуриб олиниб, бунда ҳеч бир нохуш воқеа содир бўлмасди. Аммо бундай вазиятларда одам боласи шошиб, ноқулай аҳволга тушиб қолар экан. Хўш, масалан, банкда бунга ўхшаш воқеа юз бериши амри маҳол, ҳаммасига тайёргарлик кўриб қўйганман, хонамда гумаштам бўлади, столда ички ва шаҳар телефони уланган, ҳар лаҳза хонага хизматчилар ва мижозлар кириб туради, шунга қарамай, доим иш билан банд бўламан ва ҳаммаси учун жавобгарликни бўйнимга олиб айта оламанки, унда бунақа ҳодиса содир бўлганда ҳам менга фақат хузур-ҳаловат инъом этган бўларди, холос. Ҳечқиси йўқ, энди буларнинг ҳаммаси ниҳоя топадиган бўлди. Очигини айтганда, мен ҳатто бу ҳақида гапиришни ҳам истамайман, фақатгина сиздек ақди бутун аёлнинг фикрини эшитмоқни истардим, қарангки, фикримиз бир жойдан чиқди, биз ҳар томонлама тил топиша билганимиздан беҳад хурсандман. Келинг, бунақа ҳамфикрликни мустаҳкамлаш учун қўлни қўлга ташлайлик.

Ажаб, у менга қўlinи берармикин ёки йўқ? Назоратчи менга қўlinи бермади, у шундай деб ўйларкан, бекага узоқ пайт синовчан нигоҳ билан қараб турди. Аёл ўрнидан тураркан, у ҳам билинар-билинмас қўзғалиб қўйди, бир озгина хижолатпазлик юз берган, аёл К.нинг ҳамма гапини тушунганга ўхшамасди. Худди шу талвасадан бўлса керак аёл бир нималар деб бидирлаб қўйди, аммо бу гапларнинг бири боғдан, бири тоғдан бўлиб, уларни жўяли деб бўлмасди.

– Жаноб К. бу ишлардан сиқилманг, – у ҳиқиллаган овозда таскин берган эса-да, қўл ташлашни унутиб қўйди.

– Албатта, сиқилишни хаёлимга ҳам келтирмайман, – К. шундай деркан бирдан қаттиқ ҳориганини ҳис этди ва бу аёлнинг ўз фамига ширик бўлиши шарт эмаслигини тушунди.

У эшик олдида туриб суриштириди:

– Дарвоқе, фройлейн Бюрстнер хонасидами?

– Йўқ, – деркан, қуруқ чиққан жавобини Фрау Грубах кечикиб бўлса-да юмшатмоқ мақсадида ҳамдардларча табассум билан қўшимча қилди:

– У театрда-да. Нима, у сизга керакми? Айтаверинг, эҳтимол, унга бирор-бир гапни етказиб қўйиш лозимдир?

– Йўқ, мен шунчаки у билан бир-икки оғиз гаплашиб олмоқчи эдим, холос.

– Афсуски, мен унинг қачон қайтишини билмайман. Театрдан эса одатдагидек жуда кеч қайтади.

– Майли, ҳечқиси йўқ, – К. шундай деркан, бошини қуи эгиб, эшикка қараб юрди. – Мен фақат бутун келганлар хонасидан фойдалангандари учун қиздан кечирим сўраб қўймоқчи эдим.

– Жаноб К., бунинг ҳеч кераги йўқ, сиз намунча илтифотли бўлмасангиз, ахир хонимқизнинг ўзи эрталаб бу ерда йўқ эди, нима воқеа содир бўлганидан хабарсиз, мен унинг ҳамма нарсасини жой-жойига саранжом-саришта қилиб қўйдим, ишонмасангиз бир қаранг хонасига. Шундай бўлгач, бу гапни унга айтиб ўтириш шартми. – У фройлейн Бюрстнер хонасининг эшигини очди. – Мана, ўзингиз бир разм солинг.

– Керак эмас, мен шусиз ҳам сизга ишонаман, – К. шундай дейишга қарамай, очиқ эшикка яқинлашди. Нимқоронги хона бир текисда ой нурида ёришиб турарди. Ҳақиқатан ҳам, хона тартибга келтирилган, паст-баландига қаралган, ҳамма нарса ўз жойида, ҳатто қизнинг зарнигор

блузкаси ҳам осилган жойи – дераза тутқичидан олиб қўйилган эди. Айниқса, қизнинг жойхобига қиялаб тушиб турган бир тутам ой нури уни ба-ланддан, бошқача бир жилода мафтункор қилиб кўрсатарди.

– Ойимқиз ҳамиша шундай кеч қайтадиларми? – деб сўраркан К., бу учун Фрау Грубах жавобгардай унга қаради.

– Ёшлик – бебошлик-да! – Фрау Грубах гўё хижолат бўлаётгандай жавоб қилди.

– Ҳа, ҳа, албатта, – деб қўйди К. – Аммо бунинг охири бахайр бўлсин-да!

– Қани шундай бўлса эди! – бидирлаб кетди Фрау Грубах, – унда жаноб К., сиз мутлақо ҳақ бўлиб чиқар эдингиз. Мен фройлейн Бюрстнерни фийбат қилишни истамайман, у бирам ёқимтой, истараси иссиқ, чеҳраси ҳам ойдек гўзал қиз, яна ишчан, тиришқоқдигини айтмайсизми, мен унинг бу фазилатларини жуда қадрлайман, лекин ишончим комилки, озгина ўз шаънини ўйласа, бир оз тийилиброқ юрса, яхши бўлармиди. Мен шу ойнинг ўзида уни икки бор хилват кўчаларда кўриб қолдим, ҳар сафар бошқа эркак билан қўлтиқлашиб юрибди. Бу мен учун жуда ҳам қўнгилсиз. Тепамда Худо бор, фақат сизга айтяпман, аммо маълум бўлаётирки, бу ҳақида ойимтилланинг ўзи билан ҳам очиқчасига гаплашиб олиш вақти келганга ўхшайди. Ҳа, мени шубҳа-гумонларга бошлётган ҳодиса биргина бу эмас.

– Сиз фройлейн Бюрстнер ҳақида жуда ҳам қаттиқ янгишаётисиз, – деди К. аччиқданиб, фазабини аранг яширишга тиришиб, – ва умуман ойимқиз ҳақидаги гапларимни нотўғри талқин қилдингиз, мен ҳеч ҳам бундай демоқчи эмасдим. Сизга чин маслаҳатим: шубҳа-гумонларин-

гиз ҳақида унга асло айта күрманг. Ҳа, ҳа, сиз янгишаётисиз, мен уни жуда яхши биламан ва нима деган бўлсангиз ҳеч ҳам ҳақ эмассиз, деб ҳисоблайман! Эҳтимол, мен жуда ортиқча нарсани ўз зиммамга олиб юборгандирман, ким қўйибди менга бошқаларнинг ҳаётига тумшуқ суқиши. Унга нима демоқчи бўлсангиз, истаганингизни айтавермайсизми. Хайрли тун!

– Жаноб К., – Фрау Грубах ялинчоқ овозда шундай деб К.нинг ортидан юргурганда у аллақачон хонаси эшигига етиб борган ва ҳатто уни очишга ҳам ултурганди, – ҳа, мен бу ҳақда ҳали ойимқиз билан гаплашиб олишга тайёрман, деб айтолмайман. Бунинг учун уни обдан кузатиб, бир қарорга келиб олишим керак, мен фақат сизга астойдил ишонганим боис бу ҳақида гапирдим. Хуллас калом, ошиёнимизга доф тушмаса, у пок бўлса дейман, пансионда умргузаронлик қилаётган ҳар бир киши ҳам бу фикримга қўшилади ва шуни исташади, фақат шунинг учун қайфураман, бу ерни наҳс босиб кетмаслиги керак-да!

– Оҳ, покликмиш-а! – К.нинг дарғазаб овози эшик ғичирига қўшилиб кетди. – Агар сиз пансионда покдомонлик бўлишини истар экансиз, бу ердан биринчи бўлиб мени қувишингиз керак бўлади, қани бўлмаса, шунинг тадоригини кўраверинг. – У эшигини жаҳл билан ёпди, эшик ортидан кўрқа-писа чертишларга умуман жавоб қилмади.

Бироқ К. ухлашни хаёлига ҳам келтиргани йўқ, ҳатто, бу сафар фройлейн Бюрстнер қачон қайтишини аниқ билмоқ мақсадида ухламасликка қарор қилди. Айни пайтда, бунинг мавриди эмаслигига қарамай, эҳтимол, қизга бир нималар дейишга муваффақ бўлар. У деразадан бошини чиқариб, уйқусизликдан қисилиб кетган кўзлари

билан атрофга термиларкан, Фрау Грубахнинг жазолашини эмас, балки фройлейн Бюрстнерни кўндириб, бу ердан бирга бутунлай бош олиб кетишни – ижараконосини алмаштиришни хаёл қиласди. Аммо шу лаҳзада эрталабки воқеадан кейин шунчаки, ўз хоҳишига кўра ижараконани алмаштириши вазиятни бўрттириши, у хусусидаги шубҳа-гумонларни ошириб-тошириб юбориши кўнглига келди. Ишқилиб, ҳеч қанақа бемаъни, айниқса, бемақсад ва ножӯя ўй-хаёлларга бориб бўлмасди.

Охири, кимсасиз кўчага термилиб ўтириш унинг жонига теккач, ўзини ўриндиқча ташлади, аммо ундан олдин хонадонга ким кирганини ўрнидан турмасданоқ кўрмоқ мақсадида даҳлизга чиқадиган эшикни ярим очик қўйди. Ўн бирларгача ўрнида чўзилганча хотиржам тамаки тутатиб ётди. Кейин эса бунга ҳам сабри чидамади, ўзини ушлолмай даҳлизга чиқди, гўё бу ҳаракати билан фройлейн Бюрстнернинг уйга қайтишини тезлаштирадигандек эди. Аслида, қизни кўришдан унинг бирон-бир мақсади йўқ, ҳатто унинг бунга қандай қарашини ҳам аниқ-равшан кўз олдига келтира олмас, бироқ гаплашиб олмаса бўлмаслиги кўриниб туарди. Унинг кечикаётгани йигитни ғазаблантирас, куннинг сўнгти ҳам шу боис нохуш ва бесаранжом бўлиб қолган эди. Буларнинг барчаси учун қизни айбдор санаб, кечки овқат ҳам қилмади, Эльзанинг олдига ўтиш вақтини ҳам ўтказиб юборди. Албатта, ҳали бу бой берилган фурсатнинг ўрнини тўлдириши, Эльза хизмат қилаётган қулинг ўргилсин ресторончага йўл олиши мумкин. У фройлейн Бюрстнер билан сухбатлашиб олгандан кейин шундай қилишни дилига туғиб қўйди.

Үн бир яримларда зиналардан кимнингдир қадам товуши эшитилди. К. ўз хаёллари билан бўлиб худди хонасидагидек даҳлизга тапир-тупур қилиб юрганди, шошганча ўзини чеккага олди. Даҳлизга фройлейн Бюрстнер кирди. Эшик ёпиларкан, остоңада елкаларига ипак рўмолини ташлаб олган нозик-ниҳол қиз жунжикканча турарди. Бир зумдан сўнг қиз ўз хонасига кириб кетар, қарабсизки, кейин бу ярим кечада К. унинг хонасига кира олмаслиги аниқ ва тушунарли. Демак, шунинг учун ҳам К. у билан шу лаҳзанинг ўзида гаплашиб олмаса бўлмасди; баҳтга қарши у ўз хонасида чироқ ёқиб қўйишни ҳам унутибди, агар ҳозир шундоғича қоронғидан чиқса, бу қизга тажовуз қилишга ўхшали мумкин. Нима бўлганда ҳам, қиз бундан жуда қўрқиб кетади. У саросима аралаш вақтни бой бермаслик пайида қўрқа-писа эшик тирқишидан шивирлади:

– Фройлейн Бюрстнер! – бу ялинчоқ овоз сира чорловга ўхшамасди.

– Ким у, – дея фройлейн Бюрстнер ҳуркиб чор атрофга аланглади.

– Бу менман, – К. шундай деб унинг олдига чиқиб борди.

– Вой, жаноб К., бу сизми? – фройлейн Бюрстнер табассум билан йигитга қўлини узатди: – Хайрли кеч!

– Рухсат берсангиз, сизга айтадиган бир оғиз гапим бор эди.

– Ҳозирми? – деди фройлейн Бюрстнер. – Ҳозирнинг ўзида-я? Ахир бу бир оғиз оғизни түғрими гапим?

– Мен сизни соат тўққиздан буён кутиб ўтирибман.

– Бир оғиз огоҳлантириб қўйсангиз бўларди-ку, одатдагидек мен театрда эдим.

– Бироқ, гаплашиб олишимиз учун сабаб фақат бугун туғилиб қолди.

– Эх, сабил қолсин! Нафсиlamрини айтганда, бунга қарши эмасман, фақат ҳозир ўлгудек чарчаганман. Майли, бир дақиқага олдимга киринг. Бу ерда гаплашиб ўтиришимиз яхши эмас, тамом уйдагиларнинг ширин уйкусини бузиб қўямиз, шўрликларга жабр қилмайлик, қолаверса, бу ўзимиз учун ҳам нокулай. Шошманг, мен ҳозир хонамдаги чироқни ёқаман, сиз бундагини ўчиринг.

К. айтилгандек юмушни адо этиб, фройлейн Бюрстнер уни яна бир бор шивирлабгина ўз хонасига чорлашини интизорлик билан кутиб ўтирди.

– Ўтилинг, – қиз шундай деб унга диванни кўрсатди, чарчадим деганига қарамай, ўзи каравот олдида тик тураверди. Ҳатто ўзининг бежиримгина, инжা гуллар солиниб безалган шляпасини ҳам ечмади. – Сиз менга ниманидир айтмоқчисиз, шундайми? Очифи, бу мен учун жуда қизик.

У оёқларини шарпасиз чалиштириб олди.

– Эҳтимол, сиз яна шуни ҳам айтмоқчидирсизки, – сўз бошлади К. – Бу иш жуда ҳам шошилинч эмас экан, уни муҳокама қилиб ўтиришга ҳаддан зиёд кеч эмасми. Бироқ...

– Бу кириш сўзи назаримда ҳамишагидек ортиқча, – деди фройлейн Бюрстнер.

– Бу вазифамни енгиллаштиради, – К. яна сўз бошлади. – Бугун эрталаб қисман менинг айбим билан хонангизга бегона кишилар кириб, бунда анча-мунча тартибсизлик қилишди, албатта, бу хоҳиш-иродамга қарши юз берса-да, эслатганимдек менинг айбим билан содир этилгани боис сиздан узр сўрамоқчиман.

– Менинг хонамга киришдими? – фройлейн Бюрстнер бу саволни қайта бераркан, олазарак

нигоҳ билан хонага әмас, балки К.нинг ўзига разм солиб қаради.

– Шунақа бўлди, – деди К. ва илк бор нигоҳлар тўқнашди. – Бироқ бўлиб ўтган воқеанинг сабаби гапиришга ҳам арзимайди.

– Бу ҳаммасидан ҳам ажабтовур-ку! – деб юборди фройлейн Бюрстнер.

– Унчалик әмас, – деди К.

– Унда нима бу, – янада қизиқди фройлейн Бюрстнер. – Мен сизнинг сирингизни бозор қилмоқчи әмасман, фақат сиз унинг ажаблантирадиган жиҳати йўқлигига мени ишонтира олсангиз бас, бунга қарши бирорта ҳам сўз айтиб ўтирумайман. Мен фақат бир нарсани сиздан астойдил сўрайманки, ахир ўзингиз ҳам шунинг учун кечирим сўрамоқчи бўляпсиз чоғи, ҳа, мен бу ерда ҳеч қанақа тартибсизликни кўрмаяпман.

Киз ҳолсиз қўлларини белига маҳкам тираб, бутун хонани айланиб чиқди. Фақат фотосуратлар осилган бўйра олдида тўхтаб қолди.

– Буларга қаранг, – қичқириб юборди у. – Барча суратларимни аралаш-қуралаш қилиб ташлашибди-ку. Вой, шунақа ҳам песлик қилишадими! Демак, кимдир менинг хонамга кириб, хўжайнлик қилибди-да.

К. бошини хам қилиб ўтиришдан бошқа илож топа олмади, аммо ичиди ландовур ва бефаҳм Каминерни ўзини тия билмаслиги, ҳовлиқмалиги учун яниб ўтирди.

– Фалати, – деди фройлейн Бюрстнер. – Фалатилиги шундаки, мен сизга тақиқлашм зарур бўлган нарсани, яъни хонамга менсиз киришни, сиз ҳам ўзингизга ман этишингиз лозим эди.

– Фройлейн, мен ахир буни сизга тушунтирдим-ку, – шундай деб К. фотосуратларга яқин

келди, – фотосуратларингизга мен текканим йўқ. Нега менга ишонишни истамайсиз, иқрорман, тергов гуруҳи қаторида банкимизнинг уч хизматчиси ҳам бу ерга келди, айниқса улардан бири фотосуратларингизга тирғалгани рост, мен уни биринчи имконият туғилиши биланоқ банкдан қуритиш пайида бўламан. – Фройлейн Бюрстнернинг савол назари билан қараб турганини кўриб, К. гапига қўшимча қилди, – ҳа, ҳа, бу ерда тергов гуруҳи бўлди.

– Сиз учунми? – қизиқсинди қиз.

– Ҳа, – жавоб берди К.

– Бўлиши мумкин эмас! – қиз ажабланиб хитоб қиласар экан, тиржайиб ҳам қўйди.

– Мумкин экан, – деб қўйди К. – Наҳот, сиз менда ҳеч қанақа гуноҳ йўқ, деб ҳисоблайсиз?

– Ҳеч қанақа! Менинг айтарим шу – бу борада муфассал бир нарса дейишим эса амри маҳол, – жавоб қайтарди қиз. – Ҳозир ўз фикримни билдирамоқчи эмасман, чунки бунинг учун жиддий бир хulosага эга бўлиш керак-да, мен сизни тузук-куруқ билмайман ҳам, аммо оғир бир жиноят содир этилган тақдирдагина бу ерга шошилинч тергов гуруҳи юборилади. Ҳолбуки, сиз озодликда юрибсиз, хотиржамлигинги зигга қараганда, қамоқдан қочган одамга ҳам ўхшамайсиз, шундай экан, бирор жиноят ҳам қилмагансиз.

– Ҳа, – деди К., – бироқ менга тахмин билан тақалган айбни тергов гуруҳи рад этиши ёки ҳеч бўлмаганда, бу айб у даражада эмаслигини тасдиқлаши керак.

– Шундай бўлиши турган гап, – паришонхотирлик билан жавоб қилди фройлейн Бюрстнер.

– Мана кўряпсизми, – деди К. – Афтидан, сиз ҳам суд икир-чикирларини фарқига бормайдиган кўринасиз.

– Түгри, унчалик билмайман, ваҳоланки, жинойт ишини текширишда миридан-сиригача воқиға бўйсам дейман, – тан олди фройлейн Бюрстнер.

– Кўпинча билмаганимдан афсусланиб кетаман, лекин айнан судга оширилган жинойт иш жараёнини билишга ўлардай ўчман. Қолаверса, суд ишининг ўзи даҳшатли даражада ўзига тортадиган аломат соҳа-да, шундай эмасми? Бу соҳада мен ўз билимларимни тўла-тўкис қиёмига етказмасам бўлмайди: шунинг учун ҳам кейинги ойдан адвокатлар девонхонасига ишга кирмоқчиман.

– Жуда ҳам яхши-да! – деди К. – Унда устимдан олиб борилаётган суд жараёнида оз бўлса-да, ёрдамингиз тегиб қолиши мумкин.

– Бўлмаса-чи, – фройлейн Бюрстнер ишонч билан деди. – Нимага ҳам бўлмасин? Мен ахир ўз билимларимни амалда синааб кўришни жуда-жуда истайман.

– Аммо менинг илтимосим жиддий, – деди К.
– Ёки ҳеч бўлмаганда худди сизга ўхшаб ярим рост, ярим ҳазил қабилида айтяпман. Бу иш атайин адвокат ёллаб, уни овора қилишга арзимайди, аммо менга бир маслаҳаттўй жуда асқатиб қолиши мумкин.

– Майли, мен бу таклифингизга розиман, аммо маслаҳатчинингиз бўлишимдан олдин, иш нимадан иборатлигидан хабардор бўлишим керак-да.

– Жумбоқ шундаки, – деди К., – бу ҳақда ўзим ҳам ҳеч нима билмайман.

– Бундан чиқди сиз мен билан ҳазиллашмоқчи бўлибсиз-да, – деди фройлейн Бюрстнер тарвузи қўлтигидан тушган оҳангда. – Бироқ ҳазиллашиб учун ярим кечани танлаш ҳам ақдли кишининг иши эмас. – Қиз девордаги фотосуратлар олдида елкама-елка турган К.нинг ёнидан кетмоқчи бўлди.

– Нима деяпсиз, қўйсангизчи, – ҳовлиқиб деди К. – Умуман ҳазиллашаётганим йўқ. Ажабо, сиз эса, менга заррача ишонмаётирсиз! Мен билганимнинг ҳаммасини сизга айтиб бердим. Ҳатто билганимдан ҳам кўпроқ нарсани гапириб қўйдим. Нафсилаамрини айтганда, бу ерда ҳеч қанақа тергов гуруҳи ташриф буюргани йўқ, мен фақат бу ерга келганларни шундай таърифладим. Ва умуман, ҳали ҳеч қанақа тергов ҳам бўлгани йўқ, бор-йўғи мени ҳибсга олишди, холос. Бироқ бунинг учун бу ерга бутун бир тўда ташриф буюрди.

Фройлейн Бюрстнер диванга чўкаркан, яна жилмайиб қўйди.

– Буларнинг бари қандай содир бўлди? – суриштириди у.

– О, даҳшат! – К. қўпириб сўзларкан, бўлиб ўтган воқеа ҳақида қаришиб ўйламас, балки диван ёстиқчасига тирсагини қўйиб бир қўлинини энгагига тираб олган, иккинчиси билан гоҳ-гоҳ оҳистагина тиззасини силаётган фройлейн Бюрстнернинг ҳусни жамолига тамоман асир эди.

– Бу гапингиз менга ҳеч нарсани англатганича йўқ, – деб қўйди фройлейн Бюрстнер.

– Айнан нима ҳақида сўрайпсиз? – ўсмоқчилади К., бироқ шу лаҳзадаёқ нима қилиш кераклигини англаб етиб сўради: – Сизга буни кўрсатиб берсам, қандай бўларкин? – У нима қилиб бўлса-да, шу хонадан кетмасам дерди.

– Мен жуда чарчадим, – деди фройлейн Бюрстнер.

– Ҳа, сиз жуда кеч қайтар экансиз, – жавоб қилди К.

– Мана, ниҳоят, энди ўпкалашга ўтилди. Бунга ҳам ўзим сабабчиман, аслида хонамга киришин-

гизга рухсат бермаслигим керак эди. Маълум бўлдики, бу ерда айтарли бир ҳодиса юз бермаган.

– Йўқ, бўлганича бўлди, – эътироz билдириди К. – Ҳозир сиз ҳаммасини тушуниб оласиз, каравот олдидаги столни мана бу ёқса суриш мумкинми?

– Масҳарабозликни қўйинг, – ажабланди фрой-лейн Бюрстнер. – Албатта, мумкин эмас!

– Унда мен сизга ҳеч нарсани кўрсата олмайман-ку, – К. бу гапни шунчалар аччиқланиш билан айтдики, уни гўё англаб бўлмас бир мусибат ўз домига тортиб кетаётгандай эди.

– Оҳ, бирон-бир нарсани ойдинлаштириб олиш учун агар сизга шу керак экан, столни хоҳдаган жойингизга суришингиз мумкин, – деди фрой-лейн Бюрстнер ва ожизона овозда қўшимча ҳам қилиб қўйди: – Шунаقا ҳам чарчадимки, бу то-мошани давом эттиргандан кўра, жавобингизни бериб юборишни жон-жон деб истардим.

К. столни хонанинг ўртасига элтиб қўйди ва ёнига ўзи чўкди.

– Сиз ҳамма-ҳаммасини – бу кишилар бу ерга келиб қандай томоша кўрсатганигини аниқ-ти-ниқ тасаввур қилишингиз керак, бу жуда қизиқ бўлди. Мени назоратчи деб тасаввур қилинг, ҳув авали сандиқнинг устида қоровуллар ўтирибди, улар икки киши эди; фотосуратлар ёнида эса уч йигитча тизилиб олишди. Дераза дастагида эса – буни хонаси келгани учун эслатяпман – яна оппоқ, ҳарир блузка ҳам осиқ турибди. Шундай қилиб, ҳаммаси бошланади. Э, мен ўзимни унутиб қўйибман-ку. Ваҳоланки, воқеанинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи мен, ҳув, столнинг олдида тураман. Назоратчи ўзига жуда қулай ҳолда курсига чўкканча, оёқларини чалиштириб, бир қўлинини стулнинг орқасига ташлаб олганча ўтиради, унинг шу афт-ангorigа қараб такасалтанг десангиз ҳам кам.

Ва мана шундай ҳолатда ҳаммаси бошланади. Назоратчи мени олдига чақырар экан, гүё тошқотган уйқудан уйғотмоқчи бўлганидай нақ ўкириб овоз беради. Таассуфки, буларнинг ҳаммаси сизга кундек равшан бўлиши учун менинг ўзим ҳам овозими кўтаришимга тўгри келади. Тўгри, у фақат менинг номимни тилга олгандағина бақирди.

Фройлейн Бюрстнер жилмайиб қўйди ва К. бақириб қўймасин деб бармоқдарини лабига босди, лекин вақт ўтганди. «Йозеф К.», у шунчалик дараҷада роль ижросига киришиб кетгандини, овози бутун хона бўйлаб таралди. Бу бақириқ унчалик баланд бўлмаса-да, ниманидир ваъда қилаётгандай бўлиб, бир зумда бутун хонани эгаллади.

Шу заҳоти қўшни хона эшиги қисқа-қисқа, қаттиқ-қаттиқ, бир маромда тақиллади. Фройлейн Бюрстнернинг ранг-рўйи ўзгариб, юраги орқага тортиб кетди. К. бўлса эрталабки кўнгилсиз воқеани ҳамиша ўйлаб юрганидан бешбаттар қўрқди, у бор-йўғи бу воқеани фройлейн Бюрстнерга қандай бўлса, шундай кўрсатиб бермоқчи эди, холос. Бироқ тезда ўзини қўлга олиб қизсари ёрдамга отилди ва унинг қўлларидан тутди.

– Ҳеч нарсадан қўрқманг, – шивирлаб деди у. – Мен ҳаммасининг иложини қиласман. Бироқ ким бўлди экан бу тақиллатган? Қўшни хона меҳмонхонами, унда ҳеч ким тунамайди-ку.

– Йўқ, тунайди, – фройлейн Бюрстнер унинг қулогига пичирлаб деди. – Кечадан бошлаб унда Фрау Грубахнинг жияни, капитан ётадиган бўлган. Унинг учун бўш хона йўқча ўхшайди. Буни унутибман. Эй, сиз нега бунчалик бақирвордингиз! Мен мушкул аҳволга тушиб қолдим-ку.

– Беҳуда ташвишга тушяпсиз! – деркан, К. энгашиб ёстиқчага бошини қўйган қизнинг пешонасидан ўпид олди.

– Бу нима қилганингиз, нима қилганингиз бу, а? – қыз шундай деркан шитоб билан қаддини ростлади. – Кетинг, йүқолинг, имкон қадар бу ердан тезроқ қорангиз ўчсин. У ахир эшикнинг орқасида туриб, қулоқ соляпти, ҳаммасини эшишиб олади. Одамни қийнаб юбордингиз-ку!

– Сиз тинчланмас экансиз, бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман! Анави бурчакка юринг, у ерда ҳеч гап бегона қулоққа етмайди.

Қыз ўзини бурчакка олишга астойдил рози бўлди.

– Сиз бир нарсани унугтган кўринасиз, – деди К. – Тўғри, эҳтимол, сиз учун бу ёқимсиздир, аммо ҳеч қанақа хавф сизга таҳдид сола олмайди. Сиз яхши биласизки, бу муаммони ҳал қилишда Фрау Грубах асосий роль ўйнайди, гапи гап, капитан унинг жон-жигари бўлишидан қатъи назар, буни ҳам яхши билсангиз керак, Фрау Грубах мени шу дарражада ардоқлайдики, ҳеч бир эътироузиз ҳар бир айтган гапимга ишонади. Ўрни келганда яна шуни ҳам айтай, одимда тили қисиқ – унга катта миқдорда қарз ҳам берганман. Қолаверса, алламаҳалдаги бу учрашувимизни изоҳлаб берадиган ҳар қанақа таклифингизни қабул қилишга тайёрман, фақат у озгина ҳақиқатга тўғри келадиган бўлса, ишга масъуллигидан Фрау Грубах уни расмиятчилик учунгина қабул қила қолмайди, балки ҳеч бир гап-сўзсиз самимият ила унга ишонади ҳам. Мени аяб ўтирунган. Агар сизга мен шилқимлик қилганинга ўхшаш миш-мишлар тарқалиши маъқул бўлса, барини қандай бўлса шундайлигича Фрау Грубахга айта қоламан, у мени қанчалик ҳурматлаб, қадрлашига қарамай, ҳаммасини қабул қилади, ҳаммасига ишонади.

Фройлейн Бюрстнер жимиб қолди, елкаларини бўш ташлаб, нигоҳини ердан узмасди.

– Фрау Грубах сизга тегажоғлик қылганимга нима учун ишонмаслиги керак экан? – қүшиб қўйди К.

Йигит қизнинг соchlарига, фарқи очилганча, остидан таранг қилиб турмаклаб қўйилган тилларанг соchlарига қаради. К. қиз ҳозир нигоҳини ердан узиб, менга қарайди, деб кутди, аммо у ҳолатини ўзгартирмасдан сўзлашга тушди.

– Мени афв этинг, аммо бу кутилмаган тақиллатишдан юрагим чиқиб кетди, майли, гап тақиллашда ҳам эмас, аммо капитани тушмагур буни чигаллаштириб юбормаса эди, деб хавотирдаман. Ҳамма ёқ осуда бўлганида қўйқисдан бақириб қолдингиз, ўша заҳоти эса у ёқдан тақиллаш эшитилди, ҳа, шундоқ эшикнинг ёнида эдим, тақиллаш ҳам худди эшикнинг оғзидан келди, худди шу нарса мени даҳшатга солди-да. Таклифингиз учун ташаккур, аммо мен уни қабул қила олмайман. Хонамда нима юз бермасин, кимнинг олдида бўлишидан қатъи назар ҳаммаси учун ўзим жавоб бераман. Ажабо, англамаганингизни қаранг, таклифингиздан қанчалар ранжитганимни билсангиз эди, ҳолбуки, бу куйиб-ёнишларингиз бари яхши ниятда эканлигига заррача ҳам шубҳа қилмайман. Энди боринг, мени ёлғиз қолдиринг, бу мен учун аввалгига қарагандা ҳам зарурроқ. Бир зумга вақтингизни оламан, дегандингиз, ҳолбуки, яrim соат бўлди, ҳатто ундан ҳам ўтиб кетди.

К. қизнинг кафтларидан тутди.

– Бироқ сиз мендан хафа бўлишингиз керак эмас-да!

Қиз қўлинни тортиб олатуриб деди:

– Йўқ, йўқ, мен ҳеч кимдан, ҳеч қачон хафа бўлмайман.

Йигит яна унинг қўлларини олди, қиз бу сафар қаршилик кўрсатмади-ю, уни эшик сари бошлади. Йигит кетишга астойдил азму қарор қилди. Бироқ шундай ҳолатда чиқиб кетишни кутмагандек оstonада тўхтаб қолди, бу дақиқадан фойдаланиб фройлейн Бюрстнер қўлини йигитнинг қўлидан бўшатиб олиб, эшикни очди, даҳлизга сирғалибгина ўтишаркан, шивирлади:

– Илтимос қиласман, тезроқ кетинг. Кўрдингизми? – қиз ёришиб турган капитаннинг хонасига имо қилди, – у чироқни ёқиб, бизни кузатиб ўтирибди.

– Кетяпман, кетяпман, – К. шундай деркан қизга қараб талпинди, ниҳоят уни қучогига олиб, лабларига лабини босди ва жазаваси тутиб, қизнинг юз-кўзларини ўпичга кўмиб ташлади, гўё аллақандай бир ютоққан махлуқ кичик бир дарёчага дуч келиб, ундан ташналигини қондирап, тилларини чапиллатиб зилол сувни ютаётгандек эди. У охир қизнинг дудоқларидан бўйнига тушди-ю, узоқ пайт томогидан лабларини ололмади. Уни фақат капитаннинг эшигидан келган шовқин бошини кўтаришга мажбур этди.

– Энди мен кетаман, – К. шундай деркан фройлейн Бюрстнерни исми шарифи бўйича чақирмоқчи бўлди, бироқ уни нима деб аташни билмади.

Қиз ҳорғин бош қимиirlатиб, гўё бунинг унга даҳли йўқдай, қиё боқмасдан қўлларини ўпич учун берди-да, хонасига равона бўлди. Бир зум ўтмай К. ҳам ўз ўрнида чўзилиб ётарди. Кўзи ҳам илина қолди, аммо уйқуга кетиш олдидан ўз хулқ-атвори ҳақида ўйга толди ва содир этган хатти-ҳаракатидан мамнунлик туйди, аммо бу мамнунлигидан кўнгли тўлмаганига ҳайрон қолди. Бундан ташқари, капитан боис фройлейн Бюрстнер бир балога қолмаса эди, деб ҳам астойдил ташвишланди.

ИККИНЧИ БОБ

ТЕРГОВНИНГ БОШЛАНИШИ

К.га телефон орқали оддинроқ келгуси якшанбада иши бўйича биринчи бор тергов белгиланганини маълум қилишди. Унга тергов бир маромда олиб борилишини, ҳар ҳолда, ҳар якшанбада бўлмаса ҳам, мавруди билан ҳали кўп бора чақиришларини алоҳида таъкидлаб қўйиши. Бир томондан барча диққат-эътиборни жалб қилиб, унинг ишини кўриб чиқиши жараёни қанча тез охирига етказилса, бундан ҳамма манфаатдор бўлади, бироқ бошқа томондан, терговда барча имкониятлар ишга солиниб, иш пухта ўрганилиши керак; фақатгина терговнинг талабича сўраб-суринширувлар аччиқ ичакдай чўзилиб, катта залвор остида жараён ҳаддан ташқари судралмаслиги керак. Мана шунинг учун ҳам терговлар мароми қисқа-қисқа, аммо тез-тез олиб борилиши маъқул кўрилган чиқар. Тергов азбаройи К.нинг хизмат вазифасига халақит бермаслиги учун якшанбага белгиланганди. Белгиланган бу тартибга К. рози бўлишини тахмин қилишган, мабодо бирон-бир муаммо туғилса ё бунга қарши бўлса, имкониятга қараб, учрашувга борилади, келишиб олинади. Масалан, терговни тунда олиб боришлари мумкин. Бу алламаҳалда эса, шубҳасиз, К. нинг калласи ғовлаган бўлади. Ишқилиб, ҳозирча, нима бўлишидан қатъи назар, К. қарши бўлмаса, якшанбани маъқул кўришяпти. Ал-

батта, ўз-ўзидан тушунарли, махфий учрашув жойига бориши унинг учун шарт, бу ҳақида эслатиб ўтириш ортиқча. Тергов олиб бориладиган уйнинг тартиб рақами айтилди, у шаҳар атрофидаги чекка кўчалардан бирига жойлашган бўлиб, ҳозиргача К. у ерда бўлмаганди.

К. фармойишни тинглаб бўлиб, ҳеч бир жавоб қилмай, гўшакни жойига илиб қўйди ва шу заҳоти айтилган жойга якшанба куни боришига қарор қилди; мана, ниҳоят, жараён бошланибди, у катта бир маҳораба олдида турибди, бу илк тергов шак-шубҳасиз охиргиси бўлиши керак.

У паришонхотирилик билан телефон олдида туриб қолди, шунда унинг ортида қўнғироқ қилиб олиш учун кутиб қолган директор муовини овоз берди, К. уни телефондан тўсиб турарди.

– Ноҳуш хабарми? – муовин бепарво оҳангда, шунчаки гап ташлади, ишқилиб унга К. тезроқ телефон олдидан узоқлашса бўлгани эди.

– Йўқ, йўқ, – деркан К. ўзини сал четга олди, бироқ бу ердан кетмади.

Директор муовини гўшакни олди-да, улаб беришларини кутиб турар экан, гўшак оша деди:

– Жаноб К., сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим, якшанба куни яхтамда улфатлар билан ўтиromoқчимиз, марҳаматингизни дариг тутмасдан, биз билан бирга бўла оласизми? Каттагина давра бўлади, эҳтимол, уларнинг орасида танишларингиз, масалан прокурор Гастерер ҳам бўлиши мумкин. Борасизми? Албатта, боринг!

К. директор муовинининг ҳар бир сўзини уқиб олмоқ пайида бўлди. Бу унинг учун жуда муҳим эди, шу боис ҳам муовиннинг таклифидан у ҳазилакам довдирамади, чунки К. каби банкда ўз чорифини ўзи тортиб юрадиган ходимга бу бир

илтифот, келишиб ишлаш учун кўрсатилаётган марҳамат эди; банқда иккинчи шахс ҳисобланган муовиннинг муносабатига ўзига яраша жавоб қилиш, ҳеч бўлмаганда бетараф қолиб, дилини ранжитмаслик кераклиги аён эди. Бу таклиф телефон олдидага туриб, йўл-йўлакай айтилган, шунга яраша шунчаки мулозамат бўлиб эшистилди. К. эса директор муовинининг таклифини янада ерга ургандай қилиб деди:

– Ташаккур! Бахтга қарши, мен якшанба куни банд бўламан. Олдиндан келишиб қўйган учрашувим бор.

– Аттанг, – директор муовини шундай деб турганда телефонни улаб беришди.

Суҳбат узоқ давом этди, К. эса паришонхотирлиги тутиб, бу ерда яна анчагина туриб қолди. Фақатгина муовин гўшакни жойига қўяётганда бирдан чўчиб, ўзига келди ва ноўрин туриб қолганини бир оғиз тушунтиришга тутинди:

– Менга ҳозиргина қўнғироқ қилишиб, бир жойга етиб боришими сўрашди, аммо қайси пайтдалигини айтишни унутишибди.

– Унда сиз яна бир бор сим қоқинг, – маслаҳат берди директор муовини.

– Э, бу шарт эмас, – ўйламасдан К. шундай деркан, гўё ўтирган бутогига ўзи болта ургандай бўлди.

Директор муовини кетиши олдидан бутунлай бошқа нарсалар ҳақида яна бир талай гапларни айтди. К. ўзини зўрлаб, бир нималар деб жавоб қайтарган бўлса-да, ўзининг муаммоси устида боши қотар, яхшиси, якшанба куни соат тўққизда айтилган жойга бора қолганим маъқул, бу пайтда бутун жиноят-қидирув бўлинмаси ҳаракатга тушиб, иш бошланган бўлади, деб режа тузарди.

Якшанба куни ҳавонинг авзойи бузилди. К. сал бўлмаса, ухлаб қолар экан, чунки қаҳвахона-

да ярим кечагача қолиб кетган, ҳар доимгидек базмча уюштиришиб, роса бити тўкилганди. У ҳар якшанбада бутун ҳафта давомида қиладиган ишлари режасини тузиб оларди, ҳозир эса на ўйлашга, на режалашга вақт қолдирмасдан, шошиб-пишиб кийинди, нонушта ҳам қилмасдан, шаҳар чеккасидаги айтилган жойга йўл олди. Ҳарқалай, унинг орқа-олдига қарашга вақти бўлмади, бироқ қанчалик файриоддий бўлмасин, йўлда ишига даҳлдор уч амалдорча – Рабенштейнер, Куллих, Каменерга унинг кўзи тушиб қолди. Даставвал иккиси – Рабенштейнер билан Куллих трамвайдага ёнгинасидан ўтиб кетди. К. қаҳважона ёнидан чопқиллаб ўтаётгандага қизиқувчаник билан панжарадан пастга энгашдию, айвонда Каменерни кўриб қолди. Афтидан, уларнинг учови ҳам бошлиқлари қандай қилиб оёғини қўлига олиб югураётганидан ҳайратланаётганга ўхшарди.

Қанақадир ўжарлиги тутиб, К. боришни истамай қолди, у бу кечмишга кимлардир ўзларини бағишилагани, ҳатто бундан фойдаланиб қолиши имкони бўлганида ҳам, бегоналар унинг ишига заррача бўлса-да, тумшук суқишиларини жини сўймас, бунинг ҳар қанақа кўринишига қарши эди; хулласи калом, тергов ҳайъати олдида ўзини таҳқирлашга асло йўл қўймоқчи эмасди. Шунга қарамай, роппа-роса тўққизда айтилган жойда бўлиш учун яна ҳам шошилди, ҳолбуки, чақирилганда аниқ бир вақтни маълум қилишмаганди.

Унингча, қандайдир белгилари билан борар уйи узоқданоқ ажralиб турадигандек эди, бунинг у алоҳида бир аломатини кўз олдига келтира олмаса-да, жилла қурса кириш жойи гала-ғовур, тирбанд бўлиши керак. Бироқ Юлиусштрасснинг бошланишидаёқ у сўррайиб, бир

оз туриб қолди, күчанинг икки томонида ҳам кета кетганча қарийб бир хил: баланд, кулранг, даромади қашшоқ аҳоли яшайдиган уйлар қад ростлаган эди. Бу якшанба тонгида уйларнинг қарийб барча деразалари олдида одамлар кўринарди. Устига камзул илмаган эркаклар чекканча ва ёки яримларини ташқарига чиқариб, дे-раза токчасидаги болачаларни маъюс ва эҳтиёткорлик билан тутиб ўтиришарди. Бошқа дераза токчаларида эса кўрпа-тўшаклар солинтириб қўйилган, ёнида соchlари ҳурпайган аёлларнинг бошлари кўриниб қоларди. Юзма-юз уйдагиларнинг аксарияти кўча оша бир-бирлари билан чақчақлашишар, шундай бақир-чақир билан ҳол сўрашлардан бири нақ К.нинг боши узра янграб, кучли кулги портловига сабаб бўлди. Бутун кўча бўйлаб бир хил масофада ярим ертўладагидек ҳолда баққоллик дўконлари жойлашган бўлиб, истаганига зиналар орқали тушавериш мумкин. Шу ердан уй бекалари кириб-чиқиб туришар, зинапояларга ўтириб олишиб, гап сотишарди. Ўзи юрар аравачада мева сотувчи тепага қараганча ўз молларини мақташ билан овора бўлиб, паришонхотирлигидан К.нинг оёғини босиб олишига сал қолганда, улар бир-бирларига юзма-юз ҳолда бир зум анграйиб туришди. Қаердадир граммофон одамни жонидан тўйдирар даражада бўкириб ётар, ҳарқалай, ўзига тўқ мавзеларда унинг абжаги чиқарилгани аниқ эди.

К. вақти бемалолдек кўча бўйлаб секин қадам ташлаб бораради; гўё шунда қайси бир деразадан қараб турган терговчи К. бу ерга келганидан хабар топадигандек эди. Тўққиз ҳам бўлиб қолди. Уй эса ҳали анча олисда, ҳаддан ташқари узун тушган, айниқса дарвозаси жуда баланд ва тарвақайлалган эди. Афтидан, уни ҳар турли

молларни турфа омборлардан ташиб юрадиган соябон аравалар бемалол кириб чиқиши учун мұлжаллаб солишганди. Ҳозир ҳовлидаги барча омборлар бекик, К. уларнинг пештоқига ёзилган фирма номларига кўз ташлаб, аллақанчаси ўзининг банки билан иш битиришини билди. К. одатидан ташқари синчковлик или атрофга на- зар солди, ҳатто ҳовлига кириш жойида тўхтаб ҳам олди. Ўзидан унча олис бўлмаган қути устида бир киши сарпойчан ҳолда ўтириб олиб, мукка тушганча рўзнома ўқирди. Икки болакай замбилигалтакни у ёқ бу ёққа сурисиб ўйнашарди. Бир устунда хилвироқ тунги куйлакчада касалманд қизча турар, унинг кўзаси сувга тўлганича йўқ, ўзи бўлса К. дан ҳеч кўзини узмасди. Ҳовлининг бир чеккасидаги икки дераза орасига арқонда ювилган кийимлар осилганча турарди. Пастида эса бир киши тепадагиларга бақириб-чақириб ишбошилик қиласди.

К. терговчи хонасига кўтариладиган зиналарга етиб-етмай, бирдан тўхтаб қолди: бинога қадам қўйиш учун яна уч кириш жойи бор бўлиб, ҳовлининг тўрида иккинчи бир ҳовлига ўтадиган торгина йўлак ҳам кўзга ташланарди. Қайси гўрда экан айтилган хона, қаердан топади, белгиланган жойнинг аниқ кўрсатилмагани уни хуноб қиласди; нима бўлганда ҳам, одамни ҳайрон қолдирадиган даражада унга лоқайд ва нописанд муносабатда бўлишди, у албатта буни дона-дона қилиб, истиҳолага бормай, баланд овозда билдириб қўймоқни дилига тутди. Ниҳоят зиналардан юқорига кўтарилар экан, қоровуллардан бири Виллем таърифлаган: ҳар қандай айб ўз соҳибини муқаррар жазога бошлаб боради, фикрини хаёлан ўйлар, ўз савқи табиийсига кўра, тахмини тўғри чиқиши, у кўтарилаётган худди мана

шу зиналар айнан терговчининг хонасига олиб бориши шартдай эди.

У зиналардан кўтарила туриб, ўйнаётган болаларга ҳар дамда халақит берар, жужуқлар эса уни душман кўзи билан кузатиб қолишарди. Янаги сафар бу ерга келадиган бўлса, болаларни ўз томонига оғдириб олиш учун чўнтакка қанд-қурс солиб олиш ёки ўзига йўл очиш учун калтак-палтак кўтариб келиш керак бўлади, деб ўзича гудраниб қўйди. Ҳатто иккинчи қаватда копток пастга сирғалиб тушгунча кутиб туришга ҳам мажбур бўлди: ашаддий безорилар каби кўринган икки болача шимига хиппа ёпищди; К. базўр уларнинг қўлини силтаб, куч билан бўшатар экан, бу болаларнинг жонини сал-пал оғритиб қўйсам, уйни бошларига кўтариб, дод-вой соладилар, деб жуда қўрқиб кетди.

Ҳаммаси иккинчи қаватдан бошланди. Ҳарна бўлганда ҳам у нима учундир, тергов ҳайъати қаерда жойлашган деб сўрашга ботина олмади ва шу ерда бирдан дурадгор Ланц номини ўйлаб топди, бу фамилия хаёлига қаердан келди дерсиз – Фрау Грубахнинг жияни капитанни шундай деб чақиришарди, бу номни танлар экан, ҳар бир хонадон эшигини bemalol тақиллатиб, бу ерда дурадгор Ланц яшамайдими, деб сўрайман ва шу баҳонада эшиги очилган хонадонга бир қур назар солиб оламан, – деб кўнглига тутди. Афтидан, бу баҳонасиз ҳам аксарият хонадонларга разм солиш мумкинга ўхшар, эшиклар ланг очиқ, болалар қувлашмачоқ ўйнаб, у хонадан бу хонага, бу хонадан у хонага ўтиб, чопқиллаб юришарди. Хоналарнинг кўпчилиги бир деразали, танг-тор, соҳибалари амал-тақал қилиб пишир-куйдир учун куймаланишарди. Кўпгина аёллар бир қў-

лида эмизикли гўдагини қўтариб олганча, иккинчиси билан плита устидаги юмушларини адо этардилар. Ҳаммадан ҳам ўспирин қизчалар беҳаловат гизиллаб юришар, афтидан уларнинг эгнида пешбанддан бошқа ҳеч вақолари йўқ эди. Аксарият хоналардаги каравотларда одамлар бўлиб, уларнинг бири хаста, яна бири ҳали уйқудан уйғонмаган, бошқалари шунчаки бекорхўжа бўлганларидан кийимлари билан ағанаб ётишар эди. Берк хонадонлардагина К. эшикни тақиллатиб, дурадгор Ланц бу ерда яшамайдими? – деб сўрарди.

Аксарият эшикларни аёллар очишар, унинг саволини эшитгач, ичкарига бошларини буриб, каравотда чўзилиб ётган соҳиби хонадонга қараб мурожаат этардилар:

– Мана бу жаноб дурадгор Ланц қаерда яшайди, деб сўряпти?

– Дурадгор Ланцми? – қайтиб сўрарди ўринда чўзилган киши.

– Ҳа, – деб жавоб қиласар экан К. кўрардики, ҳеч қанақа тергов ҳайъати йўқ ва бу ерда бошқа иши қолмагани аён бўларди.

Уларнинг қўпчилиги К. учун дурадгор Ланцни топиш жуда керак экан деган хаёлга боргандаридан, узоқ ўйланиб туришар, нисбаси Ланц бўлмаган дурадгорларни эслаб тилга олишар ёки «Ланц» дея алоҳида оҳангда жарангловчи бу номни билиш-билмасликларини қўшниларидан суриштириб, К. ни кузатишар экан, бирон-бир чекка хонадонда янги бир киши ижарага ўтирган бўлиши мумкин деб, буни ўзларига қараганда яхши биладиган бошқа бирорнинг манзилини айтишарди. Хулласи калом, қаватдан-қаватга изғиб тинка мадори қуриган К. бу сўраб-су-

риштиришлардан ҳеч бир иш чиқара олмади. Бошида жуда қулай, омадли кўринган бу уйдирмасидан охири унинг ихлоси қайтди. Олтинчى қаватга етай деганда у ёшгина ишчи билан саломлашиб, суриштириаркан, яна бу истак ортидан юриб, қиди-рувни давом эттироқни бутунлай бас қилиш керак, деган қарорга келди, пастга тушадиган бўлди.

Бироқ шу жойда бу бемаъни тартиб-қоидалардан асаби қўзиб, у яна тепага кўтарилиди ва олтинчى қаватда кўринган биринчи эшикни қоқди. Унинг каталақдек хонада кўрган биринчи нарсаси деворда осиқ каттакон соат бўлди, у роппа-роса ўнни кўрсатиб туради.

– Бу ерда дурадгор Ланц яшамайдими?

– Кираверинг! – қора кўзлари чараклаб турган ёшгина жувон унга жавоб қилар экан, – у боласининг кийимини тоғарага солганди, ҳўл, мағзавали қўллари билан эшиги очиқ кўшни хонани кўрсатди.

К. аввалига мажлис бораётган хонага кириб қолдим, деб ўйлади. Бу ерда ҳар қанақа кишилар гуруҳидан иборат оломон уймалашар, ўртача катталиқдаги икки деразали хона одамга лиқ тўла, ҳатто қарийб шипгача галереяда ҳам гир айланасига терилиб олишган, бошлари тегмаслиги учун эгилибгина туришарди; уларнинг ҳеч бири эътибор билан К.га разм солмади. К.нинг нафаси қисиб хонадан чиқди ва мени тушунмагандир, деб ёш аёлга деди:

– Мен Ланц деган дурадгорни сўрадим.

– Яхши, – деди жувон, – марҳамат қилиб, ичкарига кираверинг!

Эҳтимол, шу гапдан кейин К. аёлни тинч қўйган бўларди, аммо жувоннинг ўзи яқин келиб, нозиккина қўлчалари билан эшик дастагидан ушлади-да, деди:

– Мен сизнинг орқангиздан эшикни маҳкамалашим керак, бошқа бирорвинг бу ерга кириши мумкин эмас.

– Ақлли гап бўлди, – жавоб қилди К., – шунингсиз ҳам у ер одамга лиқ тўла. – Бироқ унинг ўзи ҳам шу хонага йўл олди. Нақ эшикнинг олдидиа икки эркак гурунглашиб ўтиришар: бири иккала қўлини қимирлатиб гўё пул санаётгандай ҳаракатлар қилас, иккинчиси диққат билан шеригининг кўзига тикилиб турарди; уларнинг орасидан аллақандай қўлча чиқиб келиб, К.ни маҳкам тутди. Бу кичкинагина қизилмагиз бола-кайники экан.

– Юринг, юринг! – деди у.

К. ана шу тифиз кишилар тўдаси орасидан ўтиш учун болага ихтиёрини топширди. Ҳарқалай, ўртадаги торгина йўлак кишиларни иккига ажратганди. К. биринчи қатордагилардан бирортасининг ҳам юзини кўра олмади, уларнинг бари ўтиш йўлагига орқа қилиб олишганча туришар, фақат ўз гурухининг гап-сўзлари билан андармон эди. Ҳаммалари байрамона, аммо тўзиган, ҳалпиллаган, қора камзулларда эдилар. Худди шу бир тусли кийимлар бўлмаганида, у қанақадир сиёсий ташкилотнинг туман миқёсидаги йиғилишига тушиб қолибман, деб ўйлаган бўларди.

К. бошлаб борилган залнинг у бошида пасттина, янада одамга тирбанд катларнинг бирида, қиялаб кичкина столча қўйилган бўлиб, унинг ортида ўша катнинг энг тўрида бир калтабақай бақалоқ ҳарсиллаб ўтирар, орқасида турган киши билан қисқа-қисқа гаплашар экан, баланд овозда хаҳолаб кулар, у оромкурсининг орқа чўпига бир тирсагини суюганча, оёқларини эса чалиштириб олганди. У баъзан кимгадир масхараомуз тақлид қилаётган-

дай қўлини юқорига қўтариб қўярди. К.ни етаклаб борган болакай бақалоққа бу ҳақида хабар бериши минг бир мاشаққат бўлди. Бола хабар беришга ошиқиб, икки бор оёқ учида турди, бироқ оромкурсидаги киши унга асло эътибор бермади. Фақат катда турганлардан бири унга болакайнини кўрсатгачгина, у ўша томонга бурилиб, энгашганча боланинг паст овоздаги баёнотини тинглади. Ва шу заҳоти ён чўнтағидан соатини олди-да, шартта К.га разм солиб деди:

– Сиз роса бир соату беш дақиқа олдин шу ерда ҳозир бўлишингиз керак эди.

К. унга нимадир деб жавоб қилмоқчи эди, бироқ улгуролмади, бақалоқнинг луқмаси тугар-туғамас, залнинг ўнг тарафида қўтарилган овозлар ҳамма ёқни босиб кетди.

– Сиз роса бир соату беш дақиқа олдин шу ерда ҳозир бўлишингиз керак эди, – овозларни босиб бақалоқ гапини яна қайтарди ва шошиб-пишиб қўйига қаради. Оломон баттар гувиллади, аммо бақалоқ ҳеч нима демагач, фала-ғовур секин-аста босилди. Залдагилар ҳам К. кирган пайтдагига қараганда анча хотиржам бўлиб қолишганди. Бироқ галереяда ўтирган кишилар ҳамон бир-бирлари билан гап талашиб ётишарди. Бу ярим қоронғи, чанг-тўзонли, ис-тутунга тўла хонада бир нарсани кўриш жуда қийинлигига қарамай, улар пастдагиларга нисбатан афтода кийинганликларини фарқлаш унчалик қийин эмасди. Кўпчилиги ўзлари билан бирга тўшама шолчалар олиб келишган, пастдагиларнинг бошлари ва шифт оралиғида тердан пишиб, ишқилиб артилавериб, теримиз шилиниб кетмасин-да, дегандай турардилар.

К. гапиришдан кўра кўпроқ кузатишга қарор берди, ўзини оқлаш пайида ҳам бўлмади, фақатгина бир оғиз деди:

– Майли, мен кеч қолиб келган бўлай, бироқ айтилган жойга келиб турибман-ку.

Ўнг томондагилар чапаквозлик қилишди. Булар ўзларини намунча енгилтак тутмасалар, деб ўйлади К. Уни фақат иккинчи тарафдагиларнинг жимлиги довдиратиб қўйди, орқа тарафида як-кам-дуккам чапак бўлди. Бу кишиларга у ниманидир шундай бир алпозда айтишим керакки, ишқилиб ҳамманинг диққатини жалб қылсин, агар бунинг имконияти йўқ экан, жилла курса, вақтинча бўлса ҳам халойиқнинг иккинчи қисмини ўз томонимга тутиб туришим керак, деб ўйларди у.

– Ҳим, шунақами, – деб садо берди катдаги киши, – бироқ энди мен сизни тергов қилишга бурчли эмасман... – Ва яна ҳамма ёқни фала-ғовур тутиб кетди, бу сафар жуда ҳам ҳаддан ошилган эди, шунинг учун у норози бир имода пастга қараб тўхтади-да, сўзида давом этди: – Майли, бугунчалик истисно тариқасида олиб борганим бўлсин. Бироқ кечикиб келиш иккинчи бор қайтарилмаслиги керак. Қани энди яқинроқ келинг.

К. га жой бўшатиш учун кимдир катдан сакраб пастта тушди ва у ўша жойга қўтарилиди. У терговчининг нақ пешонасига, стол олдига қисилиб турар эди, чунки орқасида кишилар оломони уймалашар, К. бу итаришларга қаршилик қилганча бардош бериб турарди, бўлмаса у терговчининг ўзини ҳам, столига қўшиб суриб юборган бўларди.

Аммо бундан терговчи асло безовталанмади, аксинча оромкурсига яна-да қулайроқ жойлашиб олди-да, орқасида турган киши билан гурнгини бамайлихотир ниҳоясига етказди, сўнгра столда турган ягона матоҳ – кичкинагина ён дафтарчасини қўлига олди. Мактабда тутиладиганга ўхшаб кетадиган ён дафтарча титкиланаверганидан эскириб, тўзғиб кетганди.

– Демак, бундай, – терговчи аввалига шунчаки минфирилаб қўйди, бир зумдан кейин эса сўроқдан кўра тасдиқ оҳангиди К.га деди: – Сиз бўёқ-чимисиз?

– Йўқ, – деди К. – Мен йирик бир банкнинг катта иш юритувчисиман.

Унинг жавобидан ўнгдаги гуруҳнинг ҳаммаси қаҳқаҳа отишди, ҳатто завқи келганидан бу кулгига К.нинг ўзи ҳам қўшилди. Кишилар тўхтатиб бўлмайдиган йўталга чалингандай жазава билан қўлларини тиззаларига уриб, шапиллатишарди. Ҳатто галереяда ўтирганлардан ҳам кимдир қиқирлаб кулди. Бундан терговчининг астойдил аччиғи чиқди, пастда ўтирган кишиларга қарши бирон-бир ҳаракат қилишга у ожиз қўринар ва бу мушкул аҳволдан чиқиб кетиш учун ҳам юқоридагиларга қараб сапчиди; ўрнидан иргиб турди-да, муштини фўдайтириб уларга дағдаға қилди, унинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган қуюқ, қора, бароқ қошлари нақ қаншарига қўшилиб кетгудек бўлди.

Бироқ залнинг чап ярми ҳамон сув қўйгандек жимжит эди. Шундоқ ёнма-ён турган бу кишилар катларга юзма-юз ўтирганча, хотиржамгина тепадаги гурунгга ва ўнг ёқдаги шовқин-суронга қулоқ тутишарди; ҳатто вақт ўтган сари улардан бир қисми иккинчи гуруҳга қўшилиб кетаётганига ҳам қарамай, бирон-бир нарса дейишмасди. Чапдаги гуруҳ ўнгдагилардек кўпчиликни ташкил қилмас, нуфузлари ҳам шунга яраша ночор, шунга қарамай уларнинг хотиржамлиги муайян аҳамиятга моликдай эди. К. гапга тушар экан, бу гуруҳдагилар унинг фикрига сомедай кўринди.

– Жаноб терговчи, сизнинг саволингиз – мен бўёқчи эмасманми, куракда турмайди, қола-

верса, у эътиrozсиз кўрилаётган ишнинг бутун шакл-шамойили бошиданоқ менга қарши қаратилганлигини исботлаб турибди. Сиз эҳтимол бунга эътиroz билдирарсиз, ҳали ҳеч қанақа иш кўрилаётгани йўқ, ҳаммаси қонун асосида энди кўрилади, десангиз ва мен эътироф этсам – шундан сўнггина буни иш деб ҳисоблаш мумкин. Яхши, сизга марҳамат юзасидан, айни паллада истисно тариқасида шундай бўла қолсин, мен розиман. Ишда ҳам шунга яраша, лутф кўрсатилиб, фақат нима содир этилган бўлса, ҳаммаси, бошидан охиригача диққат билан ўрганиб чиқилса дейман. Кўрилаётган иш апил-тапил, чала-чулпа ёпиб қўйилиши ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас, буни аввало ўзингиз англаб етишингизни истар эдим.

Залга юзланган К.нинг чакаги очилди. У жўрттага кесиб-кесиб, кескин гапирав, бироқ бу гапларнинг барчаси ҳақиқат эди. У бу гаплари билан у ёки бу гурӯҳ қўллаб-қувватлаши учун шубҳасиз анча-мунча иш кўрсатиб қўйди, бироқ ҳамма ёқ сув қўйгандек сокин, ҳамма бу ёғи нима бўларкин деб, орзиқиб кутишар, сукут охир-оқибат қаттиқ портлаш билан яқунланиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Бироқ шу маҳал кутилмаганда эшик очилди ва залга ёшгина кирчи жувон қадам қўйди, у ўз ишини ниҳоясига етказган, афтидан, эҳтиёткорлик билан имкон қадар бошқаларнинг назарини жалб этмаслик пайида ҳаракат қилган бўлса-да, кўплар унга кўзларини лўқ қилиб, ҳарислик билан тикилишди. К. эса терговчининг нигоҳига кўзи тушиб, чинакамига хурсанд бўлиб кетди: назарида гаплари унга кор қилгандек туюлди. Терговчи тик оёқда туриб тинглаган, чунки юқори галереядагиларнинг по-

пугини пасайтириш учун бунгача у туриб олганди. Ниҳоят, бир зумлик тинчлик чўкканидан фойдаланиб, гўё буни ҳеч ким билишни истамагандек, терговчи оромкурсига секинлик билан ўтирди. Ва ўзининг ҳаяжонини ошкор этишдан қўрқиб бўлса керак, қўлига ҳалиги дафтарчасини олди.

– Жаноб терговчи, ҳеч нима сизга ёрдам беролмайди, – деб давом этди К., – ҳа, дафтарчангиздаги қайдлар ҳам фақат менинг сўзларимни тасдиқлади.

Залда фақат унинг вазмин овозигина ҳукм-фармолик қилаётганидан буткул қоникқан К. ҳатто ҳеч бир шамасиз терговчининг дафтарчасини олишга журъят этди ва ундан жиркангандек бармоғининг учи билан сарғайиб кетган, икки томони ҳам майда-чуйда ҳарфлар билан бўяб-чатиб ёзилган жойидан ушлаб кўтарди.

– Мана бу тергов ҳужжатлари деб аталади! – дея у дафтарчани беилтифотлик билан столга улоқтириди. – Жаноб терговчи, бу айбловларнинг қатор-қатор рўйхатини хотиржам ўқиш мумкинми? Ҳолбуки, улар мени ҳеч ҳам даҳшатга сололмайди, қолаверса танишиб чиқиш ҳам ортиқча, чунки бири иккинчисига икки томчи сувдек ўхшайди, шу боис мен бу тентакликка нима қиласман бориб, унга қўлимни ҳам теккизмаганим бўлсин. – Дафтарча столга келиб тушаркан, уни қўлга олган терговчи худди шу зумдан бу ерда тартиб ўрнатмоқчилик уни мукка тушиб ўқишга тутинди, эҳтимол бу юз берган вазият ўзини қаттиқ хўрлаш деб билганидан, ҳеч бўлмаганда аҳволни шунга яқинроқ қабул қилганидан эди.

К. пастдаги, унга синчковлик билан қараб турган биринчи қатордагиларнинг юзига беихтиёр кўзи тушди. Уларнинг аксарияти қўпни кўрган эр-

каклар бўлиб, ҳатто баъзи бирларининг соч-соқоли оқарган ҳам эди. Эҳтимол, улар ҳаммасини ўзлари-ча ҳал қилиб ва бошиқаларга ҳам таъсир ўтказишга имконлари бордек, терговчининг изза бўлишига иштироксиз қараб тураверганлари каби, К. нутқ ирод этганда ҳам донг қотиб ўтиришарди.

– Менинг бошимга тушган бу кўргилик, – биринчи қатордагиларга жиддий назар ташлаб, бир оз хотиржам ҳолда К. гапини давом эттирар экан, унинг нутқи негадир узук-юлиқ чиқди. – Ҳа, менинг тақдиримда юз берган ҳодиса бор-йўғи жузъий бир ҳол бўлганда, ўз-ўзича ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмас, ўзим ҳам фамга ботиб юрмасдим, бироқ бу воқеа бир намунаки, жуда кўпларнинг иши ана шундай телбаларча кўрилади. Ҳа, мен ўзим учунгина эмас, шундайларнинг бари учун ичим куяди.

К.нинг овози беихтиёр жаранглаб кетди. Шунда кимдир қўлларини баланд кўтариб, уни олқишлиди ва бўкириб деди: – Яшавор азамат! Худди шундай қилиш керак эди. Офарин! – Охирида у яна бир бор гапини қайтарди: – Яшавор!

Олдинги қатордаги баъзи бировлар паришон хотирлик билан соқолларини тутамлаб қўйишса-да, бу садога заррача ҳам эътибор қилишмади. К.нинг ўзи бу олқишидан анча руҳланди, аммо унга жуда кўп аҳамият бермади: у ҳатто бутун давра уни олқишилаб, қарсакбозлик қилиши шарт эмас деб ҳисоблар, фақатгина нима содир бўлаётгани хусусида йигилганларнинг барчаси хаёлга толиб, ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди, ҳеч бўлмаса, улардан озгинасига ҳақдигини уқтиrolса ва ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлса, шунинг ўзи унга етарли деб биларди.

– Мен нотиқликда муваффақият қозонмоқчи эмасман, – К. ўз ўйларига жавобан шундай

деди, – бу имкониятимдан хориждаги нарса. Эҳтимол, жаноб терговчи, менга нисбатан яхши гапирсалар керак, қолаверса, унинг касби ҳам чечанликни талаб этади. Мен фақат бир нарсани – қонунлар очиқдан-очиқ бузилаётганини ошкора муҳокама қилишни истайман. Ўзларинг хулоса чиқариб олинглар: бундан ўн кун олдин ҳибсга олиндим. Бу маълумотнинг ўзи мен учун кулгили туюлади, аммо ҳозир сўз бу ҳақда эмас. Эрта тонгда ҳали жойхобимдан турмасимданоқ, менга дахл қилишиб, қўлга олишди, эҳтимол, бу суд терговчисининг буйругига кўра бўлгандир, лекин бу билан содир этилган нохушликдан кўз юмиб бўлмайди, – эҳтимол ўзимга ўхшаган бир бегуноҳ бўёқчини қўлга олиш керак бўлгандир, аммо бу кўргилик менинг бошимга тушди. Менга девор-дармиён бўлган қўшни хонани икки гўрсўхта – қўриқчилар эгаллаб олди. Гўёки мен каллакесар қароқчиману бунга енгил-елпи қарамаслик учун ҳаддан ташқари эҳтиёт чорасини кўришди. Бундан ташқари, бу кишилар ўтакетган бузуқбош фирибгарлар кўринади, қоп-қоп лақиллаб роса бошимни қотиришди, дўқ-пўписа билан бирон нарса ундиromoқчи бўлишди, ўзларича тўпланиб олишди-да, аллақандай важ-корсонларни рўкач қилиб, кийим-кечагимни айёрик билан ўзлаштиromoқчи бўлишди, менга нонушта келтириб бериш баҳонасида пул талаб қилдилар, бундан олдинроқ эса кўз олдимда безбетларча нонуштамни паққос туширишди. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Мени учинчи бир хонага – назоратчилари олдига олиб ўтишди. Бу хонада мен ҳаддан ортиқ ҳурмат қиласиган бир хоним яшайди, гувоҳманки, менинг айбизиз айбим сабаб бу хонага назоратчи ва икки соқчи кириб хонани

булгади. Бунга тоқат қилиб бўлмасди. Аммо мен сабр-бардош билан бутунлай хотиржам оҳангда назоратчидан мени нега ҳибсга олишгани сабабини сўрадим, агар у шу ерда бўлса, тасдиқдаши ҳам мумкин. Назоратчи бунга нима деб жавоб берди, денг? Худди ҳозиргидай кўз олдимда турибди: у ҳали сизга эслатган хонимнинг оромкурсисида аҳмоқона такабурлик билан ялпайиб олганча ўтиради. Ў, жаноблар гапнинг пўскалласини айтганда, у менга ҳеч нима деб жавоб қилолмади, эҳтимол ҳақиқатан ҳам бу ҳақда ҳеч бир нарсани билмас, буйруқни бажариб, ҳибсга олгану шу билан кўнгли тинчигандир. Энг ёмони, у хонимнинг хонасига банкимизда югурдаклик қилиб юрадиган уч хизматчини тиқиширишди, улар эса хонимнинг тартиб билан жойлаштирилган фотосуратларига тирғалиб, хаёлларига нима келса, шуни қилишди, хонани бутунлай тартибсиз ҳолга келтиришди. Тушунишимча, шу хизматчилар иштирокида улар бир мақсадни кўзлашгани аниқ. Яъни, аввало ижараконам бекаси ва унинг хизматкорлари орқали ҳибсга олинганинг ҳақидаги хунук хабарни кенг ёйишлари, бу билан эса менинг обрў-эътиборимга зиён-захмат етказишишмоқчи ва асосийси эса банкдаги нуфузимга дарз солмоқчи бўлишган. Аммо бундан ҳеч нима, мутлақ ҳеч нима чиқмади; ҳатто ижаракона соҳибаси, хокисор бир аёл ҳам мен унинг номини эҳтиром билан тилга оламан: ҳатто Фрау Грубах ҳам бунаقا ҳибсга олиш кўприк остида ёқалашадиган болакайларнинг ўйинидан ортиқ аҳамиятга эга эмаслигини тушуниб етибди. Такрор бўлса ҳам, айтаман, бу мен учун фақатгина кўнгилсизлик келтирди. Бир кунги хафачилик қирқ кунли баракани учиради, бунинг оқибати ёмон бўлмаса эди? Шундай эмасми?

Шу жойда К. түхтади, у миқ этмай ўтирган, аммо имо-ишора билан пастдаги ким биландир тиллашаётган терговчига кўзи тушиб қолганди. К. табассум қилиб деди:

– Ҳозиргина, ёнимда ўтирган жаноб терговчи қаторда кимгадир, маҳфий бир ишора қилди. Демак, ичингизда шундай кишилар борки, ўз жойида ўтирганча, даврани йўналтириб туради. Билмадим, унинг аломати ҳуштакбозликми ёки қарсақбозликка чорлашми, ҳарқалай уларнинг тил бириктирганини олдиндан айтмоғим, бу аломатларнинг бари нописандлик эканини тўла ҳис қилган ҳолда кўрсата оламан. Бу мен учун юз фоиз аҳамиятсиз, шу боис жаноб терговчига ўз ишини очиқ-ойдин адогига етказиш ҳукуқини беришим мумкин, нима қиласди сир тутаман деб, қандайдир имо-ишоралар билан қийналиб, ундан кўра, ҳув, анави пастда ўтирган ўзининг малайларига истаса, тўғридан-тўғри ҳамманинг олдида овоз чиқариб «ҳуштак чалинглар» деб амр қилсин ёки бошқа сафар шу керак экан, «қарсақвозликни бошланг», деб очиқ-ойдин айтсан.

Терговчи хижолат бўлганиданми ёхуд сабри чидамаганиданми ўрнида типирчилаб қолди. Унинг орқасида туриб терговчи билан аввал ҳам шакаргуфтторлик қилган киши яна у томон энгашди, у нимадир деб терговчининг кўнглини кўтармоқчи ёки унга бирон-бир жўяли маслаҳат бермоқчи эди, чоғи. Пастдаги кишилар шовқин солмасдан гаплашар, аммо анча жонланиб қолишганди. Гуруҳлар, бошда фикр-мулоҳазалари-га кўра гўё алоҳида-алоҳида кўринар, энди бўлса аралаш-қуралаш бўлиб кетишганди, шундай бўлса-да, бири бармоғи билан ниқтаб К.ни кўрсатса, иккинчиси терговчига қўлини бигиз қиласди.

Хонадаги димлик, қуюқ тутун киши руҳини ерпарчин этадиган даражада эди. Ҳатто сал нарида турган жонзотни кўриб бўлмасди. Айниқса, галереяда ўтирганларга бу азоб бўлди, уларнинг чекига ноқулай жой тушган, қўрқибгина терговчига қараб қўйишар, қўрилаётган ишдан бехабар қолмаслик мақсадидан тепадан туриб пастдаги мажлис иштирокчиларидан сўраб-суринтиришар эди. Жавоб қайтарувчилар ҳам шунга яраша оғизларини кафтлари билан беркитиб, шивирлабгина бир нима дердилар.

– Ҳозир тугатаман, – К. шундай деркан, ҳамишагидек у ерда қўнфироқ йўқ эди, – мушти билан столга уриб тақиллатди, қўрқиб кетган терговчига унинг маслаҳатчиси бир-биридан четландилар. – Бу ишларнинг бари-бари менга ҳеч алоқаси йўқ, қўнглим тўқ, ўз фикримни хотиржам айтавераман. Буни муҳокама қилиб ўтириш нимага керак ўзи, бекорхўжа эмасман-ку, ҳали замон кетаман, шу боис қўрилаётган иш тўхтатилишини астойдил сўрайман.

К.нинг гапи даврани ўзига асир этди, шу онда ҳамма ёқ сув қўйгандай жимиб қолди. Бошда бўлгандек ҳол такрорланмади, бирор-бировга қараб қийқирмади ёки маъқуллаган оҳангда бирон-бир жойдан қарсак овози ҳам чиқмади. Афтидан, қариб ҳамма нимагадир ишонган ёки ишонишга тайёр турганга ўхшарди.

– Ҳеч шак-шубҳасиз, – К. жуда ҳам хотиржамлик билан гапини давом эттирди, уни бутун давранинг астойдил диққат-эътибори, сўзини жон қулоги билан эшитаётгани қўнглини чоғ этди. Қолаверса, бу ғала-ғовурдан тўраган сукунат, уни қўллаб қарсакбозлик қилганларнинг олқишидан кўпроқ руҳини кўтариб юборди, – ҳеч

шубҳа йўқки, менинг тақдирим мисолидаги бу ҳибсга олиш ва бугунгидек кўриб чиқилиши суд жараёнининг ҳамма-ҳаммаси улкан бир ташкилотнинг иши деса арзийди. Бундай ташкилот ўз иш йўриғида фақат сотиб олинган қўриқчиларга эга бўлиб қолмасдан, қулай ҳолларда мақтоворга сазовор хокисорликни намоён этувчи калта-фаҳм назоратчию терговчиларга, яна буларнинг ҳисобига кирмаган сон-саноқсиз ва ҳамиша ойлихўр юқори-паст унвондаги суд ҳакамлари, жандармлар, мирза ва яна аллақанча хизматчи ва бошқа ёрдамчиларга, ҳатто, мен бу сўзни айтишдан ҳеч ҳам қўрқмайман – миғазаб жаллодларга эгадир. Жаноблар, нимани мақсад қилиб, бундай боши-кети йўқ улкан ташкилот фаолият олиб боради? Худди менинг тақдиримда юз бергандек, гуноҳсиз кишиларни ҳибсга олиш, уларга қарши жиноий иш қўзғаб, бемаъни, аслида йўқ айбларни тақаш – натижасиз жараёндир. Бутун бир тизимнинг ана шундай мутлақ бемаънилик асосида иш юритишидан, бало-қозодай ёприлган тўраларнинг ашаддий ришватбозлигидан қандай қилиб қочиб қутулиш мумкин? Бунга муяссар бўлиш душвор, бундай шароитда энг юксак мақомдаги қози ҳам ҳалол қола билмайди. Шунинг учун ҳам қўриқчилар ҳибсдагиларнинг кийим-кечагини ўмариш пайида бўлади, шунинг учун ҳам уларнинг назоратчиси бегона бир хонадонга эшик турумини бузгудек кириб боради, яна бу ҳам етмагандек, шунинг учун ҳам ҳеч бир айби йўқлар сўраб-суринтириш кераклиги ўрнига бутун бир давра олдига чақирилиб, шармисор этилади. Соқчилар менга қамоқقا олингандарнинг кийим-кечаклари сақданувчи омборлар ҳақида у бу нарсани айтиб беришди; бу билан мен бу омборларнинг қандай эканлиги-

ни тасаввур қилишимни кўзлашди чоғи: чунки кийим-кечакларнинг мабодо баҳти чопибми ёки назар-писандга илинмасдан, ўгри хизматчилар талон-торож қилинмаганида ҳам ҳалол пулга то-пилган нарсалар яғири чиқиб кетар экан.

Бироқ шу пайт хонанинг бир бурчагидан чиққан қийқириқ билан К.нинг нутқи бўлиниб қолди. У яхшироқ кўриш умидида кўзи устига қўлини соябон қилиб қаради, бироқ ҳеч нарсани кўрмади. Хира ёруғда оқаришибгина турган тутунга тўла хона кўзни қамаштирас эди. Унинг сабабкори кирчи жувон эди; жувон кириб келгандаёқ турган-битгани халақит беришдан иборат бўлишини К. тушунганди. Аммо ҳозир айборми ёки йўқ, буни айтиш қийин эди.

К. фақат эшик ёнида турган аллақандай бир эркак хираки қилиб, очофатларча жувонни бағрига тортганини кўриб қолди. Бироқ қичқирган жувон эмас, балки эркак эди. Сўнг у шифт томонга қараб, оғзини катта очиб ҳомуза тортди. Унга яқинроқ турмоқчи бўлиб галереядагилар ён-верида уймалашганча бу воқеанинг К. даврага олиб кирган жиддийликка путур етказганидан ҳайратга келишган эди. Илк таассурот остида К. ўрнидан сакраб туриб, ўша ёққа чопқиллаб бо-ришига бир баҳя қолди, гўё бунда ҳамма иста-ётгандек тартиб ўрнатишга қарор қилиб, ҳеч бўлмагандан бу жуфтни залдан чиқариб юбормоқчи бўлди; бироқ теграсини ўраган биринчи қатордагилар сиқилиб ўтиришар, ҳеч бири жойидан қимиirlамас, биронтаси унга йўл бўшатиб берадиган кўринмасди. Қайтага унга халақит беришар: қариялар қўлларини оддинга чиқариб юборишган, орқадан қайси бирининг қўли ёқасига чанг солгудек алпозда турар, ҳеч ҳам қайрилиб қарашнинг фурсати эмас эди. К. қарийб

ошиқ-маъшуқни эсидан чиқарди ва бу оломон унинг озодлигига дахл қилаётгандай, шу ҳолича ҳибсга олингандай кўринди, сакраб туриб, катдан пастга тушди. У энди оломон билан қарийб юзма-юз турарди. Наҳотки, бу кишилар ҳақида у нотўғри фикрга борган бўлса? Наҳотки, у ўз нутқининг бу кишиларга таъсир қилишига бутун умидини тиккан эди? Наҳотки улар ҳаммасини била туриб муғомбирлик қилишган, ечимга яқинлашганда бу қилғиликлари жонларига теккан бўлса? Унинг теграсини қандай кишилар ўраб олди ўзи! Қора-қура кичкина бит кўзлар атрофга олма-кезак қарайди, худди ароқхўрларникидек кўзлари ости осилиб тушган, яккам-дуккам соқоллари дағал, ҳурпайиб тураг, агар қўлларига эрк берса, бармоқларни акашак қилиш ҳеч нима эмасдек кўринарди. Соқолларнинг тагидан, ҳар хил ранг ва ўлчам ёқалардаги бир хил белги шуъла сочиб кўзга ташланиб туриши К. учун чина-камига кашфиёт бўлди. Кўзи етган жойгача бу белгиларни кўрди. Демак, бу кишиларнинг тили бир, ўнг ва сўл гуруҳларга бўлингандек туялган, холос. У тўсатдан катта бошини буриб, терговчига кўзи тушган эди, унинг ёқасида ҳам ўшандай айрича белгини кўрди, у қўлларини тиззаларига қўйганча хотиржам қараб турарди.

– Мана гап нимада! – К. овозини баланд кўтариб гапириш баробарида қўлини ҳам кўтариб, шифтга ниқтади, қўққисдан қилинган бу ҳаракат кўп нарсани англатгудек эди. – Демак, сизларнинг барчангиз амалдорларсиз! Энди менга мутлақ аёнки, ҳаммаларингиз сотилган, занжири бир-бирига боғлиқ тўда экансиз, ҳозиргина мен сизга қарши сўз айтдим, ҳа, ҳа, сизлар зимдан билмоқ, ҳидлаб-искаб топмоқ, айгоқчилик қил-

моқ учунгина икки гурухга бўлиниб, олқишилаб турган экансиз; менинг мисолимда бу билан фақат бегуноҳ бир кишини қандай синдиришни тажрибада синааб кўрмоқчи бўлгансизлар. Нима ҳам дердим, умид қиласманки, бу доира чалишларингизнинг ўзингизга бирон-бир нафи бордир; бегуноҳ ҳимоя кутгани учун устидан куласиз, гоҳ эса... Қўйвор мени, тушириб қолмасимдан! – У ўзига ҳаммадан кўра ҳам яқинроқ келиб қолган қалтироқ бобойчага қараб бақирди, – ... ҳарқалай сизга нималардандир сабоқ берган бўлсам ажаб эмас. Шу боис ҳам фаолиятингизга омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

У столнинг бир четида ётган шляпасини қўлига олиб, йиғилганларни мутлақ ҳанг-манг этиб, эшикка йўналди. Бироқ афтидан терговчи К. дан пешқадамроқ чиқсан, уни эшик олдида кутиб турарди.

– Бир дақиқага, – деди у. К. тўхтади, лекин у аллақачон эшик дастасини тутган, нигоҳи ҳам терговчида эмас, эшикда эди. – Мен фақат бир нарсага эътиборингизни қаратмоқ истар эдим, – давом этди терговчи, – эҳтимол, бугун сиз англамасдан туриб, маҳбусга бериладиган имкониятдан ўзингизни маҳрум этдингиз.

К. эшикдан ҳамон нигоҳини узмай қаҳ-қаҳа отди.

– Вой абллаҳ-э, – бақириб деди К. – Э, ўша терговинг билан қўшмозор бўл! – у эшикни очди-да, зиналардан чопиб тушиб кетди.

Унинг ортидан фала-ғовур кўтарилди. Давра қайта жонланди, афтидан, содир бўлган ҳодисани ипидан-игнасиғача илмий баҳс кўринишида муҳокама қилиб олмоқчи бўлишди чоғи.

**БҮМ-БҮШ МАЖЛИСХОНАДА.
ТАЛАБА. ДЕВОНХОНА**

К. кейинги ҳафта ҳар куни янги чақирав хати кутди, у тергов беришдан бош тортганини яқдил қабул қилишганига ишонолмас, кутилган чақирав хати шанба куни ҳам келмагач, у ўзича бу жимликни айни ўша вақтда, ўша уйда келишга таклиф деб тушунди. Шунинг учун ҳам якшанба куни у яна ўша жойга йўл олди, тўғри йўлакка кириб, зиналардан тепага кўтарилди, айрим уй эгалари таниб қолишган, хонадонлари эшиги олдида туриб, у билан саломлашишарди, бироқ бу сафар у бирон-бир нарсани суриштирмасдан, керакли эшикни ўзи топиб борди. Эшик тақиллаши биланоқ очилди, К. эса эшик олдида турган таниш жувонга эътибор бермай, навбатдаги хонага ўтмоқчи бўлди.

– Бугун йифилиш бўлмайди, – деди аёл.

– Нега бўлмас экан? – К. ишонқирамай сўради.

Ишонтириш учун жувон қўшни хона эшигини очиб берди. Ҳақиқатан ҳам у ер бўм-бўш, кимсасиз бўлгани боисми ўтган якшанбадан ҳам кўра фариброқ кўринарди. Сўри устидаги столда бир нечта китоб ётибди.

– Мумкинми бу китобчаларни варақлаб кўрсам? – К. шунчаки қизиқиши билан, ҳарқалай бу ерга келиши буткул бесамар кетмасин, деган хаёлда умидвор сўради.

– Йўқ, – жувон эшикни қайта ёпиб, сўзини давом эттирди, – бу мумкин эмас, китоблар терговчиники.

– Шунақами? – К. шундай дея, бошини чайқаб қўйди, – улар қонунлар мажмуаси бўлиши керак, эндиги суд ишлари фақатгина гуноҳсиз кишиларни огоҳдантирмасдан маҳкум этишдангина иборат эмасга ўхшайди. Аҳволидан ҳам хабар олмайди чоғи.

– Бўлган-тургани шу, – деди жувон, аммо К.ни тушунмаганлиги кўриниб туарди.

– Бўпти, унда мен бора қолай, – деди К.

– Терговчига нима деб қўяй? – сўраб қолди жувон.

– Э, ҳали сиз уни танийсизми? – К. ҳайрон бўлиб суриштирди.

– Бўлмаса-чи, – деди жувон, – эрим ҳам судда хизматчи бўлиб ишлайди.

К. одинги сафар келганида тўзғиб кетган эски хона энди яхшилаб саранжом-саришта қилинганига эътибор берди. Бу ер кишилар яшайдиган хонадон эканлигидан ҳайратланганини сезган жувон изоҳ берди:

– Бу хона бизга текинга инъом этилган, лекин йифилиш бўладиган кунлари уни бўшатиб беришга мажбурмиз. Ҳа, эримнинг хизматида бир талай ноқулайликлар бор.

– Бунга асло ажабланганим йўқ, – К. аччиқданаб жувонга қаради. – Бундан ҳам кўра мени сизнинг эрингиз борлиги ҳайратга солди.

– Сиз, афтидан, сўнгти йифилишда содир бўлган воқеага шама қиляпсиз чоғи, ўшандা мен дардингизни тўкиб солишингизга халақит бергандим, шундайми? – хижолатомуз сўради жувон.

– Албатта-да, – деди К. – Майли, ўтган ишга салавот, ўшандা роса жаҳлим чиққан эди. Ҳозир

уни эслагим ҳам йўқ. Ўзингиз бошимда эрим бор деб айтиб турибсиз, аммо...

– Сўзингиз бўлинниб қолгани сиз учун фақат кони фойда бўлди. Кейин сиз ҳақингизда роса ичи қоралик билан гапиришди.

– Эҳтимол, – деди мужмаллик билан К. – Аммо бу кўрсатган кароматингизни оқдолмайди.

– Йўқ, йўқ, таниган-билган кишиларимнинг бари мени оқлашлари турган гап, – деб бидирлаб кетди жувон. – Ўша куни мени қучоқдаган кимса аллақачондан буён орқамдан югуриб юради. Эҳтимол, бошқа бироннинг назарида унчалик гўзал эмасдирман, аммо у мени фариштадек кўради. Бундай аҳволда унга қарши бирон-бир чора кўришни ҳам билмай қоласан, ҳатто эрим ҳам охир-оқибат кўникишга мажбур бўлди; агар ўз жойини сақлаб туришни истар экан, сабрдан бошқа чора йўқ, чунки талаба, эҳтимол, келгусида катта амалдор бўлиб кетса ҳам ажаб эмас. Лекин бир умр орқамдан қолмайдиганга ўхшайди. У ҳозиргина, ташрифингиздан бир оз один бу ердан қорасини ўчирганди.

– Бир тентакка бир тентак ҳар жойда бор, – деб қўйди К. – Бу мени ҳеч ҳам ажаблантирумайди.

– Кўрингандек, сиз бу ерда тартиб ўрнатилишини истайсиз, шундайми? – жувон билмоқчи бўлганлари ўзи ва К.га таҳдид солиши мумкиндек оҳиста ва эҳтиёткорлик билан сўради. – Нутқингиздан шуни фаҳмладим. Нафси замрини айтганда, фикрларингиз менга мойдек ёқди. Аммо ҳаммасини тинглашга муваффақ бўломмадим, келганимда у аллақачон бошланиб кетган экан, ҳали охирига етар-етмас эса талаба билан полда ётгандик. Аҳ, бу ерни қанчалар наҳс босган! – жувоннинг бир дақиқа нафаси ичига тушиб кет-

ди, кейин эса К.нинг қўлини қаттиқ қисиб, ундан чинқириб сўради: – Ўзингиз айтинг, бу ерда янгича тартиб ўrnата олишингизга чиндан ҳам кўзингиз етадими?

К. жилмайиб қўйди ва оҳиста қўлини унинг нозик бармоқларидан ажратиб оди.

– Гапнинг пўскалласи, – деди К., – ўзингиз айтгандек, бу ердаги янги тартиб-қоидалар менга унақа ваколатлар бермайди, мабодо, сиз буларнинг бари-барини терговчига айтсангиз, эҳтимол, устингиздан кулишлари, ҳатто жазолашлари мумкин. Ҳаммасидан ҳам кўра, бирон-бир ёруглик чиқса-чиқмаса, ўз хоҳишм билан мен бу ишга аралашмоқчи эмасман, уйқудан кечиб, жиноий иш кўриш жараёнини мувофиқ тартибда ўзгартириб беришни ҳам ният қилганим йўқ. Бироқ ҳибсга олиниш им оқибатидаги вазиятлар шунақаки, ўз манфаатим ҳақи, бунга аралашишга мажбурман. Кошки қўлимдан сизга фойдали бир иш келса-ю, мен астойдил шуни қилган бўлардим. Буни фақат одамгарчиллик учун қилмоқчи эмасман, балки сиздан угина, биздан бугина, деганидек сиз ахир менга ёрдам берга олишингиз мумкин-да.

– Қандай қилиб? – ўсмоқчилаб сўради аёл.

– Масалан, анави китобларни менга кўрсатишингиз мумкин.

– Э, бўлмаса-чи! – жувон К.га хитоб қилиб, уни стол олдига бошлаб борди. Китоблар эски-туски, роса шулфуди чиққан, бирининг муқоваси ўртасидан дарз кетган, қолган икки ёғи ҳам тикилган ипнинг зўридан титилмай туради.

– Намунча ҳамма ёқ ифлос бўлмаса, – К. шундай деб бошини чайқаб қўйди, аёл эса столнинг жиллақурса юзасидан чанг кетиши учун уни

пешбанди билан артишга тутинди, аввало у К. китобларни олсин, деб шундай қилди.

К. китобни очиши билан беҳаё бир суратга кўзи тушди. Ундаги бор чизги – диванда бир аёл билан эркак онадан туғилгандек ҳолда ўтиришар, рассомнинг жирканч нияти яққол кўриниб турар, аммо у шундай уқувсизлик билан чизилган эди-ки, бир сўз билан айтганда, унда кўз-кўз қилинган аёл ва эркак қадди-қоматидан бошқа ҳеч нарсанни кўриб бўлмасди. Жудаям кўнгилни фаш қилар даражада дағал, шунчаки бўёқ чапланган, ўзлари ҳам жуда нотабиий ўтиришар, ҳатто ноқулай, нотўғри жойлашганликларидан бир-бирларига қайрилиб қарашга-да иложисиз эдилар. К. бу китобни вараклаб ўтирмади, иккинчисининг номи ва муаллифи кўрсатилган ilk варагини очди, бу – «Ўз завжи Ганснинг қай бир қийноқларига чидалган Грета» сарлавҳали бир роман эди.

– Бу кимсаларнинг ўқиётган ҳуқуқий китобларини қаранг, – деди К. – Шундай одамлар мени суд қилиш учун йифиладилар!

– Сизга ёрдам берганим бўлсин, – деди аёл, – Розимисиз?

– Агар ҳақиқатан ҳам ёрдам бермоқчи бўлсангиз, бу сизнинг ҳаётингизни хавфга солмайдими? Ҳолбуки, ўзингиз ҳали айтгандек, эрингиз бутунича ўз бошлиқларига қарам бир киши экан.

– Бари бир мен сизга ёрдам беравераман, – деди жувон. – Бу ёқقا келинг, ҳаммасини муҳокама қилиб олиш керак. Бунинг учун менга бирон-бир бало хавф солиши гапиришга ҳам арзимайди. Керак бўлса, нимадан қўрқишни ўзим яхши биламан. Бу ёқقا келсангиз-чи, – жувон катларни кўрсатиб, К.нинг ёнига ўтиришини сўради. Улар ёнма-ён ўтиаркан, жувон К.нинг юзига зингил

солиб деди: – Кўзларингизнинг ажиб бир тарзда тим қоралигини қаранг. Айтишларича, менинг кўзларим ҳам чиройлимиш, аммо сизнига етишга йўл бўлсин. Мен буни биринчи бор бу ерга ташриф буюрганингиздаёқ пайқаганга ўхшайман. Шу боис ҳам сизни деб кейин бутун мажлис-хонани кесиб ўтдим. Одатда, шунчаки бунга ҳеч ҳам журъат қилмаган бўлардим, очиғини айтганда, менга ҳатто бу ерда юриш ҳам тақиқданган.

«Мана, нима учун у бунчалик куйиб-ёниб ётибди! – деб ўйлади К. – у суроби тўғриланган оёғидан тортиб бошигача, ҳамма-ҳаммасини шу ерда нимаси бўлса, менга таклиф қиляпти, буларнинг бари тушунарли, суддаги мирзакуруқ амалдорлар жонига тегиб кетган ва у тўғри келган мижозни кўзини нишонга олибми, хушомадлар билан қарши олаверади». К. гўё ўйлаганларини овоз чиқариб айтмоқчилик индамай ўрнидан қўзғалди ва аёлга ўз аҳволини изоҳдаб сўз очди.

– Очиғи, сизнинг менга бирон-бир ёрдамингиз тегади деб айтишим қийин, – деди у. – Ҳақиқий ёрдам бериш учун дасти узун катта тўралар билан ош-қатиқ бўлиш керак. Сиз эса кунда-шунда танда қўйган майда-чуйда тиргакларни биласиз. Улар билан қадрдонсиз. Бунақаларнинг қўлидан қўп ишлар келишига мен ҳам ҳеч шубҳаланмайман, бироқ улар имкониятларидағи барча ишни дўндириб, ҳатто бор валломатликларини кўрсатган тақдирларида ҳам, устимдан қўзғатилган жиноий иш жараёнини ижобий томонга жилдиришга ҳечам кучлари етмайди. Устига-устак бу билан сиз бир талай дўстларингиздан ажralиб қолишингиз, улар сиздан ўзларини тортишлари мумкин. Буни истамайман. Шундокे экан, бу кишилар билан орани очиқ қилиш сизга ярамайди;

менимча, улар ҳали сизга керак бўлади. Ҳеч бир афсусланишсиз, мақтovларингизга жавоб сифатида шуни айтишим мумкинки, сиз менга ёқиб қолдингиз, айниқса ҳозир, кўзларингизни ғамгинлик билан сузиб турганингизда, ҳолбуки, ғам-алам чекишингиз учун ҳеч бир асос бўлмаса-да. Мен курашишим керак бўлган одамлар орасида сиз ўз ҳаловатингизни топгансиз, гул-гул яшнаб, барқ урасиз, улар даврасида ўзингизни осмону фалакда ҳис қиласиз, ҳатто мана бу талабага ошику беқарорсиз, йўқ дeng, ундан бўлмагандан ҳам уни эрингиздан афзал кўрасиз. Гап-сўзларингиздан бу кундек аён бўлиб турибди.

– Йўқ, йўқ, – чинқирди аёл ва ҳали бўшатишга улгурмаган К.нинг қўлини қаттиқ қисиб давом этди, – бу ердан шундай ўйлар билан кетишингиз мумкин эмас. Сиз мен ҳақимда бутунлай ноўрин хаёлларга бориб юрибсиз, бу яхшимас. Наҳот, ҳаммасини шундоқ қолдириб кетсангиз? Мен шунчалик ҳеч нарсага арзимайманми, ҳеч бўлмаса, шоду хуррамлигим ҳақи, бир фурсат бу ерда қололмайсизми?

– Сиз мени тушунмадингиз чоғи, – К. шундай деб яна жойига ўтирди. – Сиз қолишимни ҳақиқатан ҳам истасангиз, вақтим сероб, бемалол ўтиришим мумкин, мен ахир бугун бу ерда суд мажлиси бўлади, деган хаёlda келгандим. Фақат илтимос, менинг ишимга алоқадор бирон-бир юмушга киришиб юрманг. Ва бунинг учун ранжимаслигингиз ҳам керак; суд жараёни қай тарзда яқун топишининг мен учун фарқи йўқ, тушунинг, улар чиқарадиган ҳукм устидан фақаттина куламан. Ҳар эҳтимолга қарши бу воқеа юз бера қолса, албатта, аммо ҳаммадан кўп суднинг бўлишидан шубҳадаман. Эҳтимол,

тез кунларда суд маҳкамасидаги танбал, паришонхотир ва айниқса, қўрқоқ амалдорларнинг тепса-тебранмаслигига қўра, кўрилаётган иш бир чеккада қолиб кетар ёки апил-тапил юмалоқ-ёстиқ қилиб, ниҳоясига етказиб қўйилар, дейман. Англашимча, бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди, улар ишни расмиятчиликни баҳона қилиб, аччиқ ичакдек роса чўзишилари ва аслида ўзларига сув юқтирумай, ими-жимида пора олишга умидвор бўлишлари ҳам мумкин, бироқ сизни ишонтириб айтаманки, барча умидлари бехуда бўлиб чиқади, мен ҳеч кимга пора бермайман. Худди шу ерда сиз менинг ҳожатимни чиқаринингиз мумкин: терговчими ёки бошқа бир ҳар қанақа мишишларни овоза қилишни севувчиларга шуни маълум қилиб қўйсангиз дегандим, ҳар қанақа ўйину кўзбоғофичлик кўрсатмасинлар, бу жаноблар мендан ришва олишнинг уддасидан чиқа олмайдилар... Эҳтимол, буни ўзлари тушуниб ҳам етгандирлар, балки йўқ. Умуман, бу ҳақда ҳозир хабар топадиларми ёки кейинроқми, мен учун мутлақо аҳамиятсиз. Буларнинг бари олдиндан маълум бўлса, жиллақурса, бу жанобларнинг юмушларини енгиллатган бўлардик-да. Очиғи, мен учун ҳам кўнгилсизликлар камайган бўлармиди, бироқ мен нима қилиб бўлса ҳам, уларга зарба берсам, барча нохушликларга тайёрман. Мен анчадан буён ана шунинг ғамидаман. Ишқилиб, сиз терговчи билан танишмисиз ўзи?

– Бўлмаса-чи! – чийиллади жувон. – Мен сизга ёрдам беришни таклиф қилганимдаёқ, бу ҳақида кўнглимдан ўтказгандим. Қаердан билибман, унинг бор-йўғи кичкина бир амалдорча эканини, аммо сиз таъкидлаб айтиётган экансиз, бу

гап беҳуда бўлмаса керак! Лекин ўйлашимча, юқорига пайдар-пай йўллаб турадиган баённомаларининг қандайдир таъсири бўлса керак. Мана сиз, ҳамма амалдорлар тепса-тебранмас, ишёқмаслар, дедингиз. Йўқ, уларнинг ҳаммасини ҳам шундай деб бўлмайди, айниқса мана бу терговчини, у ёзгани ёзган. Масалан, ўтган якшанба куни мажлис қош қорайгунча давом этди. Ҳамма кетгандан кейин ҳам терговчи қолди, унга чироқни олиб келишга тўғри келди, менда бор-йўғи милмилиқ, кичкинагина ошхона исчироги бор, бироқ у шунинг ўзи билан қаноатланиб, ўрнига дарров ўтириб, ёзишга киришди. Шу орада эрим ҳам қайтди, якшанба унинг бўш куни, биз уй жиҳозларига қараб, ўриндиқларни у ёқ бу ёққа суриб, хонани саранжомладик, кейин қўшниларимиз келишди, биз шам теграсида ўтирдик ва гапнинг қисқаси, охири ётишга чўзилдик, терговчи эсимиздан ҳам чиқиб кетди. Ва бирдан яrim кечада уйгониб кетсам, каравотим ёнида терговчи тураг, ишқилиб чироқнинг нури эримнинг юзига тушмасин деб, уни қўли билан тўсишга ўринарди, ҳолбуки, бу уриниши кераксиз, эрим шундай тош қотиб ухлайдики, уни ҳеч қанақа чироқ нури билан уйғотиб бўлмайди. Жудаям қўрқиб кетганимдан бақириб юборишимига сал қолди, терговчи эса жон олар ёқимтойлик билан овозимни чиқармаслигимни ўтинди, у шу пайтгача ишлаганини, энди эса чироқни қайтармоқчи эканини айтар экан, сўзининг охирида гаройиб тушлар оғушида ажиб тарзда ухлаётганимга гувоҳ бўлганини, буни ўла-ўлгунча унутмаслигини қўшиб қўйди. Сизга фақат шуни айтишни истардимки, терговчи кейинги пайтда маърузалар қоралашга ҳаддан ташқари берилиб кетди, бу маърузаларда эса ҳеч шубҳасиз асосий

сўз сизнинг тақдирингиз ҳақида боради. Ўтган якшанба мажлисида ўртага қўйилган асосий ма- сала ҳам сизнинг ишингиз бўлди. Шунга кўра ёзилган узундан-узоқ маърузалар ҳам бирон-бир аҳамиятга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, мана воқеаларга қараб шубҳаланмаса ҳам бўла- ди, терговчига ёқаман, айнан ҳозир шунаقا бў- либ қолди, авваллари у менга қиё ҳам боқмасди, яқиндан бошлаб алоҳида назар билан қарайди- ган бўлди, шу боис ҳам унга ўз таъсиримни ўт- казишим мумкин. Унинг ишқибозлигига бошқа далилларим ҳам йўқ эмас. Кеча талаба орқали – у талаба билан бирга ишлайди, унга ўта даражада ишонади – менга бир жуфт ипак пайпоқ совфа қилибди, гўё бу мажлисхонани саранжом-са- ришта қилганим учунмиш, ҳолбуки, бу шунчаки важ-корсон, мен вазифамнигина бажаряпман, бунинг учун эримга ҳақ тўлашади. Пайпоқларни айтмайсизми, шунаقا ажойибки, мана қаранг... – жувон оёқларини узатиб, қўйлаги этагини тиз- задан юқори кўтарди ва ўзи ҳам пайпоқларга маҳлиё бўлиб қаради, ҳа, пайпоқлар жуда ҳам чиройли, бироқ ҳаддан ташқари нозик, улар менга тўғри келмайди.

Бирдан у жимиб қолди ва қўлларини К.нинг қўлларига қўйиб гўё уни тинчлантиrmоқчи бўл- гандек шивирлади:

– Жим, Бертолд бизни кузатяпти.

К. оҳиста нигоҳини юқорига кўтарди. Маж- лисхона эшиги олдида бир йигитча турарди; у ўрта бўй, оёқлари қийшиқ, афтидан ўзини сав- латли кўрсатиш учун бўлса керак, сийрак, калта, маллатоб соқол қўйган, бармоқлари билан уни тинимсиз тутамлаб турар эди. К. унга қизиқиб назар солди – шахсий ҳаётида ўзига нотаниш ҳуқуқшунослик фанлари бўйича биринчи бор

күриб турган талаба эди, эҳтимол, у ҳақиқатан ҳам кейинчалик олимақом лавозимларни эгаллаб кетса ҳам ажаб әмасди. Талаба эса аксинча, К.га ҳеч қанақа эътибор қилмади, у фақат бир дақиқага бармоқларини соқолидан олиб, аёлни олдига имо билан чорлади ва ўзи дарича томон юрди, жувон эса К.га энгашганча шивирлади:

– Ўтинаман сиздан, ранжиманг ва мен ҳақимда бирон-бир ёмон хаёлга бориб юрманг, сиз унинг қийшиқ оёқларига бир қаранг, ҳозир ана шу ярамас нусханинг олдига бормасам бўлмайди. Тезда қайтаман ва шундан кейин агар мени ўзингиз билан бирга олиб кетишни истасангиз, қайга десангиз кетган, нима қилсангиз, шунга кўнган ва бундан фақат баҳтиёр бўлардим; ишқилиб, бу ердан узокроқ кетсам бўлди, бир умрга бош олиб кетсам-ку нур устига нур бўларди.

Жувон К.ни қўллари билан сийпалади-да, ўрнидан дик этиб туриб, дарча томон югургилаб кетди. К. жувоннинг қўлларини беихтиёр тутгиси келди, лекин ҳавони ушлаганча қолди. Ҳақиқатан ҳам аёл унинг кўнглини суст кеттиromoқчи бўлган, бу хоҳишни рад этишга қарши кўнглида асос топа олмади. Балки жувон суднинг маҳфий топшириғи билан уни тузоқقا илинтириш учун атайнин юборилгандир, деган шубҳа лип этиб, хаёлидан ўтди, лекин у шу зумда бу гумонни бир чеккага улоқтирди. Бу қандай қилиб уни тузоқقا тушириши мумкин? Ҳозирча бутунлай озодликда-ку. У шу билан ҳам бутун жиноий ишни кўриш тартибларини йўққа чиқариши, ҳеч бўлмаса ўз ишига даҳлдорини фош этиши жуда мумкин-ку. Наҳотки, у ўзига мисқолча ҳам ишонолмай қолди? Ҳолбуки, жувон унга ёрдам беришни таклиф қилганда, овози самимий чиқди. Аёлнинг унга

бирдан фойдаси тегадиган жиҳатини қандай аниқласа бўлади? Балки терговчи ва унинг тўдасига хусумат сақдамаган маъқул, улардан бу аёлни тортиб олгандан кўра унинг муҳаббатини қозонмоқ керакдир. Шунда роса бошини қотириб К. ҳақида ёлғон уйдирмалар тўплаган терговчи ярим кечага бориб иши ниҳоясида аёлнинг тўшаги олдига келади-ю, тўшакни бўум-бўш кўради. Ўрни бўшми, демак, аёл К.га тегишли бўлиб чиқади, ҳа, бу ойна олдида турган ишвали, ёқимтой, истараси иссиқ, дағал қора матодан эгнига кўйлак илган аёл фақаттина унинг ўзиники бўлади.

К. аёлга даҳлдор шунга ўхшаш шубҳаларини бир чеккага улоқтириди-да, аввалига бармоғининг қирраси билан ўтирган катни астагина чертди, кейин эса мушти билан урди, чунки тақирлатиш, дераза олдидаги шивирлашлар жудаям жонига текканди. Талаба жувоннинг кичкина елкаси оша К.га нописанд қаради, бироқ унга ҳеч қанақа эътибор қилмади, қайтага аёлни баттарроқ ўзига тортиб, қаттиқроқ қучоқлади. Жувон чўрилардек, бошини солинтириб олганча, баайни унинг сўзларини уқиб олаётгандай эди, йигит эса жувоннинг эгилган бўйнидан чўлпиллатиб ўпар, сўнг яна ҳеч нима бўлмагандек сўзида давом этарди. Жувон ёзғирганича бор, у ҳақ, талаба аёлнинг устидан аллақандай ҳукм юритар, бунинг гувоҳи бўлган К. стулдан турди-да, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. К. бу ердан унинг изини қанча бўлса шунча тез қуритиш хусусида ўйлаб, сабрсиз, тапир-тупур юриши билан ҳаловатини бузажонига талаба ғаши келиб қараганида ҳатто қувониб кетди.

– Агар ошиқаётган бўлсангиз бемалол кетишингиз мумкин. Ҳатто аллақачон суриворсангиз

бўларди, бу ерда йўқлигингизни бирор сезмасди ҳам. Ҳа, ҳа, мен келишим билан, сиз шу заҳоти, бу ердан жўнаб қолишингиз керак эди.

Бу фақатгина ғазабини тийиб турган кимсаннинг сўзлари эмас, балки келгусида олий мақом бир ўринни эгаллаб айбланувчилар учун бало-қазо бўладиган амалдорнинг сиёсатини эслатарди.

К. унга қатъий бир суръатда яқинлашиб, кулимсибгина гап бошлади:

– Ҳа, сиз ҳақсиз, менинг бунга сабр қилишим қийин ва ичим қисишини бор-йўғи бир нарсагина бартараф этиши мумкин, бу ҳам, бизни холи қолдирсангиз. Агар ҳақиқатан ҳам сиз бу ерга ўқув машғулоти учун келган бўлсангиз, – эшитишинга қараганда, сиз талаба экансиз, – мен бажонидил ўз жойимни сизга бўшатиб бериб, мана бу аёл билан бу ердан кетаман. Нафсилаамрини айтганда, ҳали кўп ўқишингиз, биринчи навбатда суд ҳаками бўлишингиз учун ҳали кўп тер тўкишингиз керак. Тўғри, суд ишларининг тартиб-қоидасини мен қарийб билмайман, лекин сизнинг шу биргина телба-тескари нутқингизнинг ўзи ҳаддан беҳаё эканлигинги зини кўрсатдик, ҳеч бир қўйруғи йўқ.

– Озодликда тараллабедод қилиб юриш учун унга бекорга рухсат беришган, – талаба К.нинг гапидан оғринганини аёлга билдириб қўйиш учун атайнин шундай деди. – Бу шубҳасиз хато. Мен терговчига ҳам айнан шундай деб айтдим. Ҳа, уни терговлар орасида ҳеч бўлмаса уй қамоғида тутиб туриш керак. Бироқ баъзи бир терговчиларга сира ҳам тушуниб бўлмайди.

– Ортиқча гап эшакка юк, – К. шундай деркан, аёлга қўлинни узатди, – кетдик.

– Гап бу ёқда дент, – деди талаба. – Йўқ, йўқ, сиз уни қўлга киритиб бўпсиз!

Талаба кутилмаган куч билан аёлни қўлига кўтариб, эгилганча эшик томон шошиларкан, жувонга жон олар нигоҳда кўз ташлаб қўярди. Ҳаммаси очик-аён, у К.дан қўрқиб кетди, бироқ шунда ҳам жигига тегмаслик пайини қилолмади, ўзини тутиб туролмай, аёлни олиб кетаётган экан, шунинг учун ҳам атайин бўш қўли билан жувоннинг елкасини гоҳ сийпалаб, гоҳ эзғилаб бораради. К. бир неча одим отиб, уларга шитоб билан етиб олмоқчи бўлди. У талабани ушлаб қолишни истар, ҳатто уни бўғиб ўлдиришга тайёр турарди, бироқ шу пайт аёлнинг овози эшитилиб қолди:

– Ҳеч нарса қилиб бўлмайди, уни ортимдан терговчининг ўзи юборган, сиз билан бирон ёқقا кетишим мумкин эмас. Бу ярамас чувалчанг, – шу жойда жувон талабага қўлларини пахса қилди, – бу пачоқ баттол мени бўшатмайди.

– Э, сиз эркингиз ўзингизда бўлишини истамайсизми? – К. шундай деб чинқирганча, қўлини йигитнинг елкасидан бўшатаркан, шу баробарида унга тишлигини фижирлатди.

– Йўқ, – жувон ҳам чийиллаб жар солди, иккала қўли билан К.ни орқага итариб. – Йўқ, йўқ, фақат бунақа қилманг, сиз жинни бўлиб қолибсиз! Сиз бунақада мени тириклай гўрга тиқасиз. Уни тинч қўйинг! Сиздан ўтиниб сўрайман, уни ўз ҳолига қўйинг. У фақат терговчининг буйруғинигина бажаряпти, холос. У мени терговчининг олдига олиб боради.

– Хўп, бўгти, у бу ердан йўқолсин, сизни ҳам кўришни истамайман! – К. шундай деркан, ихлоси қайтганича, қаҳри-ғазабга тўлиб бутун кучи билан талабанинг ортидан итарди; талаба қалқиб кетди, бироқ амаллаб йиқилмай қолар экан, бундан руҳданиб, турган жойида ўлжаси билан юқорироққа сакради.

К. улар ортидан секин юриб борар экан, бу кишилар унга илк мағлубият инъом этганини тушуниб етди. Албатта, бу ерда нотинч бўладиган ҳеч нарса юз бермади ва мағлубиятига шунинг учун ҳам сабр қилишга мажбур эдики, ўзи излаб-излаб, унга тўқнаш келиб турарди. Агар уйида тинчгина ўтириб, ҳамма қатори одмигина ҳаёт тарзига эга бўлганда, у бу кишилардан минг баробар баландда турар, улардан истаганини бир тепки билан улоқтириб ташлаган бўларди. У ўзича кулгили бир саҳна кўринишини кўз олдига келтирди: ундаги бош ролни ижро этган бу Худо урган талабача, олифта гўдак, бу оёфи қийшиқ тўрва соқол Эльзанинг каравоти олдидаги тиз чўкканча, қўлларини кўксига қўйиб, ундан шафқат тилаб турарди. К. тасаввур этган бу манзарадан шунчалик завқланиб кетдики, талабани ўзи билан биргаликда оловолиб, Эльзаникига меҳмонга жўнаворишига бир баҳя қолди.

Қизиқувчанлиги зўр келган К. шошилиб эшикка югурди, талаба жувонни қайга элтишини кўришини истаб, йўлга қаради, бутун кўча бўйлаб аёлни кўтариб юрмас-ку, ахир. Дарҳакиқат, уларнинг борадиган жойи унақа узоқ эмасди. Шундоқ рўпаратаги хонадонда торгина ёғоч зинапоя бошли нар, кўринишидан у чордоқча олиб чиқарди, бироқ унда бир қайрилиш бўлиб, қолган қисми кўринмас, ишқилиб, охири қаерга олиб боришини кўриб бўлмасди. Шу зинапоядан талаба жувонни базур инқиллаб-синқиллаб кўтариб борар – суроби тўғриланиб қолгани кўриниб турарди. Жувон К.га қўлларини силкитиб, елкаларини учириб, хоҳиш-иродасига қарши зўрлаб олиб кетилаётганлигини тушунтиromoқчи бўларди. Аммо минг қилмасин, афсус-надомат чеккани чеҳрасида акс этганча йўқ

эди. К. унга лоқайд, худди бегонадай қаради, аммо ўзининг бу ихлоси қайтганлигини сездиришини ва буларнинг барини у оппа-осон қабул қилганини кўрсатишни ҳам хоҳламасди.

Иккови ҳам бурилишда кўздан фойиб бўлиши-ди, К. бўлса ҳамон эшик олдида турарди. У шуни тан олиши керакки, жувон фақатгина алдабгина қолмади, балки терговчига олиб боради, дегани бутунлай ёлғон эди. Терговчи чордоқقا ўтириб, жувон қачон келади, деб қараб ўтиргандир. Ёғоч зиналарга қанчалик зингил солиб қарама, бари бир ҳеч нарсани билиб ололмайсан. Тўсатдан К. кириш жойидаги кичкинагина, болаларча беўхшов, ажи-бужи қилиб ёзилган қофозчага кўзи тушиб, уни ўқиш учун яқинлашди. «Суд девонхонасига кириш». Демак, шу ерда, кишилар яшайдиган уйнинг чордогида суд девонхонаси жойлашган экан-да! Жойлашган манзили ҳеч қанақа ҳурмат-эътибор уйғотиши мумкин эмас, ҳар қанақа айбланувчи ҳам бу манзарага қаноат билан кўз ташлаб, суд дегани қанчалик фариб ва афтода аҳволда эканлигига амин бўлар, ўз девонхонасини ялангоёқ ва қашшоқлар умргузаронлик қиласиган уйнинг ҳеч нарсага яроқсиз ашқол-дашқоллари турадиган жойга улоқтиргани буни тасдиқларди. Тўғри, мўмайгина пул қўлларидан ўтишини мустасно қилиб бўлмайди, бироқ уни бу амалдорлар рисоладагидек топишлари ўрнига тунагандай қилиб ўмарадилар. К.нинг гувоҳ бўлишига кўра, суд ишларидағи бузуқдик айбланувчи шаънини ҳаддан ташқари ерга уриб турса-да, ҳарқалай бу нарса ҳам суднинг фариб рўзгоридан кўра беҳроқдир. Мана ниҳоят, нима учун биринчи терговда айбланувчини диққина-фас чордоқقا таклиф қилишганлари-ю хонадо-

нига ҳеч нарсадан ҳеч нарса бостириб киришгани сабаби К. учун аён бўлди-қолди. Ҳа, К.нинг шарт-шароити ва аҳволи терговчиникига нисбатан қанчалик яхши экан: бу кимса чордоқда тиқилиб-сиқилиб ўтирган айни вақтда К. қабулхонали банкнинг ёруғ ва кенг бир хонасида қўр тўкиб ўтирганича, маҳобатли ойнаванд деразадан ҳаёт қайнаб-тошган шаҳар хиёбонларини масрур томоша қилиши мумкин. Албатта К.да ҳеч қанақа қўшимча даромадлар йўқ! – пора олмайди, пул беркитмайди ва шубҳасиз, унинг ишида аллақандай бир тасқара хизматчи муштипар бир аёлни зўрлик билан судраб, ўз ишхонасига олиб бориш ваколати ҳам йўқ. Қолаверса, К.нинг ўзи ҳам бунақа қалтис вазиятларда дош бериб ўтира олмас, ҳар қанақа қулайлик ва имкониятларни астойдил рад этган бўларди.

Ҳали ҳамон хаёл билан ёзув олдида туриб қолган К. аллақандай бир киши зинадан юқорига кўтарилаётганига кўзи тушди, бу киши эшиги очиқ хонадан ичкарига мўралаб, мажлислар залига яхшилаб қараб олди-да, охири К.дан шу ерда бир аёлни кўрмадингизми, деб сўради.

– Сиз суд хизматчисисиз, шундайми? – деб ўсмоқчилади К.

– Шундай, – жавоб қила қолди киши. – Сиз бўлсангиз, адашмасам, айбланувчи К. бўлсангиз керак? Ҳа, ҳа, мен эндиғина танидим, сизни кўрганимдан хурсандман, – у К.ни ҳайратга солиб, қўлинни узатди. – Бироқ бугун йифилиш йўқ эди-ку, – деди хизматчи К.нинг индамай турганини кўриб.

– Биламан, – деди К. хизматчининг одми камзулига кўз ташлаб. Унинг хизмат вазифасини билдириб турган ягона белги камзулидаги оддий тугмалар ичida айнан зобитлар шинелидан

узиб олиб, чатилгани боис ажралиб турган икки зарҳал тутма эди.

– Мен ҳозиргина сизнинг хотинингиз билан гаплашган эдим. У ҳозир бу ерда йўқ, талаба уни терговчининг олдига олиб кетди.

– Мана кўрдингизми! – ёзғирди хизматчи. – Ҳамиша уни мендан ажратмоқчи бўладилар. Ахир, бугун якшанба-ку, мен уларнинг топшириқдари ни бажаришга бурчдор эмасман, шунга қарамай, бу ердан қайси гўргадир гумдон қилиш учун, аллақандай кераксиз бир топшириқни менга буюриб жўнатишди. Тўгри, жуда олиста жўнатганлари йўқ, бироқ Худо хоҳласа, вақтида қайтаман деб, ўпкам тушай деб қолди. Ҳар қанақа ахлатни тозалаш бўлсин мен чопаман, ташкилот эшигини очиш борми, шу заҳоти чақиришиб, ўшқира-ўшқира буюришади, ишқилиб, бир зум тин олдиргани қўймасдан чоптирганлари чоптирган, бу бор-кел, чоп-чопларни нега бунчалик зарурлигини ҳеч ҳам тушунмайман, аммо талаба қурғурни мендан кўра ҳам кўпроқ шошилтиришади: тўгри, унинг манзили яқин, у бор-йўғи бу чордоқ зинапояларидан чиқиб тушиб юради, холос. Аммо мен даюс бир киши бўлиб қололмайман, шу боис талабани аллақачон ойнага уриб, пачоқлаш им керак эди. Мана бу, ёзув тиркаб қўйилган жойга. Фақат шу ҳақида орзу қиласман. Мана бу полдан сал юқори жой бор-ку, осиб қўйиб, бутун танасини пачоқ қиласанг, қўлларини айириб, бармоқларини қайириб, қийшиқ оёқларини буклаб ташласанг, ҳеч бир жойини соғ қўймасанг, ўз қонига ўзини бўясанг. Бироқ ҳозирча бу ҳақида фақат орзу қилиш мумкин.

– Наҳотки, бунинг бошқа бир йўли йўқ, – К. ундан нимтабассум билан сўради.

– Бошқа бир иложини ҳеч тополмаяпман, – деди хизматчи, – энг даҳшатлиси кун ўтган сари аҳвол баттарлашайти; шу пайтгача у аёлимни фақат ўз майли учун безор қиласа, энди бўлса терговчига ҳам тўғрилаб юрибди; начора, шундай бўлиб чиқишини аллақачон кўнглим сезганди.

– Бу учун хотинингизнинг ўзи айбдор эмасмикин? – К. шундай деб сўраркан, ўзини базур ушлаб турар, чунки у ҳамон аёлни бошқалардан астойдил рашик қиласарди.

– Бўлмасам-чи, – деди хизматчи, – гунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди. Хотинимни ўзи бунда ҳаммадан кўпроқ айбдор. Унинг ўзи бу такасалтангнинг бўйнига осилиб юрибди. Талабага-ку, бу йўргакдан теккан касал, қайда аёл кўрса, орқасига тушади. Қайга борса, битбиљдиқ, ҳунар кўрсатаверганидан битта уйимизнинг ўзида бешинчи хонадондан қувилди. Бахтга қарши уни ёмон кўзлардан ҳимоя қилиш мумкин эмас, чунки хотиним уйимиз аёллари ичидаги энг соҳибжамоли.

– Ҳа, агар масала бунақа қўйиладиган бўлса, унга ёрдам беришнинг ҳеч иложи йўқ экан-да, – деди К.

– Йўқ, нега бўлмасин? – жонланиб деди хизматчи. – Аввало мана бу ғалати қилиқли, ўпкаси йўқ талабани уриб-сўкиб бўлса-да, аёлимни ўлжа қилиш пайдан қайтариш керак. Бироқ бу мен учун тақиқланган. Бошқалар ҳам бу борада менга ёрдам қўлини чўза олмайдилар, унинг зўравонлигидан жудаям қўрқишиади. Фақат сиздай бир киши унга қарши бора олиши, бу ишни удалаши мумкин.

– Нега айнан мен бу ишни қила олишим мумкин? – К. ҳайратланди.

– Сиз ахир айбланувчисиз-да, – жавоб қилди хизматчи.

– Ҳа, – деди К., – қўрқаманки, эҳтимол, суд жараёнининг ҳал қилувчи нуқтасида унинг қўлидан ҳеч нарса келмас, аммо шунга қарамай, дастлабки терговда бирон-бир қўланса ис қолдириши мумкин.

– Ҳа, албатта, – деди хизматчи гўё ўз фикрига К.нинг мулоҳазалари хилоф эмасдай. – Бироқ бизда, худди қоидадек, чораси топилмаган бирон-бир суд жараёни учрамаган.

– Очиғи, мен бир оз бошқача фикрдаман, – деди К. – Лекин фурсати келиб, бу талабангизнинг танобини тортиб қўйишга монелик қилолмайди.

– Фикрингизга жон деб қўшилган бўлардим, – деб қўйди хизматчи расмий алпозда бир неча оғиз; афтидан у ўзининг махфий истаги ижросига ишонмайдиганга ўхшарди.

– Бироқ эҳтимол, – сўзида давом этди К., – бир талай амаддорларингиз, балки уларнинг ҳаммаси шунга сазовордир.

– Тўғри, тўғри, – хизматчи маъқуллаган оҳангда гапирап экан, гўё сўз нима ҳақида бораётгани ўз-ўзидан тушунарли эди. Шунда биринчи бор у К.га ишонч кўзи билан қаради, ҳолбуки, шу пайтгача эса ўзини хушмуомала кўрсатишга уринмасин, буни уddeлолмаган эди. У сўзига қўшимча қилди: – Э, буларнинг ҳаммаси қутуриб кетган, ҳеч бири арзингизни тинглашмайди.

Афтидан, бу суҳбат унинг мажбуриятларини эсидан чиқариб, ақд-хушини олиб қўйганди, у бир зумдан кейин мавзууни ўзгартириб, деди:

– Энди девонхонага бормасам бўлмайди. Мен билан боришни истайсизми?

– Унда қиладиган ишим йўқ, – деди К.

– Девонхонани обдан қўздан кечиришингиз мумкин. Сизга ҳеч ким эътибор бермайди.

– Ўзи у ер кўз ташлашга арзийдими? – К. мужмал тарзда бир қарорга келолмасдан сўради, ўзи бўлса, боришни жуда истаб турарди.

– Нима десамикин? – ҳозиржавоблик билан деди хизматчи, – менинг ўйлашимча, сиз учун бу мароқди бўлади.

– Яхши, – деди бир қарорга келган оҳангда оҳири К. – Сиз билан борганим бўлсин. – У шоша-пипша зинапоя орқали хизматчининг одига тушди.

Девонхона эшиги олдида у йиқилиб тушишига сал қолди, остананинг шундоқ оғзида яна бир зина бор эди.

– Бу ерга келган мижозлар билан ҳеч ҳам ҳисоблашишмайди, афтидан – деди у.

– Бу ерда ит эгасини танимайди, ҳеч ким бирор билан ҳисоблашиб ўтирумайди, – деди хизматчи. – Сиз фақат қабулхонага разм солинг.

Уларнинг олдида икки тарафида қўпол эшиклари қаққайган, ҳужралари қатор узун ўйлак турарди. Ҳарқалай, кириш жойи шундоқ ёруғ қўринмаса-да, бу ер бутунлай зим-зиёга ўхшамас, шунинг учун ҳам йўлак бўйлаб чўзилган уйчалар қаторасига тўсиқлар билан ажратиб олинмаган, бироқ ёғоч панжаралар шифтгача тиркаб ташланганди; унда хирагина бўлса-да, чироқ ёниб турар, ҳатто бу ёруғда талай амалдорларни қўриш мумкин, уларнинг айримлари стол олдида ўтириб олиб, нималарнидир ёзишар, баъзи бирлари панжаралар олдида туриб, кириб чиқаётган кишиларни кузатарди. Эҳтимол, якшанба бўлгани боис ҳам бу ерга келганлар кўп эмасди. Уларнинг аксарияти ўзларини ҳаддан хокисор тутишарди. Узун ўйлакнинг икки томонида кета-кетгунча узун ёғоч ўриндиқлар бўлиб, уларда қарийб бир хил оралиқ масофа сақлаган-

ча кишилар ўтиришарди. Уларнинг бари ночор кийинган эсалар-да, кўпчиликлари суд ҳакамига ўз қадрини билиб одоб билан гапириши ва бе-жиримгина соқол қўйишлари-ю яна бошқа бир талай аранг кўзга ташланадиган белги-аломатларига қараб, жамиятнинг олий табақасидан, асл-зодалардан эканлигини яққол илғаш мумкин эди. Бу ерда ҳеч қанақа илгаклар бўлмаганидан, афтидан кимдир бу муаммони ҳал қилишда ибрат кўрсатган чоғи, келганларнинг барчаси шляпасини ўриндиқ тагига қўйиб олганди. Кирув эшигига яқин жойда ўтирган киши К. ва хизматчини кўрар экан, сал ўрнидан туриб салом-алик қилди, буни кузатиб турган навбатдаги киши ҳам зумда саломлашиш қарорига келди ва худди шундай, улар кимнингки яқинидан ўтишса, ўрниларидан салгина қўзғалиш пайида бўлишарди. Ҳеч ким бутун қадди-қоматини кўтариб, уларга тикилиб қарамади, белларини букиб, тиз чўккудек бўлиб, худди фариблардек бўйинларини қисиб туришарди. К. орқада қолиб кетган хизматчини кутиб турди-да, етиб олганида унга деди:

– Улар бу ерда қанчалик хўрланаётганини қаранг!

– Ҳа, – деди хизматчи, – буларнинг бари айбланувчилар.

– Наҳотки! – деди К. – У ҳолда буларнинг бари менинг ҳамкасларим экан-да. – Ва у баланд бўйли, хушқад, соchlари қарийб оқарган кишига юзланди-да, ундан хушмуомалалик билан сўради: – Сиз бу ерда нимани кутяпсиз?

Кутилмаган мурожаатдан бу киши ўзини йўқотиб, шундай саросимага тушиб қолдики, унга қараб бўлмасди, ҳолбуки, тагли-тугли оқсу-яклардан экани кўриниб турар, эҳтимол, бошқа

ҳар қанақа вазиятларда ўзини идора қилишни, нима дейишни обдан дүндирап, устидан кишилар ҳукмфармолик қилишга ҳеч ҳам имкон қолдирмасди. Бу ерда эса у жүн бир саволга нима деб жавоб қилишни билмай, құшнилариға мұлтираб қаради, гёё ёнидагилар унга ёрдам беришга бурчдор, уларнинг тиргагисиз ҳеч нарсанинг улдасидан чиңа олмайдигандек. Бироқ етиб келгән хизматчи бу одамни тинчлантириб, унга далда бермоқ мақсадида деди:

– Жаноб сиздан шунчаки сүраяптилар, бу ерда нимани кутиб ўтирибсиз. Унга жавоб қылсанғиз-чи!

Хизматчининг таниш овозидан у анча ўзини тутиб олгандек бўлди.

– Мен шуни кутяпманки... – у гапини бошлиди-ю, қолганига тили калимага келмади.

Афтидан, у ўз сўзини бошлаганида сўралган саволга гумонга ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ жавоб қилмоқчи эди, аммо давомига қурби етмади. Кутиб ўтирганларнинг бир қанчаси унга яқинроқ сурилиб, атрофини ўраб олишди. Лекин хизматчи бунга қўймади:

– Тарқалинг, тарқалинглар, йўлакни бўшатинглар!

Улар сал нарига кетдилар, аммо олдинги жойларига бориб ўтирмадилар. Савол берилган ҳалиги киши бўлса, фикрларини тўплаб, ҳатто сал жилмайиб деди:

– Бир ой олдин фойдамни кўзлаб, анча-мунча гувоҳлар йиққан эдим, энди шунга кўра чиқариладиган қарорни кутиб ўтирибман.

– Сизни қаранг, бу иш тинка-мадорингизни қуритганига қарамай, охирини қўймайдиганга ўхшайсиз, – деди К.

– Э, бўлмаса-чи, – жавоб қайтарди киши, – бу ахир менинг ҳаёт-мамотим.

– Ҳамма ҳам сиздақа ўйлайвермайди, – гапини давом эттириди К. – масалан, мен ҳам айбланувчиман, бироқ, жонимни асраргувчи ҳақи қасам ичаманки, ҳеч қанақа гувоҳлар йиғмоқчимасман ва умуман бунақа тарзда ҳеч бир ишга киришмоқчи эмасман. Наҳотки булар шунчалик зарур деб ҳисобласангиз?

– Мен аниқ бир нарса билмайман, – бутунлай ўзини йўқотган аҳволда жавоб беришга тутинди у; К. ўзининг устидан куляпти, деган аниқ бир фикрга келган ва шунинг учун ҳам нима деган бўлса, ҳаммасини сўзма-сўз такрорламоқчи эди, бироқ К.нинг сабрсизланиб турган нигоҳига кўзи тушди-ю, бор-йўғи бир оғиз фулдираб қўйди: – Менга нима даҳлдор бўлса, бор-йўғи шу ҳақида маълумот бердим.

– Афтидан, сиз мен ҳам айбланувчи эканимга ишонмаганга ўхшайсиз? – К. сўради.

– Сизни қарангү шак-шубҳасиз, ишониб турибман, – шундай деб у ўзини сал орқага олди, лекин гаплари ишончсиз, овозида эса қўрқув бор эди.

– Демак, сиз менга ишонмайсиз? – К. гапини яна такрорларкан, файришуурый тарзда бу кишининг иззат-нафсига тегадиган алпозда унинг қўлларини олиб, баайни зўрлаб бўлса-да, ишонтиришни истади.

У албатта бу кишига азоб беришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ, шунчаки тегишиб қўймоқчи, холос, бироқ кимса тўсатдан бақириб юборди, гўё К. унинг қўлинини икки панжаси орасига олмаган, балки нақ қиздирилган омбурни унга теккизиб олгандек эди. Бу бемаъни бақириқ К.нинг бутунлай ҳушини учириб юборди, ўзи ҳам айбланувчи-ку, демак, ишонишмаётган экан, бу жуда ҳам яхши, балки уни шу пайтда суд ҳаками деб ўйла-

ётгандирлар? К. янада тетиклашди, кишини куч билан елкасидан босиб ўриндиқقا ўтирирди-да, йўлда давом этди.

– Бу айбланувчиларнинг бари шунаقا намкаш девор, ҳамма нарсани кўнгилларига олаверади-лар, – деб қўйди хизматчи.

Уларнинг орқасидан қарийб ҳамма кутиб ўтирганлар ҳалиги кишининг теграсида ёғилиб бориши: у бақиришни бас қилган, афтидан, ҳамма ундан нима бўлгани ҳақида муфассал гапириб беришни сўраб-суриштиришарди. К.га учрашмоқ ниятида келаётган соқчини қурол-аслаҳасига қараб билса бўлар, ханжари рангиданоқ алуминийдан тайёрлангани кўриниб туар, ҳатто ҳайрон қолган К. уни қўли билан ушлаб ҳам кўрди. Кўрилганидек, соқчи шовқин-суронга дарров қулогини диккайтириб қизиққанидан, нима ғалва деб сўраб-суриштириди. Хизматчи уни дарров тинчлантириш пайида бўлди, бироқ у ҳаммасини ўзи текшириб кўриш лозимлигини уқтириди-да, қўлинни чеккасига олиб борди, сўнг қандайдир шошқин бир алпозда ўша томонга йўрғалаб кетди, афтидан, у нима учундир куйиб-пишарди.

К. унга ҳам, йўлакда ўтирган мижозларга ҳам ортиқ эътибор қилмади, худди шундай тўғри юриб, даҳлизнинг ярмини босиб ўтди ва эшикнинг ўйилган жойидан ўнгга бурилмоқ мумкинлигига қўзи тушди. Хизматчидан эса ўзи тўғри кетяптими ёки йўқ, деб суриштириди, бу ёқقا юринг, деган ишорани кўриб, К. ўша томонга ўтди. Ҳамиша хизматчидан уч-тўрт қадам олдинда юрishi қандайдир ёқимсиз, айниқса, шу бинода юз берагётганилиги гўё унинг ҳақиқатан ҳам маҳбуслигини билдириб турагётгандай эди. Шунинг учун хизматчини кутмоқчи бўлди, аммо тўхташи би-

лан у киши ҳам шу заҳоти түхтарди. Охири К. бу ёқимсиз аҳволни бас қилиш ниятида деди:

– Мана, ниҳоят мен бу ерда ҳаммаси қандай тартибда бўлса, кўрдим, энди кетаман.

– Йўқ, сиз ҳали ҳаммасини кўрмадингиз, – хизматчи унга илтифотсиз қаради.

– Э, ордона қолсин, қолганини кўришга ҳушим йўқ, – К. шундай деркан чинакамига тинка-мадори қуриганини ҳис қилди. – Кетмасам бўлмайди. Чиқиш жойи қаерда?

– Наҳотки, сиз адашиб қолсангиз? – ҳайратланаб сўради хизматчи. – Бурчаккача тўғри шундоқ юриб бориш керак, кейин ўнгга бурилсангиз яна бир йўлак чиқади, ўша бўйлаб охиригача кетилса, адогида эшик бор.

– Ўзингиз бирга юра қолинг, – деди К. – Йўлни кўрсатиб юборасиз, бўлмаса адашиб кетишм ҳеч гап эмас, ахир бу ерда қанча-қанча кириш-чиқиш жойлари келади.

– Йўқ, бу ягона чиқиш жойи, – бир қадар киноя билан деди хизматчи. – Лекин сиз билан ортга қайта олмайман, бир қанча топшириқларни бажаришим керак, шундоқ ҳам сиз билан юриб, анча вақтим кетди.

– Йўқ, қани, кетдик! – К. кескин гапириб юборди, гўё охири хизматчининг ёлфонини фош қилгандай.

– Бақирманг! – шивирлабгина деди хизматчи. – Бу ер бошидан охиригача девонхона, ахир. Агар менсиз кетишни истамас экансиз, яна бир оз олдинга қараб юрайлик, йўқ, яхшиси бир зум шу ерда кутиб туринг, мен апил-тапил топшириқларни етказиб қайтаману сўнг сизни мамнуният билан кузатар эдим.

– Йўқ, йўқ, – деди К., – ҳеч ҳам кута олмайман, сиз ҳозироқ мен билан боришингиз керак.

К. ҳали ўzlари бинонинг қаерида, қандай турганларини хаёлига келтирмасдан, бу ердаги сонсиз ёғоч эшиклардан бири очилиши билан ўша ёққа кўз ташлади. Ҳангоматалаб, қандайдир қиз, афтидан К.нинг баланд-баланд янграган овозидан чиқиб келиб, ундан сўради:

– Сизга нима керак ўзи жаноб?

Ортидаги фира-шира сал нарида келбатидан эркакка ўхшаш яна бир қора ҳам кўринарди. К. хизматчига қаради. Ахир у айтмовдими, К.га ҳеч ким эътибор қилмайди, деб; бу ерда эса ҳозирданоқ иккитаси айланиб қолиши, ҳали кўп ўтмай – ҳамма амалдорлар уни таниб қолиб, эътибор беришар, нега бу ерда юрганини тушунтириб беришни талаб қилиб, бошини қотиришлари мумкин. Тушунса ва қабул қиласа бўладиган ягона баҳона, у айбланувчи, навбатдаги тергов қайси кун белгиланганини билиш учун келган, аммо бундай изоҳ беришни истамас, устига-устак бу важ-корсони ҳақиқатга тўғри келмас, ахир бу ерга фақат ва фақат айнан қизиқиши бошлаб келди-ку, шунингдек у суд ишларининг ташқи томондан қанчалик жирканч бўлса, ботинан ҳам шундай қурилганлигини ўз кўзлари билан кўрмоқ ниятида эди, афсуски келиш сабабини бундай изоҳлаб бериш асло мумкин эмас. У нимани ўйлаган бўлса, бу ерда ҳаммасининг тасдифини кўрди, қолганини ҳам шундай идрок этишга ожиз эди, гувоҳ бўлганларидан у шунчалик хафа бўлиб кетдики, айни пайтда бирон-бир эшикдан чиқиб келиб, шап этиб пайдо бўладиган каттакон бир амалдор билан юзлашишга ҳоли қолмади, у фақат хизматчи билан бу ердан тезроқ кетишни истар, агар иложи бўлса, якка ўзи кетишга ҳам рози эди.

Бироқ оғзига қулф солингандай ўжарларча, миқ этмай туриши дарров кўзга ташланиб қолди, шунинг учун ҳам қиз билан хизматчи унга шундай бир анграйиб, ваҳима билан қарадиларки, гўё яқин лаҳзаларда унда қандайдир бир бошқача эврилиш юз берар, улар шундан доғда қолмасак эди деб хавфсираб туришарди. Эшикда анчадан буён бир киши турар, К. унга анча олдин, узоқданоқ кўзи тушганди; у эшикнинг пастки кесакисидан тутганча, худди сабрсиз томошабиндек билинар-билинмас рўмолчасини силкитиб қўярди. К.нинг галати хатти-ҳаракатига қараб, мазаси қочаётганлигини биринчи бўлиб қиз тушунди ва югуриб бориб ором курси олиб келди ва таклиф қилди.

– Эҳтимол, ўтирасиз?

К. таклифга кўнди ва гўё суянчиқ қидиргандай, ўриндик дастагига маҳкам ёпишди.

– Бир озгина бошингиз айланди чамаси, шундайми? – сўраб-суриштириди қизгина. У жиддий қиёфада меҳрибонлик билан бошини энгаштириб, унга юзини жуда яқин олиб келди, ҳа аёлларда қанақа бир ўзига хос қалбнисорлик бўлса, бу айнан ёшлик тонг отарида рўй кўрсатади.

– Ҳечқиси йўқ, ташвишланманг, – деди қиз, – бунда тобингиз қочиши одатий ҳол, кимки бу ерга биринчи марта қадам ранжида қилган бўлса, қариб ҳамма, шунақа тутқаноқни бошидан ўтказди. Сизнинг ҳам биринчи марта келишингизми дейман? Ҳа, унда бу бутунлай табиий ҳол. Қуёш том тўсинларини аёвсиз тарзда қиздиради, қизиган ёғочдан эса ҳаво оғирлашади, диққинафас бўлади. Мана шунинг учун ҳам, ҳамма жиҳозлари етарли бўлишига қарамай, девонхонанинг бу ерда жойлаштирилганлиги унчалик тўғри эмас.

Ҳавонинг бундай бузилишига эса ҳар куни лаклак мижозлар, кунда-шунда танда қўйганлар эҳҳе... – бу ерда нафас олиб бўлмай қолади. Агар яна эсга оладиган бўлсак, бу ерга қўпинчча кийим-кечак, чойшабларни қуритиш учун ҳам осишади – ахир яшовчиларга чордоқдан фойдаланишни тақиқлаб қўёлмайсиз-ку, шундай бўлгач, ана энди ўзингиз, мазангиз қочиб қолганлиги сабабини тушуниб олаверинг-да. Бироқ охир-оқибат шунаقا ифлос ҳавога ҳам ўрганаар экансан. Ҳа, яна икки-уч марта бу ерга келганингиздан кейин ҳавонинг айниганини сиз ҳам сезмай қоласиз. Сал яхши бўлиб қолдингизми?

К. ҳеч нарса деб жавоб қилмади, – у бирдан дармони қуриб, бу кишиларга тирик товоң бўлиб қолганлигидан эзилиб ўтирас, устига-устак, бунинг сабабидан воқиф бўлгач, у ўзини яхши ҳис қилмади, балки аҳволи баттар оғирлашди. Қиз буни дарҳол пайқади, деворда турган узун дастали илгакни тортиб, ишқилиб, озгина бўлса-да тоза ҳаво кирсин, деб К.нинг боши устидаги кичкина туйнукни очди. Бироқ озгина ҳаво кириши билан қиз шу заҳоти туйнукни ёпди ва қўл рўмолчasi билан К.ни елгиб турди, чунки йигитнинг ҳоли ҳароб – ўзини жуда олдириб қўйган эди. У куч-қувват йиғиб олиб сўнг кетмоқ умидида бу ерга астойдил ўтирган ва унга шунча кам эътибор бериб, хира пашша бўлишмаса, шунча тез ўзига келган бўларди. Бироқ шу пайт қиз огоҳлантирди.

– Бу ерда ўтириш мумкин эмас, қатновга ха-лақит берамиз.

Қанақа ҳаракат қатнови ҳақида гап боряпти, деб К. қизга анқовсираганча саволомуз қаради.

– Агар истасангиз сизни тиббиёт хонасига кузатиб қўйишим мумкин. Қани, менга ёрдамла-

шиб юборинг, – у эшик ёнида турган эркакка мурожаат қилди ва у киши ҳам дарров кела қолди.

Бироқ К. тиббиёт хонасига боришни умуман истамасди, ҳаммадан ҳам ўша ерда уни кўришларидан қўрқарди, эҳтимол, у ёқقا боргани сари аҳволи баттар ёмонлашар.

– Бу ёғига энди ўзим ҳам кета оламан, – деди худди оромкурсида ўтириб қолиши унга жуда ноқулайдай ва бутун танаси титраб-қақшаб, базур ўрнидан турди. Аммо ўзини тикка тутиб туролмади.

– Кўлимдан келмас экан, – у бошини сарак-сарак қилиб, чуқур хўрсинди-да, яна ўзини ўриндиқча ташлади. Унинг эсига суд хизматчиси тушди, ахир у нима бўлганда ҳам чиқиб олишига ёрдам бериши мумкин, бироқ маълум ҳол, у аллақачон бу ердан гумдон бўлганди. У қиз ва киши орасидан тушиб турган ёруғда теваракка қаради, аммо хизматчига кўзи тушмади.

– Менимча, – киши сўзга лаб очди, унинг кийим-кечаги башанг, айниқса икки тугаш жойи ҳошияли кулранг нимчаси кўзни ўйнаторди, – менимча, бу ердаги диққинафас ҳаво бу жанобнинг мазасини қочирди, шу боис энг ақдли тадбир, унинг ўзига ҳам маъқул келади, деб ўйлайман, уни тиббиёт хонасига судрагунча, девонхонадан чиқариб қўйисак, шунинг ўзи етади.

– Э, бор экансиз-ку! – К. қувончдан ҳайқириб юборди-да, ҳеч қанақа музокарага ҳожат қолдирмасдан давом этди. – Албатта шундай қилинса, дарров яхши бўлиб қоламан, ҳа, унчалик нимжон эмасман, сизларга ҳеч қанақа оғирлигим тушмайди, фақат қўлтиғимдан ушлаб, суюб борилса етади, у қадар узоқ бўлмаса керак, қани мени эшиккacha элтиб қўйинглар, у ердаги зиналарда бир оз ўтириб, нафасимни ростлаб олама-

ну тамоман ўзимга келаман, ҳайронман, қаердан юз берди, менда бунақа маза қочишлар ҳеч қачон содир бўлмаган эди. Ахир, ўзим ҳам хизматдаги кишиман, девонхона ҳавосига ўрганиб қолганман, бироқ бу ернинг ифлос ҳавосига сиз бир қаранг, бўғиб ўлдиргудек. Барака топкурлар, бошим айланиб боряпти, бирдам ҳамроҳлик қилмасангизлар бўлмайди чофи, агар бирорвнинг суюнчигисиз қолсам, ўзимни тутишга ожизман, – у андак елкаларини кўтариб, қаддини ростлади, ишқилиб, булар қўлтифи остидан ушлашлари мумкин бўлсин деб.

Бироқ эркак киши унинг илтимосига илтифот кўрсатмади ва қўлинни чўнтағидан чиқармасдан қаҳқаҳа отди.

– Мана кўрдингизми, – деди у қизга қараб, – умуман олганда бу жанобга жин ҳам урмаган, фақат ҳамма бало мана шу ерда.

Қиз ҳам жилмайди, бироқ бармоқларини отбошидек қиррадор қилиб, эркакнинг елкасига дуқ-дуқ енгилгина уриб қўйди, гўё К.дан кулишга айни шу киши туртки бергандек қилиб.

– Э, сиз бунақа ўйламанг-да, – масхара қилишини яширишга уриниб деди у киши, – ахир мен ҳам унинг бу ердан чиқиб олишига астойдил ёрдам беришни истайман-ку.

– Бу бошқа гап, – қиз шундай деб, бежирим бошчасини қимиrlатиб қўйди, – марҳамат, сиз бу кулганларимизга кўп ҳам аҳамият бераверманг, – қиз К.га қараб мурожаат қиласар экан, у яна ҳорғин ва тунд ҳолда, ўзи билан ўзи бўлиб турар, гап-сўзлар қулоғига кирмасди. – Бу жанобни сизга таништиришга рухсат беринг, – (у киши ҳам имо-ишора билан бунга розилик аломатини билдириди), – бу жаноб маълумотлар шохобчаси-

ни бошқаради. Бахтга қарши суд ишлари тартибини халқ яхши билмайди ва шу боис ҳам ҳар турли нарсани сўраб-суриштираверишади. У эса мунтазир мижозларимизга ҳамма керакли маълумотларни бера олади. У истаган саволга жавоб бериши мумкин. Агар имкони туғилса, сиз ўз кўзингиз билан бунинг гувоҳи бўласиз. Бироқ ягона устуналиги шугина эмас. Унинг яна бир аломат фазли – башанг камзули борлиги. Биз, – бу ердаги барча хизматчилар шундай қарорга аллақачон келганмизки, маълумотлар шохобчаси мудири мижозлар билан биринчи бўлиб юзлашишига тўғри келганидан, шу заҳоти илиқ таассурот уйғотиши учун аъло даражада пўрим кийинган, ўзига қараб юрган бўлиши керак. Қолганларимиз эса, менга қараб ҳам ҳукм чиқаришингиз мумкин, афсуски, жуда ёмон кийинамиз, даққионусдан қолган латта-путтани эгнимизга илиб юрамиз, очиги, ташвишларимиз бошимиздан ошиб ётганидан кийим ҳақида ўйлашга фурсатимиз ҳам бўлмайди, бутун вақтимизни шу ерда ўтказамиш, ҳатто девонхонанинг ўзида тунаб ҳам қоламиш. Бироқ, ҳали айтиб ўтганимдек, ишқилиб, маълумотлар бюроси мудири яхши кийинган бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз. Худди шундай бўлиши керакдай, бу масалада раҳбариятнинг муносабати жуда ҳам ғалати, улар билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, шунда ўзимиз мижозларимиз ила алоҳида бир йигин уюштириб, бу анжуманда фақатгина шу камзулни эмас, яна бир неча антиқа, пўрим камзуллар унга олиб берилди. Буларнинг бари, ишқилиб, у мижозларда яхши таассурот қолдирсин, деган ниятда қилинган эмасми, аммо у ўзининг ишшаявериши билан ҳаммасини бир пул қиласи, одамларни биздан қочиради.

– Түгри, – тиржайиб деди маълумотлар бюро-сининг мудири. – Фройлейн, мен фақат бир нарсага тушунмаяпман, нега вақтингизни кетказиб, ички тартибларимиз ҳақида бу жанобга гапириб ўтирибсиз, булар билан унинг нима иши бор. Наҳотки, сиз ҳозир у бутунлай ўз дардига андармон эканлигини кўрмайтган бўлсангиз?

К. қизга нисбатан бирон-бир қарши мулоҳазани синовдан ўтказишга ўзида ҳеч бир хоҳиш сезмади, қизнинг нияти аён, гапи жуда ҳам са-мимий, юракдан эканлиги билиниб турибди, ал-батта у К.ни нима биландир чалғитиш учун бу гапларни топган ёки ўзига келиб қучини йифиб олишга имконият бермоқни кўзлаган, бироқ буни уddeаломаган эди.

– Кулгингиз сабабини тушунтиришим керак эди-да, – куюнчаклик билан деди қиз. – Ахир, у бундан хафа бўлиши мумкин.

– Мен уни бу ердан чиқариб қўйсам, эҳтимол у бундан баттарроқ хафагарчиликларни ҳам ке-чирворса керак.

К. бу сафар ҳам ҳеч нима демади, ҳатто бо-шини кўтариб қарамади ҳам; иккаласи жонсиз бир матоҳ каби у ҳақида гапирганда ҳам қарши-лик билдиримаган бўлар, балки бу унга янада хуш ёқарди. Бироқ тўсатдан маълумотлар бюроси мудирининг қўли ўнгидан, қизники эса чап томо-нидан тутди.

– Қани, турақолинг, бунчалик нимжон бўлма-сангиз, – деди мудир.

– Мен сиздан жуда ҳам миннатдорман – деб қўйди К. кутилмаган мададдан қувониб, секин ўрнидан турди, бу узатилган қўллар кейин ҳам уни тутиб борадигандек уларга ўзини топширди.

– Балки бу сизга ғалати кўринган бўлиши ҳам мумкин, – йўлакка етай деганларида К.нинг қу-

лоғига шивирлаб деди қиз, – гүё маълумотлар бюроси мудирини ҳаддан ташқари кўз-кўз қилмоқчи бўлгандирман, бироқ ишонинг, деганларим чиппа-чин. Унинг қалби табиатан меҳрга тўла. Ўзингиз кўрдингиз, у сизга қанчалик ёрдам қўлини чўзди, ҳолбуки, касалманд мижозларни суяб юриш унинг хизмат вазифасига кирмайди. Эҳтимол, бизнинг барчамиз ҳам худди шундай, у даражада золим кишилар эмасдирмиз ва ҳар бир кишига астойдил ёрдам бермоқни истаймиз, бироқ суддан бўлганимиз боисми енгил-елпилик билан булар золим, баттол кишилар, ҳеч ҳам кўмак бермайдилар, деб ўйладидилар. Мен бундан чунонам изтироб чекаман.

– Шу ерда ўтиришни истайсизми? – деб суриштирди маълумотлар бюроси мудири.

Улар ниҳоят йўлакка етиб олдилар ва К. ҳали гаплашган айбланувчининг рўпарасига келиб қолгандилар. Энди бир оз хижолат бўлиш гали К.га келганди; у сал олдин бу одам олдида ўзига ишонган ҳолда турарди, энди эса, икки киши икки ёғидан суяб келган, мудир унинг шляпасини олиб, юзини елпир, тўзғиб кетган сочлари, терлаб кетган пешонасига осилиб тушганди. Бироқ айбланувчи гўё ҳеч нимани сезмагандек, маълумотлар бюроси мудири олдида ўзини ҳақириона тутиб турарди, мудир эса ҳалиги кишининг бу ерга келишини изоҳламоқчи бўлганига ҳам ҳеч қанақа эътибор қилмади.

– Биламан, – деди айбланувчи, – бугун менинг аризам бўйича бирор-бир қарорга келиш мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам келавердим. Бугун ахир якшанба куни-ку, вақтим бемалол, бу ерда ҳам ҳеч кимга халақит бермай, хаёл суриб ўтиравераман.

– Кечирим сўрашингизнинг ҳеч ҳожати йўқ, – деди мудир. – Сизнинг нозик табиатингиз ҳаммага ибрат бўлгувли. Тўғри, беҳудадан-беҳудага жойни банд қилиб ўтирибсиз, бироқ ҳозирча менга халақит бермаётган экансиз, ўтиришингизга қарши бўлолмайман, майлингиз, шахсан ўзингиз ишингиз қандай бораётганини кузатишингиз мумкин. Ўз бурчига виждонсизларча хиёнат қилаётган кишиларни кўравергач, худди сиз каби сабр қилишдан бошқа чора йўқлигига икror бўлаверасан. Ўтиринг!

– У мижозлар билан муомала қилишда жудаям устаси фаранг бўлиб кетган, – шипшиб қўйди қиз.

К. бор-йўғи бошини қимирлатиб қўйди, бироқ тўсатдан маълумотлар бюроси мудирининг овози янграганида чўчиб тушди.

– Ўтиришни истайсизми?

– Йўқ, – деди К. – Нафас ростлашимнинг ҳожати йўқ.

У имкон қадар бу гапни узил-кесил айтишга уринди, аммо ростини айтганда, ўтириб, нафасини ростлаш ўзи учун фақат фойдали бўларди. Нима учундир денгиз хасталигига йўлиққандай боши айланиб кетаётганини ҳис қилди. Гўё ўзини долгали мавжлар орасида қолиб, чайқалиб бораётган кемага менгзарди. Унинг назарида тўлқинлар ёғоч қопламага аёвсиз урап, йўлакнинг энг тўридан эшитилган гувиллаш энига пўртана бўлиб чайқалар, йўлакнинг поли икки томон садларигача бориб-келар, икки томонда ўтирган мижозлар бу гувиллашда бир кўтарилиб, бир тушарди. Шундай алгов-далговда унинг икки ё fidan тутган эркак ва қизнинг хотиржамлигини тушуниб бўлмасди. Агар улар ўз ҳолига қўйсалар, шу зумда бир боғ похол каби қулаб тушишини К.

аниқ-тиниқ тасаввур этарди. Күзларини қисиб қўйганча, тез-тез нигоҳлари алмашиниб турган бу икки кишининг бир текис одим отиш маромини К. ҳис қилиб борар, лекин бу маромга ўзи туша олмас, чунки уни қарийб кўтариб боришарди. Охири у шерикларининг ўзига мурожаат қилаётганини эшитди, аммо ҳеч вақони тушунмади. Кулогига чор атрофини эгаллаган, боши-кети йўқ гала-ғовур оқиб кирди, ундан эса бир оҳангли юксак, сиренанинг куйига ўхшаш бир суруд тараларди.

– Қаттиқроқ гапиринг, – бошини солинтирганча шивирлади, унга қичқириб мурожаат қилаётган бўлсалар-да, ҳеч нимани тушунмас, буни чуқур англаб тургани учун ҳам хижолатли эди. Ниҳоят шу ерга келганда, гўё унинг олдида ғовдек бўлиб турган девор қулади, димоғига тоза ҳаво урилди ва шундок ёнгинасидаги гап-сўзлар қулогига кирди:

– Бир қарасанг, уйига кетмоқ истайди, бошқа сафар эса, унга юз марта, мана бу чиқиш жойи, деб кўрсатсанг ҳам, қоққан қозиқдек жойидан қимирамайди.

К. эшик олдида турар, қиз уни ланг очиб юборганди. У бир зумда куч-қуввати ўзига қайтиб келганини ҳис қиларкан, озодлик шамолидан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун шу заҳоти зинапояга чиқди ва шу ердан ўзни суюб келганлар билан хайрлашмоқчи бўлиб, уларга таъзим қилди.

– Катта раҳмат, – деб қайта-қайта такрорлар экан, узатилган қўлларни беармон сиқди ва бир нарсани сезиб қолди, иккиси ҳам девонхонанинг диққинафасига ўрганиб қолишгани боис зинапоянинг очиқ жойидаги тоза ҳаво билан тўқиниб, ўзларини ёмон ҳис қилдилар. Улар

аранг жавоб қилишди, К. беихтиёр, эшикни тезлиқда ёпмаганида, эҳтимол, қиз бечора йиқилиб тушган бўларди. К. бир дақиқа тин олди, сўнгра чўнтақ ойначасига қараб тўзғиб кетган сочларини тузатди, навбатдаги ўриндиқда турган шляпасини олиб бошига қўндиради. Бу ерга мудир иргитгани аниқ, у шунчалик дадиллик билан, зиналарда сакраб-сакраб борардики, бу тез тикланишидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳар қачон чайир ва умуман олганда соғлом бўлган танаси бунақа каромат кўрсатмаганди. Аввал бундай тоби қочганини у ҳеч ҳам эслолмайди, наҳотки жисми-жони ўзгарган ҳаёт тарзига исён кўтарган бўлса? У хаёлига келган бирон-бир шифокорга мурожаат қилиш зарур деган фикрини рад этолмагач, қатъий қарорга келди: бу борада ҳеч кимга маслаҳат солишнинг ҳожати йўқ – бугун кеч бўлди, яхиси кейинги якшанба эрталабдан бунга бир жаҳд қилиб кўради.

ФРОЙЛЕЙН БЮРСТНЕРНИНГ ДУГОНАСИ

К. ўтган бир неча кун орасида фройлейн Бюрстнер билан ҳеч бўлмаса уч-тўрт оғиз гаплашиб олишнинг асти иложини тополмади. У нима қилиб бўлса-да қизга яқинлашишга интилар, бироқ фройлейн Бюрстнер эса ҳамиша қандайдир устомонлик билан ўзини чеккага оларди. Ишдан кейин у тезда уйга келар ва ҳужрасидаги ўриндиқقا ўзини ташлар, чироқни ҳам ёқмас, бошқа бир иш билан ҳам машғул бўлмас – фақат келувчилардан биронтаси йўлакка киравканми деб, назардан қочирмай ўтиради. Мабодо, бу ёққа оқсоқ ўтиб қолса, қия очиқ эшикни кўриб, хонани кимсасиз хаёл қилиб, эшигини ёпиб кетар, салдан кейин К.ўрнидан туриб эшикни очиб қўярди. Фройлейн Бюрстнер ишхонасига кетиб қолмасдан олдин, ишқилиб, қиз билан учрашиб қолай деб эрталаб ҳам одатда турадиган вақтидан бир соат олдин ўрнидан қўзгаларди. Бироқ барча уринишлари беҳуда кетди. Шундан кейин у қизга, идораси ва уйига хатлар ёзди, ўзининг хатти-ҳаракатини оқлашга уринар экан, қизга ўз айбини нимаки юмшатиш мумкин бўлса, шунга розилигини, ҳеч қачон чегарадан чиқмаслигиги ваъда берди ва фақат қиз у билан суҳбатлашишга имкон беришини ўтиниб сўради, айниқса фройлейн Бюрстнер билан кенгашиб олмасдан олдин Фрау Грубах билан ҳам ҳеч қандай би-

тимга келолмаслигини айтди. У хатлари охирида шуни ҳам маълум қилдики, келадиган якшанба кун бўйи ўз хонасидан ҳеч қаёққа чиқмай қизни кутади – учрашишга розилиги ҳақида қиз бирон-бир хабар юборса ҳам майли ёки ҳеч бўлмаганда нима учун илтимоси ерда қолаётганлиги изоҳини етказиши керак, қиз нимани талаб қиласа, нимани истаса, сўзсиз ҳаммасига бўйсунишга ваъда берди. Хат қайтмади, аммо жавоби ҳам келмади. Фақат келгуси якшанбада ҳеч қанақа шубҳага ўрин қолдирмайдиган аломатли бир воқеа содир бўлди. Саҳармардонда пайдо бўлган бир кимса қўшни эшик қулфини очиш учун беҳуда уринар, бу уқувсизлик сабаби ҳам тез орада маълум бўлиб қолди. Шу пайтгача бир ўзи эгаллаб келган фройлейн Бюрстнернинг хонасига озғин, рангпар, оқсоқ француз тили муаллимаси – нисбасига қарагандা немис бўлиши керак – Монтаг хоним кўчиб кирди. Қиз бир неча соат давомида йўлакда шип-шип этиб, у ёқдан бу ёққа ўтиб турди. Гоҳ у кўрпа-тўшагидан ниманидир олишни унуганидан зингиллаб чопар, гоҳ гилами ва китоблари учун алоҳида бориб келар, ишқилиб, ҳамма кўч-кўронини янги кўчиб ўтган жойига киритиб олсан, дерди.

Фрау Грубах бу орада унга нонуштасини олиб кирди – ораларида бўлиб ўтган кўнгилсизликлардан кейин бека энг майда-чуйда ишларни ҳам хизматчиларга топширмас, ўзи адо этарди. Охири К. ўзини ушлаб туролмади, беш кунлик гунгликтан кейин биринчи бор тилга кирди:

– Бугун тонг-саҳардан намунча ғовға? – деб сўради у ўзига қаҳва қуяр экан. – Буни бартараф қилишнинг ҳеч иложи йўқми? Саранжом-саришталашни айнан якшанба куни қилиш шартми?

К. Фрау Грубахга эътибор бериб қарамаган бўлса-да, хонимнинг баайни енгил тортгандек тин олганини сезиб қолди. Ҳатто мана шу аёвсиз сўроқни ҳам худди ярашиш деб қабул қилган ёки ҳеч бўлганда ярашмоқ сари ташланган биринчи қадам, деб ўйлади.

– Ҳеч қанақа уйни йифиштириш бўлаётгани йўқ, жаноб К., – деди хоним. – Бу нарса-қорасини ташиб олаётган фройлейн Монтагнинг иши, у фройлейн Бюрстнернинг хонасига кўчиб киряпти.

Хоним бошқа ҳеч нарса демади, сўзларини К. қандай қабул қиласар экан, гапини давом эттиришга яна рағбати бўлармикан дегандай кутиб турди. Бироқ К. синамоқчи бўлди, индамайгина, хаёлга ботиб, чой қошиқ билан қаҳвани аралаштираверди. Сўнгра эса нигоҳини ердан кўтариб, сўради:

– Энди фройлейн Бюрстнер ҳақидаги оддинги шубҳа-гумонларингизни рад этарсиз?

– Сизни қарангут, жаноб К.! – худди шу саволни кутгандек ҳовлиқиб чийиллади Фрау Грубах ва ялингансимон алпозда қўлларини К. томонга чўзди.

– Сиз шунчаки огоҳдантиришни кўнглингизга жуда ҳам қаттиқ олибсиз. Менинг фикри хаёлимда ҳеч қачон, сиз ва бошқа бироннинг дилини оғритиш нияти бўлмаган. Ахир, мени отам замондан бўён биласиз, шу боис ҳам жаноб К. ишонишингиз керак. Ҳа, сиз ҳатто тасаввур қилолмасангиз ҳам керак, мана бу ўтган кунларда қанчалик изтироб чекканимни! Наҳотки, мен ижарачиларим устидан мағзава тўкишга қодир бўлсам! Аммо сиз, сиз жаноб К. шунга ишонишингиз мумкин экан! Ҳа, яна менга сизни бу хонадондан чиқариб юборишни ҳам таклиф қилиб кўрдилар. Сизни-я! – охирги

сүзларга қўшилиб, кўз ёшлари ҳам қуйилиб чиқди, хоним юзларини қўллари билан бекитиб, бор овозда обидийда қиласарди.

– Йигламанг, Фрау Грубах, – К. шундай деб дезага қаради. У фақат бегона бир қизни ўз хонасига қўйгани учун ҳам фройлейн Бюрстнер ҳақида ўйлагани ўйлаган эди. – Э, бўлди, йигламасангиз-чи! – у хонага қайрилиб, ҳамон Фрау Грубах йигидан тўхтамаганини кўрди – Аввал ҳам сизга бирон-бир ёмон гап айтиш хаёлимга келмаганди. Биз бор-йўғи бир-биримизни тушунмадик. Бу эски дўстлар ўртасида юз бериб туради.

Фрау Грубах, ҳақиқатан ҳам К. ундан хафа бўлганми ёки йўқ, шуни билмоқчи бўлиб, кўзларидан қўлинни олиб қаради.

– Ҳа, ҳа, бу чин, ишонинг, – деди К. У Фрау Грубахнинг хатти-ҳаракатига қараб, тушундики, хонимга жияни, капитан ҳеч нарса демаган, шу боис ҳам гапига қўшимча қилмоқчи бўлди:
– Наҳотки аллақандай, ўзимиз кам биладиган ойимтиллани деб мен сиз билан сан-манга бориб ўтирсам, наҳотки шунга ишонсангиз?

– Э, балли, жаноб К., – деб юборди Фрау Грубах. Хоним ўзини бир қадар бардам ҳис қилиши билан баҳтга қарши андишасиз бир ҳолга киради: – Мен ҳам ҳайрон қолиб, ўз-ўзимдан сўрайман: Намунча жаноб К. фройлейн Бюрстнер учун ёниб-куймаса? Бу ойимтиллани деб мен билан нимага жанжаллашади? Нимага тортишади? Наҳотки шу ойимқиз боис жиқиллашиб қолганимиздан бўён кечалари мижжа қоқмай чиқишимни билмаса? Буни билатуриб, жаноб К. нега мендан хафа бўлади? Қиз ҳақида эса, ўз кўзларим билан кўрганимдан кейингина шу гапларни айтганман.

К. хонимга эътиroz билдиrmади, аммо хаёлига пансион соҳибаси шу заҳоти хонани бўшатиб қўй, деб қолса-я деган фикр ҳам келиб қолди, буни эса истамасди. У жимгина ўтириб, қаҳвасини ичаркан, бу билан энди хонасида Фрау Грубахнинг ўзи ортиқча эканлигини таъкидлаётгандек эди. Эшик ортидан яна ҳарсиллаш эшитилди: фройлейн Монтаг яна даҳлиз орқали ўтиб борарди.

– Эшитяпсизми? – К. қўlinи эшикка ишора қилиб сўради.

– Ҳа, албатта, – чуқур уф тортиб деди Фрау Грубах, – мен ҳатто ўзим унга ёрдам қилмоқчи бўлдим, кўмак бериш учун оқсоғни юбордим, у бўлса тушунарсиз бир ўжарлик билан ҳаммасини ўзим ташиб оламан, дейди. Фройлейн Бюрстнернинг ҳатти-ҳаракати ҳам мени ҳайратга солди. Фройлейн Монтагнинг менинида – шу хонада яшашига қўзим учиб тургани йўқ эди, бироқ фройлейн Бюрстнер эса унга хонасини қўшқўллаб тутди.

– Бу сизга дахл қилмаса керак, – шундай деб сўраркан, К. финжон тагида қолган қанд бўлагини қошиқча билан майдалади, – ёки сиз бу билан кўпга тушасизми?

– Йўқ, – деди Фрау Грубах, – нафсиlamрини айтганда, хона бўшаса, нур устига нур бўларди, у ерга жияним, капитанни жойлашим мумкин эди. Ҳозир меҳмонхонада тунаяпти, бу сизга ҳалақит беради, деб анчадан буён хижолатдаман. Унинг сал-пал беандишиалиги бор-да.

– Ўйлаб топган гапингизни қаранг! – К. шундай деб курсидан турди. – Сиз мени жуда инжиқ одам, деб ўйлайсиз афтидан, шу боис ҳам Монтагнинг тапур-тупури жиғибийронимни чиқаряпти, деган хаёлга бордингиз. Бу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Эшитяпсизми, у яна келяпти.

Фрау Грубах К.га мұлтираб қаради.

– Жаноб К. у күчишни тұхтаттани маъқулдир.

Агар сизга шу керак бўлса, буни унга ҳозироқ айтаман.

– Бироқ афтидан, у айнан фройлейн Бюрстнернинг хонасигагина кўчиб кириши керак? – деди К.

– Тўғри айтасиз, – деб тасдиқлади Фрау Грубах, К. гапни қаёққа бураётганига тушунмай.

– Шундай экан, – давом этди К. – демак, у нарса-қорасини ташиб олиши керак-да.

Фрау Грубах бошини билинар-билинмас қимирлатиб қўйди, холос. Бу гашни келтирувчи ожизлик ва қайсарликка қарши ҳеч бир чора кўриб бўлмаслигидан К.нинг янада аччиғи чиқарди. К. хонанинг у бошидан бу бошига, эшик билан дераза орасида бориб-келар, Фрау Грубах эса ҳозиргина кетмоқ истагида ёнганига қарамай, ҳеч ҳам чиқиб кетишни уддасидан чиқмасди.

К. яна эшикка етай деб қолганда, қўнғирофини босиб қолищди. Ичкарига кирган оқсоч жаноб К.га фройлейн Монтагнинг бир неча оғиз хос гаплари борлиги боис ошхонада кутаётганигини, К. ўша ерга бориши кераклигини илтимос қилганини айтди. К. оқсочни паришонхотирлик билан тинглади, кейин эса кулимсираб жуда қўрқиб кетган Фрау Грубахга разм солди. Бу нигоҳ К. аллақачон фройлейн Монтагдан шундай таклиф бўлишини кутганлигини, бу якшанба тонгиди Фрау Грубах ижарачиларидан етган яна бир, лекин у сабр қилиш қарорига келган азиятлардан эканлигини англашиб тураг эди. У оқсочга ҳозир боришини етказиб қўйишини айтди, ўзи эса камзулини алмаштириш учун шкафга қараб юрди ва Фрау Грубахнинг мияни чақадиган шикоятларига жавоб ўлароқ фақатгина нонушталик учун келти-

рилган идиш-товоқларни йиғишириб олишни сүради.

– Сиз ахир уларга қайрилиб ҳам қараганингиз йўқ-ку! – эътиroz билдиргандай деди Фрау Грубах.

– Уф, буларни тез кўзимдан йўқотинг-э! – бақириб берди К. Унга бу таомлар негадир фройлейн Монтакка алоқаси бордек, ҳаддан файирлиги тутган балодек кўринган эди.

Даҳлиз орқали ўтган К. фройлейн Бюрстнернинг ёпиқ эшигига кўз ташлади. Бироқ уни бу хонага эмас, ошхонага таклиф қилишган, шу боис унинг эшигини ҳатто тақиллатмасдан, силтаб очди.

Бу жуда узун ва тор, бир деразали хона эди. Унда фақат иккита шкаф сифар-сифмас турар, улар ҳам эшикка яқин бир бурчакка тақаб қўйилган, қолган асосий майдонни чўзинчоқ тушлик столи эгаллаб олганди; бу стол эшик оғзидан бошланиб, қарийб каттакон деразагача етган, шунинг учун хонада бемалол юриш жуда ҳам қийин эди. Столда ҳар хил идиш-товоқлар тирбанд, қарийб бўш жой йўқ, ҳамишагидек ҳар якшанбада яшовчиларнинг қарийб ҳаммаси шу ерда тушлик қилишарди.

К. хонага кириб келганда, столнинг у томонидаги ойна қошида турган фройлейн Монтаг унинг истиқболи сари юрди. Улар ими-жимида сўрашишиди. Кейин фройлейн Монтаг одатича атайин ясамалик билан бошини ликкиллатиб, гап бошлади:

– Билмадим, менинг кимлигим сизга маълумми ёки йўқ?

К. унга диққат билан қараб қўйди.

– Биламан десам бўлар, – деди К. – Фрау Грубахнида сиз анчадан бўён яшайсиз-ку.

– Бироқ менга сиз кўп ҳам пансион ҳаётига эътибор беравермайдигандай туюласиз, шундай масми?

- Эътиборим кам, – иқрор бўлди К.
- Эҳтимол ўтиарарсиз? – фройлейн Монтаг таклиф қилди.

Иккиси ҳам икки курсини судраб келишиб, столнинг бир бурчагига, бир-бирларига юзма-юз ўтиридилар. Бироқ зум ўтмай фройлейн Монтаг ўрнидан дик этиб турди, дераза рафида сумка-часини унугиб қолдирганди, шу боис оёқларини аранг судраб, бутун хонани босиб ўтди. У дераза олдиндан қайтиб келар экан, бармоқларида сумка-часини оҳистагина ўйнатиб, гапга тушди:

– Мен дугонамнинг топшириғига кўра, сизга бир-икки оғиз омонат гапни айтиб қўйишни истардим. Ўзи келмоқчи эди, аммо бугун тоби қочиб қолди. Шу боис уни кечиришингизни ва ўрнига мени тинглашингизни илтимос қилди. Шунга қарамай, сизга айтадигани мен етказаётганимдан ортиқча эмас. Шунақа. Ҳарқалай, мен холис киши бўлганим учун, ўйлашимча, кўпроқ нарсани айтишим мумкин. Сиз менга қўшиласизми?

– Бунга нимаям дейиш мумкин? – деб жавоб қилди К., фройлейн Монтагнинг бақрайиб туриши фашига текканди. Гёё қиз К. нима демоқчилигини олдиндан пайқагандек эди. – Афтидан, мен ундан буни астойдил илтимос қилганимга қарамай, фройлейн Бюрстнер юзма-юз турниб гаплашиб олиш баҳтидан мени бенасиб қилганга ўхшайди.

– Ҳа, тўғри, – деди фройлейн Монтаг. – Йўқ, тўғрироғи, бутунлай акси. Сиз саволни жуда ҳам қалтис қўйяпсиз. Умуман олганда, бунақа суҳбатларга розилик берилмайди, рад этиш ҳам бўлмайди. Бироқ вазият тақозосидан суҳбат умуман бехуда ҳисобланиши мумкин, мана, ҳозирги вазиятда ҳам аҳвол қарийб шундай. Ҳозирги писандангиздан кейин энди ҳамма-ҳаммасини очиқ-оидин

айтмасам бўлмайди. Сиз сўраган нарса, дугонағинам томонидан бериладиган тушунтириш ёзма бўлиши керакми ёки оғзаки, қайсини маъқул кўрасиз. Бироқ бундан қатъи назар, бу суҳбат сабаби менга ноаён бўлса-да, тахмин қилганимдек унинг ҳеч кимга фойдаси тегмаслигини дугонағоним жуда яхши билади. Қисқаси, бу ҳақида у менга кеча айтаркан, бу суҳбат сиз учун унчалик муҳим эмаслигини, хаёлингизга тўсатдан келиб қолганлигини, ўзингиз буни тушуниб олсангиз яхши бўлишини, эҳтимол, ҳозирданоқ ҳеч бир изоҳдарсиз бу ниятингиз бемаъни бир иш эканлигини фаҳмлаб етган бўлишингиз мумкинлигини жуда юракдан изоҳлади. Шунда ҳам мен унга, эҳтимол буларнинг бари тўғридир, бироқ ҳаммаси аниқ-тиник тушунарли бўлиши учун, сизга узил-кесил бир жавоб бермоғи фойдадан холи бўлмайди, деб айтдим. Менинг даъватимдан кейингина яна аллақанча иккиланишларни хаёлидан кечириб, охири дугонағоним бунга рози бўлди. Мен дугонағини ҳамда сизнинг фойдангизни кўзлаб, иш кўрарканман, бу иш бориб турган бемаънилик бўлса-да, охири нима билан тугаши номаълум эса-да ҳар қанақа жон азоби бўлишига қарамай, унга жиндеккина енгил бўлсин десангиз, ишни орқага ташламай, бир ёқقا сурасиз, деган умиддаман.

– Раҳмат-э, – деди шу жойда К. бир оғиз ва базўр ўрнидан қўзгалиб, аввал фройлейн Монтагга, кейин столга, сўнг деразага, дераза орқали, – уйлари чароғон қуёшга рўпара эди – нигоҳ ташлади ва эшик томон юрди. Фройлейн Монтаг гўё К.га унчалик ишонмаганидек, изидан таъқиб қилиб келарди. Бироқ чиқиш жойида иккаловлари ҳам йўл бўшатишга тўғри келди: эшик очилиб, капитан Ланц ичкарига кирди. К.

уни яқындан биринчи бор күриши эди. Бу қирқ ёшлардаги бүйчан эркакнинг гүштдор юзлари роса офтобда тобланганидан бўлса керак қорага чўйкаб кетганди. У К.га нисбатан сўрашиш маъносида билинар-билинмас енгилгина таъзим қилиб қўйди, кейин фройлейн Монтаг сари юриб, эҳтиром билан унинг қўлини олиб, ўпди. У жуда енгил ва абжир ҳаракат қиласа эди. Унинг фройлейн Монтагга нисбатан хушмуомаласи К.никига солиштирганда, бошқачалиги дарров сезиларди. Бироқ фройлейн Монтагнинг К.дан дили оғриганга ўхшамасди, ҳатто К. щуни билиб қолдики, хоним уни капитанга таништиришга тараддуланаарди. Бироқ унга бари бир, фройлейн Монтаг бўладими ёки капитанми, К. кимгадир ўзини таништиришларини умуман истамас, мажбуран хушмуомала бўла олмас, капитан фройлейн Монтагнинг қўлини ўпгандаёқ, унинг қўз одидан буларнинг ҳамфир эканликлари ўтди ва назарида ҳаммаси олий бир кўринишда, ҳеч бир хафагарчиликсиз ва эътиборни тортмаслик қабилида унинг фройлейн Бюрстнер билан учрашишига халақит беришдан бошқа нарса эмасди. Бироқ К. фақат буни тушуниб қолмади; назарида фройлейн Монтаг танлаган йўл чакки эмас, у сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмоқчи эмас эди. У К. билан фройлеон Бюрстнер ўртасидаги яралган муносабатнинг аҳамиятини энди янада бўрттириб кўрсатди, асосий эътиборни эса бунда К. муваффақ бўлиши керак сұхбатга қаратиб, қимматини чандон оширди, гўё иш бу томонга бурилишига ўлиб-тирилиб интилар экан, вақт етиб, бунга ҳаммадан кўпроқ К. аҳамият бериши, тинчини йўқотиши керак эди. Шу ерда хоним хатога йўл қўйганди: К. ҳеч нарсани ортиқча бўрттиришни

асло истамас, фройлейн Бюргер шунчаки бир жүн фирибгар эканлигини, ўзига ҳам узоқ пайт қаршилик қила олмаслигини у жуда яхши билар эди. К. фройлейн Бюргер ҳақида уй сохибасидан у-бу билиб олгандан кейин, бунга атайин эътиборсиз қаради. У ошхонадан таъзимларга беэътибор чиқар экан, бошида минг турли шунга ўхшаш хаёл гужон ўйнарди. У шу заҳоти ўзининг хонасига бормоқчи эди, бироқ шу пайт ортида қолган ошхона ёқдан фройлейн Монтагнинг кулгиси эшитилиб қолди, шунда унинг калласига фройлейн Монтаг билан капитанни ўзининг бу тарздаги ҳаракати ажаблантирди, деган фикр келди. У атрофга аланглади, қўшни хоналардан кимдир бунга аралашмаяптими деб қулоқ тутиб кўрди, бироқ атроф сув қўйгандек тинч, фақат ошхонадан гангур-гунгур овозлар келиб турар, йўлакдан рўзгор бошқарувига оид Фрау Грубахнинг йўл-йўриғи эшитиларди. К. га вазият хайрли кўринди ва у фройлейн Бюргер эшигига яқинлашиб, уни оҳистагина тақиллатди. Бироқ жавоб бўлмади. У яна бир бор тақиллатиб кўрди, лекин яна унга жавоб қилишмади. Наҳотки у ухлаб ётибди? Балки ҳақиқатан ҳам соғлигининг мазаси йўқдир. Ёки фақат К. шундай киши билмас – секингина тақиллатишини билганидан, атайин очмаяптими? К. қиз атайин яшириниб олган деган қарорга келди ва янада қаттиқроқ тақиллади, аммо бунга ҳам ҳеч ким сас-садо бермагач, қилган хатти-ҳаракати нафақат яхши эмаслигини, бутунлай бемаъни эканлигини ҳам тушуниб етди, эҳтиёт билан эшикни тортди. Хонада ҳеч кимса йўқ эди. Унда таниш хонани эслатадиган бирон-бир белги ҳам қолмаганди. Деворга яқин жойда иккита каравот турар, эшик олдидаги уч

оромкурси устида кийим-кечак ва қўрпа-тўшаклар уюб ташланган, шкаф эса ланг очик ётар эди. Афтидан, фройлейн Монтаг К.ни авраб турган бир пайтда, фройлейн Бюрстнер кетворган эди. Бироқ бу уни жуда ҳам хуноб қилгани йўқ, фақат фройлейн Бюрстнер билан учраша олиш бунчалик осон эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди, шунинг учун бу аламзадаликларнинг ҳаммаси фройлейн Монтагга қаратилган эди. У эшикни ёпар экан, худди ўнинг учун ҳам, ошхона эшиги олдида суҳбатлашиб турган капитан билан фройлейн Монтагга кўзи тушиб, нокулай бўлиб кетди. Эҳтимол улар К. эшикни қия очган лаҳзалардаёқ, гўё ҳеч нарсани билмагандек кўринишида, аслида кўз етадиган жойдан туриб, К.ни кузатганча, ўзаро гурунглашиб ўтираверишган. Нима бўлганда ҳам уларнинг нигоҳи остига қолиш К.ни хижолатга содди, даҳри дун кўзига қоронғи бўлиб, хонасига беркиниб олиш учун шошилди.

МИРГАЗАБ

Яқин оқшомлардан бирида К. иш бўлмасини асосий зинадан ажратиб турувчи йўлак бўйлаб келар экан, – бу сафар у хизматдан қарийб энг охирги бўлиб чиққан, – фақат девонхонанинг фира-шира чироқлари остида икки чопаргина ишлашарди, – шу пайтгача бирон-бир марта ўзи кўрмаган ва омборча бўлса керак деб ўйлаган жойнинг эшиги ортидан ҳарсиллаб нафас олишлар қулоғига чалинди. У ажабланиб тўхтади, ишқилиб, хато қилмаётганига иймони комил бўлиши учун астойдил қулоқ тутди. У ердан бир дақиқа сас-садо чиқмади, кейин яна нафас олишлар эшитилди. К. чопарлардан бирини чақирмоқчи бўлди – гувоҳ сифатида керак бўлиб қолиши мумкин эди – лекин уни шундай бир сабрсиз қизиқувчанлик эгаллаб олдики, у силтov билан эшикни ланг очди. Ҳақиқатан ҳам, тахмин қилганидек, омборча экан. Остонаданоқ эски-туски, қофоз-погоз – кераксиз нарсалар қалашган, тагида сиёҳ қуйқаси қотган сопол шишачалар афдар-тўнтар бўлиб ётарди. Бироқ мана шу жойда уч эркак шифтнинг пастқамлигидан энкайиб олганча туришар, токчадаги шам юқоридан уларни ёритиб турарди.

– Бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар? – К. ҳаяжондан базўр, тутилиб-тутилиб гапиаркан, ҳарқалай ҳаяжонини сездирмасликка тиришди.

Эркаклардан бири – кўринишидан қолганларининг сардори бўлса керак – аллақандай антиқа, ўйиглари катта-катта енгиз терни мато кийганидан қўллари ва кўкраги шундоқ ялангоч ҳолда эди. У ҳеч нима деб жавоб қилмади. Бироқ қолган иккиси бирваракайига қичқиришди:

– Аҳ, тақсиржон-эй! Ҳозир бизни роса савалашади, устимиздан терговчига шикоят қилибсан-ку!

Шундан кейингина К. буларни – соқчилар Франц ва Виллемни таниди; учинчиси эса қўлида гаврон ушлаб олганча, баайни шерикларини савалашга тараддуд кўраётгандек эди.

– Йўғ-э, – К. гудранибина шундай деркан, уларга еб қўйгудек бўлиб тикилди, – мен сизлардан умуман ёзғирганим йўқ, бор-йўғи хонадонимда бўлиб ўтган воқеани шунчаки ҳикоя қилиб бердим, холос. Қолаверса, хатти-ҳаракатларингизда ҳам ножойиз бирон-бир қусур содир бўлгани йўқ.

– Тақсир, – деб Веллем гап бошлар экан, у ҳам худди Францдек учинчи бир кишининг ортига ўтиб, пана бўлиб олиш пайида бўлаётганлиги аниқ кўзга ташланди, – агар сиз бизга қанчалик кам тўлашларини билганингизда, бизни бунчалик қаттиқ айбламаган, изза қилмаган бўлар эдингиз. Мен рўзгоримни тебратишм, Франц бўлса уйланиши керак, шунинг учун тиришиб-тирмашиб, сариқ чаقا олишимизга қарамай жонимизни жабборга бериб ётибмиз, бироқ озиб кетганимизга қарамай, бир иш билан кишининг косаси оқармайди. Сизнинг пўрим кийим-кечагингизни ўзимники қилгим келди, ҳолбуки, биз соқчиларга бу ман қилинган. Албатта, яхши иш бўлмади, лекин бу одат бўлиб қолган, ишонинг менга, ҳибсга олинганларнинг кийими аллақайси замонлардан соқчиларнинг улушки, бундай ўйлаб қаралса, бечора маҳбуслик пе-

шонасига ёзилган киши учун бу майды-чуйданинг қанақа аҳамияти бўлиши мумкин? Ҳаммасини ту-шунгандирсиз! Аммо шикоят қилинадиган бўлса, бизни жазолашади.

– Буларнинг ҳеч биридан хабарим йўқ, бундан ташқари, қанақа вазият бўлишидан қатъи на-зар, ҳеч кимдан сизларни жазолашларини талаб қилмаганман, бор-йўғи баъзи тартиб-қоидалар ҳақида гап бўлди.

– Франц, кўрдингми, – Виллем иккинчи соқчи-га мурожаат қилди, – мен сенга нима дегандим? Жаноб ҳеч ҳам бизни жазолашларини талаб қилмаган. Ўзинг эшитдинг, у ҳатто бизни жазо кута-ётганини ҳам билмас экан.

– Э, сен буларга қараб ўзингни хароб қилма, уларнинг бари шунақа сафсата сотади, – учинчи киши К.га юзланиб шундай деди: – уларни кута-ётган жазо муқаррар ва адолатли.

– Сен унга қулоқ солма, – Виллем шундай дер-кан, иши ўнгидан келмаган кишидек шошилиб, қўллари билан оғзини ёпмоқчи бўлди гаврондан еб қолгач. – Бизни фақат сенинг чақувингта қа-рабгина жазолашади. Бошқа пайтда қилган кир-дикорларимизни билган тақдирларида ҳам ҳеч қанақа дахл қилолмайдилар. Наҳотки, шу адолат деб аталса? Иккимиз ҳам, айниқса, мен анчадан буён ишлаб юрганимдан бемалол ўзим учун жа-воб бера оламан, раҳбариятнинг баҳосига кўра ҳам биз сени аъло даражада қўриқлаяпмиз, бун-га ўзинг ҳам иқрорсан. Бу хизматнинг орқаси-дан судралиб юриш жонимизга тегиб кетди ва ўйлаб қолдик: мана бунга ўхшаб, биз жазоловчи бўлиб олсак нима қиласди, сих ҳам куймасди, ка-боб ҳам, у жазоловчига ҳеч ким арз-шикоят қил-майди, умуман олганда ҳам бизда шикоятбозлик жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Тақсир,

ҳаммаси тамом, бизнинг амалимиздан ҳам нишон қолмади, энди бизни энг қора, елка яғир бўлиб кетадиган ишларга ҳайдашади, соқчи бўлиб хизмат қилган одамга бу жуда алам қиласр экан, устига-устак бу ёқда аямасдан савалашади.

– Наҳотки, мана шу гаврон шунчалик қаттиқ оғритса? – К. сўраркан, уни ушлаб, мирғазаб жазоловчи олдида силкитиб кўрди.

– Афтидан, қип-яланғоч бўлиб ечинишимизга ҳам фурсат етганга ўхшайди, – деди Виллем.

– Ҳали бунақаси ҳам бор денг, – К. шундай деб жазоловчига кўзини олайтириб қаради. Мирғазабнинг денгизчи каби офтобда қорайган, қон томай деб турган юзи соғлом ва сурбетларча эди.

– Наҳотки уларни калтаклашдан асраб қолишнинг бирон-бир иложи бўлмаса? – суриштириди К.

– Бунинг иложи йўқ-да! – бу гапни мирғазаб кулиб айтаркан, бошини инкор маъносида қимирлатиб кўйди. – Ечининглар! – соқчиларга у амр этди. Кейин К.га яна мурожаат қилди. – Уларга сен кўп ҳам ишонаверма. Бу калтаклаш даҳшатидан каллалари сал айнигтан – шу ерда у Виллемга бошини силкиб деди. – Ҳали у ўзининг мансаби ҳақида лақиллагандай бўлдими? Бунинг ҳаммаси масхабоззлик. Унинг ёғ боғлаб кетганига бир қара, бу семизликда гаврон ўтармиди, дарвоқе у нега бунчалик семириб кетган, биласанми? Барча маҳбусларнинг нонуштасини паққос туширишни ўзига одат қилиб олган. Эҳтимол, у сенинг ҳам насибангни егандир. Ҳа, айтмадимми, мен билмасам, гапирмайман! Наҳотки, шунаقا қориндор ҳолида мирғазаб бўлиши мумкин? Ҳаётда бунақаси ҳеч қачон учрамайди.

– Бу бўхтон, шунаقا жазоловчилар ҳам учраб туради, – гапга Виллем аралашди, у шими боғичларини қарийб ечиб бўлаёзган эди.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас, – мирғазаб унинг гапини кесиб, бўйни аралаш гаврон билан шунаقا солдики, кишининг юраги орқага тортиб кетар эди. – Э, аралашма, қани, тезроқ ечин!

– Мен сенга яхшигина тўлайман, фақат уларни бу жазодан озод эт, – К. шуни астойдил сўраркан, мирғазабга қарамай ҳам деди, – бунаقا ишларда кўзни юмиб, марҳаматли бўлган маъқул, – у чўн-тагидан ҳамёнини олди.

– Э, йўқ, кейин сен мени ҳам дарранинг тагида қолдирасан, йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди!

– Аҳмоқ бўлма! – деди К. – Агар иккисига ҳам жазо берилишини истаганимда, уларни сотиб олиб озод қилишга интилмаган бўлардим. Мен аслида эшикни зарб билан ёпиб, ҳеч нарсани кўрмай ва эшитмай, бу ердан хотиржам уйга кетишим мумкин эди-ку. Бахтта қарши, бунинг акси, уларни озод қилишга астойдил уринмоқчиман. Модомики, жазоловчи, деган гумонга борганимда ҳам, бу уларнинг хизматига зиён етказадиган бўлса, ҳатто номларини ҳам тилга олмаган бўлардим. Ҳа, уларни айбдор деб ҳисобламайман, балки бунинг учун бутун бир маҳкама, бутун бир тизим, мансабдор шахслар – казо-казо тўралар айбдор.

– Жуда ҳам тўгри! – бир йўла соқчиларнинг иккиси ҳам ҳайқирди, бироқ шу лаҳзадаёқ уларнинг яланғоч белларига шарт-шурт гаврон ҳам келиб тушди.

– Агар сенинг бу гавронинг остига суд ҳаками тушганида, – К. унинг қўлидан ушлаб тўхтатишга уринди, – мен ҳеч қачон бу дарралашга халақит бермаган, аксинча, сенга пул бериб, бу савобли ишнинг давом этишига ҳисса қўшган бўлардим.

– Сўзларинг тўгрига ўхшаб кетади, – деди мирғазаб, – шунга қарамай ўзимни сотиб олишларига йўл қўёлмайман. Демак, мен савалаш

учун вакил қилиб юборилғанманми, дўппослашми-дўппослаш, ўз ишимни қилишим керак.

Шунда соқчи Франц унинг калтаклашга халяқит беришидан хайрли бир натижа чиқишига умидворлик туюб, шимлардан бирини эшик яқинидан олиш учун йўналаркан, эмаклаб келганича К.нинг оёғидан маҳкам ушлади ва эшитилар-эшитилмас овозда унга илтижо қилди:

– Агар сен иккимиз учун меҳр-шафқат кўрсатишни уddeлолмаётган экансан, ҳеч бўлмаса биргина мени бу зулмдан халос қилишга уриниб кўр. Виллем пишиб кетган, парвосига келтирмайди, ахир унинг бу калтаклар тагида қолганига ҳам икки йилдан ошиб кетди, тўғри, унчалик оғритмайди, аммо номус-оримга жуда ёмон тегади. Буларнинг барига Виллем айбдор, у мени уриб-сўкиб, яхшига ҳам, ёмонга ҳам ўргатди. Пастда, банк эшиги олдида мени қайлиғим кутиб турибди, унинг олдида бу қанчалик уят, оҳ, қанчалик даҳшатли номуссизлик-а! – у юзидағи шашқатор ёшларини К.нинг камзулига артарди.

– Қани бўлинглар, мен бундай ортиқ кутиб ўтиrolмайман, – жазоловчи шундай деб икки кўлига ҳам гавронларни олиб, Францни савалай кетди, Виллем бўлса бир чеккада унутилганча, қимирашга ҳам юраги дов бермасдан зимдан кузатарди.

Бирдан Франц дод-вой кўтарди, пайдар-пай ва тўхтовсиз тараалган бу чинқириш ҳеч ҳам инсонникига ўшамас, гўё қандайдир дабдаласи чиққан чолғу асбобиникидай эди. Бутун йўлак ана шу товушларга тўлди, эҳтимол, бу вовайло бутун бинога эшитилгандир.

– Додлама! – ўзини тутолмасдан ҳайқирди К. ва важоҳат билан эшикка қаради, қаердандир ҳозир хизматчилар югуриб келишини хаёл қилиб, шунинг олдини олмоқчи бўлибми, Францни куч-

сизгина туртди, бироқ ҳаммаси худди шундай бўлиши керакдай, Франц тагидан ўрилган бир боғ беда каби полга қулади, ерда ётганча, тутқаноқ тутгандек қўллари билан ерни пайпасларди; жазоловчи бундан яхшигина фойдаланди, гаврон ерда ҳам Францни топиб, бир текисда келиб тушганча вужудини тўлғантиради. Ниҳоят йўлак адогида гумашта кўринди, унинг ортидан яна қадамлар, иккинчиси ҳам келарди. К. тезлика эшикни ёпиб, ҳовлига қараган дераза олдига яқинлашди ва уни ланг очиб юборди. Дод-войлар бутунлай тинчид қолди. Ишқилиб, хизматчилар унга жуда яқин келишларига имкон бермаслик мақсадида товушини кўтариб деди:

- Бу менман!
- Хайрли қун, жаноб прокурист! – жавоб қилишди у ёқдан. Бирон-бир кўнгилсизлик бўлгани йўқми?
- Йўқ, йўқ, – бақириб деди К. – Ҳовлида шунчаки ит вовуллади. – Бироқ чопарлар жойидан жилишмагач, у гапига қўшимча қилди. – Ишларингизга бораверсангизлар ҳам бўлади.

Ишқилиб, чопарлар билан сұхбат яна уланиб кетмасин деб деразадан бошини чиқариб турди. У бир неча дақиқа ўтказиб, қайрилиб қараганида чопарлар аллақачон кетиб бўлганди. Бироқ К. дераза олдида анчагина туриб қолди, унинг омборчага киришга юраги дов бермас, уйга кетишни ҳам истамасди. Ихчамгина, тўрт бурчак ҳовлига К. тепадан қаараркан, теваракдаги хизмат идораларининг зулмат босган деразаларига кўзи тушди, фақат энг юқоридаги ойналарда ой нури шуълаланарди. К. қўзини йириб, ҳовлининг олис бир чеккасига назар ташлади – унда аллақандай аравачалар уймалашиб ётарди. К.ни калтаклашнинг олдини ололмагани қийнар, бироқ бу муваффақиятсизликда у айбдор эмас: агарда Франц

бунақа дод-вой солмаганда, – албатта унинг ҳам жонидан ўтиб кетгандан кейин нима қилсин, бироқ ҳал қилувчи лаҳзаларда ўзини қўлга олмоқ керак – К. бутун чораларни ишга солар, ишқилиб, миргазабни бирон йўлини топиб, кўнглини эритган бўларди. Демак, барча қуий табақадаги хизматчилар шунақа ярамас, бузуқ бўлишар экан-да, демак, бу миргазаб ҳам бунақа ноинсоний юмушни ўзидан соқит қилиши мумкин эмас. Ахир қопчиғи оғзини очиб, пулларни кўрсатганда кўзлари қанчалик ўйнаб кетди, бунга К.нинг ўзи гувоҳ-ку; у калтаклашга зўр берадиган экан, бундан ҳам кўзлаган мақсади нархини ошириш бўлса керак. Турган гап, бу ерда К. ҳеч ҳам хасислик қилмоқчи эмас, у ҳақиқатан ҳам соқчиларни бу жазодан озод қилмоқни истади: агар у бу билан суд муассасасининг маънавий бузуқлигига қарши курашни бошлаган бўлса, бошқа йўли йўқ, буни ҳам табиий деб билиш керак. Бироқ Франц дод-вой кўтариши билан буларнинг бари ерпарчин бўлди. К. ахир ҳалиги гумашталар ёки бошқа бирорлар бўлсин, бу ерга югуриб келиб, омборчада мана бу қаланғи-қасангилар билан муроса-мадора қилиб ўтирганини кўришларига йўл қўйиб беролмайди-ку. К.дан бунақа қурбонликни, ақли бор ҳеч кимса талаб этолмайди. Агар шунга қарор қилганида, жўнгина, унинг ўзи бу соқчилар ўрнига ечиниб, миргазабнинг қамчилигига орқасини тутиб берган бўларди. Қолаверса, бу ўрин алмашишни ҳалиги киши қабул қилиши даргумон, чунки бу билан ҳеч нарсада ютиб чиқмас, ўз бурчини кескин бузиб, демакки, ўз бурчига икки карра хилоф иш қилган бўлар, чунки К.нинг иши терговда бўлгани боис, суд хизматчилари барчаси учун у дахласиз ҳисобланарди. Албатта, бу ерда ҳар қанақа бошқа ишларни ҳам

амалга ошириш мумкин. Хуллас, К. бошқа би-
рон нарса қила олмас, у эшикни зарб билан ёп-
ган экан, буни ҳеч ҳам момақалдироқдай босиб
келаётган хавфнинг одини олиш учун қилгани
йўқ. Афсуски у охир-оқибатда Францни туртиб
қўйди, бироқ буни ҳам ниҳоятда таъсиrlаниб
кетгани билан изоҳлаш мумкин.

Узоқдан чопарларнинг қадам товушлари эши-
тилди, улар эътиборига тушмаслик учун К. де-
разани ёпди ва ҳашаматли зинапоя сари юрди.
Омборчанинг ёнидан ўтар экан, тўхтаб, қулоқ
солди. Сув куйгандай тинч. Эҳтимол, анави безо-
ри бу соқчиларни ўласи қилиб дўппослаганидан
бўлиши мумкин – ахир бечоралар миргазабнинг
бутунлай зулми-зўравонлиги остида қолишган-
ди-да. К. эшик тутқичига қўл юборди, аммо шу
захоти қўлинни тортиб олди. Бари бир бу билан ҳеч
кимга ёрдами тегмайди, ҳозир бўлса, чопарлар
келиб қолиши мумкин. Аммо шу ерда у бу ишни
очиқ-оидин ҳал қилишга зўр бериб, бор кучини
аямаслигини ва ҳақиқий айбдорлар – ҳозирча
кўринишга журъат қилишмаган суднинг казо-ка-
зо тўраларини жазога тортилишига эришишини
дилига тугди. Банкнинг ташқари зинаси бўйлаб
тушиб борар экан, у барча йўловчиларга синчков
назар солди, ҳатто кимнидир кутаётган қиз бола
кўринмайдими, деб четларгаям қаради. Демак,
Францнинг қайлиғи ҳақидаги гапи – ундан кутиш
мумкин, очиги, кечирса ҳам бўладиган фирт ёлғон
екан-да, бироқ бундан биттагина мақсадни, яна
ҳам ортиқроқ раҳм-шафқат уйғотмоқни кўзлаган.

Эртаси куни паришонхотир К. соқчилар би-
лан бўлиб ўтган воқеани унугтолмай, йифилиб қол-
ган ишларини тўғрилаш учун ўз хонасидан чиқ-
масдан кечагига қараганда ҳам узоқроқ ишлади.
Уйига кетиш йўли устида бўлгани учун омборча

олдидан ўтаётганда, худди одат бўлиб қолган-дек, унинг эшигини ярим очди. Бироқ кутгани қоронгилик ўрнига яна гувоҳи бўлган ҳолатдан жуда ажабланди. У ерда ҳеч нарса ўзгармаган, кеча қандай кўрган бўлса, шундай ҳолда эди. Остонадаёқ ашқол-дашқоллар уймалашиб ётар, тагида сиёҳи қотган шишалар олдида миғазаб қамчиси билан тураг, сал нарида ҳалиям бутун-лай ечинган соқчилар, токчада шам ёнарди, яна уни кўрибоқ «Барака топкур», деганча соқчилар дод-вой кўтаришди. Бироқ К. шу заҳотиёқ эшикни зарб билан ёпти, яна уни мушти билан уриб ҳам қўйди, гўё бу билан эшик янада қаттиқ беки-ладигандек. У йиғлашдан берироқ бўлиб, нусха кўчирувчи машинада бамайлихотир ишлаётган чопарлар сари отилди, улардан бири ишини тўх-татиб, К.га ҳайрон бўлиб қаради.

– Қачонгача омборча шу аҳволда ётади, – бақи-риб берди К. Алалоқибат бу нопокликка ўзимиз ҳам кўимилиб кетамиз-ку.

Чопарлар у ерни эртага тозалаб, саранжом-са-ришталашга ваъда беришгач, К. розилик алома-ти ила бошини қимирлатиб қўйди, ҳозир жуда кеч бўлиб қолган, бошда ўзи жўшиб таклиф қил-гандек, уларни ишлашга мажбурлашнинг ҳеч ҳам мавриди эмасди. У озгина бўлса-да, киши-ларни шунчаки варақларкан, гўё текшираётган-дек ўзини кўрсатмоқчи бўлди, чопарлар у билан бир вақтда кетишга юраклари дов бермаслигини тушунгач, паришон ва ҳорғин бир аҳволда суд-ралиб уйига жўнади.

АМАКИ. ЛЕНИ

Иш вақти тугай деб қолган кунларнинг бирида К. почтани жўнатиш билан жуда банд эди, қўлларида қофоз билан хонасига бош суққан икки чопарни бир ёққа сурис, ўртаҳол ер эгаси Альберт амакиси ичкарига кирди. К. амакисига кўзи тушар экан, бу манзарарадан унинг ташрифини эшитиб, тасаввур қилганидек қўрқиб кетмади. Амакининг ташрифи муқаррар, у бу ҳақида бир ой олдин биларди. Шунда у чап қўлида эзғилашиб, абжаги чиқиб кетган соябонли похол шляпа ушлаганча, шошилиб кириб келган амаки кирчир ўнг қўлини унга узатиши ва бу кўришувда бехуда уринишни истамай, стол орқали йўлида неки учраса ҳеч нарсани кўнглига келтирмай, ҳаммасини ағдар-тўнтар қилишини хаёлан тасаввур этди. Амакиси ҳамиша шошилиб юради: у ўзининг пойтахтга бир кунлик ташрифи давомида мўлжаллаган ишларининг ҳаммасини ўз хаёлида ҳисоб-китоб қилиб чиқар, қолаверса, ҳамма-ҳаммасига улгурибгина қолмасдан, ишига алоқадор ёки шунчаки, ҳангоматалаблик юзасидан бўладиган бирон-бир дилтортар суҳбатни, ошначилик ва томошани ҳам бой беришни истамайди, ҳар ерда ҳозир нозир бўлиш пайдада бўлади. К. ўзининг собиқ васийи олдидаги кўпдан-кўп бурчдорлиги юзасидан елиб-югуриб амакисига қўмаклашади ва ниҳоят ҳамма ишлар пишиб, энг чўққи нуқтага етганида, уни ўзини-

кида тунаб қолишга таклиф қиласы. К. унга ўзи-ча «Қишлоқи авлиё» деб ном берган.

Ҳамишагидай ҳол-аҳвол сүрашиш учун ором-курсига ўтиришга мулозамат қылганига қарамай амаки буни хаёлига ҳам келтирмади ва ҳеч қачон күрингмаган бир фавқулоддалык билан К.дан ўзлари яккама-якка қолишларини сүради.

– Бу жуда ҳам зарур, – деди уф тортганча ҳовлиқиб амаки. – Менинг хотиржам бўлишим учун бу жуда муҳим.

К. эса айни пайтда бошини қотириб, ҳеч холи қўймаётган чопарларга аллақандай амри фармонлар бериб, уларни хонадан узоқлаштириди.

– Биласанми, Йозеф, мен нимани эшитдим?

– ёлғиз қолганларидаёқ амаки ҳовлиқиб деди, у ҳеч нарсага қарамасдан, аллақандай қофозларни тагига тортганча столга ўтириб олган, ўзига юмшоқ бўлса бўлди эди.

Давоми нима билан тугашини яхши билгани боис, К. индамади. Бироқ тезда қымаса бўлмайдиган ишларидан алаҳсиб, бир дақиқа бўшашди ва танида ёқимли бир ҳоргинлик ҳис қилди ва дे-раза орқали кўчанинг қарама-қарши тарафига кўз тикар экан, у ўзи ўтирган жойдан фақат кичкинагина учбурчак ёруғдан – икки витрина орасидаги гунг-гаранг деворларни кўра олди, холос.

– Шу ҳолингда сен яна ойнадан кўчани томоша қилиб ўтирганингга қара-я! – амаки қўлларини пахса қилиб, бақирди. – Худо ҳақи, Йозеф, жавоб бер менга. Наҳотки буларнинг бари тўғри, наҳотки буларнинг бари шундай юз берган бўлса?

– Азиз амакижон, – деди қийинчилик билан ўзига келиб К.– Ҳеч нарсани тушунмай қолдим, сен мендан нима истайсан ўзи?

– Йозеф, – амаки аразлагандай деди, – билишимишча, шу пайтгача фақат тўғри гапни сўзлаб

келгансан. Наҳотки охирги гапинг вазият ёмон-лигининг аломати бўлса?

– Ҳа, сен нима ҳақида билмоқчи бўлаётганингни энди тушуниб етдим, – итоаткорларча мингирлади К. – Афтидан, устимдан қўзғатилган иш ҳақида эшитган кўринасан.

– Худди шундай, – бошини секин қимирлатиб, жавоб қила қолди амаки, – мен судланаётганингни эшитиб келдим.

– Кимдан? – суриштириди К.

– Менга бу ҳақида Эрна ёзиб юборибди, – деди амаки, – у сени анчадан буён кўролмабди, афсуски, у ҳақида кам қайғурасан, ҳолбуки қизгина сенга бефарқ эмас, ҳаммасини сўраб-суриштириб билиб олган. Бугун ундан хат олдиму аҳволнинг жиддийлигини фаҳмлаб, бу ёқقا учиб келавердим. Бу келишимнинг бирдан-бир сабаби, дарҳақиқат жиддий, асосли сабаб. Хатнинг сенга дахлдор жойларини ўқиб беришим мумкин.

– У ҳамёнидан хатни юлқиб олди. – Мана, қара: «Йозефни мен аллақачондан буён кўра олмадим, ўтган ҳафта банкка борсам, иш билан шунчалик банд эканки, мени олдига киритишмади. Қарийб бир соатлар кутиб ўтириб, кейин уйга қайтишимга тўғри келди – мусиқадан машғулотим бор эди. У билан мириқиб суҳбатлашмоқчи эдим, эҳтимол бу бошқа сафар амалга ошиб қолар. Унинг меҳрибон ва эътиборлилигини айтмайсизми, туғилган кунимда каттакон бир қутида шоколадли қанд-қурс юборибди. Ўшанда сизга буни ёзиб юборишни унутган эканман, мана энди у ҳақида ўйлаб туриб, эсимга тушиб қолди. Афсуски, пансионимизда уни бир зумда гумдон қилишади, ҳатто сенга бир жаҳон шоколад совға қилишганига қараб, севинишга ҳам улгуролмайсан, бир қараганингча йўқ, паққос тушириш-

ган бўлишади. Аксига олиб, мен сизга ҳеч кечик-тирмасдан Йозеф бошига тушиб турган яна бир ташвиш ҳақида ҳам билдиришим керак. Банкка борганимда, қандайдир жаноб билан банд бўлгани учун олдига киритишмади. Аввалига мен сабр-тоқат билан кутдим, сўнгра чопардан анави киши Йозефнинг олдида узоқ ўтирадими, деб суриштирудим. Чопар менга узоқ ўтиришса керак, чунки сұхбат, афтидан, катта прокурист устидан олиб борилаётган тергов ҳақида бораётган бўлиши керак, деб жавоб қилди. Мен ҳовлиқиб, бу тергов деганингиз яна нимаси, сиз хато қилмаяпсизми, деб ҳоли-жонига қўймай сўраб-суриштирудим, бироқ у ҳеч қанақа хато қилмаётганини, тергов бўлаётганини жиддий туриб айтди ва бундан бошқа ҳеч нарса унга маълум эмаслигини билдириди. Унинг ўзи Йозефга жони-дили билан ёрдам қўлини чўзишни истар, аммо қандай кўмак беришини билмаскан, чунки жаноб прокурист ҳамиятли, адолатли одам, нуфузли кишиларнинг аралашуви боис иш яхшилик билан тугаса ажаб эмас, буни унга астойдил тилайман. Эҳтимол, ҳаммаси худди шундай яхшилик билан тугар, бироқ ҳозирча жаноб прокуристнинг кайфиятига кўра ишнинг кетиши яхшига ўхшамайди, деб хавотирини ҳам изҳор қилди чопар. Албатта, мен бу сұхбатга аҳамият бермадим, лақма чопарни тинчлантиришга уриндим, бошқаларга оғзидан гуллаб юришини бас қилишни тайинладим ва умуман ўзим ҳам унинг гаплари қуп-қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайман. Шунга қарамай, отажон, сен бу ёқقا кейинги сафар келишингда, ишнинг миридан-сиригача билиб олсанг зарар қилмасди, бу сенга чўт эмас, мабодо у жиддийроқ бўлса, тоши оғир ошна-оғайниларингни ишга солиб, тўғрилашинг мумкин бўларди. Бунга ҳожат

бўлмаганда ҳам, яна бир қувончли томони, сени жонидан ортиқ кўрувчи қизинг кутилгандан олдинроқ дийдорингга етиб, баҳтдан масур бўлишига имкон яратган бўласан. У бундан ўзида йўқ хурсанд бўлади». Ажойиб қиз-да! Хатни ўқиб бўлиб шундай деркан, амаки намланган кўзларини ҳам артиб олди.

К. бошини қимирлатиб, ҳаммасига иқрор бўлди: кейинги вақтда бошига тушган мана бу савдолар боис, у Эрна ҳақида бутунлай унугиди, ҳатто туғилган куни ҳам тамоман хотирасидан кўтарилиб кетибди: шоколад борасидаги гап К.ни амакиси ва холаси олдида оқлаш учун қиз томонидан ўйлаб топилган эди. Бундан унинг кўнгли жуда эриб кетди. У ўзича қиз театрга тушиб туриши учун патта юбориб туришни дилига тугди, бироқ, бу камлигини тушунар, аммо пансионатга бориб, 18 ёшли бу жимитдайгина толиба қиз билан дийдорлашиб туришни тасаввурига сифдира олмас эди.

– Қани, энди менга нимани айтиб бермоқчисан? – сўрашга тушди амаки. Хатни ўқигандан кейин у ҳаяжонланиш ва ҳовлиқишини бас қилиб, гўё номани яна бир бор ўқишга тараддуд кўраётгандай эди.

– Ҳа, амаки, булар бор гап, – деди. К., – эшитганингиз тўғри.

– Ҳаммаси ҳақиқатми? – бақириб юборди амаки. – Қанақасига ҳақиқат бўлади? Қанақа иш бу ўзи? Жиноий иш бўлмасин тағин?

– Ҳа, жиноий иш, – тасдиқлади К.

– У ёқда устингдан жиноий иш қўзгатилиб, хавф-хатар устингга бало-қазодай бостириб келаетган бўлса-ю, сен бу ерда бамайлихотир қўл қовуштириб ўтираверсанг! – янада баттарроқ чинқириб, айюҳаннос солди амаки.

– Мен қанчалик вазмин бўлсам, ҳовлиқмасам, буларнинг оқибати шунчалик яхшилик билан туғайди, – К. ҳорғин алпозда деди. – Ҳа, сен бундан кўпам кўрқаверма!

– Йўқ, йўқ, сен асло мени тинчлантиришга уринма! – бақира кетди амаки. – Ў, Йозеф, кўзингни оч, жигарим, яхшиси, ўзинг ҳақингда жиддийроқ ўйла, яқинларинг, қавми-қариндошларинг, бизнинг гард юқмаган пок номимизнинг қайғусини қил. Сен ҳамиша фахру ифтихоримиз бўлиб келгансан ва ҳеч қачон бизни шарманда-ю, шармисор қилмаслигинг керак. Ҳолбуки, ўзингни бунаقا тутишинг менга сира ҳам ёқмаяпти, – у бошини бир ёнга буриб, кўзларини чақчайтириб, К.га қаради. – Ақди-хуши жойида, айбизз киши ўзига бунаقا муносабатда бўлмайди. Қани, тез бўл, нима гап ўзи, бошидан-охиригача, битта қолдирмай айтиб бер-чи, шундагина мен сенга ёрдам қила олишим мумкин. Бирон чорасини топармиз, ахир. Нима бало, нафсинг ҳакалак отиб, банкда бўладиган фаламисликларга қўшилиб қолдингми?

– Э, йўқ, қўйсанг-чи, – К. шундай деб ўрнидан турди. – Қадрли амакижон, сен намунча бақириб-чақирмасанг ахир, эшик ортидан буни чопар ҳам эшитаётган бўлиши мумкин. Бу мен учун жуда ҳам кўнгилсиз. Яхшиси, бу ердан чиқиб кетамиз. Албатта, қўлимдан келганча, барча саволларингга жавоб беришга ҳаракат қиласман. Хонадонимиз шаъни нима эканлигини яхши биламан, ахир.

– Э, балли, бор экансан-ку! – шодланиб ҳай-қирди амаки. – Гапларинг жуда ҳам тўғри. Қани, тез бўл, Йозеф, отни қамчилайлик!

– Бироқ мен олдин анча-мунча ишларни буюриб кетишими керак, – деди-да, шу жойда К. телефон орқали ўзининг ўринбосарини чақирди ва

бир неча дақиқа ўтар-ўтмас чорланган киши хонага кириб келди.

Амаки унга ҳовлиқиб, мен эмас у сени чақирди, дегандай К.га ишора қилди. Ҳолбуки, бу ўз-ўзидан тушунарли эди. Ёзув столи олдида туриб, К. йигитчага ҳар хил қофозларни кўрсатиб, паст овозда, бугун у йўқлигида бажариши лозим ишларни уқтирар, йигитча К.ни совуққонлик билан, аммо дикқат-эътибор-ла эшитар эди. Амаки эса уларни тингламагани ҳолда кўзларини чақчайтириб, лабларини тишлаб, ҳар бир хатти-ҳаракати билан ишнинг белига тепиб турарди. Кейин у бутун хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлиди, гоҳ дераза олдида, гоҳ суратлар олдида тўхтарди-да, гоҳ «Йўқ, бу менга бутунлай тушунарсиз!» гоҳ «Э, барака топкур, бу ёғи энди нима бўлади?», каби ишга даҳли йўқ хитоблар қилиб қоларди. Йигитча ҳеч нарсага эътибор бермаган тусда ўтириб, К.нинг ҳамма буюрганларини охиригача хотиржам тинглади, қайси бирларини ёзиб ҳам олди, сўнг К. ва амакига таъзим қилиб хонадан чиқаркан, уларнинг орқасида туриб олган амаки, дераза оша қайларгадир қараганча, беихтиёр пардани жазава билан фижимларди.

Эшик ёпилишига ҳам сабр қилмай, амаки ҳайқириб юборди:

– Хайрият-э, бу масхараబознинг ҳам қораси ўчди. Энди биз ҳам кетсак бўлади. Хайрият-э!

Афсуски, амакининг шаштини ҳеч қанақа куч билан тўхтатиб бўлмас эди. Ҳали улар бинодан чиқиб кетмасданоқ, банкнинг амалдору хизматчилари ўтиб турганида, ҳатто директор мувонига дуч келиб қолгланларида ҳам, у умуман парвосиз ўз саволларини ёғдириб борар эди.

– Менга қара, Йозеф, – дерди амаки теграларида гиларнинг салом-алигига енгилгина бир

таъзим билан жавоб қила туриб. – Менга очиғини айт, нега устингдан жиноий иш қўзғатилади, бунинг сабаби нима?

К. ҳеч нарсани англатмайдиган иборалар билан унинг оғзини ёпмоқчи бўлди, ҳатто кулибгина қутулмоққа уринди, зиналардан тушаётганда, охири бўлмади, кишилар олдида ҳеч нима айтмаслигини очиқ маълум қилди.

– Тўғри қиласан! – деди амаки. – Қани энди ҳаммасини бир бошдан гапириб бер!

Тамакини ютоқиб тортган амаки бошини солинтириб, тинглашга шайдек эди.

– Амакижон, ҳаммасидан олдин шуни билгинки, – деди К., – бу жараён одатдаги суддан фарқ қиласди, – уни шунчаки бир ёққа суриш амри маҳол.

– Бу яхшилик аломати эмас! – деб қўйди амаки.

– Нега ундей дейсан? – К. амакига тикилганча буни суриштириди.

– Сенга айтаяпман-ку, бу яхшилик аломати эмас деб, – амаки луқмасини яна қайтарди. Улар кўчага чиқадиган энли зинапояда туришар, худди шу ерда ҳар нарсага кўз-қулоқ дарбон бўларди, К. амакини пастга бошлади ва гужгон ўйнаттган оломонга қўшилиб кетишиди. Амаки ҳам К.нинг қўлидан тутганча, суд ҳақидаги жонга тегар сўраб-сўриштиришларни бас қилди, йўлак бўйлаб жимгина юриб кетдилар.

– Аммо бу қандай содир бўлди? – амаки яна қўққисдан жойида тўхтаб, сўраб қолди, шунда ортидан келаётган кишилар чўчиб тушиб, шивир-шивир қилишиди. – Бунақа ишлар бирдан бўлмайди, зимдан тараддуд кўрилади. Қанақадир аввалдан белгилари, огоҳлантиришлари, қалтис тегиниб кўришлари бўлгандир, нимага булар ҳақида менга бирон оғиз ҳам ёзмагансан? Ахир устингда ўлиб қолишими яхши биласан-ку, мен

ҳозир ҳам қайсиdir маънода ўзимни валинеъматинг ҳисоблайман ва бундан фақат фахрланиб келаман. Албатта, ҳозир ҳам сенга ёрдам қўлини чўзишим мумкин, фақат бу ишнинг аллақачон қўзғаб қўйилганлиги чатоқ бўлибди, буни бости-бости қилиш қийин бўлар-ов. Ҳар нима бўлганда ҳам ҳозир, энг яхшиси, қисқа бир муддатга таътилга чиқсангу бирга қишлоққа қайтсак айни муддао бўларди. Жуда озиб-тўзиб кетибсан-ку, менга эндиғина билинди. Қишлоқда сал ўзингга келиб олардинг, бу сенинг учун жуда фойдали, афтидан, шубҳасиз, ҳали олдингда бирталай алламбало муаммолар кутиб турган бўлиши керак. Энг асосийси, суднинг бош оғритар ғалваларидан сал йироқ бўлардинг. Бу ерда эса улар ҳар қанақа ножӯя тадбир-тартибларни жорий қилишиб, ҳоли жонингга қўйишмайди, қишлоқда бўлса, аввалига бирон-бир вакил орқали ёки сенга хат битиб, телеграмма юборишлари, телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин. Бу, албатта, тинкани қуритадиган диққатбозликни сал бўлса-да кесади, бутунлай улардан халос бўлолмасанг-да, бир қадар, нафас ростлашингта имкон беради.

– Бироқ менга бирор ёққа кетишни тақиқлаб қўйишлари мумкин, – деди К. амакининг фикр йўсини таъсирида.

– Улар шу даражага етмаслар, деб ўйлайман, – паришонхотирлик билан деди амаки, – ҳатто бу ердан кетган тақдирингда ҳам бари бир устингдан ўрнатган ҳукмронликларидан четла нишинг қийин.

– Менимча, – К. амаки бир жойда тўхтаб туравермасин деб, уни қўлтиқлаб олди, – бу ишнинг сира ташвишини қилмаслигинг керак, сен эса, ўзингга бир қара, буларнинг баридан жуда сиқилган кўринасан.

– Йозеф! – амаки бақириб, унинг қўлидан юлқиниб чиқишига ва шу ерда қоққан қозиқдек турмоққа уринди, бироқ К. унинг қўлини бўшатмади. – Сен умуман бошқа одам бўлиб қолисан, сенда ҳамиша бамаъни мулоҳазалар бўларди. Наҳотки, сени бу жараён шунчалик ўзгаририб юборган бўлса? Судда бой беришни истайсанми? Бунинг нима эканлигини тушуняпсанми? Юмшоқ қилиб айтганда, бу ўз ҳаётинг устидан ўзинг қора чизиқ тортганинг бўлади. Бу билан бутун қавму қариндошинг юзига оёқ қўйган бўласан, улар касрингга қолади, номусдан ўлади, ундан бўлмагандан ҳам ўзингни гўнгга қориб ташлайсан, адо қиласан. Йозеф, ўзингни қўлга ол. Лоқайдлигинг мени ақддан оздирай деяпти. Сенга қарайман-у мана бу мақол бекорга айтилмаганига яна бир бор амин бўламан: «Вақтинг кетди – бахтинг кетди!»

– Қадрли амакижон, – деб гап бошлади К., – бунақа ҳовлиқиши сен учун ҳам, қолаверса, мен учун ҳам бемаънилиқдан бошқа нарса эмас. Ҳовлиқиши билан устимдан қўзгатилган ишда ютиб чиқиб бўлмайди, озгина бўлса-да, менинг ҳам тажрибамга ишон, бирпас гапимга қулоқ сол, худди мен ҳамиша маслаҳатларингга қулоқ тутиб келганимдек, ҳатто ҳозир ҳам сенга сомеъ бўлиб турибману, гапларингни эшитиб ҳайрон қолаяпман. Гапларингга қараганда, оиласизнинг барчаси бу жараёнга тортилармиш. Очиги, бундан ҳеч нимани англамадим, бу умуман бўлиши мумкин бўлмаган нарса, мабодо шундай бўлиб чиқса, ҳаммаси учун сени айبلاغан бўлардим. Аммо қишлоққа жўнаб қолиш ҳақидаги таклифинг ҳам менимча мақсадга мувоғиқ эмас, бу ўзининг айбордигига икror бўлиб, қочиб қолишга ўхшаб қолади. Қолаверса, бу ерда текшир-текшир билан ҳоли-жонимга қўйишма-

са-да, фақат шу ерда туриб, ишнинг бирон-бир чорасини топишим мумкин.

– Тўғри, – бу сўзни амаки шундай бир оҳангда айтдики, гўё улар охир-оқибат бир-бирларини тушунгандек эдилар. – Мен бу таклифни бу ерда қоладиган бўлсанг шу лоқайдигинг билан, ҳамма ишни пачавасини чиқарасан деб айтгандим. Ҳарқалай, биргаликда иш олиб борсак, сен учун фойдалариқ бўлади, деб ҳисоблайман. Бироқ бу ишни бутун кучинг билан бартараф қилишга ҳаракат қилаётган экансан, охири натижасиз бўлмаса керак.

– Демак, келишдик, – деб қўйди К. – Агар сенда таклиф бўлса, айт-чи, бундан кейин ишнинг ижобати учун нима қиласа бўлади?

– Аввал ҳаммасини яхшилаб ўйлаб олиш керак, – деди амаки. – Сен бир нарсани унутма, мен қарийб йигирма йилдан буён ҳеч қаёққа чиқмасдан қишлоқда яшайман, шунинг учун бу ишнинг фаҳмига борадиган кишилар билан алоқам узилган. Қолаверса, вақт ўтиб, бу борада сезгирилгим ҳам ўтмаслашган бўлиши турган гап, ўзинг тушунарсан, қишлоқда шунаقا гумроҳ бўлиб қоларкан киши. Гапнинг пўскалласи, бунаقا савдолар бошинингга тушгандагина билинади. Умуман, буларнинг бари мен учун ҳеч кутилмаган воқеа, ҳолбуки, Эрнадан хат олганимдаёқ, қанчалик ғалати бўлмасин, анча-мунча нарсаларни ўзимча гумон қилгандим, бугун сени кўрдим-у, менга ҳаммаси аён бўлди. Бироқ ҳозир бу муҳим эмас, асосийси вақтни бой бермаслик керак.

Шуларни айтар экан, у оёқ учида қўтарилиб, қўлларини силкита-силкита такси чақирди; дўриллаб манзилни ҳайдовчига тушунтирди-да, ўзи билан бирга К.ни ҳам машинага тортди.

– Оқловчи Гульднинг олдига борамиз, – деди амаки. – У менинг мактабдош дўстим бўлади. Ал-

батта, бу ном сенга таниш бўлиши керак? Йўқ-ми? Наҳотки? У ахир қашшоқдарнинг адвокати ва ҳимоячиси сифатида довруқ қозонган-ку. Холис бир инсон сифатида унга ихлосим баланд.

– Сен нимани лозим кўрсанг, ҳаммасига розиман, – деди К., бироқ ўжар ва ҳовлиқмалиги билан амаки ҳозирнинг ўзидаёқ унга бир талай кўнгилсизликлар олиб келганидан дили фашланди. Фақирлар адвокати олдига айбдорлардек елка қисиб бораётгани ҳам ориятини келтирас эди. – Бу ишда адвокатларни ҳам жалб қиласа бўларкан-да, – гудраниб деди у. – Мен эса билмасдим.

– Бўлмаса-чи! – жўшиб кетди амаки, – бу ўз-ўзидан тушунарли-ку. Нега уларни жалб қилмаслик керак экан? Қани, энди бошингга тушган савдоларнинг ҳаммасини гапириб бер, устингдан қўзғатилган жиноий иш жараёни ҳақида ипидан-игнасигача билишим керак.

К. шу жойда ҳаммасини, ҳеч бир нарсани қолдирмасдан ҳикоя қиласкан, бу ошкоралик унинг устидан олиб борилаётган суд катта шармандалик, деб ишонган амакининг ўй-фикрларига ягона норозилик, ҳақди эътиroz бўлади, деб ўйларди. Бошига тушган қўргилик ҳақида гапирганда, у фройлейн Бюрстнер иштирокини фақатгина бир бор юзакигина эслаб ўтди, шунга қарамай, айтганлари ҳақиқатга хилоф эмас, ахир фройлейн Бюрстнернинг бу ишда аҳамиятга молик бирон-бир томони йўқ эди-да. Ҳикоя қилатуриб, К. такси ойнасидан ташқарига қараб борар экан, айни паллада суд девонхонаси олдидан ўтаётганларига кўзи тушди. У амакисига бинони кўрсатмоқчи бўлди, бироқ вазиятни ҳисобга олганда, бунинг кераклигига алоҳида бир асос тополмади. Такси зим-зиё бир уй олдида тўхтади. Амаки шу заҳоти пастки қаватдаги бирин-

чи эшикнинг қўнғироғини босди ва жавоб қутиб туришар экан, катта-катта тишларини кўрсатиб тиржайиб шипшиди:

– Кечки соат саккизда адвокат қабулига келишининг мавриди эмас, албатта. Аммо Гульд биздан хафа бўлмайди.

Эшик кўзчасидан иккита тим қора, катта-катта кўз келганларга қаради-ю, яна фойиб бўлди; эшик эса очилмасдан қолаверди. К. ва амаки бир-бирлари билан кўз уриштириб, бу кўзларни кўрганликларини билдиришиди.

– Янги оқсоч бегоналардан қўрқади чофи, – амаки яна бир бор эшик қўнғироғини босди.

Яна ўша шаҳло кўзлар пайдо бўлди, ҳозир улар маҳзун кўринарди, аммо бир қараашда алданиб қолиш мумкин, газ чироқ шуъласи ҳам баланд овоз чиқариб вишиллагани билан нури жуда хира бўлади.

– Очсангиз-чи, – амаки бақириб, эшикни мушти билан урди. – Биз жаноб адвокатнинг дўстлари бўламиз!

– Жаноб адвокатнинг мазалари йўқ, – деди кимдир орқадан минғирлаб.

Торгина йўлакнинг нариги бошидаги эшик оғизда, уй халатида турган аллақандай жаноб бу гапни ҳаддан ташқари бегам бир оҳангда айтганди.

Амаки роса кутиб қолганликларидан дарғазаб эди. Шу заҳоти шахдам қадамлар билан ўша жанобга юзланди-да, ўшқирди:

– Касалми? Сиз уни касал дедингизми? – деб кимсага таҳдид билан яқинлашаркан, гўё бу кимсанинг ўзи унга бало-қазонинг тимсолидай эди.

– Сизга эшик очилди-ку, – киши шундай деб, адвокатнинг эшигига имо қилди-да, ерда судралган халатини йиғишириб олиб, қайтадир фойиб бўлди. Эшик ҳақиқатан ҳам очиқ, даҳлизда қўли-

да шам ушлаганча узун оқ пешбанд тақиб олган, дуркунгина қиз туарди – К. унинг нақ олов, тим қора кўзларидан дарров таниди.

– Кейинги сафар ҳайиқмасдан очаверинг! – деган амакига қиз енгилгина таъзим қилиб, саломлашди. – Кетдик, Йозеф, – у эса қизнинг олдидан қимтинибгина ўтаётган К.га мурожаат қилди.

– Жаноб адвокат хаста ётибдилар, – деди қиз, бироқ амаки тўхтамади, у иккинчи эшикка қараб шошиларди. Қиз кириш эшигини маҳкамлаш учун бурилганда К. унга суқданиб қаради. Бу дўндиқча гўё қўғирчоқ, унинг фақат оппоқ юзлари дўмбоқ бўлиб қолмасдан, дудоқлари-ю лабининг чеккаларигача бежирим эди.

– Йозеф! – баланд овозда чақирди амаки ва қиздан сўради. – Яна юраги чатоқ бўляптими?

– Ҳа, эски касаллари, – деркан, қиз уларга етиб олиб, қўлида шам билан бошлаб кетди, мана, ниҳоят эшикни ҳам очиб берди.

Хонанинг тўрида, ҳали шам ёруғи етмаган бир жойда ёстиқдан узун соқолли бир бош кўтарилиди.

– Лени, ким бу келган? – деб суриштириди адвокат. Бу кўройдинда у меҳмонларни кўриши душвор эди.

– Эски қадрдонинг Альбертман.

– Э, Альберт, ўзингмисан? – адвокат қайта сўраркан, бу меҳмонлар олдида, ўзини бирон-бир кўйга солишга ҳожат йўқдай ёстиқчага ўзини ташлади.

– Наҳотки, аҳволинг шунчалик ёмон бўлса? – амаки ҳол-аҳволини сўраб, адвокатнинг тўшаги чеккасига ўтирди. – Ҳеч ҳам ишонгим келмайди. Эҳтимол, бу сенда олдин ҳам содир бўлиб турган юрак хуружининг қайталашидир, одатдагидек, тезда ўтиб кетар.

– Балки шундайдир, – адвокат паст овозда жавоб қилди. – Бироқ ҳеч қачон бу даражада

аҳволим ёмонлашмаган эди. Нафасим қисади, кеча-кундуз уйқу йўқ, кун ўтган сари тинка-мадорим қуриб боряпти.

– Буни қара, – амаки шундай деб пахса қўллари билан тиззасидаги шляпасини қаттиқ фижимлади, – бехосият янгилик-ку бу! Ўзи парваришинг яхшими? Бу ер намунча гариф, намунча зимистон бўлмаса, жаҳаннамнинг ўзи-ку. Тўғри, сеникига анча замондан буён келганим йўқ, лекин авваллари ҳаммаси жойида, кунинг хушвақт ўтаётгандай туюларди. Бу ойимтилланг ҳам соvuқроқ экан. Ёки у муғомбирроқми дейман!

Қиз қўлида шам билан ҳамон эшик ёнида турарди, унинг ўйноқлаган нигоҳлари ҳозир амакидан ҳам кўра К.ни ишонга олган, ҳатто гап ўзи ҳақида бораётганде ҳам бир туки ўзгармасдан, йигитга еб қўярдай қараб турарди. К. курсининг орқасидан тирсаги билан итариб, уни қизнинг яқинига сурниб қўйди.

– Мен каби хаста бир одам учун ҳаммасидан кўра муҳими тинчлик, – деди адвокат. – Бу ер менга ҳеч ҳам гариф қўринмайди. – У бир оз сукут сақлаб туриб, гапига қўшимча қилди. – Ленининг ҳам мен учун жони ҳалак, барака топсин. У менга яхши қарайди.

Бироқ амаки бу гапларга ишонмади, шу боис ҳам беморнинг мулоҳазаларига бирон-бир эътиroz билдирмаган бўлса-да, ҳамширага нисбатан олатоп кайфияти ўзгармади, қиз каравотнинг яқинига келиб, тунги столча устига шамни қўйиб, беморнинг устига энгашганча, ёстиқчалирини тўғрилаётуб, қулогига нимадир деб шивирлаганда ҳам қаҳрли бир нигоҳ ила уни таъқиб этди. Хаста одамни эҳтиётлаш кераклиги ҳам унтуилди, амаки курсидан қўзғалиб, ҳамширанинг орқасида бўзрайганча хонанинг у бошидан

бу бошига бориб келишга тушди, у ҳозир Ленининг этагига чанг солиб, қизни каравотдан отиб юборганида ҳам К. асло ажабланмаган бўларди. К. ҳаммасига бепарво қараб ўтирар, ҳатто адвокатнинг касал бўлиб чиқиши ҳам жўяли кўринар, бошқача бўлганда, у ҳеч ҳам амакининг бу саъй-ҳаракатига тоқат қиломасди, аллақандай кишининг ишини ўз йўриғига олиши ҳам уни ажаблантирган бўларди, – ҳозир эса амакининг бу алаҳсигани ва алоҳида жаҳди-жадаллиги билан иши йўқ, чунки у К.га жуда қўл келиб турарди.

Бироқ шу ерда амаки ҳамширага ёмонлик соғингандай деди:

– Ў, ойимқиз, бир зумга бизни холи қолдирсангиз, дўстим билан жуда муҳим бир-иккита шахсий ишларимизни гаплашиб олишимиз керак.

Ҳамшира худди девор ёқдаги чойшабларни тўғриламоқчи бўлгандек беморнинг устига эгилди, кейин амакининг важоҳатига қаршилик ўла-роқ вазмин оҳангда деди:

– Ахир, қўриб турибсиз-ку, жаноб адвокатнинг тоблари йўқ. Ҳозир у шахсий ишларни кўрадиган аҳволда эмас.

Бу гапларни қиз амакига вазиятта қараб айтди, уларни ҳар қанақа холис киши жуда борса, кулибгина қабул қилиши мумкин эди, амаки эса баттар тутақиб кетди.

– Аҳ, сен, балогинага йўлиқтур! – аччиғи зўридан ўзини босолмай қолган амакининг қолган сўзлари ярим-ёрти, гулдираб чиққанидан уларни тушуниб олиш қарийб мумкин эмасди.

К. қўрқиб кетди, ҳолбуки, у амакининг қуюшқондан чиқиб кетишини кутганди, шу боис ҳам чолнинг оғзини икки қўллаб ёпмаса бўлмайдигандек отилди. Баҳтларига бемор ўрнидан ярим қўзғалиб, ёnlама қилиб қизга қаради; амаки юзи

бужмайганча, гүё қалампир чайнаб қўйгандек ўтиаркан, охири ўзини босиб олиб, тили калимага келди:

– Ҳм, биласизми, биз ҳали бутунлай ақли-хушишимизни еб қўйганимизча йўқ, бўлмаса ҳеч мумкин бўлмаган нарсаларни мухайё қилишни сўрармидим, ҳарқалай, буни талаб қилганимча йўқ. Илтимос, бизни холи қолдирсангиз!

Ҳамшира тўшак олдида турганича, саркашлик билан бошини амакига бурди, ўзи бўлса, К.нинг кўзига адвокатнинг қўлларини силаётгандай туюлди.

– Сен Ленининг олдида ҳаммасини тўкиб-солишинг мумкин, – адвокатнинг гапида қатъий бир илтимос зоҳир эди.

– Гап менга даҳлдор эмас-да, – деб гап бошлиди амаки, – сир ҳам меники эмас. – Ва у бирдан юзини орқага бурди, бу билан ҳеч қанақа тортишувга ўрин қолдирмоқчи эмасди, балки мулоҳаза қилиб олишга имкон берәётгандай бўлди.

– Унда кимники? – адвокат ёстиқни қўйвориб, ожиз бир овозда сўради.

– Жиянимники, – деди амаки. – Мен уни бу ерга бошлаб келдим. – Ва у К.ни таништирди:
– Мана ўзи, Йозеф К., банкда прокурист бўлиб ишлайди.

– Э, шунақами? – бемор анча жонланиб олиб, К.га қўлини узатди. – Кечирасиз, мен сизга эътибор қилмабман. Лени, чиқиб тур, – у ҳамширага буюрди. Қиз ҳам ортиқ қаршилик кўрсатмади, гўё узоқ айрилаётгандай адвокат қизнинг қўлини сиқиб қўйди. – Демак шундай де, – у амакига қараб минғирларкан, хотиржам бўлиб қолди ва яқинроқ сурилди. – Бундан чиқди, bemornining ҳолидан хабар олиш учун эмас, иш билан келибсан-да!

Шу пайтгача у булар bemorni кўргани келган деб азобланиб ўтирганга ўхшарди, гап нимада-

лигини билгач, бирдан жонланиб қолди, гавдасини тиклади, тирсагига суюниб олди, бир ҳолда ўтириб уни чарчатган бармоқдарини чуқур ботириб, соқолини тутамлай бошлади.

– Бу манжалақынинг қораси ўчиши билан сен ҳам дарров ўзингга келиб қолдинг, – деди амаки. Шу ерда у бир оз тўхтаб турди-да, кейин шивирлади. – Гаров ўйнашим мумкин, ҳозир у ўғри мушукка ўхшаб эшик ортида гап пойлаб ўтирибди. – Амаки югуриб эшик олдига борди. Бироқ эшик ортида ҳеч ким кўринмади, у қайтиб келар экан, бехуда дарғазаб бўлганидан хижолат тортиш ўрнига, назарида қизнинг эшик ортида йўқдиги янада баттар ярамаслик эди, шу боис қаҳри-фазаб алангаси ўрлагандан ўрлаб борарди.

– Сен у ҳақида янгишаётиссан, – деб қўйди адвокат, бироқ ҳимоя қилишга уринмади; эҳтимол, бу билан у ҳамшира ёрдамга муҳтож эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандир, сўнг хайриҳоҳ оҳангда сўзида давом этди. – Бундай фавқулодда жиддий ишни уддалашга куч-қувватим етармикан? Қадрли жиянингга бирон-бир фойдам тегса, ўзимни жуда баҳтиёр ҳис қилган бўлардим; уни ҳал қилишга ҳолим келмаса-чи, деб жуда қўрқаман-да, ҳарқалай, қўлимдан нима келса, ҳаммасини ишга солиб кўраман; шунда ҳам бир иш чиқара олмасам, бошқа бировни жалб қилиб кўрармиз. Тўгрисини айтганда, бу иш менинг бор ақди-хушимни олиб қўйди. Унга бош қўшишдан ўзимни тия олмайман. Агар юрагим кўтаролмаган тақдирда ҳам начора шарафли бир ўлим топишига бундан ортиқроқ асос топишим қийин.

К. бу сўзлардан бирор маъни уқмагандек ўтиради, у изоҳ истаб амакига қаради, амаки бўлса тунги столда турган шамни қўлига олволганча, дорили кичкина шишачани думалатиб юбориб,

адвокатнинг ҳар бир сўзини маъқуллаётгандай бошини ликиллатар, йўқ, йўқ, аксинча, К.га қараб, ўз розилигингни билдири, деяётгандай эди. Эҳтимол, амаки аввалроқ келиб, бу суд ҳақида адвокатга айтиб берганмикин? Бироқ бунинг бўлиши мумкин эмас, юз бераётган ҳодисалар ўйлаганининг акси эди.

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман, – охири каловланиб гап бошлади К.

– Йўқ, афтидан, мен сизга тушунмаган бўлсам керак, – ҳайрат ва эсанкираш билан унинг гапини бўлди адвокат. – Эҳтимол, мен шошқалоқлик қилгандирман? Сиз ўзи нима ҳақида мен билан кенгашиб олмоқчи эдингиз? Фикри ожизимча, сўз устингиздан қўзғатилган жиноий иш жараёни ҳақида? Шундайми?

– Э, албатта-да! – маъқуллади амаки ва К.га юзланиб деди: – Сен нимасига тушунмайсан ўзи?

– Сизлар мен ва устимдан қўзғатилган жиноий иш ҳақида қаердан ҳам билар эдингиз? – сўради К.

– Бунинг гапини қаранглар! – кулибина деди уй эгаси. – Ахир мен адвокатман-ку, суд ҳакамилари даврасида бўлиб тураман, у ерда эса ҳамиша сон мингта суд жараёнлари, тергов-сўроқ, қама-қама машмашалари ҳақида гапиришади; ҳаддан ташқари шов-шувли ишлар билан қизиқмай иложинг йўқ, айниқса, улардан бири қадрдан дўстингнинг жияни устидан қўзғатилган иш бўлса беихтиёр эслаб қоласан. Бунинг ҳеч қанақа ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

– Яна сенга нима керак? – амаки К.ни қасди-бастига олди. – Нега бунча тинчингни йўқотиб қўйдинг.

– Сиз суд амалдорлари даврасида бўлиб турализми? – қизиқсинди К.

– Ҳа, – деб жавоб қилди адвокат.

– Она сути оғзидан кетмаган гүдакка ўхшаб савол берганингни қара, – луқма ташлади амаки.

– Ўз ҳамкасларим қолиб яна ким билан учрашай, – деб сўз қўшди адвокат. Бу гап шунчалик иддаоли, устувор янградики, К. ҳеч нима деб жавоб қилмади.

«Афтидан сиз, Адолат саройида фаолият кўрсатсангиз керак, уларнинг чордоқقا жойлашган девонхонасини қаердан ҳам билардингиз?» – демоқчи бўлди-ю, аммо буни айтиш учун ўзида куч топа олмади.

– Ўзларинг тушунасизлар, – адвокат гапини шундай бир оҳангда давом эттириди, баайни ўзича англаб етган бир ҳақиқатни маълум қилишнинг хонаси келгандай эди, – сизлардан қоллар гап йўқ, менинг бунаقا суд ходимлари даврасида бўлишим беҳудага эмас, балки ҳар доим мижозларимнинг фойдасига нимадир ундиromoқ, ниманидир билмоқ пайида бўламан, ҳолбуки, бу жуда нозик масала, ҳаммасини гапириб ўтириш ўринсиз ҳам. Албатта, ҳозир бу жин ургур хасталик оёғимга болта уриб турибди, шукрки, зиёратимга келадиган қадрдонларимнинг шарофатидан ер тагида илон қимиirlаса хабардорман. Ҳа, мен суд эшигида куни билан сарғайиб ўтирадиган айрим кимсалардан кўра кўпроқ нарсадан хабар топаман. Мана, ҳозир ҳам, сизларга айтсам, қадрли бир меҳмоним бор, – деди ва у хонанинг сим-сиёҳ бир бурчагини кўрсатди.

– Қани, қаерда у? – К. шу даражада ҳайрон қолганидан қўполлик билан сўради.

У ишонмаган бир алпозда ўша ёққа қаради; шамнинг ожиз нурлари рўпарадаги деворларга етиб боришга олислик қиласарди. Бироқ у ёқда ҳақиқатан ҳам нимадир қимиirlаб қолганди. Амаки шамни кўтарган эди, кичкинагина столча,

ёнида чўккан кекса бир кишини кўрдилар. Албатта, жойида нафасини чиқармай ўтирган бўлиши керакки, алламаҳал ўтса-да, уни пайқашмаганди. У истар-истамай ўрнидан қўзғалди, аммо унга эътибор қаратганларидан норозилиги ранг-рафторидан шундоқ билиниб турарди. Калта-калта қанотчаларга ўхшаш қўлларини силкитиб қўяркан, гўё у шу билан жамики таништирувларга этак силкитгандай, ўзгалар сұхбатига халал берганидан хижолат тортгандай, унутилганча қоронфи бурчагида ўтиришни хуш кўргандай эди. Аммо бу борада ҳеч ким унга хайриҳоҳлик билдиrmади.

– Бизни бир оз шошириб қўйдинглар, – тушунтириди меҳмонларга адвокат ва кекса жанобга дадилроқ бўлинг, дегандек бош иргади; у жаноб эса иккилангансимон атрофга алангласа ҳам, ишоч ва хотиржамлик билан даврага яқинлашди. – Жаноб девонхона директори... Қарилик қурсин, маъзур тутинглар, сизларни таништирмабман ҳам – бу қадрдон дўстим Альберт К, ёнидаги К.нинг жияни Йозеф, банкда прокуррист, бу киши эса девонхона директори... Жаноб директор азбаройи садоқатидан мени кўргани келган. Бундай ташрифнинг қадрини касал ҳамда қари одам жуда яхши билади. Ҳолбуки, жаноб директорнинг иши бошидан ошибб ётибди. Шунга қарамай келиб, жуда ҳам мароқли гурунг берди, маза қилдим, сұхбатимизга менинг ўсаллигим ҳам халал бера олмади. Биз Ленига келган меҳмонларни киритмасликни буюрганимиз йўқ, чунки бирор келиши даргумон, биз шунчаки холи қолиб дардлашиб тургандик, холос, шу маҳал сен эшикни муштлаб қолдинг, Альберт, шундан сўнг жаноб директор ўз столи ва креслосини узоқ бурчакка элтиб ўтирди, мана кутилмагандা ҳаммаси аниқ бўлди, нима қипти, агарки, албатта, шу

зарур бўлса, имкон етгани қадар баъзи ишларни муҳокама қилиш мумкин бўлар, келинглар, бир-бirimизга яқинроқ ўтириб олайлик. Жаноб девонхона директори! – илтимос қилди адвокат фалати қулимсираб ва боши билан каравот ёнидаги оромкурсини кўрсатди.

– Афсус, бир неча дақиқагина вақтим бор, холос, – очилиб деди директор, оромкурсига қулай жойлашаркан, соатига қараб қўйди. – Иш кўп. Шунга қарамай дўстимнинг дўсти билан танишмоқ имкониятини қўлдан бергим келмаяпти.

У амакига енгил таъзим қилди; афтидан янги таниш орттираётганидан мамнун эди. Амаки девонхона директорининг бу гапларини хижолат-пазлик билан, аммо жуда ҳам янгроқ қаҳқаҳа билан қаршилади, зеро, унинг табиатида ялтоқиликка мойиллик йўқ даражади эди. Албатта, бу таассуротни ёқимли дейиш қийин. К. бу воқеаларни хотиржам кузатиб ўтирас, чунки унга ҳеч ким эътибор қилмай қўйганди, девонхона директорининг одати шунаقا чоғи, уни лутфан таклиф этишдими, сұхбат йўсинини ўз қўлига олиб, давранинг гулига айланарди, янги меҳмонларни рад этиш мақсадида ўзини ёлғондакам касалга соглан адвокат эса энди кафтини қулоқ чаккасига тираб олиб, уни диққат билан тинглар, чароғбон бўлиб қолган амаки, – шам унинг тиззаларида липилларди, – адвокат у томонга ташвишланиб қараб қўяр, у эса тортинишни бир чеккага йифиштириб қўйиб, девонхона директори нутқини очиқдан-очиқ олқишлиб қолмасдан, қўлларини ҳавода тўлқинсимон қилиб, имо-ишоралар билан бу нутқа жўр бўлишга тушганди. К. қаққайганча каравотга суюниб турар, директор атайин қилгандай бирон марта унга қайрилиб қарамаган, катталар уни бор-йўғи тингловчи си-

фатида кўрардилар, афтидан. Қолаверса, К.нинг ўзи ҳам гап нима ҳақида кетаётганига умуман тушунмас, у ҳамширани, қизга амакиси қанчалик қўпол муомалада бўлганлиги ҳақида ўйлар ёки девонхона директорини аввалроқ, масалан, илк тергов куни кўрганмидим, дея хотира сандигини титарди. Эҳтимол, у адашаётган бўлиши ҳам мумкин, шунга қарамай девонхона директори ҳайрон қоларли даражада йиғилишнинг биринчи қаторида ўтирган сийрак соқолли чоллардан бирига жуда ҳам ўхшаб кетарди.

Бирдан ҳамма чўчиб тушди, йўлакдан ерга тушиб синган идиш-товоқнинг жаранги эшитилган эди.

– Қарай-чи, у ёқда нима юз берди? – К. шундай деб шошилмай эшик сари юрди, гўё бошқалар уни ушлаб қолишига имкон қолдиргандай бўлиб.

Бироқ у шундоқ даҳлизда чиқиб, қоронфиликда йўлни тўғри олиш учун пайпасланаркан, эшик дастагини ушлаган бармоқларига, ўзининг қўлига солиштирганда миттигина қўлча келиб тегди ва секингина эшикни қия ёпти. Бу шу ерда кутиб турган ҳамшира эди.

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, – шивирлади қиз, – нима қилиб бўлса ҳам сизни бу ёққа чақириш учун мен атайин тақсимчаларни деворга қараб отдим.

К. нима дейишини билмай довдираб қолди ва беихтиёр деди:

– Мен ҳам сиз ҳақингизда ўйлаб тургандим.

– Нур устига нур, – деди қиз. – Кетдик!

Улар бир неча шошқин қадам ташлаб, кўримиз сиз ойнаванд эшик олдига келиб қолдилар. Қиз К.нинг истиқболига уни ланг очиб юборди.

– Қани, киринг! – амр этди қиз.

Бу адвокатнинг иш хонаси эканлиги шундоқ кўриниб турарди. Ойнинг хира ёруғида нималар-

дир кўзга ташланар, уч деразадан тушган шуъладан полнинг кичкинагина тўртбурчак жойи ёришиб тураг, бутун хона даққионусдан қолган эски урфдаги оғиркарвон уй жиҳозларига тўлдириб ташланган эди.

– Бу ёқقا, – ҳамшира шундай деб қоронгидаги сандиқсимон нақшинкор ёғоч ўриндиқни кўрсатди.

Ўтиришгачгина К. теваракка аланглади: хона кенг, баланд эди; афтидан, бу дабдабадан адватнинг мижозлари бўлган бева-бечоралар ўзларини йўқотиб қўйса керак. К. ўзича уларнинг улкан ёзув столи олдига қандай қилиб пилдираб боришларини тасаввур этди. Бироқ бир лаҳза ўтмай, ҳамширадан бошқа ҳамма нарсани – бутун борлиқни унуди – қиз унга шунчалик яқин эдики, ҳатто ўриндиқнинг ён дастагига йигитнинг қўли сиқилиб қолганди.

– Сизни чақиришга ҳожат бўлмаса керак, ўзингиз чиқиб келасиз, деб ўйлагандим, – бидирлаб кетди қиз. – Бу жуда ҳам ажабланарли ҳол. Аввалига сиз ичкарига кирибоқ, менга еб қўймоқчилик қарадингиз, энди бўлса кутишга мажбур қиляпсиз. Мени оддийгина қилиб Лени деб чақираверинг, – қиз буни шошиб-пишиб, йўл-йўлакай қўшимча қилди, олтинга teng дақиқалари арзимас нарсаларни изоҳлашга кетиб қолишини истамагандай бўлиб.

– Бажонидил, – жавоб қила қолди К. – Бироқ биласизми, Лени, буларнинг бари ҳеч ҳам ажабланарли эмас, тўла асосга эга. Биринчидан, қарияяларнинг валақдашларига қулоқ солиб ўтиришим керак бўлди, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, улар олдидан кетиб қолишим ҳам ақлга тўғри келмасди; иккинчидан, мен тортинчоқ одамман, тез-тез одамовилигим тутиб қолади. Бунинг

устига сиз ҳам «гах» деса қўлга қўнадиганларга ўхшамайсиз.

– Гап унда эмас, – деди Лени, қўлини ўриндиқ-нинг орқасига қўйиб К.га қарап экан, – бор-йўғи мен сизга ёқмадим, эҳтимол, ҳозир ҳам ёқмасман.

– Ёққанда қандоқ, – суюлинқираб деди К.

– О-о! – Қиз оғзининг танобини йифиштиромай қолди.

К.нинг сўзига жавоб бўлган бу олқишлиашда қиз мамнунлигини ўз-ўзича ифодалаганди. Шу боис ҳам йигит жимиб қолди. Қоронfigа кўзла-ри ўрганаётган К. қандай вазиятда ўтирганла-рининг айрим жиҳатларини энди-энди фарқлай бошлади. Айниқса, деворнинг ўнг томонига осилган катта сурат унинг эътиборига тушган, расмга яхшироқ разм солиш учун у қўзғалиб олдинга юрди. Суратда суд амалдорлари кийим-бошидаги бир киши тасвирланган эди, у оромкурсига гўё таҳтда ўтирган шоҳдек юксак мақомда қўр тўкканди; ўриннинг у ер бу ери зар билан нақшланган эди. Бироқ суд ҳакамигининг ўтириши фавқулодда галати, унинг қиёфаси на хотиржам, на улуғвор эди, аксинча, чап қўли оромкурсининг орқа суюнчиини қаттиқ тутганча турар, ўнги бўлса, олдинга узатилган, бармоқдари ни-магадир чанг солгудек, гўё навбатдаги лаҳза-да шунаقا ҳад билмас бир түғён билан эҳтимол тўхтовсиз қаҳру газаб, нафрат билан энг сўнгги ҳал қилювчи сўзни айтмоқ ва балки ҳукмни эълон қилиш учун ўрнидан отилиб турадигандек эди. Афтидан, айбланувчи зиналарнинг пастки қисмида қолган, суратда бўлса, сариқ гиламлар билан қопланган зиналарнинг юқори қисмигина кўринарди.

– Эҳтимол, у менинг ҳакамим бўлиб чиқар, – К. шундай деб бармоғи билан суратга никтади.

– Мен уни яхши биламан, – деди Лени, – у бу ерга тез-тез пашшахурда бўлиб туради. Бу сурат ёшлигида чиздирилган, салгина бўлса-да ўзига ўхшамаган, ахир у ҳаддан ташқари калтабақай-да. Суратда ўзини шунаقا олимақом, пурвиқор қилиб тасвирлашни буюрганки, буларнинг ҳаммаси ўзига бино қўйганликдан бошқа нарса эмас. Дарвоқе, уларнинг бари шунаقا, бурнига хода етмайди. Қолаверса, ўзим ҳам шунаقا олифтай худо урганларданман, шу боис ҳам сизга ёқмаганим жуда алам қиласди.

Бу сўзларнинг жавобига К. Ленини қучиб, уни ўзига қаратди, қиз индамайгина бошини йигитнинг елкасига қўйди. К. суратдаги кишини суриштириди:

– Унинг нуфузи қанақа?

– Терговчи-да, – деди Лени ва йигитнинг қучиб турган қўлларини олиб, бармоқларига разм солди.

– Бор-йўғи терговчи экан-да! – ажабланди К. – Мартабали амалдорлар ўзини кўрсатавермайди. Ўзини хастпўшлаганини. Нақ тахтдаги шоҳ-а!

– Буларнинг бари хаёлпарастликнинг меваси, – деди қиз ва К.нинг қўлига юзини қўйди. – Аслида, у тит-пити чиққан эски ёпинчиқди яғир ошхона курсисида ўтиради. Намунча устингиздан қўзғатилган суд жараёни ҳақида бош қотирмасангиз? – секингина қўшиб қўйди қиз.

– Йўқ, бунинг учун бошим оғриётгани йўқ, – деди К., – аксинча, бунинг қайғусини ҳаддан ташқари кам қиляпман чофи.

– Сизнинг хатоингиз бу эмас, – деди Лени. – Эшитишинга қараганда, сиз ҳаддан ташқари ўжармишсиз.

– Буни ким айтди сизга? – қизиқсинди К., у қиз пинжига тиқилиб олганини ҳис қилиб, ҳур-

пайган, қоп-қора, қайрилма, гиреҳ-гиреҳ сочлардан кўзини узолмасди.

– Буни ким айтганлигини ҳам маълум қилсам, мен ҳаддан ташқари кўп нарсани гуллаб қўйган бўламан, – сўзлай кетди Лени, – илтимос, буни мендан сўраб ўтирманг, яхшиси ўз хатоингизни тузатинг, бунаقا ўжар бўлманг, бари бир судга қаршилик кўрсатиш бефойда, барчасини бўйнингизга олинг. Сизнинг қўлингиздаги биринчи имконият – бўйсуниш, фақат шундагина, ҳа, фақат шундагина сирғалиб, йўл топиб кетиш мумкин бўлади. Шунда ҳам бегоналарнинг аралашуви, ёрдамисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, бироқ сиз ҳеч нимадан ташвишланмасангиз ҳам бўлади, менинг ўзим сизга ёрдам бераман.

– Ҳа, албатта, сиз суднинг кўп сирларидан боҳабарсиз, ундаги минг бир ҳийла-найранглардан ҳам воқифсиз, – деди К., бироқ шу пайт қиз унга шу даражада суйкалдики, тиззасига олмаса бўлмай қолди.

– Мана бу ажойиб бўлди, – деркан, қиз этагини тортиб, ҳарир нимчасини тўғрилаб, яхшилаб ўрнашиб олди. Ва йигитнинг бўйнидан қучоқлади, сўнг ўзини орқага олиб, унга узоқ термилди.

– Мабодо бўйсунмасам-чи, унда менга ёрдам беролмайсизми? – К. ундан синовчан нигоҳда сўради.

«Топган ёрдамчиларимдан ўргилдим». Боши қотиб ўйланди у. «Аввалига фройлейн Бюрстнер, кейин суд хизматчисининг хотини, энди бўлса мана бу жимитдай ҳамшира – ҳеч тушунмайман, булар нега мунча менга тирғалишади? Буни қаранг, айнан шу ер унинг ўтирадиган жойидек тиззамга ялпайиб олганини».

– Йўқ, – секингина бошини қимиirlатиб деди Лени, – унда мен сизга ёрдам қила олмайман.

Афтидан, менинг ҳеч қанақа ёрдамимни ҳам истамайсиз, бу сизга керак эмас, сиз ўта кетган ўжарсиз, фикрингизни ўзгартириб бўлмайди!.. Сизнинг маҳбубангиз борми? – қиз бирдан шуни сўради-ю, жимиб қолди.

– Йўқ, – деди К.
– Ёлғон, – деди қиз.

– Бахтга қарши бор! – иқрор бўлди К. – Уни йўқ, деб тасаввур этмоқ тўғрироқ бўлади, мен унинг баҳридан қарийб ўтиб юборганман, шундай бўлса ҳам фотосуратини доим ўзим билан бирга олиб юраман.

Лени суратни сўради, йигит чўнтағидан Эльзанинг суратини чиқариб берар экан, қиз унинг тиззаларига ўзини бутунлай ташлаб олиб, Эльзанинг суратига тешиб юборгудек қаттиқ тикилди. Бу ҳаваскорларнинг ўрганчиққа йўл-йўлакай олган расми бўлиб, сурат Эльза рақсга тушаётганда туширилган, – қиз ўзининг мўъжаз ресторанчасида рақс тушишнинг хўб ишқивози эди, – давомли чарх уриб айланишларда кўйлагининг этаклари қанот боғлаган, ўзи бўлса, бошини орқага ташлаб, қўлларини белига тираганча, ўқтамона нигоҳда табассум билан қаёққадир боқиб турарди: у кимга табассум ҳадя қилиб турибди, униқкан суратдан буни кўриб бўлмасди.

– Ҳимм, ўзининг бақалоқдигини яширмоқчи бўлибди, – Лени шундай деб суратдаги бир жойни кўрсатдики, Элза нимча боғичларини жуда ҳам қаттиқ тортиб боғлаган эди. – Менга у ҳеч ҳам ёқмади, жуда ҳам хунук ва бесўнақай экан. Тўғри, сизнингча, ойдайгина ва нозик ниҳол бўлиши ҳам мумкин, шу бир парча қоғозни бағрингизга босиб юрганингиз ҳам буни кўрсатиб турибди. Бунақа йўғон, найновлар баъзида жуда камтар ва одамнинг жонидай кўриниб кетади.

Бироқ у сизнинг саодатингиз учун ўзини қурбон қила оладими?

– Йўқ, – деди К. – Мен учун узатган оёғини ҳам йифмайди, қолаверса, у соҳибжамол ҳам, ширин тилли ҳам эмас. Тўғриси, шу пайтгача ундан ҳеч нима талаб қилганим ҳам йўқ. Вижданан айтадиган бўлсам, ҳеч қачон бу суратга ҳам худди сиздай, эътибор билан қарамаганман.

– Бундан чиқди, у сиз учун ҳеч нарсага арзимайди, – деди Лени. – Маҳбубангиз ҳам эмас.

– Афсуски, шундай, – деб каловланди К. – Мен гапимдан тонмайман.

– Майли, ҳозирча у маҳбубангиз бўла қолсин, – деди Лени. – Бироқ сиз уни йўқотиб, ўрнига бошқасини топганингизда ҳам ҳатто бу қизни эсламайсиз.

– Албатта, – кулимсиради К. – Бу жуда ҳам бўлиши мумкин. Бироқ унинг сизга қараганда улкан афзаллиги бор, у менинг устимдан қўзғатилган жиноят иши ҳақида ҳеч нарса билмайди, билган тақдирда ҳам бош қотириб кўрмасди. Ва у ҳеч қачон мени муроса-мадора йўлини тутиб, таслим бўлиш учун аврамасди.

– Бу қўли баландлигини кўрсатмайди, – деди Лени, – агар бошқа афзаллик томони бўлмаса, мен ҳам умидимни узмайман. Унинг жисмоний томондан бирон-бир нуқсони борми?

– Жисмоний қусур дейсизми? – қайта сўради К.

– Ҳа, шуни айтаяпман, – деди Лени, – мисол учун менинг кичкинагина бўлса-да, нуқсоним бор. Мана, қаранг.

У ўнг қўлидаги номсиз бармоғини керди, бармоқлар орасида қарийб бир бўғинча жимитдеккина бармоқча ўсганди. Фира-ширада қиз нимани кўрсатмоқчи эканлигини бирдан билмаса-да,

К. нозик қўлни қўлига олган, Лени ўша бармоғини ушлаб кўриш учун унга тутганди.

– Табиатнинг ажиг ўйинига қаранг! – деди К. ва қизнинг бутун қўлига разм солиб чиқди-да, гапига қўшимча қилди, – намунча кичкина бўлмаса бу жимжилокча.

Лени бир қадар фахр билан К. га қаради. К. эса яна ва яна ҳайрат билан қизнинг бармоқлари орасини очиб-ёпиб кўрар, кейин уларни жўшқинлик билан ўтиб кўярди.

– О-о! – қийқирарди қиз. – Сиз мени ўпичга кўмиб ташладингиз! Оғзини ярим очганча, шошилиб йигитнинг тиззалари устида тиззачалари билан турди. К. бутунлай довдираб қолди, қиз унга шунчалик ёпишиб олган, унинг қалампир каби аччиқ ва нохуш бўйи димогини ёраёзганди. Қиз ўзини унинг боши устига ташлаб, эгилганча бўйнидан ўпар ва тишлар, бунга йигитнинг энсасидаги соchlари ҳам қўшилиб кетарди.

– Сиз мени унинг ўрнига олинг! – деб ўпичлар орасида ҳансирараб ҳайқирарди қиз. – Кўрдингизми, сиз мени унинг ўрнига олаёздингиз!

Шу пайт қизнинг тиззалари тойиб, додлаб юборди ва гилам устига ағанаб тушишига бир баҳя қолганда, К. уни қаттиқроқ, қучоқдаб, тутиб қолишига уринди, бироқ қизнинг ўзи уни бағрига маҳкамроқ босиб, пастга тортди.

– Сен энди меникисан, – дерди қиз.

– Мана сенга уйнинг калити, қачон истасанг келавер, – К. уйдан чиқаркан, ҳаводан ўпич йўллаб қолган қизнинг охирги гапи шу бўлди.

Уйнинг дарвозасидан ташқари чиқибоқ, у майдада ёмғирга тутилди, аммо яна бир бор Ленини дезраза орқали бўлса-да кўрмоқ умидида, тош йўл билан юрмоқчи бўлди, дарвозанинг олдида автомобиль турар, паришонхотир К. унга эътибор қил-

маганди, шу пайт амаки югуриб келиб, елкасидан тутиб, дарвозага шундай қисиб олиб бордики, байни уни шу жойда михлаб ташламоқчидек эди.

– Ах, болакай, болакай-а! – бақирди амаки. – Нима иш қилиб қўйдинг?! Иш қарийб бости-бости бўлаёзганди, сен нима ёмонлик бўлса, ўзингга қилдинг. Бу чурваقا наҳс босгани олиб қаёқча йўқолдинг, афтидан, у адвокатнинг ўйнашига ўхшайди! Худо билади унда қанча вақт қолиб кетдинг, бунга бирон-бир арзирли важ-корсон ҳам топмадинг, – ҳаммаси кундек аён, ҳамманинг кўз олдида унинг орқасидан югуриб кетдинг. Бу ёқда эса биз учовимиз: сен учун жони ҳалак амакинг, ишни фойдангга ағдармоқни кўзлаган адвокат, ҳаммасидан ҳам, каттакон бир киши девонхона директорининг ўзи – ахир мана шу қалтис вазиятда бутун тақдиринг шу кишининг қўлида-ку! – сени кутиб, саргайиб ўтиридик. Сенга қандай қилиб ёрдам берса бўлади, муҳока-ма қилмоқчи бўламиз, мен эҳтиёткорлик билан адвокатни бу ишга унатиб юборсан дейман, у бўлса девонхона директорини; бирон-бир ёрдам йўлини топишга барча асослар бор эди, наҳотки, шуни тушунмаган бўлсанг? Бунинг ўрнига сен жуфтакни ростлаб қолдинг. Бу ерда ҳеч нарсани сир тутиб бўлмайди, шукрки, улар хушмуомала, маданиятли кишилар, бир оғиз ҳам бир нима демадилар, бироқ охир-оқибат сабр косалари тўлиши турган гап эди. Лекин индамасдан ўтиришди. Биз жимгина сабр билан кутганча қачон келар экан деб йўлингга интизор кўз тутдик. Э воҳки, ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди. Охири девонхона директори ўрнидан қўзғалди, у шусиз ҳам кўп ўтириб, суви чиқиб кетганди, кетишга тайёрланаркан, мен билан хайрлашатуриб, очик-оидин афсуслар билдириди, ҳеч қанақа ёрдам қилиш-

нинг имкони қолмаган бўлса-да, кутилмаганда бирон-бир хушхабар бўлишини кутгандек яна эшик олдида анча вақт турди. Бундан, мен са-одатманд эдим, у кетиши билан бўғилиб қолаёз-дим. Буларнинг бари касалманд адвокатга ҳам қаттиқ таъсир қилди, у шунчалик бегараз, хо-кисор киши бўлганидан ҳатто мен билан хайрлашаётганда, бир оғиз сўз айтишнинг ҳам эпини қилолмади. У бутунлай тамом бўлди, бунинг учун, эҳтимол, сен ҳаммадан кўпроқ айбдорсан, айни тақдиринг қўлида бўлганда сен унинг қазо-сини тезлаштириб юбординг. Туғишган амакинг – мени эса ёмғир тагига отдинг, мана, кўр, бу-тунлай ивиб, неча соатдан буён кўзим йўлингда тешилгудек бўлиб азобланаман!

АДВОКАТ. ФАБРИКАЧИ. РАССОМ

Қишиң тонгларидан бирида, фира-шира ёргуда ойнага қор тушгани билинаркан, ҳали эрта бўлишига қарамай, ишхонасида ўтирган К. жуда ҳам ҳолдан тойған алпозда эди. У ўзини ҳеч бўлмаса, мана бу, паст табақа хизматчилар нигоҳидан муҳофаза қўлмоқ учун, ҳудди жиддий иш билан банддек гумаштасига олдига ҳеч кимни қўймасликни буюрди. Бироқ бирон-бир ишга машғул бўлмоқ истаб, нимагаки уринса нотинчлиги баттар ортиб, оромкурсисида қимирлайверар, маҗолсиз, столи устидаги ашқол-дашқолларни у ёқдан-бу ёққа сурар, кейин хоҳишига кўра столнинг устида узанган қўлига бошини қўйиб, музлагандек қотиб қоларди.

Суд ҳақидаги фикр уни тарк этай демасди. Ўзини оқладиган хат ташкил қилиб, судга юборса, бир фойдаси тегармикин, деб кўп ўйлади. Бунинг учун у муҳтасар таржимаи ҳолини келтириши, унинг эса ҳар бир қатори ҳаёт йўлининг энг кўзга кўринган воқеа-ҳодисалари билан тўлдирилган бўлиши зарур; умуман, у қайси асосга кўра шундай қилади, шу тўғрими ёки бошқача йўл тутгани маъқулми, ҳозирги тушунчasi бўйича буни қўллаб-қувватлайдими ё муҳокама қилишга тушиб кетадими ва нима билан ҳодисани изоҳлаши мумкин. Бу оқлов хатининг одатий ҳимоялардан афзаллиги, қанақадир бевосита иш олиб борилар, шу билан адолатсиз, қўлидан ҳеч

иш келмайдиган адвокатлар ҳаракатидан холи, узоқ бўлиши шубҳасиз. Айни пайтда адвокат нима ишлар қилиб юрибди, К. буларни умуман билмасди: ҳарқалай бирон-бир муҳим чора-тадбири кўзга ташланмади, мана бир ой ўтишига қарамай, ҳатто олдига бирон марта чақирмади ҳам, олдинги барча музокаралардаги гаплари ҳам у учун ниманингdir уддасидан чиқа олиши мумкинлигига асос бермади ва умуман, буларни бари К.да ҳеч қанақа яхши таассурот қолдирмади. Ҳаммасидан ғалатиси К.дан қарийб ҳеч нарсани сўраб-суриштирмайди. Ҳолбуки, туғилган саволлар бир талай бўлиши керак эди. Асосийси – масалани ўртага ташлаш. Ҳатто К.нинг ўзи ҳам жуда кўп жиддий таклифларни ўртага қўя олиши мумкинлигини ҳис қиласарди. Адвокат эса буларни сўраш ўрнига тоғ аллақандай нарсаларни лақиллар, тоғ миқ этмай К.нинг рўпарасида чўкканча, қулоги яхши эшитмаса керак, энгашганча соқолини тутамлар, гиламнинг бир сафар К. билан қиз ётган жойига кўз ташлаб ўтиради. Вақт ўтган сари эса К.ни ёш боладек кўриб, тутуриқсиз насиҳатлар қиласидан бўлди. Шу боис ҳам К. бу бош оғритар маза-матрасиз ваъз-насиҳатлар учун сариқ чақа ҳам бермасликка қатъий қарор қиласди. Гоҳида К. ҳаммасини тақдирнинг йўриғига ташлаб қўйган деган хаёлда адвокат уни қайтадан руҳлантирап эди. Адвокатнинг ҳикояларига кўра, унинг ўзи бунақа суд жараёнларининг бир талайида ютиб чиққан экан, аммо аслида бир қарашдаёқ уларнинг ҳеч биридан умид йўқдек туюларди. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ҳув анави ердаги қутида ётар, тоғ уларни столга олиб, бирма-бир титкилаб қўяр, афсуски кўрсатишга келганда бу мумкин эмасдай, хизмат сири сифатида сақларди.

Ҳар ҳолда йиллар давомида тўпланган тажриба, бу суд жараёнларида қилинган кашфиётлар ҳеч бир шубҳасиз, К.нинг фойдаси учун иш бериб қолса ажаб эмас-ку. Алалхусус, у ниҳоят ишга киришиб, биринчи арзномани қарийб тайёр ҳолга келтирди. Худди шундай илк таассуротга кўра ҳимоя воситаси сифатида, у суд жараёни-нинг боришига кучли ижобий таъсир қилиши турган гап. Бу фавқулодда муҳим эди. Афсуски, адвокатнинг огоҳлантиришича, судда кўпинча воқеалар бўлакча тусда ривож олар, – биринчи арзномалар умуман инобатга олинмасди. Уни шунчаки айбланувчининг ҳужжатлар жилдига тикиб қўйишар, бундан кўра судда дастлабки тергов ва назоратлар муҳим эканлигидан уни огоҳлантиришарди. Агар арзгўй бирон нарсани уқтироқчи бўлиб, туриб олса, ҳамма материаллар йиғилиб, ҳамма ҳужжатлар кўтарилганида унга нимадир дейишлари учун суднинг охирги, ҳал қилувчи қароридан олдин биринчи ҳимоя ўтиңчномасига ҳам бир қур назар ташланади. Афсуски, аксарият ҳолларда умуман бошқача бўлиб чиқади: биринчи арзномани худо билади, қаергадир тиқиб ташлашади, ҳатто гумдон қилиб юборишлари ҳам мумкин, мабодо сақланганида ҳам адвокатларнинг ҳар турли миш-мишлари-га кўра, унга бирон бир киши эътибор бериши – астойдил ўқиб чиқиши даргумон. Буларнинг баридан надомат қилса арзийди, аммо ўз йўлига бу ҳам табиий. К. барча тафтишлар махфий суратда олиб борилишига диққат қилиши керак, албатта, суд керак деб ҳисобласа, ошкора ҳам қилинади, бироқ қонунда ошкора олиб бориш қайд этилмаган. Жиноят ишидаги барча суд ҳужжатлари, айниқса, айномага на айбланувчи, на унинг ҳимоячиси яқинлаша олади, оқибат-

да гоҳ бу ҳақида умуман билишмайды, гоҳ жуда ҳам ноаниқ, сал-пал билганиларидан, биринчи арзномада нимага йўналтиришни билмайдилар, шу боис ишда унинг бирон-бир аҳамият касб этиши камдан-кам бўлади. Ҳақиқий, аниқ исбот-далилга эга арзномани эса кейинроқ, айбланувчи устидан қўзратилган иш айловнинг алоҳида банди бўйича кўрилаётганда, ҳеч бўлмаса, унинг қандайдир дараклари, миш-мишлари қулоқдарига чалинганда-гина тайёрлаш мумкин. Шундай шароитда ҳимоя ишини олиб бориш жуда ҳам қийин ва у бутунича фойдасизdir. Лекин атайлаб шундай қилинади. Гап шундаки, очиги, суд ҳеч қанақа ҳимояга имкон бермайды, фақат бу йўлдаги уринишларга сабр қилиб келади, ҳатто бу сабр қилиб келиш руҳини унга мос келадиган қонун банди билан изоҳлаш мумкинми, шу саволга жавоб бериш ҳам муаммо, буни тушунтиришнинг ўзи баҳсли. Шу боис ҳам кескин қилиб айтганда, суд тан олган адвокатларнинг ўзи йўқ, ҳимоячи мақомида суд олдида чиқадиганларнинг аксарияти яширин суръатда иш олиб борадиган хуфия адвокатлардир. Фаҳмланганидек, бу шу йўл билан тирикчилик ўтказадиганларни ҳаддан ортиқ таҳқирлайди, ишонмаса, К. кейинги сафар суд девонхонасида бўлганида, адвокатларга ажратилган хонани қўздан кечириб, масаланинг бу томони билан танишса ҳаммаси аён бўлади. У ерда тўпланадиганлар давраси кишини фавқулодда даҳшатга солади. Каталакдек тор, тўкилай деб турган пастқамгина хонанинг уларга берилиши ҳам суднинг бу кишилардан қанчалик жирка-нишини кўрсатади. Хона кичкинагина туйнукдан тушиб турган бир тутамгина нур билан фира-шира бўлиб туради, у ҳам шунчалик баланддаки, агарки бошингни кўтариб қарамоқчи бўлсанг, фақат димоғингга кир-чир анқиган ҳавогина урилмайди,

балки худди шу ернинг тепасида қурилган ўчоқдан чиққан қурумлар бир зумда юз-кўзингни бежаб ташлайди, йўқ, бу етмайдигандек, касбдошлардан кимнидир елкасига оёқ қўйишга тўғри келади, хонанинг полини кўринг, бу ҳам ҳароблигига бир мисол – мана шу полда бир йилдан ошдики, ўйиқ пайдо бўлди, унча катта эмас, киши бутунлай тушиб кетмайди, лекин бир оёғи кириб кетиши турган гап. Адвокатлар хонаси иккинчи чордоқда жойлашгани боис мабодо кимнингдир оёғи шу уйикقا кириб кетса, биринчи чордоқнинг мижозлар кутиб турадиган йўлагининг айни устида осилиб қолиб, чайқалиб тураверади.

Юмшоқ қилиб айтганда, адвокатлар гуруҳининг ишлаш шарт-шароити ана шунаقا шармандали, аммо бу ҳеч кимни ажаблантиrmайди. Бошлиқларга шикоят қилишлардан ҳеч бир натижа чиқмайди, бу етмагандай, адвокатлар ўз ҳисобларидан қай бир даражада хоналарини таъмирлаб олишлари ҳам қатъяян тақиқланади. Зеро, бунинг асоси бор. Чунки улар ҳимояни умуман бир чеккага суриб, бутунлай йўқ қилишни хоҳлашади. Ҳамма оғирликни айбланувчининг зиммасига юклаб, гаров сифатида ўзини қолдиришади. Моҳиятан, бунаقا мўлжал олишлар ҳам чакки эмас, бироқ бу хатти-ҳаракатнинг оқибати фавқулодда хатокор якун топиб, айбланувчилар учун адвокатлардан-да керакли бошқа бир касб эгаси йўқ. Аҳвол шундайки, бутун суд жараёни оммадангина сир сақланиб қолинмайди, ҳатто айбланувчининг ўзидан ҳам сир тутилади. Афтидан, худди шу тартибда улар хоҳлаганини қила олади, гап шундаки, бунда уларнинг имконияти чегаралмаган. Айбланувчи жиноий иш қофозларини

кўриш ҳуқуқига эга эмаслиги аён, терговлар асосида йифилган маълумотлар билан бирон-бир хуло-сага келиш ҳаммасидан ҳам қийин, айниқса бу айбланувчининг ўзи учун кўтара азоб, бунга йўл-йўлакай бошқа бош оғритар ноҳушликлар қўшилади-да, унинг тинчи баттар йўқолади. Худди шу жойда ҳимоя даҳмазаси ҳам бунга қўшилади. Сирасини айтганда, ҳимоячилар терговларга қўйилмайди, шунинг учун ҳам улар ҳимояда асқатади, дея имкони бўлиши билан шундок, терговчининг хонаси эшиги олдида кутиб турадилар ва айбланувчи чиқиши билан уни жон-ҳолига қўймай, терговда сўралганини қайта-қайта суриштиришади ва кўпинча унинг пойинтар-сойинтар чалкаш жавобларидан бир хулоса ясашади, шундан ҳимоя учун фойдали бир тадбир қилишга уринадилар. Бироқ бу ҳал қиуловчи тадбир эмас, бу йўл билан кўп нарсани билиш мушкул, ҳолбуки, ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам ишга қоришиб юрган устаси фаранг киши бошқаларга қарагандা кўпроқ маълумотга эга бўлиши турган гап. Ҳа, бу ерда асосий иш берадигани адвокатларнинг таниш-билишлари бўлса ажаб эрмас, ҳимоянинг қиммати шуларга боғлиқ бўлади. Англашилганидек, суд идорасининг қуий табақасидаги фаолият тартиби номукаммал, унда тепса-тебранмас ва нафсишнинг қулига айланиб сотилганлар тиқилиб ётганига К. ўзининг бошидан кечирган аччиқ тажрибалари ила дуч келаркан, бунчалик кескинлик билан тешик-туйнуги беркитиб олинган суд идорасида бундай раҳналар қаердан солинганига тушиунгандай бўлди. Адвокатларнинг катта қисми ҳар қанақа йўллар билан суд идорасига суқулиб кирган бўлиб, улар айғоқчилик ва пора олиш илинжида бунда изғиб юришади, ҳатто фаолиятларининг илк давларида айблов қофозларини ўғирлаб

олиб чиқиб кетиш ҳам шуларнинг кўрсатган кароматларидан. Албатта, шундай қингирликлар билан қўлга киритилган натижалар судланувчи учун ақд бовар қилиб бўлмас муваффақият сифатида кўринишини инкор этиб бўлмайди ва шунинг учун ҳам кўпчилик майда-чуйда адвокатларнинг куни туғиб, атрофларига одам йиғиши, мижозларни кўпайтириш учун ҳуда-бехудага оғизларини кўпиртириб, бу қаҳрамонликларидан мақтаниб юришади, аммо жараённинг навбатдаги босқичида унинг ҳеч қанақа ижобий таъсири бўлмайди, ҳатто зиён-заҳмат етказиб қўйиши мумкин. Ҳақиқатан эса ишнинг ижобати учун қимматли турткини, ҳал қилувчи маънода, катта амалдорлар билан шахсий ва ҳалол таниш-билишлик беради ва бунда ҳам гап албатта, пастки мезондаги юқори мақомли амалдорлар ҳақида кетаётганини назардан қочирмаслик керак. Фақат шугина ишнинг кўрилишига сезиларли ўзгариш ясайди: аввалига – ичкаридан билинар-билинмас, кейинига эса боргандар сари зоҳирда кучини намоён этади. Аммо бу нақа имкониятга ноил адвокатлар камдан-кам топилади, шу жойда К.нинг омади келган, у одам танлашда адашмаганди. Доктор Гульд каби соҳиби икром, нуфузли таниш-билишларга эга адвокатлар саноқди. Шунинг учун ҳам адвокатларга ажратилган фарид хонадаги мишиқилар билан унинг салом-алиги йўқ, бундайлар билан алоқа қилиб ўтирмас, даҳлдорлиги йўқ деса бўларди. Унинг асосан суд амалдорларининг ўзлари билан қуюқ жўрачилиги бор. Ҳуда-бехудага судга қатнаб, унинг эшиги туримини бузиш, тўраларнинг чиқиб қолишини кунлаб кутиб, кутганлари мабодо юз берганида ҳам шу кимсаларнинг кайфиятига қул бўлган ҳолда, бирон-бир муваффақиятга эришгандай бўлиш ёхуд ҳеч бир иш чиқаролмасдан

қайтмоқ доктор Гульд учун ёт нарса. К.нинг ўзи гувоҳ, Гульднинг аҳволи бутунлай бошқача, суд амалдорлари, ҳатто энг юқори мартабалилари ҳам ҳеч бир орланмай одига ўзлари келишади ва гоҳ жиноят ишининг навбатдаги босқичи ҳақида борйўқ маълумотларни очиқ тўкиб солишади, гоҳ эса сал-пал пардалаб, лекин ҳаммасини билиб олса бўладиган бир маромда ҳикоя қилиб беришади; бундан ҳам ўтадигани айрим ҳолларда келганлар ўзларининг нуқтаи назарларидан воз кечиб, унинг фикрини қабул қилишади. Тўғриси, шунинг учун ҳам уларга ишониш ярамайди – ҳатто буни бутунлай яхши ниятда, айбдорни ҳимоя қилишнинг жўяли воситаси сифатида айтган тақдирларида ҳам, ўзлариникидан воз кечиб, адвокатнинг фикрига қўшилишларини эълон қилишса-да, бу ердан чиқиб, тўғри девонхонага йўл олишлари, навбатдаги мажлисга тайёргарлик кўра туриб, айбланувчи учун аввалгига қараганда янада қаттиқ ва жиддий бўладиган салбий хulosани айтиб туриб ёздиришлари жуда ҳам мумкин. Албатта бунга қарши мудофаланиш жуда қийин, афтидан, юзма-юз туриб, кўзга кўз ташлаб айтилган бу гап-сўзлар шундоқлигича қолиб кетади ва тақдирни нима бўлганини ҳам ошкора муҳокама қилиб бўлмайди, ҳатто ҳимояга ўша мартабали киши билан орадаги кўнгли яқинлик қолсин деб ҳам интилиб кўрилмайди. Бошқа тарафдан эса бу шахсларнинг ҳимояга алоқадор бўлиб чиқишлиари табиий бир ҳол, албатта, бу ҳимоячиликда жуда ҳам устаси фаранг бўлишлари керак; аммо бу ишни инсонга муҳаббатлари боис ёки дўстона ҳиссиётлари кучлилигидан қилмайдилар, балки ҳар на бўлса-да ўзларининг фойдаларини кўзлаб шундай йўл тутадилар. Бу ишлар бошиданоқ маҳфий суръатда олиб борилишига амр қилинади. Худди шу ерда суд тузили-

шида номукаммаллик күзга ташланади. Амалдорлар аҳоли билан боғланмаган бўлади. Тўғри, одатий, ўртамиёна суд жараёнларидан улар яхшигина хабардор бўлишади, бундай суд жараёнлари баани темир изга солиб қўйилгандек, ўз-ўзича, жуда силлиққина боради ва баъзан-баъзан салгина турткиласанг, бас. Аммо оддий воқеаларда ёхуд шунингдек жуда ҳам мураккаб жараёнларда эса уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди; буларнинг ҳаммаси ҳеч шубҳасиз, қонунларнинг ўзи чекланганлигидан, уларда инсоний муносабатларни тушиунишда ҳеч вақо йўқлигидан далолат, бу эса қўзратилган ишнинг ичига киришга, – моҳиятига бориб етишга даҳшатли бир тарзда монелик қилади. Ҳув анави дераза олдида жаноблар нақадар фуссага ботганча, кўчага термилиб ўтирганларида – бундан ортигини ҳеч ҳам кутиб бўлмайди – худди шу паллада бечора адвокат ўз столи устидаги хужжатларни ҳижжалаб, уларга бирон-бир жўяли маслаҳат бериш учун ёниб-куяди. Айни шундай вазиятларда элак сувдан кўтарилади, бу жаноблар ўз касбларига қанчалик эътиимод қўйган бўлмасинлар, оҳ, қанчалик кўнгилсизлик, феъл-атворларидаги енгиб бўлмайдиган қусурлар ишнинг олға кетишига ғов бўлади. Тан олиш керак, аҳволлари шусиз ҳам жиддий, ташвишлари бошларидан ошиб ётибди, бу хизматни ҳеч ҳам енгил деб бўлмайди. Суддаги мартаба ва мавқе поғоналарининг боши-кети йўқ, бунинг адоги шу соҳа кишиларига ҳам номаълум. Бу ерда тирикчилик қилаётган қуи табақа хизматчилар учун ҳозир ўzlари кўраётган жиноят ишининг қандай боришини кузатиб бориши имконига қарийб эга бўлмайдилар, натижада бу иш уларнинг кўз олдида шундай бир даражада турадики, қаёқдан, қандай савдоларни босиб келганини билмаганларидек, кейинги тақдири

нима бўлиши, қаёққа боришидан ҳам кўпинча ғо-
фил қоладилар. Шундай қилиб, суд жараёнининг
ҳар қанақа босқичдаги аҳволи, хусусан, охирги ху-
лосаси ва унинг нимага асослангани мана бу амал-
дорларнинг онгига етиб бормайди. Қонунга кўра,
улар ишнинг фақат айни пайтдаги қисми билан
шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар ва бу жараён-
нинг кейинги тақдири, айниқса, ўз ишларининг
натижалари борасида ҳам ҳимоя қилувчига қара-
ганда камроқ билар, чунки адвокатнинг иши жа-
раённинг охиригача айбланувчи билан боғлиқ
бўлади. Демак, ана шундай бир шароитда ҳимоя-
чи унга кўп қимматли маълумотларни бера олиши
мумкин. Агар К. буларнинг барини ҳисобга олган-
да, суд амалдорларининг важоҳат билан асабий
юришларидан, кўпинча, мижозларга хусуматли
бир кўринишда муомала қилишидан ажабланма-
ган бўларди, лекин буни ҳамма ўзича бошидан ўт-
казганда билади. Шу боис, зоҳиран сипо, хотир-
жам кўринишга уринганларига қарамай бундаги
бари амалдорлар асабийликка мубтало бўлганлар.
Бунинг ҳаммадан кўра, кунда-шунда юрадиган
майда-чўйда адвокатлар кўпроқ азобини тортади.
Мисол учун, ривоят этилган мана бу мозий воқеа-
си, ҳайрон қоларли даражада ҳақиқатга яқин. Бир
нуроний, софдил, камсуқум амалдор бор экан. У
адвокатлар аралashiши билан фавқулодда чува-
лаштирилган бир ишни қарийб бир кеча-кундуз
ўрганиб, аммо вазиятдан чиқишининг бирон-бир
чорасини тополмабди. Бунақа фидойиликни бош-
қалардан топиш қийин. У қарийб йигирма тўрт
соат ишлаб, бир натижага эришолмагач, эрталаб
идоранинг орқасида яшириниб олганча ичкарига
кирмоқчи бўлган адвокатларни бирма-бир зина-
поядан улоқтирибди. Кейин адвокатлар зинапоя
майдончасида йифилиб олиб, бу ёғига нима қилиш-

ларини маслаҳатлашибдилар. Бир томондан, адватлар унга ўзларига йўл бер дея талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум, демакки, раҳбаријатга унинг устидан арз қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, бундан ташқари, юқорида эслатилгандек, улар амалдордан узоқроқ юришлари, бехудага жаҳдини чиқармасликлари керак эди. Бошқа томондан, суд жараёнининг ичида бўлишга нима етсин, ташқарида ўтказилган ҳар бир кун улар учун йўқотиш. Охири улар қария шўрликнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлишибди. Юқорига бир адвокат орқасидан иккинчиси, кетма-кет зинапоялардан чиқиб борар, номигагина чол билан тортишиб, кейин у улоқтириши учун бутун ихтиёрларини унга беришар, пастда эса ҳамкасблари тутиб олишар экан. Бу масхарабозлик қарийб бир соат давом этиб бир жойга етибдик, туни билан ишлаб тинка-мадори қуриган шўрлик қариянинг ҳаддан ташқари жонидан ўтиб, девонхонага кириб кетибди. Бошда пастда турганлар бунга ишонишмай, ҳақиқатан ҳам эшик ортида ҳеч ким йўқми, деб ҳамкасбларидан бирини юқорига йўллашибди. Фақат шундан кейин барчалари бир йўла юқорига кўтарилиб, аммо фазабланишга ҳам юраклари дов бермаган чоғи, ҳеч нарса дейишмабди. Адвокатлар, афтидан, шундай бир тоифаки, – ҳатто улардан энг бориб турган ўламсаси ҳам, ҳар қанақа қалтис вазиятларни қисман тасаввур қила оладилар, бироқ суднинг боришини қандайдир даражада бўлса-да, яхшилашга ҳеч ҳам уриниб кўришмайди, ҳолбуки, бу вақтда ҳар бир айланувчи, ҳатто бориб турган эси пасти ҳам, жиноий ишга бевосита даҳлдор бўлганлигидан унга оид илк таассуротдан бошлаб, бошига келган қайгуни бартараф этишга ҳаракат қиласи ва салгина бўлса-да, бу ишнинг бориш жараёнини яхшилаш, енгил

қилиш пайида бўлади. Афсуски, имкониятидан ташқари бирон-бир тадбирни қўллайман деб кўпинча вақтини беҳудадан-беҳудага йўқотгани қолади. Ҳолбуки, бу пайтда сарфлаган кучларини фойдалироқ бошқа бир ишга сафарбар қилса бўлади-ку, энг тўғри йўл – дунёнинг бунаقا ишларига муросай-мадора қилмоқ. Ҳатто кишининг қўлидан кичкина бир ўзгариш қилиш келса ҳам бу аслида нодонлиқдан бошқа нарса эмас, балки у келгусида суд жараёнларида баҳтли воқеа бўлиб, кимгадир қўл келиши мумкин, аммо ўзи учун фақат ва фақат ҳеч ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишга олиб келади, суд амалдорларида унинг ишига нисбатан алоҳида диққатни кучайтиради, қасос олиш ҳиссини қўзгайди. Асосийси – эътибор уйғотмаслик! Жонингдан ўтиб кетган бўлса ҳам ўзингни хотиржам кўрсат! Судни шундай бир баҳайбат маҳлуқ деб тасаввур қилишга уриниш лозим: ҳамиша омонат бир мувозанатда – қалтис ҳолатда туради, агар сен ўзбошимчалик билан ножӯя нимадир қилиб қўйсанг, бу билан оёғинг тагидаги ерни ўзинг ўпирган бўлиб чиқасан ва жарга қулаб тушасан, ҳад билмас ҳудудга эга суднинг ўзи эса бошқа бир ҳисобдан бу кичкинагина ўйиқнинг ўрнини тўлдириб кетаверади ва бу билинмай ҳам қолади, афтидан, унда ҳаммаси бир-бирига ўзаро боғлиқ, шундай бўлмагандга ҳам, янада сирли, янада қатъий, янада ҳушёр, янада даҳшатли тус олиши жуда ҳам мумкин. Яххиси, ўзингизни қисматнинг қўлига топшириб, унга халақит бермаслик керак. Албатта, гина-кудуратларнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ, айниқса баъзан айбланувчига айби нима эканлигини тушунириш ноқулай бўлса, қандай қилиб бунинг учун ўпкалаш мумкин, бироқ нима бўлганда ҳам гапнинг расамадини айтганда, девонхона директори олдида ўзини бунаقا тутиб, К. ишнинг белига

тепгани рост. Афтидан, кўрилаётган ишга таъсир этиб, К.га фойдаси тегадиганлар рўйхатидан бу нуфузли зотни ҳам ўчиришга вақт етганга ўхшайди. Энди у атайин суд жараёнига оид қулогига чалинган гапларга ҳам парво қилмай қўйди. Бу амалдорлар она сути оғиздан кетмаган гўдакнинг ўзи эканликлари, хатти-харакатларидан ҳам маълум. Баъзан арзимас-нетмас ҳодисалар бўлиб туради, – афсуски, К.нинг қилигини бунга қўшиб бўлмайди – уларнинг шунаقا жигиби йиронлари чиқиб кетади, ҳатто энг яқин дўстларининг ҳам қўкракларидан итариб, гаплашмай қўйишади, тескари бўлиб олиб, кучлари етгунча бир-бирларига қаршилик кўрсатишади. Шундай бир қалтис вазиятда мажбурият юзасидан қуракда турмайдиган ҳазил бир луқма ташланса, баногоҳ ўзгариб, хахолашлари, муросага келиб, ярашиб олишлари ҳам ҳеч гап эмас. Улар билан ош-қатиқ бўлиш ҳам мушкул, ҳам оппа-осон, ҳеч бир рисолага тўғри келмайди. Баъзан худди бир инсон ҳаётига шу нарса зарурдай, қойил қолдириш учунгина ишга даҳдор ҳамма йўл-йўриқлар эгалланилади, натижада бу қанча муваффақиятларга йўл очади. Очифи, қанчалик чоп-чоп қилиниб куйиб-пишганинг эвазига кўлга кирган майда-чуйдалар ютуқдай туюлиб, сени қувонтирган эса-да, аслида фақат мағлубиятдан бошқа нарса эмас. Шундан кейин эса ҳар қанақа ишончингта ҳам дарз кетади, ҳатто мабодо сендан кўрилаётган суд кетишига кўра яхшилик билан якунланиши керак жараён айнан ўзингнинг аралашишинг билан пачаваси чиқди, шундай эмасми деб сўраб қолишича ҳам бунга қаршилик билдиришга журъат қилолмайсан. Сенинг олдингда бор-йўғи ўз-ўзингни ҳимоя қиладиган ички алламбало қолади. Бундай шубҳа-гумонлар хуруж, – ҳа, ҳа, улар хуруждан бошқа нарса эмас – адвокатлар бу

дардга тез чалинадиган бўладилар, қайдаки олиб бораётгани ҳаммани қониқтирадиган иш уларнинг қўлидан юлқиб олинганда бу талваса юз беради. Адвокатларга бундан ортиқ мусибат бўлиши мумкин эмас. Кўрилаётган ишни айбланувчи тортиб олмайди, бунақаси ҳеч қачон бўлмаган: мабодо айбланувчи бирон-бир адвокатни ишга жалб этса, ҳеч қачон ундан воз кечмайди, қаердан ҳам кайвонилик қила олсин, ахир унинг ўзи бошқа бирорнинг ёрдамига кўз тикиб турган бўлса? Бундай бўлиши мумкин эмас, аммо бошқа бир оқибат юз кўрсатади: суд шундай бир бурилиш нуқтасига етадики, у томонига адвокатга йўл бўлсин. Алалхусус, иш ҳам, айбланувчи ҳам, ҳамма-ҳаммаси хамирдан қил суургандек жўнгина қилиб адвокатдан олиб қўйилади, бу ерда энди тўралар билан таниш-билишчилик ҳам иш бермайди, чунки уларнинг ўзи ҳам ҳеч нимани билишмайди. Жўнгина айтганда, бутун жиноий иш жараёни шундай бир босқичга келиб етадики, энди ҳеч қанақа ёрдам бериш мумкин эмасдай кўринади ва иш ёнига йўлаб бўлмайдиган суд идораларига оширилади, адвокат учун айбланувчининг ўзи ҳам қўл етмас бўлиб қолади. Ва худо берган кунлардан бирида ўз уйига қайтган адвокат столи устида бир уюм арзномаларга кўзи тушади, э, уларни у қанчалик пухталик билан тайёрлаб, ишнинг натижаси учун ниҳоятда фойдаси тегади деб кўз тутган эди; мана, энди барини ўзига жўнатишган ва бир уюм қоғоз парчалари бўлиб қолибди, холос. Аммо бу жараён бутунича ютқазилди, деган маънони билдирамайди, ҳар қанақа воқеалар содир бўлишига қарамасдан, бундай мулоҳаза юритишга ҳеч қанақа асослар йўқ, фақатгина сен жиноий иш жараёни бундан кейин нима бўлиши ҳақида ҳеч нима

била олмайсан ва билиб олиш ҳам умуман мумкин эмас. Хайриятки, бундай ишлар истисно. Ҳатто К.нинг жараёни шунаقا мусибатга дучор бўлиши мумкин эса-да, ҳозирча иш бу даражага етиб бормаган эди. Айни пайтда адвокат фаолият олиб боришида барча имкониятлар муҳайё этилган, К. бу кўмакдан истифода қилмоққа ҳеч бир шубҳага бормаса бўлади. Айтилганидек, илтимосномалар ҳали жўнатилмаган, шошилиш ярамайди, балки бундан-да яхши тадбир амалдорлар билан дастлабки музокаралар олиб борилар эди. Бироқ бу қўл солишлар – ҳақиқатан англаб олиш керак бўлса – ўзгариб турадиган музаффариятлардир. Яххиси, ҳозирча булар ҳақида муфассал гапирмаган маъқул, бўлмаса бу К.га ёмон таъсир этиши, ҳаддан ташқари қувончли умидларини қўзғатиб юбориши ёки уни жуда ҳам қўрқитиб қўйиши мумкин; фақат бир нарсани баралла айтса бўлади: бир қанча амалдорлар фавқулодда олижаноблик билан бу хусусда гапиришди ва амалда ҳаракат қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар, худди шу паллада бошқалари ҳам унча самимий бўлмаса-да мингир-мингир қилишиб, ёрдам беришдан воз кечмадилар. Умуман олганда, бу натижалар бир сўз билан айтганда, умидбахш эди, аммо бундан бирон-бир ҳал қилувчи хулоса чиқариш мумкин эмас, булар шунчаки йўлига дастлабки музокаралар бўлиб, уларнинг қай даражада қимматга эга эканлигини фақат иш жараёнининг кейинги ривожи кўрсатиб қолса ажаб эмас. Ҳар на бўлганда ҳам ишда ҳали ҳеч нарса йўқотилмаган, орадаги арзимас кўнгилсизликка қарамасдан девонхона директорининг хайриҳоҳдиги тикланса борми, қолаверса, бўлак чоралар ҳам қўрилди, ҳарқалай, худди жарроҳдар айтганидек, ярага ҳеч қанақа гард юқмаган, бу ёғига иш қандай

тус олишини назардан қочирмай, сабр-бардош билан кутиш керак эди.

Шундай ва шунга ўхшаш суҳбатларда адвокат роса тўлиб-тошади. Бу ҳар бир учрашувда қайта-рилади. Ҳамиша қандайдир муваффақият қозонишларга имконият мавжудлиги гапирилса-да, улар нималардан иборат эканлиги ҳеч қачон айтилмайди. Биринчи арзнома устидаги ишлар тўхтовсиз давом этар, у ҳали яхлит бир тарзда тайёр эмас, ҳолбуки, кейинги учрашувда айнан у энг катта имтиёз бўладиганга ўхшарди; худди шундай аксига олиб, бу арзномани узатиш учун кейинги икки-уч кун жин урдими, ноқулай бўлиб чиқди, зеро, буни ҳеч ким аввалдан амалласа бўларди, деб, башорат қилолмайди. Агарки, К. бу боши-кети йўқ, жонга тегар сафсата сотишларга эътибор бериб, барча қийинчиликларни, ҳатто иш жуда ҳам судралаётганлигини айтса, унга шу ердаёқ қарши чиқиб, ҳеч ҳам иш пайсалга солинмаяпти, деб оғзига уриши турган гап, ҳолбуки К. ўз вақтида адвокатларга мурожаат қилганида иш тезроқ жилган бўларди. Бироқ минг афсуски, шу ерда у хатога йўл қўйди, бу хатолик эса фақатгина ҳозир эмас, келгусида ҳам бир қанча мушкулликларни тугдириши тайин.

Бу боши-кети йўқ қатновларга роҳат-фароғат бағишлийдигани ягона омил Ленининг шу ерда бўлиши эди: қиз ҳамиша К. бу ерда бўлганида ажабтовур чойхўриклар уюштиради. К.нинг орқасида туриб олганча, гўё адвокатга маҳлиёдай, аслида чолнинг жуда ҳам эгилиб, финжонга чой қувиши ва ҳарислик билан ичишини кузатиб ўтирад, яширинча узатилган қўли эса К. томонидан силанаётган бўларди. Шунда бутунлай жимлик чўкади. Адвокат чой ичар, К. эса Ленининг қўлларини сиқиб ўтирад, Лени ҳам гоҳо ботиниб К.нинг соchlарини силаб қўяр эди.

– Сен ҳали ҳам шу ердамисан? – чой ичиб бўлган адвокат ундан сўраб қоларди.

– Мен идиш-товоқдарни йиғиштириб олмоқчи эдим, – Лени, сўнгги бор қўл қисиши асносида жавоб қиларкан, шу заҳоти лабларини артган адвокат яна янги куч, зўр иштиёқ билан К. га қараб гап уқтиришга тушарди.

У К.ни тинчлантирмоқчими ёки руҳини чўктиримоқчи? Бу кишим яна нимани дўндириб бермоқчи, К. ҳеч ҳам тушуна олмасди. Эҳтимол, адвокатнинг гапида жон бордир, аммо у ўзини аллома қилиб кўрсатмоқлиги аён, ростини айтганда, К.нинг жиноий ишига ўхшашиб мурakkab жараённи ҳеч қачон олиб бормаган. Бироқ гап-сўзларидағи энг шубҳа уйғотадигани амалдорлар билан шахсан танишлагини бот-бот таъкидлайвериши эди. Бу алоқалар К.нинг фойдасигами ёки аксинча? Адвокат аслида нуқул паст табақа хизматчилар яъни ижрочилар ҳақида гапиргани-гапирган, жараённинг ҳал қилувчи бурилишларида уларнинг аралашиши эса фақат лавозимлари кўтарилишигагина асқатиши мумкин, холос. Эҳтимол, улар айбланувчи учун ана шу бурилишлар нобоп бўлиб чиқишини кўзлаб, бу йўлда адвокатдан усталик билан фойдаланган бўлишса-чи? Улар ҳар бир ишда ҳам бунақа мақсадни ўз олдиларига қўявермасалар керак, бу ҳақиқатдан жуда узоқ, балки ўзларига қилган астойдил хизматларига яраша адвокатга ёрдам қилиб юборишлари ҳам мумкин, чунки бундан суд амалдорларининг ўзлари кўпинча манфаатдор бўладилар, шунга қўра, уларнинг донғи чиқади. Аммо адвокат таъкидлаганидек иш жуда ҳам жиддий, яъни суд ҳокимияти бошиданоқ диққат-эътибор билан қараётган бўлса, К.нинг ишига қандай қилиб аралашишлари мум-

кин. Йўқ, бари бир уларнинг охир-оқибат кўзла-
ганлари нималигига шубҳаланмаса ҳам бўлади.
Бироқ ҳавфнинг қай бир аломатларини чамала-
са бўлади: зеро, бир неча ойдан буён кўрилаёт-
ган иш бир жойда туриб қолди, биринчи илтимос
аризаси эса ҳалигача юборилгани йўқ, адвокат-
нинг фикрига кўра, суд жараёни ҳавфсирашга
арзимайдиган, қуи бир босқичда эмиш; аммо
бу айланувчининг диққатини чалғитиб, мудҳиш
режани амалга оширишга жуда қўл келиб қоли-
ши ва бирдан унинг оёқ-қўлини боғлаб бериб,
устидан ҳукм чиқаришга йўл очиши ҳеч гап эмас
ёки кам деганда айланувчи учун тергов муваффақиятсиз тарзда якунланиб, у юқори босқичда
кўрилишга узатилиши мумкин.

Йўқ, К.нинг ўзи ишга аралашмаса бўлмайди. Силласи тамоман қуриган, ушбу қиши тонгида бутун фикри хаёли шундай қилиш керак деб турар, ҳеч бир тортишувсиз бунга ишончи комил эди. Суд жараёнига нисбатан бошда ҳис қилган ижирғанишга ўхшаш туйфу ҳозир қайгадир йўқолди. Агарда ёруғ оламда ёлғиз ўзи қолганда бу ишга менсимасдан, безътибор қараган бўларди, топган гапини қаранг, ундай тақдирда бунақа суд жараёнининг ўзи ҳам бўлмасди-да. Лекин ҳозир амакиси уни адвокатнинг олдига судраб боргандан кейин қариндошлик ришталари ҳақида ҳам ўйламаса бўлмаслигини; ҳа, қолаверса унинг банкдаги фаолиятининг кетиши ҳам қисман суд маромининг боришига боғлиқ бўлиб қолганлигини тушуниб қолди, чунки унинг ўзи эҳтиётсизлик қилиб ёки ҳатто қанақадир тушунириб бўлмас қониқиши билан ўз жараёни ҳақида оғзидан гуллаб қўйгани боис у кўрмаган билмаган бошқа ошналарининг бу ҳақида қаердан билиб олганларига ҳайрон; ҳатто фройлейн Бюр-

стнернинг муносабати ҳам ишнинг бориш жара-
ёнига боғлиқ тарзда ўзгариб турад, хуллас, бу суд
жараёнини қабул қылсингми ёки йўқ, унинг учун
қарийб танлаш имкони қолмаган эди, у шундай
бир гирдобга тушиб қолгандини, омон қолиш
учун фақатгина курашиши керак эди. Мабодо
ҳозирданоқ тинка-мадори қуриб қолган бўлса, бу
ўзи учун яна ҳам ёмон.

Шунга қарамай, ваҳима қилиб айюҳаннос со-
ладиган ҳеч бир воқеа содир бўлганича йўқ. У ўз
банкида фаолият юритган қисқа бир фурсатда
жуда қийин ва масъулиятли йўлни босиб ўтиб,
юқори бир мансабгача кўтарилиб боришнинг
уддасидан чиқди ва лаёқати ҳамма томонидан
эътироф этилиб, анчадан буён шу лавозимда
ҳовлиқмай-нетмай касби-корини давом эттириб
келяпти; шундай экан, демак, энди у мана шу
устакорлигини устидан қўзғатилган ишни бар-
тараф этишга қаратиши керак, шунда, ҳаммаси
яхшилик билан фойдасига ҳал бўлиши бегумон.
Лекин ҳаммасидан олдин, жиндаккина бўлса-да,
муваффақиятга эришмоқчи экан, бирон-бир
айби борлиги ҳақидаги ҳар қанақа шубҳа-гумон-
ни фикри-хаёлидан улоқтириб ташлаши керак.
Ҳеч қанақа айби йўқ. Бутун суд жараёни ҳам
каттагина бир иш – банкда ҳам шунақа залворли
юмушларнинг кўпини уddaлаган, ҳаёт қонуния-
тига кўра бунда ҳам ҳар қанақа хавфу хатарлар
бўлиши табиий – унинг олдида турган асосий
масала булардан устун бўла олиши. Бу мақсад-
га мувофиқ, қандайдир айби борлигини хаёл-
га келтириши ҳам ақлга хилоф, аксинча, барча
фикр-ўйларни ўзининг мутлақ ҳақдиги тевараги-
да жипслаштиришга эришиши керак. Бунда эса
муқаррар равишда адвокатни бу ишдан қанча
бўлса, шунча тез, бугун кечқуруноқ четлаштириш

қарорига келиш нур устига нур бўлади. Очифи, бу айнан шу адвокатнинг ўз лутфи билан айтганда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган намунавий тадбир бўлар ва шунинг учун ҳам унинг жонини чиқариб юборса керак; бироқ К. бор куч-қуввати айнан мана шу адвокат тўқиб-бичиб уюштирган алламбалоларига сарф бўлишига энди ортиқча чидаб ўтиромайди. У қанча тез тобелик юкидан холос бўлса, пайсалга солмай шу заҳоти унинг ўзи арзномани керакли жойга йўллар ва эҳтимол бу қофозларни кўриб чиқишлари учун суд маҳкамасига ҳар куни боришига тўғри келар эди. Бироқ у кўриб юрганидек, бошқаларга ўхшаб, шляпасини ўриндиқ тагига қўйганча, йўлакда кўзлари тўрт бўлиб ўтиromoқчи эмас. Балки унинг ўзи ёки таниш аёллар, ё бошқа биттаси, ишқилиб, ким бўлмасин, биронтаси ҳар куни тўғридан-тўғри бориб, суд амалдорларини гирибонидан олганча панжара орқасидан даҳдизни тамоша қилиб ўтиришга қўймай, юзма-юз К.нинг арзномасини кўриб чиқишга мажбур қиласиди. Бу ерда шалвирамоқ ярамайди, бор имкониятларни ишга солиб, ҳаммасини ташкиллаштириш, бирма-бир текшириб чиқиш керак; ва охир-оқибат суд ўз ҳақ-хукуқини талаб қила оладиган айбловчи билан тўқнашсин.

Бироқ буларнинг барини қилишига К. ишона олса, бошқа гап эди, ҳолбуки, арзномаларни қандай тайёрлашни тасаввур қилишнинг ўзи унинг учун енгиг бўлмайдиган мashaққат эди. Бир ҳафта олдин бу қофозни мажбурият юзасидан тайёрлашни ўйлар экан, ўзини жуда ҳам ноқулай сезди. Ҳатто шугинанинг ўзи шунчалик қишин бўлади деб етти ухлаб тушига кирмаганди. Унинг эсига бир воқеа тушди: бир куни эрталаб юмушларга қўмилиб ўтиаркан, бирдан у буларнинг барини бир чеккага улоқтириди-да, балки

кейинроқ бирор-бир тепса-тебранмас адвокатга фойдаланиш учун берарман деб, арзнома қоралаш учун ён дафтарчасини олди; шу паллада эса директор хонасининг эшиги очилиб, жарангдор қаҳқаҳа отиб, хонага директор муовини кириб келди. Бундан К. жуда ҳам ноқулай аҳволга тушди, ҳолбуки, директор муовини ҳеч ҳам унинг ўтичномаси устидан кулмаган, бу ҳақида у қаердан ҳам билсин, балки бунинг боиси эшитган биржа латифаларидан бири эди; муовин бу латифа унга ҳам тушунарли бўлсин деган ниятда, расмини чизиб кўрсатиб бермоқчи бўлди ва К. нинг столи устига энгашиб, қўлидан ручкасини олди-да, қораламалар учун очилган ён дафтарчasi варагига расм солишга тушиб кетди.

Бироқ бугун К. ноқулайликларни унугтган – арзнома ёзиши шарт эди. Агар у хизмат пайтида бу ишга вақт ажратса олмаса, бошқа пайт, демак кечаси, уйга келгандан кейин ёзишга тўғри келади. Мабодо кечалари ҳам ишлаш учун камлик қиласидиган бўлса, таътил олиши лозим бўлади. Фақатгина ярим йўлда тўхтамаса бўлгани, тўхтамоқ ишдагина эмас, умуман ҳар қачон ва ҳар ерда гумроҳликка олиб келади. Тўғри, арзнома ёзиш узоқ, қарийб боши-кети йўқ бир ташвиш. Ҳатто иродаси темир киши ҳам бундай қофозларни мукаммал бир тарзда тайёрлашга ақл бовор қилмайди, деган фикрга келиши мумкин. Фақатгина адвокатнинг ҳар қанақа ёлғон-яшиқ бичиб-тўқиши, пасткашлиги йўлда тўғаноқ бўлиб чиқмайди, балки айбловнинг ўзи нимадан иборатлилигини билмаслик катта ғов бўлиб туради, шунинг учун ҳам унга ҳар қанақа мумкин бўладиган, фойдаси тегиши эҳтимоли бор қўшимчаларни қўшиш учун бутун ҳаёт йўлини муфассал ёзив чиқиши, хотираидаги ҳар бир майда-чуйда воқеа-

ҳодисаларгача тиклаб ва уларни ҳар томонлама текшириб күриш керак бўлади. Бу эса эҳ қанчалик мусибатли юмуш! Балки бу иш нафақага чиқиб кетган бирон-бир қарияга қўл келиши, у нима биландир миясини банд қилиб, боладек бўлиб қолган кирди-чиқди хаёlinи овунтириш учун ва шу билан имиллаб ўтадиган узун кунларининг танобини тортиб қўйишига асқатса ажаб эмас. Аммо қайнаб турган соғлом фикрларини иши учун асраб-авайлашга мажбур, вақти ҳам фавқулодда тутқич бермай ўтаётган, амали ҳам шунга яраша ўсиб боргани сари қай бир жиҳатдан директор муовини учун таҳдидли, яна навқирон ёшда қисқагина кечалардан лаззат олиши керак бўлган ҳолида аксига олиб, нечун ҳаммасидан кечиб, бу ҳужжатларни тайёрлаш учун боши билан шўнғиши керак экан! Ва К. яна хаёлан ўзига ачиниблар кетди. Ишқилиб, у бу хусусидаги пайдар-пай келаётган ўйлар оқимини бас қилиш учун беихтиёр қабулхона қўнғироғини босиб юборди. Мурватни босди-ю, у соатига кўз ташлади. Қарийб, ўн бирга етаёзибди, демак, у қимматли икки соатини ҳавога совуриб, бу ерда бўлмағур хаёллар суриб ўтирибди, аммо аввалгидан-да ҳориб, тинка-мадори қуриганини ҳис қилди. Ҳарқалай, вақти беҳуда ўтди деб бўлмайди, қатъий бир қарорга келди, балки шу унинг учун фойдалироқ бўлар. Чопар хат-хабарлар билан бирга икки жанобнинг ташриф қофозини ҳам киритди, улар аллақачондан буён кўзлари ниғорон бўлиб К.нинг таклифини кутиб ўтиришарди. Аксига олиб, улар банкнинг жуда керакли мижозлари бўлиб, ҳар қандай вазиятда ҳам куттириб қўйиши мумкин эмасди. Нега улар ана шундай ит эгасини танимайдиган нокулай вақтда ташриф буоришиди, нима учун дегани нимаси, балки бу жаноблар ҳам эшик ортида туриб, К.дай ўз ишига

масъулият билан қарайдиган тиришқоқ бир ходим қайноқ фаолият кўрсатиш керак бўлган қимматли бир лаҳзаларда уларни маҳтал қилиб нима учун шахсий иши билан машғул бўлиб ўтирибди, дея ўйлаган бўлсалар-чи? Бўлиб ўтганларнинг ҳаммаси учун жонидан тўйган К. ҳоргин бир алпозда нима бўлишини кутишга қарор бериб, ноилож ўрнидан турди ва биринчи мижознинг истикболига чиқди.

Бу киши К. яхши билган кичкинагина, пачоқ гавдали фабрикачи эди. У К.ни муҳим юмушлардан чалғитгани учун узр сўраган бўлди ва К. ҳам ўз навбатида уни узоқ куттириб қўйганлигидан хижолатда эканлигини изҳор этди. Бироқ гаплари шунчалик нотабиий чиқдики, агар фабрикачи ўз ташвишлари билан ҳаддан ташқари банд бўлмаганида, К.нинг овозидаги сохталикни албатта сезиб қолган бўларди. У эса шошқалоқларча барча чўнтакларидағи ҳисоботлар ва жадвалларни суфуриб олиб, К.нинг олдига ёйиб ташлади ва алоҳида бандлар билан уларни шарҳлашга тушиб кетар экан, шу илдам кўз ташлаб олишдаёқ, ҳисоб-китоблардаги кўздан қочган у-бу камчиликларни тузатди, шу аснода К. билан бир йил олдин қулай битимга келганини эслатди, йўл-йўлакай эса бу сафар бошқа бир банк арзирли ён бериш билан шундай битимга келишга тайёр эканлигини гапига қистириб ўтди ва охири бунинг учун у К.нинг фикрини эшлишишга келганини изҳор этиб, чакаги тинди. К. ҳақиқатан ҳам бошда катта қизиқиши билан фабрикачининг ҳар бир гапини тинглаб, тарозига солиб ўтирди, унинг фикри хаёлини ҳам мўмай даромад қилса бўладиган фойдали битимга келиш нияти эгаллаб олди, афсуски, бу узоқ давом этмади; кўп ўтмай бу гапларга қулоқ солиб ўтиришни бас қилди, шунда ҳам бир оз вақт фабрикачининг иштиёқ билан айтиётган сўзларига қўшилгувчи кишидай

жавоб ўрнида бошини қимирлатиб ўтириди, сүнг эса буни ҳам йифиштириди, гоҳ унинг тап-тақири кал бошига разм солиб қўйиб, қофозлар устига энгашар экан, бу вайсашлари беҳуда эканлигини фабрикачи қачон тушуниб етади, деб ўз-ўзидан сўрарди. Ниҳоят фабрикачи жимиб қолгач, К. ҳам бошда жиддий қиёфада ўйланиб турди, гўё бу билан у бироннинг гапини тинглаб, қабул қилиш вазиятида эмаслигини сукут аломати билан билдиromoқчи, буни тушуниб олиш учун имконият яратадигандай бўлди. Аммо фабрикачининг оч арвоҳдай бутунлай ўз дардига ботиб қолган нигоҳларига кўзи тушди-ю, ҳар қанақа эътироизга ўрин йўқлигига амин бўлди ва чор-ночор иш борасидаги суҳбатни давом эттирмаса бўлмаслигини тушунди. К. баайни буйруққа бўйсунгандек, бошини қуи эгиб, қаламини судрагандек қилиб қофоз устида юритганча, айрим жойларига эътиборни ошириш керакдай қандайдир рақамларга кўз солиб ўтираверди. Бу ҳолдан фабрикачи К. нимагадир рози эмас, деб чамалади, эҳтимол ҳисоб-китоблар у даражада аниқ эмасдир, балки улар ишни бир ёққа суриб беролмас, нима бўлганда ҳам, фабрикачи қўлидаги қофозларни ёпиб, К.нинг олдига яна-да яқин суриб қўйди-да, яна қайтадан ўз ишининг умумий қирралари хусусида тушунтиришга киришиди.

– Буларнинг бари жуда мушкул, – фабрикачи қофозларни ёпганда, К. шундай деб, лабларини жийирди, – энг тўғриси, бутун хаёлни бир жойга қўйиб, ҳаммасини яна бир бор эринмасдан кўриб чиқиш керак, – у беихтиёр ўзини орқага ташлаб, ўриндиққа суюнди.

У эндинина нигоҳини кўтарганди ҳам, директор хонасининг эшиги очилиб, узоқдан, гўё тутун ичида қолгандек фира-ширада имиллабгина ке-

лаётган директор ўринбосарининг гавдаси кўзга ташланди.

К. бунга парво ҳам қилмади, лекин фабрика-чининг фавқулодда ўзгариб, терисига сифмай кетгани уни-да қувонтирди, ахир бу фабрика-чидан кутулишнинг айни мавриди келганлигини кўрсатарди. Фабрикачи шу чоқ курсидан сакраб туриб, директор муовинининг истиқболига шошди. К. унинг бундан-да ўн баробар илдамроқ ҳаракат қилишини истар, директор муовини бирдан ғойиб бўлиб қолишидан қўрқарди. Хавфсираш беҳудага ўхшарди, чунки икки жаноб бир-бирларининг қўлларини дўстона қисишганча кўришдилар ва бирга-бирга К.нинг столига яқинлашишди. Фабрикачи жаноб прокурест бу ишни жўнаштириб юборишга ҳеч бўйни ёр бермаяпти, деб К.дан нолиган бўлди ва унга қараб бошини силкиб қўйди ва директор муовинининг кўз қараши остида қофозлар устига янада бошини пастроқ эгди. Иккиси ҳам К.нинг столига энгashiб, қофозларга бор эътиборни қаратишгач, фабрикачи нима бўлса ҳам директор муовинини ўз томонига оғдириш учун жони ҳалак бўлиб, уни аврашга ўтди. К.га бу икки жаноб ҳаддан ташқари ғовлаб кетиб, ҳамма жойни эгаллаб олгану энди эса боши узра туриб, ўзининг тақдирини ҳал қилаётгандай туюлди. У оҳиста ва эҳтиёткорлик билан тепада нима воқеа юз бераетганига кўз ташлаш умидида нигоҳини юқорига кўтарди; стол устида ётган қофозлардан бирини, ҳеч бир томонга қарамай, кафтига оди ва оромкурсидан секин-асталик билан бир микдорда кўтариб, ҳужжатларни уларга тутди. Бу пайтда у ҳеч нима ҳақида ўйлай олмас, топган эрмагини давом эттирас экан, хаёлан бир куни бутунлай ўзини оқдайдиган арзномани тайёрлагандага ҳара-

кати шунақа бўлишини қўз олдига келтиради. Директор муовини қулоғи динг бўлиб фабрикачини тинглар экан, К. кўтарган қофозни кўриб турган бўлса-да, жаноб прокуррист учун жуда ҳам муҳимдир, деган андишага бормади, ҳатто ўқиб кўриш у ёқда турсин қиё ҳам боқмади, фақатгина К.нинг қўлидан олар экан, «Рахмат, мен ўзим ҳаммасини аллақачон биламан» деб, қофозни хотиржам стол устига қўйди. К. унга хушламайгина кўз қирини ташлади. Бироқ директор муовини бу қарашни пайқамадиям, борди-ю пайқагандা ҳам бундан янада кўпроқ севинган бўларди. У бирдан қаттиқ қаҳқаҳа отиб, ҳамма ёқни бузди, ҳатто фабрикачи билан ҳазиллашиб, уни хижолатга солди, сўнг эса узил-кесил бир битимга келиш ниятида мижозни ўз иш бўлмасига таклиф этди.

– Бу иш ҳар томонлама жиддий, – деди у фабрикачига қараб, – менга бунинг сабаби беш панжадек аён. Жаноб прокуристга келсак, – у бу сўзни фақат фабрикачига дахлдордай қилиб деди, – биз уни бу ташвишдан озод қиласак, менимча, вижданан энг тўғри йўл тутган бўлар эдик. Сизнинг ишингиз хотиржам муҳокамани талаб этади. Бугун иши жуда ҳам бошидан ошиб кетган кўринади, шунинг учун ҳам қабулхонада кишилар уни соатлаб кутиб ўтиришибди.

К. директор муовинидан юзини терс ўгиришга бир баҳя қолди ва ўзини зўрлаб, фақат фабрикачига билинар-билинмас табассум қилиб қўйди. У бошқа улар билан иши бўлмади, енгилгина олдинга энгашиб, столга икки тирсагини тиради-да, икки жанобга худди пештахтали дўкондор каби қаради, улар эса ўзаро ниманидир келишиб олганча, стол устидаги қофозларни йиғиштиришиб, директор хонаси ортига фойиб бўлишди. Эшикда фабрикачи яна бир бор ортига ўгирилиб, жаноб

прокуррист, хайрлашмаймиз, мен натижалардан сизни хабардор этмай кетмайман, деди, бундан ташқари яна сизга айтадиган кичкинагина бир янгилигим бор, деб қистириб ҳам қўйди.

Ниҳоят К.нинг бир ўзи қолди. У навбатда-ги мижознинг ҳожатини чиқариш учун бу ёққа чақиришни хаёлига ҳам келтирмади, аниқ-ти-ниқ бўлмаса-да, ҳарқалай қабулхонада ўтирган кишилар гўё у фабрикачи билан банд деб ўйла-шига ишончи комил, шунинг учун ҳеч ким, ҳатто чопарнинг ўзиям олдига киришга журъат этол-май ўтирганини тасаввур қилди, бу ҳазилакам омад эмас. У дераза олдига келди, унинг рафига ўтирганча бир қўли билан лўқидонни ушлаб, хиё-бонга разм солди. Қор ҳамон уриб ётар, об-ҳаво ҳали-бери очиладиган эмасди.

У узоқ пайт қимириламасдан ўтирди, айнан уни нима ташвишга солаётганига тушунмай, фақат аҳён-аҳёнда, қанақадир шовқин-сурон эшитила-ётган қабулхона тарафга елкаси оша қўрқа-писа қараб қўяр эди. Ҳамишаги вазият эди, хонасига ҳеч ким кирмагач, у хотиржам тортиб, кўл ювгич олдига борди ва совуқ сувга ювиниб, боши енгил бўлган ҳолда яна дераза олдига қайтиб борди. Ўз ҳимоясини қўлига олиш қарорига келган дам-дан кўра энди бу иш унга масъулиятли, жиддий кўринарди. У бутун ҳимояни адвокатнинг зи-масига юклаган пайтларда суд жараёнига моҳия-тан жуда ҳам кам алоқаси бор, унинг маромини фақат ҳимоячиси ортида туриб, четдан кузатган, аммо иш билан тўғридан-тўғри тўқнашмаган бў-либ, – ўз истагига кўра хоҳласа қизиққан, хоҳла-са унутган эди. Энди, агар ҳимояни ўз қўлига оладиган бўлса, ҳеч бўлмагандা айни пайтда жи-ноий ишига бемалол аралапшиши, унга бутун ву-жуни билан ўйниши керак бўлади. Агар ҳамма-

си муваффақиятли якунланса, ниҳоят биратўла ва мутлақ озодликни қўлга киритар эди, аммо бунга муваффақ бўлиши учун ҳозирга қараганда ҳам кўпдан-кўп хавф-хатар билан тўқнашишга тўғри келади. У шу кунгача буни тусмоллаб келган бўлса – мана бугун директор муовини иштирокида фабрикачи билан учрашуви аниқ-тиниқ кўрсатди – етарли даражада ишонтириди. Ҳимоясини ўз қўлига олишни бор-йўғи ният қилганида мана бу кишилар кириб келди-ю, довдираф, нима қилишини билмай қолди. Энди бу ёғи нима бўлади? Уни олдинда не кунлар кутиб турибди? Ишқилиб у ҳаммаси хайрли тугайдиган йўл топа олармикан? Бошқача бўлса, буларнинг бари қуруқ хом хаёл бўлиб қолаверади. Ҳимояни ўз қўлига олишнинг пухта ўйланган бирор-бир йўлини топмоқ бошқа барча ўй-хаёлларга чек қўйиб, имкон қадар кераксиз юмушларнинг баҳридан ўтиши фойда берармикин? Шу орқали у ҳаммасини баҳайр якуnlай олармикан? Бу режасини у ўз ҳаётida, банк шароитида қандай татбиқ этса бўлади? Айтидан, унга вақт факат арзномаларини тайёрлаш учунгина керак бўлмайди, бунинг учун таътилга чиқса етарли – ҳолбуки, таътилга чиқишини сўраш учун ҳам ундан ҳали катта жасорат, ўқтамлик зарур – бироқ вақт бутун бир суд жараёнини бошидан кечириш учун керак бўлади, Худо билади, у қанча судраларкин? Мана қанча тўсиқлар К.нинг ҳаёт йўлида бирдан кўндаланг бўлиб турибди.

Наҳотки, у шундай бир ҳолда ҳам банкда ишлашга маҳкум бўлса? У столга кўз қирини ташлади. Наҳотки, ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган шундай қалтис паллада ҳам мижозларни қабул қилиб, улар билан иш юзасидан кенгашиб ўтира олса? Тепадаги чордоқда йиғилиб олган суд амал-

дорлари ўлжага ташланмоқчи бўлган қашқирлар-дек устидан қўзғатилган жиноят ишини бир ёқли қилмоқчи бўлсалару, бу ерда ноҳақ айбланаётган кимсанинг ўзи банкнинг одатий юмушларига бўғзигача кўмилиб ўтиrsa? Бу уни руҳий қийноққа, исканжага солишга ўхшамайдими, ёхуд у суддагиларнинг ижозати билан шу қийноқларга атайин солинаётганмикин? Унинг фавқулодда ҳолатини ҳисобга олишиб, шунга яраша ишларини баҳолайдиларми? Ҳеч ким ҳеч қачон! Кимлардир устидан кетаётган жараён ҳақида у-бу нарса билишар, аммо бу ҳам ярим-ёрти. Ҳар қанақа мишиш-мишлар ҳозирча директор муовинининг қулогига етмаганлигига ишонса бўлади, аксинча бўлганда, дўстона ва одамоҳун бўлишига қарамай, уларни у шу заҳоти К.нинг зарарига ишлатиш учун астойдил интилган бўларди. Директорнинг ўзи-чи? Албатта унинг К.га ихлоси баланд, мабодо суд жараёни ҳақида хабар топганида, К. нинг тақдирини изга солиш учун дарров қўлидан нима келса, шуни қилган бўларди; бироқ энди буям даргумон. Чунки айни пайтда К. ўз ғалваси билан бўлиб, муовинга қарши туришни қарийб бас қилган, директорнинг ярим жонлигидан фойдаланиб, муовин нега ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олиши керак эмас экан. Шундай ҳолда нимага умид боғласин? Эҳтимол мана шу ўй-хаёлларнинг ўзига бардош беришдан ҳам кучи қирқилаётгандир, бироқ, бошқа томондан, ўзини алдаб юриши ҳам мумкин эмас, худди шу лаҳзаларда ҳаммасини нима, қанчалик мумкинлигини олдиндан кўра билиши керак.

Ҳар қанақа дардисар баҳоналарсиз ҳам ёзув столига қайтиб ўтирмаслик учун К. деразани ланг очиб юборди. Уни очишнинг ўзи бўлмади, дастакдан икки қўл билан тутиб, зўр куч билан

итаришга түгри келди. Бутун хона бўйиу энига туман ва тутунга, яна куйинди исига тўлди. Елизизак бир талай қор заррачаларини ҳам ичкарига туширди.

– Лаънати куз ҳавоси-да, – К.нинг орқа томонида фабрикачининг овози янгради. У киши директор муовини хонасидан чиқиб, билдирмайгина ойнага яқинлашганди.

К. унинг гапини тасдиқлагандай бошини силкитди-да, фабрикачининг портфелига ҳавфси-раш билан қараб қўйди. Эҳтимол, у ҳозир портфелдан қоғозларни олиб, директор муовини билан музокаралари қандай ўтганлиги ҳақида ҳикоясини бошлаб қолса ҳам ажаб эмас. Бироқ фабрикачи К.нинг нигоҳи билан тўқнашиб, портфелига уриб қўйди-да, уни очмай гап бошлади.

– Албатта, сиз учун, мен нимага эришганимни эшитиш қизиқарли бўлса керак. Шуни айтишим мумкинки, шартнома қарийб менинг чўнтағимда деса ҳам бўлади. Ажойиб киши-да муовинларингиз. Ушлаган жойини кесади.

У табассум қилиб, К.нинг қўлларини бир неча бор силтаб қўйди, афтидан, К.нинг кайфиятини кўтармоқчи бўларди. Бироқ фабрикачи ҳужжатларини кўрсатишни ҳам истамагани К.нинг кўнглига шубҳа солди, қолаверса, сўзларидан ҳам кулгини қистатадиган бирон нарса тополмади.

– Жаноб прокуррист, – деб қолди бирдан фабрикачи, – эҳтимол сизга об-ҳаво ёмон таъсир этаётгандир? Чехрангиз қандайдир сўлгин.

– Ҳа, – деди К. қўлинни чаккасига яқинлаштириб. – Оилавий ихтилофлар чиқиб турибди, бoshим шишган.

– Тўғри, билинади, – ҳамдардлик билдиргандай бидирлади фабрикачи, у жуда ҳам сабрсиз – шошқалоқ киши бўлиб, ўзига қаратагапираёт-

ганларида ҳеч қачон охиригача хотиржам тинглашга сабри етмасди. – Ҳар ким пешонасида ёзилганини кўради.

К. беихтиёр эшикка қараб талпинди, гўё мижозини ҳайдамоқчи бўлгандай, бироқ шу он яна фабрикачининг жаги очилди:

– Жаноб прокуррист, менда сизга айтадиган яна кичкинагина бир хабар бор эди. Жуда қўрқаманки, аҳволингиз унақа эмас, менинг фаромушлигимни қаранг, кейинги икки бор келганимда ҳам буни сизга айтиш хотирамдан кўтарилиб кетибди. Балки хабаримни бир чеккага улоқтирадиган бўлса, вақт ўтган сари унинг ҳеч қанақа қиймати қолмайди. Шунақа бўлса ҳам, ўйлашимча, эҳтимол, сизга бирон-бир фойдаси тегиб қолса ажаб эмас, – унга нимадир деб жавоб қилишга ултурмаган ҳам эдики, фабрикачи юзма-юз келиб, кўкрагига букилган бармоғини дўқ-дўқ уриб, се-кингина деди:

– Устингиздан жиноят иши қўзғатилибди, шу ростми?

К. ўзини орқага ташлаганча ҳовлиқиб деди:

– Буни сизга директор муовини айтдими?

– Э, йўғ-э, – эътиroz билдириди фабрикачи, – бу ҳақида муовин қаердан ҳам билсин?

– Сиз-чи? – К. энди ҳовуридан тушиб хотиржам суриштирди.

– Мен суддагилар даврасида бўлганимда, бу соҳага оид у-бу нарсани эшишиб тураман, – деди фабрикачи. – Шу боис бу ҳақида сиз билан гаплашмоқчи эдим.

– Бу даврага алоқадор кишилар нечта ўзи? – сўради-да, К. бошини қўйи солиб, фабрикачини ҳам стол сари бошлади.

Улар аввал қандай ўтиришган бўлса, шундай ўтиришгач, фабрикачи гап бошлади:

– Афсуски, мен сизга бу ҳақида жуда кам маълумот бера оламан. Бироқ бунақа ишларда жуда майда-чуйда гапларга ҳам эътиборсиз қараш мумкин эмас. Ҳа, менинг айтганларим жуда арзимас бўлиши мумкин, лекин у бирон-бир кори-ҳолингизга яраса, деган ҳис-туйғу мени бу ерга етаклаб келди. Ахир биз шу пайтгача ҳамкор сифатида бир-биришимиз билан муносабатларимиз жуда самимий эди, шундай масми? Бўлмасам-чи!

К. бугунги суҳбат чорида қилган муомала-муносабати учун ундан кечирим сўрамоқчи бўлди, бироқ фабрикачи сўзини бўлинишига тоқат қиломас эди. У портфелини қўлтифи остига тиқиб, ўзининг қандай шошилаётганлигини таъкидлаган бўлди ва гапида давом этди:

– Устингиздан қўзғатилган жиноий иш жараёни хусусида мен Титореллидан эшитдим. У рассом, Титорелли унинг тахаллуси, ҳақиқий исмини ҳатто билмайман ҳам. Қўп йиллардан буён у менинг идорамга тез-тез бош суқиб, кичкина-кичкина, бир энлик суратларини кўтариб келади, ранг кўр, ҳол сўр деганлариdek, у шунчалик қашшоқчи, унга ачинганим ҳақи, садақа қилгандек, бир нима бериб, уларни олиб қоламан. Бу битимга иккимиз ҳам одатланиб қолганимиз, ҳамиша беғалва савдомиз силлиқцина битарди. Бироқ борган сари у серқатнов бўйиб қолгач, жонимга тегиб, охири суҳбатларимиздан бирида бу суратчалар чизиш билан қандай тирикчилик қиласан, деб ошкора қизиқдим, жавобини эшитиб, ҳайратланганимни кўрсангиз эди, унинг асосий қиладиган даромади портретлар чизиб беришдан келаркан. «Суд учун ишлаб бераман», деди у. «Қанақа судни айтяпсан?» ҳайрон қолиб суриштирдим. Шунда у суд ҳақида ҳаммасини ҳикоя қилиб берди. Эҳтимол, бундан қанчалик эсанкираб қолганимни бошқаларга қа-

раганда сиз яхшироқ тасаввур қиласыз. Шундан бошлаб, ҳозиргача ҳар келишида ундан қанақадир янгиликни эшитиб, бу маълумотлардан суд ҳақида ўзимча нималарнидир тасаввур қиладиган бўлдим. Тўғри, Титорелли жуда ҳам вайсақи, уни қўпингча тўхтатишга тўғри келади, буни фақат у ўз ҳикоясига истаган ёлғон-яшиқни шунчаки тиқишириб кетаётгани боисгина қилмайман, бу ҳеч гап эмас, балки мендай ташвиши кўп тадбиркор киши ҳеч қачон бошқаларнинг ишига ҳаддан ташқари машғул бўлиши ярамайди. Буни кези келгани учун айтяпман-да. Ўйлаб қолдим: эҳтимол тасодифан Титореллининг сизга бирон-бир фойдаси тегиб қолар, ахир у қўпгина суд ҳакамларини танийди, майли, ўзи бир тайинли таъсирга эга бўлмаса ҳам, балки шунга сўзи ўтадиган амалдорнинг қандай қўлидан тутса бўлади, шу хусусда жўяли бир маслаҳат берар. Фикри ожизимча, эҳтимол бу йўл-йўриқлар, ўз-ўзича ҳеч бир аҳамиятга эга эмасдай кўрингани билан сизга асқатиб қолиши мумкин. Ўзингиздан қолар гап йўқ, кироий адвокатсиз-ку. Мен доимо ўз-ўзимга: «Жаноб прокурист К.нинг ўзи бориб турган адвокат» деб юраман. Албатта жараёнингиз натижасидан менинг кўнглим тўқ. Шунда ҳам Титореллининг олдига бир бориб кўрмайсизми? Тавсиямга кўра, Титорелли сиз учун нимага кучи етса, ҳаммасини қилади. Ўйлашимча, бу фойдадан холи эмас. Албатта, бугун бориш шарт эмас, куни туққанда, йўл-йўлакай уникига кириб ўтса бўлади. Тушунишимча, буни алоҳида таъкидлашим керак эди – аммо Титореллиникига бориши-бормасликни ўзингиз ҳал қилинг, бу сизнинг ихтиёрингиз. Балки, буни Титореллисиз ҳам уддаласа бўлади, дейишингиз мумкин, унда яхшиси, бу томонини ўйламаган маъқул. Эҳтимол, белгилаб олган режаларингиз бўлиб, Титорелли уни фақат бузуб қўйиши мумкиндир? Йўқ, йўқ, агар шунаقا

бўладиган бўлса, ҳар қанақа воқеа юз бермасин, Титореллининг олдига боришингиз ҳеч ҳам керак эмас. Албатта, бунақа нусхаларнинг маслаҳатини ҳам бир қур ўйлаб кўрмасдан, енгил-елпи қабул қилиб бўлмайди. Шунга қарамай, нимани хоҳдай-сиз, ўзингиз биласиз. Мана ташриф қофози, мана яшаш манзили.

К.хатни олиб, чўнтағига солиб қўйди – унинг жуда ҳам ҳафсаласи пир бўлганди. Ҳатто бу танишиликдан бир фойда чиқиб, кўнглини чоғ қи-ладиган вазиятларга сабабчи бўлган тақдирда ҳам, ўлчаб бўлмас даражада зарари фойдасидан кўпроқ, суд жараёни ҳақида фабрикачига ет-казгани, шу билан ҳам ҳар хил шов-шувларнинг авж олишига йўл очиш дегани эди.

Фабрикачи қарийб хонадан чиқаёзганда К. унинг изидан жуда ҳам машаққат билан ўзини зўрлаб, миннатдорчилик билдиromoққа уриниб, гудраниб қўйди.

– Унигира кириб ўтарман, – эшик олдида фабрикачи билан хайрлашаркан, К. шундай деди, – мана кўриб турганингиздек, жуда ҳам бандман, унга ёзма тарзда билдирсам, балки ўзи бу ерга келар.

– О, сиз вазиятдан чиқишининг янада яхшироқ йўлини топишингизга шубҳам йўқ, – деди фабрикачи. – Очифи, сиз Титорелли тоифасидаги кишиларни чақирмаганингиз ва суд жараёни ҳақида у билан бу ерда гаплашмаганингиз маъқул. Яна бунақа кишиларнинг қўлига бирон-бир керакли қофозни тутқазиш ҳам ярамайди. Э, албатта, сиз ҳамма нарса ҳақида ўйлаб кўргансиз, нима қиласа бўлади, нимани эса йўқ, ўзингиз жуда яхши биласиз.

К. бошини қўйи солинтирганча, қабулхона орқали фабрикачини кузатиб қўйди. У зоҳирлан хотиржам қўринса-да, ич-ичидан жуда кўрқиб

кетди: гапнинг пўскалласини айтганда, Титореллига хат ёзиг юборарман деганда, фабрикачининг маслаҳатини қандай қадрлашини кўрсатмоқчи, Титорелли билан қандай учрашса бўлади, шуни ўйлаётганини билдириб қўймоқчи эди, ҳолбуки, Титореллининг ёрдами ўзи учун фойдали бўлади, деб ҳисоблаган тақдирдагина унга бирон-бир нарса ёзиг юборган бўларди. Бироқ фабрикачининг гапи унга бундай қалтис қадам босишлар кейинги барча ишларнинг оёгини осмондан қилиб юбориши мумкинлигини яна бир бор аён этди. Наҳотки, у ўзининг соғлом ақдига таяна олмаса? Буни қаранг, у директор муовинидан икки қадам берида, ёлғиз эшиккина уларни ажратиб турган хонага аллақандай насли-насабининг тутуриғи йўқ бир кишини ёзма равища чақириб келиб, устидан қўзғатилган суд жараёни хусусида унга ёрилиб, кенгаш сўраб ўтиrsa, бунақа нодонлик билан ҳар қанақа нохуш воқеалар юз бериши мумкин-ку, эҳтимол шунга ўхшашибир талай бошқа хавф-хатарлар юз беришини ҳам кўрмай, бошига ортиқча гавголар орттираётган бўлмасин? Ахир ёнида бу каби хавфлардан уни огоҳлантириб турадиган киши ҳамиша ҳам бўлмайди-ку. Айнан ҳозир, барча кучини жамлаб, ҳаракат қилиши керак бўлган бир пайтда шубҳа-гумонлар ҳам ваҳимага солиб, ҳушёргилини бой беришга бир баҳя қолди. Наҳотки, банк юмушларида қийин муаммога дуч келгандек суд жараёни билан жиддий шуғулланиш ҳам шунчалик қийин бўлса? Қандай қилиб калласига Титореллига хат ёзиг юборишу банкка таклиф қилиш фикри келиб қолди, ҳозир ўзи ҳам буни қарийб тушунтириб беролмасди.

Ҳали фикрини бир жойга йиголмасдан бoshини чайқаб ўтирганда, хонасига чопар кириб

келди ва қабулхонада уни уч киши кутиб ўтирганини айтди. Улар аллақачондан буён сарфайиб кутиб қолишган, мана ниҳоят энди ўзларини К. нинг хонасига таклиф қилиб қолишса ажаб эмас, деб туришарди. Чопар К.га мурожаат қилганини кўрганлар ўринларидан ҳовлиқиб туришди ва имкониятдан фойдаланиб қолиш умидида бир-бирларига гал бермай, К.га ўз дардларини тўкиб-солишга интилишди. Бу ерда илтифотсиз бир муносабатда бўлиб, қанча вақтларини совуриб қабулхонада тош қотиб ўтиришга мажбур қилишган экан; демак улар ҳам, ҳеч қанақа тартибни писанд қиласликларини кўрсатиб қўядилар.

– Жаноб прокурист, – гап бошламоқчи бўлди бири.

Бироқ қишилик пальтосини чопарнинг ёрдами билан кийиб олган К. учовига бир йўла мурожаат қилди:

– Кечирасиз, жаноблар, афусуски, ҳозир сизларни қабул қила олмайман. Мени афв этишларингизни ўтиниб сўрайман, баҳтга қарши жуда ҳам зарур бир ишим чиқиб қолди, ҳозир кетмасам бўлмайди. Гувоҳ бўлганларингиздек, роса вақтими олишди. Барака топқурлар, эртага ёки ўзингизга қачон қулай бўлса, ўшанда келсаларингиз бўлмайдими? Балки юмушларингизни телефон орқали кенгашиб олармиз? Ёки ҳозир сизларга нима кераклигини қисқагина баён қилиб берсангиз, сўнг мен ёзма тарзда жавоб йўлласам бўлмайдими? Йўқ, яхшиси, албатта, яна бир бор ўзингиз бу ёқقا келганларингиз тузук.

Бу таклифдан мижозларнинг бутунлай тиллари калимага келмай қолди, наҳотки улар шунча пайт беҳуда кутиб ўтиришган бўлишса, дегандек бир-бирларига қараб олишди.

– Демак, келишдикми? – К. шундай деди-ю, шляпасини тутиб турган чопарга юзланди.

Хонанинг деразаларга рўпара очиқ эшигидан ташқарида қалин қор тушганини бемалол кўрса бўйларди. К.пальтосининг ёқаларини кўтариб, бўйинларини беркитди. Шу лаҳза қўшни хонадан чиққан директор муовини К. пальтода турганича, ниманидир мижозлари билан келишиб олаётганига кулимсиб қараганча, сўради:

– Жаноб прокуррист, наҳотки, сиз кетаётган бўлсангиз?

– Ҳа, – деди К. қаддини ростлаб, – бир иш бўйича кетмасам бўлмайди.

Бироқ директор муовини шу заҳоти мижозлар томонга қараб юзланди.

– Бу жаноблар энди нима қиласди? – сўроққа тутди у. – Адашмасам, улар аллақачондан буён кутиб ўтирибдилар.

– Биз келишиб оддик, – деди К.

Шу ерда етганда мижозлар ҳам энди ўзларини тутиб туролмадилар: К.ни ўраб олишиб, агар муҳим ишларини ҳеч кечиктирмасдан юзма-юз туриб муҳокама қилиб олиш зарур бўлмагандан шунча пайт кутиб ўтирмаған бўлишларини дастурхон қила кетишиди. Директор муовини уларни тинглаб бўлиб, К.га қаради-да, шляпасини қўлига олганча, ундаги қанақадир бир доғни тозалашга тутиниб деди:

– Жаноблар, бу мушкулотдан чиқишининг оддий бир йўли бор. Агар мен мушкулингизни осон қила олсам, жаноб прокуррист ўрнига сизлар билан гаплашиб олишни мамнуният билан ўз зиммамга оламан. Тушунишимча, ҳеч кечиктирмасдан ишларингизни ҳал қилиш керакка ўхшайди. Биз ҳам ўзингизга ўхшайдиган ишбилармон кишилармиз, вақтларингиз қанчалик қимматли эканлигини тушунамиз, бу ёқقا юрсангиз бўладими? – у эшикни очиб, улардан бирига қабулхонага ўтишини сўради.

Буни қаранг. К. зарурат юзасидангина бундан воз кечиб турганда, директор мувини ҳаммаси-ни ўз фойдасига ишлатмоқчи. Эҳтимол ҳақиқатан ҳам К. ишининг ваҳимасини жуда бўрттириб юборгандир. – У ҳеч ҳам керакмасми? У агар ана шундай асоссиз, бетайин нарсаларга ишониб, аллақандай номаълум бир рассомнинг олдига югураверса, ҳеч вақоға арзимас нарсаларга умид қилиб югураверса, иш кўрсатолмай, бу ерда, яъни, хизмат жойида тузатиб бўлмас даражада обрўйига путур етади-ку. Ундан кўра, палътосини қайта ечиб, қозиққа илса-ю, жилла курса, қабулхонада кутиб ўтирган икки мижознинг ишини ҳал қилиб беришни ўз бўйнига олса тузук бўларди. Эҳтимол, директор мувини хонасига қайтиб кириб, ҳудди ўз уйидагидек сурбетларча китоб жавонини тит-килаётганини кўрмаганда, К. шундай қилган ҳам бўларди. Аммо К. эшикка яқинлашганда яна мувиннинг овози янграб қолди:

– Э, ҳали ҳам кетмадингизми? – К. унга қарап экан, юзидаги қатор-қатор ажинлар қарилигининг эмас, ҳукмфармонлиги далолатидай туюлди. – Шартномани изляпман. Фирма вакилининг айтишича, у сизда экан. Топишга қарашиб юборолмайсизми?

К. унга яқинлашувди ҳамки директор мувини деди:

– Раҳмат, ўзим топдим – у шундоққина кўриниб турган шартнома қофозининг ўзини олиш ўрнига талай муҳим ҳужжатлар тикилган семиз хатжилдни ҳам қўлтиқлаб, хонаси сари йўргалаб кетди.

«Ҳозир у билан жиқиллашиб ўтиришга ҳолим йўқ, – дерди ўз-ўзига К., – ҳаётимдаги кўнгил-сизликлардан у ўзини ўнглаб олиб, валломатлигини кўрсатиб қолсин, менинг ҳам куним ке-

лар, биринчи имконият туғилғандаёқ у билан ҳисоб-китоб қиласынан!» Бу фикр билан у бир оз овунди ва қарийб даҳлиз-нинг очиқ эшигига етаёзганида чопарга иш билан кетаётгандыгынан банк директорига айтиб қўйишни буюрди, сўнг эса ҳарқалай аллақанча вақт бутунлай ўз иши билан банд бўлишига имконият туғилғанидан қувониб, банқдан чиқди.

Шаҳарнинг бир чеккасида суд девонхонаси жойлашган бўлса, рассом яшайдиган уй қарама-қарши тарафда эди, пайсалга солмасдан ўша ёқса йўл олди. Бу чекка мавзе ҳаддан ташқари ғарид бўлиб, кўримсиз уйлари оралаб ўтган жин кўчаларида билч-билч эриётган қорда ҳар турли ахлат уймалашиб ётарди. Рассом яшайдиган уй дарвозасининг кенг табақаларидан фақат биттаси очиқ, ёпиқ табақасининг пастидан синдириб очилган туйнукчадан аллақандай бадбўй суюқдик оқиб чиқаётган жойда у билан тўқнашиб қолишдан асрармоқ умидида ариқчага ўзини ташлаган бир неча каламушларни кўрди. Зина-поянинг пастида аллақандай болакай чинқириб ётар, бироқ дарвозанинг нариги тарафи остида жойлашган чилангарлик устахонасидан чиқаётган шовқин-суронда бу қарийб эшитилмасди. Устахона эшиклари очиқ бўлиб, уч шогирд қандайдир темир-терсакни ўртага олиб, тўқмоқдашарди. Деворга осилган оқ тунукаларнинг катта-катта бўлакларига офтоб нури тушиб, шуъланар, шулардан бир бўлагини ерга олиб ишлаётган икки шогирд болаларга бу шуъла тушиб, юз ва пешбандларини ёритарди. Аммо К. бир қургина нигоҳ ташлади, фикри хаёли тезроқ рассомни топиш, у билан гап-сўзни лўнда қилиб, бу ердан дарров жуфтакни ростлаб, яна банкка қайтиб боришда эди. Агар у арзимас бўлса-да, нимага-

дир эришса, банқдаги бугунги ишига бу ижобий таъсир этган бўларди.

Учинчи қаватга чиққанча ўпкаси оғзига тиқилиб, жуда ҳам ҳансираф қолди, бу уйнинг қаватлари баланд-баланд, афтидан, рассом, нақ болохонада умргузаронлик қиласарди. Уйнинг ҳавоси дим, айнигана, танг-тор зинапоя тикка юқорига ўрлаб борар, майдончасиз, устга ағанайдигандек деворлар икки томондан сиқиб келар, қай жойларидадир бир энлик синдириб очилган ойначалар бор эди. К. бир зумга нафасини ростламоқчи бўлиб тўхтади. Шу ерда қўшни хонадондан бир этак қизалоқлар югуриб чиқишиди ва шодон қийқириқлар билан зинапоядан физиллаб юқорига кўтарилиб кетишиди. К. улар ортидан имиллаб юқорига кўтарилаверди ва қизалоқлардан бири қоқилиб кетиб бошқалардан ажралиб қолганда, ундан сўради:

– Рассом Титорелли шу ерда яшайдими?

Қизалоқ бир оз букри, уни ўн учларда деса бўларди; жавобига у К.нинг биқинига тирсаги билан туртиб, зимдан тикилди. Қиз ҳали ёш, яна жисмонан қусурли бўлишига қарамасдан, К.нинг аллақачон бузилиб бўлганлигини ҳис қилди. У ҳатто жилмаймасдан еб қўярдай қараб, очиқдан-очиқ беҳаё шама қиласарди.

К. қизчанинг қийшанглашини сезмагандай сўради:

– Сен рассом Титореллини биласанми?

Қиз бошини қимиirlатиб, К.ни ўз навбатида саволга тутди.

– Унда нима ишингиз бор?

К. Титорелли ҳақида у-бу нарсани сўраб-суриштириб билиб олсан, зарар қилмайди, деб кўнглига тугди.

– Портретимни ишлатмоқчи эдим.

– Портретингизни? – оғзини ланг очиб қайта сүраркан, бу ҳеч кутилмаган фавқулодда иш ёки ақл бовар қымас ҳодисадек кафтлари билан К.ни шапатилади-да, кейин ўзи шундоқ ҳам калта бўлган этагини икки қўли билан янада кўтариб, гала-ғовурлари юқоридан келаётган қизалоқлар томон оёғини қўлига олганча югуриб кетди.

К.зинапоянинг навбатдаги бурилишида қизалоқларни яна кўрди. Букри қиз, афтидан, К.нинг ниятини шерикларига етказган чофи, уни кутиб ўтиришарди. Улар К. эмин-эркин ўтиб олиши учун йўл очиш мақсадида зинапоянинг икки томон деворларига қапишганча, пешбандларини бармоқлари билан у ёқдан бу ёққа суреб ўйнашарди. Деворга суюниб туришаркан, бу наврасталарнинг юзларида, ғалати бир тарзда болалик ила бузукликнинг аломатлари арадашиб кетганини кўриш мумкин эди. Букри қиз йўл бошлади, қолганлари эса К.нинг ортидан пиқир-пиқир қулишди. Фақат шу қиз сабаб К. дарров йўлни топди. У шу заҳоти тўғри тепага кўтарилимоқчи бўлганди, қиз Титореллининг олдига фақат ёnlама зинапоя орқали бориши мумкинлигидан воқиф этди.

Унга олиб борувчи зинапоя анча-мунча узун, яна тиккасига кетган, нақ Титореллининг эшиги олдида ниҳоясига етарди. Бутун зинапояга солиштирганда, бу ер анча ёруғ, шипдан очилган кичик туйнуқдан тушиб турган ойдинда рассомнинг эшиги яхшигина кўриниб турар, унинг тахтаси бўялмаган бўлиб, мўйқаламда жимжимадор ва катта-катта қилиб қизил буёқда Титорелли номи ёзиб қўйилган эди. К. ўзининг ҳангоматаллари билан зинапоянинг ўртасига етгандиям, бирдан юқоридан, афтидан, шу зинапоянинг ўзида шовқин-сурон эшитилди ва эшик ярим очилиб, тунги либосидан бошқа эгнида ҳеч вақо йўқдай бир эркак киши чиқиб келди.

– Вой-бўй! – уймалашиб турган тўдага кўзи тушган бу киши шундай деб нидо қилди ва ўша заҳоти ортига қайтиб, фойиб бўлди. Букри қувончдан кафтларини бир-бирига урди, қолган қизалоқлар эса К.ни орқасидан итаришиб, тепага чиқишга қисташарди.

Бироқ улар тепагача кўтарилиб боришга улгuriшмади, кўп ўтмай эшик ланг очилиб, ўзини хокисорларча тавозеда тутган рассом К.ни ичкарига киришга таклиф қилди. Аммо қизчаларга йўл бўшатишни хаёлига келтирмади ва уларни сиқиб, ташқарида қоддирди, қанчалик эланиш масин ё зўрлик билан ичкарига кириб олишга уринишмасин, бари бир фойдаси бўлмади, рухсат тегмади. Фақатгина букри қиз қўл остидан сирғалиб, ичкарига ўтишга муваффақ бўлди, бироқ рассом унинг ҳам ортидан қувиб, этагидан тортиб ушлади-да, даст кўтариб, ўз атрофида чир айлантириди ва ҳатто ўзи букри билан овора бўлганда ҳам қизалоқлар киришга журъат қиломаган эшикнинг нариги томонига қўйди. К. бўлаётган ишларга қараб, бирон-бир ҳаракат қилишга ўзида куч топмади, нима дейишни билмади; чунки бу ерда гўё дўстона муносабатлар ҳамма нарсадан устувордек эди. Қизалоқлар тўдаси ҳайдалганига қарамай, рассомга ҳазил-хузул қилишиб, аллақандай қитмир гаплар отишиди, аммо буларнинг маъносини К. ҳеч тушуна олмади, рассом илжаяр, унинг қўлларида букри қиз гўё ҳавода учгудек бўларди. Кейин у эшикни ёпиб, К.га яна бир бор тавозе қилди, меҳмоннинг қўлларини сиқиб, унга ўзини таништириди.

– Санъаткор-мусаввир Титорелли.

К. қизалоқлар шивир-шивир қилаётган эшикка қараб деди:

– Бу уйда сизни ҳаддан ортиқ севишлари кўриниб турибди.

– Оҳ, бу маймунчаларимнинг ўзини тутишларини! – У шундай дер экан, жон-жаҳди билан ёқа тутгамаларини қадашга уринарди.

Рассом сарпойчанг турар, энди унинг устида кўйлагидан ташқари тасманинг кучи билан зўрга ушлаб турилган сариқ йўл-йўлли иштони ҳам бўлиб, айниқса, пойчаси ҳалпиллоқгина эди.

– Менга бу маймунчаларнинг дастидан ҳаловат йўқ, – дея туриб кўйлаги тутгамаларини ўтказишга уринар экан, худди шундай бўлиши керакдай, охирги тутгма узилиб кетди, у оромкурси келтириб, К.ни ўтиришга таклиф этди.

– Қачонлардир ораларидан биттасининг суратини соглан эдим – у ҳозир буларнинг ичida йўқ – шундан бошлаб ҳозиргача булар мени ҳол-жонимга қўйишмайди. Уйда бўлган пайтларимда-ку изни-ихтиёрим билан киришади, бироқ хонамни тарк этишимга тўғри келса, доимо, ҳеч бўлмаса биттаси бу ерга кириб олади. Улар эшик қулфига тушадиган калитча ясад олишган ва уни бир-бирларига ошириб туришади. Э, улар жонимга қанчалик тегиб кетишганини сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Мисол учун, бирон бир хоним билан суратини чизиш умидида руҳан тўлиқиб келаман-да, эшикни калитим билан очиб, нимани кўраман денг: столим олдида ўтириб олган букри қиз мўйқаламим билан лабларини бўяётган, унинг амри-фармонидаги шумтака ука-сингилчалари эса хонанинг тўрт томонига югуриб, ҳамма жойни бурчак-бурчаккача ифлослаб ташлаган бўлади. Ёки масалан, кеча оқшом юз берган воқеани олайлик: алламаҳалда уйга қайтдим, шунинг учун ҳам сиз хонамдаги тартибсизлик ва бунаقا кўринишиб учун кечиринг – уйқум қисталанг қилиб турарди, апил-тапил ечиниб, ўзимни тўшагимга ташладим ва бир-

дан кимдир оёғимни чимчилагандай бўлди. Каравотимнинг тагига энгашиб бу ярамаслардан бирини тортиб чиқардим. Менга намунча тирғалишади – ҳеч тушуниб бўлмайди. Сиз ўзингиз кўрдингиз, мен уларнинг раъйига қараётганим йўқ. Улар ишлашимга халақит беришади. Агар бу устахона менга бериб қўйилмаганда, бундан аллақачон жўнаворган бўлардим.

Шу пайт эшик ортидан ингичгагина овоз келди:

– Титорелли, биз ичкарига кирсак бўладими?

– Йўқ! – шартта рад қилди рассом.

– Ҳатто менга ҳам рухсат йўқми? – яна ўша болапақир – ингичка овоз эгаси сўради.

– Сенга ҳам мумкин эмас! – рассом шундай деб эшик олдига келди ва уни қулфлади.

Шу орада К. хонанинг у ёқ бу ёғига қарашга улгурди; шу ёшга кириб кимдир шу тор-танг кулбачани «устахона» деб атасини ҳеч тасаввурига сифдира олмасди. Унинг эни-ю бўйини икки қадамда ўлчаб ташласа бўларди. Пол, девор ва шифутларининг ҳаммаси ёғочдан, тахталар орасидаги кичкина тешик-туйнуклар ҳам кўзга ташланади. Хонанинг бир чеккасидаги каравот устида ямоқ чойшаб ва ёстиқлар турарди. Хонанинг ўртасида ўрнатилган мольбretда аллақандай суратнинг эскизи енглари ергача тушган халпидоқ қўйлак билан ўраб қўйилганди. К.нинг орқа томонида ойнаванд дарича бўлиб, ундан гира-шира тумандагидек қор билан қопланган қўшни томларини аранг кўриш мумкин.

Калитнинг шақур-шуқур буралгандаги овозидан К. эшик томонга бурилиб, бу ердан тезроқ кетмоқчи эканлигини хотирлади. Шунинг учун ҳам чўнтағидан фабрикачининг хатини чиқариб, рассомга бераркан, деди:

– Мен сиз ҳақингизда танишингиз бўлган мана бу жанобдан хабар топдим ва унинг маслаҳати билан бу ерга келдим.

Рассом хатга шошиб-пишиб қаради-да, уни каравот устига улоқтирди. Агар фабрикачи аниқ-тиниқ қилиб ошнаси рассомнинг қашшоқлиги-ю, ўз муруватига қарам бир киши эканлиги ҳақида гапириб бермаганида, Титорелли умуман уни танимайди, ёки ҳеч бўлмагандан, аллақачон фабрикачини унутиб юборган деган хаёлга бориш мумкин эди. Шунда рассом яна ундан сўраб қолди:

– Сиз сурат харид қилишни истайсизми ёки портретингизни чиздирмоқчисиз?

К. рассомга ҳайрат билан қаради. Қизиқ, хатда фабрикачи нималарни ёзиб юборган бўлса? К. фабрикачи унга нима кераклигини ўз-ўзидан яхши тушунади, рассомга шу жиҳатни маълум қилган бўлиши керак деб ҳисоблаганидан фақат ўз иши ҳақида маълумот олишни истарди. Эҳ, у нимага чуқур мушоҳада қилмасдан, бу ерга югуриб келаверди? Бироқ ҳозир у жиллақурса нимадир деб рассомга жавоб қайтариши керак эди, шу мажбурият юзасидан мольбертга кўз ташлаб деди:

– Сиз ҳозир шу сурат устида ишляяпсизми?

– Ҳа, – деди рассом ва сурат устини ёпган кўйлакни тушириб, уни ҳам хатни отган жойга иргитди. – Портрет ишляяпман. Бу менинг жони дилим, аммо иш эндиғина бошланди.

Бу ерда қалашиб ётган нарсалар ҳарқалай К. учун қўл келди, дабдурустдан суд ҳақида гапириш учун имкон тудириди – чунки портретда айнан бир суд ҳаками тасвир этилган эди. Ҳаммасидан, у адвокатнинг хонасида осилган суратга жуда ҳам ўхшаб кетарди. Тўғри, бу ердаги ҳакам бутунлай бошқа киши бўлиб, бутун юзини мўй қоплаган, қорасоқол, хўппа семиз, барваста бир киши эди; қолаверса, адвокатникида осилган сурат мойбўёқда чизилган, бу эса пастел-рангли

қаламда, яна гүё туман орасидагидек элас-элас күзга ташланарди. Бироқ қолган ҳамма-ҳаммаси жуда ўхшаб кетар, бу ҳам таҳдид билан ҳозир ўз тахтидан туриб кетадигандек ён дастакларни қаттиқ қисиб олганча туради.

«Ха, бу ўша ҳакам-ку», – деб К. айтмоқчи бўлди, бироқ ўзини босди, суратга яқинроқ келиб, уни тўлалигича томоша қилмоқни истади. Унга ором-курсининг таҳтга ўхшаб солинган орқа суюнчиғи тушуниб бўлмас даражада чўзиб юборилгандай туюлди ва рассомдан бу нимаси деб сўради.

– Унга ҳали яна бир оз ишлов бериш керак, – деб тушунтириди рассом ва қўлига столда турган рангли қаламлардан бирини олиб ўша чўзиқдикка сиртдан бир неча қўшимча чизгилар қилди, бироқ булар билан ҳеч нарса ўзгармасдан К. учун тушунарсиз қолаверди. – Бу Адолатпеша, – охири изоҳлади рассом.

– Ха, энди таниётгандай бўляпман, – гап қўшди К. – Мана кўзларидаи боғич, мана булар эса тарози паллалари. Бироқ унинг товонларида қанотчалар борми, гүё у қаёққадир ошиқаяптими-ей?

– Шундай, – деди рассом, – мен уни айнан шундай буюртма асосида чиздим. Очигини айтганда, бу бир шахс тимсолидаги адолат ва музаффарият маъбудлари.

– Бу жуда ҳам тўғри тавсиф эмас, – табассум қилиб деди К. – Адолат маъбуди ўз жойида қатъий турган бўлиши керак, тарози палласини тенг тутмаса бўлмайди, иккиланиб турган одам ҳеч қачон адолатли хукм чиқариши мумкин эмас.

– Лекин, мен буюртмачимнинг талабига бўйсунишга мажбурман, – эътиroz билдириди рассом.

– Ха, албатта, – деди К. ўз огоҳлантириши билан уни хафа қилиб қўйишини истамасдан. – Афтидан, сиз уни худди одатдагидек рамзан ором-курсида чизгансиз.

– Йўқ, – деди рассом, – мен ҳеч қанақа ором-курсини ҳам, рамзни ҳам кўрмаганман, буларнинг бари тасаввур қилинган, холос. Аммо менга аниқ кўрсатма беришдими, шу талаб асосида ишлаб беришим керак-да.

– Қандай қилиб? – чеҳрасига рассомни тушунмагандай тус бериб қайта сўради К. – Ахир оромкурсида ўтирган суд ҳаками эмасми?

– Тўғри, – деб тан олди рассом, – аммо бу олий суд ҳаками эмас, у ҳеч қачон бунақа ҳашаматли ўриндиқда ўтиргаган.

– Бироқ ўзини шундай бир шоҳона тарзда тасвирлашларига мажбур этади! У бу ерда айни суд раисининг ўзи-ку!

– Ҳа, бу жанобларда амалпарастлик касали кучли! – деб қўйди рассом. – Аммо улар худди шундай тарзда тасвир этилсин, деган юқоридан буйруқ ҳам бор. Ҳа, ҳар бири қандай кўринишда намоён бўлиши белгилаб берилган. Афсуски, рангли қаламчалар ила чизилганида оромкурсининг бор савлатию башанг либосларни ҳар томонлама ёрқин чиқариш амри маҳол.

– Ҳа, – деди К. – бу суратнинг рангли қаламчаларда ишланганининг ўзи фалати.

– Суд ҳакамининг хоҳиши, – аниқлик киритди рассом. – У портретни бир хонимга совфа қилишни кўзлаган.

Суратга қарашиб асносида рассомда портрет устида ишлашга рағбат уйғониб қолди; кўйлаклари енгини шимариб, қўлига рангли қаламчаларни олди ва чизгилар қиласар экан, ҳакамнинг боши теграсида қизилдан келган нур чамбараги пайдо бўлгани ва сурат чеккасида шуълалар уймалашганига К.нинг кўзи тушди. Аста-секин бу чапловлар ўйини аниқ бир шаклга кириб, ҳакамнинг боши атрофида худди тождек бўлиб кўрин-

ди. Бироқ Адолатпешанинг теграсидаги нур чамбари ёрқин қолгани билан бу нурлар фужфонлигига унинг сиймоси янада аниқ чиққан, бироқ у на адолат маъбудини, на зафар маъбудини эслатарди; тез орада эса у бор-йўғи ов маъбудининг ўзи бўлди-қолди. К. бор ақди шуури билан рассомнинг ишига бутунлай қизиқиб кетди; лекин охир-оқибат бунчалик узоқ ушланиб қолгани учун ўзидан хаёлан ўпкалашга тушди, қанча вақти беҳуда кетди, аммо иши ҳақида бир оғиз гапиришга ҳали улгурмади ҳам.

– Ҳакамнинг исми нима? – тўсатдан сўради у.

– Буни сизга маълум қилиш ҳуқуқига эга эмасман, – жавоб берди рассом. У сурат бошида мукка тушганча ишлар, меҳмонини очиқдан-очиқ ўз ҳолига ташлаб, умуман эътибор бермай қўйган, ҳолбуки бошда К.ни жуда ҳам очиқ чеҳра билан қаршилаганди. К.буни унга андармон бўлиб, рассом қанча вақтини йўқотгани учун шунчаки ноз-истигно ва ранжиганликка йўйди.

– Бундан чиқди, сиз суднинг ишонган кишиларидан экансиз-да, шундайми? – сўради у.

Шунда рассом қаламини ташлаб, қаддини ростлади, қўлларини артар экан, К.га табассум билан бокди.

– Ҳани, бўлмаса очиқчасига ўтайлик! – деди рассом. – Сиз суд ҳақида нимадир билмоқчисиз чоғи? Бахтга қарши, йўлланмангизда ҳам шу қайд этилибди, сиз эса мени ўзингизга мойил қилмоқ умидида, суратларим ҳақида гап ташлаб ўтирибсиз. Майли, бу учун сиздан хафа эмасман. Мен бунаقا қармоқларга илинмаслигимни сиз қаердан ҳам билар эдингиз. Йўқ, йўқ, керакмас! – К. нимадир деб эътироуз билдиromoқчи эканлигини сезиб, у янада кескин, пайдар-пай қўшимча қилди: – Шунга қарамай сиз жуда ҳам тўғри

пайқабсиз, мен ҳақиқатан ҳам суднинг ишонган кишиларидан бўламан.

Сўнг у бир оз тўхтаб турди, гўё К. бу тасдиқловга ўзини кўнигириб олишини истагандай бўлиб. Эшик ортидан яна қизалоқларнинг пичир-пичир қилгани келди. Улар қулфнинг тешиги ёки тахта деворнинг тирқишиларидан қарааш учун уймалашаётган бўлишса керак. К. айрича бир тарзда тасдиқлов белгисини қилмади, К. рассомнинг суд ҳақидаги ҳикоясидан овунмоқчи эмасди, шу билан бирга, ўзининг таъсир доирасига жуда катта баҳо бериб юбориб, амалга ошириб бўлмас нарсани зиммасига олишини ҳам хоҳдамасди, шу учун ҳам сўради:

– Бу расман эътироф этилган лавозимми?

– Йўқ, – қисқагина жавоб қилди рассом, баайни бу савол уни жим бўлишга мажбуrlагандек. К. га бу жимлик унинг зарарига ишлайдигандай туюлди ва далда бериш умидида деди:

– Биласизми, лавозими расман тасдиқланган бўлмаса-да, бунақа кишилар расмий хизматчиларга қараганда таъсир доираси кенгроқ бўлади.

– Менинг юмушим ҳам айнан шунаقا, – рассом бошини қимирлатиб, пешонасини тириштириди.

– Кечака фабрикачига устингиздан қўзғатилган суд жараёни ҳақида гапириб берганимда, у сизга бирон-бир ёрдам қилиб юборишмни сўради. Мен унга, «Майли, ўша киши олдимга келиб, бир учрашсин-чи», деб жавоб қилдим ва шунчалик тез қадам ранжида қилганингиздан бошим кўкка етди. Кўриниб турганидек, бу иш жиддийгина, сизни анча-мунча овора қилади, аммо бу мени кўп ҳам ажаблантирмайди. Эҳтимол, оддин пальтонгизни есангиз бўлармиди?

К. бу ердан қанча тез кетса, шунча яхши дея тараддуд кўриб келган бўлса-да, рассомнинг бу

таклифидан жуда хурсанд бўлиб кетди. У борган сари бўғилиб борганидан хона четидаги ёқилмаган печкага ҳайрон бўлиб қараб қўяр, – хонанинг бу даражада иссиқ эканлиги унга бутунлай тушунарсиз эди. У пальтосини устидан олиб, камзулини ҳам ечаётганда рассом хижолатли оҳангда деди:

– Менинг совуққа тобим йўқ, хонани иссиққина қилмасам ўтиромайман. Лекин бу ер жуда ҳам қизиб кетди, шундаймасми? Очиги, хона қулагина, нақ жоннинг роҳати.

К. ҳеч нарса деб жавоб қилмади; тўғрисини айтганда, унга бу иссиқлик эмас, балки айниган ҳаво ёқимсиз бўлиб, хона анчадан бўён шамоллатилмагани кўриниб турар эди. Рассом уни каравотга ўтиришга таклиф қилиб, ўзи мольберт ёнидаги курсига чўкканда, К.даги нохуш кайфият баттар кучайди. К. тўшакнинг бир чеккасига омонатгина ўтирганини рассом ҳеч ҳам тушуна олмади, шу боис меҳмондан бемалол, қулай бир тарзда ўтиришни астойдил сўради. Аммо К. бирон-бир қарорга келолмаганига гувоҳ бўлгач, яна ўрнидан туриб келиб, уни чойшаб ва ёстиқчалар уймалашган тўшакнинг энг тўрига сурди ва яна ўз курсисига чўкиб, К. учун долзарб биринчи савонни бердики, у теваракдаги барча нарсани унутди.

– Сиз бутунлай айбсиз эмасмисиз?

– Бўлмасам-чи! – К. шу заҳоти севиниб жавоб бера қолди, чунки унинг олдида оддий бир киши ўтирар ва айтган ҳар бир сўзи учун ундан жавобгарлик талаб қилмасди. Ҳамда ҳеч ким бунчалик очиқ-ойдин сўраб-суриштирмаганди. Бу қувонч ҳисларини бир оз яна чўзмоқ умидида К. қўшимча қилди:

– Мен мутлақ айбсизман.

– Буни қаранг, – деб қўйди рассом ва чуқур хаёлга ботгандай бошини ҳам қилиб олди. Бироқ тўсатдан бошини кўтариб деди: – Мабодо сиз

айбсиз бўлсангиз, иш хамирдан қил сугургандек осонгина ҳал бўлади.

К. дарров тўмтайиб олди: ўзига суднинг ишончли кишиси мақомини беради-ю она сути оғзидан кетмаган гўдакдек мулоҳаза юритишини!

– Менинг айбсизлигим ишни енгиллаштирмаса керак, – деди К. Убирдан иродасига хилоф равища кулиб юборди ва бошини сарак-сарак қилди: – Бу ерда ишнинг қалтислиги шундаки, суднинг ўзи ҳам чалкашиб қолиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси эса охир-оқибат бир бўшлиқда йифилиб, суд ҳаками йўқ жойдан оғир бир айбни кавлаштириб топиши ва воқеликка олиб чиқиши ҳеч гап эмас.

– Ҳа, ҳа, албатта бўлиши мумкин, – деб қўйди рассом гўё К.нинг фикр йўсинига чап бериб: – Бироқ шунда ҳам бари бир сиз айбсиз бўлиб қолавермайсизми?

– Бўлмасам-чи, – деди К.

– Бу энг асосийси, – қувватлади рассом.

Унга эътиroz билдириш беҳуда эди. Унинг бунақа қатъий гап оҳангига қарамай бир нарса ойдин бўлмаганга ўхшарди: у буларни астойдил ишонганидан гапирияптими ёки шунчаки вақт ўтказиш учун лоқайдлик билан лақиллаб ўтирибдими? К. ҳозироқ буни билмоқчи бўлиб, сўради:

– Албатта сиз судни менга қараганда ўн чандон яхши биласиз, мен у ҳақида бор-йўғи ҳар турли одамлардан у-бу миш-мишларни эшитганман, холос. Бироқ ҳаммасининг гапи ушбу нуқтага келганда бир хил: судда ҳеч қанақа енгил-елпи айблов бўлмайди, агарки, ҳакам айби бор деган фикрга келганми, айбланувчининг айбдорлиги-га қаттиқ ишонишади ва бу масалада уларнинг фикрини ўзгартириш жуда қийин.

– Қийин эканми? – деб рассом қайта сўраб олгач, қўлларини кўкка чўзди. – Ҳа, гапнинг пўскал-

ласини айтганда, уларнинг фикрини ўзгартириш умуман мумкин эмас! Агар мен мана бу бўзда бунақа суд ҳакамларининг барини чиза олганимда, сиз ҳам жиллақурса бўздагилардан ҳимояланишни улдалай билганингизда эди, ҳақиқий суд олдида ўзингизни ҳимоя қила олишдан кўра каттароқ музаффарият қучган бўлардингиз.

У тўғри айтяпти! – К. ўзича шундай деб пичирлаб қўяр экан, сал олдинроқ рассомнинг ҳақиқий фикрини ўсмоқчилаб бўлса-да, билиб олмоқчи бўлганлигини бутунлай унуганди.

Эшик ортида яна қизалоқлар шовқин-сурон кўтаришди:

– Титорелли, у бу ердан қачон қорасини ўчиради?

– Овозларингни ўчиринглар! – ўшқирди расом. – Менинг бу жаноб билан қилаётган суҳбатимиз қанчалик жиддий эканлигини тушунасизларми ўзи?

Бироқ бир қизча шунда ҳам тинчимади:

– Сен унинг суратини солмоқчимисан? – Расом шундай бўлиши керакдай индамагач, у чудирашда давом этди:

– Илтимос, унинг расмини чизма, жуда ҳам бадбашара-ку! – Қолганлари маъқуллаб, қандайдир тушуниб бўлмас сўзларни тилга олишганча шовқин-сурон кўтаришарди.

Рассом эшикни қаттиқ тепиб, ярим очар экан, қизалоқларнинг ёлворувчан алпозда чўзилган кўлларига кўзи тушди ва уларга қаратадеди:

– Агар жим бўлмасангизлар, ҳаммаларингизни ҳозир зинапоядан пастга улоқтираман. Қани, ўриндиқларга ўтириб олиб, ўзларингизни тутиб олинглар-чи.

Улар бунга дарров кўнақолмадилар, охири уларга ўшқириб амр қилишга тўғри келди:

– Қани, зинапоя томонга жўнанглар, – фақат шундан кейингина жимлик чўкди.

– Кечирасиз-да энди, – рассом шундай деб К. нинг олдига қайтиб келди. Бироқ К. эшик томонга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, у рассом ўзини қандай ва қачон муҳофазаламоқчи бўлса, бутунича буни ўзига қўйиб берганди. Рассом унга томон эгилиб, ишқилиб, зинапоядаги қизалоқлар эшитиб қолмасин деган андишада, нақ қулоги остида шивирлаганда ҳам у қилт этмади: – Мана бу қизалоқларнинг ҳам судга дахлдорлиги бор.

– Э, қанақасига? – К. юзини рассомга бурганча сўради.

Бироқ рассом аллақачон ўз жойига чўккан, ҳазиллашибми ёки жиддий туриб, К.га қараб шундай деди:

– Ҳа, афтидан, бу ёруғ оламда қимирлаган жон борки, судга дахлдорга ўхшайди.

– Буни мен ҳозирча сезганим йўқ, – К. лаҳзали кўз ташлаб шундай деркан, рассомнинг қизалоқлар ҳақидаги гапи уни умуман хавотирлантирмади. Шундай бўлса-да, зиналарида қизалоқлар уймалашиб юрган эшик томонга бир қараб қўйди. Қизалоқлардан бири тахта тирқишига похол поясини тиқиб, уни секин-аста пастга эндириб, баландга кўтариб ўйнарди.

– Кўриниб турганидек, сиз суд ҳақида ҳеч қанақа тасаввурга эга эмасга ўхшайсиз, – деди рассом; у оёқларини кенг ёйиб олганча, бармоқдари билан полни чертишга тушди. – Аммо сиз айбсиз экансиз, буни сиздан талаб ҳам қилиб бўлмайди. Биргина ўзим бу мушкулотдан сизни халос эта олишим мумкин.

– Буни қандай тушунмоқ керак? – ҳайрон қолиб сўради К. – Ҳар қанақа далил-исбот судда ўтмайди, деб ҳозиргина айтдингиз-ку!

– Шундай далил-исбот инобатта ўтмайдики, уни тўғридан-тўғри суднинг ўзига бориб, баён

этіб берилса, – рассом шундай деб К. гүё энг муҳим, жуда нозик бир нарсаны назардан қочирғанлигига ишора қылғандай күрсаткыч бармогини юқорига ниқтади. – Фақаттана расмий суд доирасидан чиқмасдан, маслаҳатхоналарда, йўлакларда ёки мисол учун ҳатто мана бунақа устахонага ўхшайдиган жойда пухта ҳаракат қилинадиган бўлса, бутунлай бошқача натижаларга эришиш мумкин.

Эндиликда рассомнинг сўзлари К.га анчамунча ишонарлироқ кўринар, уларнинг асосий қисми бошқалардан эшитганига мос келарди. Ҳаммасидан ҳам кўра уларда умид шундоқ балқиб турарди. Агар адвокат таъкидлагандай, шахсий таниш-билиш орқали бўлса ҳам, рассом кабиларнинг ёрдами тегиб қолиб, ҳарқалай кеккайган ҳакамларнинг шохини қайириб, осонликча ўз томонига оғдириб олинганидами, жуда аломат иш қилинган бўларди-да; ҳар қанақа ҳолларда ҳам бу алоқаларни назар-писанд қилмаслик бориб турган нодонлик. Янада муҳими, рассом суд ёрдамчилари гуруҳининг ичига қўшилиб юрган бир одам бўлганидан К. аста-секин уларни атрофига йиғиб оларди. Унинг банкдаги ташкилотчилик қобилиятига неча марта тан беришган, ҳозир ўзини ҳамма томонлама чамалаб кўрар экан, бунинг учун имконияти ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ кўринарди.

Рассом ўз сўзлари К.да қандай ўзгариш ясаётганлигини кўриб турарди, шу боис ҳам бироз ваҳимали қилиб гапини давом эттирди:

– Менинг гапим худди ҳуқуқшуносникидек сизни чўчитиб юбормадими ишқилиб? Очифи, менда ҳам суддаги тўралар билан муттасил мулоқот қиласверишга тўғри келганидан шунақа димоғдорликнинг нуқси урган. Албатта, бунинг

ўзига яраша нафи тегади, аммо бошқа томондан эркин фикрлашишга, ижодий ёндашишига ҳалақит беради.

– Биринчи бор сиз бу суд ҳакамларига қандай қилиб тўқнаш келгансиз? – қизиқсиниб сўради К. У рассомнинг ишончига кирмоқ истар, аввало тўғридан-тўғри хизматидан фойдалансам, дерди.

– Жуда ҳам оддий, – деди рассом. – Бу алоқалар менга ота мерос. Отам ҳам ўз вақтида суд расоми бўлган. Бу жой ҳам менга мерос сифатида инъом этилган. Судга янги кишиларни олишмайди. Гап шундаки, ҳар турли амалдорларни чизиш учун бир талай мұхим, ҳаммадан ҳам кўра маҳфий қонун-қоидалар ишлаб чиқишиган, буларга эса синалган оиласий сулолалардан бошқа ҳеч ким жалб этилмайди. Мисол учун, ҳув анави стол фаладонида отамнинг ёзишмалари сақланади, мен уни ҳеч кимга кўрсатмайман. Уларни судда портрет чизишига иқтидори бор кишигина билиши, тушуниши мумкин. Бундан ташқари, ҳатто бу ёзувлар йўқолган тақдирда ҳам, қонун-қоидаларнинг аксарияти хотирамдан кўтариilmайди, уларни фақат ўзим биламан ва бирор кимса ўрнимни ҳеч қачон эгаллаб олмаслиги учун бошидан адогигачага ёдлаб олганман. Маълумингизким, суд ҳаками борки, ўлиб-тирилиб бир нарсани орзу қилади: уни ҳам бир замонлар ўтган буюк қозилар каби улуғвор қилиб суратини солишса, буни эса фақат мен дўндира оламан.

– Сизга фақат ҳавас қилмоқ мумкин, – К. ўзининг банкдаги мавқеини ўйлаб туриб, рассомга шундай деди. – Сизнинг мавқеингиз шунаقا ҳам барқарорми?

– Айнан шундай барқарор, – рассом буни тасдиқлаб, елкаларини мағрурона кериб қўйди.

– Шунинг учун ҳам, ҳарқалай кам бўлса-да, суд

жараёнининг боришига хилоф ўлароқ, баҳтсиз бечораларга ёрдам қўлини узатиб тураман.

– Буни қандай тушунса бўлади? – рассом уни ҳозиргина тилга олган «баҳтсиз»лар сафига қўшмагандир деб сўради.

Бироқ рассом бунга эътибор ҳам қилмасдан, сўзида давом этди:

– Мана, масалан, сизни олайлик: сиз ахир бутунлай айбсиз-ку, шундай бўлгач, мен қўлимдан келганини қиласман.

К. бот-бот ўзининг бегуноҳлиги эслатилаверганидан газаби кела бошлиди. Гёё бу ҳақида рассом эслатгани сари судда ўзининг ёрдами яхши бир оқибатга сабаб бўлишини миннат қилаётгандай бўлар, аслида ҳеч нарсани ўзгартиромаслиги аниқ-равshan қўриниб туарди. Бироқ ҳар қанақа шубҳаларга қарамасдан, К. ўзини тутиб олди ва рассомнинг гапини бўлмади. Унинг ёрдамини рад қилишни истамас, фойдаланишни кўнглига туккан, чунки адвокатнинг ёрдамидан кўра, буникидан камроқ шубҳага борарди. К. рассомнинг таклифи холис, кўрсатган йўллари кўпроқ ўнгай деб билгани учун уларни ҳатто ўзича маъқул ҳам топди.

Рассом курсисини каравотта яқинроқ суреб, овозини пасайтириб гапида давом этди.

– Бир нарса ҳақида сўрашни бутунлай унутибман: сиз суддан озод бўлишнинг қандай йўлини маъқул кўрасиз? Уч хил имконияти бор: мутлақ оқданиш, қисман оқданиш ва ишни аччиқ ичакдек чўзиш. Албатта, мутлақ оқданишга нима етсин, бироқ бунақа қарорга мен ҳеч қанақа таъсир ўтказишим амри маҳол. Менимча, бу ёруғ оламда ҳеч бир одам ўз кучи билан мутлақ оқданишга эриша олмаса керак. Бу ерда, эҳтимол, айбланувчининг мутлақ бегуноҳлиги ҳамма нар-

сани ҳал қиласы. Сиз шу айбасызлигингиз устига барча умидларыңызни юклай билганингиздами? Бироқ бунақада сизге на менинг, на бошқа бирорванинг ёрдами керак бўлади.

Бунақа аниқ тавсиф олдинига К.ни бутунлай довдиратиб қўйди, фақат бир оздан кейингина у ҳам худди рассом каби овозини пасайтириб, гап бошлади:

– Назаримда, сиз ўз-ўзингизга қарши чиқаёт-ганга ўхшаяпсиз.

– Қандай қилиб? – рассом марҳамат кўрсата-ётгандай табассум қилиб, оромкурсига суюниб олганча, ундан сўради. Бу табассумдан К.нинг шуурида шундай бир ҳиссиётлар пайдо бўлдики, у ҳозир биргина рассомнинг гап-сўзларида эмас, балки бутун суд идораси тартибида зиддият борлигини излашни бошлаб бергандай эди. У ўзини тўхтатолмай, сўзида давом этди.

– Сиз, тушунишимча, аввалига бир нарсага эътиборни қаратиб, судда ҳеч қанақа далил-исбот инобатга ўтмайди, дедингиз, сўнг эса бу очиқ судгагина тегишли эканлигини уқтириб қолдингиз, энди бўлса, бутунлай бегуноҳ кишини судда умуман ҳимоя қилмоқнинг ҳожати йўқ деб чикмоқдасиз. Шуларнинг ўзи бир-бирига ихтилофий фикрлардан ташкил топган-ку. Бундан ташқари, аввал сиз ишга шахсан ҳакам таъсир ўтказа олиши мумкин, дегандай бўлувдингиз, энди эса буни рад қилаётисиз, худди ўзингиз атагандай – мутлақ оқданиш учун, қай бир даражада ҳакамга ҳам шахсан таъсир этишнинг иложи бор деб турибсиз. Бу билан энди иккинчи бор ўзингизни инкор қиласиз.

– Бу ихтилофларни жуда ҳам осонлик билан изоҳлаш мумкин, – деди рассом. – Бу ерда гап бутунлай бир-биридан бошқа-бошқа икки нарса

ҳақида кетаяпти: бу ҳақида қонунда нима дейилади ва мен тажрибамдан келиб чиқиб қандай фикрдаман, сиз буларни бир-бирига қўшиб, чалкаштириб юборманг-да. Қонунни, очифи, ўқимаган бўлсан ҳам, унда айбизиз киши оқланади, деб ёзib қўйилганини биламан, аммо ҳакамга таъсир қилиш ҳақида унда ҳеч нарса дейилмаган. Бироқ ўз тажрибамдан шуни яхши биламанки, амалда бунинг тескарисини қилишади. Мен ҳалигача бирон-бир марта мутлақ оқланиб чиқилганлик ҳақида эшитмадим, бироқ ҳакамларнинг таъсири билан иш у ёқ бу ёққа буриб юборилгани кўп бора қулоғимга чалинган. Англашилганидек, эҳтимол, менга маълум бўлган барча шов-шувли воқеаларда мутлақ айбиззлик ҳақида гап бўлмаган. Наҳотки, бу ҳақиқатга мос келса? Неча бир ҳодисалар бўлишига қарамасдан бирон-бир бегуноҳни топиб бўлмаса? Мен гўдаклик чофимданоқ отамнинг ҳикояларини тинглаб келаман, у уйда устахонасида ташриф буюрган ҳакамлардан эшитган суд жараёнлари ҳақида гапириб берарди; умуман бизнинг давраларда бундан бошқа гапнинг ўзи ҳам йўқ. Шу боис ҳам менда судда қатнашиш имкони туғилиши билан ҳамиша ундан фойдаланиб қолишга, айниқса, диққатга сазовор суд жараёнларининг энг муҳим босқичларини тинглаб, кузатишга ҳаракат қиласман. Буни имкон қадар уддасидан чиқдим десам бўлар; шу боис сизга ҳозир дангал айтишим мумкин: ҳа, мен шу пайтгача бирор марта ҳам мутлақ оқланганлик ҳақида ҳеч нарса эшитмадим.

– Демак, мутлақ оқланиш бўлмаган нарса, – деб К. такрорлар экан, гўё бу билан ўзига, ўз умидларига мурожаат қилаётгандек эди. – Бироқ шунинг ўзи ҳам менда суд ҳақида тўпланиб қолган фикр-мулоҳазаларни тасдиқлайди. Демак, бу

томондан суд дегани хўжакўрсинга, шунчаки бир фойдасиз идора. Биттагина жаллоднинг ўзи ҳам унинг ўрнини бемалол босиши мумкин экан-да.

– Бундай хуросага келиш мумкин эмас, – рассом норизо оҳангда тўнғиллади. – Мен ахир борйўги ўз тажрибамдан келиб чиқибгина гапирдим.

– Шунинг ўзи ҳам етарли, – деди К. – Хўш, унда айтинг-чи, бурунги замонларда кимнингдир оқланганлигини эшитганмисиз?

– Айтишларича, бундай оқлов воқеалари бўлиб турган, – чайналиб деди рассом – бироқ, уларни тиклаш ҳозир жуда ҳам қийин. Ахир суднинг ҳал қилувчи ҳукми ҳеч бир жойда эълон қилинмаса, ҳатто ҳакамларнинг ўзи ҳам уларни маҳфий суръатда қолдиришади, шу боис қадимги суд жараёнларидан бизга фақат ривоятларгина етиб келган. Тўғри, уларнинг аксариятида бутунлай оқланганлик ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришади, балки уларга ишониш мумкиндир, бироқ бирон-бир нарсани исботлашнинг ҳеч иложи йўқ.Faқатгина бу афсоналарга паст назар билан қараш ярамайди, бир мисқол бўлса-да, уларда ҳақиқат бор, қолаверса, шу даражада ажойибки, қойил қоласиз! Мен ана шу афсоналар асосида бир неча суратлар ҳам согланман.

– Афсоналар фикримни ўзгартиrolмайди, – деди К. – Қолаверса, судда ҳеч бир ривоятни далил сифатида келтириб бўлмайдиям.

Рассом тиржайиб қўйди.

– Ҳа, албатта, мумкин эмас, – деди у.

– Демак, бу ҳақида гапириб ўтириш ҳам фойдасиз, – деркан К., рассомнинг бор-йўқ мулоҳазаларини охиригача тинглашга қарор қилди, ҳолбуки, уларга ишониш қийин, аксарияти бошқа маълумотларнинг акси эди. Ахир у рассомнинг ҳикояларидаги ҳақиқатни текшириб кўр-

моқ учун, айниңса бу фикрларга қарши чиқмоқчи бўлиб, бу ерга келмаган-ку; агар рассомни аҳамияти жуда кам бўлса-да, ўзи учун бирон-бир ёрдам қилишга ундан олса, шунинг ўзи буюк бир муваффақият бўлар эди. У фақат шунинг умидида деди: – Келинг, шу мутлақ оқлов ҳақида гапиришни бас қила қолайлик. Сиз қандайдир яна иккита имконият борлиги ҳақида эслатгандек бўлгандингиз.

– Ҳа, қисман оқданиш ва ишни пайсалга солиб чўзиш. Энди фақат улар ҳақидагина сұхбатни давом эттириш мумкин, – жонланиб деди рассом. – Бироқ бу хусусда сўзлашибимиздан олдин, сиз эҳтимол камзулингизни ечиб қўйсангиз яхши бўлармиди? Сизга бу ер жуда ҳам иссиқлик қиляпти, чоғи?

– Ҳа, – деб тасдиқлади К. У шу дақиқаларгача, рассомнинг изоҳларидан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлаб кўрмаган эди, бироқ мезбоннинг биргина жазирама ҳақидаги эслатувданоқ пешонасида реза-реза тер томчилари тепчиб чиқди. – Бу ердаги ҳароратга чидаб бўлмайди.

К. ўзини нохуш ҳис этаётганини билгандек рассом бошини силкитиб қўйди.

– Ойнани очса бўлмасмикин? – илтимос қилди К.

– Йўқ, – деди рассом, – ойна очилмайдиган қилиб курилган, уни очиб бўлмайди.

К. бирдан шу пайтгача рассом ёки ўзи ойна сари йўналади-ю тавақасини ланг очиб юборади, деб умид қилиб келганлигини англаб етди. У ҳатто туманни бутун вужуди билан сипқормоқча тайёрдай ҳам эди. Бу ерда ҳавонинг бутунлай етишмаслигини ҳис қилганидан боши гир-гир айланишга тушди. У ёнидаги пар тўшакни қўли билан бир уриб, ўсал овозда деди:

– Бироқ бу жуда ҳам нокулай ва заарали-ку.

– Э, йўғ-э! – деди рассом, ойнанинг шундай ўрнатилганини баайни ҳимоя қилмоқчидай бўлиб.

– Очилмайдиган бўлса, нима қилибди? Шу оддий ойна икки қават ромларга қараганда иссиқликни яхши сақлади. Мабодо, хонани шамоллатиб олмоқчи бўлсам, – тўғриси, бунга кўп ҳам зарурат йўқ, – истаган пайт амаллаш мумкин, мана бу эшикнинг ўзини очса ҳам етади, ҳатто икки эшикни ланг очиб қўймоқ мумкин.

Бу изоҳ К.ни бирмунча тинчиди ва у иккинчи эшикни излаб, атрофга аланглади.

Рассом буни пайқаб деди:

– У орқангизда, каравот тўсиб турибди.

Фақат шундагина К. каравотнинг у ёғидаги деворда кичкинагина эшикча борлигига кўзи тушди.

– Ҳа, устахона учун бу ер тор, – деб қўйди рассом гўё К.нинг писандали қарашини ортига улоқтиргандай бўлиб. – Амал-тақал қилиб сиқиширилган-да. Албатта, шундоқ эшикнинг оғзида каравот жуда ҳам ноқулай турибди. Шунга қарамай, мен расмини солаётган мана бу суд ҳаками ҳам ҳамиша каравотдан ҳатланадиган шу эшикча орқали хонага киради. Мен унга ҳатто битта калит ҳам бериб қўйибман, мабодо бирон-бир иш билан кетган бўлсам, у устахонага кириб, шу ерда мени кутиб ўтириши мумкин. Бироқ кўпинча у ҳали мен ширин уйқуда ётган тонг палласида пайдо бўлади. Ва қанчалик қотиб ухлашимга қарамай, у лаънати каравот ёнидаги эшикни очиб, мени уйғотиб юборади. Шундай саҳармардонда каравотимдан ошиб ўтаётган ҳакамдан дарғазаб бўлиб, қанақа сўкишлар билан қаршилашимни бир кўрганингизда эди, суд ҳакамларига нисбатан ҳар қанча ҳурматингиз бўлса-да, бир зумда асар ҳам қолмасди. Албатта, мен ундан калитни олиб қўйишим мумкин, бироқ кейин бундан ҳам баттарроқ бўлади. Бу ердаги

ҳар қанақа эшикни ҳеч бир ортиқча қуч ишлатмасдан илмогини қўпориб ташлаш мумкин.

У шулар ҳақида вайсаб ётганда, К. камзулни ҳақиқатан ҳам ечсаммикин ёки йўқ, дея бир қарорга келмоққа уринарди ва охири ечмоқчи бўлди, агар у шундай қилмаса, бундан кейин бир дақиқа ҳам бу ерда ўтиришга чидаши мумкин эмас эди. Шунинг учун камзулини ечиб, тиззалирининг устига қўйди, ишқилиб, музокаралари тугаши билан дарров уни кийиб олиши мумкин бўлсин, деб. Бироқ камзулини ечишга улгурмаган эдики, қизалоқлардан бири чинқирди:

– У энди камзулини ҳам ечди!

Улар бир-бирини итариб, ҳамма ёриқ-тирқишлирга ўзларини ургани, ишқилиб, бу томошадан қуруқ қолмасликка уринаётганлари шовқин-сурондан билиниб туради.

– Қизалоқлар фикрига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ мен сизнинг расмингизни чизишим керак экан, – деди рассом, – бунинг учун ечинганга ўхшайсиз.

– Буниси ҳам бормиди ҳали, – деб қўйди К. Бу унга ҳеч ҳам таскин бағишламади, шунинг учун ҳам у битта кўйлакда ўтирганига қарамай, ўзини сал бўлса-да яхши ҳис қилмади. Шунга яраша у мингирилаб сўради:

– Сиз яна адашмасам икки имконият бор дегандек гап қилгандингиз, шундайми? – у яна, булар қандай номланишини унутиб қўйди.

– Қисман оқданиш ва пайсалга солиш, – чўрт кесди рассом. – Улардан қай бирини танлаш эса сизга боғлиқ. Шундан кейингина, унисига ҳам, бунисига ҳам менинг ёрдамим билан эришиш мумкин, фарқи эса қисман оқданиш учун қисқа бир фурсатнинг ўзи етади, аммо жонни жабборга бериб, жуда катта куч билан астойдил ҳаракат қилиш керак, пайсалга солишда бўлса, жуда

ҳам кўп куч сарфлаш керак бўлмаса-да, жараён узоқча чўзилади. Аввал қисман оқлов борасида гаплашиб олайлик. Агар сиз шунда нимагадир эришмоқчи бўлсангиз, мен бир қоғозга айбсизлигинги хусусида кафолатнома ёзаман. Бунақа кафолатнома матни отамдан қолган, уни ўзгартириш манъ қилинади. Сўнг бу ҳужжатни ўзимга таниш барча ҳакамларга кўрсатиб чиқаман. Айтайлик, ишни суратини солаётганим мана бу ҳакамдан бошласам ҳам бўлади: бари бир бугун кечқурун у қуруқ савлатини намойиш қилиш учун бу ерга келади. Шунда мен олдига ҳужжатни қўйиб, айбсизлигинги изоҳлаб бераман ва кафилликни ўз зиммамга оламан. Бу қандайдир сафсалалардан иборат, расмий кафолатнома эмас, йўқ, йўқ, бу ҳар томонлама талабга жавоб берадиган ҳақиқий кафолатномадир, – рассом К.га шундай нигоҳ ташладики, ўз зиммасига жуда ҳам оғир масъулиятни олишга тўғри келганидан гўё иддао қилаётгандек эди.

– Бу сиз томонидан кўрсатилган ажиб бир марҳамат бўларди, – деди К. – Бироқ суд ҳаками сизга тўла ишонишига қарамай, бари бир мени бутунлай оқлаб юборармикан?

– Мен ҳалигина бу ҳақида айтдим-ку, – қизишидি рассом. – Ҳамма ҳакамлар менга ишонишлирига ўзим ҳам ақл бовар қилишим қийин, мисол учун, айримлари, сизни шахсан олиб боришимни талаб қилишлари мумкин. На чора, шунда бирга боришига тўғри келади. Англашилганидек, мабодо шундай бўлиб чиқса, ишнинг қарийб ярмида ютиб чиқилди дея ҳисоблаш мумкин, қолаверса, ишнинг бошида турган ҳакам каби ўзимни тутиб, ҳар томонлама сизга йўл-йўриқлар кўрсатиб тураман. Салбий оқибатларни эса шунақа ҳакамлар томонидан кутиш мумкинки, ҳа, бундан

кўз юмиб бўлмайди, улар илк қадамлардаёқ мени рад қилишлари турган гап. Ундан ҳолда бошқача йўл тутишга тўғри келади. Уларни инкор этиш учун мен турли хушомаду найрангларни ишга солиб кўраман, ишқилиб, йўлимиздан қолмаймиз, чунки ҳеч қайси ҳакам бир ўзи ҳаммасини ҳал эта олмайди. Хулласи калом, ҳужжатларингиз борасида ҳакамлардан етарлича имзо йигаман-да, устингиздан қўзғатилган жиноий иш жараёнини кўраётган ҳакамнинг олдига олиб бораман. Эҳтимол, тўпланган имзолар орасида унинг ҳам имзоси бўлиши мумкин, бунда воқеа одатдагига қараганда тез ривожланади. Моҳияттан олиб қараганда, бундан кейин умуман ҳеч қанақа гов бўлмайди ва айбланувчи ҳам айни лаҳзаларда ўзини тўла ишончли ҳис қиласди. Бу худди мўъжизанинг ўзгинаси, лекин факт, оқлов ҳукми эълон қилингандан кейингига қараганда кишилар ушбу дамларда ўзларига кўпроқ ишонишади. Шунда ўлиб-тирилиб алоҳида уриниб ётишларга ҳам ҳожат қолмайди. Ҳакамда айбсизлигинги зиңи тасдиқлаб, кўл кўйган кўплаб ҳамкаслари кафолатномаси турар экан, ҳар қанақа шубҳа-гумон, иккиланишларга бормасдан сизни оқладиди, албатта. Бир қатор расмиятчиликлардан кейин, менга-ю, бошқа танишларига илтифот қилгандек ҳожатингизни чиқаради. Сиз бўлса, озодликни қўлга киритиб, судни тарк этасиз.

– Демак, мен озод бўламан? – К. бир оз ишонч-сизлик билан сўради.

– Ҳа, – деб жавоб қилди рассом, – аммо бу фақат қисман озодликка чиқиши бўлади, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсан, вақтингчалик озодлик деганидир. Гап шундаки, танишларим кичик лавозимдаги ҳакамларнинг ҳеч бирига бирор кишини мутлақ оқлаш ваколати берилмаган,

бундай ҳуқуққа фақатгина олий суд кенгаши эга бўлиб, на сиз учун, на мени деб, на бизнинг орамиздан биронта кишини ўйлаб унинг яқинига йўлаб бўлмайди. Бунақа суд қанақа бўлади – биз билмаймиз, ҳа, аксига олиб буни билишни ҳам истамаймиз. Шундай қилиб, айбловдан мутлақ озод бўлишдек улуғ ҳуқуқни ҳакамларимиз олиб беролмайди, фақат улар айбловни рад этиш ҳуқуқинигина бера олади. Агар ушбу босқичда оқдашса, худди шу паллада айблов сиздан четлатилади, аммо, у бари бир тепангизда осилиб тураверади, агарки буйруқ бўлиб қолса, шу заҳоти яна беш баттарроқ даражада кучга киради. Мен суд билан ҳар доим алоқада бўлиб келганим боис, фақатгина мутлақ оқлов билан қисман оқлов ўртасидаги сиртқи фарқ қай даражада кўзга ташланинини сизга айтишим мумкин. Мутлақ оқлов чоғида жараённинг барча ҳужжатлари бутунлай гумдон бўлади, улар тамоман ишдан чиқариб ташланади, фақатгина айбловнинг ўзигина йўқотиб ташланмайди, балки суд жараёнининг барча ёзув-чизув қофозлари, тергов далолатномаларигача, ҳатто оқлов ҳукмномаси ҳам йўқ қилиб юборилади. Қисман оқловга келадиган бўлсак, бу бошқа гап. Унда айбсизлик ҳақидаги гувоҳликлар миқдори ортиб, шу асосда оқлов ҳукмномаси чиққани ва вақтинчалик озодликка эришилгани билан қисман оқлов ҳужжатларида моҳиятан ҳеч нима ўзгармайди. Умумий жараён эса давом этаверади, мунтазам суратда ёзув-чизув қилинаверади, улар юқори босқичдаги маҳкамага жўнатилади, кейин кўп ўтмай яна қуий босқичга қайтиб келади, у ёқقا боради, бу ёқقا қайтади, ишқилиб, худди тебрангич каби бир босқичдан иккинчисига, иккинчисидан биринчисига бориб келиб, тоҳ катта, тоҳ кичкина

бир масофада қулоч ёзиб, гоҳ бир фурсат, гоҳ анча-мунча вақт бир жойда туриб қолиб, сүнг яна ҳаракатга келиб туради. Бунинг тагига етиб бўлмайди. Балки ҳамма нарса аллақачон унутилиб, айбномадан асар қолмаслиги, оқлов тўла ва ҳақиқий бўлгандай кўриниши мумкин. Бироқ ҳаётини шу ишга тиккан ҳеч бир киши бундай бўлишига ишонмайди. Суд ҳеч нарсани унутмайди ва унда бирор-бир ҳужжат йўқолиши мумкин эмас. Кутмаган кунларнинг бирида аллақандай ҳакам ҳужжатларни қўлга олиб, уларни одатдагига қараганда, синчилаб кўздан кечириб чиқади-ю, бу иш бўйича ҳали яна айблов изи борлигига кўзи тушади ва тезлик билан ҳибсга олиш ҳақида фармойиш беради. Буларнинг барини мен сизга ҳикоя қиласар эканман, қисман оқланиб, озодликка чиқиш билан янгидан ҳибсга олиш ўртасида етарли даражада вақт ўтади, деб ўйламайман. Баъзида эса шунақаси ҳам бўлиши – бунга ўхшаш воқеаларни ҳам кўрганман – оқланган киши суддан ўз уйига қайтиб келади-ю, уйида уни ҳибсга олиш ҳақида буйруқ кутиб тургани устидан чиқади. Шу ерда яна унинг озодикдаги ҳаёти ниҳоясига етади.

– Нима бало, суд жараёни яна янгидан бошланаидими? – деб сўради К. ишонқирамай.

– Бўлмасам-чи, – баралла деди рассом, – албатта жиноий ишни кўриш жараёни қайтадан бошланади, бироқ бунда ҳам қисман оқланишга эришиш учун имконият бўлади. Ҳа, яна нима бўлганда ҳам жонни жабборга бериб бутун кучни сафарбар этиш, руҳни туширмаслик лозим, зинҳор-базинҳор таслим бўлиш, тақдирга тан бериш керак эмас. – Охирги сўзни рассом айнан таъкидлаб айтгани боис К. бу суҳбатдан жуда ҳам бир нохуш кайфиятга тушди.

– Бироқ, наҳотки, кейинги сафар, – ҳовлиқиб деди К. рассомнинг ҳамма тушунтиришларини бошқалардан олдин пайқамоқни баайни истагандай. – Наҳотки иккинчи бор оқловга эришиш биринчисига қараганда осон бўлса?

– Бу масалада, – деди рассом, – бирон-бир нарсани аниқ-тиниқ айтиш мумкин эмас. Эҳтимол, сиз иккинчи ҳибсга олиш айбланувчига нисбатан ҳакамнинг ғазабини қўзғамайдими, демоқчисиз, чоғи? Бироқ бу сиз ўйлаганчалик эмас. Ҳакамлар қисман оқлов ҳукмини чиқаришдан олдинроқ ҳам бу ҳибсни кўриб турган бўладилар. Аммо худди шу вазиятта таъсир кўрсатиши эҳтимолдан йироқ. Ҳолбуки, бунда бошқа ҳакамларнинг кайфиятларини ўзгартирадиган ва ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ҳам ишда ўзгача тус оладиган сон-саноқсиз сабаблар бўладики, шунинг учун ҳам иккинчи оқловга муваффақ бўлиш учун ҳамма ўзгаришларни ҳисоб-китоб қилиб, аввалгисидан оз бўлмаган куч-қувват сарфлаш керак бўлади.

– Бироқ бу ҳам, афтидан, якуний оқлов бўлмаса керак? – деди К. шубҳаланиш билан бошини сарак-сарак қилиб.

– Ҳа, албатта, – деди рассом, – иккинчи оқловдан кейин иккинчи ҳибсга, учинчи оқловдан кейин эса учинчи ҳибсга гал келади ва ҳоказо. Бунинг ўзи қисман оқлов нима эканлигини англатади. – К. лом-мим этмай қолди. – Ҳа, кўриниб турибди, қисман оқлов сизнинг жонингизга ора кирадиганга ўхшамайди, – деб рассом фикрини давом эттирди. – Балки сизга ишни пайсалга солиш кўпроқ фойдали бўлиб чиқар. Пайсалга солишнинг мазмун-моҳиятини лўндагина тушунириб берайми сизга?

К. фақат бошини қимирлатиб қўйди. Рассом курсида ялпайиб ўтиаркан, кўйлакларининг

тутмаси ечилиб, бутун кўкси очилиб қолди, у бу жойдан қўлинни тиқиб, бутун кўкси ва ён томонларини секингина силаб қўйди.

– Пайсалга солиш, – деркан рассом, гўё жуда ҳам аниқ ифодалаб бериш учун сўзлар излаётгандек, бир дақиқа анқайиб қолди, – пайсалга солиш шундан иборатки, қўзғатилган жиноий иш жараёнини узоқ пайт бошланғич босқичнинг ўзида ушлаб турилади. Бунга эришиш учун эса айбланувчи ва унинг ёрдамчиси, айниқса ана шу ёрдамчиси доимий суръатда суд билан шахсан алоқада бўлиб, елиб-югуриши керак. Яна қайтариб айтаман, бунда қисман оқловга эришиш учун қилинган саъй-ҳаракатларга ўхшаб кўп куч сарфлаш керак эмас, аммо ҳаммасини бир ерда ушлаб туриш жуда ҳам муҳим. Гапнинг индаолоси, суд жараёнини бирон дақиқа ҳам кўздан қочирмаслик керак, ҳакамнинг олдига мунтазам қатнаб қолмасдан, унинг вақтига тўла мувофиқ келадиган аниқ бир паллада учрашиб туриш, қолаверса, ҳар қандай қулай вазиятни қўлдан чиқармасдан ҳакам билан энг яхши дўстона мунносабат ўрнатиш учун астойдил қунт қилишга тўғри келади. Агар сиз ҳакамни шахсан танимсангиз, унга таниш ҳакамлар орқали таъсир ўтказиш керак бўлади, аммо бу ҳар қанақа вазиятларга қарамай, шахсан музокаралар олиб бориш учун уриниб кўришларга ҳожат қолдирмайди дегани эмас. Агар сиз шу ерда ҳеч нарсани ўтказиб юбормасангиз, бундан кейин ҳам бу жараён ўзининг дастлабки босқичидан нарига ўтолмайди деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Тўғри, уни бари бир бартараф қилиб бўлмайди, аммо айбланувчи жазодан холи бўлиб, худди озод одамдай тараллабедод қилиб юраверади. Қисман оқданишга солиштирганда пайсалга солишнинг

яна бир афзаллик томони ҳар тугул айбланувчи учун келгуси бир қадар ойдин, у ҳамиша титраб-қақшаб, қачон ҳибсга олишар әкан, деб кутиб ётмайди, ҳолбуки, қўрқиб ўтириш керак ҳам эмас, худди шундай вазият қисман оқлов ҳаракатидаги кимса учун ҳеч ҳам кўнгилни хушнуд қиласиган бўлмай, у бир зумда яна ва яна бир талай ташвиш, ҳадик ва ҳавотирларни бошидан ўтказиб туради. Очиги, пайсалга солишинг ҳам айбланувчига бир қанча нокулайликлари бор, улар билан ҳисоблашмаслик ярамайди. Мен бу ерда айбланувчи бари бир эркин бўлолмаслиги ни айтмоқчи эмасман, ахир у қисман оқданишга эришганда ҳам ўзини мутлақ озодман деб, ҳисоблаши мумкин эмас. Бу ердаги нокулайликлар бошқа. Суд жараёни яққол ё ҳеч бўлмаса билинар-билинмас сабабсиз ўз-ўзидан бир жойда туриб қолиши мумкин эмас. Шунинг учун жараён зоҳирان бўлса-да, ҳаракатдагидек мавжланиб туриши керак. Демак, вақт ўтган сари қандайдир фармойишлар берилиб, айбланувчи камдан-кам бўлса-да, сўроқ қилиб турилиши ва ҳоказо, ишқилиб, тергов давом этиши лозим. Афтидан, суд жараёнига ўзлари бир сунъий чегара қўйиб, у ана шу зич бир доира бўйлаб айланиб туриши кўзланган бўлади. Маълумки, бу вазият айбланувчи учун бир талай кўнгилсизликлар олиб келади, аммо сиз зинҳор-базинҳор уларни бўрттириб юбормаслигинги керак. Буларнинг бари бор-бутунича фақат зоҳиран шундай; мисол учун терговлар жуда қисқа бўлади, мабодо терговга бориш учун истак ҳам, вақт ҳам йўқ бўлса, рухсат сўрамоқ мумкин, бир қанча терговчилар олдиндан биргаликда жадвал ҳам тузиб олишади ва келгусидаги кунлар ҳақида келишиб олиш имкони бўлиб, гапнинг сирасини айтганда, кун

ўтган сари ҳакам тергов бераётганинг ўз киши-
сига айланиб боради.

Рассом ҳали сүнгги гапини айтиб бўлмаганди
ҳам К. ўрнидан қўзғалиб, камзулини елкасига
ташлаб олди.

– Турди! – эшик ортида чувиллашди.

– Сиз, нима, кетмоқчимисиз дейман? – ажаб-
ланиб сўради рассом. – Афтидан, сизни кетишга
ундаётган бу ердаги диққинафас ҳаво бўлса ке-
рак. Мен учун бу жуда ҳам кўнгилсиз. Ҳали сизга
кўп нарсани айтиш керак эди. Уларни мухтасар-
гина қилиб изоҳлашга тўғри келади. Шунга қарамай,
сиз мени тушунасиз деб умид қиласман.

– Ҳа, албатта! – деб юборди К., ҳолбуки, у ҳам-
масини эшитиб олмоқчи бўлиб, ўзини мажбурла-
ганидан зўриқиб, боши лўқиллаб оғрирди.

Бу тасдиққа қарамай, К.нинг жим бўлиб қолгани-
да худди хайрлашиб ва гапини холоса қилиб қўймоқ-
чи бўлгандек, рассом яна бир-икки оғиз деди:

– Алалхусус, икки усул ҳам айбланувчи усти-
дан ҳукм чиқаришга монелик қиласади.

– Бироқ улар мутлақ озод бўлишга ҳам шундай
ғов бўлиб туришади, – К. оҳиста деркан, гўё буни
англаб етганидан уялаётгандек эди.

– Сиз ишнинг жон жойидан ушладингиз-да
ўзиям, – деди шу заҳоти рассом.

К. пальтосини олмоқчи бўлди, ҳолбуки, камзу-
лини кийишда у бир қарорга келмаганди. Унга
бор нарсани кўксига босиб, тоза ҳавога чопиб
чиқиши истаги тинчлик бермаётганди. Ҳатто
кийинишга қизалоқларнинг шовқин-суронлари
ҳам мажбур этолмаган эди, улар эса энди уни
кўрмасдан ҳам қичқиришарди.

– У кийинаяпти!

Рассом эса, афтидан, К.нинг ҳолатини алланечук
шарҳламоқни хоҳларди, шунинг илинжида деди:

– Афтидан, сиз, таклифларимдан қайси бири-ни қабул қилишда бир қарорга келолмаётганга ўхшайсиз. Маъқул. Ҳатто мен тезда бирон-бир қарор қабул қилишингизни ҳам маслаҳат бермаган бўлардим. Ҳа, жуда нозик фаҳмлик билан афзалик ва қусурларни фарқлаб олиш керак. Етти ўлчаб, бир кесмоқ лозим. Бироқ англашиб турилгандек, вақтни бой бериш ҳам мумкин эмас.

– Мен тезда қайтаман, – деркан К. бирдан камзулинни иккиланмай кийиб олиб, пальтосини қўлига ташлади-да, қизалоқлар чувиллашиб ётган эшик томон шошилди. Гёё К.га ёпиқ эшик ортидан ҳам қизалоқлар уни кўриб туришгандай туюлди.

– Сиз, албатта, ўз сўзингизда туришингиз керак, – деди рассом кузатмоққа уриниб ҳам қўймай, – бўлмаса ўзим банкка бориб, сиздан нима гаплигини суриштиришимга тўғри келади.

– Эшикни очсаларинг-чи! – дастакни силтаб ўшқирди К., – қизалоқлар эшикнинг ташқари томонига ёпишиб, уни итариб турганлари равшан эди.

– Улар, энди, ташқариди ҳам сизга кун бермайди, – деди рассом. – Яххиси, мана бу чиқиши жойидан фойдалана қолинг, – у каравот нари-ёғидаги эшикчани кўрсатди. К. шу заҳоти рози бўлиб, каравот томон отилди.

Бироқ эшикни очиш ўрнига рассом каравот тагига бошини сукиб, у ердан туриб сўради:

– Бир дақиқага шошилмасангиз, мана бу суратларга бир қарасангиз-чи, битта-яримтасини сизга сотсан дегандим?

К. қўполлик қилишни истамади, нима бўлганда ҳам унинг ишига рассом бош қўшди ва бундан кейин ёрдам беришни ваъда қилди, қолаверса, К.нинг фаромушхотирлиги тутиб, бу ёрдамни тақдирлаш тўғрисида ҳам бирон-бир гап

қылмабди, шу боисдан ҳам рассомнинг таклифини рад қилолмади ва суратларни бу ёққа олиб чиқишига имкон берди, ҳолбуки, у устахонадан шунчалик тез отилиб чиқиб кетиш истагида ёнардики, азбаройи сабрсизланганидан титраб-қақшар эди. Рассом каравот остидан оқ мато тутилмаган бўзларни ташқарига чиқараркан, ҳаддан ташқари чанг босган суратларнинг юзасини сидиришга тушди ва ҳавода узоқ туриб қолган қуюқ чангдан К.нинг томоги ачишиб, кўз олди қоронfilaшиб кетди.

– Мана бу дашт манзараси, – деб рассом К.га бир бўзни узатди. Унда иккитагина нимжон дарахтча тасвирланган бўлиб, улар қуюқ барра ўтлар орасида бир-биридан айри-айри ҳолда туришарди. Суратнинг бир чеккасида рангин шафақ жилолари.

– Яхши, – деди К. – Мен уни сотиб оламан, – К. ҳеч нарсани ўйламасдан беихтиёр гапнинг пўскалласини айтар экан, яйраб кетди, рассом эса бундан ҳеч ҳам хафа бўлмасдан, ердан иккинчи суратини кўтарди.

– Бу сурат ҳалигининг тамоман тескариси, – деб қўйди рассом.

Эҳтимол у бу суратда бошқа бир манзара тасвирини чиқармоқчи бўлгандир, аммо икки суратда ҳам кичкина бир даражада айричаликни кўриш амри маҳол эди: бунда ҳам ўшанақа дарахтчалар ва барра ўт-ўлан, чеккада ўша шафақ манзараси. Бироқ К. учун буларнинг бари фарқсиз эди.

– Ажойиб манзаралар экан, – деди у. – Мен буларнинг иккисини ҳам оламан ва ишхонамнинг тепасига осиб қўяман.

– Сизга бу мавзу ёқиши кўриниб турибди. – Рассом шундай деб, учинчи бўзга қўл узатди. – Менда бунга ўхшаш яна бир сурат бор, жудаям муваффақиятли чиққан.

Бироқ буниси ҳам шунчаки ўхшаб қолмасдан, балки ўша чўл манзарасининг айни ўзи эди. Афтидан, рассом ўзининг ўтмас, эски суратларини устомонлик билан имконият келганида тиқишитирив қолиш пайида эди.

– Мен бунисини ҳам оламан, – деди К. – Қанча туради бу уч суратнинг ҳаммаси?

– Бошқа сафар баҳосини келишармиз, – деди рассом. – Сиз ҳозир шошилиб турибсиз, бундан кейин алоқамиз қалин бўлади. Биласизми, суратларнинг сизга маъқул келгани мени жуда ҳам хурсанд қилиб юборди, шу боис ҳам каравот остидаги ҳамма бўзларимни сизга тухфа қилганим бўлсин. Бу чўл манзараси акс эттирилган биргина сурат, мен эса бу мавзуга оид хўб ва кўп суратлар ишлаганман. Айрим кишилар бунақа суратларни тушунишмайди, уларнинг фикрича, булар ҳаддан ташқари мавҳуммиш, ҳолбуки, бошқа бирорлар, масалан олайлик, сиз айнан шу мавҳумликни жон-дилингиз билан яхши қўрар экансиз.

Бироқ К. ҳеч ҳам бу бечораҳол рассомнинг ижодий тўлғоқларини талқин қилиб ўтирумокчи эмасди.

– Ҳамма суратларингизни ўраб-чирмаб, тайёрлаб қўйинг! – бақирди рассомнинг гапини чўрт кесиб К. – Эртага чопарим келиб, уларни олиб кетади.

– Бунга ҳожат ҳам йўқ, – деди рассом, – шу ернинг ўзида ҳам ҳаммол топиб беришим мумкин, у сизни кузатиб қўяди. – У ниҳоят тўшак устига эгилиб, эшикчани оча қолди.

– Каравот устидан сакраб ўтаверинг, ҳеч ҳам хижолат бўлманг, ҳаммаям ўзи шунаقا қилиб кириб чиқади, – деди у.

Бироқ К.унинг рухсатисиз ҳам хижолат бўлишни ўйлаб ўтирумасдан, аллақачон оёгини тў-

шакнинг устига қўйган, аммо очиқ эшикка кўзи тушиб, ўзини орқага олган эди.

– Нариги ёқда нима бор ўзи? – у рассомдан ўсмоқчилаб сўради.

– Нимага бунчалик ҳайрон қоласиз? – рассом ҳам худди шундай ажабланиш билан суриштириди. – Ҳа, бу суд девонхонаси. Наҳотки, сиз бу ерда суд девонхонаси жойлашганлигини билмаган бўлсангиз? Нега у айнан шу ерда бўлмаслиги керак экан? Очиги, устахонам ҳам суд девонхонасига қарайди, ҳарқалай суд уни шахсан ўзим фойдаланишим учун қолдирган.

К. шундок суд девонхонасининг бурнига келиб қолганидан қўрққани йўқ; балки ўзининг суд ишларидағи нўноқдиги даҳшатга солар эди: унга шундай туюлдики, айбланувчи учун доимий хавотир ва ҳозирлик лозим, қўққисдан қўлга тушиб қолмаслиги, воқеан судья чап томонда турар экан ногаҳоний тарзда ҳам чапга қарамаслиги керакка ўхшайди. У эса қоидага зид равишда гуноҳ қилишдан тийила олмаяпти. Унинг олдидан чўзиқ йўлак чиқди, бу ердаги ҳаво роса қўланса, уни рассом устахонасидагига солиширадиган бўлса, устахонани жоннинг ҳузури деб атаса бўларди. Бу тор йўлакнинг икки томонида ҳам кета-кетганча ўриндиқлар қўйилган, К. мурожаат қилган суд девони қабулхонасининг баайни ўзидай эди. Ҳамма девонхоналар бир андозада солинади чоғи. Айни паллада ҳам девонхонага бирмунча мижозларни кўриш мумкин эди. Аллақандай эркак ўриндиқча чалқанча тушиб, қўли билан юзини ёпиб олганча ётар, афтидан, мизғирди; бошқа бири йўлакнинг тўридаги нимқоронгиликда турарди. К. каравотдан ошиб ўтди, ортидан йўлакка суратларни кўтариб, рассом ҳам чиқди. Кўп ўтмай улар суд хизматчи-

сига тўқнаш келишди – фуқаровий камзуллардаги жўн тутгмалар ичидаги ярқираб кўринадиган зарҳал тутгмалидан К. энди бу хизматчиларни ҳеч қийналмасдан ажратиб оларди. Рассом К.ни кузатиб қўйиши буюра туриб, суратларни унинг қўлига берди. К. дастрўмолчаси билан оғзини маҳкам ёпиб, чайқалиб илгарилади. Қарийб чиқиши жойига яқинлашганда, бехос ёпирилган қизалоқлар тўпига тўқнаш келиб қолиши. К. бу ерда улардан халос бўлиши душвор эди. Албатта, улар устахонадаги иккинчи эшик қандай очилганини кўришган, қувиб етиш учун нариги томондан айлануб югуриб келган эдилар.

– Бу ёғига мен сизни кузатиб қўймасам ҳам бўлади! – қизалоқлар қуршовидаги рассом тиржайиб туриб деди. – Кўришгунча хайр! Жуда узоқ ўйланиб юрманг!

К. ҳатто ортига ўғирилиб ҳам қарамади. Кўчада у тўғри келган биринчи фойтунга тушди-ю, жуфтакни ростлади. У суд хизматчисидан бутунлай халос бўлишини истар, унинг тилла тутгаси кўзига бало-қазодай кўринар, ҳолбуки, бунга бошқалар тузук-қуруқ эътибор ҳам беришмасди. Хизматчи хизматга шайлигини кўрсатмоқчи бўлиб, извош ўриндигига тиришиб-тирмашди, бироқ К. уни ўзидан нари қувди. К. узоқ юриб, кун оққандагина банкка етиб келди. У ҳамма суратларни фойтуннинг ўзида қолдиришни истарди, бироқ рассом кейинроқ улар қаерда деб қизиқиб қолса, нима дейман деб чўчиди. Шунинг учунгина ўз иш кабинетига олиб чиқиб, яқин орада директор муовинининг кўзига тушиб қолмасин деб, столнинг энг пастки ғаладонига қулфлаб ташлади.

**ТИЖОРАТЧИ БЛОК.
АДВОКАТНИ РАД ҚИЛИШ**

Шундай бир кун келдики, К. охири иши бўйича адвокат вакили бўлишини рад этишга қарор қилди. Бу ишни тўғри қиляптими ёки йўқ, очиғи, уни шубҳа-гумонлар бир зум ҳам тарк этмади, лекин охир-оқибат, бари бир, шундай қилишим зарур, деган фикр бошқасидан кучли чиқди. Адвокатнинг олдига бориб, ўз қарорини айтиб, узил-кесил орани очди қилмоқчи бўлган ўша кунда бунинг учун кўп куч сарфлашга тўғри келди, у бўшашиб, имиллаб ҳаракат қилар, шу боис ҳам ишхонасида узоқ ушланиб қолди ва адвокатнинг эшигига яқинлашганда соат аллақачон ўн бўлганди. Бирон иш қилишдан олдин у адвокатга телефон қилиб ёки хат ёзиб, ўз қароримни билдириб қўйсам яхши бўлмасмикин, деган хаёлга борди, чунки юзма-юз туриб, гаплашиб олиш жуда ҳам кўнгилсиз кечиши турган гап эди. Бироқ К. юзма-юз туриб, рад этишни билдиromoқ қарорига келди: бунақада қатор ҳийлаларни ишга солиб, адвокат жавоб қилмаслигига ёки ҳар қанақа важ-корсонлар билан қутулиб чиқиб кетишига йўл қўймаган бўлади. Қолаверса, қарорини адвокат қандай қабул қиласди ва бу рад қилишнинг оқибати К. учун қандай бўлади, бу хусусда адвокат қандай фикрда, унинг фикри билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас, агар адвокат билан юзма-юз бўлмаса ҳеч қачон буни билмас,

бир иложини қилиб, Ленидан сугуриб олгандай сўраб-сурештириб ҳам тагига етолмас эди. Агар К. юзма-юз туриб, ўз қарорини билдирганда, бу адвокат учун кутилмаган ҳол ясад, ундан бир сўз олиб бўлмаган тақдирда ҳам ўзини тутиши, афти-ангoriga қараб, К. нимагаки қизиқса, ҳам масини оппа-осон фаҳмлаши мумкин. Ҳатто у яна бир нарсанинг юз беришини ҳам мустасно қилмаган, адвокат унинг ҳимоясини астайдил ўз зиммасига олар. К.шунга амин бўлмоқчи, шундай бўлиб чиқадиган тақдирда эса рад қилиш ўз-ўзидан бекор бўларди.

Адвокатнинг эшигини биринчи бор тақиллатишга уринилганда, ҳамишагидек, ҳеч ким жавоб қайтармади. Ҳеч бўлмаганда, Лени ошиқиб келарди-ку, деб ўйлади у. Ана шундай қаттиқ-қаттиқ тақиллатишлардан кейин кўпинчча қўшнилардан халатдаги эркак киши ёки яна биронтаси югуриб чиқар ва даҳанаки жанг бошланиб кетарди, Худога шукр, бу сафар қўшнилар аралашмади. Иккинчи бор эшик қўнғирогини босар экан, К. қўшнининг эшигига хавфсираб қараб қўйди, бироқ бу сафар ҳам у очилмади. Охири адвокат эшигининг тешигида бир жуфт кўз кўринди, аммо бу Ленини эмасди. Кимдир қулфни очмоқчи бўлганига қарамай, ичкаридан ушлаб турилганга ўхшар ва хонадоннинг тўрига қараб «Бу ўша!» деб қичқирилгандан кейингина эшик очилди.

У эшикка сиқилибгина кирар экан, орқасидаги қўшни хонадон эшигининг калити ҳам шошиб-пишиб буралаётганлигини эшилди. Даҳлизга ўтишга йўл бўшатишлари билан, у жон-жаҳди билан ўша ёқقا отилди, эшикни очган киши ҳалиги огоҳлантирган овоз эгаси эди, биттагина кўйлакда эса йўлакнинг адогида чопиб бораётган Ленига кўзи тушди. К. қизнинг ортидан бир

зум кузатиб турди-да, кейин останада турганга бурилди. Бу ушоққина, соқолли, нимжон киши бўлиб, қўлида шам ушлаб олганди.

– Сиз шу ерда хизмат қиласизми? – қизиқди К.

– Йўқ, – деб жавоб қилди кимса, – бегонаман, адвокатда ишим бор, маслаҳатини олишга келгандим.

– Камзулсиз-а, – деб сўраркан К. қўл ҳаракатлари билан ярим-ялангоч ҳолдаги мижозни кўрсатиб.

– Вой, кечирасиз! – кимса хижолатомуз шундай деб, илк бор қандай кўринишда эканлигини билмоқчи бўлгандай, шамни ўзига тутиб теграсини ёритди.

– Лени – ўйнашингизми? – дангал сўради К. У оёқларини бир оз кериб, қўлларини белига тираб олганча, шляпасини ушлаб олганди. Устидаги пўримгина палъtosининг ўзиёқ, бу пачоққина кишидан устунлигини таъкидлаб турарди.

– Ё, Худойим! – деди у киши қўрқинч билан ва гўё ўзини ҳимоя қилаётгандай бўлиб қўллари билан юзини тўсиб олди. – Йўқ, йўқ, нега бундай бўлмағур хаёлларга борасиз?

– Сиз ишончимга қариб кириб улгурдингиз, – унга табассум билан кўз ташлаб деди К. – Лекин шунга қарамай... Э, яхиси, йўл бошланг! – У шляпасини силкитиб, уни олдга ўтишига йўл берди.

– Исми-шарифингизни билсак бўладими? – сўради кейин.

– Блок. Тижоратчи Блок, – у шундай деб, ишқилиб ўзини нуфузли бир киши сифатида танитмоқ бўлди, лекин К. баттар ерга уриб, сўроққа тутди:

– Бу сизнинг ҳақиқий фамилиянгизми?

– Бўлмаса-чи! – қатъий ишонч билан деди Блок. – Бунга шубҳаланяпсизми?

– Эҳтимол, ўз исми-фамилиянгизни сир тутишингизга бирон-бир сабаб бўлиши мумкин, деб

ўйлагандирман, – дилидагини қайтармади К. У ўзини фавқулодда эркин ҳис қилди, – бунақа ҳоллар фақат оддий халқ орасыда бегоналар билан мулоқотда рўй беради, виқор-ла лом-мим демасдан, бариси сенга тегишилдай, совуққонлик билан ишлари ҳақида сўраб-суринтираверасан, гўё бир сўрида ўтириб қолгансану келган суҳбатни хаёлингга келган жойда ҳеч нарсани ўйламай шартта кесиб тўхтатаверасан.

К. адвокатнинг иш кабинети олдида таққа тўхтади, эшикни очар экан, итоаткорона олға бораётган савдогарга бақирди:

– Шошманг! Мана бу хонани ёритинг-чи! – К. эҳтимол, Лени хонанинг бир четига яшириниб олгандир, деб ўлади, шу боис ҳам савдогарни ҳамма бурчакларини ёритишга мажбур қилди, аммо хона бўум-бўш эди. Ҳакамнинг сурати рўпарасига келганда савдогарни шим боғичидан ушлаб тўхтатди.

– Сиз уни танийсизми? – К. қўрсаткич бармоғини юқорига ниқтаб жавоб кутди.

Савдогар шамни баландроқ кўтариб, мўлтираб юқорига қаради ва деди:

– Суд ҳаками-ку!

– Олий суд ҳакамиими? – К. савдогар билан бир қаторда туриб олиб, сурат унга қандай таассусот қолдирганини билмоқ илинжида, ўсмоқчилааб сўради.

Савдогар фавқулодда бир ҳурмат-эҳтиром билан юқорига қаради.

– Ҳа, бу олий мартабали ҳакам, – деб қўйди у.

– Сиз, афтидан, унчалик зийракка ўхшамайсиз, – деди К. – Барча майдада-чуйда суд амалдорларининг ичида энг ҳақири шу бўлади.

– Энди эсладим, – савдогар шундай деб, шамни туширди. – Мен у ҳақида сал-пал эшитганман.

– Албатта шундай бўлиши керак! – ҳайқириб деди К. – Сиз албатта булар ҳақида аниқ-тиниқ эшитган бўлишингиз керак, буни бутунлай унуганимни қаранг.

– Нега энди? Нима учун? – сўради савдогар К. нинг турткилаши билан эшик томон борар экан.

Йўлакка етаёзганларида К. ундан сўради:

– Ҳарқалай сиз Лени қаерга яшириниб олганини биларсиз?

– Яшириниб олган дейсизми? – қайта сўради савдогар. – Э, йўғ-э, ҳозир у эҳтимол ошхонада адвокатта шўрва қайнатиш билан овора бўлса керак.

– Нега сиз буни менга дарров айта қолмадингиз? – сўроққа тутди К.

– Мен сизни у ерга бошлаб бормоқчи эдим, бироқ ўзингиз мени орқадан чақириб тўхтатиб қолдингиз, – савдогар тескари топшириқдан боши гангид қолганини айтди.

– Афтидан, сиз ўзингизни жуда пиҳини ёрган айёр чоғлайсиз! – кесатди К. – Қани бўлмаса, мени ўша томонга бошланг!

К. ҳали бирон марта ошхонада бўлмаганди, назарида ошхона ҳаддан ташқари каттакон ва жиҳозларга сероб туюлди. Ҳатто плита-ўчоқнинг ўзи жайдариларига қараганда уч баробар катта эди. Қолган шарт-шароитга зеҳн солишининг қарийб имкони йўқ, чунки кириш жойининг тепасида осилган кичкина чироқчагина ошхонани фирла-шира ёритиб турарди, холос. Ўчоқ олдида ўзининг доимгидек оқ пешбандини илиб олганича, Лени куймаланаар, қизиган товага тухум чақарди.

– Хайрли кеч, Йозеф, – деркан қиз зимдан унга бир қур назар ташлаб олди.

– Хайрли кеч, – К. сўраспа туриб бир чеккада турган курсини савдогарга кўрсатди; у курсига

айбдорлардек чўқди. Шундан кейингина К. Ленининг олдига дадил бориб, қизнинг елкаси оша энганиш, сўради:

– Ким ўзи бу нусха?

Лени бир қўли билан уни қучоқларкан, – бошкаси билан шўрвани қўзгарди, йигитни ўзига тортиб шивирлади.

– Бу бадбахт жуда ҳам эзилган савдогар, Блок деган кимса. Сен унинг афти-ангорига бир қара.

Иккиси ҳам ўша ёқقا қарашди. Савдогар унга қандай буюрилган бўлса, шундай курсидан қўзгалмай ўтирас, кераксиз шамларни ўчирган, тутаб-путаб юрмасин, деб бармоғи билан пиликни босиб, эзғилаб ўтиради.

– Сен биргина кўйлақда эдинг, – деркан К. қўллари ила Ленининг бошини ушлаб, Блокка қарашга мажбур этди. Лени индамай ўтиради.

– У сенинг ўйнашингми? – саволга тутди К. Қиз қозончани кавламоқчи бўлди, бироқ К. унинг икки қўлидан шартта тутиб, ўзига қаратди: – Жавоб бер!

Қиз шивирлади:

– Юр иш бўлмасига, мен сенга ҳаммасини тушунириб бераман.

– Йўқ, – чўрт кесди К. – Мен ҳаммасини шу ернинг ўзида қандай бўлса, шундай тушунтириб беришингни истайман. – Қиз унинг бўйнига осилиб, йигитни ўпмоққа уринди, аммо К. ўзини четга олиб, деди: – Айни пайтда мени ўшишингни истамайман.

– Йозеф! – Лени йигитнинг кўзига зорланиб, шу билан бирга тик қаради.

– Наҳотки, сен мени жаноб Блокдан рашк қиласанг? Руди, – у энди савдогарга юзланиб деди: – Эй, ёнимни олмайсанми, мени қандай баттолликларда гумон қилишяпти, эшитдингми? Бир ёқقا отгин-э, қўлингдаги шамларни!

Бу воқеаларга Блок умуман эътибор қилгани йўқ, деб ўйласа бўларди, бироқ баҳтга қарши, ҳаммасини аъло даражада эшитиб турарди.

– Нимага асосланиб рашк қилиш хаёлингизга келиб қолганига ҳайронман, – деди у кишининг шаънига тегадиган қилиб.

– Ўзим ҳам бунга тушунолмайман! – деди К. савдогарга табассум билан қараб.

Лени қаҳқаҳа отиб кулди, фурсатдан фойдаланиб шу билан К.ни чалғитмоқчи бўлди ва унинг қўлига осилиб, шивирлади:

– Уни ўз ҳолига қўй, ўзинг кўрдинг, шуям одами? Мен унга бир озгина ачинаман, фақат ва фақат шунинг учунки, у адвокатнинг ўта қимматли мижози. Ўзингни аҳволинг қандай? Шу паллада адвокат билан гаплашиб олишни истайсанми? Аммо бугун аҳволи жуда ҳам оғир, начора имкони бўлиши билан мен унга сен ҳақингда хабар бераман. Ўзинг эса бугун меникида қоласан, ҳеч бир важ-корсонинг ўтмайди, қоласан, вассалом. Минг йилдан бери бизга қорангни кўрсатмай кетдинг, ҳатто адвокатнинг ўзи сени бир неча бор сўраб-суриштириди. Суд жараёнига бепарво қарама. Менда ҳам маълум қилишим керак бир талай гаплар бор, баъзи бирлари ҳақида ўзим сўраб-суриштириб билишга мувофиқ бўлдим. Бироқ ҳаммасидан олдин пальтонгни ечсанг бўларди.

Қиз унга пальтосини ечишга қарашди, шляпасини олди ва даҳлизга кийимларни илиш учун зипиллаб кетди, кейин чопқиллаб келиб, шўрва тайёр бўлмабдими, деб қозонга қаради.

– Аввал сен ҳақингда хабар берайми ёки шўрвасини ичирайми? – қиз К.дан сўради.

– Аввал мен ҳақимда ахборот бер, – деди К.

У жуда ҳам асабийлашиб турарди, чунки Лени билан ўзининг ишлари хусусида гаплашиб олиш-

ни ҳам мүлжаллаб келган, айниңса бир қарорга кела олмаган муаммоси – адвокатнинг ҳимоясига ни рад этсинми ёки йўқ, фикрини билмоқчи эди; аммо аллақандай савдогарнинг бу ерга тиқилиб ўтириши барча хоҳиш-истагини йўққа чиқариб турарди. Шунда ҳам иши жуда муҳим туюлди ва бу бадбахт нусхани деб ҳал бўлиши керак ишлар режасини ўзгартириб ташлаш мумкин эмаслиги-ни ўйлаб, йўлак бўйлаб югуриб кетаётган Ленини чақириб тўхтатди.

– Ҳарна бўлса ҳам аввал унинг шўрвасини ичириб, нафсини қондир – буюрди у, – майли, мен билан гаплашиб олишдан один қувватга кириб, дадилланиб олсин. Бунинг учун ҳам унга куч-қувват керак бўлади.

– Бундан чиқди, сиз ҳам адвокатнинг мижозларидан экансиз-да? – деди хотиржамгина бир чеккада ўтирган савдогар. Аммо унинг бу гапи умумий норозиликни бошлаб келди.

– Нима ишингиз бор? – иддао билан сўради К. Лени эса уни баттар жеркиб ташлади:

– Оғзингни юмиб ўтир-э, – кейин қиз К.га юзланди: – Демак, аввал унинг шўрвасини ичирман, – деб у косага шўрва қўйди. – Ҳамиша овқатни ичиб бўлиши билан у тарашадек қотади қолади, яна шундай ухлаб қолмаса, деб қўрқаман-да.

– Ҳечқиси йўқ, менинг сўзларимни эшитиб, унинг уйқуси қочиб, кўзи мошдек очилиб кетади, – деди К.

У адвокат билан жуда ҳам муҳим бўлган ниманидир ҳал қилиб олишга тараддуд кўраётганини аввало ишора билан билдиришни истар, ишқилиб, суҳбат нима ҳақида боришига Лени фаҳми етиб, қизиқиб қолгачгина, унга маслаҳат солмоқчи эди. Қиз эса унинг истагини жон-жон деб бажарган бўларди.

Қиз коса күттарганча яқинидан ўтар экан, ишвали нигоҳ ташлаб деди:

– У овқатини еб бўлиши билан дарров сен ҳақингда хабар бераман, ишқилиб, олдимга қанча тез қайтсанг шунча яхши.

– Бор, бора қол! – амр этди К. – Тезроқ бор, деяпман!

– Сал хушмуомала бўлсанг-чи! – шундоқ эшик оғзида туриб, коса күттарганча деди қиз, сўнг эса у томонга яна бир бор бурилиб, бутун қадду қоматини намойиш қилди.

К. унинг изидан термилиб қолди. Энди у адвокатнинг хизматини бутунлай рад этишга қатъий қарор қилди; эҳтимол, буни Лени олдида дастурхон қилишга улгурмагани яхши бўлгандир, чунки қизнинг дунёқараши жуда чекланган; эҳтимол, қиз яна уни авраб ташлар, бу сафар ҳам қилмоқчи бўлган ишидан тутиб қолар, яна муаллақ аҳволда қолиб аллақанча вақтгача шубҳалар гирдобида қоврилиб ўртанаар, лекин бари бир бир қанча вақт ўтгандан кейин ўз ниятини амалга оширап, чунки аллақачондан буён зўр бериб шуни орзу қилиб юрибди, ўзини бу хаёллардан халос этмаса бўлмайди. Афтидан, қанча тез бир қарорга келса, шунча кам зиён кўриши турган гап. Эҳтимол, мана бу тожирдан ҳам бирор жўяли гап чиқиб қолиши мумкин.

К.унга бурилди, савдогар эса буни сезган заҳоти, ўрнидан сакраб турмоқчи бўлди, бироқ К. уни ушлаб қолди.

– Ўтилинг, ўтилинг, – тинчлантириди К. ва унга яқинлатиб курсисини сурди. – Ҳим, сиз адвокатнинг эски мижозлариданмисиз? – суриштириди К.

– Ҳа, – деди савдогар, – жудаям эски мижозлариданман.

– Неча йилдан буён у ҳожатингизни чиқаради? – сўради К.

– Сиз буни нима учун суриштиряпсиз, менга қоронғи, – деди савдогар. – Мен ғалла олди-бердиси билан шуғулланишни бошлаган алазамонлардан у йўл-йўриқлар бериб келади, демак, қарийб йигирма йилдан буён ҳамкормиз. Агар сиз устимдан қўзғатилган жинойй ишга ишора қилаётган бўлсангиз бунда ҳам дастлабки босқичданоқ у ёнимда турибди, шунга ҳам, мана, беш йилдан ошяпти. Ҳа, ҳа, шунга ҳам беш йилдан ортиқ вақт ўтди, – қўшимча қилиб эски ҳамёнини пайпаслаб кетди. – Бу ерда ҳаммаси, аниқ-тиниқ қайд этилган; агар истасангиз, аниқ саналаригача айтишим мумкин. Аммо ёддан эслашим мушкул. Э, менинг устимдан қўзғатилган суд жараёнига қанча замонлар бўлди, адашмасам рафиқам қазо қилганидан кўп ўтмай бошланган эди, шунинг ўзига беш ярим йилдан ошиб кетибди.

К. унга янада яқинроқ сурилиб ўтирди.

– Демак, адвокат жўнгина фуқаролик ишларини ҳам олаверади денг? – сўради у. Суд билан бундай меъёрдаги қонун-қоида асосида алоқада бўлиш ажид тарзда К.ни тинчлантириди.

– Э, бўлмасам-чи, – деди савдогар ва шивирлаб қўшимча қилди: – айтишларича, фуқаролик ишларини у ҳатто бошқаларга қараганда чуқурроқ тушунар экан.

Бироқ дарҳол маълум бўлдики, Блок ортиқча сўйлаб қўйганидан пушмонлик тўйди ва К.нинг елкасига қўлини қўйиб, астойдил ўтинди:

– Гапларимни унга айтиб юрманг, илтимос!

К. унинг тиззачаларига шапатилаб қўйди ва тинчлантирувчи оҳангда деди:

– Сизни қаранг, нима, мен сотқинманми?

– У ўч олмаса қўймайдиганлардан, – деди савдогар.

– Қўрқманг, сиздақа содиқ мижозни у ҳеч қачон балога рўпара қилмайди, – далда берди К.

– Қўрқмайин-чи! – эътиroz билдиргандай деди савдогар. – Дарғазаб бўлган чоғида, кўзига ҳеч нарса кўринмайди, бундан ташқари, анчадан буён унга унчалик ҳам ишонавермайман.

– Бу қанақаси бўлди? – ўсмоқчилаb сўради К.

– Билмадим, ҳамма нарсани сизга ишониб айтавериш керакми ёки йўқ, – шубҳали овозда деди савдогар.

– Айтаверинг, – деди К.

– Начора, – деди савдогар, – негадир сизга ишонгим келяпти. Ҳарқалай, сиз ҳам баъзи сирларингизни ошкор этишингиз керак, сири бирнинг тақдири бир, деганларидек, шундагина адвокатга қарши жипслалишишимиз мумкин.

– Сиз ҳаддан ташқари эҳтиёткорга ўхшайсиз, – деди К. – Яхши, сизга шунаقا маҳфий сирни очаманки, бутунлай хотиржам тортасиз. Нега адвокатдан бунчалик ҳайиқасиз?

– Гап шундаки, – қўрқиб-қалтираб сўз бошлиган савдогарнинг хатти-ҳаракатидан қандайдир бир пасткашликнинг иси келарди, – менинг ундан ташқари ҳам бир неча адвокатларим бор.

– Нима бўлибди, бу унақа даражада ножӯя иш эмас-ку, – бир оз жонланиб деди К.

– Буни бу ерда ножӯя ҳисоблайдилар, – деди савдогар. У ўз иқоридан бўғилиб қолаёзганди, ҳарқалай К.нинг далдаси уни бир оз ўзига келтириди. – Бунга рухсат этилмайди. Ҳар қанақа воқеа содир бўлганда ҳам ишингизни зиммасига олган бир адвокат қаторига яна хуфия адвокатларни ҳам жалб қилиш фармойиш билан тақиқланади. Мен айнан шу йўлга ўтиб олганман, яна бешта хуфия адвокатларим бор.

– Бешта-я! – бақириб юборди К. Уни айнан оқловчиларнинг саноғи ҳайратга солганди. – Бундан бошқа яна нақ бешта маслаҳаттўй адвокатим бор денг!

Савдогар бошини қимирлатиб тасдиқлади.

– Энди олтинчиси билан битишмоқчи бўлиб юрибман.

– Сизга бунча адвокатнинг нима кераги бор?
– Қизиқсинди К.

– Менга уларнинг ҳаммаси асқатади, – уқтириди савдогар.

– Балки қандай асқатиб қолишини тушунтириб берарсиз? – бунинг тагига етмоқ истарди К.

– Бажонидил, – деди савдогар. – Ҳаммасидан олдин қўзғатилган жиноий иш жараёнида мен мағлубиятга учраб қолишини ҳеч ҳам истамайман, бу ўз-ўзидан тушунарли. Шунинг учун ҳам ҳеч нарсани кўздан қочирмаслик керак, агар ҳаттоки, баъзи воқеаларга кўра, натижасидан заррача фойда чиқадиган бўлса ҳам, бари бир, мен ана шу умидни бўш қўймаслигим керак. Агар лоқайдликка йўл қўйиладиган бўлса, бор имкониятларимнинг ҳаммасини бой беришим ҳеч гап эмас. Мисол учун, бор мол-мулкимни олиб кўрайлик: бир вақтлар идорам қарийб бутун бир қаватни эгаллаган эди; энди-чи, ит ётар, мирза туарар асосий бинонинг думи каби каталакдек ҳужрачам қолди. Ишим шунаقا тескарисига айланниб кетдики, бор будимдангина ажralиб қолмадим, балки бутун куч-қувватимни бой бериб, адойи тамом бўлдим. Жараёндан кўз-қулоқ бўлиб бормоқчи бўлсанг, бошқа бирон нарсани эплашга вақт қолмайди.

– Бундан чиқди, ўзингиз куйиб-пишиб суд жараёнини изга солиб юрар экансиз-да? – аниқлаштирмоқчи бўларди К. – Айниқса, ана шу хусусида мен муфассал билмоқ истардим.

– Бу борада мен жўяли бир нарса дея олмайман, – деди савдогар. – Аввалига бирон-бир иш чиқармоқчи бўлиб ўзим шуғулланмоқчи бўлдим,

аммо кейин бунинг баҳридан ўтдим. Ҳаддан ташқари тинка-мадорни қурилади-ю, натижа қурғур эса қарийб кўринмайди. Тиним билмай елиб-югуриб, ҳаммасини ўзинг ташкиллаштирасан, муросай мадоранинг боши-кети йўқ, охири бунга кучим етадиганга ўхшамади. Ҳаттоқи оддийгина, ўтириб кутишнинг ўзи даҳшатли дараҷада зўриқтиради. Ўзингиздан қолар гап йўқ, девонхоналардаги ҳаво қанчалик оғир, ифлос.

– У ерда бўлганимни сиз қаердан биласиз? – сўради К.

– Қабулхонада кутиб ўтирганимда, ўтиб қолгандингиз.

– Бунинг тўғри келиб қолганини қаранг! – ҳайқирди К. Бу уни шунчалик ҳайратга солдики, бошда савдогарни жуда ҳам бетайин киши деб ўйлаганини у тамоман унуганди. – Бундан чиқди мени кўрган экансиз-да! Мен кириб борганимда сиз қабулхонада ўтирган бўлгансиз! Тўғри, мен бир сафар у ерда бўлгандим!

– Буни жуда ҳам тўғри келиб қолган, деб бўлмас, – босиқлик билан деди савдогар, – мен у ерга Худонинг берган қуни бориб тураман.

– Эҳтимол, менга ҳам зув қатнаб қолишга тўғри келиб қолар, – деди К. – Аммо ўша сафар-гидек ҳурмат-эътибор билан қабул қилишлари даргумон. Ҳаммалари ўрниларидан туриб қаршилашганди – эҳтимол, ҳакам деб ўйлаган бўлсалар керак-да.

– Йўқ, – деди савдогар. – Биз суд хизматчи сига салом бергани ўрнимиздан қўзгалгандик. Сизнинг айбланувчи эканлигинизни эса билардик. Бундай маълумотлар бир лаҳзада тарқалиб улгуради.

– Бундан чиқди, ҳаммасидан воқиф бўлгансиз, – деб қўйди К. – Унда мен сизга роса ўзига

бино қўйган гуппи қўринган бўлсам керак? Бу ҳақида ҳам гурунглашгандирсизлар?

– Йўқ, – деди савдогар, – аксинча. Шунга қарамай у ердаги гап-сўзларнинг бари нодонлиқдан.

– Нега нодонлик бўлар экан? – қайта сўради К.

– Нима қиласиз буни мендан суриштириб, – озорланиб деди савдогар. – Афтидан, сиз бундаги кишиларни билмайсиз, шунинг учун ҳам ҳаммасини нотўғри талқин қилаётган бўлишингиз мумкин. Диққат билан эшитинг, нокулай вазиятлардаги суҳбатларда шунаقا нарсалар қалқиб чиқадики, ақл билан ҳеч нимани тушуниб бўлмайди. Киши ҳолдан тойган, боши ҳар қанақа ўй-фикрлар билан шишганда куракда турмайдиган ирим-сиirimга амал қилиш бошланади. Мен бошқалар ҳақида гапириб ётаман-у, ўзимнинг ҳам улардан ҳеч ҳам фарқим бўлмайди. Мисол учун шундай бир ирим бор, гўё айбланувчининг тақдири унинг қиёфасида, айниқса, лабларда шундоқ кўриниб турармиш. Бу кишилар ҳам лабларингизга қараб сизга ҳадемай ҳукм чиқарилишини баён этишди. Яна қайтариб айтаман, бу жуда кулгили, аҳмоқона таъбир, маълумотларнинг катта қисми унга тескари вазиятдан хабар бериб туради, аммо бу тўдага тушиб қолсангиз, хурофотга қарши туриш душвор бўлиб қолади. Нима учун бу уйдирмалар шу даражада кучли, бир ўйлаб кўринг-чи! Орамиздан бир кишини гапга соганингизни эслайсизми? У ҳатто сизга жавоб ҳам қилолмаган. Албатта, у ерда кишини зўрлаб, куч билан ҳар мақомга солиш мумкин, бироқ уни, айниқса, сизнинг лабларингиз ҳайратга солиб қўйгани аниқ. Кейин у лабларингизга қараб фақатгина сизнинг эмас, ўзининг устидан чиқариладиган ҳукмни ҳам ўқиганини ҳикоя қилиб юрди.

– Менинг лабларимга қарабми? – К. ҳайрон қолиб, буни сўраркан, чўнтағидан ойначасини олиб, юзига қаради. – Лабларимда ҳеч қанақа алоҳида аломатлар борлигини кўрмаяпман. Сиз-чи?

– Мен ҳам, – деди савдогар, – мутлақ ҳеч нарсани!

– Бу одамлар намунча иримчи бўлишмаса! – ҳайқирди К.

– Мен сизга нима деяпман ўзи? – истеҳзо қилди савдогар.

– Наҳотки, улар кўпинча шундай йиғилиб олиб, ҳаммасини бошларига келган ўй-хаёллари бўйича ҳал қилиб қўяқолаверадилар? – билмоқчи бўларди К. – Мен эса ҳозиргача яккамоховга ўхшаб, ҳаммасини ичимда сақлаб келаман.

– Улар ҳам тез-тез учрашавермайдилар, – аниқлик киритди савдогар, – кўпчилик-да. Бу ерга барчанинг тўпланиши имконсиз. Қолаверса, уларнинг яқдил дарду ташвишлари ҳам йўқ ҳисоби. Баъзан қандайdir гуруҳбозлар чиқиб, уларнинг умумий мақсадларидан сўз очиб, бошларини қовуштироқчи, нималаргадир ишонтироқчи бўладилар, бироқ кўп ўтмай бу хато эканлиги кўриниб қолади. Судда жамоа бўлиб ҳеч нарсага эришолмайсан. Судда ҳар бир ҳодиса алоҳида ва иш жуда пухталик билан олиб борилади. Тўдалашиб бу ерда мақсадга этиш душвор. Фақат алоҳида ҳолда нимагадир муваффақ бўлиш мумкин; сўнгра бундан қолганлар хабар топишади, аммо у қандай юз бергани, қандай қилиб амалга оширилганлиги ҳеч кимга маълум бўлмасдан, сирли тарзда қолаверади. Хулласи калом, бу кишиларнинг ҳеч қанақа муштарак томонлари йўқ. Тўғри, улар баъзан-баъзан қабулхоналарда учрашиб қоладилар, бироқ кўпинча сукут сақлаб ўтиришларига тўғри келади. Бу ирим-сиirimлар эса эскидан қолган ва ўз-ўзидан кўпайиб ётади.

– Қабулхонада кўрганим, – гапга аралашди К., – кишиларнинг бу ерда сарфайиб кутиб ўтиришлари бутунлай фойдасизга ўхшади менга.

– Йўқ, кутиб ўтириш фойдадан холи эмас, – эътиroz билдириди савдогар. – Фойдасизи ҳаммасига ўзлари аралашишга интилишлари. Мен сизга айтдим-ку, бундан ташқари, яна беш адвокатим бор деб. Бошда мен ҳам ҳамма ишни қўшқўллаб битта адвокатнинг ўзига топширса бўлади, деб ўйланман. Бироқ бу мутлақ нотўғри бўлган. Энди эса аҳволим битта адвокатга топшириб қўйгандан-да қийинроқ. Албатта, булар сиз учун тушунарсиз!

– Тушунарсиз, – деркан К. гўё бу билан савдогарни тинчлантириб, ҳаддан ташқари тезлик билан ирод этаётган нутқининг суръатини сал тўхтатмоқчи бўлди ва кафтини унинг кафтига қўйди. – Мен сиздан фақат бир нарсани ўтиниб сўрайман: сал секинроқ гапиринг, ўзингиздан қолар гап йўқ, буларнинг бари мен учун сув ва ҳаводай зарур, аммо пайдар-пай ёғилаётган сўзларингизни англаб, моҳиятига етиб олишга ҳеч улгуrolмаяпман.

– Буни сиз менга яхши эслатдингиз, – деди савдогар. Маълумингизким, сиз янгилардансиз. Бу борада гўдаксиз. Жараёнингизга бор-йўғи яrim йил бўлди. Эшитганмиз, эшитганмиз. Айни навқирон ёшида! Мен эса ҳаммаси ҳақида минг мартараб ўйлаб чиқсанман, мен учун бу ёруғ оламда бундан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

– Устингиздан қўзғатилган жиноий иш шунчалик узоқ чўзилгандан балки ўзингиз хурсанд-дирсиз? – сўради К. У савдогарнинг вазиятини чамаларди. Бироқ у кутган жавоб бўлмади.

– Ҳа, мана, қарийб беш йилдан буён устимдан қўзғатилган жараённи қирчангি отдек сургалаб келаман, – деркан савдогарнинг нафаси ичига

тушиб, бошини эгиб олди. – Бу ҳазилакам муваффақият әмас.

У жим бўлиб қолди. К. Лени келмаяптими, деб қулоқ солди. Бир томондан қиз келиб қолишини истамас, чунки ҳали жуда кўп нарса ҳақида савдогардан сўраб-билиб олиши керак, қолаверса, Лени дўстона гурунгни белига тепиши турган гап, бошқа томондан, оқсоchnинг шўрва ичириб келаман, деб адвокатнинг олдида шунчалик узоқ қолиб кетганилиги уни эзарди.

– Мен у пайтларни жуда яхши эслайман, – яна тилга кирди савдогар ва К.нинг ҳам бутун вужуди қулоққа айланди, – ўшандада устимдан кечаетган суд жараёни айни сизнинг ҳозирги вазиятингиздек деса бўларди. Мана бу адвокатнинг ўзигина хизматимни қиласар, аммо мен ундан кўп ҳам рози әмасдим.

Мана ҳозир ҳаммасини билиб оламан, деб ўйлади К. ва бир жонланиш билан бошини қимирлатди, гўё у бу билан савдогарни энг муҳим саволга мутлақ ошкоралик билан жавоб беришга даъват қилаётгандай бўлди.

– Менинг устимдан қўзғатилган жиноий иш жараёни, – давом этди савдогар, – бир жойда туриб қолганди. Тўгри, тергов бошланган, мен ҳеч бир сўроқдан қолмасдим, ҳужжат йиғиб, барча идора дафтарларини кўтариб, судга тақдим қилиб чиқдим, кейин билсан, буларнинг бари ортиқча, кераксиз югур-югурлар экан, устига-устак ҳар доим адвокатнинг олдига чопганим-чопган, у ҳам сон-саноқсиз арзномалар тайёрлаб беришдан чарчамасди...

– Сон-саноқсиз арзномалар дейсизми? – қайта-қайта суриштириди К.

– Бўлмаса-чи! – деди савдогар.

– Бу мен учун фавқулодда муҳим бир янгиллик бўлди, – деди К., – менинг ишим бўйича эса

ҳали-ҳамон биринчи арзномани тайёрлаётir. У ҳеч ҳам жонини койитай демайдi. Ҳа, у ишимни қанчалик бемаъни бир аҳволга солди, буни эндиғина кўриб турибман.

– Ҳим, бу қоғоз ҳали тайёр эмасми, балки арзирли сабаблари бордир, – деб қўйди савдогар.
– Кейинроқ маълум бўлдики, бу арзномаларнинг мен учун сариқ чақалик ҳам фойдаси йўқ экан. Улардан биттасини ҳатто ўқиганман, уни хушмуомала суд хизматчиларидан бири илтифот юзасидан кўрсатганди. Тўғри, у илмий руҳда тайёрланган бўлса-да, моҳияттан бирон-бир теран фикрдан мосуво эди. Ҳаммасидан олдин жимжимадор лотинча иборалар қалаштириб ташланган, уларни тушунишга тишим ўтмади, сўнг бутун-бутун саҳифалар суд номига битилган оҳорсиз баландпарвоз олди-қочди фахриялардан иборат, кейин алоҳида-алоҳида казо-казо тўралар бардор-бардор қилинган, тўғри, бу зотларни исми-шарифи билан атаб, мадҳ этилмаган, лекин ҳар биридаги нозик қочирим, алоҳида бағишловдан ким ҳақида гап кетаётганлигини осонгина фаҳмлаб олиш мумкин, ниҳоят, ўз-ўзини кўкларга кўтариб мақталган саҳифалар – судга мурожаат қилаётганда адвокатнинг итдан баттар тубанлашиб кетишининг нима кераги бор, ҳайронсан ва охири ўтган йиллардаги ҳар қанақа суд жараёнлари талқин қилингандай бўлиб, сўнггида менини ҳам қистириб ўтилганди. Ақдим етганча шуни айтишим мумкинки, бу ҳужжат тайёрлашу ишни кўришлар ҳаддан ташқари пухталик билан олиб борилганига гап йўқ. Ушбу арзнома мен танишиш баҳтига мусассар бўлган шундай қоғозлардан биттаси, холос. Аммо ҳар қанақа вазиятдан қатъи назар, шуни айни пайтда қайд этиб ўтишим керакки, бу арзномалар менинг ишим

бўйича бирон-бир ижобий силжиш ясаб, туртки берганини кўрмадим. Бор ҳақиқатни ошкор қиласлар эканман, бу билан адвокатнинг ишини қоралаш ниятим ҳам йўқ.

– Бу ишни қандай тезлатса бўлади? – сўради К.

– Саволингизда жон бор, – табассум билан деди савдогар. – Бундай ишлар камдан-кам ҳоллардагина жойидан жилади. Бироқ бунаقا бўлишини мен у пайлар билмасдим. Билганингиздек, мен савдогарман, аввало ҳозиргига қараганда ҳам кўпроқ савдо ишлари билан шугуллансан дердим, бунинг учун эса иш охиригача етиб бориши ёки ҳеч бўлмаганда қандайдир даражада равнақ олиши керак эди. Бунинг ўрнига маъно-мазмуни бир хил бўлган адoқсиз терговлар бўлиб турар, бериладиган жавоблар, худди дуо каби ёд бўлиб кетганди, бу етмагандай ҳар ҳафтада бир неча марта идорамга ёки уйимга, ишқилиб, қаерда мени учратиш мумкин бўлса, суддан чопарлар келарди; албатта бу ишларим юришувига жуда ҳам халақит берар, (эндигина бунаقا муносабатларда вазият салгина ўнгланди, телефон орқали чақириб, халақит беришлар бир мунча камайди) натижада, ҳамкор ошна-оғайниларим, айниқса, қон-қариндошларим ўртасида устимдан олиб борилаётган суд жараёни хусусида турли-туман миш-миш овозалар болалаб кетди, булар, албатта, ортиқ даражада менга зиён-захмат етказдилар, шунга қарамай, яқин кунларда ҳеч бўлмаса ишни дастлабки кўриш ҳақида эса бирон-бир арзимас даражада ҳам аломат кўринай демасди. Мен адвокатга арз-дод қилдим. У бунинг боисини узундан-узоқ изоҳлади, ундан эса жонни жабборга бериб қилинган хатти-ҳаракатлар оқибати нима билан якунланишини тахминан шундай тасаввур қилдим: ишни кўриб чиқиши

ҳеч ким тезлаштириши мүмкин эмас, арз билан ишни бир ёқлик қилишни талаб қилиб, қаттиқ туриб олишим беҳуда, бу уларга етиб ҳам бормайди ё бу инжиқдик билан ўзимни ва уни ҳалокатга йўлиқтиришим мүмкин экан. Бошим қотиб, ўйланиб қолдим: балки бу адвокатнинг қўлидан келмайдиган, эҳтимол, қўлидан келса-да, қилишни истамаган ишни бошқаси исташи ва уddeлаши мүмкиндири. Ва бошқа адвокатларни излашга тушдим. Бир зумда ҳаммасини дўндириб ташламоқчи бўлиб отни қамчиладим: аммо нақл қилганларидек ишни кўришни ҳеч ким ҳеч қачон талаб қила олмас, ҳеч ким бунга эришиши ҳам мүмкин эмаслигини қайдан билибман, нима учун бу ҳақида гапираётганимни кейин айтарман, ҳақиқатан ҳам бунинг амалга ошиши ҳеч мүмкин эмас, бу жиҳатдан адвокат мени алдамаган экан; аммо бошқа адвокатларга бекорга мурожаат қилибман, деб афсусланмайман. Эҳтимол, аллақачон сиз ҳам доктор Гульддан хуфия адвокатлар ҳақида эшитгандирсиз. Албатта, у бундай адвокатлардан ҳазар қилгандай, жирканиш билан гапиргандир, улар шунга лойик. Фақатгина у бундайлар ҳақида гапира туриб, ўз ҳамкасларига солиштирганда, жиндеккина хотога йўл қўяди, бу айнан нимадан иборатлигини йўл-йўлакай изоҳдайман. Одатда, ҳамтовоқдари билан қилган гурунгларида адвокатлар хуфиялардан устунликларини писандада қилишлари учун ўзларини йирик адвокатлар деб атайдилар. Бу ёлғон! Майли, кўнгилларига маъқул келган экан, ўзларини йирик адвокатлар деб аташлари мүмкиндири, бироқ шунда ҳам суддаги атамалар ўзгармай қолаверади. Агар шунга амал қилинадиган бўлса, хуфия адвокатлардан ташқари майда ва йирик адвокатлар бор. Демак, мана бу

адвокат ва унинг ҳамкаслари майда адвокатлар сирасига киради, йирик адвокатлар ҳақида эса мен фақат овозалардан эшитганман, холос, таассуфки, ҳеч бирини ҳозирга қадар кўришга муваффақ бўлмадим, афтидан «майдалар» хуфиялар устидан жирканиб, қанчалик юқорида турганларидек, йириклар майда адвокатлардан даражаларига кўра шунчалик юқори мақомда туришса керак.

– Йирик адвокат, деганлари нимани билдиради? – суриштира кетди К. – Улар қанақа одамлар ўзи? Қандай қилиб уларни илинтирса бўлади?

– Бундан чиқди, сиз улар ҳақида ҳеч нима эшитмаган экансиз-да, – деди савдогар, – айбланувчи йўқки, бу адвокатлар ҳақида хабар топгандан кейин, уларни илинтиришни орзу қилмаган бўлсин. Яхиси, бундай васвасага тушмаганингиз маъқул. Йирик адвокатлар дегани кимлар ўзи, буни тасаввур қила олмайман, менимча, уларни қўлга киритиш умуман мумкин эмас. Мен шу пайтгача судда улар аралашгани ҳақида ишонч билан гапирилган бирон-бир ҳодисани билмайман. Аллакимларнидир ҳимоя қилишган бўлса бордир, аммо бу айбланувчининг хоҳиширодасига кўра бўлиши мумкин эмас; улар кимки, ўзларига ўнгай ва манфаатли бўлсагина, шуларни ҳимоя қиласидилар. Қолаверса, ҳол шуки, улар қўлларига оладиган иш қўйи босқич ҳудудидан қаришиб чиқаёзган бўлиши керак. Яхиси, бутунлай йириклар ҳақида хомхаёл сурмаган маъқул, бўлмаса, бошқа адвокатлар билан олиб борилган барча гаплашувлар, берган маслаҳатлари ва ёрдамлари беҳуда ва кераксиз бўлиб кўринади; мен буни ўз бошимдан ўтказганман: охири ҳаммасини улоқтириб, уйингдаги жойхобингга чўзилиб ётганча, ҳеч нимани эшит-

масликни истаб қоласан. Бироқ бунақа ахмоқдик билан ҳеч нарса қилиш мүмкін эмас, бары бир, түшагингда ҳам ором тополмайсан.

– Демак, сиз йирик адвокатлар ҳақида аввал бошданоқ ўйламаган экансиз-да? – билмоқчи бўларди К.

– Ўйлаганман, аммо узоқ эмас, – деркан, савдогар яна мийифида кулиб қўйди. – Уларни бутунлай унудиши мүмкін эмас, айниқса, узун тунлар бошга ҳар турли ўй-хаёллар келади. Бироқ мен ҳаммасидан ҳам кўра ишимида бирон-бир сезиларли муваффақият бўлишини астойдил истаб қолган вақтимдан бошлаб, хуфия адвокатларга мурожаат қилишга тушдим.

– Икковларингга бундай баҳамжиҳат ўтириш қанчалик ярашибди! – қўлида идиш-товоқ билан қайтган Лени эшик оғзиданоқ садо берди.

Ҳақиқатан ҳам улар бир-бирининг пинжига тиқилгудек яқин; эҳтимол, жиндеккина бурилиш билан бошлари урилиб кетиши мүмкін ҳолда, савдогар калтабақай бўлишига қарамай, янада букчайганча, К. эса унинг ҳар бир сўзини қолдирмасдан териб олиши учун шундоқ яқинида, эгилиб олганича ўтиради.

– Бир дақиқага у ёққа қара! – қиз шундай деб К.га тўхталди, ҳолбуки, у ҳамон титраб-қақшаб, сабрсиз бир ҳолда савдогарнинг қўлини тутганича турарди.

– У мендан ишим ҳақида сўзлаб беришимни илтимос қилди, – савдогар Ленига юzlаниб деди.

– Ҳим, айт, айтавер, – истеҳзо қилди қиз.

Қиз савдогарга хушмуомалалик қилди, аммо жуда юқоридан туриб гапирди, бу К.га ёқмади, у аллақачон Блок ҳурматга лойиқ эканлигини ту-шунганди; қолаверса, бошидан ўтказган кўргиликлар хусусида ажойиб тарзда ҳикоя қилиб

берди. Афтидан, Ленининг у ҳақида чиқарған ҳукми адолатдан эмас. К. Лени шундай бир вәжоҳат билан савдогарнинг қўлидан шамларни юлқиб олганини – у киши шамни маҳкам ушланча турганди – пешбанди билан аввал қўлларини, кейин эса тиз чўкиб шимига оққан мумни тозалаганини кузатиб ўтириди.

– Сиз яна менга хуфия адвокатлар ҳақида ҳам гапириб беришга хоҳиш билдиргандингиз, – деркан К. ҳеч нарсага шама қилмай, Ленининг қўлини итарди.

– Бунинг сенга нима кераги бор? – қиз шундай деб оҳистагина К.нинг қўлини уриб қўйди-да, ўз ишини давом эттириди.

– Ҳа, ҳа, хуфия адвокатлар ҳақидами, – деркан, савдогар гўё нима демоқчилигини эсламоқчилик қўлини пешонасига олиб борди.

Унга ёрдам бериш умидида К. шипшитиб қўйди:

– Сиз сезиларли натижаларни тез қўлга киритишни истаганингиздан кейингина хуфия адвокатларга мурожаат қилгансиз.

– Мутлақ тўгри, – деб тасдиқлади савдогар, аммо қўшимча қилмади.

Афтидан, у Ленининг олдида гапиришни истамайди ўйлаб қолди К., ҳолбуки, ҳаммасини эшитишни истар, лекин бетоқатлигини бас қилиб, бошқа бунга мажбурламади.

– Мен ҳақимда хабар қилдингми? – у Ленидан сўради.

– Албаттада, – жавоб қилди қиз. – У сени кутиб ўтирибди. Блокни қўя тур, кейин ҳам гаплашиб олишга улгурасан. Блок шу ерда бўлади.

К. тезда бир қарорга кела олмади.

– Сиз шу ерда бўласизми? – савдогардан сўради К.

К. бу кишининг ўзи шуни тасдиқлашини истарди, лекин Ленининг Блок бу ерда йўқдай га-

пириши унга ёқмади. Ҳа, умуман бугун К. кўнглида Ленига қарши қандайдир яширин гина пайдо бўлганини ҳис қилди.

Лекин яна унинг ўрнига қиз жавоб берди.

– У кўпинча шу ерда тунаб қолади.

– Шу ерда тунаб қоладими? – ҳайратланди К.

У бўлса, адвокатнинг олдига кириб, имкон қадар тезроқ музокарани тутатиб қайтгунича, Блок кутиб туриши ва кейин биргаликда бу ердан чиқиб, бир холи жойда бор гапни бошидан-охиригача муҳокама қилишларига умид этган эди.

– Ҳа, албатта, – деди Лени. – Қани бўл, Йозеф, адвокат ҳаммани ҳам худди сен каби хоҳдаган пайтида қабул қиласкермайди. Адвокат бетоблигига қарамай, яна соат ўн бир бўлганида сени қабул қилаётганига ҳатто ажабланмайсан ҳам. Сен буни худди шундай бўлиши керак, деб ҳисоблайсан чофи, ҳолбуки, сени хурсанд қиласай деб дўстларинг ўлиб-тирилиб ҳаммасини амаллашаётир. Албатта дўстларинг, ўзим ҳам буларнинг барини жони дилим билан қиласман. Ҳеч қанақа миннатдорчилик билдиришнинг кераги йўқ. Бор-йўғи мени севсанг бўлди.

Сени севмоқ? – К. бир муддат тараддулданиб ўйланди: ҳа, албатта, мен уни севаман, деган фикр сал ўтмай хаёл пучмоқларида лип этиб ўтди.

Бироқ гап йўсунини бошқа ёққа бурди:

– Адвокат мени мижози бўлганим учун қабул қиласди. Агар бунга ҳам бегоналарнинг ёрдами билан муваффақ бўлинаётган экан, демак, ҳар қадамда Худонинг зорини қилиб, яна пой-патак бўлганга ташаккур айтишга тўғри келар экан-да.

– Нима бало, у бугун чап ёни билан турганми, феъл-атвори бунчалик айнимаса, – Лени савдо-гарга қараб деди.

Мана энди бўлса, камина ҳақида ҳам гўё бу ерда йўқдек гапиришга ўтди, – ўйлади К., ҳатто шу ерда савдогардан ҳам дили ранжиди, у ҳам худди Лени каби андишасизларча деди:

– Адвокат яна бошқа бир сабабга кўра ҳам қабул қиласиди: унинг жараёни меникига қараганда қизиқарли. Бундан ташқари, эндинга бошланди ва унча чувалашмаган ҳам, шунинг учун адвокатга бу иш билан шугулланиш мароқлироқ. Кейинчалик ҳаммаси ўзгариб кетади.

– Ҳа, ҳа, – Лени қаҳқаҳа отиб, савдогарга қаради. – Э, нималарни вадираб ётибсан! Сен бунинг гапларига ишонма, – энди у К.га бурилиб, гапини давом эттирди. – У ҳаддан ташқари меҳрибон, мушфиқ, аммо даҳшатли тарзда сафсатабоз ҳам. Балки шунинг учун ҳам адвокат кўзга илмайди. Ҳарна бўлганда ҳам адвокат уни қабул қиласиди, аммо қачон хаёлига келиб, кўнгли эриса ўшанда ҳузурига чақиради. Мен унинг учун тиришиб-тирмасиб кўрдим, лекин ҳаммаси беҳуда кетди. Тасаввур қиласанми, баъзан унга Блок кирмоқчилигини айтсам, фақат уч кун ўтгандан кейингина ҳузурига чорлайди. Бироқ ана шу пайт Блок йўқ бўлса, яна ҳаммаси чиппакка чиқади, қайтадан фурсати келгандагина айтишига тўғри келади. Шундай пайтлар бўладики, адвокат яrim тунда қўнгириқ қилиб, уни ўз олдига киришини талаб қиласиди. Шунинг учун ҳам мен Блокка бу ерда тунаб қолишга изн бердим. Демак, энди у тунда ҳам тайёр бўлиб туради. Тўғри, адвокат баъзан Блокнинг шу ердалигидан хабар топгач, қарорини бекор қиласиди.

К. савдогарга савол назари билан қаради. У киши ҳам бошини қимирилатиб, ҳали К. билан ёлғиз қолгандаги каби очиқ гапирди (унинг хижолатдан эсанкираб қолгани кўриниб турарди):

– Ҳа, ўз адвокатингга борган сари қарам бўлиб бораверасан.

– У фақат раҳм-шафқат уйғотиш учун шундай тусга киради, – деди Лени. – Аслида эса бу ерда тунаб қолишини яхши кўради, менга бир неча марта ўзи айтган, – қиз кичкинагина эшикча олдига келди ва уни ланг очиб деди: – Блокнинг ётогини кўришни истайсанми?

К. остонаядан туриб каталакдек, ойнасиз, энсизгина каравотча бор бўйини эгаллаган фарид ҳужрачани кўздан ўтказди. Каравотга фақат бир ён билан ётилса сиғиши мумкин эди. Бош томондаги деворда кичкина бир тахмон кўзга ташланар, унда расмиятчиларда бўладиган бир саранжом-саришталик билан шам, сиёҳдон, ручка ва бир даста қофоз алоҳида турар, – афтидан, улар суд ҳужжатлари эди.

– Демак, сиз хизматкорлар учун мўлжалланган мана бу ҳужрада тунар экансиз-да? – сўради К. савдогарга мурожаат қилиб.

– Менга у ерни Лени бўшшаттириб берди, – деди савдогар. – Бу жой жуда ҳам қулай.

К. унга тикилиб қаради. Афтидан, Блок қолдирган биринчи таассурот тўғри: тажрибаси катталиги учун ҳам устидан қўзғатилган иш ҳали-ҳамон судралиб келар, бироқ бу тажриба унга жуда қимматга тушганини тасаввур қилса бўларди. Бирдан бу одамнинг бутун сиймосига нисбатан қалбидা нафрат уйғонганини ҳис қилди.

– Бўл, уни жойига ётқиз! – Лени К.нинг бу ўшқириғидан ҳеч нимани тушунмади.

Йўқ, ҳозир у адвокатнинг олдига кириб, хизматини рад этади, бу раддия эса фақатгина адвокатнинг ўзидангина эмас, балки уни Лени ва мана бу тасқара савдогардан ҳам халос этади.

Бироқ у эшикка етиб бормасдан, савдогар ожизона овозда уни чақирди:

– Жаноб прокуррист! – К. жаҳл билан ортига ўғирилди. – Сиз берган ваъдангизни унутдингиз, – деркан савдогар ялинчоқдик билан турган жойидан К.га қараб узанди. – Менга қандайдир махфий сирни маълум қилмоқчи эдингиз?

– Тўғри! – деди К. Ленига шунчаки кўз ташлаб, унга эса еб юборгудек қараб. – Мана бўлмаса, эшитинг: бунинг энди сирлиги ҳам қолмади. Ҳозир адвокат ҳузурига кираман-да, хизматинг бошингдан қолсин, дейман.

– Бу унинг хизматини рад қилмоқчи! – савдогар бақириб юбориб, курсидан сакраб турди ва бутун ошхона бўйлаб югуришга тушиб, қўлларини осмонга қараб силкирди. – У адвокатни рад этмоқчи!
– У қайта-қайта шундай деб ҳайқирди.

Лени К.га ташланиб, тўхтатиб қолмоқчи бўлди, аммо савдогар орага тақалди – йўлини кесди, шу боис қиз савдогарга мушт тушира кетди. Кейин муштларини ёзмай К. томонга отилди, бироқ анави кимса чаққонроқ ҳаракат қилди, Лени К.ни қувиб етаёзганида йигит аллақачон адвокат хонасига етай, деб қолганди. У энди эшикни ёпмоқчи бўлганида Лени эшикнинг бир тавақасига оёгини қўйиб, тутиб қолмоқчи бўлди ва тирсагини тақаб, каттароқ очишга уринди. Бироқ К. қизнинг бармоқларини шундай қаттиқ қисдики, увой-войлаб, эшикни қўйиб юборди. Хонага киришга қизнинг юраги бетламади, К. ҳам уни ичкаридан калит билан қулфлаб олди.

– Мен сизни анчадан бери кутиб ўтирибман, – деди каравотдан туриб адвокат, шам ёруғида ўқиган ҳужжатлар тунги столда турар, Гульд кўзойнагини тақиб, К.га тикилиб қаради.

Бироқ узр сўраш ўрнига К. дабдурустдан деди:
– Мен тезда кетаман.

К. ундан узр сўрамаганидек адвокат ҳам бу сўзларни эътиборсиз қолдирди ва қўшимча қилди:

– Кейинги сафар сизни бундай алламаҳалда қабул қилмайман.

– Бу менинг ҳам кўзлаган ниятимга тўла мос келади, – деди К.

Адвокат унга савол назари билан қаради.

– Марҳамат, ўтириңг! – деб қўйди кейин.

– Агар сизга шу қулай бўлса, жоним билан, – деркан К. оромкурсини тунги стол ёнига суриб, унга чўкди.

– Адашмасам, сиз эшикни ичкаридан калит билан қулфладингиз чоғи, – деди адвокат.

– Ҳа, – деди К., – Лени боис шундай қилдим. – У ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмоқчи эмасди.

Бироқ адвокат суриштириб қолди.

– У яна сизга суйкаляптими?

– Суйкаляптими? – қайта сўради К.

– Ҳа, ҳа, – деди адвокат ва тиржайди. Кулги билан бирга унинг йўтали ҳам тутиб қолди, сўнг яна ишшайиб деди. – Ҳа, у жуда енгилтак, буни ўзингиз ҳам, эҳтимол, аллақачон сезгандирсиз, – шундай деркан К.нинг қўлига уриб қўйди.

– Начора, сиз бунга аҳамият қилмаслигиниз керак, – деди адвокат К.нинг сукут сақлаб ўтирганини кўриб. – Шуниси тузук. Акс ҳолда эҳтимол, сиздан узр сўрашимга тўғри келади. Бу қизнинг тантиқлиги, мен аллақачон буларнинг бари учун уни кечирганман ва агар эшикни маҳкамлаб ёпмаганингизда, бу ҳақида ҳатто гапирмаган ҳам бўлардим. Менга бу сатангликни достон қилишнинг кераги йўқ, аммо ҳозирги важоҳатингизга қараб, миридан-сиригача, бар-бири тилга олинмасдан қолмайди чоғи. Унинг бундай талтайиб кетишнинг боиси кўпчилик айланувчиларга Лени кетворган хушбичим бўлиб

кўринади. Ва уларнинг бари Ленига шунаقا ипсиз боғланиб қоладиларки, кўнгил қўйиб, меҳрларини бериб юрадилар, ўз навбатида барининг назарида қиз ҳам гўё ўзларига ошику беқарордай, кейин бўлса, мени юпантироқ бўлиб, шубҳасиз, розилигим билан гоҳ-гоҳида улар ҳақида билганларини битта қолдирмай менга айтиб беради. Мана сиз бундан жуда ҳайратланаб кетдингиз, мени эса ҳеч ҳам ажабланмайман. Бу чақноқ кўзлар бор экан, ҳеч шубҳасиз, бу гўзаллик айбланувчилар назаридан чеккада қолиши мумкин эмас. Албатта, ўзијам ҳайратланарли-да, ҳатто қодир табиатнинг камдан-кам учрайдиган мўъжизаси, деб атаса арзийди. Англашилгандек, айловнинг ўзи сира ҳам қиёфага ўзгариш қила олмаслиги турган гап. Аслида, бу сал ғалати эмасми, жиноий ишларнинг аксариятида айбланувчи ҳар қунлик одатий ҳаётини давом эттириб юраверади, унинг яхши бир адвокати бўлса, бор-йўқ ҳамма дардисарликларни унинг зиммасига юклаб, ўзини бу суд жараёнинг умуман тегишли бўлмагандек тутади. Шунаقا кишилар ҳам борки, бунаقا ишларда кўзлари пишиб кетган, улар оломоннинг орасидан адашмасдан ҳар қандай айбланувчини юзига қараб таний оладилар. Қандай белгилар асосида? – деб сўрашингиз мумкин. Эҳтимол, жавобим сизни қониқтирмас, бу жуда оддий: айбланувчиларнинг бари ҳусни тальат эгаси бўладилар. Албатта, кўркамликларининг омили содир этган жиноятлари эмас – ҳолбуки, адвокат сифатида, уларни шундай деб ҳисоблашим керак, лекин ҳаммаси ҳам айбдор – жиноятчи эмаслар, ахир ва албаттаadolатли жазо олмоқликлари учун соҳиби ҳусн бўлиб туғилмаганлар, шунинг учун ҳам барчаси жазоланмайди; демак, буларнинг барини қўзғатилган ишда қарши дастак сифатида кўтарилса, бу уларга ёмон таъсир қила-

ди. Маълумингизким, бу – чиройли кишилар ичидан ҳаддан ташқари соҳибжамоллари ҳам учраб туради. Бироқ уларнинг ҳаммаси қўркам, ҳатто мана бу уч пулга қиммат Блок ҳам.

Адвокат гапларини охирига етказмаганига қарамай, К. аллақачон тамоман бир қарорга келган, у ҳатто адвокатнинг сўнгги сўзига жавоб бўлгандек даъваткор бир тарзда бошини қўмирлатган бўлса-да, аслида ўз-ўзича жуда мураккаб бир алпозда кўзлаган нияти тасдифини топгандек эди: мана шу киши К.нинг фойдасини кўзлаб қандайдир бир фаолият олиб бориши мумкинми? Адвокат ҳам, афтидан, К. бу сафар одатдагидан ташқари унга қарши кайфиятда эканлигини сезмасдан қолмади, аммо бир нима демади, ишқилиб, К.нинг ўзи тилга кирсин, деб кутиб ўтираверди, бироқ К. ўжарлик билан жим ўтираверганини қўргач, ўзи гап очишга мажбур бўлди:

– Бугун олдимга бирон-бир аниқ мақсадни кўзлаб келгандирсиз?

– Ҳа, – деб жавоб қилди К. ва қўли билан шамни бир озгина тўйди, ишқилиб, адвокатни яхшироқ кўриш мумкин бўлсин, деб. – Шуни айтмоқчиманки, бугундан бошлаб менинг манфаатларимни судда ҳимоя қилиш ҳуқуқидан сизни соқит қилмоқчиман.

– Мен сизни тўғри тушундиммикан? – адвокат буни сўраш асносида ўзини тўшакка ташлаб, тирсакларини ёстиқчаларга тираб ўтирди.

– Ўйлашимча, тўғри тушундингиз, – деркан К. унга юзма-юз ўтирганча, ҳар вақт ҳар нарсага ҳозири нозир турарди.

– Начора, агар сиз шуни режалаган экансиз, буни кенгашиб олиш мумкин, – адвокат шундай деб жимиб қолди.

– Бу энди фақат режа эмас, – деди К.

– Бўлиши мумкин, – деди адвокат ҳам. – Шундай бўлса ҳам шошилиб нима қиласиз. – У «шошилиб нима қиласиз» деб айтиши билан гўё, К.ни ўз қўл остидан чиқаришни хаёлига ҳам келтирмаётгани, агар очиқ-ойдин вакил бўлиш иложсиз экан, лоақал маслаҳатчиси бўлиб қолмоқчилиги кўриниб турарди.

– Ҳеч ким шошилаётгани йўқ, – деркан К. оҳиста ўрнидан қўзгалди ва оромкурсининг суюнчиғидан тутиб қўшимча қилди. – Мен узоқ ўйладим, ҳатто ҳаддан ташқари, ортиқ даражада узоқ ўйладим. Бироқ муқаррар бир қарорга келиб бўлдим.

– Унда бир-икки оғиз гапиришимга руҳсат беринг, – деб адвокат устидан чойшабни четга суриб, каравотнинг бир чеккасига ўтиради. Унинг оқ мўй билан қопланган яланғоч оёқлари аёздан қалтиради. У К.дан дивандаги қалин жун рўмолни узатиб юборишни илтимос қилди.

К. жун рўмолни олиб бера туриб деди:

– Сиз бунақада беҳудадан-беҳудага шамоллаб қолосасиз.

– Йўқ, беҳудага деб бўлмайди, буларнинг бари жуда ҳам муҳим, – деркан адвокат парёстиқни орқасига тортиб, жун рўмол билан оёғини ўради. – Сизнинг амакингиз қадрдон дўстим бўлади, ўтган вақт орасида ўзингизга ҳам меҳрим тушиб қолди. Бунга очиқ иқрорман. Бу ерда уяладиган, хижлатга тушадиган ҳеч нарса йўқ.

К. учун қариянинг жуда ҳам таъсирантирадиган ҳасратини эшлитиш ёқимсиз эди, ҳолбуки, булар ўз қарорини бирма-бир изоҳлаб беришни талаб қилар, у эса бундан асти ўзини олиб қочишини истар, устига-устак, буларнинг бари бир куч билан уни уриб эзғилаётганини очиқ эътироф этиб ўтирад, аммо азму қарорини ўзгартиролмас, бир фикрга келиб бўлганди.

– Дўстона ҳис-туйгулар учун ташаккур, – деб гап бошлади у. – Сиз ўзингизча менга нима фойдали деб ўйлаган бўлсангиз, ҳаммасини қилдингиз, буни тўла англаб турибман. Бироқ кейинги пайтда бунинг ўзи етарли эмаслигига менинг ишончим комил. Маълумингизким, мен ҳеч қачон фикри ўйимни зўрлаб бирорвга тиқиширишга ҳаракат қилмайман, айниқса, ёши улуф, шунга яраша кўп нарсани кўрган бир киши бўлса, агар унда-бунда беихтиёр бунга журъат этган бўлсам, мени афв этишингизни ўтиниб сўрайман, бироқ шу ерга келганда бу иш, худди ўзингиз лутф этганингиздек, фавқулодда жиддий бир паллага кирди ва унга ҳозиргига қараганда каттароқ куч билан ёндашмаса бўлмайди. Вазият шуни талаб қиласади.

– Мен сизни тушунаман, – деди адвокат. – Сиз жуда сабрсизсиз.

– Мен-ку у даражада сабрсиз эмасман, – К. бир оз ғазаби қўзиб деркан, тезда сўз танлашни бас қилиб, гапини лўнда қилди: – Эҳтимол, амаким билан биринчи марта келганимга эътибор берган бўлсангиз, устимдан қўзгатилган жиноий ишга қизиқиш мени бу ерга етакламаган, балки бўйнидан ип боғлаб, айтиш мумкин бўлса, зўрлаб олиб келингандим, шу учун ҳам тезда уни унутиб қўйгандим. Аммо амаким қаттиқ туриб олиб, сизни манфаатларимни ҳимоялашга вакил қилиб танласам, бу мен учун фойдали бўлади, дегани учун шундай қилган эдим. Бундан кейин, табиийки, бошимга тўнкарилган суд жараёнидаги талай югур-югурлар, дардисарликларни адвокат ўз зиммасига олар, мен булардан қисман бўлса-да, озод бўлиб, эркинроқ нафас олишимни кутса бўларди. Аммо ҳаммаси тескари бўлиб чиқди. Сиз манфаатларимни ҳимоя қиласман деб ишимни ўз қўлингизга олганингизга қадар ҳеч

қачон устимдан кечаётган суд жараёни борасида бунчалик хавотирга тушмаган эдим. Унгача мен ёлғиз ўзим эдим, бу борада бирон-бир юмушга киришмагандим, ҳатто у нимадан иборат эканлигини қарийб тасаввур ҳам қилмагандим, кейин эса, ниҳоят, ҳимоячим топила қолди, шунга кўра, бу иш ўз жойидан жилар деган умидда ҳаммасини ўрнидан қўзгатиб юборадиган туртки бўлишини орзиқиб кутдим, охир-оқибат эса ҳаммасини чувалаштириб юбордингизу, аммо бирон-бир нарсанинг уддасидан чиқмадингиз. Тўғри, сиз менга суд ҳақида шунчалар кўп нарса гапириб бердингизки, эҳтимол, бошқа ҳеч ким бунча нарсани ҳикоя қилиб беришнинг уддасидан чиқмас. Бироқ энди қўпол қилиб айтганда, сув бошдан ўтди, суд жараёни ҳам шундай бир паллага кирдики, менинг учун бу чидаб бўлмайдиган қониқарсиз ҳол. – К. оромкурсини итариб юбориб, ўрнидан қўзгалди, бутун бўйи-бастини ростлади, қўлларини эса чўнтагига солиб олди.

– Жиноий иш жараёнининг ҳаммага маълум бу босқичида, – оҳиста ва хотиржамлик билан гап бошлади адвокат, – амалиётда кўрилганидек, ҳеч қанақа воқеа содир бўлмайди. Қанчадан-қанча мижозлар суд жараёнининг ушбу босқичида ҳолатингиздек бир алпозда олдимда туришиб худди сиз қайтарган гапларни қайташишган.

– Бу шуни кўрсатадики, – деди К., – бу кишиларнинг бари, худди мен каби ҳақ бўлишган. Сизнинг эътирозингиз мени ҳечам қониқтирмади.

– Мен эътиroz билдиришга тараддуд кўрганим йўқ, – деди адвокат, – фақат шуни қўшимча қилишни истардимки, суд ишлари тартибига чукур назар ташлаш имконини бериб, янада мулоҳазакорроқ бўлишни кутган эдим ва ҳамиша ўз мижозларим буни тушуниб олишлари учун имкон

яратишга куйиб-пишаман. Энди бўлса ҳаммасига қарамай, менга ишониш кераклигини ҳис қилмаслигингизга иқрор бўлиш қолди. Бу менга ҳеч ҳам ёрдам бермайди.

Бу адвокат К.нинг олдида ўзини қанчалик ерга урди-я! Касби-корига хос керилишлар қа-ерга фойиб бўлди. Афтидан у бу ерда ҳам бутун кучини, бор макрини ишга солмоқчиdir. Нега у бу хўрликни ўзига сотиб олди? Унинг адвокатлик тажрибаси чакки эмас, устига-устак ўзига тўқ киши бўлса, битта мижоз хизматини рад қилиши ва бундан кўрадиган фойдадан ажralиб қолиши учун фожия эмас-ку, ахир. Қолаверса, хаста бир киши сифатида, ҳар турли уринтириб қўядиган чигал ишларга ўзини уравериши шартми? Шунга қарамай, у К.га елимдай ёпишиб олди. Нима учун? Амакиси билан ошна бўлгани учунми? Ёки К.нинг устидан юритилаётган суд жараёни унга ҳақиқатан ҳам одатдан ташқари ноёб туюлдими ва ёки у бу билан тилга тушмоқчими? Аммо кимнинг олдида? К. гами – бу имкониятни ҳам назардан қочирмаслиги керак ёки ўз ҳаммаслаклари олдида нимага қодирлигини кўрсатмоқчими? Йўқ, К. унга зингил солиб қарагани билан турқидан ҳеч нарсани уқиб ололмади. У балки атайин юзига шунаقا тунд тус бериб, гаплари қандай таассурот уйғоттанини билмоқчими деган хаёлга ҳам бориши мумкин киши. Бироқ у К.нинг жимлигини ўзи учун хайрли деб ўйлади чоғи, яна бидирлаб кетди:

– Сиз эҳтимол, ҳайҳотдай каттакон девонхонада биронта ёрдамчим йўқдигига эътибор берган бўлсангиз керак. Авваллари вазият бошқача эди. Ўшанда қўлимда бир қанча ёш-яланг ҳуқуқшунослар хизмат қилишарди, энди эса биргина ўзим тер тўкишга мажбурман. Бу қисман менинг

тажрибам ўзгаришлари билан боғлиқ, шунинг учун ҳам асосан ўзимни чеклаб, худди сизникига ўхшаш суд жараёнлари билан шуғулланаман, чунки бундай ишларнинг илдизига етиб кўрганман. Ва тушундимки, агар мен мижозим олдида гуноҳга ботишни ва ўз олдимдаги бурчимни бузишни истамас эканман, бундай ишни бошқага топшириш мумкин эмас. Барча ишни ўз зиммасига олиш қарорининг албатта бир талай ташвишлари ҳам бор: шундай бўладики, юракдан жой олган бир иш билан шуғулланиш учун деярли барча мижозлар рад қилинади, бунинг устига яқин-атрофда юрган шунаقا шилқимлар борки, мен улоқтирган арзимас нарсаларни ютишга илҳақ бўлиб туришади. Бу етмагандек, яримжон бўлиб қолдим. Аммо буларнинг ҳаммасига қарамай, шу қарорга келганим учун бирор марта ҳам ачинганим йўқ, балки ҳатто янада кўпроқ ишлардан воз кечишимга тўғри келгандир ва бу жараёнларга бутун кучимни сарфладим, бу шундай бўлиши керак эди ва қўлга киритилган муваффақият билан ўзини оқлади ҳам. Танишган ҳужжатларимда оддий фуқаролик иши билан мана бунаقا мураккаб иш борасидаги фарқ ажойиб бир тарзда аниқ кўрсатиб берилиган эди. Унда шундай ёзиб қўйилган: биринчи воқеага кўра, адвокат ўз мижозини суднинг ҳукмигача ип билан боғлаб олиб боради, иккинчисида эса у мижозини дарров елкасига миндириб ҳукмгача олиб борар, ҳатто ундан кейин ҳам елкасидан туширмайди. Бор-йўғи шундай. Лекин бундай катта ишни зиммамга олганимдан ҳеч қачон ўқинмайман, деган эсам-да, ўзимдан ҳам ўтганга ўхшайди. Агар сизга ўхшаб бирор шунчча ишнимни бир пулга чиқарса, шундан кейингина афсус-надомат қилишга тушаман.

Бироқ бутун суҳбат К.ни ишонтириш ўрнига, тезда қонини қайнатиб юборди. Аллақачондан буён адвокатнинг бир оҳангдаги эзмаланишлари шундай туюлдики, у агар яна бу кимсага ўзини топширса, адвокатдан айнан нимани кутса бўлади: яна умидвор қилишлар авж олиб, суд амалдорларининг руҳиятини маст қиласиган арзномалар устидаги иш давом этар, улар ишни юритиб юборишига шама қилинаверар, ҳолбуки, ишдаги тўсқинлик ва қийинчиликлар ўз ҳолича тураверар, хулласи калом, адвокат кўнгилни айнитар усувларни қўллаб, К.ни алдаганча ноаён умидлар ва таҳдиидли ваҳималар билан қийнашда давом этарди.

Буларнинг барига қатъий бир нуқта қўйиш керак деб ўйлаган К. сўради:

– Менинг ишончли вакилим бўлиб қолаверган тақдирингизда яна қандай тадбир қўллаган бўлардингиз?

Адвокат ўзи учун ҳатто таҳқирловчи савол янграганига қарамай норозилик билдиримади ва деди:

– Мен шу пайтгача қилиб келган ишимни давом эттираман-да.

– Ўзим ҳам шундай дейишингизни билардим, – чўрт кесди К. – Беҳуда гап-сўзлар билан вақтимизни кетказиб ўтирумайлик.

– Йўқ, мен яна бир йўлни ишга солсам ҳам бўлади, – деди адвокат. – Кўряпсизми, фақатгина холис ёрдамимга билдирган адолатсиз баҳонгиздан эмас, йўқ, балки бутун ҳолатингиздан гумондаман, ҳолбуки, айланувчи бўлишингизга қарамай, шу пайтгача сизга ҳаддан ташқари яхши муносабатда бўлинди, буни янада аниқроқ ифодалаш керак бўлса, ўз ҳолингизга қўйиб қўйилиб, ҳеч кимнинг сиз билан иши ҳам бўлмади. Бироқ буларнинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор;

бунақанги озодликдан кўра баъзан занжирбанд этилиш беҳроқдир. Нима бўлганида ҳам бошқа айбланувчиларга қандай муносабатда бўламан, сизга бир кўрсатиб қўйишни истар эдим; эҳтимол, бу сиз учун фойдали сабоқ бўлса ҳам ажаб эмас. Мен ҳозир Блокни ҳузуримга чақираман. Эшикнинг қулфини очиб, мана бу тунги стол ёнига бориб ўтиринг.

– Бажонидил! – мамнуният билан деди К. ва адвокат буюрганидек қилди: сабоқ чиқаришга у ҳамиша тайёр эди. Бироқ қанақа вазият бўлишидан қатъи назар, ўз эҳтиётини қилиб қўйиш учун яна бир бор адвокатдан сўради:

– Аммо мен сизни вакилим бўлиш вазифасидан озод қилдим, шу янгиликни маълумот сифатида қабул қилдингизми?

– Ҳа, – оҳистагина деди адвокат, – бироқ ўз қарорингизни бугуноқ ўзгартиришингиз мумкин.

У яна ёстиқчаларга чўкиб, чойшабни тумшугигача тортди ва девор томонга бурилиб, қўнфироқ қилди.

Қўнфироқ бўлиши билан шу заҳоти хонага Лени учиб кирди, у апил-тапил аланглаб, нима воқеа юз берганини тушуниб олишга уринди; К. адвокат тўшагининг бир четида тинчгина ўтиради, бу қизни хотиржам қилди. У табассум билан К.га бош силкиб қўяр экан, унга жавобан йигитнинг нигоҳи ўзгармади.

– Блокни олиб кир, – буюрди адвокат.

Бироқ қиз чиқиб кетиш ва Блокни бошлаб келиш ўрнига шунчаки эшикка яқинлашиб, шу ерданоқ қичқирди:

– Блок! Адвокатнинг олдига! – деркан, адвокат девор томонга ўгирилиб олганча, ҳеч нарсага эътибор қилмаётгани боис, қиз К.нинг оромкурси-си орқасига суйкалди.

Бу лаҳзаларда қиз уни ҳоли жонига қўймади: гоҳ оромкурсининг суюнчиғидан ошиб, эглиб-букилар, гоҳ икки қўли билан, албатта, жуда эҳтиёткорлик ва латифлик билан соchlарини тарап ёки кафтлари билан бўйнини сийпаларди. Охир-оқибат, К. буни бас қидирмоқчи бўлиб, ноzik қўлларни маҳкам ушлаб олди. Аввалига қиз қўлларини тортиб олишга уринди, бироқ кейин бунга ҳам рози бўла қолди.

Блок биринчи чақириқдаёқ остоноада пайдо бўлиб, эшик оғзига келиб турганча, кирсамми ёки йўқ, деб гўё тараддулданарди. У қошларини учириб, бошини энгаштирди-да, адвокатнинг олдига кириш борасидаги буйруқ яна қайтари-лармикан, деб қулоғини динг қилиб турди. К. уни чақириб, дадиллантирмоқчи бўлди, аммо у мана бу адвокатдангина эмас, балки, умуман, бу хонадонда бўлиб ўтаётган ҳамма воқеадан қўлини ювиб, қўлтиғига урмоқчи, бутунлай этак силки-моқчи эди, шу боис ҳам томошада қатнашмай, ўзини чеккага олди. Лени ҳам индамай ўтиради. Қарадики, уни бирор ҳайдаётгани йўқ. Блок оёқ учида хонага кирди, аммо титроқди бир алпозда қўлларини орқасига яшириб олганди. Агар чекиниш керак бўлса, ҳар эҳтимолга қарши имконият бўлсин, деб эшикни ҳам очиқ қолдирди. У К.га қарамади ҳам, бутун диққатини йифиб, нигоҳини баланд партўшакка тикди, партўшак остидан адвокатни кўриб ҳам бўлмасди; у ҳаддан ташқари деворга қапишиб олганди.

Партўшак тагидан овоз келди.

– Блок шу ердами?

Жуда ҳам яқинига келиб қолган Блок бу саволдан бир сапчиб, гандираклаб кетди, гўё уни кимдир елкасига туширгандек, суроби тўғриланган бир алпозда итоаткорлик билан фўлдиради:

– Хизматингизга мунтазирман.

– Сенга ўзи нима керак? – сўроққа тутди адвокат. – Яна бекорга келибди.

– Аммо мени чақиргандек бўлдилар, назаримда? – Блок ўсмоқчилаб сўрар экан, у саволни гўё адвокатга бергандек бўлса-да, аслида ўзига берган бўлиб қўлларини кенг ёйди ва бу ердан қочиб қолмоққа шайланди.

– Ҳа, чақирилдинг, – деди адвокат. – Лекин бари бир бекордан-бекорга келибсан. – Адвокат бир зум тин олиб турди-да, кейин қўшимча қилди: – Сен ҳамиша шундай bemavrid пайтда пайдо бўласан.

Адвокат гапириб турган бу паллада, Блокнинг каравот томонга қарашга-да юраги дов бермас, бурчакка тикилганча, фақат унинг овозини ютоқиб тинглар, гўё у билан сўзлашаётган кишининг нурли қиёфасидан кўзи қамашишидан хавфсираётганга ўхшарди.

Бироқ адвокатни эшитиш жуда мушкул, чунки у деворга қараб олганча тез ва паст овозда гапиради.

– Мен кета қолсам, сизга тузук бўлармиди? – Блок изн сўради.

– Келибсанми, тура тур-да, энди! – деди адвокат.

Бу билан адвокат Блокнинг истагини бажо келтиromoқчи эмас, балки аксинча, сўкиб-жеркиб қўрқитмоқчи, шунинг учун ҳам бу сўзлардан Блокни бутун жисми жони қалтироққа тушди, деган фикр-мулоҳазага бориш мумкин эди.

– Кеча мен учинчи даражали ҳакамнинг олдига бордим, – деди адвокат, – қадрдоним бўлган бу киши билан сухбатимиз бошидан охиригача сен ҳақингда бўлди. У нима деганини билишни истайсанми?

– О, албатта, сиздан ўтиниб сўрайман, – деди ёлвориб Блок.

Бироқ расамади худди шундай бўладигандек, адвокат тезда жавоб қилмади, Блок яна бир бор ўтинди, ҳаддан ташқари эгилиб-букилди, гўё тиз чўккудек эди. Бироқ шу жойда К. унга бақириб берди.

– Нима қиляпсан ўзи? – Лени тинчлантироқчи бўлганди, йигит унинг бошқа қўлини ҳам маҳкам ушлаб олди. Буни муҳаббати жўшиб кетганидан қилгани йўқ, қизнинг қўлларини янада қаттикроқ қисганди Ленивой-войлаб, уларни тортиб олишга уринди. К.нинг ўчини Блокдан олмоқчи бўлган адвокат шу заҳоти ундан сўради:

– Сенинг адвокатинг ким?

– Сиз! – жавоб қилди Блок.

– Мендан бошқа яна кимлар бор? – қасди-бастига олди адвокат.

– Ҳеч ким.

– Сен ҳамиша шундай бўл, аллакимларнинг гапиға кириб юрма! – амр этди адвокат.

Блок унинг нима демоқчилигини фаҳмлаб қолди ва К.га ёвқарашиб қилди-да, бошини қатъий силкиди. Агар бу норозиликни сўзга ўгирса борми, ҳаддан ташқари шалоқ сўкишлар бўлиб янграши турган гап эди. К. шундай одам билан ўз ишини дўстларча муҳокама қилишга тараддуд кўриб ўтирибди-я!

– Сенга ҳалал бермайман, – деди К. оромкурсини суриб, – истасанг, тиз чўк, оёғига ўзингни ташла – хуллас, билганингни қил. Сира ҳам аралашмайман.

Афтидан, Блокнинг орияти сўнмаган, жилақурса К.нинг олдида паст кетгиси келмасди, у мушт қилиб тугилган қўлларини силкитганча К.га томон юрар экан, адвокат эшлитишдан чўчиған овозда чийиллай кетди.

– Мен билан бунақа гаплашишга ҳаққингиз йўқ! Бу жуда ҳам ножўя қилиқ. Сиз нимага мени

хафа қиляпсиз? Яна жаноб адвокатнинг олдила-рида. Бу ерда иккимизга ҳам, менга ҳам, сизга ҳам фақат марҳамат юзасидангина чидаб кели-нади. Мендан ҳеч қанақа ортиқ жойингиз йўқ, сиз ҳам бир хом сут эмган айбдор банда, сизга қарши ҳам жиноий иш қўзғатилган. Агар ўзингизни олимақом одам ҳисоблар экансиз, менинг ҳам ҳеч кам жойим йўқ. Эҳтимол, сизга қараганда мақомим ҳам юқоридир! Шунинг учун ҳам айнан мен билан бундай оҳангда гаплашаман деб ўзингизни қийнаманг! Такрор айтаман! Балки сиз шу оромкурсига ўтирганингиз учун ўзингизни имтиёзлиман деб ҳисобларсиз, мен эса лутф қилганингиздек, оёғига бош уришим керакдир. Шу жойда хотирингизга эски бир қисмат нақлини солиб қўйишга рухсат этинг: айланувчи учун бир ерда тинч ўтиргандан кўра, ҳаракат қилиш беҳроқ, чунки тинч ўтирадиган бўлсанг, ўзинг ва жами гуноҳларинг билан тарозининг бир палласида ўтириб қолишинг, буни ҳатто билмаслигинг ҳам мумкин.

К. ҳеч нарса демади, фақат бу ақдини йўқотаёзган кишига ҳайрон бўлиб тикилиб қаради. У бор-йўғи бир соатнинг ичидаги неча бир мақомга кириб, қанчалик турланиб-тovланди-я! Наҳотки, устидан қўзғатилган суд жараёни шунчалик ақли-ҳушини ўғирлаб, ким ёри, ким ағёри эканлигини фаҳмлашдан мосуво қилган бўлса? Наҳотки, адвокат уни атайн хўрлаётганини кўрмаётган бўлса, ахир адвокат бу сафар фақат бир мақсадда – ҳокимиятини К.нинг олдида қўз-қўзламоқдиги кундек аёнку ва эҳтимол шу билан ўз хоҳишига уни ҳам буй-сундирмоқчиидир? Агар ҳақиқатан ҳам Блок буни англаш иқтидоридан жудо ёки ҳеч бўлмагандан, адвокатдан шу даражада юрак олдириб қўйган бўлса, ҳатто ўз ҳолини англаб тургани ҳам унга ёр-

дам бера олмаса, қандай айёрлик қиласы, қандай қилиб адвокатни алдашга юраги дов бериб, ундан ташқары яна бир неча адвокатни ишига жалб қилғанлыгини яшира олади? Яна буниси етмагандек, у қандай қилиб, ҳар лаҳзада махфий сирини фош эта олиши мүмкін бўлган К.нинг нақ ўзига хужум қилишга журъат қилиши мүмкін?

Бироқ Блок бунгагина ботина қолмади; у адвокатнинг тўшагига яқинлашиб, К.дан ёзгиришга тушиб кетди.

– Жаноб адвокат, – мурожаат қилди у, – сиз ўз қулогингиз билан эшитдингиз-а, бу одам қанақа оҳангда мен билан гаплашаётир? Устидан қўзғатилган иш қандайдир арзимас қисқа бир вақтга чўзилган кимса менга, унча-мунча эмас, суд жараёни нақ беш йилга судралган кишига билағонлик қилиб нималарнидир ўргатмоқчи бўлади. Яна бу етмагандек, сўкиб-сўйлагани-чи! Ҳеч нарсадан хабари йўгу болохонадор қилиб сўкинишига ўлайми, ҳолбуки, мен ҳарқалай, ўзимнинг ожиз ва кучли томонларимни жуда яхши биламан, суд анъаналаридан хабардорман, талаб қандай, бурч ва тартиб нимадан иборатлигини ҳам ўзлаштириб олганман.

– Ҳеч кимга ишинг бўлмасин, – деди адвокат, – нимани тўғри деб билсанг, шундай қил.

– Албатта, – деди Блок, гўё ўз-ўзидан куч олгандай, у ёқ бу ёққа аланглаб, шундоқ каравотнинг олдида тиз чўкиб ўтирди. – Ҳимоячим, олдингизда нақ тиз чўкканча ўтирибман! – деди у. Бироқ адвокатдан садо чиқмади. Блок бир қўли билан партўшакни эҳтиёткорона сийпалади.

Жимлик тушганида К.нинг қўлидан қўлларини бўшатиш умидида Лени бирдан тилга кирди:

– Қўйвор. Жонимни олай дединг. Мен Блокка юзлансан дейман.

Қиз зипиллаб ўтиб, тұшакнинг бир чеккасига ўтирди. Блок бундан қувончи ичига сиғмай ҳовлиқди ва билинар-билинмас имо-ишоралар билан лаб-лунжини қимирлатиб, адвокат олдидә үзини ҳимоя қилишни ўтинді. Афтидан, уни пичоқсиз сүядиган шундай бир маълумотни етказиб, адвокатни қармоқça илинтириш керак, Лени адвокатта қандай хушомад қилиш кераклигини жуда яхши билади, шунинг учун ҳам кўзлари билан Блокка баини ўпич олмоқчи бўлгандек, лабларини чўччайтириб, унинг қўлига ишора қилди. Блок шу жойда Ленининг имо-ишорасига кўра адвокатнинг қўлини олиб, қайта-қайта чўлпиллатиб ўпаверди. Бироқ адвокат ҳамон матонат билан индамай ўтиради. Лени адвокат томон ғилиб, каравот устига жуда ҳам энгашганча, дуркун ва гўзал бутун қадди-қоматини намоён қилди ва чолнинг бошига жуда яқин келиб, узун оқ соchlарини силади. Эндиғи ҳолга ҳеч ҳам индамай ўтириб бўлмасди.

– Буни унга маълум қилиш учун бирон-бир қарорга келганим йўқ, – деркан адвокат бошини сал бир томонга бурди, – эҳтимол, Ленининг тегишишини яхшироқ ҳис қилмоқ учун шундай қилгандир. Блок эса бошини солинтириб олганича, гўё тақиқданган қандайдир нарсага ўтилгандек, қулогини динг қилиб тингларди.

– Сенга бунинг учун нима монелик қиляпти? – қизиқсинди Лени.

К. ўзини гўё ёдлаб олинган матнни эшитаётгандай ҳис қилди, аллақачондан буён тез-тез такрорланиб турган, ҳали яна кўп қайтариладиган бу гап-сўзлар Блок учун ҳеч қачон ўз янгилигини йўқотмайдигандек эди.

– У бугун ўзини қандай тутяпти? – адвокат жавоб ўрнига сўроқça тутди. Ўз фикрини қандай айтишдан олдин Лени Блокка қараб қўйиб, тараддузданиб турганда, у эса қанчалик ёлворув-

чан нигоҳ билан қизга икки қўлинни кўттарганига кўзи тушди. Ниҳоят, қиз қатъий бир тарзда бошини қимирлатиб, адвокатга ўгирилди-да, деди:

– У жуда ҳам тиришқоқ, мўмин-қобил бўлиб қолган.

Бу соқоли оқарган савдогар, кўпни кўрган кекса киши ўзи ҳақида яхши бир мулоҳаза уйғотиб беришини истаб, шу қизчага зор уриб турарди. Эҳтимол, бу қилифи ортида бирон-бир кўзлаган нияти – коса остида ним коса фикри бордир, шундай бўлса ҳам бошқаларнинг кўзича буни оқдаб бўлмайди. Ҳатто бу кўриниш кузатиб турганларни ҳам ҳақоратларди. Демак, адвокатнинг иш услуби ўзи шунаقا (қандай баҳтки, К. бу баҳри муҳитда узоқ тутилиб қолмади!) – мижозини ёргу оламдаги ҳамма нарсани бутунлай унугиб қўйиш даражасигача элтиш ва уни зўрлаб ёлғон бир йўлда бошидан умидворлик билан жараённинг охиригача судраб олиб боришга эришишдан иборат. Наҳотки, шу Блок унинг мижози бўлса? У адвокатнинг ити-ку! Агар бу киши унга каравотнинг тагига кир деб буյорса, ўша ердан туриб ҳуради ва итоаткорлигидан ўзича лаззат ҳам олади. К. дикқатини бир жойга жамлаб, ҳаммасига сомеъ бўлиб турар, гўё бу ерда нима гапирилган бўлса, унга барини битта қолмай тинглаб, эслаб қолиши топширилгану ҳеч бирини оқизмай-томизмай арши аълода ахборот бериши лозимдай эди.

– Бутун кун бўйи у нима иш билан машғул бўлади? – сўради адвокат.

– Мен уни атрофимда ўралашиб, ишимга ха-лақит бермасин деб, хизматкорлар хонасига қамаб қўяман, – деди Лени. – У ҳамиша ўша ерда ўтиради. Вақт ўтгани сайин ора-сирада нима қиляпти деб, ойначасидан қараб тураман. У эса каравотда чўкка тушиб олганча, дераза рафига

хужжатларни ёзиб олиб, берганингни ўқигани ўқиган. Назаримда бу жой кўнгилдагидек, яъни, даричасидан ҳовлига чиқлади, икки эшик орасига тушган девор бўлганидан, у ерга қарийб ёруғлик ҳам тушмайди. Шунга қарамай, Блок мутолаасини ҳеч канда қилмайди. Унинг қандай чидамли эканлигини шундан ҳам билса бўлади.

– Буларни эшитмоқ мени хурсанд қиласди, – деди адвокат. – Бироқ у ўқиётганларига тушунармикан?

Уларнинг суҳбати кечаётган пайтда Блок тўхтовсиз лабларини қимирлатиб шивирлар, қайсики олдиндан тайёрлаб қўйган жавоблари Лени томонидан янграшига умид қиласди.

– Ҳим, бу саволга, – деди Лени, – очифи, аниқ-равшан жавоб беришим қийин. Ҳарна бўлганда ҳам унинг жуда ҳам қунт билан қироат қилишига гувоҳлик беришим мумкин. Бутун кун давомида у бир бетдаги жумлаларни қайта-қайта ўқиб, сатрлар устидан бармоғларини юритгани юритган. Қараганимда, гоҳ уҳ тортганига кўзим тушади; мутолаа унга қанчалик машаққат экани шундан ҳам билинади. Сен унга, афтидан, жуда ҳам тушунарсиз, роса бошни қотирадиган ҳужжатларни берган бўлсанг керак.

– О, тўғри! – қўшиди адвокат. – Улар ҳақиқатан ҳам осон эмас. Очифи, буларга унинг фаҳми етишига ишона олмайман. Мен фақат бу ҳужжатларни Блокнинг қўлига, уни оқлаш учун қанчалик аёвсиз жанг қилишимга тўғри келишини тушуниб етсин, деган умидда берганман. Ахир кимнинг хурсандчилиги учун бунчалик жоними жабборга бериб ётибман? Хурсандчилиги... Блокнинг хурсандчилиги учун дейиш, йўқ, йўқ, жуда ҳам кулгили! У ҳеч бўлмаса буни қадрлашни ўргансин-да. Аммо у бу билан муңтазам шуғулланадими?

– Ҳа, қарийб дам олмасдан шуғулланади, – жабоб қилди Лени. – Фақат бир бора томоғини ҳўллаб олишни илтимос қиласди. Мен унга дераза тавақаси оша стаканда сув узатаман. Соат саккизлардагина у чиқиб, озгина тамадди қилиб олади.

Блок менсимайгина кўз қирини К.га ташлаб қўйди, ўзининг номига бўлган бу мақтovлар унда шундай бир кўтаринкилик уйғотмаслиги мумкин эмасди. Афтидан, унда яна умидворлик уйғонган, эркингина ҳаракат қиласар, ҳатто тиззалари ни бир-бирига типир-типир уриб қўярди. Мана бирдан кутилмаган ўзгариш кўзга ташланди: у адвокатнинг сўзларидан тошдай қотди.

– Сен ҳамон уни мақтаганинг-мақтаган, – деди адвокат, – мен эса бундай дейишим жуда қийин. Гап шундаки, суд ҳаками Блокнинг ўзи-ю, устидан қўзғатилган жиноий иш жараёни ҳақида нохуш гап қиялпти.

– Жуда ҳам нохушми? – қайта сўради Лени. – Наҳотки? – Блок ҳам қизга шундай бир ёлворувчан нигоҳ билан зўриқиб қарадики, аллақачон ҳакам томонидан айтиб бўлинган сўзни қиз шу ернинг ўзида ҳозироқ унинг фойдасига ўзгартириб юборишга қодирлигига баайнни ишонарди.

– Ҳа, нохуш гап, – деди адвокат. – Ҳатто Блок ҳақида гапга солсан, ижирғаниб: «Менга шу Блок ҳақида гапира кўрманг!» деди у. «Бу қанақа бўларкин! Ахир, Блок менинг мижозим-ку», дедим эътиroz қилиб мен. «Сизнинг бу яхшилигингишни сунистеъмол қиласдилар», гапидан қолмади у. «Бироқ мен бу ишдан умидимни узолмайман». «Ахир сиздан фойдаланадилар-ку!». – Ҳалиги гапини яна қайтарди у. «Сўзингизга қўшилмайман, – деб эътиroz билдиришда давом этдим мен ҳам. – Блок ҳамиша суд жараёни билан андармон, кун бўйи шу билан банд бўлади. У ҳатто ҳар вақт ҳар нарсага тайёр туриш учун, аллақачондан бўён

меникида яшайди. Бунақа ҳафсала камдан-кам кишида учрайди. Тўғри, унинг шахсида бир талай қўлансаликлар йўқ эмас, жирканч одатлари бор, у бир исқирт, бироқ ўзининг устидан олиб борилаётган жараённинг ташвишини қилишда у бекаму кўст, ҳеч камчилиги йўқ». Мен у ҳакда атайин «ҳеч камчилиги йўқ», дедим, – лекин маълум бўлишича, бўрттириб юборибман. У менга шунда мана буларни эслатиб қўйди: «Блок – пиҳини ёрган айёр. У ана шундай сансалорликда устаси фаранг бўлиб кетган. Аммо нодонлиги айёrlигидан бир неча карра ошиб тушади. Қани у шу даражада нодонлигини ўзи ҳам била қолса эди, у ҳатто жиноий иш жараёнини илк кўриш учун йиғилишга қўнғироқ ҳам чалингани йўқ, деб айтишларини кутадими-ей?» Тинчлан, Блок! – деди адвокат тиззалири қалтираб, туришга уринаётган Блокка қараб, афтидан, у буни изоҳлаб беришга изн сўраш ниятида эди.

Шунда адвокат биринчи марта буларнинг ба-рини Блокнинг ўзига бевосита изоҳлаб беришга қарор қилди. У ҳорғин кўзларини солинтириб қа-раса-да, Блокка разм солмади, бироқ Блок бу қа-расаш остида яна оҳистагина чўккалаб қолди.

– Сенинг учун ҳакамнинг фикри ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас, – гап бошлади адвокат, – ҳар бир сас-садодан ҳам қўрқиб-писаверма, ўзингни шунақа тутиб, шалвирайверсанг, умуман ҳеч нарсани айтмайман. Кўзларингни жавдиратиб гўё устингдан ўлим ҳукмини ўқишаётганлари-дай ўзингни тутасан-а! Ҳеч бўлмаса мижозим-дан уял-э! Бу қилифинг билан унинг ишончини ҳам дарз кеттиряпсан. Айт, сенга нима керак ўзи? Ҳарқалай, ҳозирча тупроқдан ташқарида-сан, қолаверса, ҳали ҳам ҳифзу ҳимоямдасан. Нега бунчалик бемаъни даҳшатларга тушма-санг! Шундай ҳодисалар ҳам бўлиб турадики,

қаердадир сен ҳам ўқигандирсан, бирдан ҳеч кутилмаганда, кимга қачон, нима қулай бўлса, худди шундай ҳукм овозаси чиқади. Анов-манов маталлардагина бунақаси учраса-да, бу бўлган ҳақиқат, аммо сенинг бунақа даҳшатга тушишларинг, қўрқиб-қалтираб туришларинг бу гапларимнинг тамоман акси, мен уларда жуда ҳам керак ишонч етишмаётганини кўраман. Сенга бирон-бир қўрқинчли нарса айтдимми? Бундай ахволда нима қила оламан? Мен бор-йўғи бир ҳакам сифатида ўз фикримни билдиридим, холос. Бироқ сен жуда яхши биласан, ҳар қанақа ишнинг теварагида минг турли фикр-мулоҳазалар айтилади, қарашлар тўпланади, уларнинг қайси бири тўғрилигини аниқдаш жуда қийин. Мисол учун, мана бу ҳакам жиноий иш жараёни бошидаги бир ҳолатни муҳим ҳисоблади, мен бўлса бутунлай бошқасини. Бу ерда бор-йўғи фикр-мулоҳазалар ўртасида фарқ бор, бошқа ҳеч нарса. Жараённинг муайян босқичида эса, эски таомилга кўра, қўнфироқ орани очади. Бир ҳакамнинг фикрига кўра, суд жараёни айни шу палладан бошланади. Ҳаммасини ҳозир сенга ипидан-игнасиғача тушунтириб ўтиrolмайман, деганим нуқтаи назарлар ҳар хил, нотўғри-тўғрилигини кўрсатиш учун керак эди. Сен бари бир буларни тушунмайсан, шу боис ҳам фақат қарама-қаршиликлар кўп бўлишини айтишим мумкин, холос.

Блок каравотдаги ипак гиламчани довдирағанча чимдиб ўтирап, уни ҳакамнинг фикри жуда ҳам қўрқитиб юборгани кундек аён, шу боис ҳам адвокат олдидаги бу хўрланиш онларини бутунлай унтиби, фақат ўзи ҳақида хаёл сурар, ўзича ҳакамнинг сўзини ҳар томонлама ўйлаб кўрарди.

– Блок! – Лени уни огоҳдантириб, ёқасидан ушлаб, юқорига тортди. – Мўйнани юлқилайверма, адвокат сенга нима деяпти, яхшилаб эшишт.

ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

ИБОДАТХОНАДА

К. топшириқ олди: анчадан буён банк билан дүс-тона ҳамкорлик қилиб келаётган ва бу соҳада жуда ҳам қадрланадиган бир итальянни бир қанча санъат обидаларига зиёрат қиёдириб чиқиши керак. Бошқа пайт бўлганида К. ҳеч шубҳа-гумонга бормай, бунақа топшириқни ҳаммадан ҳам кўра фахрли ҳисоблар, жон деб қабул қилас, бироқ ҳозир банкда қозониб келган обрў-эътиборини сақлаш учун катта сабр-бардош талаб қилинаётган бир пайтда бу топшириққа истамайгина зўрга рози бўлди. Зеро, иш кабинетидан ташқарида ўтган ҳар бир дақиқаси унинг учун қаторасига дилсиёҳдик олиб келар, ҳолбуки, у анчадан буён ишда ҳам аввалгидек вақтини баракали ўтказолмай, хуноб эди. Баъзан арзимас идоравий нарса учун ишда соатлаб беҳуда вақти ўтар, бироқ ишхонада бўлолмай, шундан ҳам бенасиб қолиш қайғуси уни баттароқ азобларди. Шунингсиз ҳам уни ҳар он тақиб қилиб юрган директор мувовини иш бўлмасига тап тортмасдан кириб, столи ёнига ўтириб олганча қофозларини титкилаб, К. нақ йиллар давомида алоқа қилиб, ҳатто дўсти-қадрдан бўлиб кетган мижозларини қабул қилишга тушган экан, уларни К.га қарши қайрайдигандай, ҳа, ҳатто қандайдир хатоликлар топмоқчирадай туюлар, очиги, кейинги пайтда ҳар томондан ана шунақа хато-ю камчиликлар унга таҳдиð солиб, ўзини улардан қаерга қочиб қутулишини билмаётгандай ҳис қиласарди. Ҳозир унга қанақадир, ҳатто жуда ҳам фахрли бўлган ишга оид

юомушни – кичик бир зиёрратни топширишди ҳам дейлик – лекин кейинги пайтларда бундай топшириқлар, буиси ҳақиқатан ҳам тасодифий бўлса-да, кўпайиб боряпти. Шу боис баъзан уни атайин иш бўлмасидан узоқлаштирилиб, гўё ишни назорат қилмоққа, текширмоққа уринилаётгандек, ҳатто усиз ҳам ҳаммаси ўз йўлида кетавериши мумкинлигини таъкидламоқчилардай туюлади.

Жуда кўп топшириқдарни рад қилиш мумкин эди, бироқ буисида бир қарорга келолмади; агар у шубҳа-гумонларида қандайдир майдагина бир асос кўриб, шунаقا топшириқларни рад қиласлар экан, гўё бу билан ўз ваҳима-қўрқувларига иқрор бўлган бўлади. Шунинг учун ҳам у бу каби топшириқлар ўзи учун фарқсиздай ими-жимида қабул қилаверар, ҳатто кунлардан бирида заҳматталаб икки кунлик хизмат сафарига чиқишга тўғри келганида ҳам, ёқимсиз куз ҳавоси, кун бўйи ёмғир ёғиб чиқиши мумкин бўлиб турганига қарамасдан, ҳатто бу сафарни бекор қилмасинлар дея Худога ўтиниб, қаттиқ шамоллаб қолгани ҳақида ҳам лом-мим демади.

Ниҳоят, мана шу сафардан боши ёрилар даражада оғриб, қайтиб келар экан, эртага у итальян меҳмонга йўлдошлиқ қилишга тўғри келишидан хабар топди. Бу сафар топшириқни рад этишга қутқу соладиган ҳар хил важ-корсонлар анча-мунча эди, айниқса, ўйлаб чиқарилган бу топшириқнинг бевосита унинг хизмат вазифасига ҳеч қанаقا дахли йўқ эди. Ҳеч шубҳасиз, ҳамкорлик боис ташриф буюрганинг кўнглига қараб меҳмондўстлик таомилларига риоя қилиш керак бўлади, аммо К. учун бу муҳим аҳамиятга эга эмас, шуни аъло даражада биладики, ишда уни қобилияти, касби-корига оид муваффақияти ва омилкорлиги, ўз ишини яхши билгани учун

ушлаб туришибди, агар қўлидан иш келмаса, қолганларининг барчаси ҳеч бир фойдасиз, ҳатто мана бу итальянни фавқулодда сеҳр-жоду билан ўзига асир этган тақдирда ҳам бундан ҳеч иш чиқмасди; у бир кун ҳам ўзининг ишдаги нуфузидан ажралиб қолишни истамас, – бундан кейин ишга яқинлаштиrmайдилар деб ҳаддан ташқари қўрқар, ҳолбуки бу ваҳималарга қанчалик ёпишиб олинса, шунчалик қалби нотинчланиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолишини жуда ҳам яхши англаб турарди. Аммо бунаقا кутимаган вазиятда топшириқни рад этиш учун арзирли баҳона тополмади. К. ҳарқалай жуда зўр бўлмаса ҳам, керакли даражада итальян тилини эгаллаган, ундан ҳам асосийси ўсмирилигиданоқ санъатга қизиққанидан бу масалада анча-мунча билағон, шунда ҳам ўз касби-кори борасидаги на тушунчаси бўлиб, банкда эса қадим осориатиқаларни муҳофаза қилиш маҳаллий жамиятига озгина вақт аъзо бўлганидан хабар топишгач, бу соҳадаги билимига жуда катта аҳамият беришарди. Итальян меҳмон санъатнинг ишқибози бўлиб чиққан экан, унга йўл бошловчилик қилиш мақоми ўз-ўзидан К.нинг зиммасига тушар эди.

Эрталабданоқ ёмғир ёғиб турар, тўпаланг шамол кўтарилиган, К. олдда турган кун ҳақида ўйларкан, аввалданоқ гижиниб, қони қайнади, ҳали соат етти бўлмасдан банкка келди-да, меҳмоннинг ташрифи унга халал бергунга қадар айрим ишларини битириб олмоқчи бўлди. У жуда ҳам ҳоргин эди, кеча ярим тунгача ўтириб, итальян тили сарфи-наҳвни қараб чиққан, ишқилиб, бирмунча тайёргарлик кўрганди; ҳозир эса дераза олдига бориб, теваракни кузатмоқ истади, чунки кўп вақтини ёзув столи ёнида ўтиришдан кўра, шу ерда ўтказишни хуш кўтарди, аммо орзиқтирувчан бу хаёлни енгиб,

ишга ўтириди. Таассуфки, кўп ўтмай хонага чопар кирди ва жаноб директор жаноб К. келганми ёки йўқ, кўз ташлаб кел, деб юборганини, мабодо шу ерда бўлса, малол келмаса, тез қабулхонага ўтсин, деб айтганини, итальян меҳмон ҳам аллақачон шу ерда эканини унга хабар қилди.

– Ҳозир бораман, – жажжи сўзлашгични чўн-тагига тиқиб, олдиндан меҳмонга совфа сифатида тайёрлаб қўйган, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари туширилган альбомни қўлтиғига қистириди ва директор қабулхонасига муовиннинг иш бўлмаси орқали ўтиб борди. У ўзини баҳтиёр ҳис қилди, шундай эрта ишга келса-ю яна дарров, эҳтимол, ҳеч ким кутмаган бир пайтда директорнинг назарига тушиб ўтиrsa. Маълум бўлишича, муовиннинг иш бўлмаси бўм-бўш, гўё унда ҳали ярим кеча сокинлиги ҳукмрон эди; албатта, директор уни чопар орқали қабулхонада бўлишини сўраганида муовиннинг ўз жойида йўқлигини кўрган бўлиши керак. К. қабулхонага кирганида, истиқболига икки киши ҳашаматли ором курсилардан турди. Директор унга очиқ чехра билан табассум қилди, афтидан, К.нинг келганидан хурсанд бўлгани кўриниб, уни дарров итальянга таништириди; меҳмон ҳам К.нинг қўлини қаттиқ қисиб, табассум билан эрта келар читтаклар ҳақида нимадир дерди. К. меҳмон нима демоқчи бўлаётганини дарров тушуна олмади, сўзлар унга қандайдир нотаниш эди, К. фақат кейинроқ унинг сўзи маъносини фаҳмлағандай бўлди. К. ҳам сип-силлиқ иборалар билан жавоб қилди, итальян яна тиржайиб қўйди ва бир неча бор ўзининг ҳурпайганин кўкимтири-қора, мөш-гуруч мўйловини силаб қўйди. Мўйловлари-га сепиб олган атир ҳиди шундоқ уфуриб турар, ҳатто яқинига бориб ҳидламоқ истагини уйғотар-

ди. Ҳаммалари яна ўтириб, қисқагина гаплашиб олишаркан, итальянни онда-сонда тушунаётгандыгын билиб қолиб, қўрқиб кетди. Жаноб вазмин, дона-дона қилиб гапиргандагина К. қарийб ҳаммасини тушунар, бироқ бу ҳол камдан-кам ҳолларда бўлар; зеро, меҳмон нутқининг катта қисмида пайдар-пай луқмаларни қаторлаштириб ташлар, бундай дамларда чехраси шодликдан барқ уриб, бошини қимиirlатганича фикрини ифодаларди. Асосан, у киши доимо шавққа ботиб, аллақандай шевада шакаргуфтторлик қилар, К. эса бу ғаройиб итальянча лафзларни эшитиб қолишига-да улгурмасди. Директор эса уни яхши тушуниб қолмасдан, худди шу шевада кифтини келтириб лутф қилар, зеро бу жаноб туғди-битди Жанубий Италиядан, директор бўлса бир неча йил шу ҳудудда яшаб келган; К. аввалроқ буни ҳисобга олиши керак эди. Бундан қатъи назар, итальянга бирон-бир нарсани тушунтиришнинг иложи йўқлигини К. аллақачон анлаган, у французчада бундан ҳам бешбаттар тушунарсиз гапирап, бу етмагандай, бутун оғзини мўйлови ёпиб олган, сал бошқача бўлганида ҳам лаб-лунжининг қимиirlашига кўра ҳам уни тушуниш осонроқ бўларди. Китальянни тушуниш йўлидаги барча уринишлари беҳуда бўлиб чиққанлигини кўргач, ҳали кўп кўнгилсизликлар бўлишини ўзича олдиндан тахмин қилди, албатта, директор иштирокида уни қийналмай тушунар, бунинг учун ҳеч бир зўриқиши ҳам керак эмасди, зеро, меҳмон безбетлик билан, яна бунинг устига чуқур оромкурсига ўзини орқага ташлаганча, калтагина бежирим бичилган камзулласини тортиб қўйиб, бирдан тирсакларини кўтариб, бармоқлари учни эркин-эркин қимиirlатиб, ниманидир астойдил тушунтиришга уринганида, К. ҳеч нарсани

англамаган бўлса-да, бор вужуди-ла олдга энгашиб бу вайсақининг қўлларидан кўзларини узмасдан ўтирас эди. Бироқ алалоқибат ўзининг иштирокисиз, мутлақ файриихтиёрий тарзда бегонанинг суҳбатига маҳдиёдай ўтиришдан аввало чарчаганини ҳис қилган К. паришонхотирлик билан турсаму, бурилиб, жуфтакни рост slab қолсам-чи, деган хаёлга борди, аммо шу заҳоти бир қўркув билан ҳушёр тортиб, ўзини тутиб қолди. Ниҳоят, итальян соатига қараб, ўрнидан сакраб турди. У директор билан хайр-хўш қилиб, К. га шунаقا яқинлашиб келдики, йигит ўрнидан туриш учун ўзини орқага олишга тўғри келди. К. суҳбатга қўшилганга қўшилиб, итальяннинг шевасини тушунолмасдан, ўзини йўқотиб қўйгани директорнинг эътиборидан четда қолмади ва у оқиллик ва назокат билан, гўё билинار-билинмас қилиб, унга йўл-йўриқ қўрсатди, бу тиниб-тинчимаган, такасалтанг меҳмоннинг оғиздан чиққан ҳар бир гапини, борича қисқагина бўлса-да, К. учун таржима қилиб турди. Шундай аҳволда К. итальяннинг баҳтга қарши вақти жуда зиқлиги ва айни ҳозир ҳал қилмаса бўлмайдиган бир иши борлиги, аммо шундан кейин у шу вазиятни пеш қилиб зиёратгоҳларнинг ҳаммасини шошиб-пишиб кўрмокчи эмас, аксинча, агар К. розилик билдирса, буни фақат у ҳал қилиши керак, битта ибодатхонани, аммо бошидан оёғигача эринмасдан, имкон қадар муфассал зиёрат қилишини исташини фаҳмлагандай бўлди. К. бутун кучи билан итальянни тингламасликка ҳаракат қилиб, директорнинг тушунтируви кифоя деб турганда, меҳмон сўзига ургу бериб, муҳташам зиёратгоҳни таниширишда шу қадар билимдон ва ёқимтой бу йигит ҳамроҳлик қилса, ўзини жуда ҳам баҳтиёр ҳисоблашини изҳори дил қилди, ҳа, у худди шундай деди К. ҳақида; ва маъқул бўлса, тахминан икки

соатлардан кейин, яъни ўнларда жомеъ олдида учрашсак, деб илтимос қилиб қолди. У шу оралиқда ишини тугаллааб, озод бўлиши ва келишилган жойга етиб келишига умид қиласарди. К. ишончли жавоб қилгач, итальян аввал директорнинг, кейин унинг қўлини, кейин яна директорнинг қўлини маҳкам қисиб хайрлашди-да, эшикка йўл олди, ҳатто директор ва К. уни эшиккача кузатиб борганига ҳам заррача эътибор қилмади, аммо ҳамон оғзи тинмасдан нималарнидир гапириб бораради. К. яна бир оз директорнинг олдида ўтирас экан, бугун унинг ҳоли фариб кўринди. Директор нима учундир К. дан узр сўрамоқчи бўлгандай, у билан ёнма-ён ўтириб, бошда итальянга ўзи ҳамроҳлик қилмоқчи бўлгани, бироқ кейин, бунинг сабабини изоҳлаб ўтирмасдан, К. ни юборишга қарор қилганини дўстона сўзлади. К. ҳеч ҳам уялмасин, агар итальянни бошда тушунолмаса, тезда бунга ҳам муваффақ бўлиши мумкин, ҳатто бу одамнинг кўп гапларини тушунмаса нима қипти, бу ҳеч ҳам фожиа эмас, итальянга уни тушунишадими ёки йўқ, у даражада муҳим ҳам эмас. Қолаверса, К. бу даражада итальянчани билишини директор ҳам кутмаган: у демак ўз вазифасини қойилмақом қилиб бажаришига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Шу билан директор К.га рухсат берди. К. қолган барча вақтини ибодатхонани кўрсатишда асқатиб қолиши мумкин бўлган қийин сўзларни луғатдан ёзib олишга сарфлади. Бу юмуш айрича диққатталаб иш эди, бунинг устига, орада чопарлар почтани олиб келишар, хизматчилар маълумотномалар учун киришар, кўрадиларки, К. банд, аммо кетишишмасдан К. тингламагунча, эшик оғзида тураверишарди. Директор муовини ҳам халақит бериш имконини бой бериб қўймас, атайин кириб келиб, К.нинг қўлидан луғатни олиб,

ҳеч бир кераги бўлмаса-да, варақлар, хона эшиги очилиб-ёпилганда эса, қабулхонада кутаётган мижозларнинг журъятсиз ёлворувчан нигоҳдари фира-шира кўриниб қоларди, маълумки, улар ўзларига эътибор уйғотишни хоҳлашар, ичкарида бунга разм солишаётгими, йўқ, ишончлари комил эмасди; К. эса бу вақтда худди гирдобнинг тубига тушиб қолгандай таъсирилар иборалар тўплашга ҳаракат қиласар, лугатдан керакли сўзларни излар, топганларини кўчириб олиб, талаффуз қилишни машқ қиласар, бу сўзларни ёдлаб олишга уринарди. Бироқ унинг одатда мустаҳкам хотираси гўё бутунлай ўзгариб, ишдан чиққандек, ўзига олмас ва ишнинг бундай бароридан келмаётгани ҳам итальянга нисбатан хусуматини алангалатиб юборар, бу учун ҳам қанчадан-қанча ғам-ғусса чекишига тўғри келар экан, охири, қатъий бир ният билан тайёргарликни йиғиштирумоқчи бўлиб, лугатни қофозлар тагига тиқиб юборарди; аммо ҳали бутун ибодатхона бўйлаб меҳмон билан юрганда худди соқовга ўхшаб жимгина юриши мумкин эмаслиги, санъат асарларини шарҳлаши кераклигини ўйлаб кўрар экан, у яна тенгсиз бир адовар билан лугатни тиқилган жойидан тортиб оларди.

Вақт тўққиз ярим бўлиб, у кетишига ҳозирланиб турганида, телефон жиринглаб қолди. Лени унга хайрли тонг тилаб, ўзини қандай ҳис қилаётганини суриштириди. К. миннатдорчилик билдириди ва ҳозир суҳбатлашишлари қийинлиги, ибодатхонага шошаётганини айтди.

- Ибодатхонага? – ҳайрон бўлиб деди Лени.
- Ҳа, ибодатхонага.
- Ибодатхонада нима қиласан? – сўради Лени.
- К. унга нима иш билан бораётганлигини қисқагина тушунтирумоқчи бўлганди ҳамки Лени сўзини шартта бўлди:

– Сени тузоққа туширибдилар!

К. кутилмаган ва ғайриихтиёрий ҳамдардликка тоқати йүқлигидан қисқагина қилиб Лени билан хайр-хушлашын, бу совуқ симларга ҳаммасини айтиш ўзи учун ҳам, қыз учун ҳам ноқулай, қолаверса, қиздан узоқда бўлгани учун уни аниқ-тиниқ эшитиши ҳам душвор эди.

– Ҳа, мени тузоққа туширибдилар!

Вақт ўтиб борар, бир кор-ҳол юз берса, у кечикиб қолиши мумкин. Сўнгги дақиқаларда аввало таксига тушиб, физиллаб етиб бориш ва альбомни топширишга улгуриб, шу билан уни ўзига мойил қилиб олиш фикри калласига урди. У альбомни тиззалири устига қўйганча, таксида сабрсизланганидан, пайдар-пай бармоқдари билан уни доира қилиб чалар эди. Ёмғир қарийб тинди, бироқ ҳавонинг авзои бузуқ, рутубатли ва изфирин; бунақада, шубҳасиз, ибодатхонада ҳам ҳеч нарсани кўриб бўлмас ва совуқ плиталар дастидан К.нинг шамоллаши янайм зўрайиши турган гап.

Ибодатхона олдидағи хиёбон бўм-бўш эди. К. болаликдаёқ кўрган бу торгина майдонни ўраб олган уйларнинг қарийб ҳамма вақт туширилган дарпардалари яна кўз олдида намоён бўлди. Албатта, бошқа кунларга қараганда, ҳозирги тунд об-ҳаволи кунда шундай бўлишини тушуниш қийин эмас. Ибодатхонада ҳам жон асари борлиги умуман билинмас, шундай паллада бу ерга ташриф буюриш хаёли бирон-бир бошга келиши даргумон эди. К. икки ён томондаги меҳробларга шошилиб чиқар экан, шол рўмолга ўралиб олган аллақандай кампирни учратди, холос; кекса онахон Биби Марям сурати олдида чўкка тушганича, ундан ҳеч нигоҳини узмасди. Узоқдан бир хизматчиға кўзи тушди, бироқ у киши ҳам оқсоқланиб, бир эшикча ортига ғойиб бўлди. К. айни вақтида етиб

келибди: соат ўнга занг урди, аммо итальян ҳали кўринмасди. К. асосий кириш жойига қайтиб келди, нима қилишини билмасдан сўррайиб турди-да, кейин шаррос ёмғир куяётганига қарамасдан – уни ён томонлардаги эшикларнинг бирортаси олдиди итальян кутиб ўтирганмакин, деб разм солиши учун бутун ибодатхонани ташқари томонидан айланиб чиқди. Бироқ ҳеч кимнинг қораси кўринмади. Эҳтимол, учрашув пайтини директор нотўри тушунгандир? Ҳа, ўзи бу нусхани тушуниш мумкинми? Ҳар на воқеа содир бўлганда ҳам, уни К. ҳеч бўлмаганда ярим соатлар кутади. У роса ҳориб ибодатхонага қайтиб киравкан, зинапояда аллақандай гиламчанинг бир лахтаги ташлаб қўйилганига кўзи тушди, уни оёғи остига сурди-да, ёқасини кўтарди, пальтосига астойдил ўралиб, ўриндиқقا чўкди. Ишқилиб, ўзини чалғитмоқчи бўлиб, алъбомни очиб, бир оз варақлади, бироқ буни ҳам бас қилишга мажбур бўлди: атроф шунчалик қоронфи эдики, К. ҳатто қўшни меҳробдаги ҳеч нимани кўра олмади.

Йироқдаги бош меҳробда шамлар катта учбурчак ҳолда ёниб турарди. К. уларни ҳали кирганда ҳам кўрганмиди, буни айта олиши даргумон эди. Эҳтимол, ҳозиргина ёқилгандир. Хизматчилар юмушлари юзасидангина оёқ учida юришар, уларнинг келган-кетгани ҳам билинмасди. К. тўсатдан, ундан узоқ бўлмаган тошустулардан бирида йўгон, баландлаб бир шам ёнаётганига кўзи тушди. Ҳарқалай, бу ўз ҳолича жуда гўзал бўлса-да, аммо ён томондаги кичик меҳробда бўлгани боис, бош меҳробдаги манзараларни ёритишда ўз-ўзидан зиёси етишмас, балки, бу қоронгиликни баттар қуюқлаштиради, холос. Итальян келмай қолиб, эҳтимол, ҳурматсизлик қилгандир, аммо у фаросат билан оқилона йўл тутгани кўриниб ту-

пар, бари бир бу ерда ҳеч нарсани кўриб бўлмас, К. нинг чўнтақ фонари ишга солингандა ҳам, унинг ожиз нурида суратларни узуқ-юлуқ, бир парчасини кўргандা ҳам кўз тешилгудек бўлиб кетарди. Бу қандай бўлар экан деб, синааб кўрмоқ ниятида К. ён томондаги капеллага ўтди, зинапоялардан кўтарилиб пастгина мармар панжарага энгашганча, фонарини ёқди-да, меҳробдаги суратларга тўғрилади. Суратлар олдида исчироқнинг липиллаб ёниши кўришга фақат халақит берарди. Дастрлаб, у суратнинг энг чеккасидан ўрин олган, улкан келбатли, қурол-аслаҳали рицарнинг бир бўлагини кўришга базўр мувофиқ бўлди. Аскар сийрак ўт-ўланлар кўзга ташланадиган даланинг тақир ерига ботирилган шамширига суюнганча турарди. Рицар ниманидир диққат билан кузатаётганга ўхшарди. Бироқ унинг бир жойда қимириламасдан донг қотгани фалати чиққанди. Афтидан, у посbonлик қилиш учун тайинланган бўлса керак. К. алазамонлардан бўён суратларни томоша қилмаган эди, рицарга узоқ тикилиб турар экан, фонардан таралаётган яшил нурларнинг аёвсизлиги ва тикилишнинг зўриқувидан кўзларини пайдар-пай пирпиратишга тушди. У фонарини бўлак суратларга бирма-бир тутиб, оддийгина талқинда чизилган Исо Масижнинг тобутда ётган ҳолатини кўриб қолди; худди шу ҳолатида бу суратни тамоман янги деб атаса бўларди. У фонарни чўнтағига солиб, олдинги жойига келиб ўтирди.

Энди итальянни кутиб ўтиришга ҳожат йўқ, бироқ кўчада уриб ёмғир ёғар, худди шундай, кутилмаганда ибодатхона ҳам унчалик совуқ бўлмаган паноҳгоҳ бўлиб чиққан, К. бир оз шу ерда кутиб туришга қарор қилди. Унинг шундоқ ёнида асосий минбар қўр тўйкан, теграсида икки зарҳалли хоч бор бўйига осилганча суюнибгина турар, уларнинг

адоги тепадан бир-бирига боғлаб қўйилган эди. Ташқи томондан панжара ва тош устунларга олиб борадиган йўлак ям-яшил печакгуллар акси билан нақшланган, уларни ушлаб турган фаришталар бир қарагандан табассум қилаёттандай, бошқа сафар жиддийгина қараб тургандек бўлаверарди. К.минбарга яқинлашиб, унинг теграсида ҳар тарафга юриб кўрди: тошларга солинган нақшлар фавқулодда санъаткорона ишланган, гўё қуюқ зулмат бунда тутилиб, шу нақшларда ва унинг ортига зарб этилгандай эди.

К. қоронги бурчакларга қўлларини суқиб, тошларни эҳтиёткорлик билан сийпалаб кўрди. Аввал у бу минбарнинг борлиги ҳақида ҳам билмасди. Айни дақиқаларда у қўшни қатордаги ўриндиқда устига бурама қора мундир илган, чап қўлида тамакидони бор черков хизматчисини тўсатдан кўриб қолди. У узоқдан К.ни кузатиб ўтиради. Унга нима керак, – деган хаёлга борди К. – Наҳотки менинг афти-ангорим шубҳали кўринса? Балки у чой-чақага умидвордир? Бироқ шу ерда К. хизматчининг шивирлаб, учida тамаки қисиб олган ўнг қўли билан аллақандай ноаниқ томонни унга кўрсатаётганига эътибор берди. Хизматчи ҳеч ҳам тиним билмасдан аллақаернидир кўрсатгани кўрсатган, ўз хатти-ҳаракати билан имо-ишорага зўр берар экан, у нима истайди, К. ҳеч нимани тушунмасдан, бир зум кутиб турди.

– Нима керак ўзи унга? – К. оҳиста гудраниб қўйди, бироқ уни бор овозда чақиришга ботинмади; сўнг эса қопчишини қўлига олиб, тор ўриндиқлар оралаб сиқилиб, бу кимсага яқинлашиди.

У эса К.нинг қўлини бир чеккага силтаб ташлади-да, елкасини қисганча, лўкиллаб нари кетди. К.болалик чоғида лўкиллаб от бўлишга уринганларини эслади, чол ҳам болага ўхшаб қолибди.

Энди эса черковга хизмат қилишдан бошқасига ярамайди деб ўйлади К. Худди менга соқчилик қилаётгандек, түхтасам түхтаб, юрсам юради, яна у билан юрсаммикан. К. истеҳзоли бир табассум билан қариянинг орқасидан бош меҳробгача ён томондаги барча майда меҳробчаларни айланиб чиқди. Қария ҳамон аллақаерни бармоғи билан имлаб кўрсатишда давом этар, К. атайин ўша томонга бурилмади; афтидан, қария ортимдан менга қора-ма-қора келмаяптими ишқилиб, деб уни чалгитишга уринаётгандай эди. Охири К. таъқиб қилишни бас қилди, бир қариядан бунчалик хавфсирашни истамасдан, агар итальян келганида, диққатга сазовор нодир обидалар қаторида унга мана бу антиқа нусхани ҳам кўрсатган бўларди.

У альбомни қолдирган жойини топмоқ илинжида асосий хонақоҳга кирап экан, тўсатдан тош устунлар орасида, муножотгоҳдан узоқ бўлмаган жой, меҳроб устида оқ-кўкиш тап-тақир тошдан ясалган кичкина минбарчага кўзи тушди. Минбар қанчалик кичкина бўлса, узоқдан шунчалик бежирим қандайдир авлиёнинг ҳайкали қўйилиши саодатидан жудо этилган бўш токчага ўхшарди. Унда руҳонийга ҳам жой етишмас, шундоқ панжарарага тақаб, қаққайтириб қўйилганди. Бундан ташқари, минбар тепасидаги тош гумбаз жуда ҳам узоқча тушган, ҳолбуки унда ҳеч нима ясалмаган эса-да, шунчалик нишаб эдики, минбарга чиқсан ўрта бўйли киши ҳам бу ерда қулай жойлашишнинг иложини топмас, фақат панжарарага суюниб, қаддини эгибина туриши мумкин эди. Буларнинг бари руҳонийни азоблаш учун атайин ўйлаб топилгандай туюлар, каттакон бош меҳробда, шунга яраша қулинг ўргилсин минбарга эга бўлиш мумкин ҳолда бу бечораҳол минбарча кимга керак, буни ҳеч ҳам тушуниш мумкин эмасди.

Рұхоний маъруза қилиши учун қўйилгувчи исчироқ липиллаб турмаганда К. эҳтимол, бу минбарчага эътибор қилмаган бўларди. Наҳотки ҳозир бу ерда кимдир маъруза қилса? Бўм-бўш ибодатхонада-я? К. минбарчага олиб борадиган, тош устунларга тулашиб кетган зинапояларга разм солди, улар шунчалик ингичка эдики, кишиларга хизмат қилиш учун эмас, шунчаки ибодатхона безагидек таассурот уйғотарди. Бироқ шу пайт ҳақиқатан ҳам зинапоянинг пастида рұхоний турганига кўзи тушиб, довдирганча, табассум қилди; у эса қўли билан суюнчиқни тутиб, баайни минбарга чиқишга тараддуд кўраётгандек ҳолда К.га қаради. Кейин билинар-билинмас К.га бош иргар экан, К жавобан хочга чўқиниб, таъзим қилди, ҳолбуки, уни биринчи кўрганидаёқ шундай қилиши лозим эди. Рұхоний кескин бурилиб, майда ва илдам қадамлар билан минбарга кўтарилиди. Наҳотки, ҳозир амри маъруф қилишга тушса? Афтидан, ибодатхона бўм-бўшлигидан қатъи назар, черков ходими уни ваъзгўй олдига бошлаб келмоқ фойдадан холи бўлмаслигини англаб етиб, шунга рағбат кўрсатган чоғи. Дарвоқе, аллақайдаги Биби Марям тасвири олдида бир кампирча ҳам бор, у сал берироққа келса бўлмасмикан? Ҳақиқатан ҳам ваъзхонлик бошлашга тараддуд кўрилаётган экан, нега бунинг олдидан илоҳий куйлар янграмаяпти? Ҳар ҳолда, орган сас-садо бермас, зулумот аро ўзининг юксаклигига хира йилтираб турарди, холос.

К. бундан тезроқ жўнаш иложи бўлармикан, деб ўйлади. Агар ҳозир кетмаса, маъруза қилинаётган пайтда кеч бўлади, тулашини кутишга тўғри келади, шусиз ҳам хизматдан ташқарида юриб, қанча вақтни йўқотди, итальянни кутиб ўтиришга ҳам у ортиқ бурчдор эмас. К. соатига қаради: қарийб

ўн бир бўлибди! Наҳотки, ҳозир ваъз бошланса? Наҳотки, К.нинг бир ўзи бутун қавмнинг ўрнини боса олса? Агар у ажнабий бўлганида, ибодатхонани фақат томоша қилиш учун бу ерга келган бўлмасмиди? Гапнинг рости, ўзи ҳам фақат шу умидда бу ерга келганди. Айни иш куни, чошгоҳ ўн бирда, яна об-ҳавони бало урган паллада ваъз ўқилади, деб ўйламоқнинг ўзи бориб турган густоҳдик бўлур эди. Бу лўпти юзли тақводор йигит шубҳасиз, бўлғуси руҳоний минбарга фақат янглишиб, ёқиб қўйилган чироқларни ўчириш учунгина кўтарилиган бўлса ажаб эмас.

Бироқ бундай бўлиб чиқмади. Руҳоний исчироқни кўздан кечириб, пилигини бир оз пасайтирди, кейин оҳиста нақшинкор панҷарарага энгашганча, минбарнинг икки четидан икки қўли билан тутиб олди. У бир оз шундай турди ва бошини у ёқ бу ёққа бурмасдан черковга бир қур назар солиб чиқди. К. биринчи қатордаги ўриндиққа тирсагини суяганча ўтирас эди. Қаердадир, аниқ қаердалигини билолмади, гўё ими-жимида энг муҳим вазифани уддалаб энди бўлса, ёнбошлиб олганча мудраётган қари черков ходимини элас-элас кўргандай бўлди. Ибодатхонада фавқулодда бир сукунат чўқди. Бироқ К. бу сукунатни бузишга мажбур ҳам, бу ерда қолишга ҳозир ҳам эмасди; агар руҳоний ўз бурчи юзасидан маълум бир белгиланган вақтда ваъз ўқишига чоғланган экан, вазиятни ҳисобга олмаган ва энди маърузасини К.нинг иштирокисиз ўқишига тўғри келади, мабодо у қолганида ҳам англашилганидек маърузани баҳолашга қурби этиши амри маҳол.

К. секингина ўрнидан қўзғалди ва пайпасланиб, оёқ учida ўриндиқларнинг чеккасига келди ва кенг ўрта йўлакдан кетмоқни мўлжаллади, у орқали ҳеч бир тўсиққа учрамай юрса бўларди;

аммо ҳатто оёқ учида юрганда ҳам тош плиталар сас-садо берар, юксак гумбазлар остида бир оз ожиз жарангласса-да, бир маромда, қадамлар товуши бир неча карра янгроқ чиқарди. К. ўзини нимагадир паришон ҳис қилиб, яна руҳонийнинг нигоҳлари остида бўм-бўш ўриндиқларни оралаб бораракан, қарийб ақлбовар қилмас ибодатхона маҳобати фариб ҳолини янада кучайтиргандай туюлди. У альбомини қолдирган жойидан олиши учун анча-мунча йўл босди. У қарийб ўриндиқларни ортда қолдириб, чиқиб кетиш учун холи, орадаги очиқ жойни танламоқчи бўлаётганда, бехосдан биринчи бор руҳонийнинг овозини эшитди. Овоз залворли, аниқ бир нуқтага йўналтирилган эди. Худди донг таратишига муштоқдек уни қабул қилган ибодатхона гумбазлари гумбурулаб кетди! Бироқ руҳоний ўз қавми ни чорлаётгани йўқ, бу чақириқ аниқ янграган, ундан қутулиб ҳеч қаёққа кетиб бўлмасди.

– Йозеф К.!

К. кўзини ерга тикканича бир жойда михланиб қолди. Ҳозирча у озод, йўлида давом этиб учта қорамтири ёғоч дарвозаларнинг биридан сирғалиб чиқиб кетса ҳам бўлар, – уларга жуда яқин қолганди. Ўзини ҳеч нарсани тушунмаган тарзда кўрсатиб, тушунган тақдирда ҳам диққат қилишни хоҳламасдан кетвортса бўларди. Бироқ тўхтаб бурилган ва қўлга тушган эди, демак, бу чақириқ унга қаратилганини аъло даражада тушунган, шу боис лаббай дегандек овоз келган томонга юрди. Агар руҳоний яна бир бор чақириганда, К. муқаррар қарамай кетиб қолган бўларди, бироқ қанча кутмасин, ҳамма ёқ сув қўйгандек тинч эди, у шунда руҳоний нима иш билан машғуллигини кўрмоқчи бўлиб, бошини бир озгина бурди. У кимса эса, аввалгилик хотиржам,

минбарда турар, аммо К.нинг хатти-ҳаракатига эътибор бериб ўтиргани аён эди.

Бу болаларнинг жўнгина бекинмачоқ ўйинига ўхшар, агар К. қайрилиб қарамаганда шу билан ниҳоя топар, бироқ бурилиб қарагану руҳоний ҳам шу заҳоти уни бармоги билан имлаб, ўз ёнига чақирганди. Ҳаммаси очиқ-ойдин: К. қисман қизикувчанигидан, қисман бу ерга тутилиб қолишини истамаганидан илдам қадамлар билан минбар томон юрди. У ўриндиқларнинг биринчи қатори тўғрисида тўхтади, аммо руҳонийга бу оралиқ жуда ҳам катта туюлди, у қўлини чўзиб ва кўрсаткич бармоги билан ниқтаб пастни, нақ ўзининг олди, минбарнинг оёқлари остида келиб туришини саншиб кўрсатди. К. жуда ҳам яқин келиб, руҳоний қўриб қўйисин дегандек, бошини кўтариб, гоз турди.

– Йозеф К. сен экансан-да! – деркан руҳоний, нақшинкор панжарарада ётган қўли билан аллақандай ноаниқ амр этгандай бўлди.

– Ҳа, – деб беихтиёр жавоб қайтараркан, К. ўз исмини авваллари қанчалик осон ва ҳеч нимани ўйламай очиқ-ойдин айтиши хаёлига келди, мана бир қанча вақтдан буён эса у ҳаддан ташқари азоб берадиган бўлди, ҳаттоки биринчи бор қўриб турган мана бу кимсадай номини кўпчилик киши олдиндан билишади, илгарилари одамлар билан танишув унга хуш ёқарди; аввал ўзларини таништириб, кейингина таниш-билишликий ипларини боғлашарди.

– Сен – айбланувчисан, бўтам, – жуда хотиржам, ишонч билан деди руҳоний.

– Ҳа, – деб жавоб берди К., – менга бу хусусда билдиришган.

– Бундан чиқди, сен мен излаб юрган кишининг айни ўзи экансан, – деди руҳоний. – Мен қамоқхона руҳонийсиман.

- Буни қаранг, – ажабланди К.
- Суҳбатлашиб олиш учун сени бу ерга чақиришни буюргандим, – деб қолди руҳоний.
- Бундан хабарим йўқ, – деди К., – бу ерга бир итальянни ибодатхонани зиёрат қилдирай деб келгандим.
- Эй қаёқдаги, беҳуда гапларни қўй, – буюрди руҳоний. – Кўлингдаги нима у, Тавротми?
- Йўқ, – деди К., – бу диққатга сазовор маҳаллий қадамжолар альбоми.
- Кўй уни! – деркан руҳоний, К. альбомни шундай бир жаҳл билан ирғитдики, ичи тўкилиб кетган альбомнинг эзгин варақлари бутун пол бўйлаб учиб кетди. – Устингдан қўзғатилган ишнинг салбий тус олганидан хабаринг борми? – сўради руҳоний.
- Ўзимга ҳам шунақадай туюляпти, – деди К.
- Мен бутун кучимни ишга солиб кўрдим, аммо ҳозирча бирон-бир натижага эриша олмадим. Дарвоқе, ҳали арзнома ҳам тайёр бўлгани йўқ.
- Ўзинг бунинг охири қандай хотима топади, деб ўйлайсан? – суриштириди руҳоний.
- Бошда ҳаммаси яхшилик билан тугаса керак, деб ўйлардим, – деди К., – энди бўлса гоҳида ўзим ҳам бунга шубҳаланаман. Бунинг охири нима билан тугаркин, биломай қолдим. Сен биласанми?
- Йўқ, – деб чўрт кесди руҳоний, – аммо ҳаммаси ноҳуш якун топмаса, деб қўрқаман. Сени айбор деб ҳисоблашади. Эҳтимол, устингдан қўзғатилган жиноий иш жараёни суднинг қўйи босқичидан нарига ўтмас. Аммо ҳар қанақа воқеа бўлишига қарамасдан, ҳозирча айбинг исботланган уларнинг назарларида.
- Мен бегуноҳман-ку. Айблашаётганлари хато. Умуман инсонни гуноҳкор қилишларининг боиси нима? Ахир биз – мен ҳам, бошқалар ҳам ҳаммамиз ҳам одаммиз-ку.

– Тўғри айтасан, – деди руҳоний, – аммо айбланувчиларнинг ҳаммаси ҳам шундай дейишида-да.

– Ҳали сен ҳам менга қаршимисан? – ўсмоқчилади К.

– Сенга қарши салбий фикрим йўқ, – деди руҳоний.

– Бунинг учун сенга ташаккур, – деди К. – Аммо суд иштирокчиларининг барчаси менга қарши уйдирмалар тўқиб юрибди. Улар бу жараёндан бехабарларга ҳам салбий таъсир қилишяпти. Аҳволим кун ўтган сари беш баттар бўляпти.

– Ишнинг моҳияти тўғрисида тасаввуринг янглишга ўхшайди, – деди руҳоний. – Ҳукм бирдан чиқарилмайди, аммо терговнинг ўзи секин-аста ҳукмга айланади.

– Буни қаранг-а, – деркан К. бошини жуда ҳам эгиб одди.

– Ишнинг ўнгланиши учун бундан кейин қандай тадбир қўллаш керак деб ўйлайсан? – суриштириб қўймасди руҳоний.

– Бирон-бир йўл излашда давом этаман, – деркан К. бошини кўтариб, бунга руҳоний қандай қарапкин, деб разм солди. – Эҳтимол, мен ҳали фойдаланмаган сон-саноқсиз имкониятлар бордир.

– Сен бошқалардан ҳаддан ортиқча ёрдам кутасан, – унинг гапини маъқулламаган оҳангда деди руҳоний, – айниқса, аёллардан. Наҳотки, бунаقا ёрдам астойдил бўлмаслигини сезмаган бўлсанг?

– Баъзи ишларни назарда тутганда, сўзларинг ҳақиқат, – деди К., – бу мутлақ рост дегани эмас. Зоро, аёлларнинг ўзи улкан бир ҳокимият. Агар мен бир қанча таниш аёлларимга таъсир қила олганимда, улар, биргаликда менинг фойдам учун шундай тер тўкишар эдиларки, бу билан анча-мунча муваффақиятга эришган бўлардим.

Айниңса, мана бунақа судда – ахир бунда қато-расига хотинбозлар танда қўйган-ку! Терговчига бир ҳурлиқо аёлни узоқдан кўрсатсанг, ўша оға-тижоннинг васлига етиш учун у столдан ҳам, ҳатто, қошидаги айбланувчининг ҳам устидан ошиб ўтишдан тап тортмай, оғини қўлга олиб югурди.

Руҳоний бошини нақшинкор панжарага қараб янада энгаштириди. Гўё ҳозир минбар тепасида-ги гумбаз уни босиб қўядигандай туюлиб кетди. Бунинг устига кўчада оби-ҳаво расво эди! У ёқда кун булутлигина эмас, нақ ярим кеча бўлгандек, зулмат босганди. Улкан деразалардан эса йилт этган шуъла тушмасди. Устига-устак ибодатхона хизматчиси асосий меҳробдаги шамларни би-рин-кетин учирив юрарди.

– Мендан хафа бўлдингми? – К. руҳонийдан суриштириди. – Кўриниб турибди, қанақа адoлатга хизмат қилаётганингдан ўзинг ҳам воқиф эмассан.

Ҳеч қанақа жавоб бўлмади.

– Албатта, мен, ўзимга тегишли бўлганиниги-на, биламан, – деб давом этди К.

Аммо руҳоний бирдан юқорига қараб ўшқи-риб қолди:

– Наҳотки, ўзингдан икки қадам нарини кўр-май қолган бўлсанг!

Бақириқ дарғазаб чиқди, аммо у ҳам ҳарқалай одамзотнинг овози эди, у бошқалар йиқилганини кўриб бақирган эса-да, файриихтиёрий иро-дасизлик билан кўтарилган бу овоздан эгаси ҳам қўрқиб кетган кўринарди.

Икковлари ҳам анчагача жим қолишиди. Албатта, пастни эгаллаган бу қуюқ қоронгиликда, руҳоний К.ни аниқ фарқлаши қийин ҳолда, кичкина исчироқ ёруғида К. руҳонийни аниқ кўриб тураради. Бироқ нега у пастга тушмайди? Барি бир энди у ҳеч қанақа ваъз ўқиёлмайди, аммо

буни унга К. маълум қилса бошқача тушуниши, фойда ўрнига зарари тегиши мумкин. Албатта, К. руҳонийнинг нияти нелигига заррача ҳам шубҳаланмайди. У пастга тушса, ҳаммасини биргаликда пиштиб олишлари турган гап; шунда руҳоний унга маъқул келадиган ҳал қилювчи маслаҳат бериси ҳам мумкин, масалан, бу иш жараёнига қандай таъсир ўтказиш ҳақидагина эмас, балки ундан қандай халос бўлиш ёки унинг ёнидан айланиб ўтишни, кутулгандан кейин эса қандай қилиб жараёнсиз янги ҳаёт бошлиши ҳақида ҳам йўл-йўриқ кўрсатса ажаб эмас. Албатта, бир куни шундай имконият туғилиши керак-ку, – кейинги пайтларда К. шу ҳақда ўйлагани ўйлаган эди. Агар руҳоний бу имконият ҳақида билса, эҳтимол, ундан астойдил ўтиниб сўралса, нажот қалъаси дарвозасини очиши мумкин, аммо унинг ўзи ҳам мана шу жазоловчилар даврасига мансуб-ку. К. Адолат масаласини ўртага ташлаганда, руҳоний киши мўмин-қобил, босиқ бўлиши кераклиги ҳолда ўшқириб, унга бақириб ташлади-ку.

– Пастга тушмайсанми? – илтимос қилди К., – барি бир энди ваъз ўқимасанг керак. Менинг олдимга туш.

– Ҳа, барака топкур, энди тушсам ҳам бўлади, – деди руҳоний, у ўшқирганидан хижолат бўлганга ўхшарди. Чироқни илгакка илдириб, сўзига қўшимча қилди. – Аввал мен сен билан маълум бир масофада туриб, гаплашиб олишим керак эди. Яқиндан эса менга таъсир ўтказиш жуда осон ва ўз бурчимни бир зумда унтиб қўяман.

К. уни пастда, зинапоялар олдида кутарди. Руҳоний ҳали зинапояда экан, юришга қулай бўлсин учун унга қўлини узатди.

– Мен учун озгина вақтингни ажратса олмайсанми? – ундан илтимос қилди К.

– Хоҳлаганингча вақт ажратилиши мумкин! – дер экан руҳоний, ушлаб тур, деб К.га чироқни узатди ва унга яқиндан қараганда ҳам негадир ўша салобатини сақдаганига гувоҳ бўлиш мумкин эди.

– Сен менга жуда улуғ марҳамат кўрсатдинг, – деди К. улар бу қоронги бурчакда ёнма-ён у ёқдан-бу ёқقا бориб келишар экан. – Суддагиларнинг ҳаммасидан бир ўзинг тузуксан. Мен шу пайтгача таниганларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ сенга ишонаман. Сен билан очиқчасига гаплаша оламан.

– Адашма! – деди руҳоний.

– Нимада адашмаслигим керак? – ўсмоқчилаб сўради К.

– Сен судни баҳолашда хатога йўл қўясан, – деб гапини бошлади руҳоний. – Бу янгиш тушунча ҳақида Қонун муқаддимасида нима дейилган, мана қара. Қонун дарвозаси олдида эшик оғаси туради. Қатағонга учраган киши келиб, ундан Қонун қасрига ўтказиб юборишини илтимос қиласди. Эшик оғаси эса айни пайтда уни ичкарига ўтказиб юбориши мумкин эмаслигини айтади. Арзгўй бир оз ўйга ботиб, яна илтимос қиласди, бу ерга кейинчалик кирса бўладими? «Мумкин, – деб жавоб қиласди эшик оғаси, – аммо ҳозир кириши мумкин эмас». Бахтга қарши Қонун дарвозаси ҳамиша бўлганидек, очик, эшик оғаси ҳам бир четда турар, қонун қасри ичкарисига кўз ташлаш учун арзгўй эса эгилиб-букилиб, ўлиб-тирилиб ётади. Буни кўриб турган эшик оғаси мийифида кулиб, шундай дейди: «Агар шунчалик сабрсиз бўлсанг, тақиқлашимга қулоқ солмасдан ичкарига киришга бир уриниб кўр-чи. Фақат шуни яхши билиб қўй: куч-қувватим ичимга сифмай турибди. Ҳолбуки, бу ергаги соқчиларнинг энг нимжони бўлсам керак. Ичкарида, хонадан хонага

ўтишда эшик оғзидა шунақа дарбонлар турадики, бири-биридан зўрабор. Улардан учинчисини тасаввур қилмоқ мен учун даҳшат». Арзгўй бунақа тўсиқлар бўлишини кутмаган, ахир у Қонун қасри ҳамма вақт, ҳамма учун очиқ бўлиши керак, унга ҳамма кириши мумкин деб ўйлаган эди-да; бироқ бу ерда эшик оғасининг, ҳайбатли оғир пўстинига, япасқи бурнига, узун, ёғли, қуюқ қора мўгулча соқолига разм солар экан, ичкарига киришига изн берилгунча, яхшиси, кутган маъқул, деган қарорга келади. Эшик оғаси унга қурсича келтириб бериб, кириш томонига ўтириб туришига рухсат беради. Арзгўй унда кунлаб ўтиради, йиллаб қутади. У ичкарига кириш учун муттасил интилиб, тинимсиз таваллолари билан эшик оғасининг жонига тегиб кетади. Баъзида эшик оғаси ундан қаерда туғилган ва шунга ўхшаш қўпдан-кўп маълумотларни тергагандай қилиб сўрайди, аммо олимақом жаноб каби арзгўйнинг саволларини жавобсиз қолдириб, сұҳбат охирида доим, уни ичкарига киритиш мумкин эмас, деган гапни такрорлайди. Бор-будини ўзи билан олиб келган арзгўй ҳаммасини, ҳатто уларнинг энг қимматбаҳоларини соқчини ўз томонига оғдириб олиш учун унга тухфа этади. Соқчи буларнинг барини қўш-қўллаб олади, бироқ мана бу гапни қистириб қўяди. «Буларингни оламан, аммо бу бирон нарсани енгиллаштиради деган хаёлга бориб юрма». Йиллар ўтса-да, арзгўйнинг эшик оғасидан имдод кутиш илинжи ўзгармайди. У яна бошқа соқчилар борлиги, бу Қонун қасрига киришга тўсқинлик қиласиганларнинг бор-йўғи биринчиси эканлигини бутунлай унугтади. Дастребаки йиллар ўзининг омадсизлигини баралла арз-дод қилиб юради, аммо кейинчалик қарилик келган сари, ўз-ўзича мингиллаб қўядиган бўлади, холос. У охири гўдакдек бўлиб қолиб, узоқ йиллар

Қонун қасри оғзіда ўтириб, соқчини шунчалик даражада синчиклаб ўрганғанидан, жун ёқаси ичіда нечта бурга ўрмалаб юрганигача билади, ҳатто мана шу бургачалардан эшик оғасини авраб беришни ўтиниб сүрайди. Унинг күзларига чироқ нури тушиб, қамашғанда, атрофига қоронфилик түшдими ёки күриш қобилияты уни алдаяптими, ҳатто шуни англай олмай қолади. Бироқ бу зулматда у энди Қонун қасри дарвозасидан ҳеч ўчмайдыған зиё таралиб турғанligини аниқ күради. Худди шундай унинг ҳаёти ниҳоясига етиб келади. Ылим олдидан ҳамма, у узоқ йиллар синовдан ўтказған жами ўй-фикрлари биттә саволга жавоб олишга қаратылған эса-да, аммо бу саволни шу пайтгача бирон марта бўлсин эшик оғасига бериб кўрмаган эди. У соқчини имлаб олдига чақиради, унинг қади-қомати аллақачон букчайиб, жойидан қимирлаши ҳеч мумкин бўлмай қолган. Натижада энди соқчининг ўзи жуда ҳам эгилишига тўғри келади – чунки ўзининг бўйига солиширганда букилиб қолган арзгўйники жимжилокдай келади. «Сен яна нимани билишни истайсан? – суриштиради ундан эшик оғаси, – очофатнинг ўзгинасисан-да, ўзиям!» – «Афтидан, ҳамма киши Қонун қасрига интилишади, – гап бошлайди арзгўй шунда, – лекин ўтган бу узоқ йиллар давомида биронтаси ичкарига киритишларини мендай астойдил талаб қилдими?» Соқчи қўрадики, гуноҳкор бу кимса жуда ҳам ҳаддан ошиб кетди, шу боис у жавобни қулоғига илиб олсин деб, бутун кучи билан қичқириб дейди: «Ҳеч кимга бу ердан киришга рухсат йўқ, бу дарвоза биргина сен учун белгиланган эди! Энди бориб уни ёпиб қўяман».

– Демак, эшик оғаси бу кишини алдабди-да, – деди шошиб-пишиб К. Бу ҳикоя уни тамоман асир этганди.

– Шошмасанг-чи, – деди руҳоний, – бегоналарнинг гап-сўзига ишонма. Мен сенга бу ривоятни шу учун айтдимки, у ишга муқаддима сифатида ярайди. Унда ёлғон ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

– Бироқ бу кундай равшан-ку, – деди К., – сенинг биринчи изоҳинг мутлақ тўғри бўлди. Бу кишига ҳеч қанақа ёрдам бериш мумкин бўлмаганидан кейингина эшик оғаси ҳалокатдан қутқарувчи ҳақиқатни ошкор қилди.

– Аммо аввал ундан буни сўраб-сурештиргмаганди-да, – деди руҳоний. – У бор-йўғи эшик оғаси, шуни унутма ва шунга яраша ўз бурчини вижданан адo этди.

– Сен нега у ўз бурчини адo этган деб биласан?
– сўради К. – У сира ҳам бурчини бажармаган. Унинг бурчи бу ерга бегоналарни киритмаслик бўлган, бироқ бу киши шу эшиқдан ичкарилаши белгиланган экан, вазифаси киритиш эди.

– Сен керакли даражада Қонун мажмуасини ҳурмат қилмайдиган кўринасан, – қизиши руҳоний, – шунинг учун ҳам, бу ривоятни ўзингча талқин қилиб ётибсан, унда эшик оғасининг Қонун қасрига кириш хусусида иккита жуда муҳим тушиуниши бор: бири бошда, иккинчиси охирида. Биринчисича, айни пайтда эшик оғаси уни ичкарига ўтказиши мумкин эмас, иккинчисига кўра, бу кириш жойи фақат унинг учун белгилаб қўйилган. Агар изоҳларда бирон-бир зиддият бўлганида эди, сен ҳақ ва эшик оғаси бу кишини чиндан ҳам алдаган бўлиб чиқар эди. Бироқ бу ерда ҳеч қанақа бир-бирини инкор этадиган фикр йўқ. Аксинча, биринчи изоҳнинг ўзи иккинчисидан қарийб ҳабар беради. Ҳатто эшик оғаси кун келиб охири бу кишига киришга рухсат берилади деб арзгўйни умидвор қилган ва шу ҳатти-ҳаракати билан ўз бурчига терс борган дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам

айни пайтда эшик оғасининг ягона масъулияти бу кишини киритмаслик бўлгани ҳолда, яна кўрилганидек бурчини астойдил бажарадиган, хизматини севадиган бир ходимнинг қандай қилиб бундай хаёлга борганига бир талай Қонун билимдонлари фоят ажабланадилар ҳам. Узоқ йиллар у ўз қўриқлайдиган жойини бир зум ташлаб кетмади ва фақат сўнгги дамга келиб дарвозани ёпди; у ўзининг хизмати муҳиммилигини тўла англаган, шу учун ҳам гапнинг пўскалласини айтган: «Менинг куч-кудратим ҳазилакам эмас», аммо ўзидан бўйни йўғонларни ҳурмат қиласр, буни ҳам очиқдан-очиқ эътироф этган: «Мен бу қоровуллар ичида энг нимжониман»; у оғзига маҳкам, ҳали айтилганидек, шунинг учун ҳам бу ўтган йиллар ичида фақат ўзига «сув юқмайдиган» саволлар берарди; сотилмаган, шунинг учун ҳам совға-саломларни қўшқўллаб олар экан, «Буларни оламан, аммо шу боис киришга рухсат беради, деган хаёлга борма», – деб айтишни канда қилмасди, яна унинг бурчи ҳақида сўз юритилганда, ҳеч нарсани юмшатиш ҳам, қаҳр-ғазабли қилиб кўрсатиш ҳам мумкин эмас: унда очиқдан-очиқ айтилган, арзгўй «ўзининг таваллолари билан эшик оғасининг жуда ҳам жонига тегиб кетарди» ва ниҳоят, ташқи кўриниши – пачоқ қирра бурни, узун ёғли мўгулча соқолини ҳам унинг ўта расмиятчи феъл-атворидан дегандек бўлишади. Наҳотки, бундан ортиқ фидойи эшик оғасини топиб бўлса? Қолаверса, унда бундан ташқари, бир талай асқатадиган фазилатлар бор, кимки киришга рухсат талаб қилган бўлса, тушуниши керакки, қандайдир бўлғуси имкониятлар ҳақида имо-ишора қила туриб, қай бир даражада буни ўз зиммасига олганлигини ҳам англайди. Яширишнинг ҳожати йўқ, у бир даражада нодон, бу албатта ўзи ҳақида фикри жуда ҳам юқорилиги билан боғлиқ. Ҳатто ўзининг

зўрлиги билан бирга бошқа соқчиларнинг куч-кувати ҳақида гапирганда афти-ангори жуда ҳам чи-даб бўлмас тарзга кирар, худди айтганимдек, сўзлари ўз-ўзичаadolатли бўлгани ҳолда феъл-автори очиқ-ойдин чатоқ, у қанчалик калтафаҳм бўлса, шунчалик ўзини ҳаммадан юқори қўйишини билиб олса бўлади. Қонун билимдонлари бу ҳақида шундай дейдилар: «Ҳодисани тўғри қабул қилиб, уни нотўғри талқин қилиш мутлақ бир-бирига боғлиқ эканини ҳеч қачон мустасно этмайди». Фақатгина шунга иқрор бўлиш керакки, нодон ва ўзини ҳаммадан ақдли билишининг қандайдир оз миқдорда бўлишилиги ҳам эшик оғаси феъл-авторида нуқсон пайдо қиласди, қолаверса, дарвозани қўриқлашини ҳам бўшаштиради. Яна у улфат одамга ўхшайди, доимо ўзини расмиятчи бир қиёфада ушлай олмаганигини ҳам қайд қилиш керак. Биринчи дақиқаларданоқ бу жойни қатъий қўриқлаши ўрнига ҳазил-хузул билан арзўйни киришга таклиф қиласди, кейин ҳам ҳайдаб юбормасдан, юқорида айтилгандек, курсича келтириб, кириш томонидаги жойга ўтиришга рухсат беради. Тоқатига қойил, ахир у неча йиллар қаторасига муҳтасар савол-жавоблару ора-сирадаги совфа-салом қабул қилишни айтмагандан, арзўйнинг илтимосларини эшитавериб, ҳатто охир-оқибат нега айнан мана шу соқчи бу ерга қўйилган деб маломатлаб, шўринг қурғур ўзининг омадсизлигидан бор овозда айюҳаннос соганида ҳам сабр қилган экан, – буларнинг бари эшик оғаси қалбида раҳм-шафқат туйгулари фимирлаб юрган деган хulosага олиб келади. Унинг ўрнида бўлган ҳамма ҳам шундай қилавермасди. Мана, охири соқчи арзўйнинг биргина имо-ишораси билан сўнгти саволини тинглаш учун энгашади. Фақатгина «Сен очофат одамсан», дея хитоб қилгандан кейингина бир дам енгилгина сабрсизлик болиблик қиласди; ахир эшик оғаси ҳаммаси шу

билин тугаганини яхши билар эди-да. Бир қанчалар ҳатто бу хитобга бундан-да анча-мунча юқори баҳо берадилар, уларнинг талқинича, «Сен очофат одамсан», ибораси ўз ўрнида жуда ҳам дўстона чиққан, ҳеч ортиқча эмас ва қай бир маънода, кибри ҳаволи, бари бир марҳамат кўрсатиб айтилган калимадир. Ишқилиб, ҳар на бўлгандан ҳам соқчининг сурати-ю сийрати сен тасаввур қилгандан бехроқ кўринишда, бўлак оламда намоёндир.

– Сен бу тарих ва унинг оқибатини мендан кўра яхши биласан, – деди К. Улар жим бўлиб қолишиди. Кейин яна К. сўз очди: – Демак, сен, бу одамни алдашмаган, деб ҳисоблайсан, шундайми?

– Сўзларимни нотўғри талқин қилма, – деди руҳоний, – мен фақат гапнинг нимадан иборатлиги ҳақида айтдим, холос. Бироқ унга ҳаддан ташқари ёпишиб олма-да. Қонуналар мажмуасида ҳеч нима ўзгармайди, ҳар қанақа изоҳлар эса чорасиз ҳар бир кишининг ўз фикр-мулоҳазасидан келиб чиқади. Ҳатто шундай талқин қилишлар ҳам борки, бунга кўра, эшик оғасининг ўзи ҳам алданган бўлиб чиқади.

– Албатта, бу жуда ҳам ҳақиқатдан узоқ талқин, – деди К. – У нимага асосланади?

– Бу, – деди руҳоний, – эшик оғасининг эси пастлигига асосланади. Айтишларича, эшик оғаси Қонун қасрининг ичкариси ҳақида ҳеч вақони билмайди, унга фақат эшик олдидаги йўлак маълум, шунинг учун ҳам шу ерда у ёқдан-бу ёққа бориб келиб туради, холос. У Қонун қасрининг ичкарисини оғзидан она сути кетмаган гўдақдай тасаввур қиласи ва ичкаридан арзгўйга қараганда ҳам кўпроқ қўрқади, деб тахмин қилишади. Ҳаммасидан кўра, унинг ваҳимаси арзгўйникуга қараганда бир неча баробар кучли ҳам, арзгўй Қонун қасрининг ичидаги мирғазаб соқчилик кунини кўрсатиши қулоғига қуйилга-

нига қарамай, зор уриб ичкарига кириш пайида бўлади, эшик оғаси эса ҳатто буни истамайди, қолаверса, бу ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Тўғри, бошқаларнинг айтишича, афтидан, у ичкарида бўлган, уни судда ишга қабул қилишган аллақайси замонда, ичкарида, эҳтимол, бу энг тўрдаги хонада бу воқеа кечган бўлса ҳам ажаб эмас. Бироқ буни рад этадиганлар ҳам топилади яъни тўрдаги хонадан эшитилган кимнингдир овози, демакки, уни эшик оғаси қилиб тайинланган кишининг овози бўлса, уунда ҳеч қачон бўлмаган, зоро, бунинг тасдиfi, шунаقا кўринишили соқчилардан учинчисини тасаввур қилишнинг ўзи уни даҳшатга солади. Мана шу қатор ўтган йиллар давомида Қонун қасрининг ичкариси ҳақида жилла қурса сал-пал бир нималар деганими, бу ҳақида ҳеч қаерда ҳеч нарса дейилмаган. Балки унга бу тақиқланганнадир, аммо тақиқ ҳақида ҳам ҳеч қаерда бирор сўз йўқ. Буларнинг баридан шундай хуносага келиш мумкинки, соқчи Қонун қасрининг ичкариси, унда нималар юз бериб туришидан умуман бехабар, ҳеч нарсадан воқиф эмас, шу боис бу борадаги ҳар қанақа фикр ҳар қандай вақтда хато бўлиб чиқади. Оқибатда бундан яна бир нарса аёnlашади, у афтидан ушбу арзгўй ҳисобидан хато фикрга борган бўлиб чиқади ёхуд шунга кўра эшик оғаси арзгўйнинг бўйсунишини назорат қила олмай қолади. У албатта арзгўйга худди қўл остидаги қарам кишига қарагандек мурожаат қилади, кўп томондан бу аниқ-равшан, ҳатто сен бунинг айнан нимага шундайлигини ҳам жуда яхши эслайсан. Бироқ бу ерда, аслида тобе эшик оғасининг ўзидир, бошқа бир талқинда ҳам, жуда мавҳум изоҳланганига қарамай, айнан шу гап рост эканлигини билиб олиш қийин эмас. Ҳами-

ша озод киши қарамдан баланд туради. Моҳияттан арзгўй эркин киши, у эҳтимол, истаса боши оқсан томонга кетиши мумкин, фақат унга Қонун қасрининг ичкарисига кириш тақиқданади, бунинг устига уни тўсиш учун биргина шу эшик оғаси қўйилган. Арзгўй дарвоза тарафдаги ўриндиқчага ўтириб, шу ерда бутун умрини ўтказиб юборса ҳам буни ўз ихтиёри билан қиласди, аллақандай нақлни эслаганидан шундай қилмайди. Эшик оғаси эса ўз вазифасига кўра мана шу жойни қўриқлаб туришга маҳкум, у бу постни ташлаб ҳеч қаёққа кетиши мумкин эмас, бироқ у Қонун қасрининг ичкарисига киришни жон-жон деб истаганда ҳам у ёққа қўйилмайди. Бундан ташқари, у Қонун учун хизмат қилса-да, вазифаси шу ерни қўриқлаш билан чекланган, яъни, у бу ерга кириши белгилаб қўйилган, биргина мана шу кишига хизмат қиласди. Шу боис ҳам, айни шу сабабга кўра, эшик оғаси арзгўйга қарам бўлиб чиқади. У узоқ йиллар, яъни моҳияттан ўзининг бутун онгли ҳаётини хизмат тақозосига кўра, бой беради, деб тахмин қилсак бўлади; инчунин, ривоятда айтилгандек: бу ерга дориган кимса, пишиққина, демакки, эшик оғаси унга узоқ пайт кўз-қулоқ бўлиб туришга мажбур, ахир ўз бурчини ўташи керак, арзгўй эса ўз ихтиёрига кўра истаганда келиб, истаганда кетади. Эшик оғасининг хизмати бу киши ҳаёти охирига етгандагина ниҳояга етиши мумкин, демак, охирги нафаси чиққунча эшик оғаси унга қарам бўлади. Кўп бора ривоятда таъкидланганидек, эшик оғасига бу ҳақида ҳеч нарса маълум ҳам эмас. Аммо бу ерда талқин қидувчилик ҳайрон қоладиган бирон нарса кўришмайди ва албатта, эшик оғаси ўз хизмат вазифасига боғлиқ тарзда янада янгилиш йўлда бўлгани боис, ушбу талқинга

қўшилмасдан бошқа чора йўқ. «Мен бориб энди, шуни-да ёпиб ташлайман» ривоятнинг охирида биз эшик оғасининг ана шу гапини эшифтган-миз, аммо ривоятнинг бошида Қонун дарвозаси «ҳар доимгидек» очиқлиги айтилади, агар у ҳар доим, айнан ҳар доим очиқ тураг, ҳалиги кишининг умр йўлига боғлиқ эмас, шу нарса одинданд белгилангани учун очиқ экан – демак, эшик оғаси уни бекор қилиши – дарвозани ёпиши мумкин эмас. Шу ўринни ҳар хил талқин қилишади: эшик оғаси бирон нарса деб жавоб қилиши учунгина дарвозани ёпишни маълум қилгандир ё балки ўз вазифасини таъкидлаб қўйиш учун ҳам бу гапни тилга олган бўлиши мумкин, эҳтимол, у сўнгги дақиқаларда сабр косаси тўлиб, арзгўйнинг афсус ва надоматларини йўқча чиқаришга интилгандир. Бироқ кўплар бари бир у дарвозани ёпиши мумкин эмас, деган фикрда событ туришади. Ҳаттоки, эшик оғаси эшикка тескари ўтириб олганча кириш жойини қўриқлаш билан овора бўлиб, бирон-бир ўзгаришни-да қўрмайди, пайқамайди, шунинг учун охир-оқибат у Қонун дарвозасидан тараалаётган жиндаккина шуълага кўзи тушган ҳалиги кишидан ҳам ҳақиқатни англашда ҳақирдир, деб ҳисоблашади.

– Буларнинг бари аъло даражада асосли, – деди К. ружонийнинг изоҳдаридан айрим жойларини ўзича қайтариб. – Асосларингизни ҳаммаси яхши, эшик оғаси адашганига мен ҳам ишонаман. Аммо аввалги далилларим бари бир ўз кучида қолади, чунки икки талқин ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига мос келаяпти. Эшик оғаси ҳаммасини охиригача тушуниб етдими ёки хато фикрда қолиб кетдими, бу мутлақо муҳим эмас. Мен арзгўйни бошиданоқ адашувда деб биламан. Агар эшик оғаси ҳаммасини охиригача тушуниб етган деган гумонга бориш

мумкин бўлганда бошқа гап эди; ҳолбуки, у алдан экан, унинг адашуви ҳам тўғридан-тўгри арзгўйнинг гарданига тушади. Шунда, албатта, эшик оғасининг ўзи адамчигина бўлиб қолмай, балки, у шу даража эси паст экан, бир зумда хизматдан ковушини тўғрилаб қўйишган бўлишмасмиди. Бунда бир нарсани назардан қочирмаслик керак, зеро, бу янглишув эшик оғасининг ўзига ҳеч қанақа зиён-заҳмат етказмаган ҳолда, арзгўйни тўғрилаб бўлмас мусибатга кўмиб ташлайди.

– Сен бу ерда мутлақ бир-бирига зид талқин-тавсифларни қалаштириб ташлаяпсан, – деди руҳоний. – Ҳа, кўплар, мисол учун, мана бу ривоят ҳам эшик оғасини ҳеч ким, ҳеч қанақа муҳокама қилишга ҳаққи йўқ, деб ҳисоблашади. У бизга ким бўлиб кўринмасин, Қонун хизматкори, демакки, ўзи ҳам Қонуннинг бир бўлаги, шу боис унинг устидан ҳукм чиқариш учун кишиларга ваколат берилмаган. Шунда эшик оғасини арзгўйга қарам деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас. Қонунга дахлдор, ҳатто шунчаки бир дарвоза оғзидағи ҳақиргина қоровул ҳам, бу ёруғ оламда ўз майлича тараплабедод қилиб юрган ҳар қандай кишидан тенгглаштириб бўлмас даражада афзаллиги аёnlашади. Бир киши Қонунга мос келгачгина, белгиланган жойга қўйилади. Қонун унинг хизматини аниқлаб берган, эшик оғасининг бунга лойиқми ёки йўқлигига шубҳа билан қарашибу Қонундан шубҳаланиш демакдир.

– Йўқ, мен бу фикрга ҳеч ҳам қўшила олмайман, – деди К. бошини чайқаб. – Агар шунақа ўйланса, соқчи нима деб гапирган бўлса, ҳаммасини ҳақиқат деб қабул қилиш керак бўлади. Ҳолбуки, ўзинг бунинг ҳеч ҳам мумкин эмаслигини ҳозиргина мутлақ асослаб бердинг.

– Йўқ, – деди руҳоний, – ҳеч ҳам ҳаммасини ҳақиқат деб қабул қилиш шарт эмас, балки ҳаммаси зарурият эканлиги англаб етилса бўлди.

– Жуда ҳам қайгули хотима! – деди К. – Ёлғон бутун жамиятда ҳукм фармо бўлибди.

К. буни гапининг якуни сифатида айтди, аммо батамом – узил-кесил холоса қилмади. Чунки у бу ривоятнинг жами талқин-тавсифларини қулоқ қоқмай эшитишга ҳаракат қилас экан, йўл-йўлакай бу ўзида ҳам кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларнинг туғилишига сабаб бўлди, у бунга одатланмагани боис, ҳаддан ташқари ҳолдан тойган эди. Бу мавҳум фикрлар ҳадемай йигилишадиган суд амалдорлари даврасида бирон-бир нарсага яраб қолар, аммо асло унинг тилаганига эмас. Оддий бир ривоятнинг дудмаллиги бошни шунча қотирди, уни калладан улоқтириш керак, шу ерда руҳоний ҳам ажабтовур тадбир ишлатди, К. нинг сўнгги огоҳлантиришини индамайгина қабул қилди, ҳолбуки, у ўзининг шахсий фикрларига очиқдан-очиқ терс эди.

Улар гап-сўзсиз ёнма-ён боришарди. К. қаерда эканлигини умуман билмаганидан руҳонийга имкон қадар яқин бўлишга тиришарди. Қўлидаги исчироқ аллақачон ўчиб қолган. Бирдан қаршисидаги аллаққандай ҳаворийнинг кумуш сурати йилтираб кетди-ю, яна шу заҳоти атрофни зимистон босди. К. бутунлай руҳонийга бўйсуниб қолишини истамаганидан ундан сўради:

– Адашмасам, биз асосий чиқиш жойига қараб кетяпмиз?

– Йўқ, – деди руҳоний, – биз ундан жуда ҳам узоқдамиз. Сен ҳали кетмоқчияммисан?

К. бир лаҳзада оддин кетиши ҳақида ҳатто ўйламаган бўлса-да, шу заҳоти жавоб қилди.

– Албатта, кетмасам бўлмайди. Мен банкда прокурористман, кутиб ўтиришади, бу ерга фақат

бир хорижий ҳамкоримизни ибодатхонани зиё-
рат қылдирмоқ учун келган эдим.

– Нима ҳам қиласардик, – деди руҳоний ва К.га
қўл ташлади.

– Унда боравер.

– Аммо бу зулматда бир ўзим йўл топиб кети-
шим амри маҳол-да, – деди К.

– Чап томонга қараб юр, – тушунтира кетди
руҳоний, – сўнгра бурилмасдан деворнинг охи-
ригача борсанг, чиқиш йўлини топиб оласан.

Руҳоний бир-икки одим ташлаганди ҳам, К.
жуда баланд овозда унга бақирди:

– Илтимос, шошмай тур!

– Кутаяпман! – деди руҳоний.

– Мендан сенга бошқа ҳеч нарса керак эмасми?
– сўради К.

– Йўқ, – деб қўйди руҳоний.

– Қизиқ, бошда мендан марҳаматингни да-
риғ тутмасдан, ҳаммасини тушунтириб берган
эдинг, – деди К., – энди эса менга ҳеч ишинг йўқ-
дек қўйиб юборяпсан.

– Бироқ, ўзинг айтганингдек, сен кетишинг
керак эмасми? – деди руҳоний.

– Ҳа, албатта, – деди К.– Сен мени тушунишинг керак.

– Аввал сен менинг кимлигимни тушуниб ол-
санг зарар қилмасди, – деди руҳоний.

– Сен қамоқхона руҳонийисан-да, – К. шундай
деркан яна руҳонийнинг олдига яқинлашиб кел-
ди, у ўзи буни қаердан тўқиб чиқарди, банкка бу
қадар тез қайтиб бориши шарт ҳам эмасди, ҳали
бемалол бу ерда бўлиши мумкин.

– Нафсламирига, мен ҳам судда хизмат қила-
ман, – деди руҳоний, – нега энди сендан менга
нимадир зарур бўлиш керак экан? Судга сендан
ҳеч нарса керак эмас. Суд қачон келсанг қучоқ
очиб қабул қиласди, қачонки кетадиган бўлсанг,
хайр-хуш дегандек ўз майлингга қўяди.

ЎНИНЧИ БОБ

ХОТИМА

К. ўттиз бир ёшга тўладиган кун арафасида, кечқурун соат тўққизларга яқинлашган, қўча шовқин-суронлари қарийб босилган паллада унинг ижарахонасига бўзарган юзли, гўё бошлири узунроқ бўлишини истагандек цилиндрсимон шляпаларини бостиришганча сюртукли икки жаноб кириб келишди. Кириш эшигидаги одатий сўрашув маросимини ўтказган бу жаноблар К.нинг хонасига киришда янада илтифотли бўлиб, бир-бирларига йўл бўшатиб бермоқчи бўлишарди. К. бу ташриф ҳақида ҳеч ким огоҳлантирмаган бўлса-да, аллақачон меҳмон кутадиган бир руҳда тамоман қора либосларга ўраниб, эшик ёнидаги қурсига ўтириб олганча, тор, қора қўлқопларини имиллаб бармоқларига кийгизарди. У илкис ўрнидан туриб, бу жанобларга қизикиш билан разм солди.

– Демак, мени сизларга топширишибди-да? – сўради у.

Икки жаноб тасдиқлашиб, бири иккинчисини шляпаси билан имлаб кўрсатиши. К. бунаقا меҳмонларни кутмаганига ўзича иқорор эди. У дегазага яқинлашиб, яна бир бор қоронги кўчага термилди. Кўчанинг шу томонидаги ҳамма деразаларда қарийб бирон-бир шуъла кўринмас, кўпчилигини дарпардалари тушириб қўйилган эди. Юқори қаватдаги ёруғ ойналардан бирининг панжараси олдида икки мурғак болакай ўйна-

шар, улар ҳали оёқ босиб тикка туриб юришни утталаша олмас, бир-бирларнинг қўлчаларига таяниб, туришмоқчи бўлишарди.

– Менга қариб-чириб, эътибордан қолган, мас-харабоз артистларни юборишади, – деркан, К. ўз-ўзича яна бир бор бунга қониқиши ҳосил қилиш учун уларга қараб қўйди. Улар сувтекинга мендан қутулмоқ истайдилар чофи. К. бирдан уларга ўтирилиб саволга тутди:

– Қайси театрда ўйнайсизлар?

– Қанақа театр? – бир жаноб бошқасига қараб ўсмоқчилади, гўё ундан бирон-бир жўяли маслаҳат олмоқчи бўлгандек, унинг лаблари чеккаси титрарди. Иккинчиси худди соқовдай ҳеч нарса демай, юзини буриштируди ва ўз дармон-сизлигини енгмоқчидай қимиirlаб қўйди.

Уларнинг бундай саволларга жавоб қилишга тайёр эмасликлари кўриниб турар, охири К. фудранганча, шляпасини олишга кетди.

Икки жаноб ҳам зинанинг ўзидаёқ К.ни икки томонидан қўлтиқдаб олмоқчи бўлишди. Бироқ К. уларни жеркиб ташлади:

– Йўқ, – кўчада тутарсизлар, мен ахир касал эмасман-ку.

Бироқ дарвозанинг олдидаёқ унга шундай тирғалиб олишдики, умрида бирор кимса унга бунақа ёпишмаганди. Орқадаги елка елласини қисиб келар, тирсакларини эга олмас, бутун узунасига қўллар К.нинг қўлини ўраб ташлаганча, бармоқларини абжир ва чапдастлик билан ушлаб, амбурдай зирқиратиб қисишаради. К. улар орасида ҳайкалдай қотганча бораркан, гўё бир мақсадга йўналгандек, учовлон бир-бирларига шунчалик яқин эдиларки, мабодо бирини уриб қолишиша, бу зарб учовига ҳам асар қилмасдан қолмасди. Бунақа чамбарчаслик, эҳтимол, фақат жонсиз нарсалардагина бўлиши мумкин.

К. ўзининг нимқоронги хонасидагига қаралганда ёруғроқ кўча фонарлари шуъласида ўз ҳамроҳларига яхшироқ қараб олмоқчи бўлар, ҳолбуки бунақа қапишиб кетилаётган вазиятда бунинг имкони қарийб йўқ эди. Эҳтимол, яллачилардир, деб ўйлади уларнинг қўша-қўша бақбақаларига кўзи тушиб. Ялтираб турган башаралари кишида уларга нисбатан жирканиш ҳиссими уйғотар эди. Айнан унинг кўзи тушган қўллар жанобларнинг кўзлари четларигача тозалаб, лабларини артиб, соқол остигача бақбақаларини текислаб қўйгандек туюлди.

К. уларга қараб, тўхтади, у билан бирга икки жаноб ҳам тўхташди; бу ер кимсасиз, майдоннинг шох-шабба қоплаган бир чети эди.

– Нега айнан сизларни юборишди? – К.нинг чинқириғида суриштиришдан кўра, сабрсизланиш кучли эди. Улар нима деб жавоб беришни билмасдан, бўш қўлларини тушириб, худди ҳамширалар бемор нафасини ростлаб олмоқчи бўлганда кутганлари каби, кутиб туришди,

– Бу ёғига бир қадам ҳам юрмайман, – деди К. оёғи билан ерни пайпаслаб.

Улар жавоб қилишни ҳам ўзларига эп кўрмасдан, шунчаки К.ни жойидан силжитишга уриниб кўрдилар, аммо у тихирлик қилиб, имкон бермади. Менга бундан бу ёғига энди куч-куватим керак бўлмайди, шунинг учун ҳаммасини ишга солиб, зўр бериш керак, ўйларди К., ёдига бирдан қофозга ёпишган пашшалар қутулмоқчи бўлса, оёқдаридан ажралиши келди. Ҳа, бу жанобларга бу ёғига қийин бўлади.

Айни шу ерда, майдонга қараб тушган сербута йўлакда ногаҳон фройлейн Бюрстнер кўриниди. Бу фройлейн Бюрстнерга қўйиб қўйғандай ўхшаса-да, бу ўшами ёки бошқалигига К.нинг

ишончи комил эмасди. Бироқ К. учун фройлейн Бюрстнерми ёки бошқа биттасими, ҳеч қанақа аҳамияти йўқ эди, у бирдан тихирлик қилиш бемаънилик эканлигини англаб етди. У тўсиндан қаршилик қўрсатганда ҳам, ҳеч қанақа қаҳрамонлик юз бермас, бу жанобларга озгина ташвиш ортиришини айтмаганда, улардан ўз-ўзини ҳимоя қила туриб, оқибатда зоҳирий томондангина ҳаётни сезиши мумкин эди, холос. У қувонч билан ўрнидан кўзгалиб, ҳаракатга тушди ва бу кўтарин-килик қисман ҳалиги жанобларга ҳам қўчиб ўтди. Улар К.га истаган томонга бошлаш имконини беришди, шу туфайли у жанобларни фройлейн Бюрстнер рўпарадан чиқадиган томонга бошлади, бироқ, қизни ортда қолдириб кетишни истаганидан ёки уни узоқдан кўриб олиш учун бундай қилмади, балки қиз бир нишон, фақат шу нишонни унугиб қўймаслиги учунгина бу томонга юрди. Менга қолган ягона иш шу деб ўз-ўзига пичирлаб қўяркан, ўзи ва ҳамроҳларининг бир текисдаги одимлари бу фикрни қатъийлаштириди, ҳа, менинг имконимда қолган ягона иш охиригача фикрлашдан қолмаслик ва ақду ҳушни йўқотмаслик. Ҳаётий эҳтиёжларимни қондириш учун мен ҳамиша йигирмата қўлим бўлишини орзу қиласдим, аммо ҳаммаси ҳам олқиши олиш учун эмас эди. Албатта, бу дуруст бўлмаган. Наҳотки мен ҳозир устимдан қўзғатилган жиноий иш жараёни бир йил судралганига қарамасдан бирон-бир сабоқ чиқариб олмаганимни кўрсатсан? Наҳотки мен шунақа нодон ўжарлигимча ўтиб кетсан? Наҳотки, мен ҳақимда кейинчалик, иш қўзғатилганда уни охирига етказмоқчи бўлганиму энди, ниҳоясига етганда эса ҳаммасини бошидан бошлашга интилиб, тиришиб-тирмашган деб айтиб юришса? Йўқ, йўқ, шундай деб гапириб юришларини асло истамайман! Бу йўлда менга

ҳардамхаёл ва ҳиссиз кишиларни ҳамроҳ қилиб қўйгани учун Яратгандан миннатдорман, чунки нима керак бўлса, барча-барчасини ўз-ўзимга айтиб олиш ихтиёrimda.

Шу орада фройлейн Бюрстнер ҳам қарийб ён томондаги кўчага бурилаёзди, бироқ К.нинг энди руҳи бўлакча, унингсиз ҳам йўлида давом эта олар ҳамда ўз ихтиёрини бутунасига ҳамроҳла-рига топшириб қўйган эди. Ой шуъласи остида учови ҳам ўз эмин-ихтиёрлари билан кўприкдан ўтдилар; икки жаноб К.нинг ҳар бир, энг кичик хатти-ҳаракатигача сўzsиз таъқиб қилишар, у панжара томон шунчаки бурилар экан, иккиси эса бутун гавдаси билан унинг ортидан шундай қилишди. Ой шуъласида титраб, мавжланаёт-ган сув бута ва дараҳтлари баайни дўстлардек бир-бирига суюниб зич ўсган бу кичик оролчага секин тараларди. Шагал тўшалган йўлакларда жуда қулай ўриндиқдар бўлар, – ҳозир уларни кўриб бўлмас, ёзда кўпинча К. шу ерларда ху-мордан чиқиб бутун борлиги билан дам оларди.

– Мен ҳеч ҳам бу ерда тўхташни истамаган бўлардим, – деди К, ҳеч бир эътиrozга ўрин қол-дирмайдиган тарзда ҳаммасига ҳозиру нозир ҳамроҳларига қараб.

К.га орқасидаги ҳамроҳларидан бири иккин-чисига қараб бефаҳмларча ўпкалагандек кўринди; улар яна жилдилар.

Кўча юқорига қараб ўрлаб борар, у ер бу ерда миршабларга тўқнаш келишар, улар ўз қузатув жойида турган ёки шағалли йўлга қараб юрган бўлар, бири узоқдан, бошқаси яқиндан ўтиб қоли-шарди. Ҳурпайган мўйловли бири қуролини даста-сидан ушлаб олганча, бу шубҳали тўдани кўриш учун атайин яқин келганга ўхшарди. Шунда икки жаноб ҳам тўхтаб, миршаб ҳам бир нима дейишга

эндигина оғиз жуфтлаганди, К. бирдан ҳамроҳларини силтаб, одга бошлади. Шу юришда К. хавфсирабгина, миршаб орқамиздан қорама-қора келмаяптими деб эҳтиёткорона атрофга аланглаб у кўринмай қоладиган бурилишга келишганда, К. оёгини қўлига олиб югурди, ҳамроҳлари ҳам нафаслари қисилса-да, унга эргашишди.

Тез орада шаҳар чеккасига келиб қолгандай бўлишди, чунки йўл-йўлаги йўқ дала бошланди. Ташландиқ бўм-бўш ва мавқесиз тош кони олдиларидан чиқди, албатта, унинг биносида ҳали ҳам шаҳар нуқси кетмаганди. Шу ерга келиб, икки жаноб тўхташди: ё улар бу жойни олдиндан белгилаб олишган ёки узоқ чопиб келишгандан ҳаддан тинка-мадорлари қуриган. Бу ёғи нима бўларкин, дегандек, жимгина кутиб турган, К.ни ўз ҳолига ташлаганича, бошларидан цилендр шляпаларини ечиб, тош конига аланглашар, дастрўмоллари билан пешоналаридаги терни артишарди. Ҳаммаси табиий бир хотиржамликда ой ёруғи остида кечардикি бошқа оламда буни топиб бўлмасди. Вазифанинг кейинги қисмини ким амалга оширади, дегандек, бу ҳақида ёқимили гап-сўз ташлагандан кейин, – афтидан, бу жанобларга ишлари аниқ тақсимлаб берилмаганди, – улардан бири К.га яқинлашиб келиб, унинг камзулини, нимчасини, охири қўйлагини ҳам ечиб олди. К.нинг эти совуқдан беихтиёр жунжикиб кетаркан, далда берадиган оҳангда унинг елкасига уриб қўйди. Кейин эса яқин ўртада имкони бўлмаса-да, гўё ҳали булардан фойдаланиш мавриди келадигандай жуда саришталик билан К.нинг кийимларини тахлаб, жойлади. Иккинчи жаноб тош конида лойиқ бир жой излаб топгунча, бу киши К. бир жойда туриб, тунги салқинда совқотиб қолмаслиги учун қўлидан олиб, бир-

галиқда орқа-олдига бориб-келиб турди. Униси ўша жойни топиб, буларни қўл силкиб имлагач, у К.ни ўша ёқقا бошлади. Шундоқ қудуқ ёнида бир бўлак харсанг турарди. Икки жаноб К.ни ерга ўтқиздилар-да, уни деворга суяб, бошини ўша харсангта қўйдилар. Бироқ, барча саъй-ҳаракатларига қарамай, К. ҳам уларга қандайдир бирон-бир ёрдам беришга уринса-да, туриши нотабий ва зўриқувчан бир ҳолда қолаверди. Шу боис биринчи жаноб иккинчисидан К.ни қулай ётқизишга уриниб кўришни сўради, аммо бундан ҳам ҳеч бир иш чиқмади. Охир-оқибат, К. қандай ётса, уни шундай ҳолда қолдирдилар, ҳолбуки, биринчи бор ётқизишганида ҳозиргисига қараганда қулайроқ жойлашган эди. Кейин биринчи жаноб камзулини ечиб, нимчасининг юқорирогидаги бел тасмасига осилган қиндан қассобларнинг узун, ингичка дудама пичноини олди-да, тепага кўтариб, ёруққа солиб, дамини текширди. Яна газабни келтирадиган сохта навозиши-сансолорлик бошланди: биринчи жаноб пичноқни К.нинг бошидан ошириб, иккинчисига тутқазди, иккинчиси эса яна К.нинг боши устидан биринчисига қайтариб берди. Шунда бирдан К. боши устида қўлдан-қўлга узатилаётган пи-чоққа ёпишиб, уни ўз бўғзига ботириши кераклигини тушунди. Бироқ у бундай қилмади, фақатгина ҳали қўл теккизилмаган бўйини буриб, яна теваракка разм солди. У ўз бурчини охиригача адо этиши мумкин эмас ва бутун ишни куч билан бўйнидан соқит ҳам қилмасди. Аммо кимки бу йўлда сўнгги кучини аяса, бу сўнгги хато учун жавоб беради. Унинг нигоҳи тош конига туташиб кетган уйларнинг юқори қаватига тушди. Худди чироқ лоп этиб ёнгандек, бирдан ўша юқоридағи деразалардан бири ланг очилиб, олислигидан

бўлса керак, кичкина ва нимжон қўринадиган бир киши бирдан шиддат билан олдга эгилида ва қўлларини янада олдинроққа чўзди. Ким бўлди бу? Дўстми? Бир олижаноб кимсами? Бирон бир фалокатни билиб қолганмикан? Ёрдам бермоқчими? Балки у ёлғиздир? Ёки бошқалар унинг ортида турибдими? Эҳтимол, ҳаммаси ёрдам беришни истар? Эҳтимол, ҳали яна қандайдир далиллар унтутилгандир? Ҳеч шубҳасиз, бунаقا далил-асослари иш бериши мумкин, ҳолбуки, яшашни истайдиган инсон хоҳишига қарши мантиқ барқарор, уни ерпарчин қилиш мумкин эмас. Қани шунаقا одил қози, у бунаقا ҳакамни бирор марта кўрдими? Қаерда у адолатли олий суд, уни қаердан изласа бўлади? У қўлларини кўтариб, кафтларини очди.

Бироқ унинг бўғзига биринчи жанобнинг қўллари аллақачон теккан, иккинчиси бўлса бу орада пичноқни олиб, юракка чуқур ботирган ва уни икки бор айлантирганди ҳам. Шунда у сўнаётган кўзлари ила икки жанобнинг бир-бирининг пинжига кирганча ечимни кутаётганларига гувоҳ бўлди.

– Худди ит каби, – деркан, у сўнгги гапини шундай бир тарзда айтдики, гўё бу шармандали ҳукм ундан узоқроқ яшайдигандай эди.

Отамга хат



Азиз отажон!

Сен яқында нега мен гапираётганда сени даҳшат босади, дея бехосдан сўраб қолдинг. Бу табиий ҳолдек, қисман айнан сендан қўрққаним, қисман бу қўрқувни равшан тушунтириб бериш учун эринмай-сиринмай ҳаддан ташқари кўп нарсани изоҳлаш керак бўлганидан, ўзаро сухбатда бунинг ҳеч иложи йўқ, шунинг учун ҳам лўнда қилиб сенга аниқ-тиниқ бирор-бир қониқарли жавоб қила олмайман. Мана ҳозир буни ёзиб тушунтиришга чоғланар эканман, бари бир бу жавоб жуда чала бўлишига иқрорман, негаки, айни паллада ёзишга киришишим билан ақли-шуурим ва хотирамда бу қўрқувни асослашга далилларим етарли бўлишига қарамай, одингдаги қўрқувим ва унинг оқибатлари уларни босиб, эззилаб, ишимга халақит беришга тушди.

Сен доим кори-амалингни жуда оддий тарзда кўз-кўз қила оласан, ҳеч бўлмагандан, шунга яқин, Сен, ҳеч ҳам мунозарага ўрин қолдирмайдиган тарзда, бу ва яна бошқа нарсалар ҳақида кўпдан-кўп гапириб бергансан. Шунинг учун ҳам бор-йўфингни тахминан шундай тасаввур қиласа бўлади: бутун умринг мashaққат билан ўтди, бор-будингни болаларинг учун қурбон қилдинг, биринчи навбатда мен учун, бунинг эвазига эса кўнглим хоҳлаганича «яллама ёрим» қилиб яшадим, нимани билишни истасам, эмин-эркин танладим, еб-ичишимнинг ташвиши хаёлимга ҳам келмади, алқисса, мен учун умуман тирикчилик бош оғриқлари бўлмади; Сен бунинг учун мин-

натдорчилик ҳам талаб қилганинг йўқ – зеро, «боловларнинг миннатдорчиликлари»ни қадрлашни аъло даражада қотирасан – аммо ҳеч бўлмаганди инсоф юзасидан буларни ҳис қилиш ва бунга қайфуриш ҳам керак-ку; бунинг ўрнига мен аллақачондан буён хонамга беркиниб олиб, китоблар уммонига шўнғиб, телба-тескари хаёлларга ботганча ё бўлмаса думбул ошна-огайнилар билан сандироқдаганча Сендан қочдим, Сендан яшириндим; мен ҳеч қачон Сен билан очиқчасига гаплашмаганман, Сен билан ибодатхонага бориш қаёқда, Франценсбадеда бирон марта бўйнингга осилганимни ва умуман ҳам Сенга нисбатан қариндошлиқ туйфусини ҳис қилганимни билмайман; дўконинг билан қизиқмадим, қолган юмушларинг ҳам парвойимга келмаган, бўйнингга тошдек осилган фабрикангга қорамни кўрсатмаганим етмагандай қайсар Оттога пишанг бериб, ўзингдан ҳам юзимни тескари бурдим – Сени тарк этдим, дўстларим учун ҳамма нарсани қилишга тайёрман, аммо Сенга келганда, жимжилогимни қимиirlатишни ҳам истамай қоламан (лоақал, бир марта театрга тушгин деб патта ҳам олиб бормабман-а). Агар мени ҳар томонлама муҳокама қилиб, ўз ҳукмингни чиқаридиган бўлсанг, қаҳри қаттиқдигим ёки тартибсизлигимдан (уйланиш борасидаги сўнгги мўлжалим бундан мустасно¹) ўпкаламайсан чофи, балки ўта совуққонлигим, бегона бўлиб бораётганлигим, илтифотсизлигим боисидан оғриниб юргандайсан. Нафсилаамрини айтганда, мендан гина қилишга тўла ҳаққинг бор, ҳа, ҳаммаси учун ўзим айборман, ахир Сен мен учун ҳаддан ташқари бағрикенг – жоннисор бўлсангу, мен эса йўлнинг қайрилишга келганда йўналишни бутунлай бошқа томонга буриб кетган ҳайдовчикек

ҳаётингга муносабатда бўлсам, бу Сен учун кичкинаadolatsizlik эмас-да.

Жўнгина ҳукминг ҳақида қанчалик бошимни қотирмай, охир-оқибат шунга амин бўламанки, бегоналашувимизда Сен мутлақ айбсиз бўлиб чиқасан. Водариф, бу муносабатда мен ҳам бутунлай айбсизман-да. Чиқмаган жондан умид, Сени бунга ишонтиришга бир уриниб кўрай, шунда балки ҳеч кутилмаган имконият кўз очиб қолса борми – йўқ, айни пайтда янгидан ҳаёт бошлиш ҳақида шакаргуфторлик қилмоқчи эмасман, бунинг учун икковимизнинг ҳам ёши-миз ўтиб қолди – ҳарқалай шунда ҳам бу изоҳлар Сен томонингдан тинимсиз ёғиладиган гина-ку-дуратларнинг олди олинишига монелик қилол-маса-да, жилла қурса, улар бироз юмшарди-ку, деган хаёлга бораман.

Балки ғалатидир, Сенга нимадир айтмоқчили-гимни ўзинг ҳам бир қадар ҳис қилган кўринасан. Мана бир мисол, яқинда Сен менга шундай деб қолдинг: «Мен ҳамиша сени яхши кўриб келганман, лекин сиртдан бошқа оталар каби ши-рин муомалада бўла олмадим, зеро, меҳрибонлик ниқобида муғомбирлик қилиш менинг қўлим-дан келмайди». Ота, менга нисбатан олижаноб-лигингдан ҳеч қачон шубҳаланмаганман, аммо бу сўзларинг росталигига ишониш қийин. Тўғри, Сен муғомбирлик қилишни, ўзингни ҳар кўйга солишини уddyалай олмайсан, бироқ шу фикринг-нинг ўзи бошқа оталар сохта меҳрибонлик ниқо-би остида мунофиқлик қилади, деган қарашни асослайди ёки афтидан ҳеч қанақа далил-исботга муҳтож бўлмаган сабрсизлик ёки менинг эзгин ўйларим ҳақиқатга мос келиб қолганини кўрса-тади – ҳа, ўртамиизда нимадир кўнгилдагидек эмас, орамиздан қора мушук ўтган ва бунинг

учун фақатгина мен айбдор бўлмасдан, Сен ҳам бунга беихтиёр алоқадор бўлиб чиқасан. Агар Сен ҳам шундай ўйлаганингда эди, унда биз бир ёқадан бош чиқарган бўлар эдик.

Мен ўзим қанақа одам бўлдим, бўлган-турганим шуми, айтмасам ҳам бу Сенинг таъсиринг оқибати эканлиги шубҳасиз. Бу эса ҳаддан ошиб кетди (менда буни ҳатто бўрттирироқ кўрсатишга тийиқсиз бир рағбат бор). Ҳолбуки, Сенинг устувор таъсирингдан бутунлай озод ҳолда ҳам ўсиб-унишим мумкин эди, чунки бари бир мендан Сен орзу қилган, феъл-авторингга мос келадиган одам чиқмади. Мен нимжон, қўрқоқ, субутсиз, иродасиз бўлиб чиққанимда ҳам, на Роберт Кафкага, на Карл Германга², на бошқа бирорвга ўхшамаган бўлсан ҳам, нима бўлибди, қандай бўлсан, шундайлигимча, биз ҳам бошқалар каби бир-биримиз билан тил топишиб яшасак бўлар эди. Сен менинг жўрам, раҳбарим, амаким, бобом, ё бўлмаса, ҳатто қайнотам каби (бунда озгина иккиланиб турибман) муносабатда бўлганингда ҳам мен қанчалик баҳтли бўлардим. Бироқ Сен айнан отам мақомида ҳаддан ташқари зўрлик тимсоли бўлиб майдонга чиқдинг, айниқса, ака-укаларимнинг гўдакликдаёқ нобуд бўлишгани, сингилларим кеч туғилишгани боис ҳам мен бу зўрлик қаршисида ожиз, унга бардош беришда ёлғизланиб қолдим, худди шунинг ўзи мени эзиз-янчиб, пачоқ қилиб қўйди.

Иккимизни солишириб кўр, мен, Лёви³ лўнда таърифлагандек – ранг-рўйим қуийб-қўйган Кафказодалигимни исботлашга ҳожат қолдирмаса-да, аммо ҳаёт тарзим, тирикчилик югурюгуруларида талашиб-тортишиб ўз ҳақимни айириб олишда авлодимиздагиларнинг биронтасига ўхшамадим, Лёвининг луқмасини тасдиқлага-

нидек, писмиқ ва юраксизлигим дарров күзга ташланади, бунга бошқа бир күзгу билан нигоҳ ташласа, аксарият ҳолларда, сўлғин, ичидаги чўғи сўниб битган кулни эслатаман. Сен эса аксинча, тўрт мучанг соғ, йўлбарс билан олишгудек куч-қувватинг бор, иштаҳанг карнай, бақироқлигу гапга тўн кийдиришда ҳам бирор олдингда ип эшолмайди; ўзингга қаттиқ ишонасан, шунданми, ҳаммадан устун бўлишга эришиш Сенинг жони-дилинг, иродалисан, доим руҳинг кўтаринки юради, айниқса, одамларни беш қўлдай билишингга қойил қолмасдан илож йўқ – алқисса, феъл-авторингнинг кўркамлиги ҳақиқий Кафка деса дегудек; англашимча, бу ўзига хос фазилатлар, камчилик ва ожизликлар Сенга ярашади ва бир сафар ишда жўшқинлигинг бўлиб кўзга ташланса, бошқа сафар Сени жizzаки қилиб кўрсатади. Бироқ Сени ўз дунёқарашингга кўра, амакиларим Филипп, Людвиг, Генрих⁴ билан баҳоли-қудрат солиштирганимда мақтагулик Кафка бўлмай қолишинг мумкин. Бу жуда фалати, лекин нега бундай, бунда қандай сир яширилигига ўзим ҳам тушуна олмайман. Очифи, Сенга нисбатан уларнинг бари ҳаётсевар, ўқтам, бемалолхўжа-ю бегам, шунга қарамай, менга қаттиққўл бўлишган. (Дарвоҷе, кўпгина томонларим, Сендан суюк сурган, бу мерос шунчалик teng тақсимланганки, қаршилик кўрсатиш учун менда ҳеч қандай мажол қолмаган, бунга қандай қилиб эришгансан-а?!?) Бироқ бошқа томондан, бирдан шундай бўлиб қолмаганинг сезилади – бир пайтлар қанақа ҳаёт севар бўлгансан, аммо турли аччиқ-чучук воқеаларни кўравериб, ҳолдан тойдинг, биз – болаларнинг, айниқса мен Сени шу даражага олиб келдимки, уйдаги фалвалар ҳафсалангни пир қилган (негаки, хонадо-

нимизга бошқалар қадам ранжида қылса, ўзгача бўлиб қоласан), назаримда, энди ўша ҳаётсеварликка қайтаётгандексан – чамаси, болаларинг қўлидан келмаган нарса – бир чимдим илиқдикни, Валли⁵ни бу ҳисобга қўшмагандা, набираларинг ва куёвинг Сенга ҳадя этаётган кўринади. Нима бўлганда ҳам, ҳар ҳолда, биз бошқа-бошқа одамларга эврилдик, бу турфалик бир-биrimiz учун шунчалик хавфли бўлдики, буни олдиндан тасавур қилишнинг имкони бўлганидами, мен мурғак гўдак, Сен шу даражада улуғвор бир киши сиймосида кўринасанки, бизнинг бир-бири мизга яқинлигимиз тахмин қилинмоқчи бўлинса, кўрсатган кароматингни айтайми: Сен мени оддийгина қилиб, шундай майдалаб ташладингки, мендан асар ҳам қолмади. Ҳаётда ҳеч бир нарсани олдиндан чамалаш амри маҳол, нега деганда ҳаётда бундан беш баттари бўлиши мумкин эди, шунга қарамай, қани энди, ўтган ҳодисалар содир бўлмагандা эди, дейман. Мен ҳеч қачон арзимас, майда-чўйдаларга Сени айбор санамаслигимни унутмаслигингни қайта-қайта сўрайман. Сен менинг аллақандай бадниятимга чек қўймоқчи бўлиб, ҳукмингни шунаقا ўтказдингки, натижаси худди шундай бўлиши керакдай, бу зўравонлик қаршисида тутдек тўкилиб қолдим.

Мен бир қўрқоқ бола эдим, бироқ етарлича, аксарият болалар каби ўжар ҳам эдим; онам мени алқаб туар, ўзимга пишиқдигимдан бу мақтovларга ишонолмасдим, ҳа, яна мени ширин муомала, дилкаш сўз ёки олижаноб хатти-ҳаракатлар билан ҳам ишонтириб, ўзига қаратиб бўлмасди. Сен табиатан олижаноб ва юмшоқ кўнгилсан (бу ҳеч ҳам кейингиларини рад қилмайди, бу ерда бор-йўги болани қандай қилиб ўз таъсирингга олишинг ҳақида гапирмоқчиман, холос); би-

роқ ҳамма бола ҳам сабр билан ва қўрқмасдан бу яширин яхшилик илдизига тик қарашга қобил бўлавермайди-да. Сен кучли ва жасур ўспирин бўлишим учун астойдил куйиб-пишдинг, аммо тарбия услубинг феъл-авторингга жуда ҳам мос тарзда, қаҳр-ғазаб билан, куч ишлатиб, бақириб-чақириб мақсадингга эришмоқчи бўлдинг ва хаёлингга бундан бошқа тарбия воситалари келиши ҳам амри маҳол эди, бу эса кутилган на-тижага хилоф бўлди.

Болалигимдаги илк тарбиявий усулларинг ҳақида ўйласам, ҳозир, албатта, муфассал бир манзарани қофозга туширишга ожизман, аммо кейинроқ бу масалада Феликс⁶та қилган муомалангни кўриб, ўшанда бунинг Сен учун нечоғли аҳамиятли ва долзарб бўлганлиги тахминан кўз олдимга келади. Бу ерда жуда ҳам муҳим дегани нимаси, ўшанда сен ҳозиргига қараганда ёш, сергайрат, кучли, шунга яраша дўлвор ва бегам эдинг, дўконингга бутунлай боғланиб қолганингдан Сени кунига атиги бир марта зўрга кўра олардим, эҳтимол шунинг учун ҳам Сен ҳақингдаги таассуротим яна ҳам юксалар, ҳар куни кўриб юриладиган ҳаётнинг одатдаги жуда рангсиз манзаралари олдида ушатиб бўлмас ва қўл етмас даражада буюк эди.

Беихтиёр болалик йилларимдаги бир изтиробли воқеа эсимга тушади. Эҳтимол Сенинг ҳам ёдингда тургандир. Ярим кеча эди, одатдаги-дек фингшиб, сув сўрадим, лекин бу сув ичгим келганидан эмасди, балки, қисман сизларнинг жаҳдингизни чиқармоқчи бўлганимдан, қисман ўзимни овунтирмоқчи эканлигимдан эди. Дўқ-пўписа билан зорланишим тинавермагач, Сен тўшагимдан даст кўтариб олдинг-да, пешайвонга чиқариб қўйдинг ва мен бир мунча вақт

ёпиқ эшик ортида, ёлғиз, биргина юпун күйлакда дийдираң қолдим. Бу тадбир нотүгри бўлган демоқчимасман, эҳтимол, ярим кечада болани тинчтиш учун бундан бошиқа қулайроқ бир чора топишнинг иложи бўлмагандир – фақат Сенинг тарбия услубинг қандайлигини, унинг менга кўрсатган таъсирини айтмоқчиман, холос. Шунда дарров тинчидим, лекин бу менга бало-қазодай асар қилди. Табиатимга кўра, истагимга терс ҳаракатлар билан ҳеч келиша олмайман, ўшанда бемаҳал сув сўраб, хонадан ҳайдалганимда тасаввуримга сифмас қўрқувни илк бор ўз бошимдан кечирдим. Қанча йиллар ўтиб кетганига қарамай, бу азобли воқеани ҳамон унугомайман ва кўз олдимда отам сиймосидаги маданиятли киши ўрнига бир барзангি эркак пайдо бўлиб, қарийб ҳеч бир сабабсиз ярим кечада қаҳр-ғазаб билан олдимга яқинлашгани, тўшагимдан юлқиб олиб, пешайвонга чиқариб қўйгани келади-ю, демак, мен унинг учун жуда ҳам арзимас бир нарса бўлган эканман-да, дея маҳзун ўйлардан эзилиб кетаман.

Ўшандаги бу воқеа, кейинчалик кўпинча ўзлигимга заҳа етказиши кучайиб борган ҳукм фармолигинг, таъсиринг (кимгадир бунинг ўзи ҳам жуда улуғвор ва фойдали сабоқдек туюлса ҳам ажаб эмас), аҳамият беришга арзимасдек кўриниши кўргиликнинг бошланиши, илк натижаси бўлган. Англашимча, ўз йўлимни топиб олиб, ундан дадил юришим учун, кўнглимни салгина кўтариш, бир тутамгина меҳр-муҳаббат инъом этиш керак эди. Сен эса ўшани ҳам менга кўп кўрдинг ва (албатта яхши ният билан) ўз йўлим қолиб, бошиқа бир йўлни кўрсатдинг. Бироқ бу йўлдан юришга мен ярамадим. Масалан, Сен, баъзан аскарча салом берсан ёки шахдам қадам

ташласам мақтаб-мақтаб қўярдинг, ҳолбуки бу билан мендан зобит чиқмади-ку; ёхуд худди шу тарзда кимларнингдир аллақандай тушунарсиз ашуласини хиргойи қилсан, пиво симирсам ё ҳеч бир маъносиз севимли иборангни беихтиёр тилга олганимда мақтовларингни эшитиб қолардим, э воҳки, буларнинг бариси келажагимга жиддий даҳл қилди. Ажаб, ҳатто ҳозир ҳам, Сенга ва Сенинг ўз-ўзингга маҳлиёлигингга моҳиятан алоқадор бир нарсани менда кўрсанг, олқишилаб, кўнглимни кўтариб қўясан, фақат ўзимга дахлдорига (масалан, уйланиш ниятим) келганда эса истеҳзо билан қарайсан ёки менга ёқмайдиган (айтайлик, Пепа⁷нинг жонимга текканидан ёзғирсам) нарсани ёқлагандай бир чучмал гап қиласан. Сен қачонки кўнглимга қўл солсанг, бу бежизга бўлмайди, ўзингга маъқул тушган бирор томонимни эслайсан, масалан, ҳеч бир баҳсга ўрин қолдирмасдан Пепанинг устидан ҳукм ўқишинг, тахмин қилганимдек, мени ҳимоя қилиш учун эмас, балки ундан ўч олиш учун қилинаётган бўлади. Қулогим бу далда ва ёнимни олишларга қарийб том битган, улардан менга бирон-бир фойда тегмагандан кейин нима қиласман гапириб. Қолаверса, бу ёқловлар биринчи навбатда мени ер билан битта қиласди.

Менга эса ўша лаҳзаларда таскин-тасалло, қўлловлар жуда-жуда керак бўлган. Мени савлатингнинг ўзи довдиратарди. Масалан, бир сафар бир хонада ечинишга тўғри келганлигини эслай қолай. Мен – озғин, нимжон, қилтириқ, Сен – кучли, улкан, чорпахил. Бўлманинг ўзидәёқ фақат Сенгагина эмас, бутун бир дунёга ўзимни солишириб, ўзим ўзимга жуда аянчли кўриниб кетдим ва Сен очундаги ҳамма нарсанинг ўзимга нисбатан солиширима тимсоли бўлдинг. Ўшандা

биз кишилар олдига хонадан чиқиб борар экан-
миз, тахтанинг устида оёқяланг туриб, кичкина,
қоқсуяк қўлларим билан қўлингдан ишончсиз-
ларча ушлаган, сувга тушищдан чўчиб, сузиш бо-
расидаги сабоқларингни қабул қилишга ноқобил
бона, ниятинг яхшилиги шундоқ кўриниб турга-
нига қарамай, муқаррар суратда ҳамма вақтда-
гидек мени шармисор қилишинг кўринган-қўй-
ган, тушкунлик мени ўз комига тортиб кетган ва
ҳозир ҳам аччиқ тажрибалар ўша дақиқалардаги
руҳий ҳолатимни қўллаб-қувватлайди. Бошқа са-
фар биринчи бўлиб ечиниб хонадан чиқиб кет-
ганингда, ёлғиз қолиб ўзимни анча дуруст ҳис
қилдим, фақат Сен қайтиб, нега ҳалиям имиллаб
ўтирибсан, дея хонадан ҳайдаб чиқаришинг ва
омма олдида кутилган шармисорлик юз бериши-
дан хавфсираб, буни сал бўлса-да орқага сурмоқ-
чи бўлиб ўтиравердим, ҳолбуки, Сен тортаётган
изтиробларимнинг унча-мунчасини сезмасдинг
ва паҳлавон келбатимдан болам фахранса ке-
рак, деган фикрда юргандек кўринардинг, Сен-
дан миннатдор бўлсам, шу фаҳмсизлигинг учун
миннатдор бўлишим керак. Аксига олиб, ҳозирча
ўртамиздаги фарқлар тахминан шундай.

Бу Сенинг маънавий устунлигинга тўла мос
келади. Сен ўз кучинг билан бир талай зафар-
ларга мушарраф бўлганинг боис ўзингга ишон-
чинг шунаقا устуворки, ҳамиша ҳақман деган
қатъий бир ишончда бўласан. Болалигимда ун-
чалик билинмаган эса-да, бу кейинроқ ўсмирили-
гимни асти хароб қилдики, ўрнини ҳеч нарса би-
лан тўлдириб бўлмайди. Сен ўз оромкурсингдан
қўзғалмай, дунёни бошқардинг. Жимжилогингда
дунёни ўйнатдинг. Ҳа, фақат Сенинг фикринг
энг тўғри мулоҳаза, бошқаларники эса бемаъ-

ни, телба-тескари, *meschugge*¹ ёки бир қайнови кам эди. Ўз-ўзингга ишончинг шунчалик баланд эдикى, фикринг мантикий бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, ўзингни ҳақ эканлигингни таъкидлашдан чарчамасдинг. Ҳатто шундай воқеалар ҳам бўлиб турардики – қандайдир тўсатдан берилган саволга жавоб бериш учун Сен умуман мулоҳаза юритишга қодир бўлмай, пойинтарсойинтар фикр юритар экансан, бу муаммога тегишли, жавобга арзигулик мулоҳазаларни ҳеч бир истисносиз сафсата деб ҳисоблардинг. Сен истассанг бўлди, масалан чехлар, немислар, яхудийлар, ҳамма-ҳаммасига тегиниб чиқишинг мумкин. Ҳатто битта-яримтасини эмас, ҳаммасини бир йўла оёфинг остига олганингдан, охир-оқибат ўзингдан бошқа ҳеч ким соғ қолмасди. Бу билан кўз олдимда сирлилик шарафига мушарраф бўлдинг, худди қайси бир нўноқ қонун барча мустабидарнинг ақдини эмас, шахси ни оқлагани каби. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам, менга шундай туюлади.

Не тонг, аксарият ҳолларда Сен ҳайратланарли даражада менга нисбатан муносабатда ҳақ бўлиб чиқасан, ўзаро гурунгларда бу сўзсиз англашилади, очиги орамизда дилдан гурунг бўлганми ўзи? Шунда ҳам бир нарсага ақл бовар қилмайди: афтидан, менинг барча мушоҳадаларим нафрат ва ғазабингдан яралганига қарамай Сеникига тўғри келмас, биринчи навбатда, бири иккинчисининг ўрнини қоплай олмас эди. Бу мулоҳазаларим Сеникидан бутунлай озод бўлишга интилар, норозилигим маъқулламаслик йўли билан айнан кўзга ташланади; уларни охиригача ушлаб туриш ва амалга ошириш қарийб мумкин эмасди. Мен бу ерда қандайдир улуғвор режалар

¹ Жинниларча.

ҳақида эмас, балки исталган болалик харашалари ҳақида гапирмоқдаман. Булардан қай бири назарингга тушиб қолганида ҳам, ўч олиш имкони туғилганидан эътибор қаратилар, улар хусусида уйда гапирилганда эса жавобларингнинг аксарияти киноявий оҳангда янграб, бошингни норози тарзда чайқаб ёхуд столни чертиб дакки бергандек уқтиришга тушардинг: «Сен яхшиси буни каллангдан чиқариб ташла», «Доим менинг бошимда сенинг дардинг», «Мени бу даражага олиб келма-да», «Бунинг сариқ чақага ҳам арзимайди», «Бу менинг ҳам кўргилигим экан-да».

Албатта, ўз ташвишларига ботиб қолган кишини мувозанатдан чиқариш ва ҳар қанақа болалик ўй-хаёллари учун ҳайрат, завқ-шавқ талаб қилиш инсофдан эмас. Бироқ гап бунда эмас. Балки гапнинг индаллоси, сен болаларнинг одатдаги харашалари деб қараган нарса аслида бир-биримизга терс феъл-атворларимиздан ва ҳаётга нисбатан турлича эътиқодларимиздан келиб чиқсан бўлиб, унинг натижаси ўлароқ орамиздаги зиддият шунчалик тез чуқурлашиб бордики, оқибатда ҳар ким ўзини бир қадар билб олди, ҳатто бунда фикрларимиз бир жойдан чиқади; тўгрисини айтганда, бу болаларча хараша шунчаки, нимагадир ўчлик бўлиб қолмасдан, очиқ-ойдин Сенинг шахсингга даҳдор, қалбнинг энг чуқур ерига тиқиширилган нимадир бўлиб чиқади. Агарки у ёки бу муносабат билан Сен қарши бўлган бирон-бир ишга ёки оддийгина номаъқул ҳисоблаганинг юмушларга киришадиган бўлсам, ўқтамлигим, чўрткесарлигим, ўзимга ишончимдан асар ҳам қолмас, топадиган ҳузур-ҳаловат, завқ-шавқим ҳам қайгадир гум-дон бўлар, ишқилиб, нима қилган бўлмай қарийб ҳаммаси йўқقا чиқарди.

Бу фикрларга қанчалик тегишли бўлса, кишиларга ҳам шунчалик дахлдордир. Инсонни таниб, унга ихлос қўйиш учун менга унинг асл қиёфаси бир-икки бор намоён бўлса етарли, лекин инжиқлигим боис ҳудди Сен каби бу камдан-кам ҳолларда содир бўлади; Сен эса ҳис-туйгуларимга ҳеч ҳам раҳм-шафқат қилмай, фикрларимни бир пулга олмай, ўз мулоҳазаларингни тиқиширишни айни мен ихлос қўйган одамни қоралаш, ерга уриш ва ҳақоратлашдан бошлайсан. Ҳудди шунинг учун ҳам яҳудий актёр Лёви каби бегуноҳ, болаларча беғуборлиги билан қолган кишилар сен билан орани очиқ қилиб қўя қоладилар. Ҳозир буни эслаш менга яна ҳам оғир, Сен мен учун азиз кишилар ҳақида гапирав экансан, айтаётгандаринг кишига ҳеч малол келишини ўйламайсан, гўё ит-битлар⁸ ҳақида латифа сўйлаётган оҳангда фикр юритасан, ҳеч тортиномай уларни одам жирканадиган, ҳазар қиласидиган маҳлуққа тенглаштирасан; билмадим, нега бундай қиласан? Бу ерда актёрни эслаётганимнинг боиси, қаердадир унга нисбатан муносабатингни ушбу тарзда ёзиб қўйган эканман: «Менинг дўстим бўлгани учун ҳам отам у ҳақда шундай фикрда (у эса буни билмайди, тасаввурига ҳам сифдира олмайди). Ҳолбуки, мен ҳам отам «ўғиллик меҳринг, ҳурматинг йўқ» деб гина-кудурат қилганингда, бу ишингни юзига солсам бўлади-ку. Ўз тилим ва мулоҳазаларимдан оғриқ ва шармисорлик етказишига шунчалик усталигингга қарамай, устимдан ўрнатган ҳокимиютинг ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасга ўхшайсан, балки шу боис ҳам мутлақ ҳиссизлигингга ҳеч тушуна олмайман. Албатта, менинг сўзларимдан ҳам Сенга кам азият етмасди, лекин буни бир зумда англардим-у, иродасизлигим ва ўзимни идора қилол-

маганим орқасида юз бергани изтиробга солар, ачиниш оловида жизғанак бўла туриб, афсуслар билан қайта тақрорланмаслиги учун ўз-ўзимга сўз берардим. Бирор нарсанинг устидан чизиқ тортаётганингда Сен аяб ўтирумайсан, яна ҳеч қачон айтган гапингдан қайтмайсан, қолаверса ножӯя гапингдан афсусланмаслигингни кўриб, мен ҳамиша олдингда ҳимоясиз бўлиб қоламан.

Сенинг бутун тарбиянг шу йўсинда бўлиб келди. Фикри ожизимча, Сенда тарбиячилик иқтидори йўқ эмас, кимки тарбиянгни олган бўлса, Сен нима ҳақида кўпроқ ташвишланиб гапирган бўлсанг, у ўз тажрибаси, фаҳм-фаросати билан айнан шу жиҳатдан қайғурмаса ҳам бўлишини англаб етади ва шунга яраша тарбиянг сабоқларидан баҳраманд бўлади. Бу манзара менга болалигимдан таниш: Сен менга бирон нарсани астойдил бақириб-чақириб уқтирган экансан, у дунёни баҳолашнинг муҳим белгиси бўлгани, қолаверса, ўзинг ҳақингда баҳо эканлигидан ҳеч қачон унута олмайман, хаёлимда самовий мўъжизадай туради, аммо бу Сенинг бечоралигингни ҳам кўрсатади-кўяди. Болаликда мен овқат маҳалидагина Сени кўрмоқ саодатига мушарраф бўла олардим ва Сендан олинажак сабоқдарнинг катта қисми ҳам мана шу стол атрофида ҳам-жиҳат йиғилганимизда кўз очарди. Ҳамма стол атрофида тўпланган бундай аксарият чоғларда овқат ҳақида гапиришга ҳожат бўлмаса-да, Сен ноқулай ўтириб олиб дийдиёнгни бошлардинг: олдинга қўйилган яхшигина таомни «ювинди» деб атардинг, уни тайёрлаган оқсочни «ҳайвон» деб сўкардинг. Во ажаб, иштаҳанг ҳамиша карнай, таомни иссиқ-иссиқ, шоша-пиша ютишга одатлангансан, бунинг устига ҳамма шундай тановул қилишини истайсан, ҳатто болалар ҳам

бунга амал қилишлари шарт эди, дастурхон устида жимлик ҳукм суриши билан Сенинг даккиларинг пайдар-пай янграрди: «Олдин еб ол, кейин гапирасан», «Бўл, бўл тез», «Кўряпсанми, мен аллақачон еб бўлдим». Сен суякларингни қирсиллатсанг бўлади, бошқаларга бу асло мумкин эмас, Сен чапиллатиб кавшансанг бўлади, бошқага эса йўқ. Нон майдалаш керак бўлса, у ушоқланиб кетмаслигини шарт қилиб қўйгандинг, аммо уни ўзинг ёғли, қайлали пичоқ билан кесаверардинг. Полда бирон-бир чақа тушиб қолмабдими деб, синчковлик билан ерга қараб юриш Сенинг энг асосий ишларингдан бири эди. Овқат столи устида фақат тамадди қилиш жоизлигини ҳамма яхши билади. Сен унда тирнофингни олардинг, кирини тозалардинг, қалам учини чиқарардинг, ҳатто тиш мисвоги билан қулофингни чуқилаб қўйишига ҳам тортина масдинг. Илтимос, мени тушун, отажон, буларнинг бари ўз йўлига майдада-чуйда, тилга олишга арзимас туюлса-да, ҳаётимда катта нуфузга эга бўлган инсон – Сен томонингдан содир этилгани, улардан ўзимни муҳофаза қилишнинг иложи бўлмагани ва бўйсуниш, айтилганини бажариш талаб этилгани боис, бу майдада-чуйдалар жисмимни эзид, кўнглимни вайрон қилиб ташлади. Шунга кўра, кўриб юрганларим алоҳида уч дунёга бўлинган эди: биринчи дунёда тамоман қул эдим, шахсан мен риоя қилишим учун бир талай қонунлар ўйлаб топилган, аммо негадир уларга тўла риоя қилишнинг ҳеч уддасидан чиқа олмасдим; бошқа бир иккинчи дунёда мендан чексиз узоқдикдаги бир маъвода Сен давру давронлар суреб, амри-фармонлар берардингу, аммо бу фармонлар ҳаёт учун яроқсизлигидан бажарилмас эди; ниҳоят, учинчи дунёда бу фармон ва гуноҳлардан холи, баҳтли ва озод кишилар умргузаронлик қилишарди. Мен ҳа-

миша шармисорлик оловида қовриламан: аввало уятли иш қылғандек күнглим ғаш бўлиб юрадики, буйруқларингни бажарганимда, баъзан улар менга алоқадор бўлгани учун ҳам шармандали қўринади; мабодо уларни бажаришда ўжарлик қилсан, Сенга нисбатан адолатсизлик бўлгандај яна хижолат тортаман, қай бир талабингни бажариш амри маҳол бўлиб қолганда эса, олдингда баттар уятга қолганимни сезаман. Айтайлик, Сенинг қувватингу иштаҳанг менда топилармиди ёки абжирлигинг қўлимдан келиши мумкинми, Сен эса нимани хаёлан чамаласанг, шуни бажаришни мендан талаб қиласан. Бу эса норасида гўдак бирон нарса қўлидан келмаслигини ҳис қылгани каби менга янада каттароқ шармисорлик олиб келади.

Бундай пайтларда қандай ҳолатга тушишимни Феликсникига солиштириб, фаҳмласа бўлади. Сен унга нисбатан кескинроқ, ҳатто даҳшатли тарбия усуllibарини қўллашдан ҳам тоймайсан: агар овқатланиш пайтида у жининг ёқтирмайдиган бирор ишқал чиқарса: «Ҳа, чўчқага ўхшамай ўл-э», деб менга айтадиган сўкиш билан чегараланмасдан: «Биз қанчалик ўлиб-тирилмайлик олмонлардан эканлигингга тортасан-да», дея қўшимча ҳам қиласан. Ёки: «Қўйиб қўйгандек отангни ўзисан-а», дея уни узиб оласан. Ҳа, бу ерда «Эҳтимол» сўзини тилга олишга йўл бўлсин, кундек равshan иборалар билан иш кўрасан; бари бир Феликсга бало-қазодай ёпиштиromoқчи бўлган гапларинг деярли нишонга тегмайди. Сен бобоси сифатида унга кўп нарсани англатасан, аммо ўилашимча, унга дунё фақат сендангина иборат эмас, бунинг устига вақт ўтиб, Феликс ўзини катта эркаклардек тутадиган бўлди, табиати вазмин тортиб, овози йўғонлашди, эҳтимол довдираб қолганда кимгадир бўйсуниши мум-

кин, лекин бу узоқ давом этмайди, шу боис ҳам у Сен билан тенглашиб ўтирмайди ва аллақачон ўзига ёққан даражада бошқаларнинг таъсирига тушиб бўлган. У ўзича ниманидир танламоқни истаб қолса, унга ёқимли ва ғалати жиҳатларнинг қўшилмаси бўлиб кўринишинг ҳеч гап эмас. Мен учун эса Сен ҳеч қанақа ғалати эмассан, маъқул томонларингни танлаб олишимнинг ҳам иложи йўқ, ҳаммасини сўzsиз қабул қилишим даркор.

Бунинг устига мен яна сўзлаганингда бирон марта бўлса-да, ҳовлиқмай, хотиржам гапириш қўлингдан келмаслигини айтиш имконидан маҳрумман, мустабид, сабрсиз феъл-авторинг буни тўғри тушунишга йўл бермайди, қолаверса уни бартараф этиш учун ҳам бирон-бир чора топиш қўлингдан келмайди. Кейинги йилларда Сен буни юрагингнинг зўриқиши деб изоҳдайдиган бўлдинг, аммо Сени бошқача ҳолатда кўрганимни ҳеч эслай олмайман, чамаси, юракнинг чатоқлиги Сен учун ўз ҳукмингни ўтказишнинг яна бир қуладай йўли, кейинги бир-бирига қарши мулоҳазаларинг буни тасдиқлайди. Тушун, бу гина-кудурат эмас, бўлган-турганингни эслаш, холос. Мисол сифатида Оттлага муносабатингни кўрсатиш мумкин. Сен у ҳақда «у билан дуруст гаплашиб бўлмайди, туйқусдан бошингга гап билан уриб қолиши мумкин», дейишни канда қилмайсан; ҳолбуки, воқеага ҳақиқат кўзи билан ойдинлик киритадиган бўлса, Сен билан суҳбатлашганда, ҳеч қачон жиққамушт бўлгани кузатилмаган, у буни истамайди; ҳа, Сен, ана шунақа, бирорнинг тўнини бирорга кийгизишга устасан; Сен одамнинг юрагига қулоқ солмайсан, балки уни етарлича тингламасдан, тўқмоқдек гапинг билан суҳбатдошингнинг бошига уриб, уни карахт қиласан-да, ўзингча унинг тақдирини ҳал

қилиш учун от қўясан, овозингни янада баландлатиб, билганингдан қолмайсан, хос фикрингни яна ва яна олға сурасан: Сени ўз фикрингдан на қайтариб, на фикрингни ўзгартириб бўлади. «Наҳотки, сенга бирон-бир жўяли маслаҳат беришга қурбим етса? Ахир, энди катта бўлиб қолдинг. Менимча, нимани истасанг, барча ихтиёр ўз қўлингда, шундай экан, билганингни қилавермайсанми?!» каби луқмаларни Сендан кўп эшитиш мумкин. Аммо улар шунчалик ёқимсиз, бўғиқ ва ғазаб билан, тўла норозилик оҳангидага янграр эдики, ўшандаги қўрқув ва титроқлар нисбатан энди-энди бироз пасайган эса-да болаларча гуноҳкорлик ҳисси ўрнини иккимизнинг ҳам начорлигимизни англаш туйғуси эгаллади.

Бемалол фикр билдириш иложи бўлмаганилиги табиий суратда бошқа бир ҳолатни чуқур англашимга имкон берди: ўзгалар билан дардлашишни мутлақо унтутиб қўйибман. Бусиз ҳам, албатта, мендан буюк нотиқ чиқиши даргумон эди, ҳар ҳолда, бор-йўғи оддийгина эпчил, одамшаванда гаплашиш маромини эгаллаб олганимдами, зарар қилмасди. Бироқ жуда эрта менга сўз эркини тақиқлаб қўйдинг. «Эътиroz билдирма» – Сенинг бу дағдағанг қанчадан-қанча фикр айтиш учун кўтарилган қўлларимни синдириб, ҳеч бир из қолмаган кунларимга ҳамроҳ бўлмаган дейсан. Гап шахсий ишларинг ҳақида кетадиган бўлса, Сен атло даражада нотиқ бўлиб кетасан, аммо менга келганда ўша чечанлигингдан асар қолмайди, гўё сўз бойлигингдаги арзимас нарсаларни ҳам қизғанаётгандек дудуқланиб, каловлануб турасан; мен буни кўп кузатганим туфайли аввалига ўжарлигим тутиб, гапирмай ўтирсам, кейинроқ Сенинг одингда тузук йилаб, гапириш амри маҳоллигидан оғзимга сўк солиб оладиган

бўлдим. Ҳа, Сен шундай сабоқларинг билан бош мураббийимга айландинг ва бу кейинги бутун умримга татигулик бўлди. Мен ҳақимда ўйлаганингда, у ҳеч қачон бўйсунишни истамайди, деган жуда ғалати, хато фикрга борасан. Ўжарларча, шубҳага бориб, ўйлаганингдек «доимий ўчакишиш» туйгуси ҳаётий эътиқодимга ёт. Аксинча, гапларингни шунча кам қулоққа олганимда, мендан шунча кўп рози бўлардинг. Бироқ тарбия воситаларинг изчил мақсад сари йўналтирилгани учун улардан бирон-бир лаҳза ўзимни четга олишнинг иложини топа олмадим. Қандай бўлса, шундайлигимча (ҳаёт талаби ва таъсирида нимагадир чалғиган бўлишим мумкин) тарбиянг ва ўз итоаткорлигим меваси бўлдим. Бу мева кўп ҳолларда аччиқ бўлганидан Сенинг ҳам оғзингни буриштирас, шунда беихтиёр тарбиянг оқибатини тан олишдан бош тортиб қолардинг, менинг хатти-ҳаракатим билан талабларинг ўртасида еру осмонча фарқ борлигини исботлашга тиришардинг. «Эътиroz билдирма» – бу Сенинг ўзингда мужассам зиддиятлар ҳақида гапирмаслик талаби эди; нима бўлганда ҳам Сенинг таъсиринг менда ҳаддан ташқари кучли бўлди ва ҳаддан ташқари мўмин-қобил, индамас, одамови бўлиб қолдим, баъзи-баъзида бунга нисбатан вужудимда исён, қалбимда журъат уйғонганида, Сендан бирозгина узоқлашганимни ҳис қиласам-да, бари бир, нимжон журъатим билан бевосита бирон-бир натижага эришувим амри маҳол, қудратли таъсирингдан бутунлай озод бўлишнинг иложи йўқ эди. Сен эса ҳаммасида «посангি» мисол бир қиёфада кўз олдимга келиб оласан ва бундай дамда фақат Сенинг қудратинг ва ўз ожизлигим табиийлигини кузатиш мумкин бўлади, холос.

Нима бўлганда ҳам, мен учун барча хатти-ҳаракатинг, илон пўст ташлагудек нотиқона тарбия воситаларинг: сўкиш, дағдаға, киноя, тиржайиш ҳам аслида ғалати бир уйғунлик билан ўзингга қайгуришнинг яхшигина ниқобланган йўли бўлиб туюлади.

Ҳеч қачон мени тўғридан-тўғри ҳақоратли сўзлар билан койиганингни эслай олмайман. Сенга бунинг кераги ҳам йўқ, уйда, айниқса дўкондаги муомала-мадорангда шунаقا шаллақиликлар қилардингки, уларни бошқалар устига ёғдираётганингда, гоҳо ўзим ҳам сомеъ бўла туриб, бевосита менга қаратилган бўлмаса-да, худди ерга кириб кетгудек бўлардим, шунда мен ўспириннинг ҳам қулоқдари том битиб қолар, бу одамларни мендан кўра кўпроқ койишингга қарамай, айтган гапларингдан кўнглинг тўлмаётгани шундоқ кўриниб туарди. Қизифи, ўзингни фариштадай айбизиз ва хато қилмайдиган одам деб билганинг учун бошқалар устига мағзава тўкаётганингда ҳеч кимга бу ҳақоратлардан сақданиш учун заррача имкон қолдирмасдинг.

Дашномларингни важоҳатли дўқ-пўписала-ринг қойилмақом қилиб етказар, улар адашмай мени нишонга оларди. «Хозир бурда-бурда қилиб таштайман», деб разаб билан қичқирганингда даҳшатдан тахта бўлиб қотиб қолардим, ҳолбуки, бу гаплардан кейин ҳеч бир қўрқинчли ҳодиса юз бермас (бOLA чоғимда мен буни қаердан ҳам билардим), бироқ Сенинг зўравонлигинг ҳақидаги тасаввурим билан ишонч туйғуси қарийб бир-бираiga мувофиқ келар, Сен буни ўз хатти-ҳаракатларинг билан қойиллатиб ўрнига қўяр эдинг. Сен стол атрофига бақириб-чақириб, бирон-бир нарсани ушлаб, улоқтириш учун жаҳд билан ҳаракат қилганингда даҳшатли манзара юзага келарди,

аммо негадир қўлингга ҳеч бир нарса илинавермас, афтидан, бирон-бир нарсани олишни мўлжалламас ҳам эдинг, аммо бу мугомбирликнинг миси чиқиб қолмаслиги учун, онам ўзини сендан ниманидир асраб қолмоқчилик тутар, бунинг йўлинни ҳам топарди. Бу болада улугвор марҳамат кўрсатганлик таассуротини уйғотар, шу олижаноблик эвазига ҳаётим омон қолди, деган хаёлга борган кичкинтой Сенинг қўлингдан совға олишга ҳаққим йўқ, деб ҳисобларди. Охир-оқибат бундай муносабат натижаси ўзига хос тарзда саркашлик бўлиб чиқарди. Бошлигар ишим ёқмаса, уни муваффақиятсизлик билан тугайди деб башорат қилишдан бўшамасдинг ва мулоҳазаларингга амал қилганим боисидан ҳам бу иш айтганингдек бўлиб чиқарди. Ўз фаолиятимга нисбатан ишончни йўқотдим. Мени шубҳа ва субутсизликлар енгигб олди. Улғайганим сари минг бир далил-исботлар билан ожизлигимни тасдиқлаш пайида бўлганингни кузатаман; ҳатто бу саёз фикрли омма учун ҳамиша ҳақдай бўлиб кўриниши хусусида ҳам шунча кўп далилларга эга бўлиб бордим. Аммо шуни айтиб қўяй: Сен менга бирон-бир нарсани тиқишириб, кутилган натижага эришмоқчи бўлсанг, ҳеч кучингни аямайсан, аммо бу сафарбар қилинган жидду жаҳдинг ҳаддан ташқари ортиб кетди ва устимдан ўрнатган ҳокимиятинг шу даражага етдики, бу ҳокимият қўли билан нимани хоҳласанг, шуни намойиш қила оладиган бўлдинг.

Сен тарбияда киноя кучидан, айниқса, унумли фойдаланаардинг ва вазиятга мувофиқ келишини жуда яхши билардинг. Сен учун мана бундай оҳангда: «Буни сен уддалашинг қийиндиров? Тўғри, қаердан ҳам бунинг учун куч топа олишинг мумкин? Қолаверса, бунга вақтинг ҳам бўлмаса

керак», тарзида гапириб, фаолиятдан қайтариш чўт эмасди. Бунинг устига, шу оҳангда саволлар берар экансан, айнан шунга мос юзингда ибли-сона тиржайиш ҳам қалқиб чиқарди. Ҳаммаси равшан бўлар, бунгача ҳам, ниманидир кўнглимдагидек охиригача етказолмаганимни билган лаҳзаларимданоқ ўзимни жазоланган ҳисоблардим. Менга нисбатан пичинг ва танбеҳларни учинчи бир шахсга қаратилгандек талаффуз этишинг ниҳоятда ёмон таҳқирларди. Масалан, Сен онам билан гаплашаётганингда олдингда ўтирганим учун ҳам: «Албатта, буни ўғил жанобларидан кутмасам ҳам бўлади», қабилида заҳарли бир луқмани гапингга тиқишириардинг. (Бора-бора бу жанг услубинг шундай ажиб натижалар бердики, Сендан бирон-бир нарсани сўрашга ҳам юрагим дов бермай қолди, ҳадик мен учун одатга айланди, ҳатто кейинроқ бу одатга суюниб қолдим, айниқса, онам ёнимизда бўлса, бирон-бир савол билан бевосита Сенга мурожаат қилишдан ўзими тиярдим, ҳолбуки, ёнида онаси турган бола учун Сен ҳақингда Сендан бирон нарсани сўраш энг хавфсиз ҳисобланади: мен эса шунда ҳам бирон-бир кутилмаган вазият туғилса, ўзимни муҳофаза қиласай деб олдин: «Отамнинг кайфияти қандай?» – деб онамдан сўраб оламан. Гоҳида истисно тариқасида шундай ҳоллар ҳам юз берар, бадният одатларингдан бирининг томирига болта уриб қолардим, ҳолбуки, у менга эмас, масалан, мен билан йилларча жанжаллашиб келаётган Эллига тегишли бўлиши мумкин. «Бу бақалоқ қиз дастурхондан ўн метр нарида ўтириши керак» – Сен у ҳақида мана шундай масхара оҳангиде гап бошлар экансан, мендаги унга нисбатан нафрат ва ичи қоралик албатта тантана қиласар, аммо бу бадфеълигим билан манзаранинг давомини ку-

затар эканман, унга ғаним бўлишимга қарамай, Сенинг масхараомуз ва жирканч қарашларинг остида қолган бу қиздаги дўстона ва кўнгилчалик қирраларини кўрмаслигим мумкин эмасди. Сен бу таҳқирли саҳнани тақорорлаганинг сари фаразли мақсадингга шу қадар кам муваффақ бўлардинг. Ўйлашимча, Сенда қўқисдан пайдо бўлган қаҳр-ғазаб сабабига ҳеч қачон тўғри келмайди, шунинг учун ҳам бунчалик жаҳлинг чиқишига одам ишонмайди, масалан, стулга нотўғри ўтириш каби бир арзимас ҳолатга кўзинг тушибши билан тутақиб кетасан, демак, аслида Сен олдиндан нимадандир ғазабланган бўласан-да, арзимаган нарсани баҳона қилиб, ундан унумли фойдаланиб – хуморингдан чиқиб оласан. Бу туйғу қанчалик ишончли, қаҳрланишга сабаб бўладиган важ-корсонлар ҳамиша топилиб туришига қарамай, унинг ортидан қолмаслик, унга ёпишиб олиш шунчалик керакми, ахир тинимсиз дағдағалар зеҳнни ўтмаслаштириб, бор иқтидорни адойи тамом қиласди-ку; нима бўлганда ҳам кундек аён ҳақиқатдан шубҳага боришга ҳеч ҳам ҳожат йўқ-ку. Мана шундай қилиб мен бадқовоқ, кам эътибор, қулоқсиз бола бўлиб қолдим, ҳаммасидан ҳам ўтадигани, ҳамиша писмиқ эдим, доимо қўнглимдагини яширишга тайёр турардим. Бундан Сен изтироб чекдинг, биз ғамга ботдик. «Зўр тўда-ку» (яқинда Константинополдан келган бир нома муносабати билан аччиқ киноя қилганингдек), дея ўзингча яна ҳақ бўлиб чиқасан-да, тишларингни ғижирлатиб, узуқ-юлуқ, ярим тиржайиш билан болага бошиданоқ жаҳннам манзарасини намойиш қиласан.

Сен қачонки ҳамма эшитиб юрадиган ўзўзингдан ёзғиришларингни бошлишинг билан – бу кўп тақороланиб туради – бу жўяли гаплар

ўз болаларингга нисбатан муносабатингнинг акси эканини аён қиласи-қўяди. Тан олиш керак, бола ўзи ҳақидаги шикоятларга қарийб иштироксиз қолади, ҳайронман, шундай қаттол фикрда бўла туриб, яна қандай қилиб раҳм-шафқат ҳақида ўйлаган бўлишинг мумкин, бунга ҳеч тушуна олмаганман (катта бўлиб, оз-моз тушуна бошладим). Сен ҳар қанақасига ҳам комил бўлсанг, қандай қилиб, раҳм-шафқатимизга, бу етмагандек ёрдамимизга муҳтожсан, ҳеч ақлимга сифмайди? Аслида, биз кўпинча нафратланганимиз каби, Сен ҳам ундан ҳазар қилган бўлишинг керак. Чунки бу гина-кудурат ва фол очишларга ҳеч ҳам ишонолмаганман, уларда қандай маҳфий ниятлар яширинган бўлиши мумкин? Кейинроқ, шуни англадимки, ўша пайтларда Сен ҳам болаларингдан жуда ҳам озор кўргансан, лекин айни бир вазиятда ўзича йиғлоқилик болаларча соддадил, ишонувчан ҳисларни ўйғотган ва бу ҳисларнинг ёрдамга тайёрлиги, ўз навбатида муқаррар янги ва очиқроқ тарбия ва хўрлаш воситаси бўлиб келгандай туюлади. Буларнинг таъсири уччалик кучли бўлмаса-да, оқибати шундан иборатки, бола жиддий қабул қилиши керак бўлган тушунчаларни юзакироқ тушунишга одатланиб қолади.

Бахтимга, баъзи воқеа ва вазиятларни истисно қилганда, Сенинг индамас изтиробларинг, меҳр-муҳаббат ва яхшиликларингнинг катта қисми кучини кўрсатиб, мендаги бор қаршиликларни синдириб бўлди ва бутун жони-жаҳоними ни эгаллаб олди. Тўғриси, бунга камдан-кам ҳолларда эришилади, бироқ шунинг ўзиям гаройиб бўлган. Илгарилари мен Сени ёзнинг жазирама кунларида тушликдан сўнг пештахта ортида ҳориб, кўзинг илиниб қолган ҳолда учратардим; кейинроқ онамнинг оғир хаста бўлиб қолган чоғла-

рини яхши эслайман, Сен бу кулфатдан ларзага тушиб, шкафга суюниб қолгандинг; гоҳо эса хотирам кўчасида сўнгги марта оғриб қолганимда Отла билан ташриф буюрганинг кўринади, хонам остонасидаёқ тўхтадинг-да, мени яхшироқ кўриш умидида бўйнингни чўзиз қарадинг, аммо уриниб қолишимни истамаганингдан турган жойингда менга қўл силкиб қўйдинг. Ўшанда ётган жойимда баҳтиёргимдан энтика-энтика йиғлаган эдим, бу ҳақида ёзар эканман, ҳозир ҳам кўз ёшларимни тия олмаяпман.

Сенда ўзига асир этадиган сокин, сассиз, са-мимий, қисқаси, гўзал ва нодир табассум инъом этилганки, у кимга қаратилса, назари тушганинг дилини яйратиб юборади. Аммо бу табасум ёрқин бир алпозда менинг болалик кунларимга қиё боққанини эслай олмайман, эҳтимол шундай дамлар ҳам бўлгандир, билмадим, аммо нега Сен у чоғларда бу баҳтни менгараво кўрмагансан, ҳолбуки, гўдакликдаги гуноҳсизлигим ва шабнамдай покизалигим ва яна келажакдаги улуғ умидларинг тимсоли бўлганлигим боисидан ҳам ҳаммадан кўра бу баҳтга мен лойиқ бўлишим керак эмасмиди? Э воҳки, бу тасаввур лаҳзалирининг ёқимлилиги ҳам гуноҳкорлик ҳисларими ни аланга олдиради ва янада дунёни менга тушуниксиз қилиб кўрсатади.

Яххиси, доимий ва ҳақиқий аҳволни ўйлаган маъқул. Дарвоҷе, Сенга нисбатан муносабатим хусусида қанчалик кўп далил-исботга эга бўлишмга қарамасдан, қонимизга сингиб кетган ўч олиш туйғусининг қучлилиги боисиданми мен кўпинча Сенинг феъл-атворингдаги кулгили, майда-чуйдаларнинг изига тушиб кетаман, уларни тўплаб, бўрттириб юбораман. Мисол учун, Сенда баланд мартабали кишиларга нисбатан,

айтайлик, Кайзернинг аллақандай маслаҳатчиси ёки шу мақомдаги бирон-бир киши ҳақида берилб ҳикоя қиласар экансан, унга нисбатан алоҳида, бир қадар хаёлий, сўқирларча маҳдиёлик кўзга ташланади. (Бу ўз йўлига бўлса майли эди, ҳолбуки отам бўлган Сендей инсон эса арзимас баҳосини кўтариш илинжида бу амалдорларга ўзини дахлдордай кўрсатиб, уларни оғзидан бол томиб мақтагандай бўлади ва буни ҳис қилиш мени чидаб бўлмас азобларга гирифтор этади). Ёки Сенинг яна бепарда гапларга ишқибозлигинг жонимни ҳиқилдоғимга олиб келади, бироннинг устидан мазах-мутойибани бошлаб юборган чоғларингда, жуда ҳам шанғи бўлиб кетасан, бундан-да даҳшатлиси, айтилган гаплар айнан бориб нишонга тегади, ҳолбуки, бу луқмалар мантиқ нуқтаи назаридан жуда ҳам бўш, саёз, арзимас, бориб турган беадаблик намунасиdir. (Бунда ҳам ҳаётдагидек зўравонлигинг кучини кўрсатиб, мени ўсал қиласди). Англашилганидек, бунга ўхшаш ҳазил-хузул ва миш-мишларга эрк берадиган ҳар хил тафсилотлар кузатуви анча-мунча, улар мени хушнуд этади, Сен учун эса гийбатнамо манзара касб этиб, жаҳдингни чиқарган ва ўзингни ҳақоратланган ҳис қилган бўлишинг турган гап; агар ишонсанг, менда бутунлай бошқача таассурот уйғотади: уларни эслаб туриш худди Худо ва қиролларга муносабатни намойиш қилиш имконини яратгандек, бунга ярамаса-да, ўз-ўзимни ҳимоя қилиш воситасидай бўлиб келади, бу мазахлар фақатгина чуқур ҳурмат-эҳтиромга муносиб бўлмай, ҳатто уни яратувчи бир асос ҳамдир.

Дарвоҷе, Сен ҳам менга нисбатан муносабатда мендан ортиқ имкониятга эга эмас эдинг, нима қилиб бўлса-да ўзингни ҳимоя қилиш пайи-

да бўлардинг. Афсуски фаровон яшаётганлигим, учун қанчалик заҳмат чекканинг, булар бир-бира га шунчалик мувофиқ келишини чиройли қилиб эслатишни боплайсан, холос. Буни инкор этмайман, лекин энг қалтис, ҳал қилувчи паллаларда, афсуски, менга улар асқатади, деб айта олмайман.

Ҳа, онам менга нисбатан чек-чегарасиз меҳрибон, олижаноб, аммо буларнинг бари Сенга бо-риб тақалишини ўйласам, алaloқибат – машъум алоқадорлик кўринишини касб этади. Агар адашмасам, онам ўзи истамаган ҳолда, ўлжаларни қопқон сари ҳайдаб келувчи ролини ўйнайди. Ростиға кўчадиган бўлсам, берган тарбиянгга нисбатан яширин, ярим-ёрти бўлса-да, қалбимда хушламаслик, ҳатто нафрат ғимирлаб юргани мени оёқقا туришга, мустақил бўлишга ёрдам берган бўлса ажаб эмас; аммо онамнинг барча олижанобликлари бу уринишларимни текислаб ташлаб, мушфиқ пандлари (болалигимда у мен учун энг юксак ақд-идрок тимсоли эди), ҳомийлиги билан зўрлаб даврангга олиб кирап, унда эса муҳит бошқача, Сенга тўғри келмаган ҳис-туйгуларнинг оёғи осмондан бўлиб, давра фақат Сенинг фойданг сари йўргалашга маҳкум эди. Аммо бу яраштириш билан ҳам ҳаммаси тугаб қолмас, онам ўғринча Сендан мени ҳимоя қиласар, яширин суратда нималарнидир ҳадя этиб, нималарнидир қилишимга рухсат берардики – шунда яна Сенинг олдингда айбдор ва жиноятчи бўлиб чиқардим, ёлғончилигим ва гуноҳкорлигимга ичдан иқрор бўлардим, ҳақиқир бир ҳолда ҳали ҳақ-хуқуқим, имкониятим бор ҳолда, ўзимни ҳимоя қилиш мумкинлигига қарамай, йўлимдан айлануб ўтардим, ўзимдан, ўзлигимдан чекинардим. Табиийки, кейинроқ бу йўлларни эгаллашни ўр-

ганиб олганимда ҳам, бундай қилишга ҳаққим ҳам, ҳуқуқим ҳам йўқ, бу ноҳақлик бўлади, деган фикр-га тез-тез келадиган бўлиб қолдим. Бунинг ўзи ҳам айбдорлик ҳиссини бир неча карра оширади.

Очиғи, Сен бирон марта ҳам менга расмана қўл кўтармагансан. Лекин босар-тусарингни билмай бақириб-чақиришларинг, азобдан башарангнинг тиришиб кетиши, тасмангни ечиб, уни стулнинг орқа суюнчигига ташлаб қўйишларинг – буларнинг бари мен учун калтаклашдан ҳам беш баттар эди. Бу туйгуни бошдан кечириш гоҳ Сени олий жазога мустағриқ этарди. Ўйлардим: ҳақиқатан ҳам у дорга тортилса, жони узилади-ю, шу билан буларнинг бари ўз ниҳоясига етади. Эҳтимол, ҳамма нарса қатл учун тайёрлаб қўйилиб, унинг кўз олдида дор сиртмоғи саланглай бошлаганда, бир лаҳзада у ҳаммасини чуқур англаб етар ва яшаш учун имконият сўраб, бутун умридаги зулми учун азоблар чекар, илтижолар қилишга тушиб кетар, деган хаёлларга борардим. Бу етмагандай, бир талай воқеалар ҳам фикрингча менинг саваланишим лозимлигига хизмат қиласар, олижаноблигинг қайтадан кабир гуноҳларни ҳис қилишга имкон яратарди. Шу боис ҳам, мен ҳамма томондан Сенинг олдингда боши-кети йўқ гуноҳкорга ўхшайман.

Сен анчадан буён менга оғир меҳнатинг эвазига хор-зорликка гирифтор бўлмай, тинч, жоним ҳузурда бўлиб яшаб келганимни (ҳолбуки, ярқ этиб кўзга ташланадиган одамови ва хароб сўнгги вазиятимга кўра, шуни айтиш мумкинки, ҳеч қачон болаларинг ҳақида жиддий бош қотирмагансан, балки кўпинча чеккада ё юқоридан туриб фикр юритасан) юзимга солиб келасан. Мен кўпинча, миямни даҳшатли тарзда буровга олиб, асоратлар қолдирган огоҳлантиришларингни эслаб

тураман: «Мен етти йил тиззамгача лой кечиб, қишлоқ йўлида чоригимни судраганман-а», «Биз ҳаммамиз каталакдек хонада тиқилиб ётардик», «Ўшандা картошкамиз мўл тукканидан қувончимиз ичимизга сифмасди», «Пизекдаги дўконни менга ишониб топширганларида, ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдак эдим», «Йиллар давомида тузук қишки пойабзалим бўлмаганидан, оёғим яра-чақа бўлиб кетганди», «Мен ҳеч қачон ҳеч нарсани уйдан олмаганман, ҳатто, ҳарбий хизматни ўтаётган давримда ҳам ўзим у-будан орттириб, уйдагиларга пул жўнатиб турардим», «Ҳар қанақа йўл тутишларига қарамай, бари бир отам мен учун энг улуғ ҳурматга лойиқ падари бузруквор эди. Ҳозир ким отасига шундай муносабатда бўлади? Тириклик азобларини татиб кўрмаган болалар нимани ҳам билишарди? Дарвоқе, ҳақиқатни аниқ-тиниқ англаб етмаган болалардан нимани ҳам кутса бўлади?» Эҳтимол, бу ҳикоялар бошқа бир вазиятда Сен каби оталар инъом қилган хорлик ва кулфатларни ҳайдашда асқатиши, куч ва тетиклик бағишлиши, аъло дарражадаги тарбия воситалари бўлиши мумкин эди. Бироқ буни умуман истамаган кўринасан, Сенинг таъсиринг натижасида оиланинг маънавий муҳити ёмонлашди, буни яхшилаш имкони бўлгани ҳолида баттар чоҳга судрагандайсан. Бу эса зўравонликни кучайтирди, оиласда кескин ўзгариш ясади, уйдан бутунлай бош олиб кетишдан бошқа илож қолдирмади (Шундай шароитда ҳам онам бунга қарши бўлмаган воситалар илиа етарлича қатъият ва куч топа билгандами). Албатта, Сен буни асло истамаганингдан, уни номард, тентак, қулоқсиз, сотқин ва жинни деб атаган бўлардинг. Ўшанда намуна учун Сен кўпгина мисоллар топиб, ҳикоялар сўзларкансан,

бир томондан, ор-номус ҳиссини аланга олиши-ни күзлаган бўлсанг, бошқа томондан, унинг бош қўтармаслиги учун тиш-тироғингача қаршилик кўрсатгансан. Алаҳсиган паллаларингдан бирида Цюраудаги⁹ Оттланинг ўзини овунтиришлари Сени жуда ташвишлантириб қўйди. У ҳам худди Сен ўз отангдан мустақил бўлганинг каби эркинлик истар ва меҳнатинг меваларига муҳтож бўлиб қолмасликни кўнглига туккан, унга бирон нарса инъом қила олишинг мумкин бўлгани ҳолда, қишлоқда ёлғиз яшаб, бемалол ишлаш имкониятига эга бўлишни хоҳларди. Наҳотки, бу шунчалик ёмон ният бўлса? Наҳотки, бу Сенинг ибрати тарбиянгдан ҳаддан ташқари узоқ бўлса? Оттланинг бу ниятлари охир-оқибатда зафар тожини кия олмаган, ота-она шаънига номуносиб, яна аллақанча келишмаган томонлари-ю, фавфоси кўп бўлса нима қилибди?! Наҳотки, бунинг учун ёлғиз унинг ўзи айбдор? Бу вазиятда Сенинг гуноҳсиз эканлигининг ўзи биринчи навбатда ундан ниҳоятда узоқдашиб, бегоналашиб кетганингни билдирамайдими? Дарвоқе, у Сенинг дўконингда ишлагандан кеч пайқалган бу бегоналик (кейинроқ ўз-ўзингни кўниктирганингдек) Цюраудагидан каммиди? Наҳотки у Сенинг бошқарувинг натижасида (ҳатто ўз-ўзингни енгтан аҳволингда ҳам) руҳи кўтарилган, ўзига қарашга, маслаҳат олишга, ҳатто оддийгина сабр-тоқат қилишга ўрганган бўлса?

Бунақа пайдар-пай сабоқлардан кейин ҳам чучмал ҳазиллар қиласердинг: яшашимиз худди жаннатдагидек эмиш. Нафсиамрини айтганда бу бели букри ҳазилларнинг яроқсизлигини думбил ҳам билади. Гапнинг пўскалласини айтганда, буларни ҳазил ҳам деб бўлмайди. Қизик, Сен шу пайтгача нима учун курашиб келдинг, берган

тарбиянг бизни нимага ўргатди, чунки у ташқи дунё билан курашда бир чақага арзимас, шу боис жангга биз кечикиб, кап-капта бўлиб кирганимизга қарамай, гўдаклардай нимжон эдик. Оқибатда биз оғир аҳволга тушиб қолдик, аммо бу билан вазиятимиз Сеникидан-да аянчли эди деб исботламоқчи эмасман (вазиятдан чиқиш чораларини тенглаштира олмайман ҳам), умумий аҳволимиз қарийб teng эди. Сен бунга қандай қилиб маҳкум этганинг хусусида сўзламасак-да, бу ҳақир аҳволимиздан шундай бир фикр келиб чиқадики, ўз гуссаларимиздан мақтана олмаганимиздек, уларни ерга уриш ҳам қўлимиздан келмайди. Албатта, мен Сенинг машаққатли меҳнатларинг мевасидан баҳраманд бўлганимни рад эта олмайман, буни эса муваффақиятингни таъкидлаш, қувончингни орттириш учун ҳам қилганман, бироқ ҳамиша бир-биримизга бегоналигимиз бунга халақит берарди. Шу билан бу баҳрамандликда Сен ҳадя қилган уятчанлик, хавфсаласизлик, дарди кўпнинг дармони йўқ деганларидек, ичдан гуноҳкорлик ҳиссининг мавжланиши каби алоҳида меваларнинг бўлганигини ҳам айтиш керак. Яна ҳаётимни тўғри ўзанга буриб юборганинг учун эмас, тиланчи қўлига икки чақа тутқазгандек яхшиликларинг учунгина миннатдорчилик билдиришим мумкин.

Бу тарбиянинг бошқача тарздаги ташқи натижаси шу бўлдики, нимаики Сени эслатадиган бўлса, ундан узоқлашадиган, орқа-олдимга қарамай қочадиган бўлдим. Дўконингни ҳаммадан олдин тарк этдим. Болалигимда у шунчаки чорраҳадаги дўкон эди, лекин жуда гавжум жойда ўрнашгани, кечалари чироқлардан теграси ёришиб тургани, кўп нарсани кўриш ва эшитиш мумкин бўлгани, бунинг кимгадир ёрдами теги-

ши ва ҳоказо қулайлиги билан ажралиб туриши; асосийси эса у Сенинг ажойиб тижоратчилик истеъдодингни манаман, деб кўрсатиб, шарафлаб турганини айтмайсанми; айни унда одамлар билан муомала-муносабатга киришиб, кучли ҳазил-мутойиба билан ишингни битиришинг, зарур бир қарорни тез қабул қилиш, керак бўлса, ўша заҳоти буни амалга оширишингни намойиш этиш имкони билан мени хурсанд қилган бўлиши керак; устига-устак ҳар турли молни бежирим қилиб ўрашга усталигинг, айниқса дўконда ҳар бир янги қутининг очилишининг ўзи тантана тусини олар ва Сени олқишлиашга сазовор манзара ясар, буларнинг ҳаммаси эса бир бутун бўлиб, мен каби мактаб болалари учун зўр, антиқа бир томоша эди. Булардан қатъи назар тобора яна ва яна – мунтазам суратда мени қўрқитиши пайдида бўлдинг, бу кўпроқ дўконда юз бергани учун Сен ва дўкон мен учун ягона, қўрқинчли бир маҳлуққа айланиб қолаёздингиз, шу боис ҳам дўконга кирганимда ақли-хушим ўзимда бўлмасди. Шунга қарамай, бошланишда буларнинг бари табиий туюлар, фақат хизматчиларга бўлган дағал муомаланг мени хижолатга солар, қийнарди. Билмадим, болалигимдан худди хаста каби ҳаддан ортиқ таъсирчан ўсганим учунми, аксари ўринларда бу табиий ҳолми (масалан, Assicurazioni Generale дан кетмоқчи эканлигимни директорга тушунтиришга уринганимда, бу ният ҳали муқаррар ҳақиқатга айланиб улгурмаган эсада, шунчаки хаёлий сафсата ҳам эмасди; рост, бу ўзимга боғлиқ бўлмаганига қарамай, дўконни ёмон кўриб қолганим учун ҳам бирор нарсасига тегишга журъат қилолмаган эдим), лекин болалигимнинг бошқа жойда ўтган кунлари дилимни бунчалик ғам-ғуссага ботирмаган. Дўконда

гувоҳи бўлганим – бақир-чақир ва дарғазаблик-ларинг, койиш ва ҳақоратларинг, ўшандаги тасаввуримга кўра, бошқа жойда бунчалик тубан кўринишида юз бериши мумкин эмасди. Гап фақат Сенинг жаҳлинг туйқус чиқиб, ғавфо кўта-ришингда эмас, балки золимлигингдадир. Айтайлик, гоҳ дабдурустдан пештахтадаги учраган молни улоқтириб қолардинг ва бу атрофдагиларни тахта қилиб қўйганига беътибор йўлингда давом этаркансан, ҳар тугул ўшандаги ақлсиз-ларча ножӯя хатти-ҳаракатинг ҳовурингдан тушириб, ғазабингни босар, аммо ҳалиги молни гумашта албатта ердан олиб, саришта қилиши шарт эди. Ёки бир сил касал хизматчинги: «Ҳа-ром қоттур, касал ит», дердинг, бошқа хизматчиларни эса: «Сотиб олинган ғанимлар» деб, фижиниб юрадинг; улар шундай бўлгани ва шунга маҳкум этилгани боисидан Сен менга уларнинг «ғаддор қулдори» бўлиб туюласан. Мен дўконда улуг бир сабоқ олдим – Сен ҳам ноҳақ бўлишинг мумкин экан, агар бу фақат ўзимгагина даҳлор бўлганида эътибор бермаган, Сени оқладиган далиллар топган бўлардим, чунки айбимни ҳис қилиш менда кучли; ўшандаги тасаввуримга кўра, дўконда ишлайдиган барча хизматчилар олдингда қўрқув, даҳшат ҳисси билан яшашла-ри шарт эди, майли бу тасаввур кейинроқ бир оз ўзгарди, унга яна нималардир қўшилди, лекин моҳиятан ўзгармай қолаверди. Албатта, буни бўрттирган бўлишим мумкин, лекин ишончим комилки, бояги мисолнинг ўзи улар ҳам мен юз-ма-юз келган қўрқувларга маҳкум этилганликла-рини тасдиқлайди. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, фаҳм-фаросатли, катта киши бўлишлари-га қарамасдан, инсон асаби бардош беролмайди-ган бундай ҳақоратлар уларни ерпарчин қилган,

бечоралар озод инсон каби умр кечирмаган бўлиб чиқадилар ва бунинг нуқси дўкон муҳитига уриб, оқибатда ҳаммадан кўра кўпроқ ўзинг зарар кўргансан. Буларнинг бариси менда дўконга нисбатан чидаб бўлмайдиган нафрат оловини алангалатди, Сен-ла муносабатимга ҳам қаттиқ таъсир кўрсатди: бунда амалпарастлигинг ва уддабуронлигингни тилга олмаганды ҳам, пиҳини ёрган савдогар нигоҳи билан хизматчиларингга қандай ёндашишингни айтмасам бўлмайди. Бир пайтлар Сенга кимдир ўргатганидек, ходимларингнинг ишдаги ҳар қанақа натижалари асло қониқтирумас, бу инжиқдигинг менинг хатти-ҳаракатларим ила баттар ошган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам хизматчиларинг томонига ўтиб олдим, бегоналарга шунчалик зулм қилишингга ҳеч ҳам тушуна олмасдим, қўрқоқ табиатимга кўра, хизматчиларнинг жунбушга келишларидан чўчиб, ўзаро яраштириш йўлларини излардим, гўё ходимларингдан Сен ва оиласизга ҳамиша хавф бордай туюлар ва уларнинг сабр косасини нима тўлдириши мумкинлигини ўзимча чамалаб юрардим. Хўжайинлари бўлган Сени тепадан улоқтирасинлар деб, ич-ичимдан хавотирлардим, сиртдан буни билдирамасликка ҳаракат қилсан-да, аслида оёқларини ялаб-юлқашга тайёр ҳолда юрардим, аммо менга оддий хушмуомалик, камтаринлик хислатлари етишмас, ҳарчанд мўмин-қобил кўринишга уринмай, биринчи бўлиб салом бермоқقا чоғланар, мабодо салом бериб қолишса, муносиб алик олиш билан, кўнгилларини юмшатиш пайида бўлардим. Мен бу ўринда ўзимнинг атрофдагиларга муносабатим ҳақида гапирдим, бундан ташқари (мисол учун Оттланинг қашшоқларга беписанд муносабати ёки кимнингдир ходимларингдан бирига хушму-

омала бўлиши асло Сенга ёқмаслиги, жаҳлингни чиқариши ҳозирча бирон-бир хавф тугдирмаса-да, охир-оқибат шундай натижага олиб кела-дигандай бўлаверади) дўкон келажакда мавқе-ингга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаса, деб хавфсирайман. Алалоқибат дўкондан қўркувга туша бошладим, жилла қурса у менинг қисматим эмаслигига имон келтирдим, кўнглим қолди, гапнинг пўскалласини айтганда, ҳали гимназия-га кирмасимдан олдин ундан анча узоқдашиб бўлгандим. Шунинг учун ҳам дўкон ишлари билан шуғулланишга мутлақ ақдим бовар қилмас, ҳатто тан олганингдек, у Сенинг ҳам куч-қувватингни сўриб, адойи тамом қилиб қўйганди. Дўкондан кўнглим қолгани худди болаларингдан нафратланганинг каби фақат Сенга боғлиқ шундай қулфатки, (бу мени хижолатга солади) бироз бўлса-да, ҳузур-ҳаловат топиш учун мени савдо-сотик ишларига ноқобил ва ундан-да юксак foялар калламни банд этган, деб исботлашга ва ишонишга интилиб келдинг. Албатта, бу гаплар онамни суюнтириб юборган эди, ҳолбуки иродангга қарши бориб, бу топилманг манманлигим боис йўлсизлигимни баттар кучайтирди. Ҳақиқатан ҳам «Юксак орзулар» мени дўкондан (мен энди, ундан чинакамига нафратланаман) айирганида, ҳаётим бутунлай бошқа бир ўзандан кетган ва ҳозиргидан тубдан фарқ қилган бўлар, мен гимназияда ҳуқуқий билимлар уммонига таваккал ўнниб, бир кун бирор камтарона амал курсиси олдидан сузиб чиқсан бўлардим.

Сендан қочишим – оилани тарк этганимни, ҳатто онамдан ҳам юз ўтирганимни биддиради. Тўғриси, унинг бағридан ҳамиша ўзингга паноҳ топсанг бўлади, аммо бу бошпанада Сенинг муҳринг излари бор. У Сени жони-жаҳони билан

севиб, бор-йўғини тамомила баҳш этгани туфайли бу ҳолат оз ёки кўп даражада узоқ пайт бола тарбияси учун курашда алоҳида роль йўнади. Аксига олиб, онам гўдак ўз савқи табиий сезги-сига ишонгани каби, Сенга тобора яқинлашишиб борди: у назокатли ва юмшоқ феъл, ҳеч вақт жаҳдингни чиқармас, шу билан бирга ўз эркини ҳам асраб-авайлаган, бироқ унинг йиллар ўтган сари шошқалоқлик ва сўқирлик билан болаларга зуфуминг кучайишини, албатта Оттла масаласи оғир бўлганди, жимгина қабул қилиб келганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Албатта, онамнинг оиласидаги аҳволи қанчалик азобли ва ҳолдан тойдирадиган бўлганини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Очиги, дўкон ва уй ғалвалари суробини тўғрилаган, оиласидаги ҳамма дарзли нуқталар унга икки карра оғирлик олиб келар, бунинг мукофоти эса ҳамиша ғам-ғусса бўлар, чунки у шундай вазиятни эгаллаган эдики, Сен ва бизнинг орамизда, оралиқда қолганди. Унга nibatan эътиборлисан, муҳаббатинг ҳам йўқ эмас, лекин худди бизга бўлган муносабатинг каби жининг тутса, уни ҳам аяб ўтирумайсан. Ҳа, биз жуда ҳам шафқатсизларча – Сен ўз томонингдан, биз ўз томонимиздан уни турткilar, гўё бир-бири мизга отиб ўйнардик. Кўринишидан, ҳеч ким бирон-бир ёмон фикрга бормас, ҳамма фақат ўзича бир мақсад йўлида курашаётганга ўхшар, Сен бизга бир нарсани буорганингда биз бошқа бир нарсани баҳона қилгандек, ўйлашимча бу жараёнда онамни қайта-қайта ютиб олгандек бўлаверардик. Биз учун уни қийнаганинг боисидан ҳам берган тарбиянг сезиларли наф бермади. Бошқа оқловлар ҳеч ақдга тўғри келмаса-да, буниси ҳатто унга нисбатан бизнинг меҳримизни гўё оқлади ҳам. У қандай куч билан Сенинг, Сен сабаб бизнинг

гап-сўз, писанда хатти-ҳаракатларимизга сабр қилиб келди экан? Фақат Сен ўзингни ҳақ ҳи-соблаб, у бизни ортиқча суйгани, «талтайтиргани» ҳақида оғиз кўпиртирма, балки бу эркала-тиш Сенинг тузумингга нисбатан беихтиёр тинч, зимдан норозилик белгиси эмасмикин? Албатта, онам, шукрки, ҳаммамизга бўлган чексиз муҳаббати кучи билан қўлидан келганини қилган, бўл-маса бунча хўрлик ва азоб бир кўнгилга сифиши, унга дош бериш душвор эди.

Сингилларим бир қадар менинг томонимда туришарди. Айниқса, Валлининг Сенга муносабати кишини саодатманд қиласди. У ҳамма-дан кўра онамнинг йўлини тутиб, ҳеч бир кўзга ташланадиган қийинчиликларга дуч келмай ва бирон нафни тама қилмай, ўзини сенга мосла-ганди. Сен ҳам ўз навбатида онам ҳақида унут-маганингдан унга дўстона, илиқ муносабатда бўлардинг, ҳолбуки, унинг зуваласида бошқа-ларга қараганда кафказодалик камроқ. Балки бу одамлар кўзига шундай ўюштирилган бўлиши ҳам мумкин: чунки оиласиз жамулжам бўлма-ганда ўзингни тамоман бошқача тутасан, ҳат-то буни талаб қилиш ҳам қўлингдан келмайди-гандек кўринади; худди бу ерда биздан айириб алоҳида тақдирлайдиган ёки асрраб-авайлашга арзийдиган бирон нарса йўқдай, ҳеч нарсани ҳис қилмасдан ўтираверасан. Сен афтидан, ҳеч қачон шажарамиздаги аёллардан биронтасини чинакам меҳр билан яхши кўрмаганга ўхшайсан. Эҳтимол, биз тўсқинлик қилмаганимизда, Валли-нинг Сенга нисбатан муносабати янада кўпроқ мулојим, дўстона бўлиши турган гап эди.

Сенинг таъсирингни қарийб синдиришга му-ваффақ бўлган ягона номзод – Элли бўлади. Бо-лалигимда мен буни ундан сира кутмаган эдим.

Ахир у ўшанда қандай қўпол, бўшанг, қўрқоқ, тумшайган, ўз гуноҳкорлигидан аламзада, индамас, сержаҳл, танбал, шириналликка ўч, очкўз бир қизалоқ эди. Ва шубҳасиз Сенинг таъсиринг босими остида уни кўролмасдим, у ҳақида адолатли гапиришим ҳам амри маҳол эди. Зеро, унинг хатти-харакати ўзимга ўзимни кўрсатарди. Айниқса, очкўз бола бўлганим учундир, хасислигидан жуда ҳам ҳазар қиласдим. Очкўзлик – инсонни баҳтсизликка дучор қиласдиган оқибати маълум иллатлардан бири, бу хасталик билан болалигимдан оғриганим боис, теграмдаги бирон-бир нарсага эга бўлолмасам, меники бўлишига ишонмасам, ўзимники қилгим келар, ҳеч бўлмаса, уни қўлимга тутиш ёки оғзимга солиш пайига тушардим, аммо бу нарса насиб қилмай, ноилож воз кечишга ҳозирлик кўришим билан бу айни муддао бўлгандек, у худди шу вазиятда ўша нарсани танлар, мендан уни тортиб олиш ишқида ёнарди. Лекин буларнинг бари унинг ўсмирлиги билан бирга қолиб кетди, кейин тамоман ўзгарди, киндик қони томган уйни тарк этиб, турмушга чиқиб, болалик бўлгач, ҳаётсевар, ўқтам, бегам, холис умидларга тўла ва яна бир талай фазилатларда якто бўлиб қолди. Буларнинг юз беришига ақд бовар қилмас эдими, ундаги ўзгаришларга умуман эътибор қилмадинг, ҳар қанақа воқеалар содир бўлиб туради-ку, Эллида балқиган фазилатлар Сен томондан баҳоланмади ва унга нисбатан сўқирларча салбий қараш, қандай бўлса, шундайлигича қолди, фақат аввалгидан фарқи сезиларли даражада ўз фаоллигини йўқотди: бундан кейин Эллининг биз билан яшамаслиги аёнилигидан, Феликсга бўлган меҳринг ва Карлга нисбатан хайриҳоҳлигинг бу адоваратни орқароққа суриб, кучини қирқди. Ҳали бу учун

Герти¹⁰ бошқача күринишида таъзирини ейиши керак бўлади.

Мен Оттла ҳақида битишга зўрға қарор қилдим; бу фақат хатимдаги фаолият харитасидағи белгиланган асосий нуқталар ҳаракати учун жуда зарурларини кўрсатишга ёрдами тегишидан умидвор бўлганим учундир. Оддийгина вазиятлар, масалан, унинг ўзи гўё татиб кўрмаган фам-фусса ёки хатарларни оламизми, ишқилиб, у фақат Сенга нафрат тимсоли сифатида эҳтиёжингга яраб келади; ҳа, ҳа, ўзинг бунга иқрор бўлиб, қайта-қайта таъкидлаганингдек, у Сенга доимий кўнгилсизлик ва азоб-уқубатлар олиб келди, бу изтиробларда қоврилганингда, у бундан рози, ҳатто шодмон бўлди. Хулласи қалом, унинг бўлган-тургани бир дажжолликдир. Бу қандай гаройиб бегоналашиш бўлдики, ўртамиздагиси етмагандек, Иккалангиз орасида бундай улкан жарликнинг пайдо бўлиш муқаррарлиги ҳайратланарли даражадаги адashiшга имкон яратди. У шунчалик Сендан узоқлашиб кетган эдики, уни қаерда бўлишини чамалаган бўлсанг, ўша ерда у эмас, балки шарпасини кўрардинг. У Сенга ташвишлар, талай азиятлар етказганини мен ҳам тан оламан. Лекин мавжуд аҳволни тўла тасаввур этишим қийин: юз берган ҳодиса жуда мураккаб, бироқ Лёви ҳамма томонини чамалагани каби бу ерда энг кескир қуроллар билан шайланган кафказодаликни кузатиш мумкин бўлади. Бизнинг орамизда ҳақиқий олишув жанги ҳеч қачон бўлмаган; шунчалик аҳволимни тез танг қилиб қўярдингки, жуфтакни вақтида ростлаб қолишидан бошқа иложим қолмас ва ҳасрату надомат билан ич-ичдан Сенга хезланниб юриш пайида бўлардим. Сизлар эса ҳамиша жанговар, куч-қувватларингиз тўлиб-тошган

ҳолатда, чатнаб-чирсиллаб турасизлар. Бунинг ваҳимали манзарасини тасаввур қилиш нақадар нохуш ўйлар уйғотади! Ҳаммасидан ҳам ўтадигани, түртөвимиздинг ичида у Сенга энг яқин туради, яна онам билан иттифоқингдаги энг ишончли ҳалқа ҳам Оттла ҳисобланади. Билмадим, сизларнинг бахтларингиз муштараклигига нима халақит берган бўлиши мумкин, ота ва боланинг ораси қандай бўлиши керак ўзи, бу ерда ҳам мен бошимдан кечирганга ўхшаш вазиятта дуч келинган бўлса ажаб эмас. Сенинг хос жиҳатларинг – мустабидлик, айрича феъл-атворинг, унинг алоҳида қирралари – Лёвига ўхшаш ўжарлиги, таъсирчанлиги, адолатпарварлиги, бедорликка даъвати – бари-бари кафказодаларга хос қудратни англатади. Эҳтимол, мен унинг таъсирига тушмагандек кўринарман, аммо бу даргумон, ҳадемай бу ҳаётда ҳам ўз исботини топса ажаб эмас. Аҳвол чигаллашиб кетганда энг охирги бўлиб даврага кирганига қарамай, ҳозир амалда кўп ишлар унинг ҳукмномаси билан ҳаётга мувофиқлашди. Тасаввур қилишимча, у ўз феъл-атворига кўра, бирон-бир обьект сари юзланар экан, ҳал қилувчи паллада Сен томонингда ёки қарши томонда турища иккиланиб қоларди; шунда Сен қандайдир ён беришлар билан ул сари сурилардинг, гўё шу билан сизларни ажойиб ҳамфирк жуфтлик ҳисобласа бўладигандек туюлади. Албатта, мен бу иттифоқда ортиқча эдим. Лекин сизларнинг ноёб ҳамжиҳатлигиниз мени озгина қадрлагандами, бу жиҳатдан болаларинг ичида мендек бундан қаноатланганини топа олмасдинг. Шунга кўра ҳам омадинг чопиб, менга нисбатан муносабатингни ўзgartирганингдами, қанақа ажойиб бўларди! Буларнинг бари албатта, бугун орзу-хаёлгина, холос. Отаси

билин Оттла ўртасида ҳеч қанаңа яқинлик йўқ, у ҳам худди мен каби ёлғиз, ўз йўлини ўзи топишга мажбур эди, аммо у менга қараганда соғлом, умидли, кучига ишонар, дадил ҳаракат қилар, керагидан ортиқ шундай имкониятлари боис назарингда янада ёвуз, янада сотқинликка қобилдай кўринарди. Буни тушунаман, у Сенинг қарашингга кўра, бошқача бўлиши мумкин эмасди. Ҳолбуки, у ўзига Сенинг қаричинг билан қарап, бундан умидсизликка тушмаса-да, (умидсизлик – менинг қисматим), изтиробингни чуқур ҳис қилганидан маъюс бўлиб юрарди. Сен кўпинча биз бирга, шивирлашиб-кулишиб юрганимизда, ўз исмингни оғзимииздан эшитганинг учунми, кўнгилда кечадиган туйгуларни ҳеч бир-бирига боғлай олмасдинг. Олдингда гаройиб фитначилардек таассурот қолдирадик. Гаройиб фитначилар эмиш! Албатта, Сен суҳбатларимиз мавзуси, фикр-мулоҳазаларимиз ҳақида аллақачон бир тўхтамга келиб бўлгансан; лекин биз ўйлаганингдек Сенга қарши бирон-бир фитна уюштириш, миш-миш тўқиши илинжида учрашиб турмаймиз, балки ҳазил-хузул ёки жиддият билан бўлсин, меҳр-муҳаббат ёки қаҳр-газаб, хуш кўрмаслик алангасидами, итоаткорлик билан гуноҳларимизни англаб, юрак ва ақл-идрокнинг бор кучи билан яқиндан туриб, Сен билан ўртамиздаги даҳшатли талашиб-тортишишни бартараф этишнинг бирон-бир чоралари бўлса дея муҳокама қиласиз; бу талашиб-тортишиш шундай бир даҳмазаки, Сен ҳамон ўзингни унинг ҳаками деб ҳисоблаётганингга қарамасдан (бу ерда фақат ўзим содир этишим мумкин бўлган хатолар ҳақидаги саволни очиқ қолдираман) кўп ҳолларда охир-оқибат Сен ҳам худди биз каби шу қадар янгиш томонда, сўқирларча йўлда эдинг.

Тарбиячилик таъсириингнинг энг юксак кўрсаткичи – Ирма¹¹ ҳисобланади. Бир томондан, бу ҳиссиётларга берилиш унга бегона: ахир у ишга келганда аллақачон балофат остонасидан ҳатлаган, ўзлигини событ сақлаш учун куч-қуввати етарли, Сенга бир бошлиқдай қарар, шунга яраша таъсириингга қисман тушган; бошқа томондан ўзини Сени яқин қариндош, отасининг биродари деб билганидан ҳам устидан ўрнатган ҳукмронлигингга кўпроқ бўйсунар, гапингга кирар эди. Нима бўлганда ҳам, нимжонгина бу қиз ақдли, уддабурон, камсукум ва тиришқоқ, ўз манфаатини кўзламайдиган ва фидойи, ҳамиша ишонса бўладиган, бир сўз билан айтганда, дўконда етишмайдиган, ўз ишини яхши биладиган, орқа-олдини саранжомлаб юрадиган ноёб хизматчи, Сени амаки каби севиб, бошлиқ каби қувватлаб, қаватингга кирганлардан эди. Бари бир, ҳеч бир ёрдамилизиз, Сенинг феъл-авторингдаги ўз болаларингга кўрсатган якson қилувчи кучнинг таъсири унда ҳам билинмай қолмади (албатта бу унинг чуқур изтиробига ҳеч бир алоқасиз бўлса-да, Сенга нисбатан муносабатида унга ишонса бўлади), фаромушхотир, лоқайд бўлиб борди, қалтис ҳазил қиладиган бўлди, ўжарлиги кучайди ва тобора иллатларга рафбати ошди, охири хаста бўлиб қолди; умуман олганда, у ҳам бахтидан тинмаган, ҳузур-ҳаловати йўқолган, оиласвий аҳволи уни қаттиқ эзарди. «Муқаддас қадриятларимиздан менга яхшигина чўчқа бўлиш мерос бўлиб ўтди», ҳар нарсага турма, савқи табиий ёндашувига кўра Сен топган бу ибора унинг учун қўп нарсани шундай ифодалаб берган эдики, бу худони-да таҳқирловчи одамларга муносабат шу қадар мумтоз,

шу қадар намунавий бўлганидан, ўзинг сувдан қуруқ чиқиб, фариштадай бегуноҳ бўлиб кўринардинг.

Мен яна Сенинг кўпдан-кўп таъсиринг, унга қарши олиб борган курашларинг ҳақида далиллар келтиришим мумкин, бироқ гап шундаки, кейинги пайтда буларга нисбатан ўзимда гумон оз эмаслигини ҳис қиляпман ва шу боис яхшилаб ўйлаб олиб, калламда пишитиш фикри мени тинч қўймаяпти; шунга қарамай, оила ва дўкон ўртасида қарийб бўлинниб борганинг сари ҳамдард, самимий, хушмуомала, диққат-эътиборли, ҳамма нарсадан воқифлигинг (мен фақат ташқи томондан хатти-ҳаракатингни назарда тутяпман) қаторида мустабид ўз мамлакати сарҳадида туриб, чегарадан нарида зулм ўтказиш имконияти йўқдигини анлагани боис ҳам ўзини кўнгилчан тутиб, бева-бечора бегоналарга эътиборли бўлишни Сенда ҳам хўб кузатдим. Масалан, Сен Франценсбадеда жамоа бўлиб тушган суратларда ҳудди саёҳатдаги қирол каби майдада-чуйда, бадқовоқ кишилар ўртасида кетворган қадди-қоматинг, табассумдан ёруғ чеҳранг билан алоҳида ажralиб турасан. Бу таъсирга болаларингни ҳам ишонтириб, бирор-бир фойда кўрилгандами, афсус бунинг уддасидан чиқиб бўлмади, мисол учун ўзим таъсиринг ҳалқасида бўғилиб кун кўришга ҳамиша ҳам мажбур эмасдим, бўлган-тургани шу эдида ҳақиқий ахволнинг.

Оқибатда мен фақат оила туйғусини бой бериб қолмадим, балки ўзинг айтгандек, унга нисбатан кучли салбий қараш тезда мавжланники, (бу ҳам ҳалокатнинг муқаррарлигидан-да) бу аввало Сендан ажralишга ич-ичидан интилиш истагини келтириб чиқарди. Ҳали ҳам оила даврасида заарли таъсиринг кучли бўлганли-

гидан одамлар билан муносабатга киришишим қийин кечади, бунга ҳам ора-сирада имконият туғила қолганда ҳам. Мен бошқаларга холис ва меҳр-муҳаббатли бўлганим ҳолда Сенга ва оиласиздагиларга шунчалик лоқайд, совуққон тарзда ўзимни тутаман деган жуда хато фикрдасан. Ўнинчи бор қайтараман: ҳа, бунгача ҳали узоқ ва туманли йўлни босиб ўтишга тўғри келса-да, бу муқаррар юз берувчи ҳақиқат – мен нима қилмай, бари бир, одамови ва қўрқоқ бўлиб чиқавераман. (Шу пайтгача хатимда бир-бирига ниманидир солиштириб, фикр юритишдан ўзимни тийиб келдим, энди эса бу индамаслигим ҳақида озгина бир нарса дейиш керак бўлиб қолди, иқрорманки, бу Сенга, айниқса, ўзимга аянчли суратда дахлдордир. Менинг бу қиёсларим Сени айблаш учун далил-исбот етишмаганидан тўқилган уйдирма эмас, балки умумий манзаранинг кўройдин жойлари чиқиб қолганидандир, аксига олиб, менда шундай далил-исботлар борки, бу аҳволни ҳаддан ташқари кескин, қалтис томонларини намоён этишга қодир. Бунда жуда ҳам қийин ўртада холис бўлиб қола олиш.) Қолаверса, ўтмиш хотираларим ичимда биқсиб ётибди: бунда беҳад айбдор эканлигимни кашф қилганим ҳолда, ўзимга нисбатан ишончни бутунлай йўқотдим. (Бунинг чексиз-чегарасиз эканлигини эслаганимда, қачонлардир бу ҳақда жуда ҳам тўғри ёзганим хаёлимга келади: «У бу шармандаликни яна бошидан кечиришдан қўрқарди»¹².) Бир юмалаб бошқа одамга эврилиш қўлимдан келмаслиги боис Сенга қарам бошқа хизматчилар билан учрашиб қолганимда улар олдида яна ҳам кучлироқ айбдорлик туйфуси мени исканжага олади, қачондир иштирокимда қилган ёмон муомаланг ёхуд бирон-бир гаразли ҳаракатинг-

ни түғриламоқ пайида бўламан. Бу етмагандай, ким билан мулоқотга киришмай, яширин ё ошкора тарзда Сен нимадандир гина қилганинг учун ҳам у кишига узр сўрашни яна ҳам қуюқ қиласман. Сен уй ва дўконда ҳукмингни ўтказиб, менда кўпчилик одамларга нисбатан ишончсизлик уйғотишга астойдил интилардинг (Гапим ёлғон бўлса, айт-чи, болалигимда қандайдир даражада мен учун азиз бўлган кишиларнинг биронтаси Сенинг ҳалокатли танқид тифингдан омон қолганмикан) ва бунинг ғалатилиги шундаки, уларнинг биронтаси Сенга ҳеч зарари тегмаган (бусиз ҳам менга ишончсизлик туғдириш учун кучинг етар, балки бу ҳам ҳукм-фармолигингни кўрсатишнинг яна бир тимсоли эди, холос). Аммо бу ишончсизлик менинг болалик нигоҳимда бари бир кўзланганидек натижа бермади, шунингдек, теграмда беназир кишиларни кўрар эканман, уларга бўлган ишончсизлигинг ўз-ўзимга нисбатан ишончсизликка айланди ва қолган нарсалар олдида доимий даҳшат ҳиссини келтириб чиқарди. Афтидан бунда Сендан ҳимояланиш йўлини топа олмаган кўринаман. Янглиш фикрингга кўра, эҳтимол, кишилар билан алоқам ҳақида моҳиятан ҳеч нарса билмасдинг (наҳотки бу билан яхши кўришингни рад қилаётган бўлсам), қаердаки, бир бўшлиқнинг ўрнини тўлдирмоқчи бўлсам, ишончсиз ҳисоблардинг, қизғанардинг; ҳолбуки, уйдами ёки уйдан ташқаридами, тирикчилик айни алпозда эди. Шунга кўра, айнан болалигимдаги ўз нуқтаи назаримга ишончсизлик ҳаммага маълум овуниш менга тухфа қилди. Мен ўз-ўзимга дердим: «Сен, ҳеч шубҳасиз, ўсмириликда бўладиган майда-чуйдаларни шишириб, бўрттириб, улардан ҳеч мумкин бўл-

майдиган фожиалар ясаб ташлайсан». Бироқ кейинчалик дунёқарашимнинг кенгайиши билан мен бу юпанчларни-да қарийб бой бердим.

Мусавийликда ҳам Сендан паноҳ топа олмадим. Тўғрисини айтганда, бунда паноҳ топишнинг имкони бор, ҳатто кўпроқ ўзимизни топишимиш, ҳеч бўлмаганда, бир-биримизни топишимиш мумкин эди. Лекин яхудолик учун Сен менга нима қилиб бердинг? Мусавийликка нисбатан йиллар ўтгани сари менинг уч бора қарашиб ўзгарди.

Бола эканман, фикрингга эргашиб, ибодатхонага кам қатнаганим, рўза тутолмаганим ва ҳоказолар учун ўзимни айблаб юрадим. Мен ўзимга эмас, балки Сенга нисбатан адолатсиз қарашдаман, деб билганимдан, ҳамиша айбдорлик ҳисси чулғар, бу яширин суръатда бўлса-да эзгуликка назаримни қаратарди.

Кейинроқ, ёш йигитлигимда эса бир нарсага ҳеч тушуна олмадим, Сен мусавийликдан ўзинга жуда ҳам кам нарса олганинг етмагандай (ўзинг айтганингдек, майли, у юқори даражадаги эҳтиром белгиси бўла қолсин) шуни ўзлаштиришга ҳеч ҳам интилмадинг дея мендан гина-кудурат ҳам қилишинг мумкин эди. Ўзим гувоҳ бўлганимдек, Сенда иймон туйғуси йўқ ҳисоби, у бор-йўғи кўнгилхуши, ҳатто уни кўнгилхуши деб ҳам бўлмайди. Сен йилида тўрт марта гина ибодатхонага борар ва бўлган чоғларингда ҳам ҳеч бир ақидага амал қиласдинг; бу лоқайдикка яқин юришинг, кимгадир ўзини жуда сипо тутишдай кўринган бўлса ажаб эмас, ҳолбуки амал-тақал қилиб шунчаки расмий ибодатдан халос бўлишинг билан эса ҳозиргина оятлар янграган меҳробни менга кўрсатишга ошиқардинг. Ибодатхонадаги қолган пайтларимизни эса гапирмаса ҳам бўлаверади (бу энди асосийси),

нима мумкин бўлса, беҳуда қизиқ ишларимнинг бари-барига рухсат бераверардинг. Мен унда узоқ пайт нима қилишимни билмай, меровлардек туриб қолардим (кейинчалик фақат рақс сабоқларида шундай зериккан бўлсам керак) ва нимадир ўзига маҳлиё этадиган бирон-бир эрмак топишга интилардим. Масалан, ибодатхонанинг табаррук нарсалари сақланадиган қутини очиш учун чопардим, у юракнинг чигилини ёзиши мумкин ягона имконият эди. У менга тирни эслатарди, тирнинг антиқа шкафчаси бўлиб, эшиги очилиши билан ажабтовур олмача пастга думалаб тушаркан, ҳамиша унда нимадир гаройиб бир хилқатга дуч келиш мумкин, бунда эса фақат бошсиз эски қўғирчоқларни кўрса бўларди¹³. Бундан ташқари, мен унда фақат одамларга даҳлдор кўпдан-кўп даҳшатларни ҳис қилиб қолмасдим – бу ўз йўлига – бир сафар гап орасида ҳозир мени Таврот ўқишига чорлаб қолишлари мумкинлигини шунчаки эслатиб қўйдинг. Бу ҳақдаги фикрдан мен йилларча даҳшатга тушиб, титраб, қалтираб юрганман. Қолган барча меъдага тегадиган ишлар бир хил, масалан, болаларни тақводор қилиш маросими ўз маромини бузмас, бу ибодатда тил келишавермас калималар ёддан қайтарилиши талаб қилинар, буни охири синов даражасигача олиб бориларди; яна буларнинг бари Сенга алоқадор бўлиб чиқади – аҳамиятсиз бир воқеада ҳам, мисол учун Сени Таврот ўқишига чақириб қолишганда ёки марҳумни эслаш учун ибодатхонага келганингда, буларни қойилмақом қилиб уddeлайсан, ўзингни жамоага жуда ҳам яқин бир алпозда тутардинг. Бироқ узоқ йилларга чўзилиб, ибодатхонадан мени ҳайдаган нарса, эндигина зўрга англаганим – бу ҳайдашда аллақандай қутқу, даъват этиш ҳам

бор эдики, гўё худди шунга кўра, бу беадаб бир нарсанинг содир бўлишидек эди. Ибодатхонадаги каби уйда ҳам буларнинг ҳаммаси юз берган, Ҳайитнинг биринчи оқшоми эди чоги, чучмал ва фақирона бир кўринишдаги манзара, ўсиб келаётган ёш-ялангларнинг турткиси билан бутунлай ўзгариб, комедияга айланган, унга аҳмоқона бир кулги жазаваси ҳамроҳлик қилганди. (Нега Сен ўзинг бу таъсирга дош беролмадинг? Шунинг учунки, ўзинг уни чақирган эдинг.) Мана қандай заминдан иймон озифини олиш керак бўлган, бунга қўшимча ўлароқ «Миллионер Фукснинг ўғиллари» деб дароз қўллари билан имо қилганларидек, улуғ айём кунларининг аксарияти худди шундай алпозда падари бузруквор ҳамроҳлигига ибодатхонада бўлинарди. Мен бу юк остида нима қилишни билмасдим, ундан халос бўлиш йўлини ҳам тополмасдим; ҳолбуки, айнан мана шу халос бўлиш тақводорликнинг биринчи муждаси бўлиб туюларди.

Фақат бир қанча фурсат ўтгандан кейингина бошқача нигоҳ билан кўз ташлаб, нега мени нияти бузуқ деб ўйлашингни ва ҳамиша ўзингни ҳақ ҳисоблашингни тушундим. Албатта, сенда оз миқдорда бўлса-да, эътиқоди камситилган фақирлар ошиёни қишлоқ ҳаётидаги яҳудийликнинг қуйқалари қолган ва у шаҳардаги билинар-билинмас табақаланиш шароитида, кейинроқ, ҳарбий хизматни ўташ даври таъсирида янада ожизлашган, бироқ, бари бир, ўсмиrlигингдаги таас-сурот ва хотираларда – яҳудий ҳаёт тарзи қанча керак бўлса, шунча сақлаб қолинган, ҳолбуки, алоҳида ҳисобга оладиган бўлсак, Сен бу қавмнинг кўмагига муҳтож эмасдинг, диний идрок илдизлари чуқур бўлишига қарамай, омманинг умумий тушунчасига дахл қила олмас, буям сенга

таъсири этмасдан қолмаганди. Ҳаёт тарзингнинг эътиқодга нисбатан қараши равшан, ҳеч шубҳасиз, яхудийча қарашлар мажмуасига ишонардинг, жамиятнинг муайян синфи тушунчаларига мувофиқ, бу қарашлар Сенга қариндош каби қадрдон, аммо ростини айтганда, уларга қандай истасанг, шундай ўз-ўзингча иймон келтириб келасан. Шунинг ўзини ҳам бинойигина яхудийпрастлик деса бўлади, аммо бу боланинг келажаги учун зарур манбага солиштирганда, жуда камлик қиласар, худди гўдакка тутилган таом унинг оғзига этмасдан тўкилиб кетганига ўхшаб кетар, бу бир томондан болаликнинг тасвирлаб бўлмас ўз оламидан келиб чиқса, бошқа томондан, феъл-аворингдан ўтган қўрқув боис юз берарди. Бундай шароитда болага бирон нарсани уқтириб бўладими? Сен эса бола эътиборини бутунлай даҳшат эгаллаб олган бир дамда ҳеч тортинмай оламшумул ўтит бераётганингдек, ўз хаёлларингга мос сафсаталарни яхудийлик номидан гапираверасан. Ҳолбуки, улар ўзинг учун ўтган кунлар ҳақидаги майда-чўйда хотиралар, холос, ҳа, ҳа, Сен ёниб-куйибми ё мулоийимлик биланми гапираётганда булар ўзинг учун ҳеч қанақа қимматга эга эмаслиги кўриниб туради; ҳарқалай, бу каби сафсатабозлик билан бирон-бир муваффақиятга эришишинг мумкин эмаслигини англағанман, аммо Сен ўзингни ожиз ҳис қилиб турганингда ҳам доимий бағритошлигинг тиниб-тинчимасликка ундан туради.

Буларнинг барини биргина тасвирга сифдириб бўлмайди, мисол учун, худди балофат остонасида яхудийлар қавмининг катта қисми художўйликни тарк этмаган ҳолда қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтиш палласига ўхшайди; ўз кечмишидан келиб чиқиб юз берган бу аҳвол бусиз ҳам биз-

нинг қалтис ўзаро муносабатларимизда яна бир чигаллик келтириб чиқарган, түғрироғи, дард устига чипқон бўлганди. Албатта, бу нуқтада Сен ҳам худди мен каби ўз айбсизлигингга ишонишинг мумкин, аммо фақат зоҳирий қўриниш ҳақида гапирмасдан ботиндан туриб, ўз феълатворингни, шароитни, одатий ўй-хаёлларингни таҳдил қилиб фикр юритсанг, мисол учун, умумий муаммоларимиздан ташқари ҳам айни ўша шароитда Сен кўпгина бошқа ташвиш ва ишлар билан машғул бўлишга имкониятинг борлигини изоҳлаб беролсанг адолатлироқ бўлади. Сен бирордан ноҳақ ўпкалақ турганингда ҳам кишини сеҳрлаб қўйиб, фикрни оппа-осонлик билан ўз гуноҳсизлигинг сари буриб юбора оласан. Аммо бу ноҳақлик умуман олганда ҳам, шунга ўхшаш айни воқеада осонгина ўзини фош этиб қўяди. Ҳаётга муносиб бўлиш ҳақида гап кетгудек бўлса, Сендан олган сабоқлар ҳақида болаларингдан биронтамиз ҳам тўлқинланиб, мамнун гапиришимиз мумкин эмаслиги маълум; гўё яхудийликка эътиқодинг кучлидек, аслида эса бу намуна кўпроқ мажбуриятга бориб тақалади, қолаверса, бу даъво гина-кудуратларингга йўл очиб қолмасдан, балки гина-кудуратларнинг ҳимоячиси бўлиб ҳам майдонга чиқади. Яқинда Сен Франклин¹⁴нинг хотираларини ўқиб чиқдинг. Ростига кўчадиган бўлсам, уни Сенга атайин тақдим қилдим. Бироқ ундаги парҳез қилиш ҳақидағи ихчам ҳикоячаларни ўқиб, завқланишинг учун эмас, балки, истеҳзо билан қайд этганингдек, хотиранавис ва унинг отаси ўртасидаги муносабат яхшигина қаламга олинган, худди шу нарсани чукур ҳис қилиб, таъсиранарсан, деб уни Сенга тақдим қилгандим. Мен бу ерда бирма-бир майда-чуйдаларга тўхталишни истамайман.

Мен яхудийлар ҳаёти билан яқындан таниша бошлашим билан Сенинг яхудийпарастлигинг даражаси менга маълум бўлди, кейинги йиллардаги феъл-авторингда кўринган ўзгаришлар ҳам фикримни тасдиқлайди. Сен ҳамиша одиндан ҳар қанақа қизиқишим, машғулотларимга қарши кайфиятда бўласан, бунақа алоҳида иштиёқ уйғотганларига эса норозилигинг ҳад билмайди. Ҳолбуки, ихлосинг чинлигига ишониладиган бўлса, кичик истисно сифатида, яхши қаршилашингни кутса бўларди. Модомики, сўз яхудолик ҳақида экан, Сенинг турма яхудийлигинг, демак, ўртамиздаги муносабатларни янгича тартибда ўрнатилишига имкон яратиши керак эди. Машғулотларимга қизиқиш билан қараганингни рад этмоқчи эмасман, ҳолбуки, уларнинг ўзи шубҳаларимни айнан тасдиқлашлари мумкин. Мен бу ерда яхудийликка муносабатда Сенга қараганда афзал томонларим бор, дея даъво билан чиқиб, уни исботлаш учун ҳозирлик кўраётганим йўқ. Керак бўлса, бунинг учун далил-исбот кўрсатишга ҳожат ҳам йўқ. Сен туфайли мен мусавийликдан ҳазар қиласидиган бир ҳолга келдим ва бу борада ўзим ўқиб чиқишига улгурмаган эътиқодга оид асарлар ҳам «кўнглимни оздирадиган» бўлди. Буни болалигимда ишонганд ва ўзинг амал қилишни қаттиқ туриб талаб қилган иймонга солишириб аниқлаш ва тўғри хуносага келиш мумкин. Бунинг бошқача йўли ҳам йўқ. Шундагина Сенинг таълим берганинг маълум бўлибгина қолмайди, балки «жонга теккан»ларнинг барча-барчаси биринчи навбатда яхудийликка эмас, мен ихлос қўйган шахсларга нисбатан муносабатингни билдиради, қолаверса, ким ҳақида гапиришни истамай, нафрат билан кўзингни лўқ қилиб туришинг ҳаммаси учун жавобинг эди ва

бу ўзинг истамай иқрор бўлганингни, яхудоликдаги ожиз томонларингни ва менинг яхудийча олган тарбиямни кўрсатади. Аммо менга нисбатан салбий муносабатингдан келиб чиқиб, яхудоликка бўлган қизиқишимни жуда бўрттириб юбординг: биринчидан, Сенингча, у бир балога йўлиқтиргудек эди, иккинчидан, унинг равнағи яқинларга бўлган муносабатда ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмас, айниқса қисматимда мужасам топгани вабодек хатарли эди.

Сен менинг ёзувчиликка мубталолигимни хуш кўрмаслигингда кўпроқ ҳақ бўлишингга қарамай, бу ҳақдорлик яна қандайдир номаълум алпозда орамиздаги муносабатга дахлор бўлиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам, бу тийиқсиз машғулотим билан ҳатто, кимнингдир оёғи остида қолиб, ярми эзилиб адо бўлган, аммо қолган қисми билан судралиб кетаётган чувалчангни эслатсамда, ҳарқалай таъсирингдан холи, ўз-ўзимча мустақил бўлиб қоламан. Бунда ҳузур-ҳаловат топдим, ҳавотирлардан озод бўлдим; адаблик машғулотим бошланиши билан қўзгалгувчи Сенинг ажинанг бу сафар истисно тариқасида мен учун ёқимли эди. Очифи, менинг шуҳратпарастлигим, ўзимга меҳрим – Сенинг одатий қилиқларингдан азобланар, биз учун ёд бўлиб кетган машҳур иборангни ҳар сафар қаршилаганимдаги туядиган туганмас изтиробларимни айтадиган бўлсам, масалан, мен ҳар сафар янги китобимни Сенга тақдим қиласар эканман, «Тунги стол устига қўй», дея уни бир хил, совук луқма билан қарши олардингки (бундан ҳам алам қиласидигани, қачон китоб кўтариб келсам, қарта ўйнаб ўтирган бўлардинг), асосийси, бир томондан шу аҳволнинг ўзи ҳам яхши, балки, шунинг учун ҳам эмасдир, алқисса, менда норозилик бош кўтарар, бу билан ўр-

тамиздаги муносабатлар янгидан қарор топар, гүё бу жавобда «Сен бўшсан»нинг маъноси «Сен озодсан» қабилида эшитилгандай бўлар, бу эса менга эркин бир ҳаволарни ваъда қиларди. Аммо бу ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас, қандай қилиб ҳам озод бўлишим мумкин? Кейинроқ омадим чопиб, шундай бўлганда ҳам ҳозирча эрким ўз қўлимда деб бўлмасди. Ёзганларимда гап Сен ҳақингда кетгудек бўлса, ёзгиришларимни тўкиб-солганимга қарамай, уларни гарданингга юклашнинг ҳеч иложи йўқ. Бу бор-йўғи Сендан кўнгил сўраш учун қилинган ҳаракатдай бўлиб чиқар, Сенга олдиндан маълум, аммо ўз хоҳишманинг қулига айланганимдан қайта-қайта юз бераверарди. Афсуски, улар ҳеч нарсага арзимайди. Ҳарқалай, буларнинг бари кечган бутун ҳаётимни, ҳатто у ҳеч нарсага арзимаса-да, хотирада жонлантирас, болалигимда аввалдан ҳис қилганимдек, хаёлимни эгаллаб олиб, аввалида умид, кейинроқ умидсизлик рамзида пайдо бўлган, охир-оқибат Сенинг қиёфангда елкам оша бетайин қарорлар қабул қилишимни буюриб тургандек бўлаверади.

Мисол учун, касб танлашни олайлик. Албатта, Сен бунда кенг феъллик билан, ҳатто сабр-тоқат билан бутун ихтиёрни ўзимга қўйиб бердинг. Тўғри, бу ерда яхудийлар қавмининг ўрта табақаси ўртасида расм бўлган, ўзинг учун ҳам эътиборли тамойиллар асосида болалар тарбиясига ёндашдинг, ҳеч бўлмаганда шу таомилни бузмасликка уриндинг. Шунда ҳам охир-оқибатда Сенинг айнан менга дахлдор гумроҳликларингдан бир чимдимини гуллаб қўйишга тўғри келмоқда. Оталик кибри, ҳақиқий ҳаётимни билмаслик, асосли хасталикларим, шуларга кўра, ҳар хил ху-лосалар Сенга аллақачон ўз таъсирини ўтказган,

бундан менинг ўз эркимни қўлга киритишга бўлган алоҳида иштиёқим борлигини ҳам билиб олгандинг. Хуросангга кўра, мен болакай, аввалига фақат ўқишга берилиб кетганимдек, кейинчалик худди шундай ёзишга мукка тушдим. Бу мутлақ ёлғон эди. Ҳеч қанақа лоф-қоф қилмасдан айтадиган бўлсам, аслида мен кам ўқиган, янада камроқ нарсани уққан эдим; шунчалик ғалатилик бўладими, хотира ҳофизаси ўртача, қабул қилиши ҳам унчалик мақтагулик бўлмаган, бир киши бошида қанча-қанча йиллар ўтиб нимадир қолиши мумкинми, худди ҳеч нима бўлмагандек, бир талай фанлардан тўпланган билимингнинг пухталигини ташқи томондан қайфусиз ва хотиржам ҳаёт шароитида сарҳисоб қилинса, унга кетган пул ва вақтга солиширганда ҳам арзимас, айниқса, мен эътимод қилган одамларни кига солиширганда тайинли бир нарса қоладими-йўқ, Худо билади. Бу қайгули, аммо менга тушунарли. Эсласам, шу пайтгача ўзимча ўз «мен»имни исботлаш учун, оҳ-ҳо, қанчалик азиятли кулфатларни тортишга тўгри келмабди, дейсан, қолгани эса мен учун ҳеч бир аҳамиятга эга эмас эди. Умуман, бизда гимназиячи яхудийнинг аҳволи жуда ғалати, ҳатто ақл бовар қилмас бир даражададир, бироқ мен ҳеч қачон бунақа мағрур, совуқда зўрга ўтирган, гўдаклардек ҳимоясиз нусхани учратмаганман, яна бемаъни бир даражада, ўзидан ҳайвонлардек розилигини айтмайми ва у ҳам худди мен каби, очифи, фақат бир нарсадан: гуноҳни англаш ва асаб торлари даҳшатдан узилиб кетиш хавфидан ҳимояланган бўлса ажаб эрмас. Менинг жони жаҳонимни фақат ўзимнинг ташвишларим, ўзига хос томонларим ҳақидаги қарашларим эгаллаб олганди. Мисол учун, бунга соғлиғим ҳақидаги хавотирла-

римни айтсам бўлади; улар – сочларнинг тушиб кетиши, овқат ҳазм бўлмай қолиши ёки умуртқа суягининг бирдан қийшайиб қолиши мумкинлиги каби сонияда хаёлга келган енгил-елпи, арзимас бир ҳадик-хавотирдан пайдо бўлар, ўзининг босқичма-босқич давом этиши, изчил эврилиши билан охир-оқибат ҳақиқий хасталикнинг содир бўлишига олиб келарди. Бироқ буни ҳис қилишда аниқ бир тўхтамга келолмасдим ва ҳар лаҳза ҳаёт-мамотимни янгидан бошлишим керакдек бўлиб туюлаверар, ҳақиқатан ҳам ниманидир, ўзимга тўла аён бўлмаган, ҳатто менга дахлсиз нимадир қила олишим учун ўзимга амри-фармон беришга чоғланардим; лекин ишончсизлик ҳеч ўз ҳолимга қўймас, меросдан маҳрум ўғидай, гоҳо менга ҳаммадан кўра яқин бўлган ўз танамдан-да шубҳаланаётганимни англаб қолардим; шунда бирдан қаддимни расо тутардим-у, аммо бу билан нима иш қўлмоқчи эканлигимни билмасдим, натижада оғир бир юқ остида қолгандай яна букчайиб қолардим, шу боис зўрга бўлса-да, ҳаракат қилиб туришга, бадантарбия билан шуғулланишга қарор қилдим, лекин бу шуғулланишларимга қарамай, нимжонлигимча қолдим; ҳарқалай иштаҳам зўр, ҳаммасидан ҳам еганимнинг танамга сингиши мўъжизадай қониқтирас; шунга ҳам шукр, васвасага тушиш эса ҳар қанақа кўнгилсизликларга йўл очиш дегани эди; сўнг ақл бовар қилмайдиган даражада уйланиш ҳақидаги босим хаёллар (бу хусусда ҳали алоҳида сўз бўлади), ўпкадан қон кетишини-да ўйлашга имкон бермади. Бунда Шёнборн саройидаги¹⁵ турган ижараҳонамни ҳам алоҳида ҳиссаси бўлди – мўлжалимча, у ижод қилишим учун қулай эди деб ўйлагандирман, балки, ҳақиқатан ҳам у бир ҳисобда шундай бўлгандир. Демак, бу-

ларнинг ҳаммаси Сен қўкрагингга урганингдек фақат ҳаддан ташқари зўриқиб ишлаш оқибати эмас экан. Йиллар бўлдики мен тамоман соғлом ҳолда Сенинг бутун хаётингни, талай қўрқинчли хасталикларни ҳам заррача ўйламай асосий вақтимни диванда чўзилиб ўтказдим. Агар мен қошингдан бирон нарсани қилмоқчи бўлгандай ишchan кайфиятда жўнаб қолган бўлсам ҳам, ҳақиқатда эса, кўпинча бор-йўғи ўз хонамда биқиниб, ёлғизликда ёнбошлаб ётиш учун шундай қилардим. Девонхонадаги иш унумим (албатта, ҳамиша ҳам ишга ҳушим йўқдиги ошкора кўзга ташланмайди, балки унда юраксизлигим учун ҳам чидаб келиشاётгандирлар) уйдагидек ҳеч нарсага арзимас бўлиб, ҳатто буни тасаввур қилиш ҳам Сен учун даҳшатдир. Эҳтимол, мен табиатан танбал эмасдирман, аммо ҳеч нарсани амалга ошириш имконияти йўқ бўлганидан кейин нима қилиб ҳам бўларди. Қаерда яшамай, унда ёқтиргмаган, қоралаган, ҳатто зарбасини татиб кўрган вазиятларга дуч келар эканман, оғир бир юмушга ўзимни урадим, аммо фаол бўлиш, меҳнатга чанқоқдикдан шундай қилмаганман, балки кичик истисноларни ҳисобга олмагандан кучим умуман етмайдиган, ҳеч қачон зафар қозониш мумкин бўлмаганидан шундай йўл тутганиман.

Худди шундай вазиятда ўзимга касб танлаш эркини қўлга киритдим. Бироқ бу имкониятдан фойдалана билдимми? Ҳали ҳам ўзимдан бирон-бир касб эгаси чиқишига ишонаманми? Мен ўзимга баҳо бергандা ҳаммадан кўра Сенга қарамлигимни сезаман, ташқи имкониятларни баҳолашда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Энг охирги паллада бу кўп эмас, бир лаҳза кўнглимни кўтарар, кейин ҳар галгидек тарозининг

Сен томони босиб кетарди. Менга ҳалқ мактаби-нинг биринчи синфини ҳеч қачон тугатолмай-дигандек туюларди, бироқ бунга муваффақ бўлдим, ҳаттоқи ёрлиқ ҳам олдим; аммо у гимназия-га кириш имтиҳонлари учун фойда бермади, бу ҳам-ку ҳал бўлди; энди гимназиянинг биринчи синфидан ўтолмаслигим аниқдай, шу каби ке-йинги барча муваффақ бўлганларим уддала-ниши олдидан мени шубҳа-гумонлар ўз гирдо-бига тортиб кетганди. Булар рўёбга чиққандан кейин ҳам ўзимга нисбатан ишонч қатъийлаш-мади; аксинча, шунга ишончим комилки, буни юзингда кўриниб турадиган, норозилик ифодаси ҳам тўғридан-тўғри тасдиқлаб борар – ҳозирча қанча кўп муваффақиятга эришсам, буларнинг бари охири шунчалик шармандали бўлиб ниҳоя топиши шартдай. Иккинчи синфда биринчидан, учинчи синфда иккинчидан қолган қарзларимни тўлашга интилар эканман – кўпинча мен хаёлан ўқитувчиларнинг ўзаро тил бириктириб, ўтказа-жак даҳшатли бир йифинини кўз олдимга келти-рардим (гимназия шароити бир мисол, аслида ҳаётда мен дуч келган ҳар қандай вазиятнинг оқибати бу манзарага жуда яқин эди); хуллас улар тўпланганларида гўё ўз касбларига хос ки-шини fazabini keltiradigan daражадаги синч-ковлик билан синфдаги қобилиятсиз, энг қолоқ болаларни билдирамай аниқлаш, сўнг ҳеч аямай уларни ҳайдаш учун келишиб олаётгандек булар – бунинг маҳобатли умумий манзараси адолат-га асослангани билан охири мен учун даҳшатга айланарди. Бола учун бунга ўхшаш тасаввурлар билан яшаш осон кечмайди. Бундай шароитда навбатдаги сабоқларгача ҳам аҳволим қандай бўлиши мумкин эди? Ким мени бирон-бир нар-сага қизиқтира оларди? Бу ҳал қилувчи ёшда

сабоқлар тақдири, фақат сабоқларгина эмас, ҳамма нарса мен учун муҳим ва эътиборли бўлиб, мисол учун, ҳали бирон-бир жойга ишга жойлашмасидан аввал бир банк хизматчиси бажариши зарур майда-чуйда ҳисоб-китоблар, вақтида қилиб борилмасдан йигилади-ю, кутилган камомаддан шармисор бўлиш хавфи кўз олдимга келарди. Буларнинг бари майда-чуйда, яна фаразгина бўлишига қарамасдан, ҳеч хаёлимдан кетмас, мен билан бирга нафас олаётгандек туюлаверарди. Ҳаммаси етуклик гувоҳномасини олиш учун топширилган имтиҳонларгача шундай давом этди, шу пайтгача деярли ора бир йўлда бўлдим ва ниҳоят, бари ниҳоя топиб, озодликни қўлга киритдим. Балки анча олдиндан, гимназияда ҳам бу жабр-жафоларга нисбатан нафрат қарор топганига қарамай, улар менинг ботинимда, бирорга билинар-билинмас кўринишда эди. Турган гапки, энди баридан бир йўла озод бўлгандим. Хулласи калом, касб танлада мен ҳақиқий маънода эркин бўлмаганим кўриниб турибди, шу боис ҳам аниқ биламан: бир нарсанни иккинчисига солиштириш асосан мен учун аҳамиятсиз, худди гимназиядаги барча фанларда сўз бир омил атрофида айланганидек танлаган касби корим ҳам менга катта бир енгиллик туғдириши, шуҳратпарастлигимни қондириши, аммо унинг қанақа касб бўлиши аҳамиятсиз эди. Демак, менга энг мувофиқ келадигани ҳуқуқ-шунослик, деб ўйладим. Бу майдагина, ҳақиқий изчил фаолиятдан холи манманликнинг шижоати, хомхаёл умидлар қарори, мисол учун, икки ҳафтага етар-етмас кимёдан ётиб тайёрланиш, ярим йилгина немис тилини чуқур ўзлаштиришга бўлган ҳаракат бор-йўғи йўл бошида ҳақиқий маслакнинг қатъийлашиши учун хизмат қилган-

ди. Ниҳоят, ҳуқуқшуносликни ўрганишга киришдим. Лекин бир неча ойлик имтиҳондан олдинги бу жараён шундай асабимни ўйнатдики, ҳеч бир муболағасиз жаҳаннам азобига рўпара келгандай бўлдим, ҳолбуки, буни мендан олдин ҳам минглаб кишилар бошидан кечирган-ку. Очиги, шу фикрга келишим, бир ҳисобда жўяли туюлади, чунки бу ҳолатимга тўла мос келар, бир пайтлар гимназияда ўқиш ҳам, кейинроқ амалдор бўлишга ҳавасмандлик ҳам мени шундай қитиқдаб, оғзимнинг сувини қочириб, ўзига жалб этган, сўнгра мана бунга ўхшаш азобларни бошдан кечиришга тўғри келган эди. Ишқилиб, ҳар қанақа ҳодисаларга қарамасдан, келажакни олдиндан аниқ кўра билишим ўз тасдифини топди, ҳали ёшгина бола бўлганимда ҳам етарли даражадаги аниқлик билан кейинги ўқишим, касби-корим ўзимга қандай зиён келтиришини яхшигина ҳис қилганман. Шу боис ҳам келажакдан омонлик кутмай, ҳис қилинган фикрга қўл силкиб қўя қолганман.

Мен фақат бир нарсани, никоҳдан ўтиш-ўтмаслик тақдиримда қандай роль ўйнашини олдиндан кўра билмадим; оқибатда хонумонимни куйдирган энг катта даҳшат қарийб кутилмаганда юз берди ва ҳаётимни остин-устин қилиб ташлади. Гўдак жуда ҳам секин дунёни англаб борар экан, бир-бирига ўхшаш теграсидаги нарсалар унга алоқаси йўқдай кўринади; фақат гоҳ-гоҳида улардан баҳраманд бўлиш ҳақида ўй суради, аммо олдида турган нарсани синаб кўришдан, шунга ўхшаш ниманидир мўлжаллашда ҳал қиувчи ва ҳатто тажовузкор қадамни қўйиш керак; аввалига у узоқ тараддувланиб, буни тахмин ҳам қилолмайди. Нима бўлганда ҳам, уйланишга уриниш – улкан бир эврилиш,

ўзига паноҳ топишнинг умидбахш қўналғаси эдики, бунинг муваффақиятсизлик билан якунланганлиги шу қадар фавқулодда зарба бўлди.

Мен бу йўлда ҳеч нарса қила олмадим, энди эса уйланиш учун уринганларим, лекин уддасидан чиқолмаганлигимни Сенга қандай тушунтириб берсам экан, деб азобланиб ўтирибман. Бу мени қўрқитяпти. Афтидан, ёзаётган хатимнинг муваффақиятли чиқиши айнан шу нарсага боғлиқдай. Негаки, бир томондан бу уринишларда неки ижобий жиҳатларим бўлса, бари йигилган; бошқа томондан эса ҳеч бир муболағасиз, Сенинг тарбиянг натижаси – ўз қучига ишонмаслик, нимжонлигу доим ўзини гуноҳкор ҳисоблаш каби нуқсонларим давра қурган эдики, улар ҳеч шубҳасиз мен ва никоҳ ўртасига тушган ғовга айланди. Мен саноқсиз кеча-кундузлар мижжа қоқмай, буни ўйлаб, ҳар томонлама қайта-қайта чамалаб чиққаним учун ҳам тушунтириб беришим қийин. Бироқ ўйлашимча, буни умуман тушунмайсан, бу изоҳимни бир оз енгиллаштиради; эҳтимол англашилмовчиликни озгина миқдорда камайтириш бирорнинг гўрига бирорни қўйишидек қийин эмасдир.

Ҳаммасидан олдин, уйланиш борасидаги омадсизлигимни аввалги мағлубиятларим сафига қўшиб қўйдинг; мен бунга Сен шундай бир вазият туғдириб, уларни аввалги омадсизликларим давомидай қабул қилганингда, асло қаршилик кўрсатолмасдим. Бу омадсизликлар ҳақиқатан ҳам кетма-кет содир бўлган, ёнма-ён эсга келган эсада, уларни аҳамиятига қараб баҳолашинг керак эди, бунга қурбинг етмаганидан, бу ҳақда қанчалик кўп суҳбатлашмайлик, ростига кўчганда, биз умуман бошқа-бошқа нарсалар ҳақида сўзлашашётган бўламиз. Шу ерда мен бир нарсани айтсам

бўлар: очиги бутун ҳаётингда менинг уйланиш учун уринишларимдаги каби бу қадар аҳамиятга молик, унтилмас воқеа содир бўлмаган. Бу билан ўтган ҳаётингда ҳеч бир унтилмас воқеани бошдан кечирмагансан демоқчи эмасман, аксинча, ташвиш ва машаққатларинг кўп бўлгани боис ҳам айнан мен бошимдан ўтказганига ўхшаш ҳодиса Сенда юз бермади. Тасаввур қил, кимдир ораси торгина бешта паст зинани босиб ўтиши зарур, бошқа бирор эса бор-йўғи ердан бир зина тепага кўтарилади, аммо бу зинанинг юксаклиги ҳалиги беш зина бўйидан баландда туради, дейлик, биринчи киши худди шундай беш зинани босиб қолмасдан: ҳаётда яна шунга ўхшаш минглаб бошқаларини-да босиб ўтиши ва жуда фаол бир ҳаёт кечириши мумкин, иккинчи-си бўлса, ўша бир зинадан ҳам ошолмасдан, бечораҳол на ном, на нишон қолдирмасдан ўтади, лекин бу зина юксаклиги, у тиришиб-тирмасиб етолмаган бу жой, бу манзил, бари бир, ҳалиги беш зинадан юксаклигича қолаверади.

Менимча: уйланиш, оила барпо қилиш, бола-чақа кўриб, бу омонат дунёда уларни асррабавайлаш ва ҳатто, катта ҳаётга учирма қилиш – одамзотнинг энг улуф эзгу ишидир. Кўпларга буни уддалаш ҳеч қийин эмасдай кўринади, эътиroz билдиришга ҳожат йўқ, негаки ҳақиқатни айтганда, бундайлар кўп нарса қилмайдилар ҳам, ҳа, ўзлари арзимас деб ҳисоблаган мажбуриятни ҳам кишиларнинг катта гуруҳи «ўз ҳаракатлари билан адо этмайдилар», балки, шунчаки «тасодиф» кўмаклашиб юборади; очиги бундайларга «улугулик» туйфуси ёт, сас-садо бергандা ҳам, фалати, кулагили эшитилади, лекин (бу ерда «тасодифлар» ва «ўзи муваффақ бўлиб» оила қурганларни ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ) нима

бўлганда ҳам бу туйғу жуда муҳим ва фахрлидир. Хулласи қалом, гап фақат «улуг эзгулик» ҳақида ҳам эмас, балки ахлоқ учун зарур, аммо ундан айро тушиш мусибати ҳақидадир; ахир бир лаҳза қуёшга завқданиб боқиш, тафтида исиниб олиш учун қуёшга учиб бориш шарт эмас, заминнинг соғ бир қоясига чиқишинг ўзи етарли-ку.

Мен бунга қандай тайёргарлик кўрган эдим? Жуда ҳам ёмон. Бу ўзи олдиндан ҳам маълум эди. Зоҳиран мустақил шахс бўлиш учун берилган имконият, умумий шароит қандайлигига эътибор бериладиган бўлса, Сен бу борада менга кўп ҳалақит берганинг йўқ. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, негаки, бу ерда ҳаммаси замондан келиб чиқиб, халқона одатлар, айниқса, қавмилиз ўртасида расм бўлган таомиллар бўйича ҳал бўларди. Ростини айтганда, шу ерда ҳам менга монелигинг кам бўлмади, аммо қўпайиб ҳам кетгани йўқ, чунки бундай шароитда ҳалақит беришлар ўзаро тўла ишонч шароитида муваффақият қозониши мумкин бўлиб, бу эса ҳал қилювчи онларда бизда аллақачондан буён йўқ эди, начора, ҳалақит беришда омадинг чопмади, қолаверса, эҳтиёжларимиз ҳам турлича: мени ҳаяжонлантирган нарса жуда ҳам жиғингга тегар ва Сенга фариштадай туюлган кимса, мен учун ашаддий жиноятчи бўлиб кўринар, ва аксинча; шу боис Сенга ҳеч бир зиён-заҳмати тегмайдиган ҳодиса мени гўрга киритиши мумкин бўлди.

Ҳали ҳам яхши эслайман, биз онам ҳамроҳлигига Йозефплацда сайр қилиш асносида ҳозирги ер банки қад кўтарган жойга яқинлашиб қолганда, бирдан аҳмоқларча кеккайиб, ўзимни совуққонларча (бу сохта эди), совуқ (буниси энди рост эди) тутдим-да, «антиқа нарсалар» ҳақида гапириб, Сени ўсал қилишга тушдим: сиз менга етарли даражада маърифат бермадингиз, шу

боис мактабда ўртоқларим ўртасида кўп азиатлар тортдим, ёлғизланиш хавфи билан яшадим, бунинг учун сиздан ўпкаласам бўлади (шу ерда ҳам уялмай-нетмай ёлғонлаб, ўзимни ўктаам кўрсатмоқчи бўлдим, ҳолбуки, менда қулиқнинг кучли асорати бўлганидан «ҳалокатли хатарлар» ҳақида тушунарли қилиб гапиришга қурбим етмайди) дедим ва гапимнинг хотимасида, шукрки, буларнинг бари ўз йўлига тушиб кетди, энди нима қилишни яхши биламан, ҳеч бир ёрдамга муҳтож эмасман, деб қўшимча қилдим. Бу гапни, албатта, шунчаки эмас, бу борада анча-мунча мулоҳазаларга борганим боис айтгандимки, ҳеч бўлмаганда, бу менга ҳузур-ҳаловат бағишларди, энг асосийси эса, нима учундир, қандай йўл билан бўлмасин, Сендан ўч олишни хоҳлардим. Сен эса ўз феъл-авторингга мувофиқ тарзда бу гапларга жуда ҳам бефарқлик билан қарадинг, бирорга маслаҳат берганда ўзингга зиён етмайдиган томондан ёндашганинг каби бу луқмаларни ҳам ўзини ўзи бартараф этар қабилида эшитиб, жавоб қилдинг, холос. Эҳтимол, мен шу йўл билан, айнан ўзим кутган жавобни Сендан сугуриб олмоқчи бўлгандирман, айнан бу болада нафс хархашалари тўсиндан бош кўтаргани каби унинг гўшт ёки шириналарга ўчлигидай, бадантарбия қилишга жуда ҳам эринчоқлиги билиниб қолгани янглиф бир умр ўзим билан оворалигим натижасида сиртдангина кўзга ташланадиган ҳаёсизлигим гапиришга ундалан бўлса ажаб эмас, лекин гапиришга мана шундай рағбатимга қарамай, Сен билан бу борада одамдек гаплашиш қўлимдан келмаслигини яна ҳис қилганим заҳоти ўша зоҳиран дағал ва калондимоф алпозда сўзлашдан тўхтадим.

Үшандаги жавобингни баҳолаш осон эмас; бир томондан, унда бошиданоқ очиқдан-очик ҳало-катга элтувчи нимадир бор эди, бошқа томондан, бу жавобда сабоқнинг асл мақсадига етиш учун жудаям замонавий тарзда бирон-бир ташвишга қолмаслик ҳам кўзланганди. Ўшанда ёшим не-чадалигини аниқ эслай олмайман, лекин ўн олти ёшдан ҳатлаб ўтмаганим рост. Ўртамиздаги ма-софа нишони бўлган бу жавоб, менинг ёшимда-ги бола учун ғалати бўлишига қарамай, Сендан олган биринчи ҳаётий сабоғим бўлди. Очифи, бу расмана фикр ўшанда менга аниқ-тиник англашилган эмас, моҳиятини кейинроқ тушуниб етдим ва қуидагича холоса чиқардим: менга маслаҳат берар экансан, афтидан Сенга ўшандаги тушунчаларим жуда ҳам жирканч кўринган бўлиши керак. Шу боис ҳам у жамики ўй-фик-рингни эгаллаб олган, оиласиз обрў-эътиборига путур етказишим эса Сен учун иккинчи даражали хавф ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ўзингни, ўз ўлан-тўшагингни қўриқдаш пайида бўлгансан. Аммо Сен ҳамиша яхши ёстиқдош, ҳалол инсон шамойилида бу каби нарсалардан жуда юқори турадиган кишидек берган маслаҳатларингдан ташқарида қола билардинг; шу боис ҳам эҳти-мол ота-онамга никоҳ ҳақида бир оғиз бўлсин-да билдириш, уни жилла қурса бир мартагина олди-ларингга бошлаб келиш мен учун ҳаддан ташқа-ри уятсизлик бўлиб кўринган. Чунки, бу мабодо юз берганида, Сен ўзингни қор одамдай тутиб, менга янада юқорироқдан туриб қаарардинг. Яна бир фикр, уйланиш дардигача ҳам Сендан шунга ўхшаш панд-насиҳатлар эшитиб туриш менга, умуман, ножоиздай туюларди. Ахир, Сенда бунга алоқадор дунёвий гуноҳлардан асар ҳам йўқ-да. Бу доғлар билан яшаш менинг қисматим, худди

бир талай ошкора таъна-дашномларинг билан ўша балчиқقا мени итариб юборгандайсан. Агар бутун дунё иккимиздан иборат бўлгандами, шундай тасаввурлар хаёлимга кўп келади – бу дунёниг мусаффолиги Сен билан ниҳоя топса; тергашларингдан ҳам бу сезилади, мендан эса дунёниг барча иллатлари бошланади. Бу қандай содир бўлишини ўз ҳолича тушуниш қийин, нега бунга дучор қилдинг, ҳеч бўлмаса аллақачондан бошланган гуноҳларимга нафратинг ҳаққи сабабини тушунтириб бер, негаки, мен яна жуда аёвсизларча ўзлигимниг чуқур қаърига тушиб кетиб, бу ҳалокатли чоҳдан чиқолмай ўтирибман.

Эҳтимол, мана бу мисол билан шу вазиятда иккаламизнинг-да гуноҳсизлигимиз аниқ-рavшан тушунарли бўлар. Айтайлик, А ўзининг қарашига мувофиқ келадиган, унақа чиройли бўлмаса-да Б. га ҳар ҳолда бир маслаҳат бермоқчи, бироқ шаҳар ҳозир бунақа касалликдай юқумли, олдиндан бездирадиган панд-насиҳатларга тўла. Бу панд-насиҳатлар маънавий томондан, Б. учун самарасизлигига қарамай, унга кетган вақт зарарини қоплашга қурби етади, яна Б. бу маслаҳатларга амал қилишга мажбур ҳам эмас, қолаверса, унда Б. нинг бутун келажагини хароб этадиган айтарли ҳеч нарса йўқ. Айнан шунга ўхшаган ҳодисалар кўп, аммо А. бу Сен, Б. эса мен бўлганим учун талайгина кутилмаган воқеалар содир бўлди.

Бу икки ёқлама гуноҳсизлик, айниқса, менга аллақачондан буён таниш, бундан йигирма ийл олдин бошқа бир шароитда шунга ўхшаш воқеага иккимиз-да даҳшатли суръатда дуч келган эдикки, энди ўттиз олтига кириб яна, бўлак бир вазиятда тўқнашаётганим боис, ўз-ўзича у аввалгига қараганда зарарсиз, эҳтимол келтира-

ётган зиёнига ҳам шу сабаб эди. Ҳозир мен уйла-ниш мақсадида сүнгги бор ғалвали ўтган кунлардан кейин Сенга қилган арз-додим – ўртамиизда кечган суҳбатга озгина изоҳ берсам дегандим. Ўшанда, менга тахминан шундай дегандинг: «Ҳа, у ойимтилла бирон-бир ялтироқ кофтаси билан кўчага чиққан-у, ўзига маҳлиё этган-қўйган, бу асли-насли нотайин прагалик жуҳуд қизларнинг қўлидан келади ва сен ўйламай-нетмай унга уй-ланиш пайига тушиб қолгансан. Бу қанчалик тез бўлса, сен учун шунчалик яхши. Бир ҳафтадан кейинми, ё эртами, ҳатто бугун бўлса ҳам жонжон дейсан. Мен сенга ҳеч тушунолмай қолдим, кап-катта одам бўлсанг, яна шаҳарда яшасанг, ахир бир марта кўрган қизга қандай қилиб уй-ланиш мумкин, наҳотки сен учун бундан бошқа йўл йўқ? Наҳотки? Агар боришга юрагинг дов бермаса, сен билан бирга унинг олдига ўзим боришим мумкин». Буни жуда муфассал ва аниқ-тиниқ қилиб гапирдинг, ҳозир мен ҳаммасини тўла эслолмасам-да, ҳамиша Сенинг гапингдан чиқмайдиган онам худди ўз билганидан қолмайдигандай столда нимаики бор, ҳаммасини йигиштириб, хонани тарк этганда, кўз олдимни туман босганди.

Сен қачонки, менга гапира туриб, хўрламоқчи бўлсанг, ўла қолсанг-да, ўз нафратингни зоҳиран кўрсатмайсан. Фикримни йигирма йиллар олдинги муносабатинг ҳам тасдиқлади: мен билан гаплашганда ўзингни шундай тутардингки, бир ёш болага қилинаётган муомала эрта балофатга етган ўсмирга кўрсатилаётган илтифотдек таас-сурот уйғотар, ўз дунёқарашинг баҳосига кўра, бу фойдадан холи эмас, икки карра Сен учун қулай, болага нисбатан ҳақиқий муносабатни ниқоблар, яна мени ҳаёт майдонига ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда олиб киради. Ҳозир ҳам

шунга ўхшаш муносабатларни кўп кузатишга тўғри келади, фақат орадаги нафратнинг кучайганини айтмаганда, ўша ўсмир орадан йигирма йил беҳуда ўтиб кетишига қарамай катта ҳаётга йўлланма олган жойида қолиб кетган, бунда айтарли тажрибага эга эмас. Аниқ бир қиз ҳақидаги менинг қарорим Сен учун сариқ чақалик қиймати йўқ. Сен ҳамиша (онгсизларча) менинг бирор-бир қарорга келишимга паст назар билан қараб келгансан ва ҳозир ҳам (онгсизларча) ўша қизнинг нимага арзишини гўё ҳаммадан яхши биламан, деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, бу қарорга келгунча йўл қидириб, талай кўчаларга кириб чиққанимни, нимадандир нажот истаб ёнганларим ҳақида умуман ҳеч нима билмайсан, ҳатто уйланиш фикрига охир-оқибатда олиб келган омил ҳақида бирон-бир нарса билишинг ҳам мумкин эмас, негаки Сенинг бу борада ўйлаб-топганинг, ўз фикрингга, дунёқарашингга шунчалик мос келадики, мен ҳақимдаги бу фикр шу қадар мендан нафратлантирадиган, ҳаддан ташқари қўпол, жудаям бемаъни тарздадир. Ҳеч нарсанни истиҳола қилмасдан буни Сен менга билдириб ҳам турибсан. Бундай фикрда бўлишнинг ўзи ўта кетган шармандалик, Сен қандай қилиб менга шунчалик тубанликни раво кўрдинг. Бу ҳам етмагандай, ўзингча уйланиш васвасаси билан мен Сенинг номингни-да шармандалик ботқофига ботирганман-у, бу шармандаликни ҳеч бир номуссизлик билан солишириб бўлмайди деб ўйлайсан.

Рост, менинг уйланишимга доир Сенда анча-мунча эътиrozлар бор эди; буни ушбу тарзда намоён қилдинг: қароримни қўллаб-қувватлаш у ёқда турсин, унга ҳурмат билан қарашинг ҳам мумкин бўлмади, бунинг исботи ўлароқ мен икки бора Ф билан унашишни бузиб, яна тиклашга

майл билдирганимда, онам Берлинда туриб бу унаштирув ва шунга ўхшаш тадбирларга Сени-да иштирок этишга тортмоқчи бўлиб беҳуда уринди. Буларнинг бари ҳақиқат. Наҳотки шу даражага бориб етилган бўлса?

Уйланиш борасида иккала ҳаракатни ҳам оқи-лона деса бўларди: оилавий ошиён барпо қилиш, мустақил бўлиш. Бу ният Сенга-да ёқимли эши-тилган бўлса-да, амалда болаларнинг ўйинига ўх-шаб кетган кўринади: биттаси иккинчисининг қўлини ушлаганда, иккинчиси бу қўлни қаттиқ тутиб турган ҳолда яна бақиради: «Жўна, – жўна-сангчи; нега кетмаяпсан?» Бизнинг ўртамиздаги муносабатда ҳам шунга ўхшаш бир мураккаб-лик бор, очигини айтай, Сен анчадан бўён «кетсанг-чи!» деб қисташингга қарамай, бу оралиқда ҳеч нарсани ҳис қилмай, ўз сиймонгга қучли эъ-тимодинг боис, мени куч билан ушлаб турардинг. Тўғри, танлаган иккала қизим билан ҳам тасоди-фан танишганман, шунга қарамай фавқулодда омадим чопган эди. Яна бир нарсани чукур ўй-лаб кўрмаганингдан шу нарса ҳам гувоҳлик бе-радики, ахир, қандай қилиб, Сен яхши билган мендай бир қўрқоқ, шалвираган, бадгумон йигит чиройли этагига маҳлиё бўлиб, бир онда учраган қизга уйланиш қарорига келиши мумкин? Ни-коҳлардан қай бири тез, олдиндан ҳисоб-китоб билан тузилишини тушунилса, ўзинг ҳам ўйлаб кўр, менам буни яхши билганим, шунга асослан-ганимдан уйланиш учун илк уриниб кўрганимда, бир қарорга келишим учун кечалари мижжа қоқ-май ўйлаб чиқишлиар бир неча йилга чўзилган, кейингисида эса бир неча ойлар шу дард, ният, режа ва мўлжаллар алангасида қоврилганман.

Қизларнинг ҳеч биридан кўнглим қолмаган, балки мендан уларнинг ҳафсаласи пир бўлганди.

Шу боис ҳозир ҳам уларга уйланиш ниятида юрган пайтимдагидек муносабатдаман.

Иккинчи бор уйланишга чоғланганимда, илк тажрибасизликда эътибор берилмаган, енгилтакликлардан холи жиҳатлар диққатимда бўлди. Тўғри, юз берган ҳодиса иккисида ҳам турлича, шунга қарамасдан, иккинчисидан олинган ваъда, биринчисидан ҳосил бўлган тажрибага кўра, умид катта эди. Мен бу ҳақида ҳозир батафсил тўхталишни истамайман.

Шунга қарамай мен нега уйланмадим? Албатта, ҳамма каби бир қанча тўсиқларга дуч келдим, лекин ҳаёт худди шундай говлардан ошиб ўтишдан иборат эмасми?! Афсуски, энг асосий ғов шахсан менга даҳдор бўлмасдан, яна очикдан-очиқ мени руҳан уйланишга ноқобил деган хуносани илгари сурарди. Нега у шу фикрга келганди, уйланишга қарор қилган кунларимда уйқуни қарийб тарқ қилганимдан бошим кечакундуз гувиллаб, қизиб ётар, ҳам чидаб бўлмас даражада оғир, жанг майдонида умидсизлик билан олиша-олиша, тинка мадорим қуриганди. Лекин бу менга чинакам маънода қайғу-алам келтира олмас, ҳолбуки қатъиятсизлигим ва ўта синчковлигим азбаройи қийнар, аммо улар ўлик асалари фумбаклари каби жонсиз ва асосийси бўлмасдан, гап ишни ниҳоясига етказаётган – менинг бўғзимга пичноқ тираётганинг кўрсатаётган кароматида эди. Бу айнан: доимо бошим узра қўрқув қиличининг ярақлаб тургани ва менда ўз-ўзимдан нафратланишнинг кучли эканлиги эди.

Ҳаммасини батафсил изоҳлаб беришга ҳаракат қилиб қўрмоқчиман: уйланишга уннаб кўришм билан Сенга нисбатан муносабатимда икки зиддият бош кўтардики, оддин ҳеч қачон улар бу даражада кучли тарзда намоён бўлмаганди. Уй-

ланиш – мустақил бўлиш ва ўз-ўзини озод кўришнинг ҳал қилувчи гарови эканига шубҳа йўқ. Тасаввур қилишимча, менинг ҳам оиласам бўлар, энг асосийси, бу дунёда нимагаки эришиш мумкин бўлса, худди Сен буни қўлга киритганингдек, мен ҳам Сен билан тенг мақомга эришардим, энг муҳими аввалги ва кейинги давомий хўрлик ва шармандаликларимга, яъни, Сенинг барча-барча золимликларингга чек қўйилган бўлар, улар мозий мулкига айланарди. Афсуски, фақат эртакларда шундай бўлиши мумкин экан, шу боис ҳам эҳтимолдан жуда узоқ бўлди. Бу эса ҳаддан ташқари кўп нарса – ҳаётда бирйўла бунақа ҳар тарафлама имконият рўй кўрсатиши мумкин эмас, мисол учун ушбу тарзда фараз қилиш ҳам мумкин: бир одам қамоққа тушиб қолди, ҳибсдан ҳалос бўлиши учун фақат бир йўл бор – қочишга қарор қиласди: у ўзича чамалаб, буни амалга ошириш мумкин деб ўйлади ва қамоқхонани хаёлан ҳар куни кириб-чиқиб юрса бўладиган, кўнгилочар қаср каби тасаввур қила бошлайди. Фақатгина қочишга келганда қулай бир йўлини топа олмайди, натижада бу ердан ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Мен орамизда шаклланган бемаъни муносабатлардан ҳалос бўлишни истаган эканман, бунда Сенга дахлдор бўлмаган нимадир қилишим керак эди, уйланиш худди шундай бир йўл бўлиб, ҳарқалай, расмий бир мустақиллик инъом этар, айни паллада ўртамиздаги робитага ҳам зиён-захмат етказмасди. Во дарифки истагим айни жойда думбиликка ўхшаб қолган, ақдизизликнинг эса ҳар қандай кўриниши неки ниятидан қатъи назар одатда жазоланишга мустағриқдир.

Бироқ қисман мана шу тифиз алоқадорлик уйланишга рағбатимни кучайтириб юбор-

ди. Шундан кейин орамизда қарор топажак тенглик, Сенинг күнглингга келган тарафдан шохламасдан, мен тасаввур қылгандек куртак чиқарап ва гүё шу билан мен ихтиёри ўзида ва гуноңкорлик ҳиссидан халос бўлган софдил ўғил ҳолига қайтар, Сен эса ҳеч нарсадан ақли хира тортмаган, бағри кенг, дили меҳр-шафқатга лиммо-лим тўла, тақдиридан рози ота бўлардинг. Бироқ бу ният амалга ошиши учун ўртамизда ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермаган бўлиши, иккимиз ҳам мозий устидан чизиқ тортишимиз керак бўларди.

Афсуски, биз қандай бўлсак, шундай қолганимиз каби уйланиш муаммосини ҳал қилиш ҳам, менинг эмас, асосан Сенинг ҳоҳиш-иродангга боғлиқ эди. Буни шундай тасаввур қиласман: Сен ва кенг ёзилган жаҳон харитасига тескари ўтириб олганман. Бундай шароитда мен учун янграётган сўз шундай жойгача етиб борадики, гоҳ у Сенинг ҳудудингга қарамайди, гоҳ эса, бу сўзлар Сенга етиб бормайдиган манзилдадай туюлади. Булар Сенинг қарашларинг ҳақидаги тасаввурларимнинг бир озгинаси бўлиб, бу ҳудудда шодлик анқоннинг уруғи, никоҳ эса ҳисобда йўқлигидан ҳеч бирининг яқинига ҳам йўламайди.

Мана шу солиштиришнинг ўзи ҳам шуни кўрсатадики, ҳолбуки, буни айтишни истамасдим, Сен ўз ибратинг билан мени дўкондан қандай ҳайдаган бўлсанг, никоҳланишдан ҳам шундай қатағон қилдинг. Ҳолбуки, сизларнинг никоҳларингиз менинг кузатишмча, бевосита ўхшашликлардан узоқ бўлишига қарамай, кўп жиҳатдан никоҳнинг намунавий кўринишидир: рости ҳам онам билан Сенинг никоҳинг кўп томондан ибратли, сизлар бир-бирларингизга суюнч ва ёрдамчи бўлгансизлар, биз болалар ўсиб-

улғайиб, энди бу оила пойдеворига кетма-кет пүтүр етказаётганимизга қарамай, иттифоқингиз аввалгидек мустаҳкам, барқарорлигича турибди. Айнан худди шу намуна, эҳтимол, никоҳ ҳақидаги юксак тасаввуримни шакллантирган бўлса ажаб эмас; бироқ, никоҳ сари бўлган барча уринишларим натижасиз ниҳоя топганининг бошқа сабабларини изоҳлаш керак. Бу Сенинг болалингга бўлган муносабатингга бағишлиланган бутун бир хатга хулоса ясайди.

Никоҳ олдидаги қўрқув бир ҳисобда ваҳималардан келиб чиққан, ўзимиз бир пайтлар отонамизга жабр қилиб, улар олдида гуноҳга ботганимиздек, кун келиб, келажакда бу – болалингдан қайтади, дегани эди. Бу асосли фикрга ўхшаса-да, ўйлашимча, ҳаётимда жуда катта аҳамиятга эга эмас, негаки, гуноҳни ҳис қилишм, тўғрисини айтганда, туфма тарзда Сендан ўтган, шунинг учун ҳам, шуурга сингиган бир қанча ўзига хослигига қарамай, кўпинча бу тасаввурнинг фавқулоддалиги – азоб унинг ажралмас қисми бўлгани ва бу азобнинг ақд бовар қилмас даражада қайтарилиб туришидир. Ҳаммасидан қатъи назар индамас, қулоқсиз, қўрс, нимжон ўғил бечора чидаб бўлмас бир ҳаёт гирдобига тушиб қолганимни қайд этишим керак, уйланиш бундан қутулишнинг бошқа бир йўли йўқлигидан, сен айтгандек, тийиксиз кетиш истагимни синааб кўришга даҳдор бўлиб чиқади. Эҳтимол, бу ҳам менинг оила қуриш борасидаги уқувсизлигимга таъсир қилди.

Бироқ бунда ўз-ўзим учун хавотир – қўрқув яна ҳам муҳимроқдир. Ушбуни қуйидагича тушунтиromoқ мумкин: олдин ҳам эсладим, менинг ёзувчиликка уринишпим ва унга боғлиқ барча-барча воқеалар, мустаҳкил бўлиш йўлидаги

кичкина уринишларим, қочиши борасидаги арзимас ҳаракатларимдир; пичоққа илинмас мұваффақиятларни айтмаганда, бу борада улкан ютуқларни құлға киритиш әхтимолдан узоқ, буни күп күргиліктер тасдиқдади ҳам. Зиммамда кам бўлмаган мажбуриятим ёхуд ҳаётимнинг мазмұнига айланган фикр шундан иборат әдики, ҳар қанақа дўқ-пўписалар хавф солишидан қатъи назар нимаики қилинса, ўз куч-қувватим билан қилиш ва уни асраб-авайлаш, ҳатто бу хавфларнинг муқаррарлиги юз фоиз аниқ бўлганда ҳам хавфларнинг олдини олишга қаратилиши керак эди. Никоҳда шу каби хавфлардан нажот топиш имкони бор, у шу жиҳатдан улуғ бир илҳомлантирувчи вазифани ўтай олар, мен учун унинг бу нажоткорлигининг ўзи ҳам етарли эди. Агар, у ҳақиқатан ҳам хавф-хатар туғдирса, қўлимдан нима ҳам келарди! Мен никоҳда бу хавфни ҳис қилиб, қандай яшашни изоҳлаб беришим қийин, лекин унинг содир бўлишини ҳам инкор қилолмайман! Шундай истиқбол олдида очиғи, тараддусланган бўлишим керак. Афсуски, асосийси олдиндан маълум, мен никоҳ деган нажотни рад қилишим шарт эди. Шу боис ҳам бу ерда кўкдаги турналар ва қўлдаги читтак ҳақидаги ривоят ҳеч ҳам тўғри келмайди. Ҳаммаси самода қолган, қўлларим эса бўм-бўш, бу камлик қилганидай, мана шу бўшлиқни танлашим керак – ҳаётимнинг оғир масъулияти ва кураш шарти шундай ҳал қилинган эди. Касб танлашда ҳам мен шунга ўхшашиб ойлар бир ҳолатда эдим.

Бироқ уйланишга энг асосий ғов, йўқ қилиб бўлмайдиган ишончли монелик: оилани асраш, унда ҳамма нарсани бошқаришнинг кераклигини Сендан қанчалик ўргантан бўлсам, яъни жони-танингда мужассамлашган барча яхши ва ёмонлик:

қуч ва бошқага нисбатан нафрат, соғломлик ва баднафслик, сўзамоллик ва дудуқлик, ўзига ишонч ва қолган барчасидан қўнгли тўлмаслик, олимлик ва устунликни ҳис қилиш, кишиларни билиш ва бошқалар билагонлигининг катта қисмига ишонмаслик, кейин барча етишмовчиликларга қарамасдан тақдирдан розилик, мисол учун, шижжатлилик ва сабр-тоқатли бўлиш, маънавиятнинг кўркамлиги ва довюраклилик ва ҳоказолардан иборат эди. Сенга солиштирганда бу каби хислатларнинг аксариятидан мосувоман, борлари ҳам айтарли даражада эмас. Булардан қатъи назар мен орзуимдаги никоҳга журъат қилишим мумкинми? Ўз кўзим билан кўрдим-ку, ҳатто Сенга никоҳ ҳақидаги хабарни айтиш учун қанча курашишга тўғри келди, ҳа Сен болаларингнинг хатти-ҳаракати, феъл-авторига сабр-тоқат билан муносабатда бўлишни ҳам ўзинг учун мағлубият ҳисоблайсан. Англашимча, бу вазиятда нега бундай деб ўзимдан аниқ-тиник сўролмаганимдек, равshan жавоб ҳам қиломайман, бошқачаси эса жавобгарлик учун одатий фикрларни аланглатади ва бошқа эркаклар ҳақидагини эслатганда борми, албатта, Сенинг қаричингга тўғри келмас (нимага керак узоққа бориб – бу борада Сендан керагича ажralиб турган Рихард амакини мисол қилиб кўрсатиш мумкин), шунга қарамай уйланган ва ҳар қанақа воқеалардан қатъи назар ўлиб қолмаганлар бир талай эдики, менга шуларнинг ўзи мутлақ етарли бўлар эди. Мен бу саволни энди қўяётганим йўқ, балки у билан бирга болаликдан яшаб келаман. Афтидан, мен никоҳ масаласи чиқибгина ўзимни синаб кўрганим йўқ, балки исталган майда-чуйдада бу кўзга ташланади; худди шундай, тасвирлашга уринганим каби ҳар қанақа майда-чуйдадаги Сенинг ибрating ва тарбиянг

менга уқувсизлигимни писандар қилар, ҳақдигингни исботлар, бу адолатли ёндашилган муносабатларнинг энг йириги никоҳга бўлган муносабат эди. Бу вақтгача ҳам уйланишга уринишларим, мисол учун, уқувсиз тижоратчининг омадсизлигини эслатади; у кўп нарсани кўриб, тажрибаси ошгани каби, ўз ишида олдиндан ҳар қанақа ташвиш-таҳлика, қалтис вазият содир бўлишини ҳис қиласди, фақатгина булар аниқ ҳисоб-китобдангина айро бўлади. Шу боис ҳам у бир сафар озгина даромад қилишга эришса (ҳаётда бу ҳам камдан-кам содир бўлади) хаёлан ҳамиша бу омадни бўрттириб, ундан имдод излайди, ҳолбуки асосий вақтида унинг кўрган кўргилиги камомаддан боши чиқмаслигидир. Булар кирим-чиқум дафтарига қайд қилиб борилса-да, ҳеч қачон даромад олиб келиш дараҷасига етмайди. Шу каби уйланиш борасида ҳам ҳукм-хulosани айтмоқ, бир фикрга келмоқ вақти етди. Катта сарф-харажатлар олдида майда-чуйда олинган фойдалар ҳисобга олинармиди – ҳаммаси кета-кетгунча қарз, йўқотиш уммони. Шунда ҳам оила қуришга бир уриниб кўр-чи, қани ақдан озмас эканмисан?

Сенинг ҳамроҳлигингда ўтган умрим шундай ниҳоя топди ва шундай режалар билан истиқболи ҳам адо бўлажак.

Балки олдингдаги қўрқувларим асосига кўз ташлаб, Сен шундай дағдаға қилишинг ҳам мумкин: «Сен бу хатинг билан мен ҳаётимни енгил қилмоқчи бўлиб, сенга нисбатан муносабатим шунга яраша бўлгани, аммо бор айбни эса ўзингга ташлаганимни исботламоқчи бўлибсан, бор кучинг билан бутун оғирликни зиммангга олишингга қарамай, ҳаммаси сен истагандек бўлишини истайсан, деб ҳисоблайман. Биринчи навбатда, сен ҳам айбдорлигингни рад этиб, масъулият-

ни зиммангдан соқит қилиш пайида бўласан, бу жиҳатдан феъл-авторимиз бир-бирига уйқаш келади. Бироқ мен сенинг фақат ўзингга тегишли барча гуноҳларингни ошкора қайд этадиган бўлсам, бир вақтнинг ўзида «Ўта бамаъни» ва «ўта хассос» бўлишни истаганинг ва бунинг учун барча гуноҳни гарданимга афдарганинг маълум бўлади. Англашимча, кейингисида фақатгина сиртдан шундай кўринишга уринганинг кундек аён (ҳа, сен бошқача бўлишни истамайсан), ҳолбуки, бу лаҳзаларда сўзларинг орасида «ялтироқ иборалар» кўп учрашига қарамай, моҳиятида кўриниб турган зиддияти, ёрдамга зорлиги, сиртига тошиб чиққан айловига кўра гўё мен ҳамиша сенга дахл қилувчи, ўзинг эса зўрга ўзлигингни ҳимоя қилиш билан овора бўлиб чиқасан. Бу билан ўз-ўзингни алдашда шу даражага етдингки, бирваракайига уч нарсани исботлаб бергандай бўлдинг: биринчидан, сен мутлақ бегуноҳсан, иккинчидан, нима гуноҳ бўлса, мен қилганман, учинчидан, яна расмана бағрикенглик билан фақатгина мени кечиришга тайёр бўлиб қолмай, бунинг ўзи ҳам кам ёки кўп даражада шуни тасдиқлади, ҳақиқатингга хилоф бўлса-да, гўё мен ҳам бутунлай айбсиз эканлигимга ҳам ишонасан. Ҳа, биз ўзаро жанг олиб боряпмиз, буни тан оламан, лекин бу олишув икки хил усулда бўляпти. Рицарларнинг жангида бўлади-ку, кучлари тенг икки рақиб олишар экан, ўз билганича ҳаракат қиласи ва иккаласи ҳам голиб чиқиши пайида бўлиб, иккаласи-да мағлубият аламини тортади. Яна бундан бошқача – номардларнинг ҳам жанг услуби бор: унда найза санчишга улгурган рақиб, бу билан чекланмайди, балки ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ўсал рақибининг қонини ҳам сўриб ичади. Мана шундай баттол рақиб бу – сен. Сен

яшаш йўлларини билмайсан: шунга қарамай, бамайлихотир яшашни истайсан, шу боисдан бўлса керак, ҳар қанақа гусса, гина-кудуратларсиз ҳам шуни исботламоқчи бўласанки, яшашга бор усталигингни мен сендан тортиб олиб, гўё ўз чўнтағимнинг чуқурига яшириб қўйган бўламан. Ва сен шу боис оёғимни чўзиб ётаверсам бўлади, жисмонан ва маънан мени отам ҳаёт майдонига етаклаб чиқиши керак, деб тасаввур қиласан. Бу билан бор жавобгарликни менинг гарданимга ортасан. Аслида, ўзинг-ку яшашга нўноқ. Мисол учун, яқинда бирдан уйланишни истаб қолдинг ва хатингда бунга иқрор бўлаётганингдек, ҳозир ҳам буни истайсан, шунга қарамай уйланганингча йўқ, чунки бу истакни амалга ошириш учун бор кучингни ишга солиб ҳаракат қилмадинг, балки бу билан уйланмаслигингга қандай қилиб бўлса-да мен ҳам кўмак беришимни истадинг ва «шармандали» уйланишни тақиқлаб, сен билан ҳамфир, иттифоқдош бўлишимни кўзладинг. Бироқ бундай қилишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Биринчидан, бу воқеа ҳар галгидек содир бўлишини ва «бахтингга ғов бўлиб қолишни» истамасдим, иккинчидан, бунинг учун қачондир ўз болам гина-кудуратини тинглашга тоқатим йўқ. Аммо ўз-ўзимни енгиб, никоҳ хусусида бирон хулоса чиқаришни бутунлай ўз ихтиёрингга ташлаб қўйганим билан бирон-бир фойда кўрдимми? Ҳатто, арзимас бир даражада ҳам. Бу қизга уйланишингга салбий қарашимни ўзинг ҳам рад этолмайсан, шунга қарамай, уйланиш борасидаги шошма-шошарлигинг авжига чиқди, ўз ташбеҳинг билан айтганда «қочқоқдик синови» шитоб билан тезлашди. Бироқ гапимга кириб, бир иш қилганингда ҳам бу гина-кудуратлар тавқи лаънати бўйнимдан олиб ташланмас, бари бир, ҳар қанақа аҳволдан қатъи назар

уйлана олмаганингга мени айбдор қилиб кўрсатверардинг. Бошқача бўлиб чиққанда ҳам сен бўлак воқеалар билан менинг барча гина-кудуратларим адолатли, ҳозир улар ичида бўлмаган бири борки, бу ҳаммасидан ҳам зўри бўларди деб исботлашга тушардинг, ҳолбуки, бу ўпкалаш сохта ва ғаразли, бориб турган кўрнамакликнинг ўзидир. Адашмасам, мана шу хатинг билан ҳам ўтакетган оқпадарлик қилдинг».

Ҳаммадан олдин бу ёзгиришларга мен шундай деб жавоб бераман: Сенга қарши бўлганимда ҳам бу эътиrozга қисман қўшилишим сабаби, ҳатто унга ишонгим келаётгани боиси зугумларинг мени адойи тамом қилгани учун эмас, балки ўзимдан-ўзимнинг жоним ҳиқилдоғимга келгани учундир. Рости, Сенинг менга нисбатан ишончсизлигинг олдида ўзимнинг ўзимга ишончсизлигим тоғ каби баланддир, буни Сен менда тарбиялаб вояга етказдинг. Мен ҳамма яхши биладиган, тарбиявий алпоздаги қаршилик қилишларни инкор этмоқчи эмасман, бунинг ўзи бир қадар бизнинг ўзаро муносабатларимизга янгича тавсиф бериш имконини беради. Ҳақиқатан ҳам ҳамма воқеалар бир-биридан келиб чиқиши мумкин эмас. Ҳар қанақа қитмиригу мураккабликларга қарамай ҳаёт қимор: чикка ё пукка, хатимда бу бир қадар ўз исботини топгандек, албатта, уни ҳижжалаб, бутун тафсилотлари билан кўрсатиш қўлимдан келмади, буни истамасдим ҳам, шунда ҳаёт келтириб чиқарган норозиликларнинг бир чимдими ўз ифодасини топгани менимча ҳақиқатга яқин туради ва қурби қодирлиги билан озгина бўлса-да, иккаламизга ҳам таскин бериб, ҳаёт ва мамотимизни осонлаштиради.

**Франц,
1919 йилнинг ноябри**

«ОТАМГА ХАТ»ГА ИЗОХЛАР

1. Бу ерда гап Кафканинг отаси кескин қарши бўлган адаб билан Юлия Вохрицек ўртасидаги унаштирув ҳақида кетмоқда.
2. Роберт Кафка – адебнинг амакиваччаси, Карл Германн – Кафканинг синглиси, Эллининг эри.
3. Лёви – онасининг қизлиқ фамилияси.
4. Филипп, Людвиг, Генрих – отасининг акаукалари.
5. Валли (Валерия) – Францнинг синглиси.
6. Феликс Германн – жияни, Эллининг ўғли.
7. Пепа – синглиси Валлининг эри.
8. Кафканинг ушбу нақли кундаликларидан: «Ит билан ётиб, бит билан уйғонасан».
9. Цюрау – қашшоқ зиёлилар шаҳарчаси яқинидаги қишлоқча. Ёзувчининг синглиси Оттланнинг шу ерда ер-мулки бўлиб, 1917–1919 йиллар орасида Кафка уларникида яшаган.
10. Герти – жияни, Эллининг қизи.
11. Ирма – Кафканинг амакиваччаси.
12. «Жараён» романи охиридан бир неча сўзлар сал бошқачароқ қилиб ифодаланган.
13. Афтидан, Таврот ўралган қофоз.
14. Франклин – Кафканинг шахсий кутубхонасида америкалик сиёсий арбоб ва олим Бенжамин Франклин ҳаётига оид китобнинг чехча таржимаси бўлган.
15. Шёнборн – бу ерда Франц 1917 йилда ижарага уй олиб, Фелица Бауэр билан никоҳдан ўтишга тайёргарлик кўради.

ҲАРАКАТДАГИ «ЖАРАЁН» ҚИСМАТИ

«Худди ит каби, – деркан, у охирги гапини шундай бир тарзда айтдики, гүё бу шармандали ҳукм үндан узокроқ яшайдигандай эди».

Шундай қилиб... Йозеф К. одам ва олам ҳақидаги сўнгги, тугалланмаган фикрини айтиб бўлди. Сиз ўзбек тилида ўзига қийнала-қийнала йўл топган, Франц Кафканинг васиятсиз васиятномаси янглиг дунёга қолган довюрак романи «Жараён»нинг охирги жумласини ўқиб бўлдингиз.

Азиз ўқувчи! Мен шу кунни қанчалик орзиқиб кутгандим. Қанчалик юрак ютиб, хаёлан тасаввурлар қилгандим. Ҳозир мендан саодатманд киши йўқ. Ҳолбуки, олдингизда хижолатлиман. Хатокорлигим, тил билмаслигим, сусткашлигим, гайратсизлигим учун мени кечиргайсиз. Шукр, Франц Кафканинг «Жараён»и ўз тилимда дардини айтди. Сурати қандаю сийрати қанақа чиқди? Бу ёғи сизга ҳавола.

84-йилнинг кузи эди, адаимасам, талабамиз, Сирдарё вилояти далаларида пахта терардик. Қадим Мирзачўл кенгликлари ҳавасларимизнинг дояси, мусаффо орзуларимизнинг кўзочар тонготари эди. Курсдошларимдан бири, ҳозир таникли ёзувчи бўлиб кетган полвон дўстимнинг қўлида қора муқовали бир китобга кўзим тушибди. Курсдошим пахтага чиққандаям, теримдан қайтгандаям, ётар жойимиз шийпонда ҳам китобни қўлига олар, аммо икки-уч бет ўқиб тўхтар, ўн беш кунлар ўтишига қарамай, иши унмас, бу кетишида бутун бир фасл шундай ўтиб кетиши кўриниб турар, нимадир халақит

бериб, асарнинг ичига кириб кетолмаётган эди. Нимадир бўлди-ю, китобни олиб, варакладиму биринчи жумласиданоқ у мени ўзига асир этди. Китобни сўраб олиб, охирига етганча бошқа асар билан ишим бўлмади. Бу китоб ўша йиллари устоз Иброҳим Гафуров таржимасида тилимизга ўғирилиб, эндигина нашр қилингандан рус ёзувчиси Фёдор Михайлович Достоевскийнинг «Телба» романи эди.

«Телба»дан айрилолмай қолдим. Фёдор Достоевскийнинг бошқа асарларини ҳам топганим қадар ўзбекчада ютоқиб, ўрисчада ҳижжалаб ўқиб чиқдим. Ҳатто «Телба»нинг ўзбекчага таржимаси борасида ўзимча ҳаяжонланиб, диплом иши ҳам олдим. Ким қўйибди мендай адабий саводи ҳаминқадар ҳаваскорга шундай маҳобатли, ҳикмати чуқур, дарди чўнг асар ҳақида фикр билдириб, таржимасига асл нусхасини солиширишини? Бунинг бош сабаби қалби соғ инсоннинг тенгсиз дарди, унга теваракдагиларининг муносабати эди. Агар шу дарднинг күйини, алангали күйнинг оқимини тополмасангиз бу асар жуда зерикарли, ҳаддан майдада-чуйда турмуши воқеаларининг баёнига ўхшаб туюлиши ҳам ҳеч гап эмас. Княз Мишкиннинг ботиний оҳу-ноласи, зоҳирий афтода аҳволи, ўзимизнинг Мажнунга ўхшаб кетадиган оташин қисмати жони жаҳонимни эгаллаб олди. Ўша кунлари фақат Достоевский асарларини олиб юрганимга қизиққан кутубхоначи опа «Бунақа китобларни кўп ўқиманг. Уларга мубталолик яхши эмас, руҳиятга ёмон таъсир қиласади», дегани ҳеч эсимдан чиқмайди. Балки унинг гапида ҳам жон бордир. Лекин мен қўшилолмадим. Ҳозир ҳам Достоевский асарларидағи инсоний изтироб, мусаффо ишқ тараннумининг ҳам рамзи, ҳам психологик, ҳам фалсафий, қолаверса, реалистик тасвиридан олинадиган сабоққа муҳаббатим сусаймас.

Улар одамни адo қилмайди, тиклайди, ҳаётнинг бош моҳияти сари элтади, даҳри дунда мажозий, илоҳий муҳаббат бандалари дарвеш каби ҳар лаҳза синовдалигининг далилларидаи событдири. Фақат бу асарларни ичига, ботиний муножотига туша билиши керак...

Худди ўша 84–85 йилларда «Ёшлик», «Шарқ юлдузи» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида Франц Кафканинг уч бетакрор новелласи таржимаси босилиб чиқди. Даставвал ўқиганимдаёт Франц Кафка Достоевский мактабининг ўқувчиси экани, Достоевский қашф қилган оламнинг янги сарҳадларини очган адаб сифатида кўнглимга ўтироди.

Ҳақиқатан ҳам Франц Кафка Достоевскийни қайта-қайта мутолаа қилган. Кундаликларида буюк ёзувчини ҳатто тушида кўрганини ёzáди. Бироқ Кафкага хос фавқулоддалик қудрати шундаки, унинг қати секинлик билан очилади, қашфиётининг миқёси қайта-қайта мутолаада кенгаяди. Шу боис ҳам Кафка олами ташириф буюрган ўша йиллардан бошлаб, ўзбек ўқувчиси кўнглида яна бир басират кўзи очилди. Адабиётимизнинг ёш вакилларига, хусусан, ўзбек носирларига бу қизғин таъсир қилди.

Фавқулодда ижод, уста санъаткорлик инсоннинг ўлмас дарди, беқиёс муҳаббатисиз кўз очиши мумкин эмас. Ана шу дардга ҳамдардлик, шу дардда ўзини англаш, шу муҳаббатни орзу, шу муҳаббат билан тириклик туйгуси муаллиф шахсини, қисматини ҳам назарга туширади. Ижод қанчалик кучли, қамровли, инсоний бўлса, шахсга муҳаббат, эътибор, уни билишига қизқиши шунчалик кучайиб боради.

Франц Кафка ҳаёти зоҳирлан жуда oddий. У бор-йўги бу ўткинчи дунёда 41 йил (1883–1924)

умргузаронлик қилди. Австрия империясининг Чехия ҳудудидаги Прага шаҳрида, яхудий оиласида туғилди. Отаси қишилоқ ҳунармандлари орасидан чиққан, ўз ҳаракати, гайрати-салоҳияти билан ўртаҳол фабрикачи даражасига етган эди. Онаси эса аҳли китоб ҳисобланмиш яхудий диндорлари Раввинлар сулоласи вакиласи эди. Францининг уч синглиси бўлган.

У даставвал Прагадаги немис гимназиясида ўқиди. 18–23 ёшида эса ҳудди шу шаҳарда ҳуқуқшунослик бўйича таълим олади. Бирваракай олмон маданияти ва санъати тарихидан маърузалар тинглаб юрди. Шундан сўнг икки йил шаҳар суди қошидаги адвокатлар идорасида иш ўрганди. 1907 йилнинг октябридан эса ҳусусий сугурта жамиятига ишга кирди. Бир йил ўтиб, билимiga қаноатланмай, Прага тижорат академиясида малакасини оширди. Ва айни шу 1908 йилдан бошлиб ярим давлат идораси ҳисобланган ишлаб чиқаришида жароҳатланганларни сугурта қилиш ташкилотига ишга ўтди. Докторлик даражасида чуқур билими, тиришиқоқ ва малакали бўлишига қарамасдан қаришиб ўн йил кам маошли, нуфузсиз шу жойда оддий ходим бўлиб ишлади. 34 ёшида (1917) сил касалига чалинди. Шундан кейин ҳам яна беш йил қисқа танаффус – даволанишлар билан ушибу идорада фаолиятини давом эттирди. 1922 йилда шу жойдан нафақага чиқиб, тириклилик ташвишларига этак силкиди, «қочиш» режасини амалга оширмоқчи бўлди. Бундан кейин бутунлай ўзини адабиётга багишлаб, эркин ижодкор бўлиш учун Берлинга йўл олади. Аммо кучли касаллик хуружи уни ортга қайтишига мажбур этди. Уйланишига улгурмади. У 1924 йил Зиюнида Вена яқинидаги Кирлинг санаториясида сил касалидан қазо қилди.

Бу оддий ва жүн рақам ва маълумотлар ортида Кафканинг бениҳоят фавқулодда асарларинингизи, манбаси, нодир муҳити борки, Кафка шахси, Кафка қисмати янглиг қайта-қайта хаёлдан ўтади, изтиробга солади, ўйлатади, шижаотлантиради. Фикрашга ундаиди.

Кафка шахсини, Кафка оламини, Кафка маънавиятининг кашфиётчиси унинг ўзи! Ўзига кўзгу солган. Ўзини тадқиқ этишида асарлари, шахсий ёзишмаларига етадиган манба йўқ. Мен унинг «Отамга хат» эссеси – газабномаси-муножоти билан танишишибина бундан воқиф бўлдим. Таржимага бетишик разгбат ҳам шундан кейин уйгонди.

Дунё адабиётида, қолаверса, ўзбек адабиётида автобиографик йўсингандаги асарлар талайгина. Уларнинг услугуб ва гоя жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, фойдали томонларини биламиз. Аммо Франц Кафканинг «Отамга хат» асари улардан кескин фарқ қиласди. У аввало дил изҳори сифатида фавқулодда жазавали изтироб алангасида битилган. Қолаверса, ҳеч ҳам адабий-биографик асар сифатида ўқувчиларга тақдим этилиши кўзланмаган. Балки Зб ёшли инсон дилида нима бўлса ундан отаси воқиф бўлишини истаган. У хатни онасига жўннатиб, отасига бериб қўйинши сўрайди. Онаси эса хатни эрига кўрсатмай, ўзида сақлайди ва «Отамга хат» Кафка ўлимидан ўттиз шиллар ўтиб, 1952 йилда «Ноий руншоу» журналида илк бор эълон қилинди.

«Отамга хат» аввало ўзи, яқин кишилари, хоссатан, отаси ҳақида ошкора тасаввур бергувчи манба. У ҳар кимга – дунёқараши, тарбияси, хусусан, эътиқодига қараб турлича таъсир қилиши мумкин. Шу боис ўқувчи наст-баланд турфа баҳо бериши, ҳар хил мулоҳаза юритиши турган гап. Ахир инсон ҳам ўзининг яралishiiga асосий

сабабчи бўлган, едириб-ичириб, ўқитган отасини фожиаларининг бош айбдори деб ҳисоблаши мумкинми? Бу отага нисбатан ҳаддан ташқариadolатсизлик эмасми? Тарбиясизлик, ҳатто шаккокликдай туюлмайдими?

Лекин мен уни ўқиб, ўзбек ўқувчиси адаб шахсини тушуниши, билиши учун албатта «Отамга хат» билан таниш бўлиши керак, деган фикрга келдим. Кафка фожиаси, Кафка ёзгиришилари шахсий бир мезонда унга балки фақат маломат келтирасар, аммо шунда ҳам ҳақиқатан юз ўгирив бўлмайди. Шу туришида ҳам у оталар ачичиқ сабоқ чиқаришлари учун ёрдами тегади. Шу боис ҳам ким бўлишидан қатъи назар инсонга қайгурган, уни тушунишига, ҳамдард бўлишига ўргатар асарга холис бўлиш керак.

«Отамга хат»нинг жуда чўнг изтироби, улкан қайгуси, илк жумласидан сўнгги ниносигача оташин муножоти жони жаҳонингизга ўт ташлайди. Чин тарбия нима-ю, сохта хатти-ҳаракат қайси, руҳият кўзгусига солиб кўрсатилади. Шунда ҳар бир инсоннинг кўнгли, руҳияти, кайфияти ниҳоятда нозик ришталар билан бир-бiringa бөгликлиги, ана шу дахлсиз мамлакатга ўзидан бошка ҳеч ким, ҳатто яхши, умидли ақидаларни-да ниқоблаб, тажовуз қилиш жиноят эканлиги; бунинг оқибатида ногирон бўлиб қолган қалб ўзини ҳеч қачон намоён эта олмаслиги, чалажон руҳ журъатсиз, ботирлик талаб қилингган жойда қўрқоқ бир ҳолда ҳаётда энг зарур сифатларни ҳам ишга сололмай, ёлгизликка маҳкум бўлиши каромат қилинади.

Ф. Кафка «Отамга хат»да ўзининг қўрқоқ, носиуд, журъатсиз, салоҳиятсиз бўлиб қолганлигини кўп тилга олади. Аммо хатда унинг ўта зийрак, мард, журъатли фикрлари ҳар бир ўқувчи қалби-

да ўз болалиги, ёшилигини хотирлашга, нималарга улгурди-ю, нималарни қилолмаганини сархисоблашга, ўзини тафтиши қилишига үндайди.

Аслида ҳам ҳақиқатан күз юмиб бўлмайди. Франц Кафка қисмати жуда серзахмат ва мусибатли кечди. У жуда ёшилигидан ёлғизланиб қолди. Тирик туриб отасидан айрилди, ҳаётга муносабатлари кескин фарқ қилгани боис асосий масалаларда ҳеч ҳам у билан келишолмади. Ота билан болани яраштириши пайида хотин сифатида эрига бўйсуниши вожиб, она сифатида боласига қайгуриб, ўрталиқда қолган онаизорига ҳам кўнглини бўшата олмади. Сингиллари ундан анчагина ёш бўлгани боис жигарлашишига улгурмади. Тўгри, унинг уч-тўртта Оскар Поллак, Макс Брод, Оскар Баум, Фелекс Велч каби ошналари бўлса-да, у одамови ва ниҳоятда камсуқум эканлигидан улар билан сирлашмай, ўз қайгуси билан ўзи қоврилди. Гимназиядоши Эмиль Утицнинг таърифи бўйича: «Франц гўёки ойнаванд тўсиқ билан ўзини улардан иҳоталаб олган» эди. У уч бора уйланмоқчи бўлганига қарамай, бирор бир аёл билан тақдирини bogлолмади. Бошданоқ буларга отаси рози бўлмади, бирида тўгри келган қизга уйланаверасанми, деб қалака қилди, бошқа сафар яна нимасидир ёқмай халақит берди. Қолаверса, ўзи ҳам уйланиш адабий қисматига тўсиқ бўйлиши мумкин деб қўйрқуянини кундалигида очик ёзади. Шундай бўлса-да, «Отамга хат» эссесида «Уйланмоқ – оила қуриш... менимча, инсон қилиши мумкин юмушлар ичидা энг буюги» деб эътироф этган экан, оила қуриб, зурриётлар қолдиришини орзу қилгани шубҳасиз. Ҳаёт йўлида ҳам Фелица Бауэр, Юлия Вохричек, Милена Есенская, Дора Домант, Грета Блох каби қиз-жувонларни учратган, муносабатлари

яқын, улардан бири билан тақдирини боялаши жуда мүмкін еди. Аммо...

Бұз бахтсизлик етмагандек эң севған машгулоти, бутун қысметтінінг ягона дардкаш ҳамроғы адабиёт билан ҳам жиіддій шүгүлләнешінде имкони бўлмади. Асосий вақти идорада ўтди.

Фридрих Нитшенинг бир ҳикмати қайта-қайта әсімга тушади: «Мангулик әмас, мангу яшаб қолиш мұхым». Галати фалсафа әмасми? Ҳаёт қонуниятіга бу орзу түгри келиши ҳеч мүмкінми? Бироқ афтода туюлган ҳар күнини изсиз ўтказмасликка интилиши, зулумот, мавхұмлікни әмас, ёргулыкни севиши, шу йўлда идрок этғанларини босиқлик билан гўзал тарзда айта олгани Кафкани мангу яшаб қолдирди. Очиги, инсон ўз даврида оқил ва тадбир билан яшаб ўтишининг ўзи катта гап. Ўзидан кейин ҳам маълум бир муддат эл-халқ, жуда бўлмаса, зурриётлари тилида номи тилга олинади, ҳақига дуои фотихалар қилинади. Бир камтар инсон сифатида Кафка на мангуликни, на мангу яшаб қолишини орзу қилгандай. Аммо қазоу қадар бошқача бўлиб чиқди. Шахснинг ботини очилди. У яшашига ҳуқуқ олди. Ана шу ботиндаги талаблар эса жуда ҳам олижаноб инсонийлик сари йўналганди. Фикрлари ойдин, самимий тилагу дуоси руҳнинг тарбиячиши эди. У Гёте ижодини ниҳоятда севарди. Шу боис ҳам Гётенинг мана бу афоризмини кўнгил кундалигига, тўғрироги, кундалиқдаги кўнглигага нақшлаб қўйған еди: «Ҳар куни яшаши учун курашга чиқмаган инсон севиши ва яшашига лойиқ әмас». У чех бастакори, созанды ва шоири Яноух билан дилдан қилган суҳбатларидан бирида ниятини рамзий қилиб, зулматларга қарши курашганини беихтиёр билдириб кетади:

«Кундуз – улуг афсунгар! Қандай яхши бошимиз узра қүёшнинг порлаб туриши. Агарда бу қўрқинчли, уйқусиз тунлар бўлмаганданда мен үмуман ҳеч нима ёзмаган бўлардим».

У тинимсиз ёзди, зулмат, тун нималигини англаш учун ёзди. У бу қоронгилик тимсолидаги жаҳолат, нодонлик, тажовуз, қотиллик нималигини кузатиб, таҳлил қилиб, муқояса этиб, унинг нимадан тугилиши, нимадан сув ичиб, яйраб-яшинаб, ойдинликларга тинчлик бермаслигини ўзи англаб олмоқчи, билмоқчи эди. Унинг Олмонияда ҳар бир китоби 500–600 бет келадиган 10 жилдлиги нашр қилинган. Аммо Франц Кафка тириклигидан бир китоб ҳажмига етар-етмас тўрт-беш новелласи, романларидан парчалар чиққан, холос; ўзи шуларнинг ҳам олтидан бирини ўқишига яроқли деб баҳолаган эди. Аммо адабий жамоатчилик истеъодод пайдо бўлганини ўшандаёқ эътироф этган, чоп этилган новеллаларидан бирига 1915 йили Олмониянинг йиллик адабий муроффоти муносиб кўрилган эди. Аммо асосий, хусусан катта асарларини ўзи эълон қилмаган, энди эълон қиолмаслигини ҳам билган Франц Кафка ўлим олдидаги масъулият, дўсти Макс Бродга қолдирган васиятномасида барча-барчасини ёқиб юборишни ўтинади. Афтидан Макс Бродни келажак олдидаги масъулият, дўсти Францнинг соглом пайдидаги ёргу ва рост фикрлари ҳақиқий васияти эканини англаш бу асарларни асрар қолишга, бирин-кетин эълон қилишига ундалаган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам уч тугалланмаган романи, қатор фавқулодда янгича ва янги ҳаёт ҳақидаги новеллалари, кескин, кенг ва чуқур фикрли ўн йиллик кундаликлар, «Отамга хат»

каби бир талай мактублари ўлимидан кейин нашр этилиб, күнгил мулкидан ўрин олди.

Франц Кафканиң «Жараён» романы ҳақида бирдан-бир қолипга сугадиган фикр юритишга киши қийналиб қолади. Бири ҳақида гапирила-ётганда, иккинчиси чеккага суралаётганда ҳолатни сезмаслик мүмкін эмас. Бу роман ҳам рамзий, ҳам психологик, ҳам фалсафий, қолаверса, жуда ҳам реалистик асар. Мұхими чигал, ўзгараётган дүнёда жаҳолатнинг янгиланаётгани, дақық бир ҳаракатга эврилаётгани, энг азалий инсоний борлыққа дарз солаётгани, Аллоҳ берган яшаи ҳүкүкіни тортиб олаётгани фош этилган. Бу турли-туман фикр йұналиши билан тадқиқ этишига киришилар экан, «тұхтатиб қолинган жараён» қиссасигина эмас, ҳаракатини бошлаган, жуда ҳам зымдан тобора хуфиялашиб, мағфиялашиб борган залолатнинг шитоблашуви ҳақидаги асардір!

Бу дүнёга Худонинг марҳамати билан келген инсоннинг энг олий ҳүкүкү – яшаи ҳүкүкү эмасми? Үзлигини намойиши этадиган чегара, имконияти эрк түйгуси экан, эрки унинг ўзида бўлиши керак-да!

«Жараён» романыда ана шу бош шарт қайси мезон бўйича ҳал қилина бошланганини гувоҳи бўлламиз. Бу жараён бениҳоя аянчли, ҳақсиз, сирли ва машъум.

Йозеф К. тақдиди ҳақида гап чиққанды ижодкор дўстларимиздан бири Йозеф К.ни тонгда туртиб уйготишганию ва ҳибсга олинниши инсон түгилишидан бошланадиган сўраб-сурештиришининг ўзи. Түгилдикми сўроққа тутиламиз. Улгайгандар сари тергов-тафтишлар кўпаяди. Нега келдигу, нега кетяпмиз, бунга жавоб бериш жуда ҳам мушкул. Унинг босими вақт ўтган

сари күчайиб боради. Ва охир... Рамзан Йозеф К.нинг қисмати ҳар биримизнинг тақдиримиз, деганда ўйланиб қолгандим. Чунки «Жараён» аввало ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти, унинг тадрижи, гуноҳ-савоблари, хусусан, гуноҳкор бандалиги борасида фикр қўзгайди. Аммо бу умр бошқалар учун дахлисизлиги, ҳамма ўзи учун ўзи жавоб бершии кераклигини бот-бот эсга солади.

Илоҳий китобларнинг барчасида, хусусан, Қуръони каримда марҳамат қилинадики, «Инсоннинг қони инсон учун ҳаром». Унинг айбини бўйнига қўймасдан ўлдириши, қонини тўкиши энг оғир жиноят. Ҳатто қотилнинг ўлимни ҳам бу гуноҳи кабирани юва олмайди.

Хавфсизлик учун қонунлар чиқариб қўйилган, тараққиёти ер юзининг энг олди деб жар солинган Оврўпа марказида эса бир инсон ҳеч бир айби исботланмасдан, шу йўлда қарийб бир йил сарсон-саргардон қилиниб, охир-оқибатда қатл этилади.

Ҳаммадан ўзини ақлли ва қудратли ҳисоблаган имонсизларнинг хокисор, меҳнаткаш, эътиқодли кишиларга қатлиоми бу!

Йозеф К.нинг асл изтироби, тийиксиз хатти-ҳаракати, ҳар қачон мавжланиб турадиган фикрлари ўша ўрмалаётган, ҳамма жойда гимирлай бошлаган жаҳолатга ташланган ўтдир. Шу боис «Жараён»га талпиниши, интилиши, ўқшиш ва уқшиш күчаймоқда. Зеро, у XX аср тонготарида янгича кўринишдаги азалий иллатлар – тажовуз, хиёнат, гийбат, иблисга сотилиши, шаҳватпарастлик, қотилликнинг мургак бир ҳолидан башорат қилган бўйлса, йил, аср ўтган сари бу иллатлар оммалашди, фақат Оврўпада эмас, жаҳоннинг энг чекка жойларигача бориб етди. Бир мисол. 70 йил олдин кўчада бирор сизни тўхтатса, кимлигинизни сўярар, аммо сиз-

дан кўра қўлингиздаги жонсиз қоғозни инсондан юқори қўйшиши мумкин эмасдай эди. Бугун сиз нотаниш одамнинг олдида фақат ҳужжат билан кимлигингизни билдиришингиз мумкин. Шу боис азим шаҳарда шигами, ўқишигами кетишидан олдин гувоҳномангиз борми ёки йўқми деб, бир қур чўнтағингизни пайнаслаб кўрасиз. Чунки сиздан кўра унга кўпроқ ишонишади. Мабодо у йўқ ёки қолиб кетган бўлса, сиздан хавфсирашлари, озодлигингизга чек қўйшишлари мумкин...

Йозеф К. хонасига бостириб кирганларга кимлигини билдиримоқчи бўлиб, ҳаяжон ва ачиқ аралаш шахсий гувоҳномасини излашга киришиганини ўқир экансиз, бугун инсоннинг оғзаки гапига эътибор камайгани ҳолда жонсиз қоғозга ишонииш кучайганини эсга солади ва адид огоҳлантирган хавф дунёни олганини тасдиқлайди. Бу инсонлик шаънига тегади. Уни ерга уради, ҳақоратлайди.

«Жараён» ана шундай кўз очган, кўз очажак иллатларнинг мангу давомиyllигидан сўз очган. Рост, умрларнинг ҳам бош адоги бўлади. Ибтидодан интиҳоғача. Инсоннинг йўли ҳам шу! Офтобнинг йўли ҳам. «Жараён» топилган ном, унда чизилаётган тасвири, айлантирилаётган саҳна бетиним бу ҳаракатнинг моҳиятига интилади. Ахир, яхшилик ва ёмонликнинг кураши ҳам шундай. Бири түгилиб, бири ўлгани, бири маглубиятга учраб, иккинчиси галаба қозонгани билан тўхтаб қолмайди. Бошқалар ҳаёти мисолида қайта түгилади, қайтиб умрини бошлидай. Айниқса, эзгулик орзусида ҳақиқат ўйлида азоб чекиши, хўрланиши, эзилиши, охир-оқибат адо бўлиши – синов-имтиҳон дунёси – қиёмат қадар бардавом.

Романнинг бош қаҳрамони Йозеф К.нинг айни 30 ёшини тўлдирияётган кунда ўз хонасида ҳибсга

олиниши ҳеч ҳам тасодиғий әмас. Балки бу рамзий сана ҳақиқатчининг издоши бўлгани учун, пок ва расмана яшаётгани боис азобга маҳкум этилгани деб тушуниш керак. Зоро, яхудийлардан чиққан сўнгги пайгамбар, Парвардигор томонидан Инжил нозил қилинганд Исо Масих айни ўттиз ёшга тўлгач, Ҳақ динга даъват қилишини бошлигандада, худосиз, худбин, адашган, бузгунчилар тўдасига тўқинади. Исо алайҳиссаломни бадкирдорлар жазоламоқчи бўлгандада кўкка кўтарилди. Йозеф эса... насронийларнинг ақидаси бўйича бадном бўлиши, ўлимга маҳкум этилиши керак, деб билади Кафка.

Қолаверса, Йозеф К. кўз очган фурсат бошқа бир давр. Унда айниқса риё ва ёлгон, фахш ва ахлоқсизлик, текинхўрлик ва зўравонлик бошқа бир кўринишида намоён бўлади. Уларни пайқаб олиш жуда қийин. Ошкора әмас, зимдан иш кўргувчи бу иллатлар ҳаддан урчиши, авж олиш хавфи кучайган янги бир замоннинг тонг отари. Ана шу қалтис ва янгича шароитда ўрганолмай, кўниколмай ва мослашолмай, ҳалол ва ҳақгўйлигича қолган Йозеф К. жиноят қилмай, айби топилмай, олий жазога мустағриқ бўлиши кўрсатилган экан, Исо алайҳиссалом воқеаси ҳамон тилдан тушмасдан ҳар хил талқин қилинганидан қатъи назар Йозеф К. фожиасидан ҳам инсон бирон-бир сабоқ чиқарishi, ҳушёр тортиши, баттолларнинг ўюшиб ҳаракат қилаётганлигини англаши керак-да.

Афсуски, шубҳа ва гумонларнинг қўли баланд жамиятда инсонга нисбатан ишончга дарз кетади. Тафсилоти арзимас ва ноаниқ воқеа ҳам пок бир кишининг номини зумда қорага чаплаш қудратига эга бўлади. Одамлар бунинг рост-ёлгонлигига әмас, изланиб, тагига етилган ҳақиқатга

эмас, эшиштганларига, шубхаларга ишонаидилар. Бир-бирларига яхшилик согинмай қолгандаридан ташқари яхшилиги минг бора да лилланган кишидан ҳам ёмонлик кутуб толмайдилар. Шу хатти-ҳаракатлари билан теграларидағи яхшиларни яккалаң, ўз бадгумонликлари билан уларни ҳалокат чохига итаришаади. Ана шу бадгумонликнинг рухий таҳлили «Жараён»нинг ичидаги бир жараён. Жамиятнинг таназзули бу. Кишилар қалби касаллигининг дараги бу.

Қайсики муҳиттә энг олий түйгүлар сийқалашса, охирги ўринга түшса, истаган пайттә улардан воз кечилаверса, инсоннинг ҳабиблиги бой берилади. Шахснинг ёлқин шуъласи ўчади. «Жараён»да қатор аёллар галереяси бор. Чина-кам аёлга хос латиф, жон берар фазилатлар билан бу аёлларнинг тутуми, турмуши, дунёқараши ва хусусан меҳри, севгисини солиштирилса, ана шу бузгун, йўлдан чиқиши ва тубанлик ботқогига ботиши, иккюзламачилик ва хиёнат ҳар бири тимсолида дунёни ағдар-тўнтар қилиши намоён бўлади.

Романда яна шундай образлар борки, адаб улар тимсолидаadolatciz ва зўравон жамияттә ноҳақлик, алдов ва макр ҳисобига қўланса бир жонивор каби яшаётган, лекин ўзини ҳақ ваadolat ҳимоячиси билган, зоҳирий носамимий меҳрибонлиги билан жабрдийдаларнинг қонини сўрадиган янада ифлос, баттол бир тўданинг юзидан никобини сидиради. Булар адвокат ва унинг оқсочи Лени, рассом Титорелли, ҳатто руҳоний ҳам.

Кўпинча жамияттә бир киши ҳақида «яхши» ёки «ёмон» деган юзаки гап-сўз, миши-мишилар ҳуқмрон бўлади. Бу алдамчи, гаразли тўхтам кишини адаштиради, нотўгри хулосалар чиқаришига ундаиди. Франц Кафка деган фавқулодда

ижоднинг асоси эса ким аслида кимлигини кўрсатишда намоён бўлади. Қаранг, адвокат кўп жиҳатдан оқловчи – омма назарида ноҳақ айбланганларни қонун йўли билан оқлаб, ҳақиқат тантанаси йўлида курашувчи киши эмасми? Аммо ҳаётда бунинг тескарисини қиласидиганлар ҳам бор экан. Зўравон ва тажовузкорларнинг макри нафсини қондиришига қўл келишини билган адвокат Гульд қашшоқларга ёрдам бергувчи сиймосига киради-да, ўзининг писмиқ фаолияти билан ноҳақ айбланганларни моддий томондан шилади, маънавий томондан эса ҳурлик хаёлидаги қалби уйгоқ кимсанинг Аллоҳ инъом этган фазилатларини имкони борича ўзининг кўзига хунук кўрсатиб, юрагига кишан солмоқчи бўлади. У аслида оқловчи эмас, қораловчи, ноҳақликни оқлаб, ҳақиқатни қораловчи, яхшиларни бадном этувчи, ростгўй ва ҳалолларни айни шу фазилатлари учун маломат қилгувчиидир. Ҳатто бу йўлда у ҳеч бир пастлик ва разилликдан тоймайди. Оқсочи ва ўйнаши Ленини уникига ноилож келиб-кетувчиларга қўшиб қўйиб-да, ўз режасини амалга оширади, гоясини сингдиради.

«Айбингизни бўйнингизга олинг! Ҳеч бир қаршилик қилманг».

Нима қилишини билмай боши қотган Йозеф К. фабрикачининг таклифига кўра рассом Титореллиникуга умид билан йўл олганини биласиз. Бу саҳна билан ҳам кимнинг аслида кимлиги жараёни янада чуқурлашади. Ижодкорни инсоният нега эъзозлайди? Аввало, санъат асари ҳақиқатнинг бетимсол ифодаси бўлсагина яшашига ҳақли бўлади. Эзгулик билан сугорилган, бош гояси маърифат бўлган асаргина тўғри ва яхши яшашига кўмаклашади, кўнгил мулки си-

фатида яроқли ҳисобланади. Кафка Титорелли тимсолида биргина ҳақиқий санъаткор довруги, ҳұрматида неча бир ўртамиёна, ўз эътиқоди ва мақсадига эга эмас, лекин ижодкорман, деб күкрагига үрадиган, аллақачон зулмга құлни берган аянчы, тубан кимсаларнинг жамиятни қанчалик булғаётганини ёритади.

Худди шу айбсизларни айбдор қилиши, маънавий мұхит ишончли деб аллақачон қабул қилған кимсаларнинг ёвузылған машинаси құлнида құйғирчоққа айланғани, золимларнинг шериклари бўлиб олгани босқинчилар иш услуги үзгаргани ҳақида «Жараён» таъсирли ҳужжатдир.

Охири бориб, тасодиғандай қилиб тұйқнаштирилған, аслида мұқаррар бўлиши лозим Йозеф К. билан руҳонийнинг сұхбати, шунчалик нишонга урилған замбаракки, Кафка аён этган хавфнинг илдизи қаердан ўсіб чиққаны, шуурни туртиб үйготади. Тафаккур қилиш учун яратилғанимизни хотирлатади. Ҳар бир маънавий мұхитнинг йўл бошловчиси бўлади. У жисмимизга эмас, қалбимизга ҳукмронлик қиласи. У қалбимизнинг мураббийи. Үнинг ўғитлари бизни тарбиялайди. Бу тарбия Ҳаққа элтса, биз најот топамиз, ноҳақликка бошлиласа, икки дунё ҳалокатига учраймиз. Шундай сарбон – руҳоний-ку.

Бироқ руҳоний билан Йозеф К.нинг тұйқнашувидағи диндорман деган имонсизнинг мұқаддас қалом таянчидаги иддаоларию донишманднамо зугуми... айбсиз айбдорнинг ўзини оқлашига уринишдаги виждони поклиги нима билан яқунланяпты? Руҳоний үнда йўқ айби учун тавба қилдирмоқчи бўлади, у эса ҳамон ҳақлигига ишончини йўқотмай, йўлидан адашғанлар тавба қилиши керак деб айтса, руҳоний үнинг жиноятини бил-

май туриб, нима дейди денг: «Жамият назарида сен адашгансан, адашган ҳисобланасан».

Ҳа, бузгун, разолат ва ноҳақликка ботган, шу йўсинда иш кўражак нопок жамият назарида Йозеф адашган ҳисобланади, айби йўқлиги, гуноҳсизлиги боис ўлимга маҳкум этилади. Энг даҳшатлиси инсоният маънавий оламининг таянч нуқтаси ҳисобланган, асрлар бўйи шундай таассурот уйготган диндор киши – руҳонийнинг ана шу нафс – мурдорлик илинжида шайтонлар жамиятига сотилишидир. Шундай жамиятда кишилар кимга ишонишисин? Қайси меҳробга бош урсин? Кимнинг ҳимоясида жон сақласин? Кимдан куч ва руҳ олиб, ёвузликка қарши курашга чиқишисин?

* * *

XX аср Европа насрини уч наҳанг кўтариб турди. Бу Жеймс Жойс, Франц Кафка, Мерсель Пруст деб эътироф этишади гарб адабиётшунослари. Бу дунё адабиётида янги бир йўналишига асос солган уч адабнинг хизматларига ўзига хос баҳо. Қизиги қарийб бир даврда, узоги билан ўн беш йил орасида (1914–1929) уч адаб уч жойда Кафка Чехияда немис тилида, Пруст Парижда француз тилида, Жойс эса Ирландияда яшаб, инглиз тилида битган, бир-бирига ўхшамас асарлар яратиб, янгича адабий воқеликни инкишиоф этдилар. Кафканинг «Жараён» ва «Қўргони», Марсел Прустнинг «Бой берилган вақтни излаб» туркум романлари (улар еттита) ёки Жеймс Жойснинг «Улисс» ёки «Фенниганнинг маъракалари» романлари бадиий кашфи, адабий услуби, ҳикоя тарзи, мавзу ва воқелиги билан бетакрор янги инишоотлар бўлди. Аммо ички руҳий, умумий адабий ҳодиса сифатида бир дунёни тўлдирга-

ни, айниқса, ҳаётни күздан қочирмаган ҳолда инсоният маънавий меросининг, хусусан Европа маданияти, адабиётидан хомашё сифатида фойдаланиб яратилганилиги билан бир йўналиш – модернизм сифатида майдонга чиқди.

«Модернизм инжили» деб довруқ соглан Жеймс Жойс ижоди, хусусан, «Улисс» романи ҳеч шубҳасиз шу пайтгача дунё адабиётида кузатилмаган бадиий қашфиёт намунаси. Бу Онг ости ҳодисасининг очилиши. Яъни, бир вақтнинг ўзида зоҳирдаги воқеа, фикр, ҳатти-ҳаракат, мулоқот билан биргаликда, ботинда кечадиган, шуурда бирлаҳза ёниб ўчадиган фикрлар шиддати, дардлашиши, эслов ва ҳоказоларнинг манзараси ҳақидағи бадииятдир бу. Жоиснинг бу қашфиёти фикр тараққиётининг янги олами эди. Уни қадимги юонон адабиётининг машҳур асари устунларига монанд ясади. Ҳомернинг «Одессея» эпоси бу учун асос бўйлиб хизмат қилди. Даставвал «Улисс»нинг боблари ҳам айнан «Одессия»дагидай номланди. Кейин бу боб номлари олиб ташланган бўлса-да, «Улисс» ҳам ўн саккиз боблигича қолди ва Одессейнинг дунё бўйлаб дарбадарлиги бир шаҳар Дублин миқёсига торайтирилди. Одессейдан фарқли ўлароқ Блумнинг изгишида дарбадарлик замони ҳам қисқа. Бир кеча-кундузда бутун умрдан-да ортиқ руҳоний воқеаларни бошидан кечиради. Аммо моҳияттан Блум бари бир Одессейнинг издоши сифатида зоҳирлан йўргалатилганини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам бадиий тафаккур ҳақида ҳам бошқотирган лингвистларнинг фикрига кўра, бу икки асарнинг номи бир хил, «Улисс» атамаси юонча «Одессия»нинг бузилиши, тўғрироги, бошқа тилга бироз ўзгариб аталишидир. Албатта, бу фикр билан биз Жойс Ҳомердан сюжет шаклини ўзлаштирган демокчи эмасмиз.

Аммо модернизм йўналишидаги асарларнинг бўртиб кўзга ташланадиган жиҳатларидан бири уларнинг шакли, воқеа қўрилмаси ҳаётнинг ўзидан эмас, инсониятнинг маънавий меросга айланган воқеа ва шахслар тарихи нишон сифатида топилганлиги ва танланганини айтмоқчимиз. Бу эса янги, ўз замонидаги инсонни тадқиқ қилишига қўл келган.

Худди шундай Марсел Пруст романларида бошқача бир тарзда Европа тарихида шов-шувли, унумилласи, мусибатли воқелар энди персонаж сифатида олиниб, XX аср кишилигининг маънавий инқирозлари тан тортмай очилади. Кечмишининг хаёлда, хотирада тикланиши, ўша замонларни излаш орзуси, бой берилганлик армонининг қатлам-қатламлари бадиий янгилик ва тирилган эскилил: маънавий-руҳоний таназзул ва инсоний изтироб сифатида кўз очган.

Бироқ ана шу китобхондан маълум тайёргарлик талаб қиласидиган, маънавий замини мустаҳкам зиёлилар учун талафоти кам, азбаройи ўз бадиий ҳақиқатини тўла етказиш илинжидагина бежалган тафсилотлар борки, улар илк ўқувчилар даврасидаёқ мунозара ва норозиликка учради. «Улисс»ни чоп этиши анча йиллар тақиқланди, Прустнинг эса вафоти кўп гавголардан уни халос этди... Зоро, уларда маънавий, ахлоқий мезонларга дарз солган ўринлар кейинги оммавий адабиёт вакиллари ва иштиёқмандаларининг тегирмонига сув қўйғанидан ҳам энди кўз юмиб бўлмайди...

Кафка насрининг олий мақоми ва чин инсонпарварлиги ана шу гулувлардан холилиги ҳамдир. Қолаверса, мураккаб, кодланган ва ҳайбатли модернизм ҳодисаси Франц Кафка насрiddа бошқача кўринишда кўз очган. Бир ўқигандা

Йозеф К. теграсида бораётган жараён зоҳирдами, ё ичида бўляпти, билиши қийин, биридан иккинчиси ўтиб кетавериши билан бу ҳолат янада мураккаблашади. Ва онг ости, онг усти фикр ва шуур ҳаракати, бир неча қатламли воқеа шу пайтгача ақлимииз кўрмаган, тасаввуримизга тушибаган үммон теранлигида ўзгараётган фикрниг нималигини дард билан англатади. Сўнгра айнан Кафкада рамзилаштириш маҳбати шунчалик кучлики, қадим ҳинд адабиётидаги «Калила ва Димна»даги адабий услугуб ҳайвонларни одамча сўзлашининг бутунлай акси «Эврилиш» новелласида Грегор Замзанинг энди одамдан жониворга айланishi «Калила ва Димна»даги хавфдан ҳам ортиқроқ хавфдан бизни огоҳ этиб, янги адабиётга асос солди. Аммо бу ҳеч ҳам урф учун ёзилган, янгилик яратай деб атайнин ўйлаб топилган ҳодиса эмас. Балки фикр ва тасвир тараққиётida мавжуд, шарт, керакли жараённинг ойдинлашиши, тилсимланган инсон юрагига кириш эди.

Ҳақиқатан ҳам, шу уч адаб, уларнинг издошлиари сифатида кўз очган Фарбу Шарқнинг А.Камю, Беккет, Т.Манн, Л.Андреев, Канетти, Г.Маркес каби забардаст адаблари насри жамиятнинг осонлик билан англаб бўлмайдиган ботиний эврилиши, жоҳилият ва хунрезлик, хулқий аброрлашишининг ниқобланган қиёфасини ақл шошадиган даражада нозик шуурда чизиб бера олдилар. Кейинчалик абсурд адабиёти деб ном олган, яшаши маъносидаги маънисиз кечмишларнинг исми бўлган бадиият яна бир қадар олдин кетиб, ўқувчининг кўзини очди. Аммо бугунга келиб дурдонага айланиб улгурган бу асарлар маънисизликни тарғиб қилган, дейши тушунмасдан эски гапларни қайтариш, хатолик бўлади.

Кейин менда роман таржимаси, унинг илк наширлари, қайта ишилаш жараёнида айтса фойдадан холи бўйлмас бир қатор фикрлар тұгилди. Буларни адабий муҳитимиз мақомини күтариши, бадиий мутолаа савиямизни ошириши, гўзал бир тарзда китобхонлик саводимизни шакллантириши қайгусида самимий қабул қиласлар деган умиддаман.

Нега адабиёт эмас, адабиётнинг шухрати қизиқтиради бизни? Нега адабиётни эмас, мода, урф бўйлган нарсани биллишини истаймиз. Адиг Хуршид Дўстмуҳаммаднинг мақоласидан кейин бир тенгдош дўстимиз келиб, Толстойни ҳам бунчалик мақташмаган эди. Кафка шунчалик баланд мақомли ёзуечими, деб сўради. Толстой ҳимоячиси учун на Толстой ижоди, на Кафка ижоди аҳамиятли, уни ўзи билмаган нарсанинг гапирилаётгани гашини келтирган эди. Кафкани англаши Толстой даҳосига соя сололмайди. Қолаверса, доҳиёна фикрлар ҳажм, маҳобат билан ҳам белгиланмайди. Шу жиҳатдан инсоният олдида Кафканинг хизмати Толстойникидан кам эмас. Биз фақат бундан хабардор бўлишимиз керак.

Яна шундай китобхонлар гуруҳи бизда ҳам шаклланиб бўлаёздики, улар бадиий асарни худди баъзи ур-йиқит фильмларни кўраётгандай ҳеч нарса ҳақида бош қотирмай маза қилишини исташади. «Э, шуям асарми деб отиб юбордим, аммо бошқалар мақтаверишигач, яна қўйлимга олдим, аммо ўша маза қаерда, бари бир билолмадим», деган кишилар бўлди. Очиги, «Жараён» эрмак учун, ҳордиқ чиқарии учун чарчаганда ўқиладиган китоб эмас. «Жараён» мутолааси фикрлаш, шуур ва ҳисларни-да ишга солиш машгулоти. Шунда биргина матн остидаги реал ҳаёт, унинг руҳоний жараёни, ҳикмати, рамзи,

шүнчалик кишини мутаассир этадики, унинг оҳанги, ҳар бобда қайта-қайта нақаротдай эслатиладиган бош мақсади, яшаши маъниси бўлган фикрлари маънавий озуқа бериш қаторида ҳам руҳиятни азоб ва қувончга ташлаб роҳатлантиради. Тўғри, одам табиатан некбин: ёргу, кўнглига қувонч багишлайдиган нарса-ҳодисаларни яхши кўради. Аммо кишини беҳуда кулдирадиган ҳодиса қалбни қотиради, кўнгилни ўлдиради. Теваракка, газет-журналларни ўқиётган, ойнаи жаҳонни кўраётган томошабинларнинг кўпини кузатаман. Қизиқчиликка маҳлиё, латифа, ҳажвия ўқиб ҳордиқ чиқаришмокчи бўлишади. Ҳикматли гапдан кўра латифа айтиб бир-бирининг кўнглини хушнуд қишлоқча уринади. Мен умуман буларга қизиқилмасин, демокчимасман. Лекин шу масҳараబозликларга ружу қўйилди. Шу боис ҳам худди шу кўзбўямачилик, бачканалик қалбларни эгаллаб олди. Ҳатто бошлангич синф болалари ҳам бир-бирига анекдот айтадиган бўлди. Бунинг бирон-бир фойдаси тегяптими? Афсуски, болалар тарбияси, одобидан кўнглимиз тўлмайди. Ҳадиси шарифда эса виқорнинг белгиси мунг деб марҳамат қилинган. Биз қайгуга ботганимиздагина ҳаёт қонунларини теран англаб етамиз, кўнглимиз ниносини эшиштамиз. Оммани, эрмакталаб, томошага ўч оломонни қўяйлик, тузуккина баъзи адабиётшунос дўйстларимизнинг Кафка ижоди бадбин, мавҳум, тушкун, ёргу нарсалар ҳақида ёзса бўлмасмиди, деб айбловлар қўйиши назаримда ҳеч ҳамadolатдан эмас. Ҳатто ҳақоратдай түюлади. Кафка ижоди, айниқса, «Жараён» романнада туйганим – улуг бир дард борки, у Йозеф К. тимсолида айнан ёргуликка интилади, қувончи согинади, шу изланишда, согинишида ҳаддан

*ташиқари мард бўлиб кетади, мутафаккирга айланади. Асарнинг охиригача давом этган, сўнгги саҳифасида ҳам рамзан юракни ёқадиган мана бу жумлали асар наҳотки бағбин бўлса: «**Унинг нигоҳи тош конига туташиб кетган уйларнинг юқори қаватига тушиди. Худди чироқ лоп этиб ёнганидек бирдан ўша юқоридаги деразалардан бири ланг очилиб, олислигидан бўлса керак, кичкина ва нимжон кўринадиган бир киши бирдан шиоддат билан олдга эгилди ва қўулларини янада олдинроққа чўзди. Ким бўлди у?**» Ахир бу тасвирнинг ҳар бир чизгиси, ҳатти-ҳаракати умиднинг, тирикликнинг фикрчан рамзи-ку!*

Айримлар адабларни ҳам миллатига қараб айиради. Тўғри, амали тўхтаган динлар, миссионерпарат, хусусан, яхудийча гоялар хавфли. Улар дориган жамият издан чиқади. Лекин бу дегани яхудий миллатидан чиқсан ҳар бир шахснинг теран, тўғри, фойдали фикрларини рад қилиш керак дегани эмас-ку. Франц Кафка ни ҳам яхудий бўлгани учунгина ижодини билмасдан рад этадиган бўлсак, ўз қобигимизга ўралганча қолаверамиз. Қолаверса, динимизда миллат ажратилмайди, инсон ажратилмайди. Амалига қаралади, эътиқоди ҳисобга олинади. Ҳатто Франц Кафка ижоди ноинсоний, инсоннинг олий туйгуларига ёт деган қарашибдагилар бор. Рост, мен Кафка ижодини тўла билмайман. Ўқиганларимда баҳслашадиган, шахсий мулоҳазаларида кемтиклар, ўзига хосликлар учради. Аммо «Жараён» боис шуни барагла айтишим мумкинки, Франц Кафка ижоди ноинсоний деб баҳо бериш, инсониятнинг маънавий ҳаётидаги хавфлардан огоҳлантирган катта адабга нисбатан туҳмат.

Эркимиз ҳақида ўйлатадиган, жохил ва но-
дон, жиноят йўлида бирлашадиган, Ҳақ амри-
га тескари иши қиласидиган тўйдаларни аянчли ва
жирканч кирдикорларидан сўзлаган асарни ол-
монми, яхудийми, инглизми, арабми, ким ёзган
бўйлласин, воқиғ бўлайлик! Бу маънавий та-
раққиётимиз учун жуда зарур. «Жараён» шун-
дай асарлар сирасидан.

Мард санъаткор, оқил, кароматгўй, дардманد
ва дардкаш адаб, домла Кафка фикрларингиз билан
неча йиллар нафас олдим. Аслида, бу руҳо-
ний ошнолик, ҳамдардликнинг боши бору, адоги
йўқ. Сизнинг чин инсонлик изтиробингиз энди
бизники ҳам. Сиз барпо этган бадиий оламда биз
ҳам яшаймиз. Рози бўлинг. Бир куни ҳаммаси
учун жавоб беришга тўғри келади!

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

МУНДАРИЖА

Ҳаракатдан тўхтаган «Жараён» қиссаси
(Сўзбоши. Хуршид Дўстмуҳаммад) 3

ЖАРАЁНМ

Биринчи боб. Ҳибс. Фрау Грубах, сўнгра	
Фройлен Бюрстнер билан суҳбат	20
Иккинчи боб. Терговнинг бошланиши.....	63
Учинчи боб. Бўм-бўш мажлисхонада. Талаба.	
Девонхона	87
Тўртинчи боб. Фройлен Бюрстнернинг	
дугонаси.....	124
Бешинчи боб. Мирғазаб	136
Олтинчи боб. Амаки. Лени	146
Еттинчи боб. Адвокат. Фабрикачи. Рассом.....	178
Саккизинчи боб. Тижоратчи Блок.	
Адвокатни рад қилиш.....	253
Тўйқизинчи боб. Ибодатхонада.....	301
Ўнинчи боб. Хотима	335
Отамга хат.....	343
Ҳаракатдаги «Жараён» қисмати (Сўнг сўз	
Вафо Файзуллоҳ).....	423

Адабий-бадиий нашр

ФРАНЦ КАФКА

ЖАРАЁН

(Роман)

Мұхарріп
Маъмурғұл ҚУТЛИЕВА

Бадиий мұхарріп
Үйгүн СОЛИХОВ

Мусаҳҳих
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхарріп
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10.да
берилган.

Босишига 2016 йил 26.01.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 14,0 Шартлы босма табоги 23,52
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қороз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 32.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87 факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlod@mail.ru